

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ  
САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДЌИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИСҲОҚ РАЖАБОВ

МАҚОМЛАР

Тошкент 2006

85, 314 ВОКЗАЛ МУСИҚАСИ



ЮНЕСКО ва Марказий Осиё мумтоз мусиқаси - Шашмақомни  
асраш бўйича Япония Траст Жамғармасининг ҳамкорликдаги лойиҳаси

UNESCO / Japan Funds-in Trust Project for  
Safeguarding the Classical Music of Central Asia – Shashmaqom

Нашрга тайёрловчи ва маҳсус мұхаррир -  
*Оқилхон ИБРОҲИМОВ*

Таҳрир ҳайъати –  
*Файзулла КАРОМАТЛИ, Акмал РАЖАБОВ, Рашидан ЮНУСОВ*

Ушбу илмий монографияда Шарқ мумтоз мақомлари тарихи, уларнинг бизгача етиб келган Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига доир илмий-назарий муаммолари ва айрим ижрочилик масалалари ёритилади.

Мусиқашунослар, санъатшунослар, маҳсус мусиқа ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, шунингдек мумтоз мусиқа ихлосмандлари учун мўлжалланган.

20\_08  
322  
Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-322-05-9  
“SAN'AT” нашриёти

32809  
491



**ИСХОК РАЖАБОВ**





## МАҚОМШУНОС АЛЛОМА

Абдурауф Фитратнинг 1927 йили чоп этилган "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" номли рисоласи мұқаддимасыда: "Ўзбекларни ўрганиш құмитаси сүнгги йилларда ўзбек тилига, адабиетига ва тарихига оид аңчагина маълумот түплаб, яхшигина натижалар чиқаришга мұваффақ бўлса-да, ўзбек мусиқамизга тегиши жиiddий татаббуъотда бўлина олмади". дея әътироф қилинади. Бунинг асосий сабаби эса "бу соҳада ишлай олатурғон, яъни аслий маънода мусиқа назариясини билатурғон ва Шарқ мусиқасининг ҳусусиятларига воқиф мусиқашуносларнинг йўқлигига" эканлиги афсус ила таъкидланган\*.

Бу ўринда шуну айтиши керакки, ўзбек халқ мусиқаси ва унинг мумтоз намуналари бўлган мақомларни атрофлича илмий тадқиқ эта оладиган мусиқий шарқшунос олимларни етиштириш масаласи ўша 1920 йиллардаёқ ҳаётий заруратга айланган бўлса-да, бироқ бу долзарб муаммio дебярли 40 йилдан сўнг тўйла-тўйкис ҳолда ўз ечимини топди. Бунда, ҳеч мубоблагасиз, санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ризқиевич Ражабовнинг (1927 - 1982) илмий-ижодий фаолияти асосий ва ҳал этувчи ўрин тутган эди. Чунки айнан Исҳоқ Ражабов шахси тимсолида мазкур соҳа учун мұхим турли мутахассисликлар (музиқашунос, манбашибеси, филолог, шарқшунос) ўзаро уйғун намоён бўлди. Исҳоқ Ражабов бир томондан машҳур Ражабийлар сулоласининг ёрқин вакили, ишик мақомдон, танбур ва дутор созларида моҳир ижрочи бўлса, иккинчидан – олим форс-тожик тилини мұкаммал әгаллаган, мумтоз шеърият (аруз) қонун-қоидаларининг пухта билимдони ва айни вактда ўтмишига оид араб имлосида битилган ёзма манбаларни, шу жумладан, мусиқий рисолаларни ўқиб, уларни юқори малакали даражада шарҳлай оладиган мутахассис эди. Бунинг устига И. Р. Ражабов зўкко олим, кенг кўламли изланишларга мойил истеъдод соҳиби эканлигини қўшиб қўйсак, у ҳолда устоз олиб борган тадқиқотлар натижаси нечоглиқ самараати бўлганлиги сабабларини англаб олишимиз мушкул бўлмайди\*\*.

Закий олимнинг айниқса устозона мусиқанинг энг мураккаб ва мукаммал тимсоли бўлган мақомлар бобида теран ва чин қомусий билимга эга эканлиги мутахассислар томонидан шак-шубҳасиз тан олинган. Масалан, бу борада устознинг 1963 йили нашр этилган "Мақомлар масаласига доир" номли монографик тадқиқоти фикримизнинг далили бўла олади. Ушбу салобатли илмий асар мазмунида, жумладан, Шашмақом мажмусаси дастлаб касбий (сарой) мусиқасида кенг ўрин тутганлиги, Ўн икки мақом тизимининг табиий ривожи ўлароқ шаклланганлиги ҳамда унинг парда-

\* Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т., 1993, 3-бет.

\*\* Исҳоқ Ражабовнинг ҳаётини илмий-ижодий фаолиятини ўрганишда қуйидаги нашрлар ўти-борга сазовордир: Юнусов Р. Исҳоқ Ражабов – XX аср мақом алломаси. Тўплам. Санъатшунослик масалалари. Т., 1998; Орипов З. Устоз ва олим. «Ражабийхонлиқ» илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 1994.

түзук, күй-оҳанг, зарб-усул, авж-намуд ва бошқа шаклий түзилиш қонуниятлари айнан ана шу яхлит тизимининг таркибий қисмлари эканлиги узил-кесил равишда ўз ечимиға келган. Шунингдек, тадқиқотда мақомот тизимининг ўзга шакллари бўлган Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент йўлларига оид қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг Шашмақом билан ўзаро boglaniш мұносабатлари хусусида ҳам малакали кўрсатмалар баён этилган.

Дарҳақиқат Исҳоқ Ражабов мақомларнинг амалий ижрочилигини пухта билгани ҳолда бу мураккаб санъатнинг тарихий ва назарий мұаммоларини ўзида мұштарақ этган илмий концепция түзишга мұваффақ бўлган эди. Иттифоқо, устоз-олимнинг ҳозирда камёб ва илмий ноёб бу китоби ўтган асрнинг 60-70 йилларида фавқулодда мұхим аҳамият қасб этганлиги яна шундаки, у ўзга маданият қийматлари ва шубҳалы "оқимлари" бизда ҳам устувор бўлишига расмий мұносабат билдириб турилган бир вактда маданиятнинг синфилиги ва оврўпопарастилик гояларига ҳамда уларга асосланган мақомлар хусусидаги "ўтмии қолдиги", "рекакион феодал санъати", "моҳиятини йўқотган зерикарли санъат" қабилидаги қарашларга қарши ўткир тиг бўлганди. Айни пайтда эса ушбу монография санъат бобидаги азалий миллӣ қадриятларимизни эъзозлашга, ўзлигимизни англатига қаратилган илмий услубдаги жўшқин бир даъват ҳам эди.

И. Р. Ражабовнинг кенг қуррали олим ва миллӣ анъанавий мусиқа борасида йирик мутахассис эканлиги бу соҳада мавжуд бир қатор чигал мұаммоларни тўғри ечимга келишида яққол намоён бўлади. Чунончи, мақомларнинг келиб чиқиши масаласи мусиқаиунослик фанида баҳсли мавзулардан бири бўлиб, аксарият олимлар уларнинг күй негизларини тўғридан-тўғри араб-форс мусиқасига алоқадор, деб таҳмин қилишар эди. Исҳоқ Ражабовнинг тадқиқотлари асосида эса мақомларнинг ҳалқ мусиқаси негизида вужудга келиши ҳақидаги илмий фаразлар нисбатан муқим тус олди. Устоз олимнинг теран қузатувларидан маълум бўлишича, мақом туркумлари "умуман ҳалқ мусиқаси бойликлари базасида яратилган ва улар асосида доимо бойиб ва тақомиллашиб боради ҳамда ўз наебатида ҳалқ мусиқа маданияти тараққиётига баракали таъсир кўрсатади"\*. Алломанинг ҳозирда мутахассислар орасида кенг маълум ва машҳур ибораси: "Мақомлар – бу ҳалқлар мусиқасининг классик услубидаги намуналари"dir, - дея таъкид этган сўзлари ўзида бир олам маъноларни мұжасам этганлиги билан кишини лол қолдиради.

Бошқа бир мисол. "Мақомлар масаласига доир" китоби нашр этилгунинг қадар олимлар орасида "Шашмақомнинг туркум сифатида шаклланиши XVI асрда рўй берган" деган фикр қабул қилинган эди. Аслида бу фикр профессор А. А. Семеновнинг Шарқиунослик институтидан сақланаётган 1466-сонли қўлёзма устидан чиқарган хато ҳолосаси билан бөглиқ юзага келган. И. Р. Ражабов бу қўлёzmани синковзлик билан қайта текширади

\* Ражабов Исҳоқ. Мақомлар масаласига доир. Т., 1963, Ўзбадабийнашр, 126-бет.

екан, аввало құләзма икки асардан иборат эканлилигига эътиборини қаратади. Шулардан бири Үн икки мақом ва Кавказий ҳақида баъзи маълумотларни ичига олса, иккинчиси эса "XVI асрда эмас, балки Бухоро амири Насруллохон ұжымрон бұлған даврда түзилған Шашмақомга айтылған шеър матнларини ўз ичига олғанди".

Эътиборли жойи шундаки, олим А. А. Семеновнинг бу құләзма хусусидаги хато фикрини күрсатышда биргина шу далилнинг ўзи билангина чекланиб қолмайды, балки ўзининг манбашунослик маҳоратини тұла-түкис намойши этади. Жумладан, "Шашмақомга айтыладиган шеър матнлари орасыда XVII - XVIII асрларда ижод этған Бедил, Машраб, Сайидо, Зебуннисо. Нозим каби шоирларнинг газаллари ҳам фойдаланылғанлыги юқоридаги тұплам XVI асрға алоқаси йүқлигини исботтайды"\*\* – деб ёзади ўз китобида И. Р. Ражабов.

Бундан ташқары, олимнинг фикрини құвватловчи құшимча далиллар ҳам бор: "Үрта Осиёда XVIII асрғача ёзилған мусиқа рисолаларида Үн икки мақом устидагина ғап боради. XIX асрларғача ёзилған мусиқа манбаларыда Шашмақом ҳақида бирор оғиз әслатиб ҳам үтілмаган... Демак, XIX асрда Шашмақом кенг ёшылған, XVIII аср эса унинг узил-кесил шаклланған даври эди, деган хуносага келиш мүмкін"\*\*\*. Ушбу мисол И. Р. Ражабовнинг ёзма манбалар устида нюхоятта масъулият билан жиіддій иш олиб берген илмий шархлари ва изланишлари ҳозирда маҳсус олий ўқыв юртларыда мұстақил фан сифатида жорий әтилған мусиқа манбашунослиги тармогига жиіддій асос бўлди.

И. Р. Ражабов илмий меросини ўрганар эканмиз, унда ўқувчини мушоҳадага ундовчи айрим ўзгача тамошлар борлигини ҳам күрамиз. Масалан, устоз-олим мақомларнинг асосан шакл-түзилиш қонун-қоидаларини илмий асослаб берганни ҳолда, бироқ бу салобатли санъатнинг маънолар тиизими масаласини деярли "четлаб" үтганилиги маълум бўлади. Бунга яқин ўтмиши ұжымрон мағкураси тұсық бўлгани аён. Зеро мақомлар мазмунидан исломий дунёқараш ва тасаввуфона ғоялар инъикосининг очиқ-ойдин баён әтилиши шуро түзуми даврида анча мушкул иш эканлиги изоҳ талаб этмайди. Аммо бу ўринда ҳам И. Р. Ражабов мақомлар моҳиятшини ўзгача үсуллар билан-да ифода этиб үтганилигининг гувоҳимиз. Алалхусус, устоз-олим ўзининг "Мақомлар" номли йирик тадқиқоти құләзмасыда мусиқаның келиб чиқиши масаласыда турли таҳминларни баён этиб ўтаркан, шу фурсатда "Шерозий ва Жомий "төвушларни Оллоҳнинг инояти" деб қарайдилар ва бу масалани баъзан Илоҳиятга бօғлаб тушунтирадилар", деб изоҳ беради\*\*\*\*. Бу фикрнинг мантиқий ривоҗи пиравардидан ма-

\* Үша адабиёт, 125-бет.

\*\* Үша адабиёт, 125-бет.

\*\*\* Үша адабиёт, 124-125бетлар.

\*\*\*\* Ражабов Исҳоқ. Мақомлар. (құләзма), СИТИ кутубхонаси, инв. №843, 21-бет.

қомларнинг мазмуну ҳам исломий эътиқод билан бөглиқ бўлиб чиқади. Чунки Қутбиiddин Шерозий ва Абдураҳмон Жомий ҳазратлари тасаввуф таълимотидан келиб чиққан ҳолда мақомлар илмига доир маҳсус рисолалар ёзib қолдирган эдилар.

Алоҳида таъкид жоизки, Исаҳоқ Ражабов тадқиқотларида ҳозирда айни долзарб, шўро даврида эса ниҳоятда қалтис ҳисобланган “ислом ва мусиқа” мавзуи ҳам эътибордан четда қолмаган. Маълумки, бу масалада ҳукмрон мағкура йўлбошчилари иложи борича ислом динини асоссиз қоралаш йўлини тутуб, олимларнинг дижқатини ҳам шунга “қаратар” эдилар. Ҳусусан, И. Р. Ражабовнинг юкорида зикр этилган китобида ҳам ана шу гоявий тазиий остида битилган сатрлар учрайди. Аммо бу каби сатрларни ўқиганда ҳулоса чиқаршига шошмаслик керак, негаки олим бу кўламдаги мавзуни баён этишда ўзига хос усулини танлаган эди. Шундайки, “ислом ва мусиқа” мавзуи муносабати билан бир-икки жумлаларда ифода этилган фикрлар китобнинг кейинги саҳифалари мазмунида ўзгача тарзда ечимга кела бошлади. Мана шунга доир айрим хос мисоллар. Китобнинг 98 бетида: “Ислом дини идеологияси Ўрта Осиё ва Хурсонда тарқалгандан кейин дунёвий фанлар, адабиёт, санъат ва айниқса мусиқа маданийти тараққиётига катта тўсиқ бўлди”, дейилади. Аммо китобнинг кейинги саҳифаларида бунинг аксини тасдиқловчи мұхим ривоятлар, фактлар ва шуяр қаторида ҳадислар ҳам келтирилади, ўқунвчи улар асосида ўзи тегишли ҳулоса чиқариб олиши назарда тутилади\*.

Олимнинг қўйидаги ҳолда баён этган “хулоса”си ҳам ўзига хос мантиқка асосланади: “Ўрта Осиё ҳалқлари мусиқаси, шу жумладан, мақомлар ўтмишда реакцион синфлар идеологияси – ислом дини анъаналарига қарши курашларда яшаб келди, чиниқди ва ривожланди (!) шу билан бирга, ҳалқларимизнинг ажойиб мусиқа мероси сифатида бизнинг кунгача етиб келди”. Албатта, бу жумлаларда ўша давр сиёсатдонлари томонидан кўп маротаб тақрор-тақрор этилавериб, сийқаси чиққан иборалар (“синфлар идеологияси”, “курашларда чиниқкан” ва ҳ.к.) киноя ила қўлланилганлигини фаҳмлаб олиши мүшкүл эмас. Ажабтовур томони шундаки, мақомларнинг “ажойиб мусиқа мероси сифатида бизнинг кунгача етиб келганилиги” бундан аввалроқ айтилган фикрни, яъни “ислом идеологияси ... мусиқа маданийти тараққиётига катта тўсиқ” бўлганлигини шубҳа остига олади, аниқроги – инкор этади. Шу тариқа “ислом ва мусиқа” масаласи ҳам ўзгача тусда ойдинлашади.

Фикрлар баёнидаги бу каби “номантиқий” усувлар шўро даврида яшаб ижод этган зуқко олимларимиз томонидан кенг қўлланган эди. Масалан, бундай усул ҳолати Чўлоннинг адабий-танқиый меросида ҳам намоён бўлади: “Бутун умрини ишламай, бекор ўтказатургон бойлар, бойбаччалар, тўра болалари, хон, хонзодалар бекорчиликдан зерикмас учун саное нағисага берилар: чалги чалалар, ўйинга тушалар, севги шеърлари тўқий-

\* Ўшта адабист, 105-бет.

лар, ўқиyllар эди”\*. Таниқти адабиётшунос олим Озод Шарафуддинов бу ҳолатни тавсифларкан: “Чўлпон, айниқса “санъатнинг синфиилиги” ҳақидаги таълимот устидан ошкора қулаётганга ўхшайди”, деб назаримизда жуда тўғри баҳо беради\*\*.

Атоқли олим И. Р. Ражабовнинг илмий-ижодий фаолияти ўзбек мусиқа фани ривожига жуда баракали таъсир кўрсатди. Ҳусусан, устоз-олимнинг самарали изланишлари ўлароқ мусиқашунослик илми мақомларни тадқиқ этишида янги босқичга юксалди, бу соҳанинг нисбатан мустақил йўналишлари бўлган мақомишунослик ва мусиқий манбашунослик тармоқларига асос солинди, айни пайтда, ўрта ва олий маҳсус таълим муассасалари тизимида алоҳида фанлар сифатида ўқитилмоқда. Аллома Исҳоқ Ражабов эришган илмий натижалар мумтоз касбий мусиқа намуналари ни ўзбек ҳамда хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилишида, шунингдек, 1993 йилдан бўён Республикализ миқёсида ўtkазилиб келинаётган “Ражабийхонлик” илмий-амалий анжуманларида алоҳида нуфузга эга бўлмоқда.

Шу билан бирга устоз олимнинг қўллэзма ҳолдаги бир қатор илмий асарлари, жумладан, “Мақомлар”, “Шарқ мусиқа атамалари лугати”, Маҳмуд аи-Шерозий “Дурратут-тож ли-гурратид-дебож” қомусининг “Дар илми мусиқий” (Мусиқа илми ҳақида) қисмининг форсчадан ўзбек тилига изоҳли таржимаси, “Трактаты средневековых ученых о музыке в фондах Института Востоковедения АН Узбекистана”, “Амир Темур ва Темурийлар даври мусиқа маданияти” каби илмий ишлари нафақат кенг ўқувчи-лар оммасига, балки кўпчилик соҳа мутахассисларига ҳам яхши маълум эмас. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида ҳақида олимнинг шахсий архивида сақланбаётган бу қўллэзмаларни наширга тайёрлаб берииш ишларини мусиқашуносларимиз олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида қарамоқ лозим. Бу борадаги дастлабки сайъи-ҳаракатлар натижаси ўлароқ И. Р. Ражабовнинг “Мақомлар” қўллэзмаси асосида унибу нашир юзага келди.

Шуни таъкидлаш керакки, И. Р. Ражабовнинг мақомлар мавзуда ёзган энг мукаммал илмий асари “Мақомлар” деб номланган бўлиб, унинг қўллэзма нусхаси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида (инв. № 843) сақланмоқда. Муаллифнинг докторлик диссертацияси асосида юзага келган бу кенг қамровли илмий асарни жанр нуқтаи назаридан мақомлар қомуси деб тавсифлаш мүмкин. Зоро унда бу мумтоз санъат билан боғлиқ қарийб барча масалалар, жумладан, мақомларнинг қадимий, ўрта асрлардаги ва яқин ўтмишидаги тарихи, ўрта асрлардаги назарий ўрганилиш жиҳатлари, мақом турлари, тузилиши қонуниятлари ва ўзаро таъсир муносабатлари ҳамда ижрочилик масалалари ёритилади. Шу билан бирга мазкур тадқиқотда муаллифнинг “Мақомлар масаласига

\* Чўлпон. Адабиёт падир. Тошкент, 1993, 33-бет.

\*\* Ўша адабиёт, 32-33-бетлар.

*доир*" монографиясидан ўрин олмаган янги саҳифа ва бўлимлар ҳам мавжуд. Ҳусусан, "Мақомлар" қўлёзмасида бу санъатнинг қадимий келиб чиқиши манбалари бир қадар кенгроқ ёритилади, ўрта аср олимларининг мусиқага доир рисолалари тавсифига ҳам нисбатан кенг ўрин берилади ҳамда мақомот тизимида қўлланиб келинаётган намудлар жадвали тўлиқ келтирилади. Шунингдек, асарга Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимидағи Шарқшунослик, Тил ва Адабиёт институтлари китоблар заҳирасида сақланнаётган мусиқий рисолалар рўйхати ҳамда ўтмишида Шашмақомда қўлланиб келинган газаллардан намуналар илова этилган.

Исҳоқ Ражабов мақомлар таълимотининг муфассал баёни бўлган мазкур қўлёзмага баҳоли құдрат шарҳлар ёзиши мизга ва шу аснода нашрга тайёрлашимизга қуйидаги ҳолатлар бош сабаб бўлди:

1. "Мақомлар" қўлёзмаси билан асосан төр доирадаги мутахассислар таниши бўлганлари ҳолда, аксарият мусиқашунослар, санъаткорлар, қолаверса кенг афкор оммаси ундан бебаҳра қолган эди. Бинобарин, асарни таблабгор ўқувчиларга етказиш учун нашр этиши зарур. Бунда қўлёзмада баён этилган айrim назарий масалаларни шарҳлаб ўтишига эҳтиёж сезилади.

2. Мазкур асар ёзилганига қарийб чорак асрдан ортиқ вақт ўтди, бу давр ичида ўзбек мусиқашунослари томонидан қасби мусиқа жанрларига доир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Шуларни инобатга олган ҳолда "Мақомлар" мавзуга даҳлдор янги итмий изланишлар ҳусусида, мухтасар бўлса-да, маълумот бериб ўтиши жоиз. Бу каби мұхаррирлик ишлари тадқиқот якунда берилган "Шарҳлар" бўлимидан ўрин олган бўлиб, уларга оид ишора белгилари матн давомида қавс ичидаги рақамлар [масалан: ] воситасида қайд қилинди.

Шу билан бирга зикр этилаётган "Мақомлар" тадқиқотининг қўлёзма матни маълум даражада таҳрир этилди. Бунда И. Р. Ражабовнинг ўзига хос "жонли" баён этиши услуби тўла сақлангани ҳолда фақат айrim сўз ва иборалар ҳозирги давр мусиқашунослигига қабул қилинган атамалар билан алмаштирилди. Шунингдек, қуйидаги шартли қисқартилмалар тизими қўлланди:

**ЎзР ФАШИ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти**

**ЎзБА СИТИ – Ўзбекистон Бадший Академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институти**

**ЎзДК – Ўзбекистон давлат консерваторияси**

**ЎХМ – Ўзбек халқ мусиқаси**

Атоқди олим Исҳоқ Ражабовнинг "Мақомлар" номли шоҳ асари нафакат мутахассислар ва амалиётчилар эътиборини қозонади, балки бебаҳо мумтоз мусиқий қадриятларимиз тарихига, тақдирига бефарқ бўлмаган маърифатли халқимиз наздида ҳам мўътабар китоблардан бири бўлиб қолади, деган умиддамиз.

*Оқилхон Иброҳимов*

## КИРИШ

Мақомлар Шарқ халқарида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлған мусиқа жанридир. Улар бу халқларнинг ўзига хос мусиқа бойликлари асосида касбий созанда ва хонандалар томонидан яратилган ва узоқ маданий-тариҳий тараққиёт жараёнида мустақил мусиқа жанри сифатида юзага келган.

Мақомлар Шарқ халкларининг мусиқа меросида жуда катта ўрин тулади. Шу сабабли мақомлар масаласи мусиқашунос ва шарқшунос олимларнинг диққатини кўпдан бери ўзига жалб этиб, Шарқ халклари мусиқа маданиятида жуда катта тариҳий, илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири бўлиб қолди. IX - XIX аср Шарқ мусиқа маданиятига оид тариҳий-назарий асарлар ва тариҳий-адабий характердаги манбаларнинг кўпларида мақомлар масаласига алоҳида аҳамият берилган. Сўнгги даврларда ҳам кўпгина мусиқашунос олимлар мақомлар ҳақида ўзларининг фикрларини билдириб келганлар.

Шунга қарамай, мақомлар борасида кўпгина чалкашликлар ва англашмовчиликлар мавжуд. Буни ҳал этиш эса жуда мураккаб ва чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Мақомлар Шарқ халклари мусиқасининг асосини ташкил этади. Шу сабабли мақомларни атрофлича ўрганилиши мусиқа маданиятимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга.

Мақомларнинг тараққиёт тарихи ўрганилишида ўтмишда машҳур бўлган фаннинг турли соҳалари билан боғлиқ жуда мураккаб масалаларга дуч келинади. Бу ҳол эса, мақомларни ўрганишда катта қийинчилеклар туғдирали.

Мақомларнинг назарий ҳам амалий томонлари бор. Уларнинг назарий жиҳатлари Шарқ мусиқасига бағишинган рисолаларда ўз ифодасини топган. Ўзбек-тожик халқларидаги мақомларнинг амалий томонларини эса, устоз созанда ва хонандадан шоғирдга оғзаки ўтиб, бизгача етиб келган мақомлар туркумидаги бирдан-бир жанр – Шашмақом кўринишида тасаввур этиш мумкин.

Шашмақом икки юз элликка яқин куй ва ашуулалардан иборат ҳамда ўзбек-тожик халқлари мусиқа меросининг салмоқли қисмини ташкил этади. Мақомлар, шу жумладан, Шашмақом масаласи мусиқа маданиятимиз тарихида жуда кам ўрганилган соҳаларландир. Уларни ўрганиш, назарий таҳлил қилиш иши эса, юқорида айтилганидек, жуда мураккаб муаммодир.

Шарқ мусиқа назариясини шарҳлаб берувчи кўпгина ёзма манбаларда мақомлар тушунчасини, хос белгиларини, уларнинг баъзи амалий томонларини англашга ёрдам берадиган қимматли маълумотлар учрайди. Бу манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, мақомларнинг жуда қадими тарихи бўлса-да, Шашмақом Ўрта Осиёда яшаб келган мақом туркумларининг энг сўнгги шаклидир ва бундан тахминан икки аср илгари (XVIII а.) шаклланган. Турли тушунчалар ифодаси бўлган “мақомлар” мусиқада лад (парда)

уюшмалари маъносида келади. Бу тушунча турли даврларда яшаб келган мақомларнинг ҳамма шаклларида ҳам ўз мазмунини бирдек сақлаб келди. Шунинг учун Шашмақомни ҳам ўтмишда жорий этилган “мақом” тушунчи-си билан биргаликда, унинг тарихий шаклланиш жараёни кесимида қараб чиқиш алоҳида аҳамитга эга.

Мақомларнинг назарий ҳам амалий асосларини, уларнинг ўзбек-тожик халқлари мусиқа маданиятида туттган мавқеини, бадиий-эстетик қимматини аниқлаш, Шашмақомнинг туб моҳиятини имконият доирасида очиб бериш бу асар олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир. Шарқ халқларида мақомларнинг узоқ ўтмишдаги жонли намуналарини ўрганишга имкон берадиган нота ёзувлари бўлмагани учун уларнинг амалий масалаларини ўрганиш доираси анча чекланган. Шу боис мақомлар масаласини ўрганиш ишида биз уларнинг тугал бир тарихий тараққиёт йўлини очиб беришни даъво этмаймиз. Муаллиф бу масалани кўпроқ манбашунослик нуктаи назаридан ҳал этишга ҳаракат этади.

Ўтмишда мақомларнинг жонли намуналарини аниқлашга ёрдам берувчи нота ёзувлари бўлмаганлиги сабабли уларнинг амалий жиҳатдан тараққиёт йўли бизга қоронғидир. Шунинг учун IX – XIX аср ёзма манбаларига мурожаат этишга тўғри келади. Бу манбалар эса мазмунан турличадир. Шарқ мусиқа назарияси масалаларига бағишинган рисолалар мақомлар тарихини ўрганишда ягона бош манба бўлиб хизмат этади. Булардан ташқари кўп сонли тарихий, адабий ва бошқа кўринишдаги мусиқа билан билвосита боғлиқ бўлган манбалар ҳам бўлиб, улар мусиқа, хусусан мақомларнинг баъзи амалий томонларини ўрганишга ёрдам беради. IX – XV асрларда яратилган назарий манбалар мақомларни “лад асослари” тарзида ўрганишга имкон беради. Тарихий-адабий характердаги манбаларда эса баъзи маросимлар, сарой базмлари, ҳарбий юришлар, тантана ва халқ шодиёнлари, баъзи йиғинлар билан боғлиқ мусиқа ҳаёти, созандо, хонанда ва бастакорлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар, мусиқа чолғулари, куй ва мақомлар номи ва бошқа тарихий материаллар ўз ифодасини топган.

Шуниси аниқки, бу манбалар мақом йўлларини, ўша даврдаги мусиқа-нинг жонли намуналарини тасаввур этишга имкон бера олмайди. Шу сабабли мақомлар масаласида XVII асрга, яъни Шашмақом шакллангунга қадар ўтган даврни, асосан, назарий жиҳатдан ёритиб берилишигагина имконият мавжуд. Юқоридаги мулоҳазаларга асосан, ушбу асарда мақомлар масаласи иккита катта қисмга ажратилиб тадқиқ этилади.

Биринчи қисмда Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданияти тарихига доир баъзи масалалар, мақомларнинг ўтмишдаги назарий асослари ва уларнинг Шашмақомгача бўлган шакллари тўғрисида гапирилади. Бу ўринда юқорида зикр этилган мусиқа билан бевосита ҳамда билвосита боғлиқ бўлган манбалар асос қилиб олинди, бинобарин улар муаллиф фойдалана олиш имконияти доирасида ишга жалб этилди.

Иккинчи қисмда Шашмақом масалаларини нашр этилган нота, китоблар, магнит тасмаларидағи мақом ёзувлари ва грампластинкалар асосида ёри-

тишта ҳаракат этилади. Ишнинг охирида фойдаланилган қўлёзма манбалар-нинг қисқа тафсилоти, Шашмақомнинг XIX аср ўрталарида кўчирилган шеърий матнларидан намуналар ҳамда асарда учрайдиган баъзи атамалар-нинг қисқача луғати илова қилинади.

Асар ёзилишида Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти “Мусиқа” бўлимининг мудири, санъатшунослик фанлари доктори Ф. М. Кароматов ўзининг қимматли маслаҳатлари билан муаллифга яқиндан ёрдам берди. Марҳум устоз, профессор В. М. Беляевнинг жуда кўп масалалар юзасидан берган маслаҳатлари ҳам эътиборга олинди.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### *Ўрта Осиё ҳалқлари мусиқа маданияти тарихидан*

Қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Ўрта Осиёда яшаган ҳалқлар жаҳон фани ва маданияти хазинасига салмоқли хисса қўшганлар. Улар мусиқа маданияти соҳасида ҳам жуда бой қадимий меросга эга. Ўрта Осиё ҳалқларининг мусиқа маданияти тарихига доир қадимий ёзма манбалар ва археолог олимлар томонидан топилган ёдгорликлар бунинг далили бўлиб хизмат этади ҳамда бу ҳалқларнинг қадимдан бошлаб юксак маданият эгалари бўлғанлигини тасдиқлади. Лекин араб истилоси даврида (VII – IX асрлар) бошқа маданий ёдгорликлар қаторида мусиқага доир ёзма манбалар ҳам куйдирилиб, йўқотиб юборилган. Шунинг учун Ўрта Осиё ҳалқларининг сўнгги минг йиллик маданияти тарихига оид ёзма манбаларгина бизгача етиб келган.

IX асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хурросонда ҳалқ озодлик курашининг авж олиши, ерлик ҳалқларнинг истилочиларга қаттиқ қаршилик кўрсатиши ва қўзғолонлари натижасида араб халифалиги ҳукмронлиги ағдарилиб, маҳаллий Тоҳирийлар ва сўнгра Сомонийлар давлати барпо этилди. Бу даврда, маданият ва санъатнинг ривожланиши учун бир қадар шароит яратилди. Ўрта Осиёдан чиққан қатор олимлар ҳудди шу даврларда ўрта аср фани тарихида ўзларининг илмий асарлари билан жаҳонга машҳур бўлдилар.

Фаннинг бошқа соҳаларида ҳам ўлмас илмий асарлар яратган буюк олимлар Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Хоразмий ва уларнинг давомчилари мусиқа назарияси (“Илми мусиқий”) бўйича ҳам илмий асарлар яратдилар ҳамда Шарқ мусиқа фани тараққиётни тарихида бутун бир давр очиб бердилар. Бу олимларнинг фаолияти Шарқ ҳалқларида қўлланилган мусиқа назариясининг юзага келишида ҳал этувчи аҳамият касб этади. X - XV асрларда юзага келган мусиқий назарий рисолаларда шарқ этилган туб масалалардан бири мақомлар масаласи бўлиб, замонасида жорий бўлган жонли мусиқа асарларининг лад-парда асосини ўрганишда бизга ёрдам беради.

Шуни айтиш керакки, Ўрта Осиё ҳалқларининг мусиқа маданияти тарихи ҳали етарли ўрганилмаган. Бу масалани, шу жумладан мақомларнинг тараққиёт йўлини изчил ёритиб берадиган яхлит асарлар яратилмаган<sup>(1)</sup>. Умуман мусиқа маданиятига доир тарихий материаллар турли тилларда ёзилган манбаларда ва бошқа характердаги асарларда сочилган ҳолдадир. Бу материалларни тўплаб, Ўрта Осиё ҳалқлари мусиқа маданияти тарихини яратиш эса жуда мураккабдир.

Шу сабабли ҳозирча X-XIX асрларда мусиқа манбаларидаги мавжуд мълумотларни қисқача эслатиб ўтиш билан кифояланамиз. Мусиқа рисолаларининг катта қисми мақомларнинг назарий асосларини шарҳлаб беради. Дастлаб, Ўрта Осиё ҳалқлари мусиқа назариясини асослаб берган буюк сиймолардан бири - Абу Наср Форобий эди.

**Форобий.** Буюк файласуф – олим, ўрта аср Шарқ мусиқа назариясининг асосчиларидан бири – Абу Наср Мұхаммад Форобий 873 йилда Сирдаре ёқасидаги Фороб шаҳрида туғилиб, 950 йилда вафот этган. У Ўрта Осиё туркий қабилаларидан чиққан бўлиб, дастлабки маълумотни ўз она шаҳрида олади. Дурустгина билим эгаси бўлган Форобий Бағдод, Дамашқ шаҳарларига, сунгра Мисрга боради ва у ерларда ўз маълумотини оширади<sup>\*</sup>.

Форобий ажойиб мусиқачи ва мусиқа назариячиси ҳам эди. У, ўз даврида мавжуд ҳамма мусиқа чолғуларида чаларди. Айникса куйларни най ва танбур чолғуларида катта маҳорат билан ижро этарди. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, Форобий қонун чолғусини ихтиро этган, ўша даврларда машҳур бўлган уд созини такомиллаштиришда жуда катта ишлар олиб борган<sup>\*\*</sup>.

Буюк олим фалсафа, мантиқ, математика ва бошқа фанлар бўйича теран илмий асарлар яратган замонасининг етакчи олимларидан эди. Мусиқа илми эса математика фанларидан бири ҳисобланарди.

Абу Наср Форобий ўзининг мусиқага бағишлаган рисолаларида Шарқ мусиқа назариясини асослаб берди. Унинг мусиқа асаrlари “Китабул мусиқий ал-кабир” (“Мусиқага доир катта китоб”), “Калам фил-мусиқа” (“Мусиқа ҳақида сўз”), “Китабул мусиқа” (“Мусиқа китоби”), “Китабун фи-иҳсаъ-ил-улум” (“Фанлар таснифига доир китоб”)нинг мусиқага бағишланган қисми, “Китабун фи - иҳсаъил-иқъот” (“Мусиқа ритмлари – иқоъ таснифи ҳақида китоб”) ва бошқалардир<sup>(3)</sup>.

Форобийнинг мусиқа асаrlари орасида “Китабул-мусиқий ал-кабир” алоҳида диққатга сазовордир. Бу китоб машҳур шарқшунос олим Д’Эрланже томонидан француз.тилига таржима қилиниб “Араб мусиқаси” туркумида нашр этилган<sup>\*\*\*</sup>.

Асар муқаддима ва уч бўлак китобдан иборат.

Муқаддима қисмида муаллиф куй таърифи, мусиқанинг назарий ва амалий масалалари, куйнинг пайдо бўлиши, мусиқа жанрлари, чолғулар, куйларнинг таърифи, куйларнинг ижроси, интерваллар, товушқаторлар, консонанслар ва диссонанслар ҳақида фикр юритади.

\* Қози Аҳмад бин Холлиқон, “Тарихи вафоёти-аъён” (“Машҳур кишилар ҳаёти тарихи”), 1881 йилда Мисрда тошбосмада нашр этилган, 306-бет.

Абу Наср Форобий ва Ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кўпгина бошқа манбалар, монографиялар ва мақолалар мавжуд. Уларнинг баъзилари – Мирхонд ва Хондамир (XV аср): “Равватус сафо” (Литография, 1904); Алиакбар Ҳусайнӣ (XVI аср), “Мажмуулат - авлиё” (Литография, Истанбул, 1898); Котиби Чалабий, “Кашфуз-Зунун” (Литография); Умар Фарруҳ, “Ал-Форобиён” (Литография, Байрут, 1950); М. Хайруллаев, Форобий, Тошкент. 1964.

\*\* Баъзи манбаларда Абу Наср Форобийни қонун сотининг ихтирочиси. - деган фикрнинг нот-ўғри экани қайд этилади. Ўтмишдаги муаллифлар кўпинча мусиқа чолғуларининг тузилиши ёки тори ва пардасига озгина ўзгариш кириптган мусиқачи-олимларни ўша чолғунинг ихтирочиси деб ҳисоблай берганлар. Форобий “Қонун”нинг ихтирочиси деган фикрни ҳам шундай тушуниш мумкин.

\*\*\* D’Erlanger, La musiqus arabe. V. III. Paris, 1930 (бу жилдда Форобий асарининг биринчи ва иккинчи китоблари берилган); II Paris, 1935 (бу жилдда асарининг учинчи китоби келтирилган).

Биринчи китобда мусиқавий акустика, нағма (товуш)лар нисбати, интервалларнинг турлари, уларни ҳосил этилиш қоидалари, ритмлар ва бошқа масалалар шарҳлаб берилади.

Иккинчи китобда уд, танбур, най, рубоб каби созлар, уларнинг пардалари, торлари ва диапазони ҳақида гап боради.

Учинчи китоб куйлар ва мақомларни ҳосил этиш, ритм, чолғу ва вокал мусиқа, куй безаклари ва бошқа масалаларга бағишланади.

Мақомлар масаласини ёритишда айниқса учинчи китоб муҳимдир.

Бу ўринда лад (мақом)ларнинг ташкил этадиган қисмлари - тетрахорд ва пентахордларнинг турлари, мақомотнинг жуда кўп хиллари, унинг шўъбалари келтирилади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Абу Наср Форобий ўзининг бу ўлмас асарида Шарқда нота ёзувининг вужудга келишида чуқур замин ҳозирлаб берган эди. Бинобарин, куйларнинг парда асоси билан бевосита боғлиқ бўлган лад (мақом) ёзув намуналарини ихтиро этди ва ҳарфий белгилар воситаси билан ёзиб қолдирди ("Шарқ нота ёзуви ҳақида" қисмига қаранг).

Вокализларни эслатувчи бу куй намуналари ўз ҳаракати билан замонасида мавжуд мусиқа асари, шу билан бирга мақом услубидаги мусиқа асарлари йўлларини ҳам ифодалайди. Форобийнинг жадвали ўша замонларда мусиқа маданиятининг юксак бўлганидан далолат беради. Жадвал мусиқа назариясининг амалиётда қўлланишнинг юксак намунасиdir. Унда келтирилган товушқатор намуналарининг мураккаблиги Форобий замонида ижро техникасининг ҳам юксак бўлганлигини тасдиқлади.

Абу Наср Форобийнинг мусиқа рисолаларида мақомлар масаласи илк бор шарҳлаб берилган эди. X-XI асрларда машҳур бўлган мақомларни ўрганишда унинг асарлари ягона манба бўлиб хизмат этди<sup>(3)</sup>.

Бу ўринда Форобийнинг ўтмишдоши, улуғ табиб ва олим Абу Бакр Мұхаммад бин Закарий ар-Розий (240) 855 йилда Райда туғилган) ҳақида ҳам эслатиб ўтиш лозим. Ар-Розий Шарқ фани ва маданияти тарихида юксак роль ўйнаган эди. У ёшлигига уд созини чалишни машқ қилган, ашула айтишни ҳам севарди. Лекин Розийнинг мусиқага доир асар ёзгани тўғрисида маълумот бўлмаса-да, унинг турли фан соҳаларига оид китоблари орасида "Санъат ҳақида ўн икки китоб" – "Ал исно ашара китобан фис-санъати" асари ҳам бўлган. Бу китобларнинг бири мусиқа назариясидан баҳс этган бўлиши эҳтимол.

Форобий ва бошқа олимларнинг илмий-назарий асарлари замонаси тала-баларига кўра араб тилида ёзилган бўлиб, Шарқ мусиқаси назариясининг туб масалаларини шарҳлаб беради. Абу Наср Форобийнинг мусиқа рисолалари ва китоблари бу ҳақда ёзилган асарларнинг энг мукаммали ва энг машҳурларидан бўлиб, ўзидан сўнгги даврларда яшаб ижод этган унинг издошлари - мусиқа олимлари китобларининг ёзилишида асос бўлиб хизмат этди. Унинг шундай издошларидан бири Абу Али ибн Сино эди.

<sup>(3)</sup> Қомусул – аълам. Жилд I. Истамбул, 1906-1908, 693-696 бетлар.

**Абу Али ибн Сино.** Үрта Осиёдан чиққан улуғ олим Ибн Сино (980-1037) Бухорога яқын Афшона қишлоғида туғилған. У буюк фалласуф, табиатшүнос, машҳур табиб, шу билан биргә ажойиб мусиқа назариячиси ҳам эди. Ибн Синонинг “Китабуш-шифаъ” (“Шифо китоби”), “Донишнома” (“Билим китоби”), “Китабун нажат” (“Нажот китоби”) каби асарларининг мусиқага доир қисми ва “Рисалатун фи-илмил-музиқий” (“Мусиқий илми ҳақида рисола”) каби рисолалари Абу Наср Форобий асарлари қаторида жағон мусиқа фани ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутади.

Ибн Синонинг бош асарларидан бири – “Китабуш - шифаъ” фалсафий характерда бўлиб, унда муаллифнинг табиий-илмий қарашлари акс эттирилади. Муаллиф 13 қисмда замонасадаги табиий фанларни шарҳлаб беради. Шу жумладан бу ерда мусиқанинг назарияси ҳам ёритилади. Асар 4 та катта бўлимдан иборат:

1. Мантиқ
2. Физика (Табииёт)
3. Аниқ фанлар
4. Метафизика

Аниқ фанлардан бири мусиқадир<sup>1</sup>. Ибн Сино бу ерда мусиқа назариясини атрофлича талқин этади. Мусиқа акустикаси, товушлар, интерваллар, жинс ва жамълар, мақомлар, ритмлар ва куйлар масаласи илмий-назарий жиҳатдан чуқур асослаб берилади.

Унинг яна бир асари “Китабун-нажат”нинг мусиқага бағишлиланган қисми<sup>2</sup> мусиқанинг унсурларини назарий жиҳатдан қисқача шарҳлаб беради. Бу асарда мақомлар масаласига кам ўрин ажратилган.

Ибн Синонинг тожик тилида ёзилган “Донишнома”<sup>3</sup> номли асарида ҳам мусиқанинг баъзи назарий масалалари математикага бағишлиланган қисмда шарҳ этилган. Унинг бошқа фалсафий асари – “Китабул-ишорат” (“Қўлланма китоб”)<sup>4</sup> ҳам мусика илмий нуқтаси назаридан дикқатга сазовордир.

Ибн Синонинг “Шифо”, “Нажот”, “Ишорат” ва “Донишнома” каби фалсафий асарлари жаҳон фани ва маданияти тарихида оламшумул аҳамиятта эга бўлди. Бу ҳол жаҳоннинг турли мамлакатларида олимларнинг Ибн Сино асарлари билан кучли қизиқишини кўрсатувчи далиллардан ҳам кўриниб туради.

Ибн Синонинг фикрича, фалсафа фанлар мажмусидир, яъни бутун мавжудот ҳақидағи фандир. У юонон олимни Аристотелнинг буюк давомчиси

<sup>1</sup> “Аш-шифаъ”нинг мусиқага баъзи ишланган қисмининг танқидий матни Мисрда 1956 йилда араб тилида нашр этилган: Ибн Сино. Аш-шифаъ, жавомии илмил-музиқий, Қоҳира, 1956. Китобнинг бу қисми Р. Д. Эрланже томонидан француз тилига таржима қилиниб, мазкур серияда нашр этилган; R. D'Erlanger, мазкур асар., тт. II, III, Париж 1935 ва 1936.

<sup>2</sup> Бу асарнинг таржимаси, танқидий матни ва шарҳи Берлинда босилиб чиқкан. K. Makhtoud El-Hefny. Ibn Sinu's Musiklehze, Berlin, 1930.

<sup>3</sup> Бу асар Ҳайдаробод (1891), Техрон (1936 ва 1951 йилларда) Литографияда босилиб чиқкан. Унинг рус тилига таржимаси ҳам мавжуд. Абу Али ибн Сино. Донишнома, Сталинобод, 1958.

<sup>4</sup> “Ишорат китоби” француз тилига икки марта - Форже (XIX аср 90-йилларида), А.М. Гуашон (1951 й.)лар томонидан таржима этилган. Кейинги таржима илмий характердадир: Ibn Sina. Ye Livre des directives et remarques, Paris – Вағруйх, 1951.

сифатида унга кўр-кўрона эргашмай, устозининг мулоҳазаларидан ўз зътиқоди ва фалсафий тизимиға мақбул қисмидангина фойдаланди. Ибн Сино математикани 4 илмга бўлади: арифметика, геометрия, астрономия ҳамда мусиқа. Ибн Синонинг мусиқавий қарашлари ҳам юонон олимларининг йўлидан фарқ этади. У мусиқа бобида назарияни амалиёт билан боғлашга ва унинг воситаси билан бу масалани умумлаштириб беришга ҳаракат этди. Улуғ олимнинг мусиқа маданияти соҳасидаги юксак хизматларидан бири ҳам шу эди.

Ибн Сино мусиқа ҳақида маҳсус илмий-назарий асарлар ёзиш билангина чекланмади, балки мусиқага бағишиланган асарларини медицина китобларида ҳам акс эттирди. Бу тасодифий ҳол эмас эди, албатта. Ибн Сино ўзининг медицинага оид ўлмас асарларида, мусиқанинг ҳиссий таъсир кучига катта баҳо бергани ҳолда, руҳий касалликларни даволашда уни юксак қадрлади ва шифо дастури сифатида тавсия этди<sup>(4)</sup>.

Ибн Сино ўзининг “Тиб қонуни”<sup>\*</sup> китобида бир ўринда мусиқанинг руҳий таъсир кучига баҳо бериб, гўдакнинг тарбиясидаги аҳамиятини оддийгина таърифлайди: “Гўдакнинг организми чиниқиши учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси онанинг қўшиғи (алласи). Биринчisi (боланинг) танасига, иккинчisi – руҳига тегишлидир”.

Манбаларда шарҳ этилган мусиқанинг назарий масалаларини таққослаб кўриш шуни исботлайдики, Ибн Сино ўзининг мусиқа рисолаларида Форобийнинг мусиқавий назарий ва мусиқавий-эстетик қарашларини янада ривожлантириди ва юқори погонага кўтарди. Мусиқашунос-мутахассислар Ибн Синонинг жаҳон мусиқасида биринчи бўлиб соғ соз тизимини аниқлаганлигини кўрсатиб ўтдилар<sup>\*\*</sup>.

Абу Наср Форобий ва Ибн Сино ўзларининг рисолаларида Шарқ мусиқа назариясини шарҳлаб, айниқса мақом масалаларини назарий жиҳатдан асослаб бердилар ва уларнинг асарларида бу масала ўзининг классик таърифи ни топди. Буюк олимларнинг мақом ҳақидаги изчил таълимоти бу масаланинг ёритилишида, XIII - XV асрларда яшаб ижод этган мусиқа назариячилари асарлари мазмуини аниқлаб берди. Бу ҳол Урмавий, Шерозий, Ҳусайний ва Жомий асарларида яқъол кўзга ташланади.

*Ал-Хоразмий.* IX-X аср мусиқа маданияти тарихида Ўрта Осиёдан чиққан буюк қомусчи олим Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Юсуф ал-Котиб ал-Хоразмийнинг “Мафотихул-улум” (“Илмлар қалити”)<sup>\*\*\*</sup> ни мусиқага бағишиланган қисми ҳам алоҳида ўрин тутади. Хоразмийнинг бу асари Ўрта Осиё халқлари фан ва маданияти тарихини ёритишида мұхим манбалардан биридир. Ҳусусан, бу қомуснинг мусиқага доир қисмida ўша замонларда мав-

\* Абу Али ибн Сино, “Қонуну фит-тибб”, т. I, Тошкент, 1956.

\*\* H.Y.Farmer, The lute Scale of Avicenna, (Абу Али ибн Сино уд пардаларининг погоналари ҳақида), in the Journal of the Royal Asiatic society of Great Britain and Ireland. London, apr. 1937.

\*\*\* Бу асарнинг асл нусхаси Лейденда босилган: Liber Mafatih al-olum expicans vocabula scientiarum. Autore Abu Abdullah Mohammad ibn Yusuf al-Kalib al-Khowarazimi, Leiden, 1895.

жуд мусиқа чолғулари түлиқ тавсифланади ва уларнинг ҳар бири ҳақида муфассал маълумот берилади.

Умуман Шарқ олимлари, дастлаб мусиқани ҳам фалсафа илмларидан бири деб ҳисоблаганлар, бинобарин ўзларининг қомус тарзида ёзилган китобларига киритганлар. Бунда улар, шубҳасиз, мусиқанинг бадий-эстетик кучи ва ижтимоий-тарбиявий ролини ҳисобга олган эдилар.

Мусиқа илми бунда математика фанларининг бири сифатида қаралган эди. Бунга сабаб, мусиқани ташкил этган товушлар бир-бирига нисбатан маълум нисбатда бўлиб, математикадаги баъзи қонун-қоидалар воситаси билан тушунирилар эди. Дастлаб, интервалларни ташкил этадиган товушлар баланд-пастлиги даражаси торнинг узун-қисқалиги билан ўлчанган. Бунда топ қисмлари геометрия йўли билан аниқланиб, унинг маълум бўлакларидан турли интерваллар чиқариб олинади. Масалан, иккни бирга нисбати (яъни очиқ торнинг ярмидан ҳосил этиладиган товуш унинг ўзига нисбатан) октава давражасидаги интервални ташкил этади ва математикада 2:1 тарзида ифода этилади. Худди шу маънода торнинг 9 бўлагининг 8 бўлагига нисбати - катта секундани, унинг 4:3 нисбати – квартани, 3:2 нисбати – квнттани, 8:3 –undeцимани, 3:1 duodecimani, 4:1 - квантдецимани ташкил этади. Интервалларнинг турлари жуда кўп бўлиб, уларнинг ташкил этган товушлар нисбати математика қоидалари асосида тушунирилар эди. Ҳатто жинс, жамъ ва мақомларни ташкил этган айрим товуш (погона)ларнинг ўзаро нисбатлари рақамлар воситаси билан тушунирилар эди. Шу сабабли ҳам арифметика, геометрия, астрономия қатори мусиқа илми ҳам математика фанларидан бири ҳисобланарди.

Ал-Киндий (IX аср), Хоразмий, Форобий, Ибн Сино каби машҳур олимларнинг асарлари кўп асрлар давомида Шарқ халқлари мусиқа назариясини шарҳлаб беришда асосий манба бўлиб хизмат этди ва сўнгги даврларда яратилган мусиқа рисолаларининг мазмунини аниқлаб берди. Абу Наср Форобий замонасидан бошлаб, қарийб XV асрларгача ёзилган мусиқага доир назарий рисолаларнинг мавзуи, мундарижаси, уларнинг ички мазмунидаги баъзи тафовутлардан қатъий назар, кўп масалаларда бир-бирига жуда яқин туради.

Мусиқа назариясига бағишлиланган бу рисолаларда айрим масалалар юзасидан баъзи ихтилофлар мавжуд. XIII асрнинг улкан олими Сафиуддин Абдулмўмин Урмавий Форобийнинг назарий мулоҳазаларини баъзи масалаларда тўғри келмаслигини исботлашга ҳаракат қилган эди. Бундай ихтилофлар мусиқа акустикаси, мусиқа товуши, ритм (иқоъ) таърифида, ул чолғусидаги айрим пардаларнинг ўрнини аниқлашда ва бошқа масалаларда ўз ифодасини топган. Бундай ихтилофларда қарийб уч асрдан кўпроқ ўтган давр мусиқасининг тарихий тараққиёти жараённада юзага келган мусиқа назарияси ва амалиётидаги ўзгаришлар ўз аксини топди.

Шарқ мусиқа рисолаларида қўйилган масалалар ҳозирги замон мусиқаси унсурлар (элементар) назариясига яқин туради. Лекин ўрта аср мусиқа рисолаларида Шарқ халқлари ўтмиш мусиқасининг амалий томонлари билан

боғлиқ бўлган масалалар ҳам борки, ҳозирги замон мусиқа назариясида булар умуман учрамайди. Чунки Шарқ мусиқа назариясида бўлган ўзига хос хусусиятлар ўтмишда ижро этилиб келинган мусиқа асарларига алоқадор амалий масалалар билан боғлиқ эди.

Х - XVIII аср ёзма манбаларида мусиқа назарияси ва амалиётидаги энг муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Ўрта аср мусиқа олимлари назарий масалаларда кўпроқ Форобий, Ибн Сино асарларида берилган таърифни асос қилиб олганлар. Мусиқа назарияси сўнгги даврларда яшаб, ижод этган мусиқа олимлари - Сафиуддин Абдулмўмин, Маҳмуд бин Масъуд Шерозий (XIII - XIV), Хўжа Абдулқодир (XIV аср), Зайнулобидин Ҳусайний, Абдураҳмон Жомий (XV аср) ва бошқаларнинг асарларида янада ривожлантирилган эди.

**Сафиуддин Урмавий.** Озарбайжон халқининг улуғ олими (Маҳмуд Шерозийнинг айтишича: “Ўз замонасида мусиқа назарияси бўйича унга тенг келадиган олим бўлмаган...”) Сафиуддин Абдулмўмин Урмавий (вафоти 1294 й.) Шарқ мусиқа назарияси ва амалиётида юксак даражали муваффақиятларга эришди. У ўз салафлари бошлаб берган “мусиқий илми”ни янада юксак босқичга олиб чиқди. Унинг “Рисалатуш-Шарафийя” (“Шарафли рисола”) ва “Китабул-адвар” (“Мусиқа ва ритм доиралари китоби”) асарлари Шарқ мусиқа назарияси тараққиёти тарихида алоҳида ўрин тутади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Урмавий ўз асарларида “Ўн икки мақом” (“Дувоздаҳмақом”), “Овоза” ва “Шўъба”лар масаласини биринчи бўлиб тизимластириб берди. Бинобарин, Шарқ нота ёзув намуналарини ихтиро этди ва уларда мақом ва бошқа тарзда яратилган кўйларни ёзиб қолдирди.

Урмавийнинг “Шарафийя”си мусиқа назарияси ва қисман мақом (лад)-лар масаласини ёритиб берган бўлса, “Китабул-адвар” асари мақом ва ритм доиралари устида баҳс этади<sup>(5)</sup>.

Ўрта Осиё халқларида ҳам XVIII асрларгача яшаб келган мақомлар тизими, тахминан, шу даврларда ўзининг аниқ ифодасини топган эди (бу ерда гап мақомларнинг лад асоси ҳақида боради).

Сафиуддин Урмавийнинг мусиқа асарлари билан танишиб чиқилганида унинг назарий мулоҳазалари мусиқа амалиёти билан чамбарчас боғлиқ эканини ажратиб олиш қийин эмас.

Муаллиф ўз асарларини кўпинча Эрон озарбайжони ва араб мусиқасини кўзда тутиб ёзган бўлса-да, улар Ўрта Осиё халқлари мусиқасига ҳам тааллуклидир. Чунки унинг асарларида ўтмишдошлари – Форобий ва Ибн Сино каби олимларнинг мусиқавий назарий қарашлари акс этади.

Шундай қилиб, Сафиуддин Урмавийнинг мусиқага бағишлиланган рисолалари Шарқ халқлари, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари мусиқа мадания-

<sup>(5)</sup> Зикр этилган бу асарлар француз тилига таржима этилиб, босилиб чиқкан: R.D'Erlander, La musique arabe. V. III, Paris, 1938. Сафиуддин Урмавийнинг мусиқавий қарашлари ҳақида йирик француз олими Карра де Вопинг катта мақоласи босилиб чиқкан. Қаранг: La traite des rapports musicaux ou l'epitre a Sharaf ed. Din Abd al-Mumin, Journal Asiatique, Paris, 1891, p.279. 355.

ти, хусусан мақомлар тарихида алоҳида босқични ташкил этади. Олимнинг хизматлари яна шундан иборатки, у ўзининг ўтмишдошлари мулоҳазаларига танқидий қаради, шу билан бирга Шарқ мусиқа назариясини янгиликлар билан бойитди, унга аниқликлар киритди ҳамда мусиқа маданияти тараққиётiga бебаҳо улуш қўшди. Бу нарса, Урмавийдан кейинроқ яшаб ижод этган улкан қомусчи олим Маҳмуд Шерозийнинг асарида ҳам кўрсатиб ўтилади.

**Маҳмуд Шерозий.** Маҳмуд бин Масъуд Шерозий яшаган давр тарихий воқеалар билан тўла бўлган эди. Бу вақтда Ўрта Осиё ҳалқлари Чингизхон галаларининг ҳукмронлиги остида қолдилар. Босқинчилар шаҳарларни вайрон қилиб, меҳнаткаш аҳолини қирдилар. Ўрта Осиё ҳалқлари хўжаликда ва маданият соҳаларида таназзулга юз тутди, маҳаллий фан, адабиёт ва санъат тараққиётини қаттиқ зарбага дуч келди. XIII-XIV асрларда фан, адабиёт ва санъат истеълочилар босиб олмаган ерлардагина ривожланишда давом этади. Маҳмуд Шерозийнинг мусиқий асари ҳам худди шу даврнинг маҳсули эди.

Маҳмуд бин Масъуд Кутбиддин Шерозий замонасининг “алломаси”<sup>1</sup> эди. У 1236 йилда ҳозирги Эроннинг Шероз шаҳрида туғилиб, 1310 йилда Табризда вафот этган. Шерозий замонасининг маълумотли ва илғор кишиларидан бўлган. Унинг отаси табиб ва маълумотли киши бўлиб, ўз ўғлига маълумот беришга тиришади. У дастлабки маълумотни ўз отасида, кейин амакисида олади, сўнгра машҳур олим Насруддин Тусий (вафоти 1274 йил)га шогирд тушади. Узоқ йиллар давомида Рум, Сурия ва бошқа мамлакатларга саёҳат қилиб, Табризга қайтиб келади. Бу ерда мударрислик қиласида ва ўз ўтмишдошларининг астрономия, тиббиёт, фалсафа ва шунга ўхшаш асарларига шарҳлар ёзди<sup>2</sup>. Улар орасида айниқса Ибн Синонинг “Қонуну фиттибб” асарига ёзган шарҳи алоҳида дикқатга сазовоор бўлган.

Маҳмуд Шерозий узоқ йиллар давомида олиб борган илмий изланишлари натижасида “Дурратут-тож...” (“Тож дурлари...”) қомусий асарини ёзди<sup>3</sup>. Бу асар форс тилида ёзилган дастлабки ишлардан бўлиб, шу сабабли тили ҳам жуда мураккабдир.

Бу асарнинг мусиқага бағишлиланган қисми “Дар илми мусиқий” (“Мусиқий илми ҳақида”) – деб аталиб, муқаддима, бешта мақола ва хотима қисмларидан иборат<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> “Энг катта олим” маъносида; замонасининг энг зўр олимларига бериладиган унвон.

<sup>2</sup> Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий, Ал-Фавоидул-баҳия. (“Ажойиб фойдали китоб”, тошбосма, Қозон, 1903 154-бет, араб алифбосида босилган).

<sup>3</sup> Унинг энг яхши нусхаси ЎзРФАШИ кутубхонасида сақланади. Қўлёзма ишв. №816. Қўлёзма жуда яхши сақланган, унга ациқ чизмалар берилган. Асар муаллифининг ҳаёт вақтида кўчирилган. Қалин Самарқанд қоғозига қора сиёҳ билан; баъзи ерлари ва белгилари қизил сиёҳда ёзилган. Насхи сурси хатида Имод бин Али Қайсаравий кўчиррган. Кўчирилган йили 1309. қоғоз бичими 28x30. Мусиқага бағишлиланган 31 варақ (168<sup>x</sup>198 )ни ташкил этади.

<sup>4</sup> Асар ушбу сатрлар муаллифи томонидан рус тилига таржима этилган ва илмий шарҳ берилган. Таржима қўлёзмаси ЎзБА СИТИ кутубхонасида сақланади.

Муқаддима қисмida товушларнинг пайдо бўлиши, мусиқа товушлари ҳақида гапирилади.

Биринчи мақолада “савт” (умуман товуш), “нағма” (мусиқий товуш)лар таърифланади. Иккинчи мақолада мусиқий товушларнинг бир-бирига нисбати, интерваллар ва ёқимли-ёқимсиз интервал (консонанс ва диссонанс)-лар ҳақида гапирилади. Учинчи мақола интервалларни бир-бирига кўшиш ва бир-биридан айириш, уларни турли қисмларга бўлиш, бинобарин жинс (тетрахорд)лар ҳосил этиш йўллари устида баҳс этади. Бу уччала мақоланинг ҳар бири ўнта қисм (фасл)да шарҳланади.

Тўртинчи мақола тўрт қисм ва ўн битта баҳсни ўз ичига олган хотимадан иборат бўлиб, жинслар, жамъ (товушқатор)лар, мақомлар ва мусиқа чолғулари масалаларига бағишлиган. Бу ўринда муаллиф 70 га яқин жамъ ва мақомларни келтиради (Мақом нима? қисмига қаранг).

Асарнинг еттита қисмдан иборат бешинчи мақоласида – ритм (иқъоъ) ва усуллар тўғрисида фикр юритилади. Охирги хотима қисмida эса куйларнинг ёзув усуллари-нотациялар масаласи ёритилади.

Махмуд Шерозийнинг мусиқа рисоласи ўзининг тўлалиги, чуқур илмий асосда эканлиги билан алоҳида ажralиб туради. Бу асарда Форобий замонасидан то XIV аср бошларига қадар Шарқ мусиқа назариясининг тарихий тараққиёт йўли ўз ифодасини топган. Муаллиф мусиқанинг маълум назарий масаласи юзасидан фикр юритар экан, у ўтмишдошлари асарларида берилган таърифларни бир-бирига таққослаб, улардан парчалар келтиради ҳамда ўзининг танқидий мулоҳазаларини айтади; энг сўнггида эса, ҳар бир назарий масала юзасидан ўзининг пухта таърифини беради. “Дар илми мусиқий” асарини ўз замонасида бу соҳада яратилган рисолалар орасида жиддий илмий тадқиқот натижасида юзага келган мукаммал назарий қўлланма – дейиш мумкин<sup>(6)</sup>. Бу теран асар Маҳмуд Шерозийнинг мусиқанинг назарий ҳам амалий масалаларини чуқур эгаллаган билимдон киши бўлганлигини тасдиқлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, мақомлар масаласини ёритишида ҳам бу рисола энг ишончли манбалардан бири ҳисобланади. Маҳмуд Шерозий мақомлар бобида мусиқанинг лад қурилмаларини синчиклаб таҳлил қилиш йўли билан умумлаштириб беради.

\* \* \*

Ўрта Осиё ҳалқларининг мусиқа маданияти тарихида XIV-XV асрлар баракали самаралар берди. Бу даврда Ўрта Осиёда феодал муносабатлар гуллаб яшнади, ҳунармандчиллик ишлаб чиқариши ва савдо-сотиқ янада ривожланди, маданиятнинг турли соҳаларида ҳам сезиларли даражада силжиш рўй берди. Ўрта Осиё ва Хуросонда ўрта аср фани, адабиёти ва санъати яна жонлана бошлади.

XIV асрларда Ўрта Осиёда марказлашган Темурийлар давлати барпо этилди. Бу даврда адабиёт ва санъатнинг равнақи учун шароитлар яратилган эди. Амир Темур (1336-1405) ҳукмдорлик қилган замон мусиқаси тўғриси-

да ҳам баъзи маълумотлар бизгача етиб келган. Соҳибқирон Темур саройи-да кўп олимлар, шоирлар, мусиқачилар хизмат қилган эдилар. Тарихчи олим-ларнинг Темурнинг юришларини акс эттирган китобларида йўл-йўлакай ўша замоннинг мусиқа ҳаёти билан боғлиқ бўлган қимматли маълумотлар келти-рилади<sup>(7)</sup>.

Бу ўринда озарбайжон ҳалқининг улуғ мусиқачиси Хўжа Абдулқодир Мароғий ҳақида айтиб ўтишгина кифоядир. Хўжа Абдулқодир ҳақида тур-ли маълумотлар сақланиб қолган. Профессор Э. Броуннинг ёзишича<sup>'</sup>, у Мароғ шаҳридан чиққан бўлиб, Бағдод ҳукмдори томонидан Самарқандга Амир Темур саройига тортиқ қилиб юборилган. Хўжа Абдулқодир дастлаб Темур саройида, унинг вафотидан сўнг Шоҳруҳ қўлида созанда (найчи) бўлиб ишлаган<sup>(9)</sup>. Профессор А. А. Семёновнинг айтишича, Амир Темур Ироқни босиб олганидан кейин, бошқа мутахассислар қатори Хўжа Абдул-қодирни ҳам Бағдоддан Самарқандга кўчириб келган эди<sup>"</sup>.

Хўжа Абдулқодирнинг Самарқандда узоқ вақт яшаганлигини ўзи унинг флолияти Ўрта Осиё ҳалқлари мусиқа маданияти билан боғлиқ бўлганини кўрсатувчи далиллар. У ўзининг най чалишдаги юксак маҳорати ва мусиқа-вий-назарий асарлари билан бу ҳалқлар мусиқа маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган улкан санъаткор эди. Хўжа Абдулқодир иккита катта рисола ёзган. Улар – “Мақасидул алҳан” (“Куйларнинг ўрни”) ва “Жамиъ-ул-алҳан” (“Куйлар тўплами”)<sup>(9)</sup>, деб номланиб, мусиқанинг назарий ҳам амалий масалаларидан баҳс этган<sup>"</sup>. Фитратнинг айтишича, Хўжа Абдул-қодирнинг яна “Зубдатул-адвар” (“Доираларнинг моҳияти”) номли бошқа асари ҳам бўлган. Лекин бу асар ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Унинг асарлари сўнгги даврларда яшаб ижод этган муаллифларнинг рисолалари ёзилишида бош манбалардан бири бўлиб хизмат этган эди. XV аср мусиқа олими Зайнулобидин Ҳусайнин ўзининг мусиқа рисоласида Хўжа Абдул-қодирнинг рисолалари ҳақида гапириб, унинг баъзи назарий мулоҳазалари-ни келтиради. Бу нарса олимнинг сўнгти даврларда ҳам машҳур бўлганидан дарак беради.

XVII аср олими Дарвиш Али ҳам ўз рисоласида Хўжа Абдулқодир ҳақида маълумотлар келтиради, уни олим ва зўр бастакор сифатида таърифлайди.

Бу ўринда профессор В. М. Беляевнинг Хўжа Абдулқодирнинг назарий рисолаларини ўрганишга бағищланган асари ҳам диққатга сазовордир<sup>\*\*\*</sup>.

<sup>'</sup> E. Browne, A. History of Persian Literature under tartar Dominion, Cambridge., 1920, p.191.

<sup>"</sup> А.А.Семенов, Среднеазиатский трактат по музыке Дервиша Али (XVII век), Ташкент, 1946, 23-25 бетлар.

<sup>\*\*</sup> Хўжа Абдулқодирнинг бу асарлари тўлиқ ўрганилмаган. Лекин сўнгги даврларга доир рисолалардан маълум бўлишибича, унинг мусиқа асарларининг мазмуни XV асрда яратилган назарий китоблардагига яқинидир.

<sup>\*\*\*</sup> Traite anonyme XV e; R, D'Erlanger, ўша асар, IV т., О. Левашова таржимаси, В.Беляев таҳрир этган ва изоҳ берган (В.М.Беляев архиви).

Маълум бўлишича, Хўжа Абдулқодирнинг назарий рисолаларида ҳам мақомлар ва ритмлар масаласи марказий ўринларни эгаллайди<sup>(10)</sup>. Қисқаси, унинг рисолаларида Ўрта Осиё ҳалқларининг мусиқавий-назарий фикрлари ва мусиқа амалиёти ҳам ўз ифодасини топган эди.

\*\*\*

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темурнинг вафотидан кейин (1405 йил) у барпо этган марказлашган давлат бир неча феодал ҳокимиятларга бўлиниб кетади. Темур авлодлари-Темурийлар узоқ вақтлар давомида ўзаро урушлар олиб бордилар. Бу давр феодал тарқоқликнинг кучайиши, давлат тузумининг кучсизланиши билан тавсифланади. Натижада мамлакат бир неча қисмларга бўлиниб кетди. Бу вақтда Самарқанд ва Ҳирот асосий маданий марказлардан бири эди.

Улуғбек Самарқандни идора қилиган даврда (1409-1449) фан ва маданиятнинг равнақига катта аҳамият бериб, ўз атрофига олим, шоир, мусиқачи ва бошқа санъат аҳлларини тўплаган эди. Бу даврда қимматли маданий бойликлар яратилди, асосан математика, астрономия, тарих ва бошқа фанлар ривож топди<sup>\*</sup>.

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё маданияти, ўрта аср адабиёти ва мусиқасининг энг юксалган даври улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (1441 - 1501) ва тожик классик шоири ва атоқли олимни Абдураҳмон Жомий (1414 - 1492) яшаган давр эди. Бу вақтда темурийларнинг иккинчи йирик маданият маркази Ҳиротда фан, адабиёт ва санъат ривожланди. Султон Ҳусайн Мирзо (1458 - 1506) ҳукмронлиги вақтида шоир ва мусиқачиларнинг катта қисми саройга, хусусан, улуғ Навоийнинг атрофига тўпланган эдилар.

Ҳиротда шеърият ва мусиқа айниқса гуллаб-яшнади. Бу даврда яратилган кўпсонли шеърият ва мусиқа ҳақидаги асарлар, назарий рисолалар, адабиёт ва мусиқа маданиятининг юксак бўлганлигини тасдиқлади.

Навоий ва Жомий замонасидаги мусиқа маданияти тарихини ўрганиш борасида, мусиқа билан билвосита боғлиқ бўлган тарихий, адабий характердаги асарлар ҳам асосий манбалар сифатида жуда катта аҳамиятга эга. Бу асарларда созанда, хонанда ва бастакорлар номи, ўппа вақтларда истеъмолда бўлган созлар, хон саройларидаги базмлар, оммавий сайил ва байрамларда ижро этилган ашула ва рақслар тўғрисида гапирилади. Султон Ҳусайн даврида байрамларда жамиятнинг бошқа табақалари қатори хунарманделар ҳам қатнашиб, кўчаларда ва жамоа тўпланадиган ерларда ашула ҳамда ўйинлар уюштирадилар.

XV аср адабиёти ва мусиқасининг ёдгорликлари қаторида шеър девони ва баёзларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Навоий ва Жомий, уларнинг замондошлири бундай шеър тўпламларини кўплаб тузган эдилар. Бу шеър тўплам-

\* Т. Н. Қори Ниёзий. "Астрономическая школа Улугбека", Ташкент, 1950; "Ўзбек ҳалқининг маданий мероси тўғрисида", Ташкент, 1961.

ларидан мусиқачи-бастакорлар мақомларнинг ашула йўлларига шеърлар танлаб олишарди. Шунинг учун ҳам бу тўпламлар мусиқа маданияти тарихини ўрганишда муҳимки, улар мусиқачи ва бастакорлар учун зарур қўлланма бўлиб хизмат этган, бинобарин ҳозирда XV асрларда ижро этилган ашулаларнинг шеър матни мазмуни қандай бўлганини аниқлашта имкон беради.

Навоий ва Жомий замонида жуда кўп мусиқа назариячилари, моҳир созанда ва хонандалар ҳамда бастакорлар, мақомдонлар етишиб чиқди.

**Мавлоно Жомий.** Тожик халқининг буюк классик шоири ва атоқли олими Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон бин Аҳмад ал-Жомий (1414 - 1492) Нишопур яқинидаги Жом қишлоғида дунёга келиб, Ҳирот шаҳрида таълим олади ва умрининг охиригача шу ерда яшайди.

Унинг кўп қиррали ижодий фаолияти адабиёт, фан ва санъат соҳаларида баракали бўлди. Абдураҳмон Жомий жуда кўп илмий ва адабий характердаги китоб ва рисолалар муаллифидир. Унинг илмий асарлари орасида мусиқага бағишланиб ёзилган “Рисолаи мусиқий” (“Мусиқа рисоласи”)\* асари мусиқа назарияси масалаларига бағишланган бўлиб, айниқса мақомларни ўрганиш борасида диққатга сазовордир<sup>(11)</sup>.

Абдураҳмон Жомий зўр созанда ва бастакор ҳам бўлган. Профессор Фитратнинг зикр этилган асарида Жомий ўз замонасида машҳур бўлган “Нақши Мулло” номли мусиқа асари яратганлиги ҳақида эслатиб ўтилади. Бу асар ашула йўлларидан бири бўлиб, Жомийнинг бастакор бўлганлигини тасдиқлайди. Жомий мусиқа соҳасининг амалий ва назарий томонларини чуқур эгаллаган санъаткор эди.

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқий” асари Навоийнинг илтимоси билан буюк олимнинг кексайиб қолган вақтида ёзилган эди. Навоий ўзининг “Хамсатул-мутахайирин” асари<sup>“</sup> бу рисоланинг юзага келиши ҳақида эслатиб ўтади.

Навоийнинг ёзишича, устод Қулмуҳаммад Удий ёшлигидан мусиқага ҳавас қўйган ва ажойиб куйлар яратарди. Кейинчалик у жуда машҳур санъаткор бўлиб етишади. Буюк Навоий шоир ва санъаткорлар ҳомийси сифатида, унга мусиқа назариясидан ҳам маълумот беришни лозим топади ва бир неча олимларга мусиқа рисоласи ёзишни тавсия этади. Мавжуд рисолалар жуда мураккаб ва оммабоп эмас эди. Шунинг учун мусиқа назариячиларидан мавлоно Алишоҳ (“Аслул-васл” номли рисола ёзган), Амир Муртоз,

\* Бу рисола проф. А. Н. Болдирев томонидан таржима қилиниб, проф. В. М. Беляев таҳрири остида ва унинг шарҳи билан босилиб чиқсан: Абдураҳман Джами, Трактат о музике, Ташкент, 1960 г. Бу асар Жомийнинг “Асарлар тўплами” (“Мажмууа мусаннафоти Жомий”)га киритилган бўлиб 1502 йилда кўчирилган. Унинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Кўлёзма инв. № 1331/XI.

“ Бу асарнинг Санкт-Петербург қўлёзмалар фондида сақлананаётган энг яхши нусхаси нинг фотокопияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланмоқда.

Хўжа Шаҳобиддин, Абдулла Марворид кабилар мусиқага доир рисолалар ёзадилар. Навоийга уларнинг ҳеч бири маъқул бўлмайди. Оқибатда Навоийнинг илтимоси билан Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқий” асари юзага келади.<sup>(12)</sup>

Жомийнинг рисоласи ихчам (ҳаммаси бўлиб 8 варақ), оммабоп ва ўзининг чуқур мазмундорлиги билан характерлидир.

Асар муқаддима, икки бўлим ва хотима қисмларидан ташкил топган. Муқаддима қисмида товушларнинг пайдо бўлиши, биринчи бўлимда - нағма (мусиқа товуши), бўйд (интервал) ва уларнинг ўзаро нисбатлари, жинс (лад қисмлари), жамъ ва мақомлар масаласи, иккинчи бўлимда – иқоъ (ритм) масалалари шарҳлаб берилган.

Жомий рисоласининг каттагина қисми Ўн икки мақом (Дувоздаҳмақом) масалаларига бағишиланган. Асарда Ўн икки мақом тизими ва тизимга кирган 24 шўъба ва овозалар аниқ ва қисқа тарзда тушунтирилади.

Абдураҳмон Жомийнинг мусиқий рисоласи XV асрларда жорий бўлган мақомларни ўрганишда, замонасидаги мусиқанинг назарий ва амалий масалаларини тушунишда зўр манбалардандир, бинобарин Навоий ва Жомий давридаги мусиқа маданиятнинг тараққий этишида муҳим ўрин тутган эди. Жомийнинг рисоласи ўша замонда яратилган ва бизгача етиб келмаган бошқа мусиқа рисолалари мазмунини кўрсатиб берувчи асар намунаси бўлиб ҳам хизмат этади.

**Зайнулобидин Ҳусайнӣ.** XV асрнинг энг йирик мусиқа назариётчиларида бири – Зайнулобидин бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳусайнийдир. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Ҳусайний ўзининг “Қонун” асарида кўрсатиб ўтишича, рисола унинг баъзи дўстларининг тавсияси билан ёзилган. Бу асар математика илмларининг бири ҳисобланиб, мусиқанинг илмий ва амалий масалаларидан баҳс этиши муаллиф томонидан таъкидланади. Рисола Алишер Навоийга бағишиланган бўлиб, уни мақтаб ёзилган қасида ҳам келтирилади. Бу қасидада турли мақомларнинг номи сўз ўйини билан фойдаланилган. Юқоридаги фикрлардан “Қонун” асари Навоийнинг тавсияси билан ёзилган, – деб ўйлаш мумкин ва муаллифнинг “баъзи дўстлари”, шубҳасиз буюк шоирdir.

Асарнинг тўлиқ номи “Қонуни илмий ва амалий мусиқий” (“Мусиқанинг илмий ва амалий қоидалари”) бўлиб, 24 бобдан иборат.<sup>(13)</sup>

Асарда нағма, бўйд, жинс, жамъ, мақом, иқоъ масалалари муфассал ёритилади. Айниқса, бу ерда мақомлар масаласига кенг ўрин ажратилади. Ҳусайний аввал жинсларнинг 7 ва 13 турини келтириб, улардан жамъ (товушқато-р)ларнинг 91 турини ҳосил этиш йўлларини кўрсатиб ўтади ва улар орасидан Ўн икки мақом тизимига кирган лад қурилмаларини ажратиб олиб, шар-

<sup>12</sup> Унинг ягона нусхаси ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланади, инв. №42. 63 варақ. Кўлёзманинг охирги бетлари (икки боби) сақланмаган. Рисола проф. А. А. Семенов томонидан рус тилига таржима қилинган бўлиб, Санъат шунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида сақланади.

хлаб беради. Ҳусайнийнинг “Қонун”и Жомийнинг рисоласида келтирилган масалаларни кенгроқ ёритади ҳамда унда баъзи янги масалалар устида тұхтаб ўтилади. Интерваллар ва уларнинг ўзаро нисбатлари, интервалларни бир-бирига қўшиш, бир-биридан айириш ва уларни тақсимлаш, жамъларнинг тўлиқ рўйхати, мақомлар.(уд ҷолғусига тадбиқ этилиб тушунтирилган) масалалари шулар жумласидандир. Асар муаллифнинг мустақил изланишлари ва мулоҳазаларининг маҳсули бўлиб, Ҳусайний мусиқанинг илмий ва амалий масалаларини чуқур эгаллаган йирик олим, бастакор ва моҳир созанда бўлганини тасдиқлайди.

“Қонун” асари Жомийнинг “Рисолаи мусиқий”си қатори XV асрда машхур бўлган мақомларни ўрганишда ягона манба бўлиб хизмат этади.

**Алишер Навоий.** Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири ҳазрат Алишер Навоий (1441 - 1501)нинг кўпқирралি ижодида мусиқага доир қатор масалалар ўз ифодасини топган эди. Навоийнинг мусиқа соҳасидаги фаолияти ҳали етарли ўрганилмаган ва бу борада чуқур ва атрофлича маҳсус илмий тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Бу ўринда Навоийнинг мусиқа маданийти тараққиёти тарихида ўйнаган катта ролини ҳисобга олиб, баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, Алишер Навоий мусиқа назарияси ва амалиёти масалаларига бағишилаб, маҳсус асар яратмаган. Унинг “Маҳбубул қулуб” асаридаги со занда ва хонандаларга бағишлиланган қисм бундан мустаснодир. Улуғ санъаткорнинг мусиқа тўғрисидаги фикрлари ва мусиқавий-эстетик қарашларини акс эттирувчи фактлар унинг адабий, тарихий ва илмий характердаги асарларида сочилган ҳолдадир.

Навоийнинг асарлари билан танишар эканмиз, мусиқа санъатига таалуқли қатор масалаларга дуч келинади. У йирик маданият арбоби сифатида, санъатнинг ҳамма соҳаларини юксак бадиий дид билан баҳолай олган, шу билан бирга мусиқа амалиёти ва назарияси масалаларида чуқур билим-дон эди. Шунинг учун ҳам ўзининг асарларида мусиқа масалаларини чуқур акс эттириб, мусиқага доир атамаларни онгли равишда, тушунган ҳолда ишлатади. Бундай атамалар Навоий давридаги мусиқанинг назарий ва амалий масалалари билан боғлиқ бўлиб, замонасининг мусиқавий ҳаётини ёритишида қимматли манба ҳисобланади. Навоий тилга олган бошқа масалалар ҳам борки, уларни мусиқага оид бошқа манбалар воситаси билангина тушиши мумкин.

Навоийнинг асарларида ўз ифодасини топган энг мухим масалалардан бири – мусиқа ҷолғулари ёки созлар масаласидир”.

---

Бу ўринда ва сўнгги сатрларда манбалар ва уларнинг саҳифаси кўрсатиб ўтилади. Чунки мусиқага доир материаллар Навоий асарларида сочилган ҳолда бўлиб, кичик фактик материалларни терма қилиб олишга тўғри келади. Ҳозирда унинг асарлари тўла босилиб чиққан бўлиб, бу срда улуғ шоирнинг “Ҳамса”, “Мажолисун-нафоис”, “Маҳбубул-қулуб”, “Мезонул-авzon”, “Ҳамсатул-мутахайирин”, “Мунокиби ҳолати Паҳлавон Муҳаммад” ва бошқа асарлари асос қилиб олинди.

Мусиқа чолғулари – мусиқа маданиятининг тарихий тараққиёти жараёнини аниқлашда ҳал этувчи омиллардан ҳисобланади.

Мусиқа чолғулари турли тарихий шароитларда мусиқа маданиятининг тараққиёт даражасини белгилаб берувчи зўр, кўргазмали манбалардандир. Навоий даври мусиқаси устида гап борар экан, ўша даврларда истеъмолда бўлган созларни атрофлича, илмий асосда ўрганилиши - XIV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ва Хурросон халқларининг мусиқа маданияти тараққиёти дарајасини аниқлашда ҳам катта ёрдам беради.

Навоийнинг достонларида, девонларида, “Маҳбубул-қулуб”, “Мажоли-сун-нафоис” каби асарларида жуда кўп созлар номи тилга олинади. Улар орасида уд, най, фижжак, танбур, чанг, рубоб, қўбиз, қонун, руд, чафона, даф, яъни дойра, ноғора чолғуларининг номи жуда кўп учрайди. Бу созларнинг баъзилари бизнинг кунгача етиб келмаган, бир хиллари Ўрта Осиёда истеъмолдан чиқиб кетган; учиничи бир хилларининг шакли ўзгариб кетиб, номигина сақланиб қолган.

Уд чолғуси ўтмишда мусиқанинг назарий масалаларини тушунтиришда етакчи соз бўлган. Унинг тузилиши хақида ҳозирда аниқ маълумот бор. Агар, “Маҳбубул-кулуб”да акс эттирилган унинг садо бериш характеристи ҳам ҳисобга олинса, удни ҳозирги кунда бекаму кўст тасаввур этиш мумкин.

Най, фижжак, қонун, даф, ноғора, сурнай, карнайларни - бу созларнинг бизгача етиб келган турларига яқин бўлган дейиш мумкин. Бу ерда пардалар ўрни, созлардан ҳосил этиладиган товушлар тизимида ва баъзан уларнинг шаклларидағина фарқлар бўлиши мумкин.

Манбаларда танбур сози икки хил бўлганлиги қайд этилади. Унинг камон ва мезроб билан чалинадиган турлари бўлган. Лекин кўриниш шакли ҳозирча ноаниқроқдир.

Чафона чолғуси ҳозирги кунда Кавказ, Туркия ва Эрон халқларида бўлган қонунга ўхшаш бармоқлар билан тирнаб чалинган. Қадимий созлардан – рубоб арабларда камонли чолғу бўлиб, Ўрта Осиёда чертиб ёки тирнаб чалинган.

Навоий давридаги дутор чолғуси XV асрнинг етук мусиқа назариячиси Ҳусайнининг мазкур “Қонун” асарида тавсифлаб берилган. У вақтларда дутор ҳозирги шаклидан фарқ этган ва уд чолғусидан кичикроқ, парда тузилиши эса удникига ўхшаш бўлган ва мезроб билан чертиб чалинган.

Навоий даври ва ундан аввалги даврларда чант сози ёйсимон шаклда бўлган, ҳозирги чангдан тубдан фарқ этган ва бармоқлар билан тирнаб чалинган.

Шундай қилиб, Навоий давридаги мусиқа чолғуларини ўрганилишида қатор ноаниқликларга дуч келинади. Бу борада Навоий асарларида келтирилган фикр ва мулоҳазалар бизга катта ёрдам беради. Навоийнинг баъзи асарларида созларнинг айрим садо бериш ҳусусиятлари усталик билан, образли қилиб чизиб берилади. Най мафтункор, майин садо беради. Фижжакнинг садоси йиғлоқи, танбурники дилкаш, уд ва чанг – юракни эзувчи, рубоб ёлборувчи, қўбиз - роҳатбахш, қонун билан чафонанинг садоси эса фа-

рёду фифонга ўхшаш янграйди. “Сабъаи сайёр”да чангнинг садоси кишини тинчлантирувчи, ҳаётбахш экани таъкидланади.

Баъзан Навоий созларни тасвиirlар экан, уларнинг садоси кишининг қулоғида жаранглётгандай туюлади. Замонасида жуда кўп шоир, олим, мусиқачи ва бошқа санъаткорларнинг устози ва ҳомийси бўлган улуғ Навоийнинг созлар ҳақидаги фикр мулоҳазалари мусиқа санъатимизнинг созшунослик соҳасида қимматли хужжатий манбалардандир. Бунинг устига, бу манбалар Навоий замонасидаги миниатюраларда тасвиirlangan соз шакллари ва бошқа ёзма манбаларда келтирилган фактик материаллар билан қўшиб, қиёсий ўрганилса, бу масала ўзининг тўлиқ ифодасини топган бўлади.

Навоий асарларида куйлар ва уларнинг шакллари масаласи ҳам акс этган.

Маълумки, Навоийнинг ўзи дурустгина бастакор эди. У баъзи мақом йўлларига мослаб, нақш, пешрав шаклларида мусиқа асарлари яратган эди. Бундан маълум бўладики, Навоий мусиқа амалиётининг энг нозик томонларини ҳам чуқур билган.

Навоий замонида бастакорлар кўпроқ амал, савт, нақш, пешрав, тарона шаклларида куй ва қўшиқлар яратгандар. Навоий “амал” атамасини “иш” деб ҳам атайди. У даврда ҳозирги маънодаги нота ёзувлари бўлмагани сабабли куй ва ашулаларнинг намуналари ҳам бизгача етиб келмаган ҳамда бу куйларнинг шакллари ҳақида аниқ фикр айтиб бўлмайди. Лекин, бизгача етиб келган классик мусиқамизнинг юксак намунаси ҳисобланган Шашмақомнинг чолғу ва ашула йўлларида пешрав шакллари учрайди. Амал, нақш, иш, тароналар эса умуман “тарона” ёки “Сувора”<sup>(14)</sup> номи билан аталади. Хуолоса шуки, Навоий даври мусиқасида ҳозирги тушунчадаги “тарона”-ларнинг хили кўп бўлган ҳамда улар куй шаклининг характеристига қараб турлича номланган. Ҳозирги кунда бундай куй шакллари номларини мақомдонлар бутунлай унутиб юборгандар. XVI асрда яшаб ижод этган мусиқа олими Кавкабий Бухорий, XVII аср етук санъаткори Дарвиш Али Чангий ва бошқа муаллифларнинг мусиқа рисолаларида XV-XVII асрдаги куй ва ашулаларнинг турларига таъриф берилган. Лекин булар ҳам куй шаклларини аниқлашга етарли ёрдам беролмайди. Ҳар ҳолда, агар Навоий ёки бошқа олимлар, бир бастакор маълум мақом ёки унинг шўъбасига амал, нақш борлаган десалар, ўша мақом йўлларига уланиб кетадиган, куй мавзуси жиҳатидан уларга ҳамоҳанг бўлган мусиқа асарларини кўзда тутганлар. Нақш, пешрав ва амаллар унча катта шаклда бўлмаган.

Навоий даврида дойра ва ноғора усууллари жуда кўп яратилган. Баъзи муболағаларга кўра, ноғорачилар усууллар орқали бир-бирларига ўз фикрларини ҳам англата олганлар ва ҳатто савол-жавоб қилишган.

Ҳозирда Навоий асарларида, Абдураҳмон Жомийнинг мусиқий рисоласида, сўнгги даврларда яратилган Кавкабий ва Дарвиш Али каби йирик мусиқа олимларининг рисолаларида келтирилган дойра, ноғора усуулларини тиклашга тўла имконият бор ва ҳозирги замон нотасига кўчириб, расшифорвка қилиш мумкин. Бу усуулларни ўрганиш фақатгина Навоий асарлари-

да тилга олинган қўшиқ, ашула ёки куйларнинг ритмик асосларинигина эмас, балки шеърият билан мусиқа асарлари орасидаги муносабат масалаларини ҳам очиб беришда муҳим ўрин тутади.

Навоийнинг ижодида мусиқанинг баъзи назарий ва амалий масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Навоийнинг ўзи бастакор сифатида ижро услубларини згаллаб, чолғуларда маҳорат билан чаларди. У ашулаларга мослаб оромбахш дилрабо ғазаллар яратган. Бинобарин, мусиқа назариясини ҳам асосли равишда чуқур билғанлиги унинг “Мезонул-авзон” асаридан яққол кўринади. Навоийнинг бу асари шеър ўлчовларини асослаб берувчи мукаммал рисоладир. Унда мусиқа назарияси билан боғлиқ бўлган қатор ҳолатлар бор. Ёзма манбалардан маълумки, мусиқа ва шеъриятнинг назарий асослари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Аруз илми эса, мусиқанинг ритм қоидалари асосида юзага келган<sup>1</sup>. Бу масалани ёритишида Навоийнинг “Мезонул-авзон” асари ҳам ёрдам беради. Навоийнинг кўрсатишича шеър вазнлари сабаб, ватад ва фосила - дейилган уч хил рукнлардан тузилади. Мусиқа рисолаларида ҳам худди шундай. Шеър ўлчовлари ҳаракатли ва ҳаракатсиз ундошлар воситаси билан юзага келади. Мусиқа назариясида эса ритм ўлчовлари шартли қабул этилган (тан, тана, танан, танна, тананан каби) сўзлар воситаси билан ифодаланади. Шеър ўлчовлари ва мусиқа ритм ўлчовлари бир хил рукнларни асосга эга эканлиги уларнинг узун-қисқа бўғинлардан ташкил топганлигидадир.

Ўтмишда мусиқавий ритм ўлчовлари турлича маънода ишлатилган.

1. Дойра ва ноғора усуллари тарзида, масалан: “бак-бака-бум” ёки “так-така тум” - мусиқа рисолаларида – тан-тананан” каби ифодаланган.

2. Ритм ўлчовидаги рукнлар куйларнинг ритмик асосини ифодалашда ҳам ишлатилган. Масалан, ҳар қандай куйни ритм ўлчови рукнлари воситаси билан хиргойи қилиб куйлаш мумкин. Бу ўринда “тан, тана, танан”лар куйни ташкил этидиган узун-қисқа нота улушларига ҳам мос келади.

3. Шу рукнлар билан ашулаларга айтиладиган шеър мантлари танлаб олинган. Масалан, бунда даствор, ашула қилиб айтиладиган куй, ўша “тан-танан”лар воситаси билан хиргойи қилиниб, куйга мос шеърнинг вазнини ташкил этидиган узун-қисқа бўғинлар аниқлаб олинади.

Масалан, қўйдаги рукнлар:

Тан - танан - тан | тан - танан - тан | тан - танан - тан | тан - танан  
Фо - ило - тун | фо - ило - тун | фо - ило - тун | фо - ило

каби бўлади.

Шеър вазни “рамали мусаммани маҳзуф” деб аталиб, унга “То муҳаббат дашти бепоёнида овораман” каби ўлчовдаги шеърлар мос келади.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Аҳмад ибн Абдуллоҳ, “Китабу ихванус-сафа ва хулланул-вафа”, (“Самимий биродарлар ва садоқат тухфаси китоби”) I-қисм, Бўмбай, 1888 й. 43-44 бетлар (араб алифбосида нашр этилган).

Бу ерда шунки айтиш лозимки, ашуулаларга мос шеър ўлчовларининг рукнлари ёки улардаги бўғинларнинг узун-қисқалиги куйларнинг ритмик ҳолатига ҳам таъсир этиши мумкин. Узун бўғинлар бир ёки бир неча узун-қисқа ноталарга, қисқалари қисқа ноталарга мос келиши мумкин. Шундай қилиб, куй билан шеър матни шаклан мосланади.

Навоийнинг “Мезонул-авзон” асари мусиқанинг бошқа амалий масалалари ни ўрганишда ҳам зўр манбадир. У вазиларнинг турлари ҳақида гапирап экан, оддий ҳалқ қўшиклари ҳақида кимматли маълумотлар беради ва уларга айтиладиган шеър матнларини келтиради. Уларнинг баъзилари аruz вазнига мос келмайди”. Навоий “Туюқ”, “Кўшиқ”, никоҳ тўйларида айтиладиган “Чанги”, “Арзуворий”, “Туркий” каби ашула ва қўшиклар устида сўз юритади, уларнинг шеър матнини ҳам келтиради. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, мақомлар жумласига кирмайдиган ҳалқ куй ва қўшиклари ҳақида маълумотлар бизгача етиб келмаган. Навоийнинг мазкур асари бу ҳақда ягона манбалардандир.

Маълумки, Абдураҳмон Жомий ҳазрат Навоийнинг илтимосига кўра “Мусиқий рисола” яратган эди”. Бу рисоланинг охирги боблари ритм масалаларидан баҳс этади. Жомийнинг бу асарида, мусиқа билан шеъриятнинг ритмик асоси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экани таъкидлаб ўтилади. Навоийнинг “Мезонул-авзон”ида шарҳ этилган шеърият қоидаларига доир масалалар билан Жомий рисолаларида мусиқанинг назарий масалалари ўртасида жуда катта умумийлик бор. Бу икки улуғ сиймонинг икки асари бир-бирини тўлдиради ҳамда баъзи шеърият ва мусиқа назариясига доир масалаларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Мусиқа илмидаги “Адвори иқоъ” билан шеър баҳр ўлчовларида келтириладиган доиралар ҳам бир-бирига элементар мос келади.

Навоий ва Жомийнинг кўтариб чиққан назарий масалалари, уларнинг ўзлари томонидан амалиётда ҳам кўрсатилиб, тасдиқлаб берилган эди. Натижада улар шеърият билан мусиқанинг алоқаларини назарий жиҳатдан мустаҳкамловчи бутун бир мактаб яратиб бердилар. Бу мактаб Навоий замонидан бошлаб, то бизнинг кунгача арузда ижод этган шоирлар, созандахонанда ва бастакорлар учун муҳим мактаб бўлди ва уларнинг бадиий-эстетик қобилиятини гарбиялашда ҳал этувчи аҳамият касб этди.

## ЎТМИШДА БАСТАКОРЛИК САНЪАТИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ВА КУЙ ШАКЛЛАРИ ҲАҚИДА

Бу масалалар Форобий замонидан бошлаб XVIII асрларгача ёзилган мусиқа рисолаларида ёритилиб келинди. Бастакорлик анъанаси мусиқа асар-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мезонул авzon. Танқидий матнни тайёрловчи Иzzат Султон, Тошкент. 1949, 90-94 бетлар.

<sup>2</sup> Абдураҳмон Жомий аruz илмига бағишиланган рисола ҳам ёзган. Асар тожик тилида бўлиб, шеъриятнинг назарий асосларини шарҳлаб беради. Асар “Рисолаи аруз” деб аталиб, унинг энг яхши нусхаси ЎзРФАШИ кутубхонасида сақланади. Қўлезма инв. № 1331/Х.

ларининг, шу жумладан, мақом туркумларининг ривожланиши ва такомиллашувида ҳал этувчи аҳамиятга эга. Шашмақом ҳам бастакорлик анъанаси-нинг маҳсули сифатида юзага келган эди. Шунинг учун ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилиши лозим.

XIV-XVI асрлар бастакорлик санъатининг юксалган даври эди. Бу даврда кўплаб созандо ва хонандалар қатори ажойиб бастакорлар етишиб чиқди. Улар мақом жанрининг ривожланишида муҳим ишлар олиб бордилар.

Бастакор сўзи тохикча (“баста” - боғланган, “кор” - иш, ишловчи маъноларида) куйни ташкил этадиган унсурларни бир-бирига боғловчи – демакдир; ҳозирда “композитор” (композиция этувчи, куй яратувчи) маъносида ишлатилади.

Бастакор ўтмишда турли вазифаларни бажарган. Дастрлаб у янги, оригинал куй ва ашулалар яратувчиидир. Иккинчидан, бастакор тайёр куйлар мавзуида уларнинг ритмик ва куй вариантиларини ҳам яратган. Бунда бастакор куй йўлларига янги-янги эпизодлар, тайёр ҳолдаги авжлар (“Намудлар ҳақида” қисмига қаранг) киритган. Ашула йўлларига янги шеърларни усталик билан боғлаб, тушира билган санъаткорлар ҳам бастакор номига мансуб бўлган.

Бастакорликка тааллуқли бўлган мусиқа асарлари – куй ва ашула йўллари ўтмиш олимлар яратган назарий рисолаларда “алҳон” (арабча “лаҳн” сўзининг кўплиги) атамаси билан аталади. Манбаларда кўрсатилишича, алҳон (куй) – узунлиги жиҳатидан чекланган вақт (замон) ўлчовларида тартибланган турли баландликлардаги нағма (товуш)лар бирикмасидир. X-XIII асрларда алҳон турлари руҳий таъсир этиши характери нуқтаи назаридан уч хил, деб кўрсатилади.

1. Алҳони мулазза (лаззатбахш алҳон). Бундай мусиқа асарлари гўзалликни ифодалайди ва инсон кайфиятини кўтарувчи таъсир кучига эгадир.

2. Алҳони мухаййила – хаёлий мусиқавий, тасвирий характердаги асарлар. Бу ерда ҳозирги замон мусиқасидаги “фантазия” характеридаги асарлар тушунилмаслиги керак. Бу ерда кишини хаёлга чўмдириб қўядиган ва кучли тасвирий кучга эга бўлган куй ва ашулалар кўзда тутилади. Унда кўпроқ табиат, жониворлар тасвирланади.

3. Алҳони инфиолийя (ғамгин куйлар), кишига ғамгин кайфият баришлади.

Ўрта аср мусиқасидаги алҳонинг бу турларига оид фактлар умуман Шарқ халқларида мавжуд бўлган мусиқа асарларининг хусусиятларини ифодалайди. Алҳонинг бундай турлари ўзбек-тоҷик халқлари мусиқасида, айниқса, мақом йўлларида ҳам кўп учрайди.

Бизгача етиб келган халқ мусиқа асарлари – Тўрғай, Сувора, Сарбозча кабиларда тўрғайнинг учишни, отлиқ киши ва аскарларни отда юриш ҳарарати тасвирланади. Ўн икки мақомдаги Рақб шўъбасининг номини ҳам Суворанинг арабча ифодаси, деб айтиш мумкин. Бундай мусиқа асарлари “Алҳони мухаййила”нинг бизнинг кунгача етиб келган турларидан дейиш мумкин. Айниқса халқ орасида машҳур бўлган достонларда, халқ қўшиқларида турна, қарға, от ва бошқа жониворлар ҳамда табиат манзараларининг гўзал тасвирланиши бунинг далилидир.

Сүнгги вақтларда яратилған вә халқ орасыда машхур бўлиб кетган ажойиб қўшиқнинг кичик бир қисмини олайлик. Бунда сўз билан оҳанг баҳордаги табиат манзараларини, ҳайвонот дунёсини юксак бадиий қилиб тасвирлайди:

Мисол: 2

Ba - хор -(и) кел - ди о - чил - ди гул - лар ҳар ён - да  
бул - бул - лар сай - ра шур - лар у - ён бу ён - да

Юқоридагидек тарзда мусиқа асарларининг турларга ажратилиши, шубҳасиз, бастакорлар диққатини куйларнинг руҳий ҳолатини англаб олишга жалб этган ва ашуаларга мос шеърлар танлашда ҳам ёрдам берганди.

XIV аср мусиқа маданиятимиз тарихи ҳали дурустроқ ўрганилмаган. Шу сабабли бу даврдаги бастакорчилик, бастакорлар ҳасти ва ижоди ҳақида ҳозирча маълумотга эга эмасмиз. Дарвиш Алиниң мазкур рисоласыда факат Хўжа Абдулқодир Мароғийнинг ижоди ҳақида қисқача эслатиб ўтилган. У Соҳибқирон Темур саройида хизмат килган даврда куй ва ашуалар ҳам яратган. Улардан бири “Амали тарона” дейилиб, Ироқ мақоми йўллари асосида юзага келган. У Зарбул-фатҳ, Чорзарб ва Миатайн деб аталган ноғора усулларини ҳам ихтиро этган. Темур даврида ва ундан сўнгги вақтларда Хўжа Абдулқодир каби кўплаб бастакорлар ижод этганликлари аниқдир.

Мусиқа маданиятимиз тарихида Навоий ва Жомий замонида ижод этган жуда кўп бастакорларнинг номлари сақланиб қолган. Уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўша даврларга оид тазкираларда, тарихий, адабий, мемуар характеристидаги асарларда қимматли маълумотлар келтирилади. Шундай манбалар жумласидан Авфийнинг “Лубобул-албоб”, Навоийнинг “Мажолисун-нафоис”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратуш-шуаро” ва бошқа олимларнинг тазкиралари, Бобурнинг “Бобурнома”си, Восифийнинг “Бадоеул-вақоєс”си, Дарвиш Али Чангийнинг “Рисолай мусиқий” асари каби кўплаб тарихий манбаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўша замонда Ҳирот, Самарқанд, Хива ва бошқа марказий шаҳарларда кўплаб мусиқа назариётчилари, истеъододли созанда, хонанда ҳамда бастакорлар ижод этганлар. Улар Ўрта Осиё ва Хурросон халқлари мусиқа маданиятида, мақом туркумларининг тараққиётида алоҳида ўрин тутадилар. Лекин бу даврда қўлланган куй ва ашуаларнинг тури ва шакллари масалаларини ёритиб берадиган, бу ҳақда маҳсус ёзилган асарлар бизгача етиб келмаган. Бу масалаларни тасаввур этишда мусиқага бевосита алоқаси бўлмаган манбалар алоҳида аҳамиятга эга. Улар тарихий, адабий характеристидаги асарлар бўлиб, баъзан бундай манбаларда мусиқачи-бастакорлар, созанда ва хонандалар номи келтирилади, хон саройларида базм, ўйин-кулгилар,

халқ шодиёналари ва сайилларида ижро этилган мусиқа асарлари ва рақслар ҳакида гапирилади.

XV асрда стишиб чиққан шоирлар, санъат ахлларига Навоий ва Жомий ҳомийлик қилғанлар ҳамда уларни тарбиялаганлар. Навоий үзининг “Мажолисун-нафоис” асарида мусиқанинг назарий ҳам амалий жиҳатларидан хабардор шоирларни мақтайди. Чунки у аruz санъатини эгаллашда, шоирдаги эстетик ҳисни тарбиялашда мусиқанинг ролига катта аҳамият берарди. Шунинг учун Навоий тарбиялаган шоирларнинг кўпи мусиқачи, мусиқачилар эса шоир ҳам эдилар. Навоий шу тазкирада шеър вазнларини бузуб ёзган шоирларни танқид қиласкан, мусиқа илмida уларнинг истеъоди йўқлигини ҳам кўзда тутган, албатта.

Бастакор ҳам мусиқанинг назарий – амалий томонларини билиши билан бирга аruz илмидан бехабар бўлса, бастакорлик санъатининг муҳим тармоғи – ашулага шеър боғлашда хатоликка йўл қўяди. Шу сабабли ҳам бу даврда улуг шоирнинг топшириғи билан аruz илми ва мусиқа назариясига доир рисолалар яратилган эди.

Навоийнинг тазкирасида мусиқа ва адвор (мусиқа ва ритм доиралари) илмida рисолалар яратган кўпгина олимлар эслатиб ўтилади. Хўжа Абулвағойи Хоразмий, Мавлоно Алишоҳ, Муҳаммад Жомий, Биной, Муҳаммад Али Фарӣий, Мавлоно Шайхий, Паҳлавон Муҳаммад, Амир Муртоз, Хўжа Шаҳобиддин Марворид, Мавлоно Соҳиб ва бошқа мусиқа назариячилари шулар жумласидандир.

Бу олимлар ва уларнинг асарлари бастакорларга назарий билим бериш билан бирга, бастакорлик санъатининг энг нозик томонларини чуқур билиб олишга ёрдам берди ва умумий мусиқа маданиятининг юксалиши учун зарур шароитлар юзага келтириди. Худди шу шароитда Хўжа Юсуф Бурҳон, Ҳофизи Шарбатий, Ҳўжа Камолиддин Ҳусайн, Устод Қулмуҳаммад Удий, Ҳўжа Абдуллоҳ Садрий, Мир Ҳабибуллоҳ Удий, Шайҳи Нойи, Устод Қутби Нойи, Ҳусайн Удий, Устод Шодий, Дарвиш Аҳмади Қонуний, Ҳисомий, Абул Барака, Мир Ҳошим, Абу Қосим Ишратий, Мавлоно Юсуф Бадий, Маҳмуд Шайбоний каби юзлаб мусиқачи ва бастакорлар етишиб чиқди.

Бу бастакорлар мақом йўлларига нақшлар, пешравлар, амаллар ва савтлар басталаганлар. Бундай ишлар эса мақом жанрининг ривожланиши ва такомиллашувида ҳал этувчи омиллардандир.

Маълумки, нақш (безак маъносида) Шашмақомда ҳам учрайдиган тароналарнинг йирикроқ шаклидир. Пешрав – Шашмақомнинг чолғу ва ашула йўлларида учрайдиган кичик-кичик (юқорига ҳаракат этувчи) оҳанглар бирикмасидан тузиладиган куй шаклидир. Амал (иш) ҳам тароналарнинг маълум услубда яратиладиган туридир. Савт (акс садо) эса мақомларнинг маълум ашула йўлларига ўхшатма тарзида яратилган мусиқа асаридир<sup>\*</sup>. Бу мураккаб санъатни Навоий ва Жомий ҳам чуқур эгаллаган эдилар. Маълумки, Навоийнинг ўзи ҳам зўр созандо ва бастакор эди. Шу сабабли унинг

\* “Шашмақом” қисмига қаранг.

шөйрлари ашуулаларга осон боғланар эди. Заҳирилдин Бобур, у кўплаб нақш ва пешравлар яратганлигини айтиб ўтган эди (Бобурнинг ўзи ҳам бастакор бўлиб, у Рости Панжгоҳ мақом йўлида сажъ деб номланган асар басталаган эди.)<sup>1</sup>.

Профессор Фитратнинг айтишича, Бухоро созандалари “Қари Наво” куйини Навоийники деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>. Абдураҳмон Жомий ҳам талайгина куй ва ашуулалар яратган. Улардан бири “Нақши Мулло” деб аталганилиги ҳақида айтиб ўтилган эди.

Шундай қилиб, XIV-XV асрларда ижод этган бастакорлар мақомлар тараққиёти тарихида бутун бир давр очиб бердилар ва уларнинг такомиллашибириш ва бойитилишида муҳим роль ўйнадилар.

Бу даврда юксак даражада бўлган мақомчилик анъанасини Шашмақом яратилгунга қадар ва ундан кейинги йилларда яшаб ўжод этган мусиқачи – бастакорлар давом эттирдилар ҳамда бу анъана Шашмақом шаклланишида ҳал этувчи аҳамиятта эга бўлди.

Бастакорлик санъати сўнгги даврларда яшаб ижод этган кўпгина муаллифларнинг асарларида ҳам маълум даражада ёритиб берилган. Бу олимларнинг асарларида шоир ёки мусиқачи бастакорлар ҳақида маълумот берилганда, уларни турли мақомларга нақш, пешрав, савт ва амаллар боғлаган моҳир санъаткор, деб кўрсатилади. Бу масала айниқса Мавлоно Кавкабий ва Дарвииш Али Чангийнинг мусиқа рисолаларида ва XVI-XVIII асрларда ижод этган бошқа номаълум муаллифларнинг рисолаларида нисбатан ишонарли қилиб ёритилган.

Мавлоно Нажмиддин Кавкабий Бухорий (1576 йилда жазолаб ўлдирилган) замонасининг кўзга кўринган шоири, олими, мусиқачи-бастакори эди. У Бухорода туғилган. Кавкабийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумот сақланмаган. Манбаларда кўрсатилишича у Ҳиротда таҳсил кўрган ва турли фанлар соҳасида, шу жумладан мусиқа назарияси, ритм ва аruz қоидаларидан баҳс этувчи илмий рисолалар ёзган. Унинг асарлари ичida бизгача “Рисолаи мусиқий”<sup>3</sup> гина етиб келган. Бу рисола ўн икки бобдан иборат бўлиб, Шайбоний сулоласидан Убайдуллахон (1533 йилдан 1559 йилгacha ҳукмронлик қилган) топшириғи билан ёзилган. Асарда қисқача мусиқа назарияси, ўн икки мақом тизими, ритм масалалари шарҳлаб берилган<sup>(15)</sup>.

Мавлоно Кавкабий зўр бастакор ҳам бўлган, мақом йўллари асосида нақшлар, амаллар ва пешравлар яратган. Айниқса, шсьрлар танлаб уларни усталик билан ашуулаларга боғларди.

У Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданиятининг йирик устоз сиймоларидан эди. XVI-XVIII асрларда яратилган мусиқа рисолаларининг мазмуни бир-бирига яқин бўлиб, Кавкабий асарига эргашиб ёзилган, дейилса хато бўлмайди.

<sup>1</sup> Заҳирилдин Бобур, “Бобурнома”, 1 том, Тошкент, 1948 й. 221 бет.

<sup>2</sup> А. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент – Самарқанд, 1927, 58-бет.

<sup>3</sup> ЎзР ФАИИ қўлёзмаси, инв. № 468/IV.

XVI-XVII аср мусиқа санъатининг яна бир йирик намояндаси Дарвиш Али Чангий эди. Унинг ҳам ҳасти ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумотлар сақланмаган. Лекин, Дарвиш Алиниңг рисоласи<sup>\*</sup> уни йирик мусиқа олими, со занда я бастанкор бўлганидан далолат беради. У “Рисоласи мусиқий” асарида ўзи ҳақида қисқача маълумот бериб, ёшлигидан мусиқага ҳавас қўйгани, ҳофизлик қилгани, чанг ҷолғусида чалгани ва кейинчалик саройга таклиф этилгани ҳақида гапиради<sup>[16]</sup>.

Дарвиш Алиниңг рисоласи ҳам ўн икки бобдан иборат бўлиб, VII-XII боблари ўтмишда ва Дарвиш Али замонида яшаб ижод этган мусиқачилар, бастанкорлар, шоирлар ва олимлар биографиясига тааллуқлидир. Бу ерда мусиқа ҳақида жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган фактик эпизодлар келтирилади. Бу лавҳалар, Мавлоно Кавкабий ва бошқа номаълум муаллифларнинг асарларида келтирилган Урта Осиёдаги бастанкорлик ва мусиқа тури ҳамда шакллари ҳақида қимматли материал беради. Лекин шунни ҳам уқтириб ўтиш керакки, бу рисолада куй-ашулалар шакли ва тури ҳар қанча аниқ таърифланган бўлса ҳам, XV-XVII асрларда мавжуд асарларнинг нота ёзувлардаги намунаси бўлмагандан кейин, аниқ тасаввур этиш мушкул нарса. Шунга қарамай, бизгача стиб келган мақомлар намунаси – Шашмақом воситаси билан ўша даврлардаги рисолаларда акс эттирилган куйлар қиёфасини таҳминий тарзда тасаввур этиш мумкин. Чунки XV-XVII асрларда мавжуд бастанкорлик анъанаси мақом жанрининг такомиллашишида ва Шашмақомнинг шаклланиш жараённада асос яратиб берган ва бу соҳада ҳал қиувчи аҳамият касб этган.

XVI-XVII асрларда ижод этган бухоролик мусиқачи олимлар Мавлоно Кавкабий ва Дарвиш Алиниңг мусиқа рисолаларида куй-ашула турлари ва шакллари масалаларига маҳсус боблар ажратилган бўлиб, бу мусиқа намуналарини, мавҳумроқ бўлса-да, тасаввур этишга ёрдам беради. Шубҳасизки, бундай куй шаклларини ташкил этувчи асосий қисмлар ҳозирги мақом йўлларида ҳам мавжуд. Лекин куй қисмларининг ифодаси бўлган кўпчилик мусиқа атамаларининг истеъмолдан чиқиб кетганлиги бу масалани аник тушинишда асосий тўсиқлардандир.

Кавкабийнинг кўрсатишича, алҳон (куй, ашула) уч хил бўлади:

*Алҳони жирмий* (тўлиқ куй), яъни мусиқа товуши (нағма), дойра усули (ритм) ва шеър матни қўшилган мусиқа асари; бу вокал мусиқадир.

*Алҳони баситий* (оддий куй), яъни ҷолғу куйлар ёки шеърни ўлчовга солиб ўқиш.

*Алҳони хаттий*, (чекланган куй), яъни мусиқа асаридаги товушлар, ритм ва шеърнинг алоҳида кўриниши. Мусиқа асарларининг бу турлари ҳақида манбаларда муфассал маълумот йўқ.

Ҳозирги кунда бу масалаларни аниқ тасаввур этиш қийин. Лекин ўтмишда мусиқа назарияси муаллифлари лад уюшмаларини, бадиий шеър ўқишини,

\* ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 449; А. А. Семенов, Среднеазиатский трактат по музыке Дарвиша Али (XVII век), Ташкент, 1946 года. с. 3.

дойра усулини, ҳатто Қуръонни қироат билан ўқишини ҳам “алҳон” тушун-часига кирита бергандар. Бу ҳол эса алҳоннинг юқоридаги уч хилини таърифлашда ҳам ўз аксини топған.

Кавкабий ва Ҷарвиш Али ўз рисолаларида куйларнинг ишланиш услублари ва шакллари ҳақида ҳам мулоҳаза юритганлар. Бунда кор, қавл, амал, пешрав, савт, нақш, рихта, сажъ, зарбайн каби атамалар куй ёки ашулаларнинг қисмларини, баъзилари эса куйнинг яратилиш услубларини ифодалаб беради. Куй кичик бир ўзгариш киритилиш билан бошқа шаклга кириб, унинг номланиши ҳам ўзгаради. Шундай атамалардан бири *кор* деб аталади.

*Кор* (форсча - иш, яратиш) муаллифлар таърифика, араб тилидаги шеърлар билан ҳафиғ ўлчовли дойра усулида ижро этиладиган ашула йўлидир. Ашула бошида мустаҳал (чолғу қисм, вокал мусиқанинг чолғу муқаддимаси) муқаддима қилинади. Корнинг миёнхона ва бозгўйи ҳам бўлади.

Мусиқага бағишланган китобларда кўрсатилишича, ашула байтларидан (шеър ўқилишдан) аввал чалинадиган куйлар (мотив) мустаҳаллар. Ана шундай мотив байтлар ўқилгандан сўнг воқс бўлса, уни нақарот дейилади. Агар икки байт ашула шундай тартибда келса, ду сархона (икки сархона, сар - бош, бошланиши; хона-куй жумласи; сархона-ашула бошланишидаги куй жумлалари) номи билан аталади. Кавкабий ва Ҷарвиш Алининг кўрсатишича, икки байтдан тузиладиган куй шакли миёнхона (миёнхона ашуланинг ўртасидаги куй жумлалари) деб аталади. Миёнхонанинг куй жумлалари байтлар ёки нақарот билан ижро этилиши мумкин. Аммо кор шаклида миёнхонадаги байтлар ўрнига нақарот ишлатилади. Амал шаклининг бозгўйида эса аксинча, нақарот ўрнига арабча байтлар ёки рубоий боғланади.

*Қавл* кор шаклининг сақил дойра усулидаги ритмик вариациясидир. Улардаги фарқ шуки, кор шаклида бўлган миёнхона қавлда ишлатилмайди ва уларнинг дойра усули турлича бўлади.

*Амал* (арабча - ижодий асар) ашула шаклида ҳам байтлардан олдин “мустаҳал” бўлади. Амал шаклида миёнхона билан бозгўй қисмлари бўлиши шарт. Агар шундай куй бўлаклари бўлмаса, уни Савтул-амал (Амалнинг Савти) дейилади. Амалнинг фазилати шуки, унга ҳар қандай усулни (яъни дойра усулини) боғлаш мумкин. Лекин усул бир хил бўлиши шарт. Агар икки турли усул боғланса “Кор ба усул” (“усулдаги кор”) дейилади. Амалнинг бозгўйига боғланган усул - Усули гардон, деб аталади.

*Пешрав* (юқорига ҳаракат этувчи оҳанг) амал қоидаси асосида ишланган куй шакли бўлиб, байтсиз (сўзсиз) ижро этилади. (Пешравни чолғу йўлларидан, деб ўйлаш мумкин. Лекин бу ердаги фикрлар бунинг аксини тасдиқлайди). Пешравда уч сархона мавжуд бўлиб, биринчи сархона куйнинг паст қисмida келса, миёнхона унинг баланди (авжи)да бўлади. Лекин бундай куй ўз ҳусни (ранги)ни йўқотади. Пешравдаги биринчи сархона уч қисмдан иборат бўлиб, улар таркиб, овиза ва лозима номлари билан аталади.

*Овиза* (восита) бир таркиб (sarxonadan олдин келадиган мотив)ни бошқа куй жумлаларига боғлайдиган воситадир. Лозима эса сархона, миёнхона ёки бозгўй билан бирга ксладиган мотивdir; у ҳеч қачон якка ҳолда иш-

латилмайди. Пешрав мақом, овоз ёки шўъбалар номи билан қўшиб аталади. Масалан, Пешрави (мақоми) Кучак, Пешрави (шўъбаи) Ҳисор, Пешрави Шаҳноз, Пешрави Бастан Нигор каби.

Дарвиш Алининг фикрича, пешрав Амири Кўрагоний замонида юзага келади. Амир Темур шоир ва мусиқачиларни тўплаб, кўпгина байтларга тас-нифлар боғлашни буюрган эди. Натижада мусаннифлар (бастакорлар) бир неча таркиблар боғлаб, уларга икки сархона, миёнхона ва бозгўй ишладилар. Дастрраб ўша замонларда Сайфул-Мусирр (?) Ироқ мақомига пешрав боғлаган эди. Бу пешравда тўрт сархона бўлиб, Ду-яқ (икки-бир) усулида эди. Сўнгра Устод Муҳаммад Латифи Қутби Нойи Ҳусайнин мақомига пешрав боғлади. Бу пешрав фаръ усулида бўлиб “Пешрави машҳур”, деб номланган эди.

**Савт** (товуш, оҳанг)<sup>1</sup> уч байт боғланган ашул йўли бўлиб, унда мустаҳалл, миёнхона ва бозгўй бўлмайди. Лекин зилнинг<sup>2</sup> ишлатилиши шарт, Зил байт ва нақаротлардан кейин келадиган ашулавнинг чолғу жумласидир. Демак, зил бўлмаса, савт бўла олмайди. Лекин нақароти бўлмаса ҳам савт бўлаверади. Бунда нақарот ўрнига зил каби бир неча куй жумлалари ишлатилади. Мавлоно Биноий (XV-XVI аср) Панжгоҳ шўъбасига мухаммас усулида ишлаган савтида шундай қилган эди. Дарвиш Алининг айтишича, савт нақшга ўхшаб бенақарот ишланган бўлиб, уни нақш ёки ранг, деб номлаш лозим эди. Савт қадим замонларда амалнинг ўзи бўлган эди. Устод Шодий (XV аср) Савтни бир зил қўшиб, Амалдан ажратган, шу билан бирга Савт нақаротининг ўрнига бир зил таркиб қўшган эди.

Ашулавнинг нақш турида рубоий (ашулавнинг тўрт жумласи)га байтлар жойлаштирилади, лекин унга катта Савтлар ва усуllар боғланмайди. Агар боғланса, у Накіп дейилмайди. Масалан, Муҳаммас шаклига боғланса, у Сунбулий деб аталади.

**Рихта** (аралашган, ҳиндларда ҳам - Рихта номи билан машхур) шакли шуки, бу ашулада байтлар ҳиндча (урду тилида) бўлади. Рихта устида бастакор ва машҳур мусиқа олими Ҳўжа Абдулқодир биринчи бўлиб иш олиб борган. Рихта шеърининг мазмунида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) мадҳи ассос бўлиб, бозгўйида ўн икки имом тавсифи берилган эди.

**Сажъ** (қоғияланган проза) шеърдаги тавил баҳрига ўхшаб, таркиблар Амал шаклидаги каби бир-бири билан бириктирилади. Бунда икки сархона, миёнхона ва бозгўйи бўлади. Шеърининг мазмунида кўпинча пайғамбар, чаҳорёrlар ва имомлар мадҳ этилади. У усули Ҳазаж бўлиб, Заҳириддин Бобур Рости Панжгоҳ пардасига (яъни мақомига) Сажъ боғлаган эди.

**Зарбайн** (икки хил зарбли) шаклида бир амалга икки турли усул боғланади. Бунда ҳар бир сархона икки усулда, агар байт билан ўқиладиган мотив-

<sup>1</sup> Савт Шашмақомда “акс садо”, маълум куйга жавоб тарзидаги ишланган ашула йўлидир. Бу ҳол савтнинг асл маъноси кейинчалик ўзгариб кетганидан даюлат беради. Шашмақомдаги савтлар ўз ҳажмни жиҳатидан ҳам бу ердаги маънога тўғри келмайди.

<sup>2</sup> Зил – кода, ашулавнинг тамомланини қисмидаги чолғу мотивидир.

лар бир усулда бўлса, нақарот бошқа усулда бўлади. Хўжа Абдулқодир Мароғий Зарбайнинг байтлари (байт билан ашула қилиб ижро этиладиган қисми)ни Ҳафиғ, нақаротини Ду-яқ усулида ва бозгўйини эса бошқа ўн уч хил услубга мослаб, ўн уч Кучак деб номлаган эди. Қисқаси, агар Сархонада Амал шакли воқе бўлса зарбайн, деб аталади.

Юқорида кўрсатилган куй ва ашулашарни яратиш усуллари ҳақидаги фикрлар Мавлоно Кавкабий ва Дарвиш Али рисолаларида мавжуд бўлиб, Кавкабийда бошқачароқ кўринишда изоҳланган ҳамда куй ва ашулашарнинг бошқа шакллари ҳам берилган. Масалан, Миатайн (икки юз), Сарбанд, Амали мустаҳалл, Қавли мустаҳалл, Навбат, Куллист ва бошқалар.

Савт, Пешрав, Нақш, Амал, Қавл ва бошқа шакллар эса ўзига хос усулда таърифланган.

XVI-XVII асрлардаги мусиқа амалиёти Шашмақомга мувофиқроқ бўлгани учун шу даврда яратилган мусиқа рисолаларида куй ва ашула йўллари ҳақидаги фикрлар бу ерда қисқача қилиб келтирилди. Лекин бу таърифларни ҳозирги кунда тўлиқ деб бўлмайди. Дарвиш Али бу масалани ўз тушунчasi доирасидагина изоҳлаган. Шунинг учун мақом йўллари кўринишда ҳам бундай куй шаклларини аниқ тасаввур этиш мүнкул. Чунки бизгача етиб келган мақом йўллари XVII асрдаги кўринишдан тубдан фарқ қилиши табиийдир.

Ўн икки мақом билан Шашмақом, гарчи Ўрта Осиёда мавжуд умумий анъана ва қоидалар асосида яшаб келган бўлса-да, бизгача улар жуда катта ўзгаришлар билан етиб келган. Мақом йўлларининг яратилиши қоидалари юқорида айтилган куй ва ашула шаклларининг кўпида ишлатилган номлар ҳозирги кунда мусиқачи-бастакорлар томонидан бутунлай эсдан чикариб юборилган. Масалан, XVII асрдаги Савт йўллари билан бизгача етиб келган Шашмақомдаги Савтнинг ишланиш йўли жуда катта фарқларга эга бўлиши табиий бир ҳол. Лекин бирорта бастакор – созанда савтнинг асл шакли ҳақида тасаввурга эга эмас. Шундай бўлса-да, XV-XVII асрларда жорий этилган куй шакллари ва уларнинг номланишидаги характеристири атамалар мақомларгагина хосдир.

Тарихий ва адабий характеристидаги асарларда, айниқса мусиқага доир XVI-XVII асрда ёзилган рисолаларда куй ва ашула шаклларининг яратилиши ва уларнинг ижодкорлари ҳақида аввалги даврларга нисбатан бой материал етиб келганилиги бежиз эмас, албатта. Бу нарса ҳатто XIV асрдан бошлаб мақом шаклларининг ривожланишида ҳал этувчи роль ўйнаган бастакорлик анъанасининг янада кучайганидан, XV-XVII асрларда эса бу анъана давом этибгина қолмай, бастакорликда янги-янги ихтиро воситалари топилиб борганидан далолат беради. XIV-XVIII асрлар давомида Шашмақомнинг узилкесил шаклланиб, қарор топиши учун замин яратилган.

Шашмақом эса юқорида изоҳлаб ўтилган Нақш, Пешрав, Амал, Савт, Қавл, Кор каби куй ва ашула турларининг ҳамда уларнинг яратиш услубларининг янада ривожланиши натижасида бастакорлик анъанасининг маҳсулли сифатида юзага келди. XVI-XVII аср мусиқа рисолаларида кўплаб учрайдиган хона (сархона, миёнхона), бозгўй, зил каби куй ва ашула жумлалари, дойра усуллари номларининг Шашмақомда ҳам сақланиб қолганлиги

куй ва ашулаларнинг ишланишида қандайdir бир умумий услуб ва принципга асосланилганидан дарак беради.

Шашмақом таркибида Ўн икки мақом тизимида учрайдиган мақом ва шўъба ҳамда ўша даврларда қўлланилган дойра усулларининг номлари сақланилганлиги, Шашмақомнинг Ўн икки мақом мусиқа материаллари базасида яратилган деб тахмин қилишга имкон беради. Қадимги манбаларда шарҳ этилган куй ва ашула шаклларини Шашмақом йўлларига тадбиқ этиш, илмий ўрганиш жуда катта тарихий, илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Бу масалани ечиб бериш ўзбек-тожик халқлари мусиқашунослик фани олдида турган энг яқин ва зарур вазифалардан бири бўлиши керак.

Шундай қилиб, бастакорлик анъанаси фақаттинга Ўн икки мақом туркумининг ривожланишидагина эмас, балки Шашмақомнинг шаклланиши, пайдо бўлиши ва сўнгги даврлардаги тараққиётида ҳам ҳал этувчи аҳамият касб этди.

Хулоса қилиб айтганда, мақомлар Шарқ халқларида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган мусиқа жанридир. Улар бу халқларнинг ўзига хос мусиқа бойликлари асосида касбий созанд ва хонандалар томонидан яратилган ва узоқ маданий-тарихий тараққиёт жараённида мустақил мусиқа жанри сифатида юзага келган.

\* \* \*

Маълумки, Шашмақом XIX асрнинг охирги чорагида нотага олинган бўлса-да, илмий асосда кам ўрганилган. Мақомларни ноталаштириш мақсадида шоир, олим, машҳур бастакор Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий) Хоразм танбур нота чизиги ихтиро этган эди. Бу нота ёзув усули маҳсус танбур учун мўлжалланган бўлиб, унинг 18 пардасига мосланиб 18 чизиқ олинади. Чизиқларнинг ост ва устига қўйиладиган якка, қўшалоқ ва учталик нуқталар эса, нохунак зарбларини ифодалайди. Шакл жиҳатидан бир-биридан фарқи бўлмаган бу нуқталар куйларни ташкил этлан товушлар узунлигини ифодалай олмайди. Нота нуқталарининг узун-қисқалиги эса, дойра усулининг зарбларига қараб белгиланса бўлади. Комил Хоразмий Рост мақомини нотага олган эди. Унинг бу ишини бастакорнинг ўели, шоир Муҳаммад Расул Мирзо давом эттиради ва қолган ҳамма мақомларни нота чизигига ёзиб, охирига етказади<sup>1</sup>.

Бу нота усули мақомларни ўрганишда ўз замонаси учун катта аҳамиятга эга бўлди<sup>2</sup>. Лекин нота чизиги ҳозирги замон нота тизимида мавжуд бўлган

<sup>1</sup> Хоразм мусиқасида усувлар ёзма шаклда “тақ-гуп”, “тақа-гуп”, “таққа-гуп”, “тақа-тақа-гуп” каби ифода этиларди: узун бўғинли зарб “тақ, гуп” (бири дойрапининг четиги, кейингиси ўрта қисмига уриб ҳосил этилади), қисқа бўғинлар “тақа-тақа” каби, узун ва қисқа бўғинли зарб эса “таққа” шаклида бўлған.

<sup>2</sup> “Бекжон Раҳмон ўели на Муҳаммад Юсуф Девонзода (Харратов), Хоразм мусиқий тарихчasi, Москва, 1925, 31-бет (асар араб алифбосида босилган).

<sup>3</sup> “Бу нота чизиқларининг турли пусхалари ЎзРФАШИ, Адабиёт музейи фондларида ЎзБА СИТИ кутубхонасида сақланади. Улар шоир Мирзо, Матеқуб Харратовлар кўчирған пусхаларилар.

имкониятларга эга эмас эди. Хоразм нота усулида ёзиг олинган мақомларнинг бир қисми мусиқашуносларимиз томонидан ҳозирги замон нотасига кўчириб, нашр этилди". Танбур чизирининг расшифровка қилиниб нашр этилиши шу жиҳатдан ҳам муҳиммеки, бу ёзувлар XIX аср Хоразм мақомларининг аслини ўрганишда восита бўла олади.

ХХ аср бошларида ўзбек-тожик халқлари мусиқа санъати бойликларини дастлаб профессор В. А. Успенский ноталаштиришга киришди ва у нотага олган Шашмақом нашр этилди<sup>\*\*</sup>.

Шашмақомни ўрганиш ишида бу дастлабки қадам бўлиб, мазкур китобнинг юзага келиши ўзбек ва тожик халқларининг мусиқа маданиятида муҳим ҳодиса бўлди. Айниқса, мақомлон устозлар Ота Жалол Носиров ва Ота Fiës Абдуғаниевлар ҳаёт вақтида мақомларнинг улардан ёзиг олинганилиги ўз оригиналлик хусусияти билан жуда катта қийматта эга. Лекин нотага ёзишда бу дастлабки тажриба бўлгани учун баъзи камчиликларга йўл қўйилган эди. Мақомларнинг ашула бўлимлари танбур ижросида ёзиг олинниб, шеър матни эса қўйилмай қолди, куйларга хос тект-ритм ўлчови ва куйдаги лад-тоналликнинг тўғри топилишига имкон бўлмаган эди. Шунга қарамай, бу камчиликлар В. А. Успенский хизматларини камситмайди.

Шашмақомнинг Хоразм варианти эса, дастлаб мусиқашунос Е. Е. Романовская томонидан нотага олинниб, нашр этилди<sup>\*\*\*</sup>. Бу китоб Хоразм мақомларининг фақат чолғу йўлларини ўз ичига олган эди. Кейинги йилларда Хоразм мақомлари Матниёз Юсупов томонидан тўпланиб, нотага олинди ва Илёс Акбаров таҳрири остида босилиб чиқди<sup>\*\*\*\*</sup>.

Шашмақом Тожикистанда ҳам жамоа томонидан нотага олинниб, В.М. Беляев таҳрири остида нашр этилди<sup>\*\*\*\*\*</sup>. Бу нашрларда мақомларнинг ашула йўлларига мос сўзлар ва ҳар бир мақомга хос пардалар тўғри топиб қўйилди. Лекин Тожикистан вариантида ўзбек тилидаги шеърлардан бутунлай фойдаланилмади. Илгари вақтларда мақомдон хонандалар мақом шўйбаларини икки тилда, кўпроқ тожикча fazallar билан ижро этиб келганлар.

Сўнгти йилларда Шашмақом Узбекистонда ҳам нашр этилди. Уни Юнус Ражабий нотага олган бўлиб, Илёс Акбаров таҳрири остида босилиб чиқди<sup>\*\*\*\*\*</sup>. Бу тўпламда мақомларнинг ашула йўлларида ўзбекча ва қисман тароналарида тожик тилидаги шеърлардан фойдаланилди. Бунда шеър ўлчовларининг куйларга мос келишига, уларни шакл ва мазмун жиҳатидан тўғри танлаб олишга катта аҳамият берилди. Мақомларнинг ашула матнлари учун тўпламда классикларимиз Атоий, Лутфий, Саккокий, Навоий, Бобур, Фузу-

\* Ўзбек халқ мусикаси. VI жилд, Тошкент, 1959. Хоразм мақомларига илова. Нотация мусиқашуннос Илёс Акбаров томонидан аникланиб, ҳозирги нотага кўчирилган. Нотация дастлаб, В.М.Беляев томонидан расшифровка қилинган эли. Унинг тўлиқ нусхаси СИТИ кутубхонасида сақланади.

\*\* Шесть музыкальных поэм, Бухара, 1924.

\*\*\* Е.Е.Романовская, Хорезмская классическая музыка, (редактор И.Акбаров) Ташкент 1939.

\*\*\*\* Мазкур "Ўзбек халқ мусиқаси", VI жилд ("Хоразм мақомлари"), Тошкент, 1958.

\*\*\*\*\* Шашмақом, I - V жиллар, Москва, 1950-1967.

\*\*\*\*\* Ўзбек халқ мусикаси, V жилд ("Бухоро мақомлари"). Тошкент, 1959.

лий, Нишотий, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Нисбат каби шоирларнинг газалларидан фойдаланилди. Шашмақомга кирган чолғу ва ашула йўллари Ю. Ражабий, Б. Зиркисв, М. Муллақандов, М. Тошпўлатов, М. Толмасов, Я. Довидовлардан ёзиг олинган эди.

Одатда танбурнинг жўр бўлиши учун маҳсус ёзиладиган қўшимча қатордан бу китобда воз кечилган. Бунга сабаб, мақом йўлларини танбурдан бошиқа чолғуларда ҳам ижро этилиши кўзда тутилган, бинобарин тўплам анча ихчамлаштирилган.

Шундай қилиб мақомларнинг бир неча варианatlари нашр этилиши билан уларни ўрганиш учун ҳозирги кунда имкониятлар туғилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Тожикистонда мақом ансамблари ташкил этилиб, Шашмақом устида амалий ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Радиоси хуzuрида атоқли санъаткор Юнус Ражабий раҳбарлигига 1959 йилда ташкил этилган мақом ансамбли (сўнгти йилларда айниқса) самарали иш олиб борди. Ансамбль қисқа вақт давомида мақомларнинг ашула бўлимларини бутунича ўрганиб, магнитофон тасмаларига ва грампластинкаларга ёздирди. Бинобарин, мақомлар ҳақида тасаввур этишга зўр имкониятлар юзага келди. Шуниси қувонарлики, ансамбль жамоаси мақом-дон устозларнинг ижро услубидан кенг фойдаланиб, мақом йўлларини ҳозирги замон тингловчиларининг дидига мослаштириб айтганлар.

Ансамблнинг мақом ижрочилигига шу лаврда орттирган бой тажрибаси асосида Шашмақом ашула йўлларининг нота ёзувларига муҳим ўзгаришлар киритилди. Натижада Шашмақом Ю. Ражабий томонидан иккинчи марта нашрга тайёрланди. Ҳозирда Шашмақомнинг олти томлик янги нашриFaфур Ғулом номли Ўзбекистон бадиий адабиёт нашириёти томонидан босмадан чиқарилди<sup>(17)</sup>. Шубҳа йўқки, Шашмақомнинг бу янги нашри ўзининг ижобий самараларини беради<sup>(18)</sup>.

Шашмақомнинг ўрганилишида имкониятлар яратилганлиги туфайли, йигирманчи йилларда ёк бу масалада муҳим илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилган эди. Бу ишни дастлаб Бекжон Раҳмон ўғли билан Муҳаммад Юсуф Девонзода (Харратов) амалга оширилдилар. Уларнинг “Хоразм мусиқий тарихчаси” китобчаси<sup>(19)</sup> 1925 йилда Москвада босилиб чиқди<sup>(20)</sup>.

Ҳажм жиҳатдан ихчам бўлган бу асарда Хоразм мақомлари, созлар, хоразмлик мақомдонларнинг фаолияти ҳақида гапирилади. Бу асарда мақомлар ҳақида юритиладиган фикр саёз бўлса-да, муаллифлар Хоразм мақомларининг XIX аср охиридан то XX аср биринчи чорагигача бўлган тараққиёт даврини ёртиб берадилар. Бинобарин Хоразм мусиқаси учун характерли бўлган “дутор мақомлари” ҳақида ҳам дурустроқ маълумот берадилар. Бу

<sup>17</sup> Шашмақом, I - VI жиллар. Ф. М. Кароматов таҳрири остида. Тошкент, 1966-75.

<sup>18</sup> Ўқорида зикр ўйлган асар. Унинг муаллифларидан бири – Матюсиф Харратов машҳур мақомдои Матеқуб Харратовининг ўғли бўлиб, XIX аср иккинчи ярмида ижро этилган Хоразм мақомларини тўлалигича эталолаган, хон саройидаги мусиқа муҳити билан ҳам яқиндан таниш бўлган атоқли санъаткор.

асар, шубҳасиз, Хоразм мақомларини ўрганиш ишида ишончли манба бўлиб хизмат этади.

Бухоро Шашмақомини ўрганишда Абдурауф Фитрат (1887-1938)нинг хизматлари алоҳида эътиборга сазовордир. Унинг "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" асари мақомлар ҳақида илмий тадқиқотлардан бири бўлди<sup>(19)</sup>. Бу кичик монографик асарда муаллиф Шашмақомнинг тузилиши ва унинг яқин ўтмиш тарихини манбалар асосида ёритишга ҳаракат этган. Мақом йўлларини яхши эгаллаган Фитрат ўз асарида, қисман бўлса-да, мақомларни халқ мусиқа асарлари билан таққослаб таърифлашга уринган.

Кейинги йилларда таникли мусиқа мутахассислари - В. Успенский, В. - Беляев, Е. Романовская, X. Кушнарёв, Илёс Акбаров ва йирик шарқшунос олим А. А. Семенов каби олимлар мақомлар ҳақида мақолалар ёздилар ва Шашмақомга оид қўймални фикрларни билдирадилар.

Ушбу асарда эса мақомларнинг тарихий тараққиёт жараёнини мавжуд манбалар ва имкониятлар асосида иложи борича ёритиб бериш мақсад қилиб қўйилди.



<sup>(19)</sup> Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи, Самарқанд – Тошкент, 1927 йил (Асар араб алифбосида босилган).



*Матё'куб Харратов*



*Паҳлавон Ниёз Мирзабоши*



*Абдурауоф Фитрат*



*Султонхон Ҳакимов*



*Виктор Успенский*



*Ота Жалол Носиров*



*Ота Фуёс Абдуганиев*



*Юнус Рахимов*



*Бобоқул Файзуллаев*




*Фазлииддин Шаҳобов*



*Шоҳназар Соҳибов*



*Матниёз Юсупов*



## МАҚОМЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Юқорида номлари зикр этилган муаллифларнинг X-XV аср Шарқ мусиқасига доир рисолаларида мақомлар масаласи мусиқа назариясининг энг йирик ва туб масалаларидан бири сифатида қаралади. Чунки мусиқа назариясини шарҳлаб беришдан мақсад уни жонли мусиқа асарларининг асоси бўлган мақомлар билан боғлаб, мусиқа назарияси ва амалиётини умумлаштириб тушунтириб беришдан иборат эди. Шундай экан, бизнинг мавзумиз бўлган мақомлар ҳақидаги мулоҳазаларни юритишдан олдин уларга боғлиқ бўлган ва қадимий мусиқа рисолаларида шарҳ этилган баъзи назарий масалалар ҳақида қисқача фикр юритамиз. Бунда мусиқанинг пайдо бўлиши, умуман товушлар тизими ҳамда мақомларнинг назарий ва амалий масалалари таърифлаб берилади”.

Шарқ мусиқа назариясига бағишиланиб ёзилган кўпгина ёзма манбаларда мусиқанинг, хусусан мусиқа товушларининг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритилади. Бу ўринда Маҳмуд Шерозий “Дурратут-тож” энциклопедиясининг мусиқага бағишиланган қисмида ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқий” асарида келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир. Дастлаб муаллифлар инсон товушининг пайдо бўлиши, ундан сўнгра мусиқа товушининг юзага келиши ҳақида гапирадилар.

Инсон ўз ҳаётини бошлаган ва табиат ҳодисаларини англаб стмаган дастлабки даврларда кўп жиҳатдан ожиз бўлган. Инсон яшаш учун зарур воситалар излаб топиш йўлида жуда кўп мусибат ва хавф-хатарларга дуч келган, кейин жамоа бўлиб яшашга мажбур бўлган. Жамоа бўлиб яшашда бирбирини хавф-хатардан огоҳлантириш ҳамда бир-биридан огоҳ бўлиш йўлида алоқа воситаларига эҳтиёж сезилган. Бундай воситаларнинг энг қулайи, товуш эди, дейилади манбаларда. Дастлаб товушлар табиат ашёларидан, кейинчалик инсон томоғидан, мусиқа чолғуларидан ҳосил этиладиган бўлади”.

Шундай қилиб, турли хил товушлар пайдо бўлади”. Бора-бора инсон товушларнинг ёқимли ва ёқимсиз турларини ажратиб ола бошлайди.

Ёқимли товушлардан мусиқа товушлари - нағмалар юзага келган. Нағмалардан эса куй (алҳон)лар яратилади. Куй - нағмаларнинг чекланган вақт ўлчовлари бўлмиш ритм (иқоъ)ларга бўйсндирилган шаклидир. Мусиқа

\* Шарқ мусиқа назариясини шарҳлаб беришда фойдаланишимиз учун имкони бўлган қўлёзма маъбалар ва бопиқа нашр этилган китоблар асос қилиб олинди ва энг мақбул деб топилган таърифлар умумлаштириб берилди.

\*\* Баъзи қадимий чолғулардан бизнинг кунгача ҳам шу мақсадда фойдаланиб келганлар. Бизда тоғли ва саҳроли срларда бурғу ёки бурғу деб аталган найсимон қадимий чолғулар мавжуд. Бурғу чолғусинида куй ижро этилмайди, балки атрофдаги кипиларни зарурят туғилиб қолганда шошилинч равишда тўплаш учун чалинади. Бу қадимий чолғулар лойдан ясалиб, пиширилади ва пуфлаб чалинади. Унинг тузилиши содда бўлиб, инсоният жамиятининг дастлабки даврларига мансуб, дейиш мумкин.

\*\*\* Шерозий ва Жомий “тovушларни Оллоҳнинг инояти” деб қарайдилар ва бу масалани баъзан илоҳиятга боғлаб тушунтирадилар.

товушларини пайдо бўлиши ҳақидаги олимлар томонидан берилган маълумотнинг қисқача мазмуни шундай.

Лекин, содда қилиб айтилса, куйлар ладлар билан бирга туғилган. Чунки мусиқа асарлари - товушлар, ритм ва ладлар бирикмасидан ташкил топади. Ҳар қандай куй маълум бир чегарада, маълум пардалар бўйича ҳаракат этади. Агар шу пардалардан ҳосил этиладиган товушларни бир сафга териб чиқилса, мусиқа асарининг лад асоси юзага келади. Лад – тоналлик эса у ёки бу куйнинг мақоми, яъни ҳаракат йўлининг ифодасидир.

Шундай қилиб, мақомларнинг тарихи инсон мусиқа асарларини яратада бошлаган даврларга бориб тақалади<sup>(1)</sup>. Мақомларсиз куйлар бўлмайди, бинобарин, мақомлар умуман мусиқа асарларининг тушунчасига киради. Шуни ҳам қайд этиш керакки, Шарқ ҳалқларидаги мақомларнинг Форобий замонасигача бўлган тарихий тараққиёт йўли ҳақида маълумотлар бизгача сақланмаган.

Мусиқа асарларининг дастлабки шакллари уларнинг ритмикаси ҳам жуда содда бўлган. Ҳатто баъзи куйларнинг диапазони жуда тор, икки-уч поғонали бўлган. Мусиқа шарқшунослиги соҳасида самарали иш олиб борган атоқли олим В. М. Беляевнинг фикрича, ҳозирги кунда ўзбек ва тожикларда мусиқа асарларининг дастлабки шакллари маросим қўшиқлари, болалар қўшиқлари, оналар алласи, йигилар воситалари билан бизгача стиб келган<sup>2</sup>. Бу фикр ҳақиқатга яқиндир. Ҳатто бизгача етиб келган бойчечак, рамазон, оналар аллалари, достончи шоирлар айтадиган қатор достон ва қўшиқлар, ёр-ёр қўшиқлари ўзининг содда интонацияси, ритмик хусусиятлари жиҳатдан мусиқа маданиятининг дастлабки даврларига мансубdir, дейиш мумкин<sup>(2)</sup>.

Ёзма манбаларда кўрсатилишича, биринчи яратилган мусиқа ритми “Зарби қадим” (“Қадимий зарб”) деб аталади. Бу ритм, гўё инсон томирининг уришидан олинган бўлиб, жуда содда “тан-тан” (↓ ↓) шаклида бўлган. Сўнгра эса ритмларнинг мураккаброқ шакллари юзага келган. Масалан, (↑↑) (тана-тана), (↓↓↓) (тан-тан-тан), (↑↑↑↓) (тана-тана-тан), (↓↑↓) (танна-тан) ва ҳоказо. Бу ритмлар мусиқа асарлари билан бирга юзага келган бўлиб, кейинчалик эса Шарқ ҳалқларида мустақил дойра усуллари тарзida ҳам ажralиб чиқкан. Шундай қилиб мусиқа асарлари содда усулдан секин-аста мураккаблаша ва уларнинг диапазони кенгая боради. Мусиқа тарихий тараққиётининг дастлабки даврларида яшаган куй ва қўшиқларни ҳали “мақом” – деб бўлмаган, албатта. Чунки, икки, уч ёки тўрт поғонали куйлар ва уларнинг товушқаторлари “лад” диапазонида бўла олмайди. Шунинг учун айтиш мумкинки, том маънодаги “мақом”ларнинг ҳам куй, ҳам лад тушунчаларининг пайдо бўлиши Шарқ ҳалқлари мусиқа маданияти анча

<sup>1</sup> В.М.Беляев Шарқ ҳалқлари мусиқаси устида узоқ йиллар давомида илмий тадқиқот ишлари олиб борган ва ҳалқлар мусиқасида учрайдиган ритмларни тўплаб, тасниф этган (В.М.Беляев архив материалиларидан).

тараққий этган даврларига түғри келади. Макомларнинг юзага келиши – инсон тафаккурининг жуда узок даврларда олиб борган изланишларининг самарасидир. Макомлар инсоннинг мусиқа ҳақидағи тушуунчалари, мусиқавий-эстетик қарашлари баркамол бўлган, кишиларнинг онги ва савияси юксалган бир даврда юзага келган.

Макомлар тизимининг шаклланиши жаҳон илму фанининг ривожланиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шарқ олимлари мусиқани табииёт, фалсафа ва математика фанлари билан боғлиқ эканини уқдириб ўтганлар. Бу фикр, албатта асосли айтилган эди. Мусиқа табииёт фани нуқтаи назаридан кишига физиологик таъсир кучига эга бўлса, фалсафа ҳамма фанларни ўз ичи-га олган ягона фан ҳисобланган.

Мусиқа илми эса мусиқавий товуш (нағма)лар ва интервалларнинг нисбати ўлчанадиган математика илми воситаси билан юзага келган эди.

Мусиқа асарларини ташкил этадиган унсурларнинг энг кичик бирлиги - айрим мусиқа товушни (тон) бизгача етиб келган назарий китобларда *нагма* атамаси билан номланади.

Ўзининг баланд-пастлиги жиҳатидан муайян нуқта (парда) чегарасида маълум вақтгача чўзилиб турадиган товуш-нағма деб аталади<sup>1</sup>. Савт (бу с尔да мусиқа асарлари турларидан ҳисобланадиган Савт тушунчаси истиснодир) атамаси эса умуман товуш, овоз маъноларида келади. Савт тушунчасига нағма билан бир қаторда мусиқага боғлиқ бўлмаган бошқа хил товушлар ҳам киради. Лекин нағма бўлиши учун ҳозирги замон мусиқа назариясида бўлганидек, товушнинг хоссалари (баландлиги, узунлиги, кучи ва унинг тузи-тембри) мавжуд бўлиши керак. Дойра ва созланмаган мусиқа чолғуси товушлари ҳамда инсоннинг томоғидан чиқадиган дағал овоз мусиқа рисолаларининг кўпида нағма тушунчасидан ҳолидир.

Мусиқага доир назарий рисолаларда нагма мусиқага боғлиқ бўлмаган бошқа хил товушлардан қатъий равишда фарқ этилади ва улар ўзининг маълум хусусиятлари билан тавсифланади. Айниқса, бу срда инсоннинг қўпол овози, созланмаган чолғулар товушни нағма, деб саналмаслиги Шарқ мусиқа назариясининг ўзига хос хусусиятларидандир ва бунда замонасининг шинавандалари таъби уз ифодасини топган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Шарқ халқларида қўпол ёки йўғон овозни унча ёқтиргмаганлар. Ҳатто Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома”сида бир неча ўринда йўғон овозли ашуулаларни тилга олади ва “дағал” овоз – деб ўзининг салби<sup>2</sup>: муносабатини билдиради, майин овозни эса “хуштабъ” деб санайди<sup>3</sup>.

Нағма иккى хил бўлади: “қавлий”, қъуни инсон товушни ва “фсълий” – сунъий деб саналган мусиқа чолғуларидан чиқариб олинадиган товушлар. Нағма тушунчаси, асосан, шундай.

<sup>1</sup> Мусиқанинг унсурларини таърифлашда Форобий, Ибн-Сино, Урғавий, Шерозий, Ҳусайний ва Жомийнинг мусиқа назарий асарларида берилган таърифларни умумлаштириб қисқа мазмунни берилди.

<sup>2</sup> “Заҳириддин Бобур, “Бобурнома”, I жилд. Тошкент, 1948 й. 221 бет.

Баланд-пастлиги жиҳатидан турлича бўлган икки хил нағмадан бўйд ҳосил бўлади. (Ўтмиш Шарқ мусиқа назариясида прима бўйд саналмайди). Бўйд икки нағма бирикмаси ва икки товуш оралиғи, яъни интервал маъносини билдиради. Лекин ўтмишда уларнинг маълум қисмигина маҳсус номлар билан аталган.

Интерваллардан:

Икки октава ёки квинтдесима - зул-кулл мэрратайн (4:1)\*\*;  
Дуодесима – зул-кулл вал-хамс (3:1);  
Ундинима – зул-кулл вал-арбаъ (8:3);  
Октава - зул-кулл (2:1);  
Қўш квартаси – зеъфи зул-арбаъ (16:9);  
Квinta – зул-хамс (3:2);  
Квартаси – зул-арбаъ (4:3);  
Катта секунда (бутун тон) - таниний (9:8);  
Кичик катта секунда (бутун тондан бир комма – 24 цент кичик) – мужанаб (10:9);  
Кичик секунда – мужанаби асфар (16:15, центи 0-114);  
Кичик ярим тон – бақия ёки фазла (22:21);  
Комма – бўйди асфар ва ирхөз (таксминан 78:77 нисбатида) номлари билан айтилган.

Ўтмишда бўйд (интервал)ларнинг турлари ҳозирги замон мусиқа назариясига кўра анча кўп бўлган ва Шарқ мусиқа назариясида диатоник лад тизимидағига нисбатан кичикроқ ёки каттароқ оралиқдаги интерваллар ҳам бўлган.

Улар интервални ташкил этадиган, товушлар чиқариб олинадиган торларнинг узун-қисқалигини ифодаси бўлган нисбий сонлар воситаси билан кўрсатилган ва шу сонлар нисбатини ифодаловчи номлар билан аталган. Масалан,  $1\frac{1}{4}$  (мисл ва рубъ),  $1\frac{1}{5}$  (мисл ва хумс), (мисл ва судс) ва бошқалар. Бўйд ҳам ҳозирги замон мусиқа назариясидаги интервал тушунчасидан баъзи ўзига хос белгилари нуқтаи назаридан фарқланиши билан тавсифланади, бинобарин, баъзи картароқ интерваллар диапазонидаги товушқаторлар ҳам бўйд деб аталаверган. Бўйдлардаги бундай хусусиятлар Шарқ ҳалқларида мавжуд мусиқа асарларида, шу жумладан, мақомларда ҳам маълум даражада из қолдирган\*\*\*.

Шуни ҳам айтиш лозимки, мусиқа рисолаларида келтирилган интервалларнинг ҳаммаси мусиқа амалийтида қўлланила бсрмаган. Уларнинг кўпин математика қоидалари асосида чиқариб олинадиган, ўтмишдаги Шарқ му-


\* Қавсларда интервалларнинг баланд-паст товушлари нисбати берилди. Бунда: зул-кулл вал-хамс – октава билан квартаси; зул-кулл – октава диапазонидаги барча товушларни ўз ичига олувчи; зул-хамс – беш парда оралиғи; зул-арбаъ – тўрт парда оралиғидаги диатоник товушқатор; таниний – рўнғиллайдиган, жарангли, мужанаб – очиқ тор билан шу номли парда оралиғи; бақия – қолдиқ, бўйди асфар – кичик интервал маъноларида ишлатилди.

\*\* “Ўн икки мақом тизими” қисмига қаранг.

сиқасининг амалий масалаларига алоқаси бўлмаган назарий мулоҳазалардангина иборат бўлган. Шарқ халқлари мусиқаси амалиётда темперация этилмаган диатоник лад уюшмаларини ташкил этувчи ва уларга мос келадиган интервалларгина қўлланиб келингани маълумдир.

Бир неча бўйдлар қўшилмасидан жинс (тур. навъ)лар, яъни тўрт-беш поғонали товушқаторлар ҳосил бўлади. Улар ҳозирги мусиқа назариясида тетрахорд ва пентахордлар<sup>\*</sup> дейилади. Лекин жинснинг маъноси буларга кўра янада кенгроқдир. Жинслар уч поғонадан тортиб, турлича кенгликда, яъни 5-7 поғонали ҳам бўлиши мумкин.

Улар ўрта аср мусиқасида якка ҳолда ҳам ишлатилиб, асосан эса лад поғоналарининг пастки ёки юқори қисмини ташкил этади. Масалан, ҳозиргиnota мисолида қўйидагича бўлиши мумкин:



Шарқ мусиқа назариясига доир китобларда, жумладан, Форобий, Ибн Сино, Шерозийнинг мусиқа рисолаларида жинслар, ҳатто жамълар ва мақомларнинг сони ҳам аниқ кўрсатилмайди. Лекин улар жуда катта рақамни ташкил этса-да, амалда қўлланиладиган турлари анча чегараланган.

Маълум товуш поғоналаридан ташкил топган жинслардан жамълар ҳосил бўлади. Жамъ атамаси товушлар мажмуаси маъносида бўлиб, бу масала Шарқ мусиқа назариясида товуш тизимининг якунловчи қисмидир. Товуш (нағма)лар қўшилишдан бўйд, улар бирикмасидан жинслар ҳосил бўлганидек, жинслар мажмуасидан "жамълар" (товушқаторлар) тузилади. Жамъларнинг маъноси жуда кенгdir. Улар умуман "товушқатор" тушунчасини англатиб, жамълар таркибига мақомлар, шўйбалар ва овоз атамаси билан аталган уларнинг бошқа турлари ҳам киради. Мусиқа рисолалари муаллифлари маълум доира шаклига тушурилиб, вақт нуқтаи назаридан чекланиб, тартибга солинган жамъларни алҳон (куй), - деб ҳам атайдилар. Бу назарий масалалар ўтмишда Шарқ мусиқасига бағишланган рисолаларда уд деб аталган мусиқа чолғусига мос slab тушунтирилган. Уд қадим замонларда юононларда бўлган лира чолғуси каби машҳур бўлган ва етакчи созлардан ҳисобланган. Шарқ мусиқа назариясининг масалалари ҳам уд турлари ва пардалари воситаси билан тушунтирилади. Шунинг учун уднинг тузилиши билан қисқача танишиб чиқишига тўғри келади. Чунки бу созният тузилишида Шарқ халқлари мусиқасидаги ўзига хос хусусиятлар акс этган бўлиб, ўтмишдаги назарий масалалар қаторида мақом масаласи-

\* Тетрахорд – ёнма-ён жойлашган тўрт поғонали товушқатор, пентахорд эса шундай товушқаторнинг беш поғонали тури.

ни ҳам нисбатан ул торлари ва пардалари орқали аслида қандай бўлса, шундай тасаввур этиш мумкин бўлган.

**Уд ҳақида.** Уд – жуда қадим замонлардан бошлаб маълум бўлган машҳур мусиқа чолғусидир. Унинг бизга маълум дастлабки шакли Айритомдан топилган эрамизнинг I асрларига оид ажойиб маданият ёдгорлигида ўз аксини топган<sup>1</sup>.

Уд арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси турличадир. У, биринчидан, ёғочи қора тусли дарахтнинг номидир. Шу дарахтнинг ёғочи ўтмишда ул чолғусининг ясалишида материал сифатида ишлатилган бўлса керак. Уд атамаси байрам, тўй-томуша, хурсандчилик маросимларини ифодалайдиган “ийд” иборасининг маълум шакли ҳамдир.

Уднинг дастлабки номи барбат бўлганлиги баъзи манбаларда кўрсатиб ўтилади. Барбат икки сўздан иборат бўлиб, бар - қомат, сийна: бат - ўрдак маъноларида келади. Барбат қорни катта ва дастаси калта мусиқа чолғусидир. У ўрдак сийнасини эслатгани учун барбат номи берилган эмиш. Барбат энг қадими торли чолғудир. Унинг яратилиши ҳақида бизгача турли афсоналар стиб келган. Бир афсонада ҳикоя қилинишича барбатни юонон олимни Фисоғурс ҳаким (Пифагор, бизнинг эрадан аввалги VI аср) ихтиро қилган<sup>2</sup>.

Бир куни Фисоғурснинг тушида, номаълум мўйсафид унинг ёстиғи тепасига келиб (бу киши Хизр бўлса керак?!) шундай дейди:

“Сен эртага баравақт туриб, наддоф (пахта титувчи)лар бозорига боргил. У ерда сенга ҳикмат сирларидан бири намоён бўлади”.

Фисоғурс эрталаб наддофлар растасига равона бўлибди ва у ердан ҳеч нарса тушунолмай қайтиб келибди. Мўйсафид шу куни кечаси яна келиб, кечаги айтган гапини такрорлабди. Фисоғурс эрталаб уйғониб иккинчи марта бозорга борганида, иш жараённида пахта титувчилар ёйининг ипидан чиқаётган товуш унинг лиққатини жалб этибди<sup>3</sup>. Фисоғурснинг кўнглига бир фикр келибди ва с尔да ётган от думининг толасини олиб, бир учини тиши билан тишлаб, иккинчи учини қўли билан тортиб туриб чertгган эди, майнин ва ёқимли бир овоз эшитилибди. Кейинчалик Фисоғурс қилни ипак ип билан алмаштирибди. Энди у шу ипни тақиб чаладиган торли чолғу яратиш устидаги мулоҳаза юрита бошлабди.

Кунларнинг бирида Фисоғурс ҳаким тоғ томон йўл олибди. Тоғнинг этагида кучли шамол эсиб, қандайдир бир ҳуштак овози эшитиларди.

<sup>1</sup> М.Е. Массон, Находки фрагментта скульптурного карниза первых веков нашей эры. Ташкент, 1933.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад ал-Фмулий (XIV аср), “Нафоисул-фунун...” энциклопедиясининг мусиқаға бағинланган қисми (Ш.И инв. №275) Кавказий (XVI аср) ва Дарвии Алининг (XVII аср) “Рисолаи мусикий” асари кўлғозмалари (Ш.И инв. №468) IV, 449) ва XVI-XIX асрларда номаълум муаллифлар томонидан ёзилган ҳамда Ўзб ФАИИ кутубхонасида сақлананаётган бошқа бир неча мусиқа рисолалари.

<sup>3</sup> Утмишда ёски пахталарни орттириш учун махсус налдофлар растаси бўлган. Наддофлар катта ҳажмдаги камалак ипидан пахталарни отар эдилар ва улар ерга титилиб тушар эди. Шу жараёнда маълум товуш ҳосия бўларди.

Кейин у ёқ бу ёққа қараб, ичи кавак бўлиб, бўшаб қолган тошбақа косасига кўзи тушибди. Унинг бош, қўл, оёқ ва думи чиқиб турадиган тешиклардан ўтаётган шамол шундай товуш ҳосил қилаётган экан. “Бир нарсага яраб қолар”, деб уни ердан олибди. Бир неча вақтдан сўнг тошбақа косасидаги энг катта тешикка – унинг боши чиқиб турадиган ерига бир даста ўрнатибди ва унга ипни тақиб, чала бошлабди. Бу чолғу дастлаб жуда содда ва оддий эди.

Фисогурсдан сўнгги даврларда яшаган мусиқачилар барбатни такомиллаштирилар ва унинг асосида 2 – 3 - 4 торли мусиқа чолғулари ясадилар. Барбатни эса, манбаларда ҳамма торли чолғуларнинг юзага келишида асос бўлган, деб кўрсатилади. Унинг энг такомиллашган шакли гўё уд эди. (3)

Уд Ўрта Осиёда қарийб XVII асрларгача яшаган<sup>(4)</sup>, - деб тахмин этиш мумкин; кейинчалик эса бу ерда истеъмолдан чиқиб кетган ҳамда унинг ҳусусиятлари ва функциясини бажара оладиган танбур, рубоб, дутор каби қадимий мусиқа чолғулари машхур бўла бошлигар. Уд ҳозирги кунда Кавказ халқарида, арабларда, Эронда, туркларда ва кўпгина Европа халқарида яшаб келмоқда. Европада эса “лютия” номи билан машҳурдир.

Шарқда ҳозирда ҳам мавжуд улнинг қорни дуторникидан каттароқ юмалоқ шаклда бўлиб, дастаси калтадир. Қадимий улнинг узун дастали хиллари ҳам бўлган ва миниатюраларда ўз ифоласини топган.

Шарқ мусиқа асарлари қўлёзмаларида муаллифларнинг кўрсатишича, мусиқа назарий масалаларини кўргазмали тарзда шарҳлаб бериш учун торли чолғулар жуда қулайдир. Уднинг парда ва торлари тушунтириш нуқтаи назаридан аниқ бўлгани учун ўша даврлarda етакчи созлардан саналган ва ҳозирги замон мусиқа назариясида фортьепъяно ўйнаётган ролини бажарган. Уднинг пардалари ифодаси бўлган ҳарфий белгилар воситаси билан нағма, жинс, жамъ ва маҳомларнинг таъкил этган поғоналари – пардалари кўрсатилиб, тушунтириб берилган.

Ўрта аср фанининг алломаси саналган Шерозий ва Жомийнинг мусиқа назариясига бағишиланган асарларида кўрсатилишича, уд Форобий замонаси (Х аср)гача тўрт торли мусиқа чолғуларидан бўлган<sup>(5)</sup>.

Торлар махсус номлар билан аталган: энг паст товуш берадиган тор – бам (энг паст), иккинчи тор – маслас (арабча – уч баробар баланд), масна (арабча – икки баробар баланд), тўртичинчи тор эса – зир (баланд товуш берадиган) номлари билан ифодаланган. Абу Наср Форобий ўз замонаси табларига, яъни мусиқа амалиётидаги эҳтиёжларга асосланиб, уд торларига “ҳодд” (энг баланд товуш берадиган) торни қўшган ва унинг товуш диа-

<sup>(1)</sup> Калкабий ва Дарвиш Алининг “Рисолаи мусиқий” китобларида (III.И. инв.№468 ЁIV ва 499) олти торли уд чолғуси ҳақида айтилган фикрлар бунинг далили бўла олади. Сўнгги даврларда яратилиган Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданиятига доир манбаларда эса уд ҳақида маълумотлар йўқ.

<sup>(2)</sup> Маҳмуд Шерозийнинг “Дуррагут-тоҷ” энциклопедиясининг мусиқага бағишиланган қисмида Форобийнинг мусиқа назариясидаги бундай хизмаглари жуда кигта ҳурмат билан тилга олинади. Абдураҳмон Жомийнинг мусиқа рисоласида ҳам бу ҳақида айтиб ўтилган.

пазонини диатоник товушқатор нұктан назаридан қарийб 4-5 поғонага кенгайтирган.

Мусиқий назарий рисолаларидан маълум бўлишича, беш торли уд қарийб XVI асрларгача ишлатилиб келинган. Уднинг пардалари эса Форобий яшаган замонлардан то XVI асрларгача бир неча бор ўзгарган ва уларнинг ўрни турлича белгиланиб келинган. Мусиқа назарияси масалаларини, шу жумладан мақомларнинг товушқаторларини тушунтиришда мақсадга мувофиқ келадиган уд пардалари, тахминан XIII - XV асрларда жорий этилган товуш тизимиға тўғри келади. (Уд ҷолғусининг тузилиши Шерозий, Омулий, Ҳусайний ва Жомий рисолаларида асосан, фарқ этмайди).

Уднинг пардалари ўрнини белгилаш учун мусиқа назариётчилари маълум бир тўғри чизиқни тор деб фараз қилганлар ва ўша даврларда мусиқа назариясида бўлган “торнинг бўлиниш қоидаси” асосида уни муайян қисмларга бўлганлар. Дастрраб, фараз этилган тор (тўғри чизиқ)нинг икки учи маҳсус ҳарфлар билан, яъни уднинг шайтон ҳарраги (анаф атамаси билан аталадиган) учи – А (алиф), қорин томонидаги учи – М (мим) ҳарфи билан белгиланади.

A

M

XIII-XV аср мусиқа рисолалари муаллифлари шу торни қисмларга бўлиб, пардалар ўрнини белгилаганлар ва бунда турлича математик (геометрия) қоидаларидан фойдаланганлар. Шунинг учун ҳам “мусиқий илми” ўтмишда риёзат, яъни математика фанларининг бири саналган. Тор турли геометрик усулда тақсимланган бўлса-да, муаллифлар бир хил – умумий натижага эришганлар. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқий” асарида “торларнинг тақсим этилиши” бобида маълум бир усулда ҳосил этилган чизма берилган<sup>1</sup>. Бу ўринда шундай тақсимлаш натижасида вужудга келган тайёр чизма келтирилди. Чунки торнинг узун қисқалигидан қатъий назар, унинг ўртасидаги нұқтадан олинадиган товуш баландлиги, бутун тордан чиқариб олинадиган товушнинг бир оқтава (яъни саккиз поғона ёки диатоник тартибдаги саккиз поғонали товушқаторлар чиқариб олинадиган пардалар) оралиғига тенг; ҳар қандай узунликдаги торнинг ўртасидаги нұқтадан олинадиган товуш очиқ тордан чиқариб олинадиган товушни бир оқтава баландликка тақрорлайди. Бутун тордан чиққан товуш унинг ярмидан чиқариб олинадиган товушнинг ўрнини босиши мумкин. Демак, бутун торнинг ярмидан чиқариб олинадиган товушни унинг ўзига нисбати 2:1 (иккининг бирга) нисбатидир. Бу эса ҳозирги замон нота тизимидағи оқтава интервалини ташкил этадиган икки товушнинг нисбатидир. Худди шунингдек, бутун торнинг  $\frac{1}{3}$  қисми (сознинг паст товуш берадиган томонидан ҳисобланганда) очиқ торга нисбати 3:2 (учининг иккиге нисбати) бўлиб, унинг оралиғи 5 поғонали

<sup>1</sup> Жомийинини бу асарида торнинг тақсимланиши ва парда ўрнларининг ифодаловчи белгилари тўлиқ келтирилган бўлса-да, чизма берилмаган. Қаранг: ўша аср, 19-22 бетлар. Биз чизмани тиклапда Ҳусайнийнинг “Қонун” асарларини фойдаландик.

квинта интервалига тенг; унинг тўртдан бири – 4:3 нисбатида бўлиб, квартада (4 поғонали) интервални беради. Очиқ торнинг 9 дан бири (сознинг паст товуш берадиган томонидан) 9:8 нисбатига тенг бўлиб, катта секунда (бутун тон)ни ташкил этадиган икки товушнинг нисбатидир. Торни шундай йўл билан тақсимлаш натижасида унинг паст товуш берадиган биринчи ярмидан турлича баландликдаги ўн етти хил товуш чиқариб олинади ва уларнинг ҳар бири мусиқа рисолаларида араб алифбосида абжад тартибидаги ҳарфлар билан белгиланади. Бу ҳарфлар сон қийматига ҳам эга бўлиб, жинс ва жамъларни ташкил этадиган товушларнинг ва уларнинг оралиғи (яъни интерваллари) қандай нисбатда бўлишини аниқлашда ҳам ёрдам беради. Бинобарин у ҳарфлар билан торларнинг бўлиниши қоидаси асосида аниқланадиган мусиқа чолғуларида пардалар ўрни ҳам белгиланади. Бу масала уд пардаларини қандай жойланиши лозимлигини тасаввур этишга, ҳатто уни ёзма тарзда кўргазмали қилиб тушунтиришга ҳам имкон беради.

Юқорида зикр этилган чизманинг шакли мана бундай\*:



Бу чизмадан маълум бўлишича, унинг биринчи ярмидаги бўлакларидан ўн етти поғонали товушқатор чиқариб олинган, охирги (ўн саккизинчи) товуш – Йх эса биринчи товуш (А)нинг бир октава юқорида такрорловчи ифодаси (эквиваленти)дир. Ҳозирги замон нота тизимида бир октава чегарасида (яъни “до” нотасидан юқори октавадаги “до” гача) ўн иккита ярим парда оралиғига эга бўлган мустақил поғоналар (хроматик гамма) бўлса, ўтмиш Шарқ мусиқа назариясида улар ўн еттита бўлган.<sup>(5)</sup> Хроматик гаммани ташкил этган поғоналарнинг ҳаммаси яхлит ҳолда мусиқа асарларида ишлатилавермаганидек, Шарқ мусиқасида ҳам октава чегарасидан чиқариб олинган ўн етти поғонали товушқаторнинг ҳамма поғоналари куйлар лад асосини ташкил этадиган товушқаторларда фойдаланилавермайди. Ўзбектоҷик мусиқа асарларининг асосини октава баландлигидан олинадиган диатоник лад товушқаторлари ташкил этди. Ўн етти поғонали товушқаторнинг қолган поғоналари, айрим ҳоллардагина куй ёки ашулаларнинг бошланиши парда (тоника)си бўлиб хизмат этиши мумкин бўлган.

Бу ўринда Шерозий ва Ҳусайнининг мусиқага бағишлиланган асарларида келтирилган жадвалларни эслатиб ўтиш кифоядир. Улар Ушшоқ мақомини олиб, унинг товушқаторини уд чолғусининг турли пардаларидан бошлаганда содир бўладиган ўзгаришларни келтирадилар.

Шерозий бунда Сафиуддин Абдулмўмин асарларига суюнади. Ҳусайнин эса уларнинг йўл қўйган ҳатоларини кўрсатиб, Сафиуддин уdnинг ҳамма

\* Торнинг қисмларининг ифодаловчи белгилар орасида икки хил “Х” ҳарфи ишлатилган бўлиб, уларнинг бири араб алифбосида “ҳойи ҳавваз”, иккинчиси “хейи хуттий” лейилади; уларнинг биринчиси Ҳ (Ҳ нуқтани), иккичиси эса Ҳ (тагига чизилган Ҳ) шаклида ажратилиди. Торнинг А дан Йх гача бўлган қисмини эса унинг ярми леб фараз этамиз.

пардалари ҳам Ушшоқ мақоми бошланадиган парда (тоника) вазифасини ўтайбермаслигини ҳисобга олмаганлигини танқид қиласди. Бу ерда ул пардаларининг ифодаси бўлган ҳарфлар воситаси билан Ушшоқ мақомининг бошланиш пардаси турлича бўлганда қандай шаклда бўлиши ҳақида Ҳусайний “Қонуни”даги жадвал ҳақида фикр юритамиз (уднинг қўйида келтирилган чизмасига қаралсин)”. Ушшоқ бошланадиган пардалар турлича бўлганида, унинг товушқатори қўйидаги пардалардан ҳосил этилади.

**Ушшоқ мақомининг бошланиш парда (тоника)си  
турлича бўлганида ул пардалардан ҳосил  
этиладиган товушқаторлар жадвали\*\***

№	ТОВУШҚАТОРЛАР									
	А	Д	З	Х	Йа	Йд	Йҳ	А	ёки Йх	
1.	А	Д	З	Х	Йа	Йд	Йҳ	Б		
2.	Б	Ҳ	Ҳ	Т	Йб	Йҳ	Йв			
3.	Ж	В	Т	Й	Йж	Йв	Йз	Ж		
4.	—	—	—	—	—	—	—	—		
5.	Ҳ	Ҳ	Йа	Йб	Йҳ	Йҳ	Б	Ҳ		
6.	В	Т	Йб	Йж	Йв	Б	Ж	В		
7.	—	—	—	—	—	—	—	—		
8.	Ҳ	Йа	Йд	Йҳ	Йҳ	Д	Ҳ	Ҳ		
9.	Т	Йб	Йҳ	Йв	Б	Ҳ	В	Т		
10.	—	—	—	—	—	—	—	—		
11.	—	—	—	—	—	—	—	—		
12.	Йб	Йҳ	Йҳ	Б	Ҳ	Ҳ	Т	Йб		
13.	Йж	Йв	Б	Ж	В	Т	Й	Йж		
14.	—	—	—	—	—	—	—	—		
15.	Йҳ	Йҳ	Д	Ҳ	Ҳ	Йа	Йб	Йҳ		
16.	Йв	Б	Ҳ	В	Т	Йб	Йж	Йв		
17.	—	—	—	—	—	—	—	—		

Бу жадвалдан маълумки, 4 (Д), 7 (З), 10 (Й), 11 (Йа), 14 (Йд), 17 (Йа) пардалари Ушшоқ мақоми бошланадиган парда (тоника) вазифасини бажара олмайди. Бундай ҳол бошқа мақомларда ҳам учрайди\*\*\*. Соғ диатоник лад поғоналарига мос келадиган Ушшоқ мақомининг бошланиши мумкин бўлган пардалар шулардир.

\* Шундай ҳам айтиш керакки. Ушшоқ мақоми ҳақилаги жадвалдаги ҳарфлар тўғри чизиқ шаклидаги чизмага ҳам, ул чизмасидаги белги (ҳарф)ларга ҳам мос кела беради.

\*\* Ушшоқ ҳақила “Ўн иккى мақом тизими” қисмига қаранг. Пононалар цепти: 0-204-408-498-702-904-1106-1196-1200.

\*\*\* Биз бу ҳақила тўхтаб ўтирмаимиз. Шерозий ўзининг зикр этилган мусиқа рисолаларида Бузлик мақомининг ҳам товушқаторларини шундай жадвашда келтирган.

Төрларнинг қисмларга бўлиниши қоидаси асосида уд чолғуси пардаларининг ўрни ҳам аниқланган. Форобий даври (Х аср)дан то XV асрларга қадар Шарқда, асосан, беш торли ул жорий этилиб келинган. Лекин беш торли улдинг парда тизимида беш асрдан кўпроқ ўтган давр ичida жуда катта ўзгаришлар рўй беради.

X-XV асрлар давомида юзага келган ўзгаришлар ул пардаларининг ўрнини аниқлашда катта фарқлар туғилишига сабаб бўлди. Абу Али Ибн Сино қонун чолғуси устида ишлаб, соф соз (диатоник лад) масаласини кўтариб чиқади ва ул пардаларини белгилашда ҳам баъзи янгиликлар киритади<sup>1</sup>.

Сафиуддин Абдумўмин эса ўз салафлари ишини давом эттириди. У Абу Наср Форобийнинг асарларида ўз ифодасини топган кўп назарий масалаларга танқидий муносабатда бўлди ва ўзигача ўтган уч асрлик мусиқа амалиётидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, мусиқа назариясига ижодий ёндошли ҳамда ажойиб мусиқа рисолалари яратди. Сафиуддиннинг назарий рисолалари X-XI асрлардан XV асрга ўтишда “кўприк” вазифасини ўтади. У ўзидан сўнгги даврларда ишлатилган ул чолғуси тузилишини узил-кесил белгилаб берди. XV аср мусиқа олимлари Ҳусайнний, Жомий ва бошқа назарийётчилар Форобий, Ибн Синолар қаторида Сафиуддин Абдулмўмин назарий асарларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Лекин Сафиуддин X аср тарихий шаронтини, мусиқа назарияси ва амалиётида бўлган муҳитни ҳисобга олмай, у даврга таалуқли назарий масалаларда хато фикрларга ҳам йўл қўйди. Шерозий ва Ҳусайнний бу ҳақда ўз рисолаларида айтиб ўтган эдилар. Шундай бўлса-да, XV аср олимлари ўз даврларида жорий этилган мусиқа амалиётига яқин бўлгани учун Сафиуддиннинг назарий ва амалий асарларидан баракали фойдаландилар ва уни чуқур ҳурмат билан тилга олдилар.

Сафиуддин Абдулмўминнинг ўз салафлари билан килган мунозараси Шарқ мусиқа назариясидаги кўпгина масалаларни аниқланишида ва уни янада ривожлантирилишига сабаб бўлди. Буюк олимнинг катта хизматларидан бирин ҳам шу эди.

X - XV асрлар давомида ул мусиқа назариясини тушунтириб беришда етакчи чолғу бўлганлиги айтиб ўтилган эди. Бизнинг юритаётган мулоҳазаларимизга мувофиқ келадиган ул қиёфаси XIII - XV асрларда мусиқачилар истеъмолида бўлган шаклидир.

Мусиқа олимлари, дастлаб, юқорида келтирилган тўғри чизиқ шаклидаги чизмадан фойдаланиб, улдинг биринчи (энг йўғон) тори – бамии “Торнинг тақсимланиши” қоидаси асосида бўллакларга бўлиб чиқсанлар. Торнинг ҳар бир тақсимланган бўлаги маълум парданинг ўрни хизматини ўтаган. Бам - торнинг қисмлари улдинг қолган тўртта торлари учун ҳам умумий бўлиб, ҳар бир парда маҳсус номлар билан аталади (Жадвалга қаранг). Биз қуйида

<sup>1</sup> H.Y.Farmer, The lute Scale of Avicenna, in the Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. London, apr. 1937.

XIII - XV аср мусиқа олимларининг рисолаларида келтирилган уд чолғуси-нинг торлари ва пардалари ифодаланган жадвални тайёр ҳолда келтирамиз<sup>1</sup>.

### Уднинг юқори (қулоқ ёки шайтонхарракли) томони

Пардалар:					
Мутлақ	А	Х	Иҳ	Кб	Кт
Зоид	Б	Т	Йв	Кж	Л
Мужанинаб	Ж	Й	Йз	Кл	Ла
Саббоба	Д	Йа	Йх	Кх	Лб
Вустаи фурс	Х	Йб	Йт	Кв	Лж
Вустаи Залзал	В	Йж	К	Кз	Лд
Бинсир	З	Ид	Ка	Кх	Лҳ
Хинсир	Х	Иҳ	Кб	Кт	Лв
Торлар:	Бам	Маслас	Масна	Зир	Хода

Уд чолғусининг бу жадвалда кўрсатилган тор ва пардаларини ифодаловчи белгилар X-XV асрлардаги мусиқага оид назарий масалаларни тушунишда катта ёрдам беради. Шундай қўлиб, уднинг торлари бам, маслас, масна, зир, ҳоддат атамалари билан номланган.

Уднинг парда (достон)лари эса саккизта бўлган:

Биринчи парда – мутлақ, яъни очик парда, деб аталган.

Иккинчи парда – зоид, яъни (мутлақа нисбатан) орттирилган деб номланган.

Учинчи парда – мужанинаб атамаси билан ифодаланиб, “қўшни парда”, бъязи Шарқ мусиқа олимларининг айтишича, “четлатилган” (олимлар бу пардага маҳсус исм бермаганликлари учун номланиш нуқтаи назаридан четда қолдирилган) – деган маънода келади.

Тўртинчи парда саббоба, маъноси “кўрсаткич бармоқ” демакдир. Бу атама кўрсаткич бармоқ воситаси билан товуш ҳосил этиладиган пардани ифодалайди.

Бешинчи парда – вустаи фурс эса ўрта бармоқ воситаси билан товуш чиқариб олинадиган ва форслар ихтиро этган пардадир<sup>2</sup>.

Олтинчи парда Вустаи Залзал, деб номланади. Залзал (791 йил вафот этган) машҳур араб ҳоқони, олими, мусиқачиси бўлиб, Вустаи Залзал – шу шоҳ ҳукмрон бўлган замонда мусиқачилар белгилаган ва ўрта бармоқ воситаси билан товуш чиқариб олинадиган пардадир.

<sup>1</sup> Сафиулдин Абдулмўмин, Шерозий, Ҳусайний, Жомий асрларида бу масала бир-бўридан асосан фарқ этмайди. Бу ерда номлари зикр этилган олимларининг мусиқа рисолалари кўзда тутилади.

<sup>2</sup> Форобий замонида бундай ном билан аталадиган парда бўлмаган, балки мужанинаб, деб номланган бир неча парда – Мужанинабус-сабоба, Мужанинабул-вусат кабилар ишлатилган.

Еттинчи парда – бинсир – ўрта бармоқ билан чимчилоқ ўртасидаги түртнинчи бармоқ номи бўлиб, шу бармоқ воситаси билан товуш чиқариб олинадиган пардани ифодалайди.

Саккизинчи парда – ҳинсир эса чимчилоқнинг номи бўлиб, шу бармоқ воситаси билан товуш ҳосил этиладиган парда ҳам шу исмга мансубдир. Демак, уд пардаларининг номланишидан ҳам кўриниб турибдики, куйларнинг ижро этилишида уд чалувчи созанданинг тўрт бармоғининг ҳаммаси ишлайди.

Форобийнинг мусиқа соҳасидаги назарий асарларидан маълум бўлишича, X асрда саббоба, бинсир ва ҳинсир пардалари юқорида келтирилган уд жадвалидаги тартибда бўлган. Вусто пардаси эса АД торидан баландроқ, X пардасидан эса пастроқ бўлган. Форобий замонида баъзи олимлар саббоба билан бинсир ўртасидаги пардани вустай фурс, ундан олдингисини эса *мужаннабул-вуста*, деб атаганлар.

Вустай фурс билан бинсир орасидаги парда эса, Форобийнинг кўрсатишича, Вустай Залзал, деб номланган. Баъзи мусиқачилар саббоба билан мутлақ пардалари ўртасида бир неча пардалар ишлатиб, уларни “*мужаннаботус - саббоба*” (“ўрта бармоқ билан босиладиган қўшни пардалар”), деб атаганлар. Улар турлича иборалар билан аталиб келинган.

Бундай тартиб XV асргача Ибн Сино, Сафиуддин Абдулмўъмин назарий асарларида жуда кўп ўзгаришларга учраган ҳолда берилади ва юқорида келтирилган жадвал бизнинг Ўн икки мақом ҳақидаги мулоҳазаларимизни ёритишида ҳам асос бўлади.

Уд созининг зикр этилган пардалари номи уни ҳамма (бешта) торлари учун умумийdir. Бунда торлар пардалар номи билан қўшиб аталади. Масалан: Д пардаси – саббобаи бам (бам торининг саббоба пардаси), Т пардаси эса – зонди маслас, Кҳ – саббобаи зир, Лҳ – бинсири ҳодд ва ҳоказо номлар билан аталади. Бунинг сабаби шуки, тор билан парда учрашадиган нуқта турли товушлар чиқариб олинадиган пардалар ўрнидир. Уд ҳозирги вақтда қўлланиладиган рубоб каби ноҳунак (плектр) билан чертиб (зарб бериб) чалинган созлардандир.

Бўйдларда бўлганидек, унинг пардалари ҳозирги замон товуш тизимидағи парда оралиғига нисбатан кичикроқ қисмларга бўлинган. Шунинг учун ҳам уд пардаларининг оралиги ва ўзаро нисбати ҳам турлича бўлган ва бизгача стиб келган чертиб чалинадиган чолғулар (рубоб, танбур, дутор ва бошқалар парда тузилиши тизими) дан тубдан фарқ этган. Лекин жонли мусиқа асарларини ижро этишида уднинг октава диапазонидаги ўн стти поғонали товушқаторнинг ҳар бири ишлатила бермаган, мусиқа асарлари, асосан, темперация қилинмаган диатоник лад тизимларига мос келиши юқорида айтилган эди. Бу срда шуни айтиб ўтиш лозимки, Шарқ мусиқасида ладлар темперация этилмаган диатоник товушқаторлардан иборат бўлган. Темперация этилган диатоник товушқаторлар билан улар орасидаги фарқ қулоқ билан ажратиб бўлмайдиган даражада оз бўлган. Бу ҳолни уд пардаларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Уднинг пардаларидан чиқадиган товушлар поғона (шкала)си центлар нұқтаи назаридан манбаларда қуйидагича аниқланган<sup>\*</sup>:

Пардалар:					
Мутлақ	А - 0	Х - 498	Йх - 996	Кб - 294	Кт - 792
Зоид	Б - 90	Т - 588	Ив - 1086	Кж - 384	Л - 8824
Мужаниаб	Ж - 180	Й - 678	Йз - 1176	Кд - 474	Ла - 972
Саббоба	Д - 204	Йа - 702	Йх - 1200	Кх - 498	Лб - 996
Вустай фурс	Х - 294	Йб - 792	Йт - 90	Кв - 588	Лж - 1086
Вустай Зилзал	В - 384	Йж - 882	К - 180	Кз - 678	Лд - 1176
Бинсир	З - 408	Йд - 906	Ка - 204	Кх - 702	Лх - 1200
Хинсир	Х - 498	Йх - 996	Кб - 294	Кт - 792	Лв - 90
Торлар:	Бам	Маслас	Масна	Зир	Ходд

Аввало уд торлари ўтмишда квартал (тўрт поғонани ўз ичига оладиган интервал) даражасида созланган. Бу ҳолатда, мутлақ номи билан аталган – А, Х, Йх, Кб, Кт пардалари (уд жадвалига қаранг) бир-бирига нисбатан квартал (4:3) нисбатидадир. Уднинг бам торидаги А билан Б пардалари оралиғи, Б билан Ж, шунингдек Д - Х, Х- В, З билан Х пардалари оралиғи кичик ярим тон (яъни 90 цент)га тенг интерваллардир. Ж билан Д, В - З пардалари оралиғи эса бир комма (24 цент)ли интервалларни ташкил этади<sup>\*\*</sup>. Баъзи ҳолларда кейинги пардалар оралиғи кичик ярим тон вазифасини ҳам ўтай беради. Шу сабабли уд пардаларини ҳозирда тасаввур этишда баъзи чалкашлиқ ва ноаниқликларга дуч келинади. Қисқача айтганда, мусиқа амалиётида жорий этиладиган диатоник товушқаторлар тизими нұқтаи назаридан, мутлақ пардалар (А, Х, Йх, Кб, Кт) билан саббоба пардалари (Д, Йа, Йх, Кх, Лб)нинг ораси ва саббоба пардалари билан бинсир пардалари (З, Йд, Ка, Кх, Лх) оралиғи бутун тон (парда, центлари 204) даражасида туради<sup>\*\*\*</sup>. Бинсир – деб номланган пардалар билан хинсир пардалар (Х, Йх, Кб, Кт, Лв) ораси кичик ярим тондан иборат бўлади.

Қисқача айтганда, ўтмишда уднинг тор ва пардаларининг ҳаммаси маълум бир куйни ижро этишда бирин-кетин ишлатилмай, темперация этилмаган диатоник лад уюшмалариға мослаб чалинган. Бизгача етиб келган ўзбектоҷик ҳалқ мусиқа асарларида, айниқса Шашмақомнинг баъзи йўллари ва кейинги даврларда яратилган ҳалқ куй ва ашулаларининг лад қурилмалари-

\* H. G. Farmer, Musiki, in the Encyclopedia of Islam V.III. London. 1936; Абдураҳмон Жомий. ўша асар, профессор В. М. Беляевининг "Рисола"га шарҳи.

\*\* Бу интерваллар бакия ва фазла номи билан аталиб, уларни ташкил этадиган товушлар нисбати 256:243, 22:21 баъзи манбаларда 20:19. Уларнинг 24 центли хиллари эса бўъди асfir (энг кичик интервал) деб аталиб, унинг товушлари нисбати – 531441:524288 ёки тахминан 78:77 дир.

\*\*\* Бу интерваллар "бўъди танинӣ" деб аталади. Уларнинг икки томонини ташкил этган товушлар нисбати 9:8 дир. яъни бутун тор тўқизта тенг бўлакка бўлинib, саккиздан бир қисми шайтон харрак томондан шу интервални беради.

да ўн етти поғонали товушқаторнинг баъзи кўринишлари, излари сақланиб қолганлиги бу фикрнинг далилидир. Лекин бу четланишлар бир комма (бутун тоннинг  $\frac{1}{8}$  булаги) дан ортиқ бўлмаган.

Ўзбек-тоҷик шинавандаларига маълум бўлган ва мақомлар услубида ишланган Ажам, Насруллои, Мискин ҳамда Наво, Дугоҳ, Сегоҳ мақомлари лад қиёфасига мос келадиган бошқа куй ва ашулашарда темперация этилмаган диатоник товушқаторларнинг таъсири айниқса сезиларлидир\*.

Бу ўринда мақом тартибида ишланган куйлардан Мискин ва Наврўзи Ажамни келтириш кифоядир.

Масалан, Мискин I нинг бошланишидаги IV поғонадан III га қайтишда ва VII - VIII поғоналари орасида шундай ҳолни кўрамиз\*\*:

Нота мисоли № 13



Бу куйни бир овозли (монодик) мусиқа асари сифатида халқ чолғуларида ижро этилса, соль билан фа оралиғи ярим тондан бир комма оргиқроқ (беқарор оралиқда), тахминан 114 центга баробар экани маълум бўлади. Наврўзи Ажамда ҳам худди шундай ҳолни кўрамиз. Унинг ташкил этган III-IV товуш поғоналарида юқорида айтилганидек, 114 цент оралиғидаги интерваллар учрайди:

Нота мисоли № 14



Бу мисоллар мулоҳаза юритилаётган уд чолғусида ўтмишда ижро этилиб келинган Ўрта Осиё халқлари мусиқа асарлари билан бизгача етиб келган куй шакллари орасида маълум даражада яқинлик борлигини кўрсатади,

\* Халқ чолғулари - уд, танбур, рубоб, дутор пардаларини секинроқ ёки кучлироқ босиш сикичакдан боғланадиган пардаларини суриш билан унинг товушини паст ёки баландроқ қилиб чалинганилиги ҳам бу ерда хисобга олинган бўлиши мумкин.

\*\* Нота мисолларида диатоник лад қиёфасидан чиқиб кетадиган ноталарнинг тагига белги қўйиб ажратилди.

бинобарин, бу ҳалқлар мусиқа ижодиётидаги товушлар тизимида бир қадар барқарорлик мавжудлигини тасдиқлади.

Лекин бундай ҳолатларни ўзбек-тожик ҳалқлари мусиқасининг ҳамма куй ва ашула йўллари учун хос, деб айтиб бўлмайди. Маълумки, чант тишида тузилган қонун ва нузҳа каби жуда кўп чолғулар узоқ ўтмиш замонлардан бошлаб, мусиқачилар истеъмолида яшаб келган. Улардан ҳосил этилган товушқаторлар темперация этилган диатоник лад уюшмаларига мос кела-ди. Бу чолғуларда юқоридаги нота мисолларида кслтирилган мусиқа асарлари ижро этилса, улар темперация этилган диатоник лад тизимларига мос бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда куйларнинг лад асосларига мувофиқ равишда бир меъерда темперация этиш (равномерная темперация, яъни октава чесгарасидаги 12 поғонали хроматик гамма товушқаторларига мослаш) орқали кўп овозли мусиқа асарлари яратиш - мусиқа маданиятимиз тараққиёти тарихида муҳим масалалардан биридир.

Биз юқорида нағма, бўйд. жинс, жамълар устида тўталиб ўтганимизда жамълар турли диапазондаги товушқаторлар, - деб айтилган эди. Жамънинг, шу жумладан уларни ташкил этган жинсларнинг турлари жуда ҳам кўпdir.

Бизнинг тушунчамизга яқинроқ бўлган жамъларнинг турлари XIII - XV аср мусиқа рисолаларида ўз аксини топган. Бу давр ўрта аср адабиёти ва санъати тарихида ажойиб мўъжизалар яратди ва Ўрта Осиё ҳалқларининг ўзига хос адабиёти ва санъатининг турли соҳаларида ўлмас ёдгорликлар қолдирди. XIII - XV асрлар Ўрта Осиё ва Хурросон ҳалқлари ўрта аср мусиқа маданиятининг ҳам юксалиш, гуллаш даври бўлди.

Мусиқа назарияси ҳеч қаочон шу даврдагидек мусиқасининг амалий томонларига боғланиб таърифланмаган эди. Форобий, Ибн-Сино, Сафиуддин Абдулмўмин, Хўжа Абдулқодир, Маҳмуд Шерозий каби олимларнинг мусиқа назариясига доир китоблари, Шарқ ҳалқлари мусиқасининг асосини бизга жуда қоронғи бўлган IX - XIV аср мусиқа маданиятининг амалий томонларига боғлиқ масалаларни акс эттираса, XV аср мусиқа рисолаларида бизга анча чқин бўлган даврдаги мусиқа асарларига боғлиқ масалалар устида мулоҳаза юритилади. Шундай масалалардан энг муҳими мавзуимиз бўлган мақом масаласидир.

## МАКОМ НИМА?

Мақом атамаси арабча сўз бўлиб, “истиқомат ўрни”, “туар жой” маъноларида келади. Мусиқа истилоҳида эса мақом – мусиқа чолғуларида куй ва ашулаларни ташкил этадиган товушларнинг жойлашадиган ўрни, яъни пардалардир. Мусиқа рисолаларининг баъзиларида мақомлар турлича таърифланади. X-XIII аср ёзма манбаларида мақомларга ноаниқ таъриф берилади. Шунинг учун сўнгги даврда ёзилган мусиқа назарий асарларига мурожаат этамиз.

XV аср мусиқа назариётчиси Зайнулобидин Ҳусайнининг “Қонун”ида мақомга қуйидагича таъриф берилган:

“Сознинг дастасига боғланадиган ҳалқасимон тўсиқлар (сўзма-сўз “ҳалқалар”)ни “мақом” дейдилар”<sup>\*</sup>. Бундан кўринадики, мақом мусиқа чолғула-ри дастасига боғланадиган пардалардир. Шунинг учун Шерозий ва Жомий-нинг рисолаларида “мақом” сўзининг эквиваленти сифатида “парда” атами-си қўлланилади.

“Фиёсл-луғат” муаллифи мақомни шундай таърифлайди:

“Ижро этиладиган куй ва қўшиқларнинг пардасини мақом дейдилар”<sup>\*\*</sup>.

Ўтмишда мақомлар турли маънода ишлатилиб келинган. Мақомнинг да-стлабки маъноси – ижро этиладиган кўйнинг лад асосидир”<sup>\*\*\*</sup>. Ўзбек-тожик халқларида, бошқа халқлар мусиқасида бўлгани каби, ҳар бир мусиқа асари маълум лад уюшмасига мос келади. Шарқ халқлари мусиқасининг лад асоси жуда ҳам мустаҳкам негизда қарор топган бўлиб, кўпинча уларнинг мусиқа асарлари муайян лад уюшмалари доирасидан чиқмайди.

Ёзма манбалардан маълум бўлишича, мақом атамаси лад уюшмалари билан бир қаторда мусиқа асарларининг мусиқа чолғуларидаги боғланадиган парда (тоника)сини ҳам ифодалаган. Бу фикрнинг ифодаси сифатида мусиқа амалиётимизда ҳам баъзи излар сақланиб қолган. Масалан, Рост парда-си (Рост мақоми боғланадиган парда), Ушшоқ пардаси, Наво пардаси ва ҳоказо.

XIII - XV аср рисолаларида “мақом” атамаси “парда” сўзига маънодош деб кўрсатилади”<sup>\*\*\*\*</sup>.

Мақом дейилганда мусиқа чолғуларининг ижро этиладиган кўйга мос қилиб созланиш ҳам тушунилади. Бунинг мусиқа амалиётидаги ифодаси шуки, ҳофиз ва бастакорлар орасида Наво ёки Баёт сози (яъни чолғуни уларнинг лад асосига мос slab созланиши), Рост сози каби маҳсус атамалар ишлатилиб келинган. Бухоро ва Самарқандда созларни мақомларга мос slab со-зланишининг ифодаси бўлган Мезроби Рост, Мезроби Наво ва Мезроби Сегоҳ каби иборалар ишлатилади. Мезроби Рост – танбуурни Рост мақомига, Мезроби Наво – Наво мақомига, мезроби Сегоҳ эса уни Бузрук, Сегоҳ ва Ироқ мақомларига мос slab созланишини ифодалайди”<sup>\*\*\*\*\*</sup>.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб, мақомни шундай таърифлаш мумкин:

Мақом – маълум лад асосига мос келадиган ва муайян пардадан бошла-надиган куй ва ашулалар мажмуасидир. Ҳозирги кунга қадар мақом куй ва ашула йўллари туркуми маъносини ифодалаб келди.

\* Мазкур асар, ЎзРФА Алишер Навоий номли Адабиёт музейи қўлзмаси, №42, варақ 32-6.

\*\* Муҳаммад Фиёсилдин бин Жалолуддин. Фиёсл-Луғот. Канфур, 1242-1826.

\*\*\* Ладнинг турли маънолари бор. Бу ерда октава диапазонидаги товушилар мажмуаси, 8 поғонали диятоник лад уюшмалари кўзла тутилади.

\*\*\*\* Биз қўйида “парда” сўзини мусиқа чолғулари дастасидаги айрим пардалар маъносидагина ишлатамиз.

\*\*\*\*\* А. Фитратнинг юқорида зикр этилган асари, 19-бет.

б) Ўн бир погонали вариантида овознинг етти погонаси юқорилашиб бориб, қолган погоналари паства ҳаракат этади:

$$\begin{array}{ccccccccccccccccc} \text{А} + \text{Д} + \text{В} + \text{Х} + \text{Й} + \text{Йа} + \text{Йж} + \text{Йа} + \text{T} + \text{З} + \text{Д} = & & & & & & & & & & & & & & & & \\ \text{T} - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Б} - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{T} & & & & & & & & & & & & & & & & \\ 0 + 204 + 384 + 498 + 678 + 702 + 882 + 702 + 588 + 408 + 204 \\ ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ \\ 204 & 180 & 114 & 180 & 24 & 180 & 180 & 114 & 180 & 204 \end{array}$$

**3. Гардонийя.** “Айланувчи, айланма йўлли” маъносида келади. Гардонийя ладига мос куйлар жуда мураккаб йўллар бўлса керак. Уни Гардун ибораси билан ҳам аталиб, Шашмақом чолғу йўлларида ҳам учрайди (Гардуни Сегоҳ, Гардуни Наво каби). Бу овоз жамълар жумласидан 52 доиралир, лекин тўққиз погонали қилиб ўзгартирилган:

$$\begin{array}{ccccccccccccc} \text{А} + \text{Д} + \text{В} + \text{Х} + \text{Й} + \text{Йа} + \text{Йд} + \text{Йв} + \text{Йҳ} = & \text{T} + \text{Ж} + \text{Ж} + \text{Ж} + \text{Б} + \text{T} + \text{Ж} + \text{Ж} \\ 0 + 204 + 384 + 498 + 678 + 702 + 906 + 1086 + 1200 \\ ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ \\ 204 & 180 & 114 & 180 & 24 & 204 & 180 & 114 \end{array}$$

Уни уд созининг бошқа пардаларидан ҳосил қилиш ҳам мумкин.

$$\begin{array}{ccccccccccccc} \text{Х} + \text{Йа} + \text{Йж} + \text{Йҳ} + \text{Йз} + \text{Йҳ} + \text{Ка} + \text{Кж} + \text{Кҳ} = & \text{T} - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Б} - \text{T} - \text{Ж} - \text{Ж} \\ 498 + 702 + 882 + 996 + 1176 + 1200 + 1404 + 1584 + 1698 \\ ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ \\ 204 & 180 & 114 & 180 & 24 & 204 & 180 & 114 \end{array}$$

Бу овоз ортирилган Гардонийя (Гардонийяйи зоид) деб аталади. Чунки унинг лад асоси саккиз погонали диатоник лад тизимидағига кўра октава чегарасида бир парда ортиқдир.

**4. Гавашт.** Унинг луғавий маъноси номаълум бўлиб, жамълар жумласидан 76 доирани ташкил этади (Жомийнинг рисоласида уднинг бошқа пардаларида келтирилган).

$$A + \overset{\wedge}{Ж} + \overset{\wedge}{B} + \overset{\wedge}{X} + \overset{\wedge}{Й} + \overset{\wedge}{Йб} + \overset{\wedge}{Йж} + \overset{\wedge}{Йв} + \overset{\wedge}{Йх} = Ж - Т - Ж - Ж - Ж - Б - Т - Ж$$

$$0 + 180 + 384 + 498 + 678 + 792 + 882 + 1086 + 1200$$

$$\begin{array}{cccccccccc} \wedge & \wedge \\ 180 & 204 & 114 & 180 & 114 & 90 & 204 & 114 & \end{array}$$

**5. Мойа.** Асл, соф, олий навъ маъноларида ишлатилади. Бу овоз беш ҳам тўрт погонали бўлиши мумкин.

a)  $\overset{\wedge}{Йа} + \overset{\wedge}{Йх} + \overset{\wedge}{Йx} + \overset{\wedge}{Кб} + \overset{\wedge}{Кx} = X - T - X - T = 702 + 996 + 1200 + 1494 + 1698$

$$\begin{array}{cccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 294 & 204 & 294 & 204 & & \end{array}$$

b)  $A + \overset{\wedge}{B} + \overset{\wedge}{X} + \overset{\wedge}{Йa} = 0 + 384 + 498 + 702 ^*$

$$\begin{array}{ccc} \wedge & \wedge & \wedge \\ 384 & 114 & 204 \end{array}$$

**6. Шаҳноз** (келинчак маъносини билдиради). Шаҳноз никоҳ тўйларида ижро этилган ёки куйларнинг келинчаги, гўзали маъноларида ишлатилган бўлиши мумкин. Шаҳноз олти погонали бўлиб, улар уд пардаларида қуидагичадир:

$$Kб + Kд + Kв + Kз + Kд + Kб = Ж - Ж - Б - Т - Ж$$

$$1494 + 1674 + 1788 + 1878 + 1674 + 1494$$

$$\begin{array}{ccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 180 & 114 & 90 & 204 & 180 \end{array}$$

Бу ерда товушқатор Кз пардасидан сўнг пастга ҳаракат этади. Шаҳнознинг яна бир варианти бундай:

$$A + \overset{\wedge}{Ж} + \overset{\wedge}{X} + \overset{\wedge}{B} + \overset{\wedge}{X} + \overset{\wedge}{Й} + \overset{\wedge}{Йa} = Ж - Ж - Б - Ж - Ж - Б$$

$$0 + 180 + 294 + 384 + 498 + 678 + 702$$

$$\begin{array}{ccccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 180 & 114 & 90 & 114 & 180 & 24 & \end{array}$$

Овозлар Шашмақом шаклланишида ҳам маълум аҳамият касб этган ва уларнинг баъзилари кейинчалик мақом шўъбалари тарзида (бошқа номлар билан бўлса-да) қабул қилинган.

**Мақомларнинг шўъбалари ҳақида.** Шўъба дейилганда мақомларнинг шохобчалари тушунилади. Шўъбалар масаласида ҳам XV-XVII аср мусиқа рисолаларига мурожаат этишга тӯғри келади. Чунки бу рисолаларда ётилган шўъбалар масаласи бизнинг кунгача етиб келган мусиқа асарларига

\* Мойанинг бу товушқагорида 204 ва 18 центли интэрвалларни ўз ичига олган 384 центли интэрвал мавжуд. Мусиқа рисолаларида буни ифодаловчи белги қабул этилмагани учун бу ерда центларнингина келтирдик.

ҳам алоқадордир ва Шашмақом таркибидаги шўъбалар функциясини англашга ҳам ёрдам бериши мумкин.

Шўъбалар мақомлар каби ижро этиладиган куй ва ашуаларнинг лад асосидир. Лекин уларнинг товушкаторлари кўпинча мақомларниги кўра кичикроқ диапазонда бўлади. Мусиқа манбаларидан англашилишича, баъзан улари ёки бу мақомнинг маълум бўллагини ташкил этади. Лекин мусиқа рисолалари муаллифларнинг бу масалада юритадиган тахминий мулоҳазалари шўъбалар тизимини англашда кўпинча чалкашликлар туғилишига сабаб бўлади. Шунинг учун В. М. Беляев Абдураҳмон Жомийнинг рисоласига ёзган шарҳида шўъбаларнинг композиция нуқтаи назаридан аҳамияти ҳалигача аниқланмагани ва келгусида аниқланниши ҳамда илмий асосда ўрганилиши лозимлигини уқдириб ўтади. Масалан, муаллифлар Дугоҳ шўъбасини икки пардадан иборат ва улар оралиғи бир тон деб олиб, буни турли мақомларнинг пастки ёки юқориги поғоналаридан ҳосил қилиш мумкин бўлгани учун кўпгина мақомлар шўъбаси, деб қараганглар. Сегоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ ҳақида ҳам худди шундай чалкашликлар мавжуд. Биз турли манбалардаги фактлар ва мулоҳазаларга суюниб фикр юритамиз ва шўъбаларни ташкил этган лад товушкаторларининг поғоналарини уд сози пардаларига тадбиқ этиб, улар орасидаги интервалларнигина кўрсатиб ўтамиз.

Шўъбалар XV-XVII аср рисолаларида йигирма тўрттадир. Улар Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ, Аширан, Наврўзи Араб, Моҳур, Наврўзи Хоро, Наврўзи Баётий, Ҳисор, Нуҳуфт, Уззол, Авж, Найриз, Мубарқаъ, Ракб, Сабо, Ҳумоюн, Зовулий, Исфаҳонак ёки Рўйи Ироқ, Бастайи Нигор, Ниҳованд, Жавзий, Мухайяр номлари билан машҳур бўлган.<sup>(20)</sup> Ҳусайнининг “Қонуи” асарида кўрсатилишича, Дугоҳ, Сегоҳ, Ниҳованд шўъбаларининг товушкаторлари уд ҷолғусининг паст пардаларидан юқорига, қолганлари эса аксинча тартибда ижро этилади (биз бу тартибни ҳисобга олмадик). Шўъбалар билан қисқача танишиб чиқамиз.

I. Дугоҳ ибораси товуш ҳосил қилинадиган икки жой, яъни парда демакдир. Оралиғи бутун тон даражасида бўлган икки турли товуш Дугоҳ шўъбасидир. У уд созининг А + Д (0 + 204) ва X + Йа (498 + 702)

204

204

пардаларидан чиқариб олинади. Ўрта Осиё ва Хурсонда икки пардада ижро этиладиган куй ва ашуалар учрамайди, балки бундай товушлар биримаси куйларнинг бошланиш пардалари бўлиб хизмат этиши мумкин. Дугоҳнинг “иккинчи парда” маъноси ҳам бор. Бу ўринда мақомлар асосий йўлининг иккинчи пардаси, деган маъно чиқади. Масалан: Дугоҳи Рост (Рост мақомининг иккинчи пардаси), Дугоҳи Ҳусайн (Ҳусайнининг иккинчи пардаси).


Ўн икки мақом ва унинг шўъбаларининг жонли намуналари бизгача Шашмақом воситаси билангина етиб келганлиги учун Дугоҳ мақомининг Ҳусайнин шўъбасига мурожаат этамиз. У шундай бошланади. (Дугоҳ мақом йўлла-

<sup>1</sup> Шашмақом таркибидаги шундай номланган маҳсус мақом мавжуд (Шашмақом қисмига қаранг).

рининг бошланишидаги икки поғонани нота тагидаги — белги билан кўрсатмиз).



Шунингдек, Дугоҳи Ҳусайнининг Тошкент-Фарғона вариантида ҳам бу ҳол ўз кучини сақлаб қолган<sup>(21)</sup>:



Професор В. М. Беляев айтганидек, шўъбаларнинг композицион жиҳати мусиқа маданияти тарихида жуда катта чалкашлиқ ва ноаниқликлар туғдиради. В. М. Беляев ўзининг Жомий рисоласига ёзган шарҳида Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ ва Панжгоҳ шўъбалари ҳақида қимматли муроҷазалар юритади ва бу шўъбаларни битта гуруҳ ҳисоблаб, Дугоҳ асосида юзага келганилигини таъкидлаб ўтади". Лекин бу масала чуқурроқ ўрганишини ва аниқлашни талаб этади.

Юқорида айтилганидек, икки поғонали товушқатор чегарасида ҳеч қандай мусиқа асарлари бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, қуйидагича хуло-сага келиш мумкин: Дугоҳ шўъбасининг товушқатори ўтмишда икки поғонали бўлган деб кўрсатилиши куйларнинг диапазонини кўрсатмайди, балки фақат унинг бошланғич икки пардасинигина ёки ладнинг иккинчи поғонаси ифодаси бўлиб хизмат этиши мумкин. Дугоҳ шўъбасида мусиқа асарлари бошланишидаги икки поғона ҳисобга олингандир. Сегоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ шўъбалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. сегоҳ шўъбасида унга мос мусиқа асарларининг бойланишидаги уч парда, Чоргоҳда – шундай пардаларнинг тўрттаси, Панжгоҳ шўъбасида эса – бештаси ҳисобга олинган бўлса керак. (Уларнинг поғоналари оралиғи ҳақида кейинроқ гапирилади.)

Шўъбаларнинг бу гурухи ҳақида Шерозийнинг зикр этилган рисоласида келтирилган маълумот ҳам диққатга сазовордир. Юқорида айтилганидек, асарда Сегоҳи Ҳижоз, Чоргоҳи Ҳижоз, Нуҳуфти Ҳижоз каби Ҳижоз мақомининг шўъбалари келтирилади. Бу шуни кўрсатадики, Дугоҳ, Чоргоҳ, Сегоҳ кабилар Ҳижоз мақомининг шўъбалари вазифасини ўтай олади. Эҳтимол, зикр этилган шўъбаларда мақомнинг ашула йўллари асосий тоналлик-

\* Қаранг: Абдураҳман Джами. Трактат о музыке, Ташкент, 1960, 92-96 б.

дан 2-3-4 поғона юқоридан бошланган. Ҳар ҳолда бу масалалар чүкүрроқ ўрганишни талаб этади.

**2. Сегоҳ.** Уч жойдан, яғни уч пардадан чиқариб олинадиган товушқатордир. Унинг поғоналари ул созида  $A + D + B$  (интерваллар ва центлари  $T - J = 0 + 204 + 384$ ) ёки

$$\begin{array}{cc} ^ & ^ \\ 204 & 180 \end{array}$$

$X + Ya + YJ = (498 + 702 + 882)$  пардаларидан олинади. Шашмақом таркибида Сегоҳ номи билан машҳур маҳсус мақом бўлиб, у Ҳижоз мақоми ва Сегоҳ шўйбасига асосланган, деб ўйлаш мумкин<sup>(22)</sup>.

**3. Чоргоҳ** тўрт пардадан ҳосил қилинадиган товушқатордир. Чоргоҳ шўйбаси юқорида зикр этилган биринчи гуруҳ жинсларнинг биринчи навъига мос келиб, унинг поғоналари ва улар орасидаги интерваллари ҳамда центлари қўйидагичадир<sup>(23)</sup>:

$$\begin{array}{c} A + D + B + X = T - J - J \\ 0 + 204 + 384 + 498 \\ \hline 204 \quad 180 \quad 114 \end{array}$$

Унинг диапазони кварта бўлгани учун Чоргоҳи зул-арбаъ (кварта диапазонидаги Чоргоҳ), деб аталади<sup>\*</sup>.

**4. Панжгоҳ** (беш поғона-парда). Панжгоҳ, манбаларда кўрсатилишича икки хил бўлади:

а) Панжгоҳи асл (асосий Панжгоҳ). У беш поғонали квинта диапазонидаги товушқатор бўлиб, иккинчи гуруҳ жинсларнинг тўртинчи навъини ташкил этади. Унинг товушқаторлари, поғоналари ва улар орасидаги интерваллари ва центлари ул пардаларida қўйидагичадир:

$$\begin{array}{c} X + Ya + YJ + Yx + YJ = T - J - J - T \\ 498 + 702 + 882 + 996 + 1200 \\ \hline 204 \quad 180 \quad 114 \quad 204 \end{array}$$

б) Панжгоҳи зоид (орттирилган Панжгоҳ). Юқоридаги товушқаторда Йҳ билан Йҳ орасига бир поғона – Йз кўшиб орттирилади. Лекин товушқатор диапазони ўзгармайди. Бу шўйбани ташкил этган товушқатор поғоналари ва интерваллари ул сози пардаларida шундайдир:

\* Шашмақомда Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Уфари Чоргоҳ, Савти Чоргоҳ номли шўйба ва қисмлар Дуюҳ мақомига киради.

$$X + \text{Йа} + \text{Йж} + \text{Йз} + \text{Йх} = T - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Ж} - B$$

$$498 + 702 + 882 + 996 + 1176 + 1200$$

$$\begin{array}{ccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 204 & 180 & 114 & 180 & 24 \end{array}$$

**5. Аширан** (ўнталик, яъни ўн поғонали товушқатор)\* Аширан шўйбасига хос товушқатор поғоналари уднинг қуидаги торлари ва пардаларидан хосил қилинади.

$$A + D + B + X + \text{Й} + \text{Йа} + \text{Йж} + \text{Йз} + \text{Ка} = T - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Б} - \text{Ж} - \text{Ж} - T - T$$

$$0 + 204 + 384 + 498 + 678 + 702 + 882 + 996 + 1200 + 204$$

$$\begin{array}{cccccccccc} \wedge & \wedge \\ 204 & 180 & 114 & 180 & 24 & 180 & 114 & 204 & 204 & 204 \end{array}$$

Ашираннинг бошқа тури ҳам борки, у олти поғоналидир:

$$X + \text{Йа} + \text{Йж} + \text{Йз} + \text{Йх} + \text{Ка} = T - \text{Ж} - \text{Ж} - T - T$$

$$498 + 702 + 882 + 996 + 1200 + 204$$

$$\begin{array}{ccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 204 & 180 & 114 & 204 & 204 \end{array}$$

Зайнулобидин Ҳусайнининг Аширан товушқатори Ҳусайнин мақомининг бир қисми (III-IV-V-VI-VII-VIII поғоналари)га мос келади.

**6. Наврӯзи Араб.** (Арабларнинг Наврӯз байрамига нисбат берилади). Бу шўйба XV аср рисолаларида олти поғонали бўлиб, уд пардаларидан чиқарип олинадиган ўрин қуидагича:

$$X + \text{Й} + \text{Йб} + \text{Йд} + \text{Йз} + \text{Йх} = \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Ж} - \text{T} - \text{Б}$$

$$498 + 678 + 792 + 906 + 1176 + 1200$$

$$\begin{array}{ccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 180 & 114 & 114 & 270 & 24 \end{array}$$

XIV асрнинг машҳур олимни Ҳўжа Абдулқодир ўзининг “Жамиъул алҳан” (“Қуйлар тўплами”) асарида Наврӯзи Араб шўйбасини тўрт поғонали товушқатор, - деб қўрсатади:

$$A + \text{Ж} + \text{Х} + \text{З} = \text{Ж} - \text{Ж} - \text{Ж} = 0 + 180 + 294 + 308$$

$$\begin{array}{ccc} \wedge & \wedge & \wedge \\ 180 & 114 & 114 \end{array}$$

\* Ашираннинг товушқатори октава чегарасидан чиқиб кетади. Ҳар ҳолла бу товушқатор куининг диапазонига қараб ўн поғонали қилиб олинган бўлса керак.

7. **Моҳур** (тушкин, ғамгин). Бу шўъбанинг асл моҳияти номаълум. Моҳур саккиз поғонали товушқатор бўлиб, уд пардаларидаги ўрни қўйидагича:

$$A + D + Z + X + \dot{Y}a + \dot{Y}d + \dot{Y}v + \dot{Y}\chi = T - T - B - T - T - \dot{J} - \dot{Z}$$

$$0 + 204 + 408 + 498 + 702 + 906 + 1086 + 1200$$

$$\begin{array}{cccccccc} ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ \\ 204 & 204 & 90 & 204 & 204 & 180 & 114 \end{array}$$

Моҳурнинг охирги икки поғонасидан ташқари бўлган товушқатори Ушишоқ мақомига мос келади.

Зайнулобидин Ҳусайнний беш поғонали Моҳурни ҳам мисол келтиради:

$$X + \dot{Y}a + \dot{Y}d + \dot{Y}v + \dot{Y}\chi = T - T - \dot{J} - \dot{Z} = 498 + 702 + 906 + 1086 + 1200$$

$$\begin{array}{cccccc} ^ & ^ & ^ & ^ & ^ \\ 204 & 204 & 180 & 114 \end{array}$$

Бу товушқатор Моҳурнинг ўзидан, унинг юқори қисмидан олинган.

8. **Наврӯзи Хоро**. Луғавий маъноси номаълум. Хоро – тош ва ипаклик мато маъноларида келади. Буни төрглиқ ерларга нисбат берилган шўъба номи дейиш мумкин. У Ўн икки мақом тизимида Наво мақомининг шўъбаси бўлиб, олти поғонали товушқаторидир:

$$X + \dot{Y} + \dot{Y}b + \dot{Y}\chi + \dot{Y}z + \dot{Y}\chi = \dot{J} - \dot{J} - T - \dot{J} - B$$

$$498 + 678 + 792 + 996 + 1176 + 1200$$

$$\begin{array}{ccccc} ^ & ^ & ^ & ^ & ^ \\ 180 & 114 & 204 & 180 & 24 \end{array}$$

Бу шўъба Наврӯзи Ажам номи билан ҳам машҳур бўлган.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Шашмақомнинг Сегоҳ мақомида Наврӯзи Хоро ва Наврӯзи Ажам номлари билан машҳур Наср – дейилган шўъбалар мавжуд. (Шашмақом қисмига қаранг).

9. **Наврӯзи Баётӣ**. Баёт – Ўрта Осиёлик турк қабилаларининг бири. Шу қабиланинг Наврӯз байрамига нисбат берилган шўъба номи, деб ўйлаш мумкин. Шашмақомдаги Наво мақомида ҳам Баёт номи билан машҳур бўлган шўъбалар учрайди.

Наврӯзи Баётӣ беш поғонали товушқатор бўлиб, уларнинг бир поғонаси Йб билан Йж пардалари орасидаги товушдир.

$$X + \dot{Y} + (\dot{Y}b + \dot{Y}\chi) + \dot{Y}\chi + \dot{Y}\chi = \dot{J} - T - \dot{J} - T$$

$$498 + 678 + (792 + 882) + 996 + 1200$$

$$\begin{array}{ccccc} ^ & ^ & & ^ & ^ \\ 180 & 204 & & 114 & 204 \end{array}$$

<sup>1</sup> Йб билан Йж қарслада берилди. Товуш поғоналари орасидаги парда таҳминан 858 центта тўғри келади.

**10. Ҳисор.** (Қалъа ёки төғ билан үралган водий). Қадимги Тожикистон ҳудудига үрнашган маълум бир шаҳар номи. Бу унга нисбат берилган мақом шўъбасидир. Ҳисорнинг товушқатори поғоналари уд пардаларида шундай:

$$X + \hat{Y} + \hat{Y_6} + \hat{Y_ж} + \hat{Y_в} + \hat{Y_x} + K + \hat{K_ж} = \hat{Ж} - \hat{Ж} - \hat{Б} - \hat{T} - \hat{Ж} - \hat{Ж} - \hat{T}$$

$$498 + 678 + 792 + 882 + 1086 + 1200 + 180 + 384$$

$$\begin{array}{cccccccc} \wedge & \wedge \\ 180 & 114 & 90 & 204 & 114 & 180 & 204 \end{array}$$

**11. Нуҳуфт** (маҳфий, яширин). Манбаларда Нуҳуфт Бузрук мақомининг шўъбаси, деб кўрсатилади. Нуҳуфт шўъбаси саккиз поғонали товушқатор бўлиб, жамълар жумласидан 69 доирани ташкил этади.

$$A + \hat{Ж} + \hat{B} + \hat{X} + \hat{Й_а} + \hat{Й_ж} + \hat{Й_в} = \hat{Ж} - \hat{T} - \hat{Ж} - \hat{T} - \hat{Ж} - \hat{Ж} - \hat{T}$$

$$0 + 180 + 384 + 498 + 702 + 882 + 996 + 1200$$

$$\begin{array}{cccccccc} \wedge & \wedge \\ 180 & 204 & 114 & 204 & 180 & 114 & 204 \end{array}$$

**12. Уззол.** Бу ибора пастга тушиш, сакраш маъноларида келади. Куй ўз харакатида юқоридан пастга 4-5 поғона сакраб тушиши мумкин<sup>\*</sup>. Унинг товушқатори поғоналари уд пардаларида қўйидагичадир:

$$A + \hat{Ж} + \hat{B} + \hat{X} + \hat{Й_а} = \hat{Ж} - \hat{T} - \hat{Ж} - \hat{T} = 0 + 180 + 384 + 498 + 702$$

$$\begin{array}{cccccccc} \wedge & \wedge \\ 204 & 204 & 114 & 204 \end{array}$$

**13. Авж** (чўққи маъносига). Жамълар жумласидан 78 доирани ташкил этади.

$$A + \hat{Ж} + \hat{B} + \hat{X} + \hat{Й_а} + \hat{Й_ж} + \hat{Й_в} + \hat{Й_х} = \hat{Ж} - \hat{T} - \hat{Ж} - \hat{T} - \hat{Ж} - \hat{T} - \hat{Ж}$$

$$0 + 180 + 384 + 498 + 702 + 882 + 1086 + 1200$$

$$\begin{array}{cccccccc} \wedge & \wedge \\ 180 & 204 & 114 & 204 & 180 & 204 & 114 \end{array}$$

**14. Найриз** (луғавий маъноси аниқ змас). Исфаҳон мақомининг шўъбаси бўлиб, беш поғонали товушқатордир. Уд пардаларида унинг товушқатори қўйидагича:

---

\* Шашмақомининг Бузрук мақомида Талқини Уззол, Насри Уззол шўъбалари ва Уфари Уззол қисми бўлиб, улар намуд сифатида турли мақом йўлларида ҳам кеңг фойдаланилади (Шашмақом қисмига қаранг).

$$Х + Йа + Йж + Йз + Йх = 498 + 702 + 882 + 1086 + 1200$$

$$\begin{array}{cccc} ^ & ^ & ^ & ^ \\ 204 & 180 & 294 & 24 \end{array}$$

Манбаларда Найризнинг турли варианatlари келтирилади. Тожик халқи-да Найриз номи билан машҳур халқ куйи ҳозирда ҳам ижро этилади.

**15. Мубарқаъ** (пардага ўралган). Икки поғонали товушқатор бўлиб, улар уд пардаларида  $X + Й$  (498+678) дир. Лекин бу икки поғона ( $X + Й$ ) олд ва охиридан бошқа товушлар билан ўралгани учун мубарқаъ номи берилган бўлса керак. Шунинг учун мусиқа рисолалари муаллифлари Мубарқаънинг саккиз поғонали товушқаторини ҳам келтирадилар. Эски рисолаларда Мубарқаънинг икки поғонасидан ташқари товушлари, гўё “безак” учун ишлатиладиган “қўшимча” пардалар ҳисобланади.

Мубарқаъ шўъбасининг товушқатори ва интерваллари қўйидагичадир: (Мубарқаънинг асосий поғоналари ва интервали қавс ичидаги берилади).

$$A + Ж + В + (X + Й) + Йб + Йх + Йа = Ж - Т - Ж - (Ж) Ж - Т - Ж$$

$$0 + 180 + 384 + (498 + 678) + 792 + 996 + 1176$$

$$\begin{array}{cccccccc} ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ & ^ \\ 180 & 204 & 114 & 180 & 114 & 204 & 180 \end{array}$$

**16. Ракб.** Арабча отлиқ (миниш) маъносида келади. Бизгача етиб келган мақом ва халқ мусиқасида шу мазмунга Суворий номи билан машҳур бўлган куй ва ашула йўллари мос келади. Рақбнинг товушқатори уч поғонали бўлиб, уд пардаларида қўйидагичадир:

$$Х + Й + Йб = Ж - Ж = 498 + 678 + 792$$

$$\begin{array}{cc} ^ & ^ \\ 180 & 114 \end{array}$$

**17. Сабо.** Кўпчилик мусиқа рисолаларида Наврўзи Сабо номи билан ҳам машҳур бўлиб, баҳор насими, майин шабада маъноларида ишлатилади. Сабонинг ўйнаш, ёшлиқ, шўхлик, севги маънолари ҳам бор. Демак, Сабо баҳор насимини тасвирлайди. У Раҳовий мақомининг шўъбаси бўлиб, беш поғонадан иборат:

$$Х + Й + Йб + Йх + Йв = Ж - Ж - Т - Б$$

$$498 + 678 + 792 + 996 + 1086$$

$$\begin{array}{cccc} ^ & ^ & ^ & ^ \\ 180 & 114 & 204 & 90 \end{array}$$

**18. Ҳумоюн** (шоҳона, буюк). Бу шўъба етти поғонали бўлиб, Уд пардаларидан ҳосил қилинадиган ўрни шундай:

$$A + D + B + X + \bar{Y} + \bar{Y}b + \bar{Y}\bar{J} = T - \bar{J}K - \bar{J} - \bar{J} - T$$

$$0 + 204 + 386 + 498 + 678 + 792 + 996$$

$$\begin{array}{cccccccc} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} \\ & 204 & 180 & 114 & 180 & 114 & 204 \end{array}$$

**19. Зовулий** (Зобулий). Эроннинг Сеистон вилоятидаги шаҳар. Бу эса унга нисбат берилган шўъба номидир. Зовулий уч поғонали товушқатор бўлгани учун Сегоҳ (уч пардали) номи билан ҳам машҳур бўлган. Унинг товушқатори, поғоналари ва улар орасидаги интерваллар уд пардаларидан қўйидагича ҳосил қилинади:

$$X + \bar{Y}a + \bar{Y}\bar{J} = T - \bar{J} = 498 + 702 + 882$$

$$\begin{array}{cc} & ^{\wedge} & ^{\wedge} \\ & 204 & 180 \end{array}$$

Дугоҳ, Сегоҳ шўъбаларига хос мулоҳазалар бу ерга ҳам жорийdir.

**20. Исфаҳонак ва Рўйи Ироқ.** Исфаҳонак – Эроннинг машҳур Исфаҳон шаҳрига нисбат берилган шўъба номидир, “ак” қўшимчаси эса кичрайтириш учун ишлатилади. Рўйи Ироқда: рўйи – кўриниши, Ироқ мақом номи бўлиб, Ироқ мақомининг кўриниши демакдир.

Булар асосан икки турли товушқаторга эга бўлган битта шўъбадир ҳамда Ироқ мақоми товушқаторининг бир қисмидир.

Бу шўъбаларнинг товушқаторлари, поғоналари, интерваллари ва центлари уд пардаларida қўйидагичадир:

а) Исфаҳонак:

$$A + \bar{J} + B + X + \bar{Y} + \bar{Y}b + \bar{Y}\bar{J} = \bar{J} - T - \bar{J} - B - \bar{J}$$

$$0 + 180 + 384 + 498 + 678 + 792 + 882$$

$$\begin{array}{cccccccc} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} \\ & 180 & 204 & 114 & 180 & 114 & 90 \end{array}$$

б) Рўйи Ироқ:

$$A + \bar{J} + B + X + \bar{Y} = \bar{J} - T - \bar{J} - \bar{J}$$

$$0 + 180 + 384 + 498 + 678$$

$$\begin{array}{ccccccc} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} & ^{\wedge} \\ & 180 & 204 & 114 & 180 \end{array}$$

Рўйи Ироқ – Исфаҳонакнинг бир қисми бўлиб, Зайнулобидин Ҳусайнининг айтишича, булар Ҳижоз мақомига ўхшайди. Бу фикр фактларда тасдиқланмайди. Чунки Ҳижознинг товушқатори бошқачадир.

**21. Бастаи Нигор** (Нигор исмли кишининг ишлаган бастаси).

Тўрт поғонали товушқатордир:

$$Х + Й + Йб + Йж = Ж - Ж - Б = 498 + 678 + 792 + 882$$

$$\begin{array}{cccc} \wedge & \wedge & \wedge \\ 180 & 114 & 90 \end{array}$$

**22. Нихованд.** Ирок мамлакатида машхур шаҳар ва унга нисбат берилган шўъбанинг номи. Манбаларда кўрсатилишича, Нихованд ярим кечада ижро этилар экан. Нихованд шўъбаси жамълар жумласидан 40 доирани ташкил этади:

$$А + Д + В + Х + Йа + Йд + Йх + Йж = Т - Ж - Ж - Т - Т - Б - Т$$

$$0 + 204 + 384 + 498 + 702 + 906 + 996 + 1200$$

$$\begin{array}{cccccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 204 & 180 & 114 & 204 & 204 & 90 & 204 \end{array}$$

**23. Жавзий** (Эгизакларга тегишли). Эски мусулмон тақвимининг учинчи ойи ва унга нисбат берилган шўъба номи бўлиб, олти поғонали товушқатордир:

$$В + Х + Йа + Йд + Йх + Йж = Ж - Т - Т - Б - Т$$

$$384 + 498 + 702 + 906 + 996 + 1200$$

$$\begin{array}{ccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 114 & 204 & 204 & 90 & 204 \end{array}$$

**24. Мухайяр** (танлаб олинган)<sup>124)</sup>. Саккиз поғонали товушқатор бўлиб жамъларнинг 56 доирасини ташкил этади. Уд пардаларида Мухайярнинг товушқатори, интервалари ва центлари шундай:

$$А + Ж + Х + Х + Йа + Йж + Йх + Йж = Ж - Ж - Т - Т - Ж - Ж - Т$$

$$0 + 180 + 294 + 498 + 702 + 882 + 996 + 1200$$

$$\begin{array}{cccccccc} \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge & \wedge \\ 180 & 114 & 204 & 204 & 180 & 114 & 204 \end{array}$$

Хуллас, Ўн икки мақом тизимиға кирган йигирма тўрт шўъбани XIII-XV аср мусиқа рисолалари асосида шундай тасаввур этиш мумкин. Мусиқа рисолалари муаллифлари ўз имкониятлари доирасида мақом, овоз ва шўъбаларнинг фақатгина товушқаторларинигина тахминий тарзда, уд созининг пардалари асосида тушунтира олганлар. Лекин шу ладларга мос келадиган мақом ва улардаги шўъбаларнинг куй ва ашула йўлларини тасаввур этишга имкон берадиган нота ёзувлари бўлмаганлиги сабабли, ўша замонларда мақом йўллари қандай ижро этилганлиги бизга бутунлай қоронғидир. Лекин мақомлар ва уларнинг шўъбаларини ўзига хос ладга асосланганлиги мақом тизимиға кирган куйларда модуляциялар мавжудлигини кўрсатади<sup>124)</sup>. (Бу

\* Шашмақомининг Ирок мақомида шу номга мансуб шўъба – Мухайяри Ирок, деб аталади.

ерда, маълум куй ёки мақомнинг таркибидаги жумлалар тоналлиги ўзгарувчан экани кўзда тутилади).

Шуни ҳам алоҳида уқтириб ўтиш керакки, Шарқ мусиқасида товушқаторларни шартли белгилар билан ифодалайдиган “нотациялар” ихтиро этилган эди. Бу нота тизимлари ўтмишдаги Шарқ халқларида мавжуд мусиқа асарларининг жонли намуналарини нисбатан тасаввур этишга имкон беради.

**Шарқ нота ёзуви ҳақида.** IX-XIII асрлар Шарқ мусиқаси маданияти тарихида жуда ҳам бой мерос қолдирди. Бу даврда кўплаб мусиқа рисолалари яратилиб, улар ўзининг мазмуни ва салмоғи жиҳатидан жаҳон халқлари мусиқа назарияси тараққистида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Шарқ мусиқасига бағишланган рисолалардан маълум бўлишича, олимлар нота ёзувлари яратиш устида бир неча бор уриниб кўрганлар. Натижада XIII асрда нота ёзуви яратишга муваффақ бўлинди. Бу ёзув тизими Шарқ олимларининг IX-XIII асрлар давомида мусиқа назарияси устида олиб борган изланишларининг натижаси, маҳсули бўлди. Дастлаб, Абу Наср Форобий мусиқа ёзуви яратишга ҳаракат қилиб кўрди. Бу жиҳатдан унинг “Китабул-музиқий ал-кабир” асарида келтирган жадвали эътиборлидир. Бу жадвалда товушқаторларнинг турли хиллари жойлаштирилган бўлиб, улар ҳозирги кунда ашулачишларнинг овоз маҳоратини ошириш учун мусиқа ўқув юртларида қўлланиладиган вокализларни эслатади. Лекин Форобийнинг жадвали мусиқа чолғулари ва созандалар машғулотлари учун мўлжалланган эди. Бу жадвал беш қисмдан иборат. Унда йигирма олти хил товушқатор (гамма)-лар берилиган бўлиб, уларнинг ҳаракати турличадир. Пастга ва юқорига бўлган ҳаракатлар ҳобит ва соид, товушқаторларнинг ўрта поғоналаридан бошланадиган ҳаракат-муҳтаммил иборалари билан аталади. Муҳтаммил бўлганида товушқатор юқорига ҳам, пастга ҳам ҳаракат этиши мумкин. Товушқаторлар ҳаракати турлича бўлиши мумкин. *Рожеъ* – қайтарма ҳаракат; *мутасил* – тўхтовсиз ҳаракат; *тағир* – сакрама ҳаракат; *лоҳиқ* – ёндош товушларнинг бирин-кстин келадиган вақтидаги ҳаракати; *маҳалл* – товушқаторнинг бирор поғонасида ушланиб қоладиган ҳаракат; *мутаво-тир* – тақорорий ҳаракатларни ифодалайди. Бу ҳаракат турлари жадвалдаги товушқаторлардан маълум бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакка, жадвалдаги товушқатор поғоналари уд пардаларига қўйиладиган ҳарфлар билан ифодалантган бўлса-да, ижро вақтида унда темперация этилмаган диатоник товушқаторларни садолантириш кўзда тутилган. Бунинг исботи шуки, товушқаторларда уд пардаларида қўлланилмайдиган ҳарф (белги)лар ҳам учрайди. Шу товушқаторлар диапазонини кўрсатувчи чизма қуидагичадир:

Мисол № 34



Бу ҳарфларни уд пардаларидаги бслгилар билан таққослаб кўрилса, унда М Н С ҳарфлари бутунлай учрамайди. Агар А дан Й гача бўлган товушқа-

торларни уд пардаларига мос деб қараб, уларни бириң-кетин ижро этилса, маъносиз гамма чиқади. Форабий келтирган товушқаторлар икки оқтава атрофида бўлиб, юқорида келтирилган чизма бўйича А дан X гача пастки оқтава, X дан С гача бўлган поғоналар эса юқори оқтавадир. Лекин кўпроқ юқориги оқтавадан фойдаланилади. Жадвалнинг таркибидаги товушқаторларни нота воситаси билан келтирамиз ва уларнинг поғоналарини ифодалаган ҳарфларни айрим ноталар тагида берамиз.

Жадвалдаги товушқаторлар турли-туман ва жуда мураккабдир. Мусиқа чолғуларини ўрганишни машқ қилаётган киши учун уларни чалиш осон эмас. Шундай қилиб, бу жадвални куйларни ёзиш учун восита деб айтиб бўлмаса-да, унинг X асрларда мавжуд эканлигининг ўзи муҳим аҳамиятга эга ва бу тизим сўнгги даврлардаги Шарқ нота ёзувининг яратилишида замин яратиб берди. Бу жадвалда нота ёзувнинг бошланғич белгилари ўз ифодасини топган ва у ўтмишдаги мусиқа амалиётини ҳам акс эттиради (кейинги бетга қаранг).



# Ал-Форобий жадвали

Al-

Х Т Й К Л М Н

С Н М Л К Й Т

Х Й Л Н С М К Т

Х К Н С Л Т Х Л

С К Х М С Й Х Н С Т

Х Т Х Й Х К Х Л Х М Х Н Х

С Н С М С Л С К С Й С Т С

Х Т Й Х К Л Х М Н Х

С Н М С Л К С Й Т С

Х Т Й К Х Л М Н Х

С Н М Л С К Й Т С

Х Т Й К Л Х

С Н М Л К С

Х Т Й К Л М Н

С Н М | Л К Й С  
 12 Х Т Й Т Х К Л К Х М Н М Х  
 С Н М Н С Л К Л С Й Т Й С  
 13 Х Т Й К Й Т Х Л М Н М Л Х  
 С Н М Л М Н С К Й Т Й К С  
 14 Х Т Й К Л К Й Т Х  
 С Н М Л К Л М Н С  
 15 Х Й Т Х Л К Х Н М Х  
 С М Н С К Л С Т Й С  
 16 Х К Й Т Х Н М Л Х  
 С Л М Н С Т Й К С  
 17 Х Л К Й Т Х  
 С К Л М Н С  
 18 Х Т Х З Х Й Х Й Х В К Х Х Х Л Х Д Х  
 М Х Ж Х Н Х Б Х С Х А Х

19

Х Т И Х З В Х К Л Х Х Д Х М Н Х Ж Б Х С Х

20

Х Т И К Х З В Х Х Л М Н Х Д Ж Б Х С Х

21

Х Т И К Л З В Х Д К М Н С Х Ж Б А Х (бки С)

22

Х Т И К Л М Х З В Х Д Ж Х Н С Х В А Х

23

Х Т И К Л М Д З В Х Т Л М Н И М

С Н М Л М Н К В Т И

24

Х Т И Т К Д К М Н И М

С Н М Н Л К Л И Т И

25

Х И Т Л К Н И М

С М Н К Л Т И

26

Х К И Т И М Л

С Л М Н Т И К

Бу жадвалда X асрда ижро этилган жонли мусиқа намуналарини акс этирувчи қатор ҳолатлар бор. Жадвал ўша замонда ижро этилган кўйлар, шу жумладан мақом йўлларида содир бўладиган кўйларнинг ҳаракат доирасини кўрсатиб берувчи муҳим далил ҳамдир. Бу жадвал воситаси билан со-зандалар кўй ва ашуаларнинг лад асосини амалий ўрганиб, ўзлаштириб олганликлари шубҳасиздир. Форобий жадвалининг қиммати ҳам шу эди, десак хато бўлмайди.

Ибн Сино Абу Наср Форобийнинг мусиқавий-эстетик қарашларини яна-да юқори босқичга кўтарди ва мусиқа назарияси масалаларига кўп аниқликлар киритди. Ибн Сино каби кўпгина бошқа олимларнинг мусиқа асарларида нота ёзувининг бошлангич белгилари, ифодалари мавжуд бўлгани билан уларни ҳали нота ёзуви билан тенглаштириб бўлмасди. Ўзишинг буюк ўтмиш-дошлари ишини урмиялик машҳур мусиқа олими Сафиууддин Абдулмўъмин (XIII аср) охирига етказди. У Шарқ мусиқа назариясига, нота яратиш ишига ўзининг буюк хиссасини қўшди ва нотанинг бир неча намуналарини ихтиро этди.

Биз шундай нота ёзувларидан икки тури ҳақида тўхталиб ўтамиш. Уларни тушуниш учун XIII асрда жорий этилган уд сози қиёфаси ва ўша даврларда машҳур бўлган ритм тузилмалари бирликларини хисобга олмасдан илож йўқ.

Юқоридаги удга бағишланган қисмда унинг тузилиши ва ўтмиш мусиқа назарияси масалаларини тушунтиришдаги ўрни ҳақида гапирилган эди. Шарқ нота ёзувлари ҳам унинг тузилиши, унинг пардаларидан чиқарив олинадиган товушларни ифодалайдиган ҳарф (белги)лар воситаси билангина тушунтирилган. Урмавийнинг нота ёзувларини ҳам ун ва ўша даврда қўлланилган ритм ўлчовлари воситаси билангина тасаввур этиш мумкин (уднинг тузилиши қисмига қаранг).

Шарқ мусиқаси назариясида ритм ўлчовлари масаласига жуда катта зътибор қилинган. Юқорида айтилганидек, ритм ўлчовлари ашулага мос шеър ўлчовларини ҳамда дойра усулларини аниқлашда асосий воситалардан санааларди. Маълумки, ритм ўлчовлари аruz шеър вазнларидаги каби узун ва қисқа бўғинлар бирикмасидан тузилган.

Арузда вазнлар арабча “ф” (фе), “а” (айн), “л” (лом) ҳарфлари бирикмасидан иборат бўлса, ритм ўлчовлари эса “Г” ва “Н” унесиз ҳарфларидан тузилган. Арузда ва ритм ўлчовларида вазнлар рукнлардан, рукнлар эса юқорида келтирилган ҳарфлардан тузилади ва уларда узун-қисқа бўғинлар алмашиниб келади. Масалан, ритм ўлчовларини ташкил этадиган “Ган” узун бўғин, “Ганан”да “Та” қисқа, “нан” узун, “Ганна”да “Ган” узун, “па” қисқа, “Гананан”да бошлангич “Та” ва “на” қисқа бўғин, сўнгги “нан” узун бўғиндир.

Ўқувчига тақдим этилаётган нота ёзувларидан биринчиси ун пардалари, маълум ритм ўлчови ва унга боғлиқ бўлган рақамлар бирикмасидан иборат ҳарфли нотациядир. Сафиууддин номаълум бир кўйни Сақили аввал (биринчи сақил) деб аталган ритм ўлчовига тушириб, уни жадвалига жойлаштири-

ган. Бу нотация күринишда жуда содда булиб, унинг схемаси қуйидагичадир:

Күй даврлари	Сақили аввал усулидаги күй жадвали										
	Х	Х	Й	Иб	И	Х	Й	Иб	Й	Х	
Биринчи	Х 	Х 	Й 	Иб 	И 	Х 	Й 4	Иб 2	Й 2	Х 2	
Иккинчи	Ж 	Х 	Х 1	Й 	Иб 	Х 	Х 4	Х 4	И 2	Х 2	
Учинчи	Х 	Х 	Й 	Иб 	Й 	Х 	Й 4	Йб 2	И 2	Х 2	
Түртинчи	Ж 	Х 	Х 1	Й 	Х 	Х 	Х 4	И 2	Х 2	Х 2	
Бешинчи	А 	Ж 	А 	Ж 	Х 	Х 	Иб 2	И 2	Х 2		
Олтинчи	А 3	Х 3	Ж 1	И 	А 	Иб 2	Иб 2	И 2	Х 2		
Еттинчи	А 3	Йх 3	Иб 1	И 	Х 	Х 	Йб 2	И 2	Х 2		
Саккизинчи	А 	Ж 	А 	Ж 	Х 	Х 	Иб 2	И 2	Х 2		
Түккизинчи	А 	Х 2	Й 1	Х 	Х 	Х 	Иб 2	И 2	Х 2		

Бу нота ёзувининг маъносини ечиш йўлида баъзи қийинчилклар мавжуд. Чунки муаллиф унга дурустrox шарҳ бермаган. Жадвалдаги ҳарфлар, шубҳасиз, күйнинг ташкил этган товушлар баландлигини кўрсатади. Дойра усул ўлчови ҳам маълум. Лекин ҳарфлар тагига қўйилган рақамларнинг функцияси номаълумdir.

Машҳур француз олими Д’Эрланже<sup>\*</sup> бу жадвални ўқиб (расшифровка қилиб) ҳарфлар остидаги рақамларни нота узунлиги бирлиги деб қабул этган эди. Унинг расшифровкасида рақамлар қуйидаги нота узунликларини ифодалайди.

Мисол № 36



Күй эса нота ёзувида қуйидагича (кейинги бетга қаранг!).

\* Қаранг: R. D'Erlanger, ſuia acap. V. III, Paris, 1938, 181-182 бетлар.

1

Х Х Й й б й Х Й й б й Х Ж Х Х Й Х Х Й й б Х Х

1 1 1 1 1 1 4 2 2 2 1 1 1 1 1 1 4 2 2 2

3 Бириңчи даврдаги каби

4 Иккىнчى даврдаги каби

5

А Ж А Ж Х Х Ж Й ж й б Ж А Й Х Й А Й й б й х

1 1 1 1 1 1 4 2 2 2 3 3 1 1 2 2 2 2

6

Х Й х й б й А й б й Х А Ж А Ж Х Х А й ж й б й

3 3 1 1 2 2 2 2 1 1 1 4 3 1 1 1 2

7

А Й х й б Х й й б й Х

1 3 1 1 2 2 2 4

8

9

А Й х й б Х й й б й Х

1 3 1 1 2 2 2 4

Бизнингча, бу срда куйнинг дойра усули ҳисобга олинмаган. Манбалардан маълум бўлишича, жадвални расшифровка қилиш учун яна бир неча жиҳатлар ҳисобга олиниши лозим: товуш баландлиги, товушлар остида берилган рақамлар функцияси ҳамда куйнинг дойра усули. Уд пардаларига қўйиладиган ҳарф (белги)лар ифодалайдиган товушлар баландлиги ва куй бошланадиган нота (тоника) Д'Эрланже томонидан тўғри аниқланган ва бу ҳол тадқиқотчиларга жадвални тўғри тушуниш учун катта ёрдам беради. Лекин рақамлар функцияси ва дойра усули тўғри аниқланмаса, жадвалдаги куйнинг қалитини тўғри топилган, деб айтиб бўлмайди. Буни аниқлаш учун эса манбаларга мурожаат этиш лозим. Ҳарфлар остидаги рақамлар функция-

ясини түғри аниқлаш учун мусиқа рисолаларида кептирилдиган “Иқомат” (“Иқома”) иборасининг мазмунини очиш зарур. “Иқомат” сўзи эса турлича тушунилиши мумкин. Унинг “барқарор”, “турғун” маънолари ҳам бор. Мусиқа истилоҳида эса бу ибора маълум товушнинг муайян пардада бир неча бор тақрорланишидир. Бу тақрорланиш эса дойра усулига боғланиши керак. Мусиқа ҳақида катта асар яратган Шерозийнинг “Дурратут-тож”-ида кўрсатилишича, “Шарафийя” (рисоласи)нинг муаллифи Урмавий, (уни Оллоҳ раҳмат қиласин!), маълум бир кўйни “Сақили аввал” усулига тушириб, уни ҳарфлар воситаси билан жадвалга жойлаштирган ва “иқомат” бўлган товуш (харф)лар тагига унинг сонини, “иқомат” бўлмаган товушлар остига эса А (алиф – сон қиймати !) ҳарфини қўйган.

Демак жадвалдаги ҳарфлар остидаги рақамлар, товуш узунлигини эмас, балки уларнинг дойра усули жўрлигига бир неча марта тақрорланиши лозимлигини кўрсатади. “Сақили аввал” дойра усулининг ритм ўлчови манбаларда қўйидагича кўрсатилади.



Та - на н та - на н та - на - на н та н - та - на - на н

Фикримизча, жадвалдаги куй тўққиз даврининг ҳар бири шу дойра усули билан ижро этилиши лозим. Ҳарфлар остидаги рақамлар эса нота узунлигинигина эмас, балки унинг нақрлар воситаси билан бўлакларга тақсимланнишини ҳам кўрсатади. Масалан, шуниси ишонарлики, агар ҳар бир даврдаги ҳарфлар остидаги рақамлар қўшиб чиқилса, 16 сонини ташкил этади. Бу сон ритм ўлчовидаги нақрлар миқдори билан тенг. Қуйида Сақили аввал ритм ўлчовидаги нақрлар (бу срда унсиз ҳарфлар)ни рақамлар билан кўрсатамиз.

Танан	-	Танан	-	Тананан	-	Тан	-	Тананан
1 2 3		4 5 6		7 8 9 10		11 12		13 14 15 16

Нақр сўзи ўтмишда “зарб”<sup>1</sup>, “уриш” маъноларида ишлатилган, шу билан бирга, бу ибора “кессиши”, “бўлакларга бўлиш” маъноларини ҳам беради. Мусиқа рисолалари муаллифларининг фикрича, ритм ўлчовлари маълум бир чекланган вақт жараёнида яхлит ҳолда талаффуз этилади. Шу вақтни эса очиқ бўғин – унли “а” ҳарфи билан ҳам чўзиб ўтказиш мумкин. Шу “а” ҳарфи эса, гўё ритм ўлчовларида унсиз ҳарфлар билан “бўлакларга бўлинади” ва “т” билан “н” эса (вақт ўлчовларини кесувчи) нақр вазифасини ўтайди.

<sup>1</sup> ЎзР ФАПИИ қўллэзмаси инв. № 816, вараг 197 бет.

“Нофора ёки наққора чолғусининг номи ҳам “нақр” сўзидан олинган.

ди. Шундай қилиб, Сақили аввалда унсиз (нақр)лар 16 та бүлади, бу эса куйнинг ҳар бир даврида ҳарфлар остига қўйилган рақамлар йиғиндисига тенг. Демак, нотациянинг расшифровка қилинишида, ритм ўлчовидаги рақамлар унинг нақрлари билан тўғри мослаб олиниши лозим. Ҳарфлар тагига қўйилган рақамлар эса ноталар узунлигинигина эмас, балки уларнинг улшини ҳам беради. Улар дойра усулидаги нақрлар сонига ҳам боғлиқ, деган фикрга келиш мумкин. Бу мулоҳазалар ҳисобга олинганда, бизнингча, куй қўйидагича бўлиши лозим<sup>\*</sup>:

0	180	180	294	204	496	180	698	114	192	204	996	204	1200
A	Ж	X	X		X	Й	Й	Й6	Й	Йx	Йx	Йx	



(биринчи икки қатори)

I

X	X	Й	Й6	Й	X	Й	Й	Й	Й	X		
1	1			1	1	4		2		2		
та -	на -			на -	на -	на -		тан	-	та -	на -	на -

II

Ж	X	X	Й	X	X	X	-	Й	X	X	X		
1	1	1	1	1	1	4		2	2	2	2		
та -	на -	на -		на -	на -	та -	на -	на -	тан	-	та -	на -	на -

III Биринчи даврдаги каби

IV Иккинчи даврдаги каби

\* Расшифровкада Д'Ерланже тажрибаси ҳам ҳисобга олиниди. Лекин куйни биз соф диатоник шаклда келтирдик. Бунда куйдан олдин лад товушқаторини ва унинг поғоналари тагига эса центларини бердик. Ўқувчи бўлғи диагоник товушқатордан чиқиб кетиш ҳолларини унинг тагига берилган центлардан ҳам билиб олиши мумкин.

V

VI

VII

VIII

VIII

Юқорида келтирилган нота намунасидаги күй Шарқ мусулмон халқлари-да хозирги кунгача ҳам машхур бўлган маълум мотивга ўхшайди. Бундай куйлар диний маросимларда ҳам ишлатилиб келинган. Шу билан бирга, күй ўз мазмуни билан баъзи Шарқ халқ қўшиқларини эслатади. Бу куйнинг мазмуни шуни кўрсатадики, халқнинг севган мусиқа асарлари негизи жуда ҳам узоқ даврларга бориб тақалади ҳамда халқ орасида яшовчандир. Бу жадвал ҳарфли нотациядир. Лекин бу нотация бошқа нотациялардан ўзининг му-каммалиги билан ажralиб туради. Чунки бу нотацияни дурусткроқ ўрганиш орқали хозирги замон нотасига кўчириш мумкин. Ушбу нотация Урмавий-нинг күй ёзув воситалари яратиш устида олиб борган дастлабки ишлари-нинг маҳсулни эди. Бу нота тизими унинг иккинчи ажойиб нотациясининг яратилишида замин бўлди.

Сафиуддин Урмавийнинг сўнгги нота ёзув тизими мусиқа истилоҳида “табулатура”, деб аталувчи нотация турининг маълум кўринишидир. Бу нотация ҳам ул созида ижро этишга мўлжалланган эди. Унда уднинг ҳамма хусусиятлари акс этган. Жадвалга жойлаштирилган мусиқа материали вокал мусиқа асари бўлиб, XIII асрда машҳур бўлган Ҳусайнин мақомининг Мухайяр шўъбасидир.

Ҳусайнин мақомининг товушқатори қўйидагичадир:

Мухайяр шўъбасининг товушқатори (А Ж X Й Й6 Йx Йx)<sup>(54)</sup>

Дастлаб китобда Мухайярга айтиладиган араб тилидаги шеър матни келтирилади:

Йа маликан (е) ин йатибу замани,  
Дум мудад даҳри рақидан фил-амани.  
Ла барихтуз – заману фи зилли айшен,  
Аминан мин тавариқил – ҳадасани\*

Шеър мутақориб вазни ўлчовидадир:

Фоилотун-мафоилун-фоилотун  
— ө — | ө — ө — | ө — — |

Нотацияни асл нусхасида қандай бўлса, шундай келтирилиб, фақат унга ҳозирги алифбода транскрипция этишга доир баъзи ўзгаришлар киритилди. Шунга мувоғиқ жадвалнинг ўнг томони чап томонга олинниб, баъзи сўзлар, жумлалар қисқартирилди, маъносига қараб ихчамлаштирилди. (кейинги саҳифаларга қаранг).

\* Эй малика, агар замонлар тузалиб кетса,  
Умринг омонлик ва фароғатда давом эта берсин!  
Доим айшу ишрат соясида яшайвер,  
Сени фалокат ҳодисаларидан (Аллоҳ) ўзи арасасин!

Даврлардаги I қатор - нағмалар жадвали, II қатор - накрлар, III қатор - тоналилкүнгөндер, IV қатор - нағмалар ҳолати, V қатор - шеър тақсим жадвали.

Нотацияни тушунишда жуда күп қийинчиликларга учралади. Манбаларда эса тушунтириш берилмайды. Шунинг учун бальзы масалаларга муфасалроқ тұхтаб үтишга түрі келеди.

Нотацияда күй унсурлари ва ашулага мос шеър матни (робой) 15 бўлимда берилиб, уларнинг ҳар бири күй даври ёки жумласидир. Жадвалнинг иккичеккаси вертикаль чизиқлар билан ажратилган. Күй бошланадиган томонда даврлар сонини кўрсатувчи графа, жадвалнинг иккинчи томонида эса горизонтал чизиқлар функциясини кўрсатувчи графа бор. Нотациядаги ҳар бир даврда бештадан горизонтал чизиқ ёки қатор ва ўн бешта вертикаль чизиқлаар мавжуд. Улар ўн олтига тўрт бурчак катакларни ташкил этади. Катакларга эса нота ифода воситалари ёки айрим белгилар жойлаширилади. Шуни ҳам айтиш керакки, даврлардаги беш чизиқ ҳозирги маънодаги нота ёзадиган чизиқ (нотаноссец)лар вазифасини ўтмайды. Беш чизиқ (қатор)даги 16 катакчаларга күй даврларининг унсурлари ёзилади. Нотация жадвалини ташкил этган унсурлар ҳақида қўйидагиларни айтиш мумкин.

Куйнинг даврлари бошланишидан аввал, жадвалнинг юқори қисмидаги мустақил 3 қаторда турли белги (ҳарф)лар жойлаширилган.

Биринчи қаторда “Нағамот” (“Мусиқа товушлари”) сўзининг остида ул созининг пардаларини ифодалайдиган ҳарфлар жойлаширилган. Бу ҳарфлар октава чегарасидаги 17 поғонали товушқатор бўлиб, бу ерда А дан Йв гача келтирилган. Охирги Йх поғонаси тушириб қолдирилган. Бу товушқатор куйнинг диапазонини кўрсатади. Иккинчи қатордаги белгилар функцияси ҳозирча аниқланганийтук. Учинчи қаторда эса 16 катакка тақсимланган ва жадвалнинг ҳар бир даври учун ҳам тааллуқли ва куйга жўр бўладиган ритм (дойра) усули берилади. У нота кўринишда қўйидагичадир\*:



Тан - тан                    та - на - наан                    тан                    тан                    та - на - наан

Ритм туроқларидан I – II – IV ва V (Тан), ҳамда III-VI (Тананан)даги охирги узун бўғин “наан” мундарижкада иккичекка, қолган қиска бўғин (“та” ва “на”)лар эса бир катакка жойлаширилган. Бу нарса куйга жўр бўладиган ритм ўлчови унсурларининг вақт нисбатлари нуқтаи назаридан тўғри тақсимлаш лозимлигини кўрсатади. Нотацияда эса Сақили аввал дойра ритм ўлчови куйга мос қилиб тақсимланган.

Шундан кейин жадвалда күй унсурлари жойлаширилган унинг 15 даври бирин-кетин келтирилади.

Ҳар бир даврда күй унсурлари бешта қатордаги катакларга жойлаширилгани ҳақида айтилган эди. Ҳар бир даврнинг биринчи қаторидаги катак-

\* Шуни ҳам ўқтириб үтиш лозимки, ритм ўлчовларида нота бўлаклари ўрнига қараб турли узунликларда берилishi мумкин. Бу нота тизимидаги узун бўғин (Тан ёки Нан)лар ярим нота, қисқа бўғин (Та ва На)лар учун чорак нота узунлик бирликлари қабул этилди.

		ПОГОНАЛАР																	
		1	А	Б	Ж	Д	Х	В	З	Х	Т	Й	Йа	Йб	Йж	Йд	Йз	Йв	
		I																	
		II																	
		III	ТА	Н	ТА	Н	ТА	НА	НА	Н	ТА	Н	ТА	Н	ТА	НА	НА	Н	
Биринчи дәвер Лары	1		Их	Их	Их											К	ИхИх	ИбИх	Их
	2		..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	
	3																		
	4		м у - шидд																
	5																		
Иккىнчи дәвер Маралар	1	Йа	Й				Йай	Иж	Йай	Иж	ИхИж	ИхИх	ИхИж	ИжИа	Х	Их	Х		
	2	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	
	3																		
	4		ВАКФ		мушад мушад-														
	5						Аид	Аид										о	
Үчинчи дәвер Ля	1	Иж					Йа	Х	В										
	2	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	..	
	3	Руи	Ир	ок										..	..	..	..	..	
	4	М	у	ши	да	д		мұжталиси				мүшидди	мүшидд						
	5							шеш											

\* 1) Нагмалар жадвали, 2) Нақрлар, 3) Тональность ұзғарыши, 4) Нагмалар ҳолаты,  
5) Шеъри тақсача жадвали.

Оғынан жазар		Бешинчи жазар										Түрткіншін жазар										
		1	Іх										Іх	Іх	Іх							
		2	*	**	*	*	*	*	*	*	*	*	о	**	?	**	**	*	**	*	*	
		3																				
		4		М	у	ш	и	д	д			вақф	м	у	шилд							
		5																				
Оғынан жазар		1	Іх	Ів		Іж	ІхІх	ІхІв	ІхІй	ІхІж	ІхІж	Іайж	ІхІж	Іайж	ІхІж	ІхІв	ІхІж	Ів				
		2	?	**	?																	
		3																				
		4		мұжталиси мүшилд																		
		5																				
Оғынан жазар		1	ІхІх	ІхК	ІхІк	ІхІж	Ів	X														
		2	**	**	**	**	**	*													о	
		3																				
		4																				
		5																				

мүшилд  
дид  
соки

ларда күйнинг ташкил этган товушлар баландлиги, унинг поғоналари уд пардаларини кўрсатувчи ҳарфлар билан берилган. Шундай қилиб, биринчи қатор орқали күйни ташкил этган товушлар баландлиги маълум бўлади.

Иккинчи қаторда эса, горизонтал йўналиш бўйлаб, ноталарнинг тақсимланиши кўрсатилган. Улар бир нуқта, икки ёки уч нуқта, икки қўшалоқ нуқталар воситаси билан кслтирилиб, катакларда мезроб (нохун)нинг зарблари миқдорини билдиради. Лекин бу нуқталар ўз холича товушлар баландлигини ҳам, уларнинг узунлигини ҳам аниқлашга ёрдам бера олмайди. Улар товуш баландлигини кўрсатувчи ҳарф (белги)лар, юқорида айтилган Сақили аввал дойра усули жўрлигидагина күйни тиклашга ёрдам бериши мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жадвалнинг бир срида – ҳарф ва нуқталар жойланишида бузилиш содир бўлган. Учинчи даврда ҳарф ва нуқталар ўз жойидан бир қатор пастга жойлаштирилган.

Нотация даврларидаги кейинги қаторлар бошқа функцияларни бажаради. Учинчи қатор күйнинг лад қиссасида содир бўладиган тоналликдаги ўзгаришларни, тўртинчи қатор “товушлар ҳолати” (товушлар тусининг динамик ўзгаришлари)ни кўрсатади. Бешинчи қаторда Мухайяри Ҳусайнини айтилган шеър тақсимлаб берилган. Бу қаторда шеър ҳарфлар ёки бўғинлар тариқасида катакларга жойлаштирилган: Баъзи катакларда матн ҳарфлари икки қатор жойлаштирилган, баъзан эса бўш катаклар ҳам учрайди. Бўш катаклар ашулачи талаффуз этадиган очиқ ҳарфларнинг чўзиг айтилиши ёки бу ср мусиқа нақароти ўрни эканини кўрсатади. Шеър матни икки қатор қўйилган ўринларда, ўша куй жумласи икки марта тақрорланишини тасдиқдайди. Ҳозирги нота тизимида эса күйнинг бундай тақрор сри реприза белгиси билан кўрсатилади.

Ҳозирча шеър матнини тақсимлашга бағишлиланган қаторни тиклашга имкон бўлмади. Чунки шеър ундош ҳарфлар сифатида катакларга тақсимлаб юборилганлиги, ижро пайтида айтиладиган шеърга алоқасиз ундов сўз (ҳозирги кунда эй, эй вой, додей-воей каби)лар мавжудлиги бу вазифани қийинлаштириб юборади. Шу билан бирга, нотациянинг мазмунини очишда расшифровка этишда ҳам жуда кўп ноаниқ ҳолатларга дуч келамиз.

Биринчидан, товушлар баландлигини ифодаловчи ҳарфларнинг жойлаштирилиши тўғрисида ҳам гапириш зарур. Улар катакчаларда турлича – биттадан ёки иккитадан жойлаштирила берган, яъни ҳар бир катакда биттадан ёки иккитадан мусиқа товуши (тон)ни ифодалаб бериши мумкин. Жадвал катакларида унинг бошқа хиллари ҳам учрайди. Масалан, бир катак ичida икки жойда қўшалоқ нуқталар ҳам учрайди. Биз күйни тиклашда дойра усулiga боғлиқ ҳолда нуқталарнинг бундай ҳолатини ҳам ҳисобга олдик. Баъзи катакларда нуқталар юқоридаги тартибдан тубдан фарқ қиласди. Масалан, куй бошланишидаги катакда ҳеч қандай ҳарф ёки нуқталар йўқ ва у бўш қолдирилган. Буни пауза ўрни деб фараз қилиш мумкин. Шунинг учун куй нотада тект олдидан ксладиган паузадан кейин бошланади.

Нотациянинг бошқа даврларида ҳам бўш қолдирилган катаклар бор. Бизнингча, бу бўш катакларда товушлар баландлиги, нотанинг улуши ўзгар-

майди ҳамда муаллиф бундай ҳолларда ўзгармас товуш баландликлари бўлса ўзидан олдинги катаклардаги ҳарфлар буларда ҳам ишлатилиши мумкин деган мулоҳаза билан бу катакларни бўш қолдирган бўлиши керак. Чунки ўтмишда ҳам муаллифлар ўз рисолаларида қайтариқ бўлмаслигига ҳаракат қилгандар. Масалан, биринчи даврнинг иккинчи катагида Йҳ товуши бўлиб, ундан сўнгги катак бутунлай бўш. Демак, Йҳ мусиқа товуши ўзидан сўнгги катакда ўз кучини сақлаб қолади. Тўртинчи катакдаги Йҳ ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Шу товушнинг сўнгига саккизта катак бўш қолдирсан. Бу фикрни товушлар баландлигини кўрсатувчи қаторлар остига қўйиладиган нуқталар ҳам исботлаб туради. Чунки агар юқори қаторда ҳарфлар бўлмаса, бу нуқталар маъносиз бўлиб қолар эди. Нуқталар ўша ҳарфлар бўлмаса хеч нарсани ифода этмайди.

Баъзи ҳолларда шундай усул нуқталар қўйиладиган II қаторда ҳам қўлланилган. Яъни I – VII – VIII даврлардаги бир неча катакларда нуқталар ўрни бўш қолдирлади. Бундан холоса шуки, аввалги катакларда келадиган нуқталар сўнгги катакларда такрорланади ва улар учун ҳам жорийдир.

Жадвалнинг баъзи катакларида икки қўшалоқ ҳарфлар учрайди. Бу ҳарфлар нуқталар билан бирга куй ҳаракати жараёнида бир-бири билан жуда тез алмашинади. Куйнинг дойра усулига қараганда ҳар бир катакдаги нота (нуқта)лар ўзининг миқдорига қарамай, маълум бир хил вақт жараёнида ижро этилиши шарт.

Катаклардаги нуқталар ҳам турлича жойлаштирилган. Улардаги жойлаштирилган нуқталар учун қўйидагича нота бирликларини қабул қилдик:



Яхлит олиб қаралганда, жадвалда нуқталар олти вариантда берилиб, III, V, VI лари нуқталар жойланиши турлича бўлган бир-бирига ўхшаш катаклардир.


Якка, қўшалоқ ва уч нуқталик нота белгилари катакларнинг (қаранг: 1 ва 2) пастки қисмida берилиб, бошқа хиллари эса катакларнинг юқори қисмига жойлаштирилган (қаранг: 3, 4, 5, 6).

Кичкина айлана шаклидаги белти (еттинчи катакка қаранг!) эса ҳозирги нота тизимидағи пауза вазифасини ўтайди ҳамда вақф ибораси билан аталади.

Жадвалдаги бошқа атамалар ҳақида ҳам гапириш лозим. *Муши* – энг кучли товуш ифодаси, *ҳуфузвват* – ноҳунакда секин уришдан ҳосил бўладиган товуш. Булар ноҳуннинг кучли ва кучсиз зарбидан ҳосил бўлади.

Нұқталар жойлаштирилиши ҳам ноҳун зарбининг күй ижроси жараёнида баландга ёки пастга ҳаракат этилишини күрсатыб бериши мумкин.

Биз қуида найзачалар воситаси билан ноҳун зарбининг баланд ёки пастга бўладиган ҳаракатини күрсатыб беришга ҳаракат қилдик.



Бундай ҳоллар ижро этиш жараёнига боғлиқ. Бошқа ҳолларда зарбнинг ҳаракати ўзгармайди. Шунинг учун бир хил нұқталар (масалан ва ) турлича шаклда келтирилади:



Нұқта (нақр)ларнинг нота ёзувида мос келадиган узунлиги ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш лозим. Юқорида айтилганидек, ҳар бир даврнинг горизонтал ўн олти катаги дойра ритм ўлчовига teng. Катаклардаги турлича миқдордаги нұқталардан иборат айрим товушлар узунлиги ҳам, улар сонидан қатъий назар, бир-бирига teng. "Тан" ритм туроғи икки катак, "Тананан" эса тўрт катакка жойлаштирилган. Дойра ритми ўлчовидаги нақрлар сони, катаклар сони (16) га teng. Ритм ўлчовидаги нақрларга куйни ташкил этган товушларни тўрри мослаштириш билан нотациядаги куйни тахминий бўлса-да, тиклаш мумкин. Куйнинг қиёфаси нотацияда Мухайяр шўъбаси товушқаторидан ташқари бошқа лад поғоналари ҳам ишлатилишини күрсатади. Бу куй тоналлиги ўзгариб, бошқа ладларга мос (бу ерда Руюн Ироқ, Зангута ва бошқа) куй бўлаклари авж қилиб олинганинг натижасидир.

Бундай ҳоллар Шашмақомнинг ашула бўлимида ҳам учрайди. Унинг шўъбаларида *намуд деб аталган* куй бўлакларининг мавжудлиги (*намуд маълум бир ашула таркибида бошқа куй бўлакларининг намоён бўлишидир*) нотациядаги аҳволни эслатади.

Куйида Мухайяр шўъбасида ишлатиладиган товушқатор нотасини келтирдик:

0 - 180 - 204 - 294 - 384 - 498 - 678 - 702 - 792 - 882 - 906 - 996 - 1086 - 1200 - 1380  
 180 - 24 - 90 - 90 - 114 - 180 - 24 - 90 - 90 - 24 - 90 - 90 - 114 - 180

Шу тартиблар ҳисобга олинган ҳолда расшифровка этилса, натижада қуийдаги куй ҳосил бўлади.

## МУХАЙЯРИ ҲУСАЙНИЙ

I давр

II давр

III давр

### Руни Ирок

IV давр

V давр

Йх - Йв йж - йх - йв - йх - йж  
Тан тан тан тан тан

Йх - йж йа йж йа йж йх йж йх - йв - йх - йж  
тан тан тан тан тан тан тан тан

VI давр

Йх - йж йа йж йа йж йх йж йх - йв - йх - йж  
Тан тан тан тан тан тан тан тан

тан та - на - на

VII давр

тан тан тан тан тан тан тан тан

тан та - на - на

VIII давр

тан тан тан тан тан тан тан тан


тан та - на - на

тан тан тан тан тан тан тан тан

тан та - на - на

IX давр

йб - а йб - а йб - а йх - а  
ган ган ган та - на - на



Ха - Х ж - Их -

тан на - на - на - тан тан та - на - на -

нан

ХI давр

тан тан та на - на - на -

тан тан та на - на -

Хисори Исфахон

Иж Тан тан та на - на -

тан тан

ХIII давр

p p

тан тан та на - на -

Самойи Зангула

тан тан та на - на -

XIV даръ

XV даръ

Бу куй қиёфаси жуда ҳам мураккаб бўлиб, унинг ўтмишда қандай ижро этилганлигини ҳозирги кунда аниқ тасаввур этиш жуда қийин. Чунки ўтмишда куйларнинг лад тизими, ижро этиш услуби ҳам бошқача, ўзига ҳос бўлган<sup>(28)</sup>.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган нотация намуналари ўзига хос хусусиятлари билан бошқа ҳалқлардаги нота ёзув тизимларидан жуда ҳам катта фарқ қиласди.

Юқорида келтирилган Урмавийнинг биринчи нота ёзув тизими ҳарфли нотация эди. Олимнинг катта ҳизмати шуки, оддий ҳарфлар дойра усули ва сонлар воситаси билан ўқувчиларга нотацияни ўқиш имконини яратиб берди. Хуллас, куйнинг дойра усули (сақили аввал)ни тўғри топиш, товуш баландлиги ифодаси бўлган ҳарфлар остидаги рақамлар функциясини тўғри аниқлаш куйни ўқиш учун калиттирди.

Ҳусайнин мақомининг Мухайяр шўъбаси жойлаштирилган нотация ҳарф ва нуқталар воситаси билан яратилган ўзига хос табулатурадир. Маълумки, табулатура Фарбда XV асрда ихтиро этилган ва XVIII асргача қўлланилган. Урмавийнинг XIII асрдаёқ бундай нотация тизими яратганлиги бутун дунёда табулатурани биринчи бўлиб улуғ Шарқ олими, озарбайжон ҳалқининг намояндаси ихтиро қилган, деган холосага келишга имкон беради. Бу нотация табулатуранинг бутун белгиларига мос келади. Лекин Урмавий табулатураси Farb табулатурасига қараганда мукаммалроқ, унда куй ҳамда ашула йўлига хос ҳамма унсурлар акс этган. Бу нотация нота ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти тарихида шунинг учун ҳам алоҳида ўрин тутади ва ўзининг пухта ишланганлиги билан бошқа нота ёзуви тизимларидан ажralиб

туради. Мазкур нотация орқали мақомларнинг ягона нусхаси бизгача етиб келганлиги нотациянинг аҳамиятини янада оширади ва бу мусиқа асари қайси ҳалқники бўлишидан қатъий назар мақомлар тарихидан ажойиб бир саҳифани ёритиб беради. Сафиуддин яратган нота ёзуви тизимининг оламшумул тарихий аҳамияти ҳам шунда. Сабаби – бу нотация мақом йўлларининг ўтмишдаги қисёфасини тасаввур этишга нисбатан имкон беради.

Шуни ҳам уқтириб ўтиш лозимки, Сафиуддиннинг табулатурасидаги баъзи жихатлар XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган олим, шоир ва бастакор Комил Хоразмий кашф этган танбур нота чизигида ҳам учрайди. Комил Хоразмийнинг нотациясида товушлар баландлиги танбурнинг ўн саккиз парда-сига мослаб ишланган бўлса, Урмавийда уд созига мосланган эди. Бу икки тизимда нуқталар қўйилишида баъзи фарқлар бўлишига қарамай, иккала нотацияда ҳам уч қўшалоқ нуқталар мавжудлиги кишини ҳайрон қолдиради. Лекин қўшалоқ нуқталар Урмавийда горизонтал, Хоразм нотасида эса вертикал жойлаштирилган (кейинги бетда Хоразм нотасидан намуна келтирамиз).

Лекин Комил Хоразмий ал-Урмавий нотациясидан фойдаланганни йўқми – бу ҳақда аниқ фикр айтиш қийин. Аммо бу тизимларда баъзи ўхшашибликлар борлиги (уч қўшалоқ нуқталар ва улар зарбининг қайси томонга йўналишигача акс этиши) Комил Хоразмий Шарқ нотацияларидан хабардор эди, дейишга имкон беради (кейинги бетга қаранг). Шарқда ўша даврларда нота тизимининг мавжудлиги мусиқа рисолаларидаги жуда кўп назарий ва амалий масалаларни аниқлашга ёрдам беради.

Шу вақтгача олимлар 12 мақомни 24 шўъбага муносабати масалаларини турлича тушунтириб келгандар. Урмавийнинг нотацияси мақом шўъбаларининг мустақил ёки унга боғлиқ ҳолда тўғри тушунишга ёрдам беради. Бундан ташқари, олимлар Ўн икки мақом тизими фақатгина лад тушунчасига боғлиқ дердилар. Нотация Ўн икки мақомнинг лад тушунчасидан ташқари, ўша ладларга боғлиқ жонли мусиқа асарлари сифатида ҳам қараш лозимлигини тақозо қиласди. Нотациядаги куй яна шуни ҳам кўрсатадики, Ўн икки мақом билан Шашмақом ўртасида принцип ва тузилиш жиҳатидан ўхшашибликлар мавжуддир. Бундай принцип фақат Шашмақом йўлларидагина эмас, балки бошқа Шарқ ҳалқларидаги мақомлар тузилишига ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун XIII аср нотацияси Шарқ ҳалқлари мусиқаси маданияти тарихида жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шундай қилиб, бу нотация XIII асрларга ихтиро этилган ҳар қандай мусиқа ёзув воситаларидан энг мукаммали ва муваффақиятлиси дейиш мумкин ва Ўн икки мақомнинг бир қисмини акс эттирувчи бизгача стиб келган бирдан-бир ёдгорликдир.

Юқорида мусиқа манбалари асосида келтирилган Ўн икки мақом ва шўъбаларнинг товушқаторлари XIII – XVII асрларда ижро этилиб келинган мақом йўлларининг лад асосини ташкил этади. Мақомлардаги “лад” тушунчасининг ўзи ҳам жуда катта эмоционал таъсир кучига эга. Бу ладлар эса мақом йўлларининг ҳам руҳий ифоласи бўлиб хизмат этади.

Шундай қилиб, мақомлар Шарқда ва, айниқса, Ўрта Осиё ҳалқларида мусиқа маданиятининг юксак бўлганлигининг далили ҳамдир. Уларнинг киши

рухига таъсир этиш ҳусусиятини Форобий, Ибн Сино, Саифуддин Абдулмұлыммин, Шерозий, Жомий ва сүнгги давр (XVI-XVII аср)ларда яшаган мусиқа олимлари қайта-қайта уқтириб ўтганлар.

Масалан, Ушшоқ, Буслық, Наво мақомлари ва Моҳур, Ниҳованд шўйбалари кишига шижаот ва жасорат бағишлади. Бу жозибадор, оҳангдор мақом йўллари, манбаларда кўрсатилишича, кўпроқ Ўрта Осиёда машҳур бўлган. Рост, Ироқ, Исфаҳон мақомлари ва овозлардан Наврӯз, Гардонийя, шўйбалардан Панжгоҳ ва Зовулий нозик, ёқимли мақом йўллари бўлиб, кишига ҳузур, хушчақчақ кайфият бағишлади. Бузург, Зирафканд, Раҳовий, Зангула мақомлари, Гавашт ва Шаҳноз овозлари, Ҳисор, Ҳумоюн, Мубарқа, Ракб, Сабо, Бастаи Нигор, Наврӯзи араб, Рўйи Ироқ шўйбалари ғамгинлик, руҳий ҳорғинлик, аламни ифодалайди. Мақомлардан Ҳижоз, Ҳусайнӣ, овозлардан Мойа, Салмак, шўйбалардан Нуҳуфт, Наврӯзи Баётий, Дугоҳ, Уззол, Авж, Жавзий, Найриз эшитувчидаги ҳам қувонч, ҳам қайғу кайфиятини қўзғатади.

Рисолаларда кўрсатилган товушқаторлардаги интерваллар баъзи ўринларда темпсрация қилинган диатоник товушқаторлар чегарасидан чиқиб кестса-да, мақомларнинг лад асоси умуман диатоник ладларга мос келади<sup>1</sup>. Шундай қилиб, Ўн икки мақом тизимиға кирган куй ёки ашула йўлларининг киши руҳига таъсири ўрта аср Шарқ мусиқасига боғлиқ рисолаларда шундай акс этган. Мақомларнинг лад асоси бунинг далилидир.


Мақомларнинг қачон ва қаерда пайдо бўлганлигини аниқ айтиш қийин. Лекин улар жуда қадим замонлардан бошлаб маълумдир.

Баъзи манбаларда кўрсатилишича, 12 мақом йилнинг Ўн икки буржи (оий) билан боғлиқ бўлиб<sup>2</sup> 24 шўъба эса куннинг 24 соатига боғланган ҳолда яратилгани айтилади. Бундан ташқари, ҳар бир мақомнинг чалиниш вақти бир сутканинг 12 қисмига бўлиб кўрсатилади. Лекин бу фикрлар бизнинг кунгача бир афсона сифатида стиб кслган бўлса-да, бунинг тагида катта бир ҳақиқат ётади.

Қадимги астрономияда ҳам қўёшнинг йиллик ҳаракат доирасида ўн икки нуқта белгиланиб, бу нуқталар ораси бир ойга тўғри кслади, деб кўрсатиласди. Бу масала араблар истилосигача, яъни Ўрта Осиё ҳалқи қўёшга топинган, зароастризм дини ҳукмрон бўлган вақтларга тўғри кслади. Мақомларнинг ўн икки ойга боғланishi эса қўёш тизими асосида бслгиланган буржаларнинг муқаддас саналган даврлар маҳсули деб тушуниш мумкин. Ўн икки мақом шаклининг Шашмақомгача сақланиб келиши эса мақомларнинг сўнгги тури исломгача бўлган мусиқа маданиятидаги анъананинг давомидир, дей-

<sup>1</sup> Бу ҳақда «Шашмақом» бўлимида қисқача тўхталиб ўтамиш.

<sup>2</sup> Мақомлардан: Рост – Ҳамал ойи билан. Исфаҳон – Савр, Ироқ – Жавза, Кучак (Зирафканд) – Саратон, Бузург – Асад, Ҳижоз – Сунбула, Буслық – Мезон, Ушшоқ – Ақраб, Наво – Қавс, Ҳусайнӣ – Жадий, Зангула – Даля, Раҳовий – Хут ойи билан боғлиқ леб кўрсатиласди. Яна бошқа манбада мақомлар бошқача ойлар номи билан боғланади: Раҳовий – Ҳамал, Зангула – Савр, Бузург – Жавза, Ҳусайнӣ – Саратон, Ушшоқ – Асад, Кучак (Зирафканд) – Сунбула, Рост – Мезон, Ҳижоз – Ақраб, Ироқ – Қавс, Буслық – Жадий, Наво – Даля, Исфаҳон – Хут.



ишта имкон беради. Манбалардан маълум бўлишича, араб ва форсларда грек мусиқа назарияси арабчага таржима этилгун (VIII-X асрлар)га қадар маҳсус мусиқа назариялари бўлган. Хорижий мамлакат олимларининг кўплари асоссиз равишда, Ўрта Осиё халқларининг ўрта аср маданий бойликлари форслар ёки араблардан олинган ва бу уларнинг маданий бойликларининг таркибий қисми бўлган, деб қарайдилар. Бу нотўғри, албатта. Ўрта Осиё халқлари Шарқнингтина эмас, балки бутун дунё фани ва маданияти хазинасига салмоқли ҳисса қўшганлар. Ўрта Осиёдан чиққан кўпгина буюк олимлар замонаси талабларига кўра араб ёки форс тилида ёзганликлари, уларнинг ўлмас асарларини ўша тилга мансуб халқларнинг маданий бойликлари, деб ҳисоблашга асос бўла олмайди. Ўрта Осиёдан чиққан олимлар ерлик халқларнинг илмий ва маданий анъаналарини давом эттиридилар ва қўшни халқлар тўплаган маданий бойликлардан унумли фойдаландилар. Мақом иборасининг Ўрта Осиёда ҳам жорий этилганлиги эса ўтмишдаги маданий шароитлар маҳсулидир.

Мақомлар араблар истилосига қадар ҳам бошқа номлар билан аталиб келган, деб ўйлаш мумкин. Арабча “мақом” ибораси эса Ўрта Осиёда тахминан Форбий даврида машҳур бўла бошлаган.

Инглиз олими Г. Фармернинг ислом энциклопедиясига ёзган мусиқага доир мазкур мақоласида, Ўрта Осиё ва Хурносон халқларида араб истилосигача маҳсус мусиқа назарияси мавжуд бўлганлиги қайд этиб ўтилган<sup>\*</sup>. Бундай мусиқа назариясида эса, мақом каби назарий асосга эга бўлган профессионал мусиқа жанрларигина ўз ифодасини топиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Араб истилосидан сўнгги даврларда яратилган касбий мусиқа асарлари – мақомларнинг тарихий тараққиётида юонон олимларининг мусиқа назариялари таъсири ҳам кучли бўлди. Чунки бу даврларда юонон олимларининг турли фанлар, шу жумладан мусиқа илмига бағишинган асарлари ҳам араб тилига таржима қилинган эди. Шунинг учун, дастлабки X–XIII аср мусиқа рисолалари асосан араб тилида ёзилган бўлиб, бунда айниқса Пифагор (эрэмиздан аввалги, VI аср), Аристотель (эрэмиздан аввалги V аср) каби файласуфларнинг асарларидан фойдаланилган эди.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, Ўн икки мақом тизимидағи лад уюшмаларини баъзи мутахассислар бевосита “Пифагор тизими”, дебгина қарайдилар. Бу, албатта, тўғри эмас. Чунки Пифагор лад тизими асосан маҳаллий халқларнинг назарий тушунчаларини тизимга туширишда ва уларни бойитишида муҳим ўрин туттган эди. Юонон маданиятининг жаҳон фани ва маданияти тараққиётида ўйнаган ролини камситмаган ҳолда, Шарқ мусиқа назарияси ерлик халқлар мусиқа бойликлари асосида юзага келганини уқтириб ўтмоқ лозим.

Шундай қилиб, мақомлар халқларнинг асрий мусиқа анъанасининг қонуний тараққиёти сифатида, қўшни халқлар маданияти таъсиридагина ўсиб улғайди.

\* H. Y. Farmer, Musiki, in the Encyclopedia of Islam, V. III, London, 1936.

Ўтмишда мусиқанинг яшашга хақли эканлиги ва унинг шариат қоидала-рига путур стказмаслигини исботлашга қаратилган ривоятлар кенг тарқал-ган эди. Масалан, XVI-XVIII аср ёзма манбаларида мусиқа илоҳий сирлардан бири бўлиб, киши руҳининг озиғи (ғизоси), мусиқа илми эса улуғ (ша-риф) фан, деб кўрсатилади. Бунда Шайх Саъдий фикрларига асосланган ҳолда ёқимли куйларни эшлишиш кишини жаҳолатдан қутқариши ва унинг инсоний ҳиссини кучайтириши мумкин дейилади.

Кавкабий (XVI аср) мусиқани: инсон руҳининг йўлдоши, деб атайди.

XVI-XIX асрлар Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳаётida реакцион феодализм идеологияси кучайган давр бўлди. Бу вақтларда, ай-ниқса, мусиқа санъати намояндалари қаттиқ таъқиб ва қийинчиликларга дуч келдилар. Шунинг учун XVI – XVII аср мусиқа рисолаларида шариатнинг мусиқани эшлишига бўлган муносабати, мусулмонларнинг унга қандай қарашлари кераклиги масалалари бундай китобларнинг маҳсус бўлимларда шарҳлаб берилган. Баъзи муаллифлар бу ҳақда маҳсус китоблар ёзилар<sup>\*</sup>. Шариат қоидаси бўйича мусиқани эшлишиш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласини акс эттирувчи китоблардан баъзи лавҳаларни келтирамиз. Бир ерда “Ҳадис”дан шундай сатрлар келтирилади. Муҳаммад алайҳиссалом Куръон сураларини чиройли овоз билан бозашни тавсия этган, уни оҳангга солиб айтиш диннинг обрўсини оширади, деган.

Яна бир ўринда келтирилган ҳадисда<sup>\*\*</sup> Муҳаммад пайғамбар алайҳисса-ломнинг мусиқа эшлишига муносабати шундай тасирланади: бир куни Му-ҳаммаднинг (с.а.в.) севикили рафиқаси Биби Ойша ҳузурида икки хотин (жо-рия) ашула, ўйин кулги қилиб ўтиришган эди. Шу пайтда Муҳаммад (с.а.в.) чопонга ўралиб ётган эди. Биби Ойшанинг отаси Абу Бакр у ерга кириб, мусиқа, ўйин кулги шариат бўйича ҳаром ва гуноҳ эканини айтиб, уларни ман этади. Лекин Муҳаммад (с.а.в.) ўрнидан туриб: “Бу кун бизнинг байра-мимиз, уларга халал берманг”, - дейди. Демак, мусиқа эшлиши ва ўйин-кул-ги шариат бўйича фақат байрам, ҳайит кунлари, баъзан тўйларда рухсат этилган.

Бу ҳақда маҳсус ёзилган асарларда мусулмонларнинг мусиқа эшлишига муносабати масаласи янада чуқурроқ ва ишончлироқ ифодаланади. Жумла-дан XI асрда ёзилган номаълум муаллифнинг “Рисолатун фис - симъ”<sup>\*\*\*</sup> (“Самоъ ҳақида рисола”) асарида мусиқани эшлишиш масаласида шариат аҳд-ларининг фикрлари баён этилган. Номаълум муаллиф, мусиқанинг эстетик-тарбиявий кучига катта баҳо бергани ҳолда унинг ҳомийси сифатида чиқа-ди. Масалан, китоб муаллифининг айтишича, ёқимли овоз юксак таъсир ку-чига эга бўлиб, уни ёшлишиш билан инсон қалби ички аламлардан ҳоли бўла-

\* Масалан, Абдулҳақ ад-Деҳловий (XVI аср)нинг “Таҳқиқус симъ” (“Самоъ таҳқиқоти”) аса-ри. ЎзР ФАПИ. қўлёзма №545/III; Иброҳим Ҳаққий. Маърифатнома. Истанбул, 1170/1756 й., X боби.

\*\* Дарвиш Али Чангий ва номаълум муаллифнинг “Рисолаи мусиқий” асарлари қўлёзмаси. ЎзР ФАПИ. № 449, 468-II.

\*\*\* ЎзР ФАПИ. 8154-VI асар араб тилида ёзилган.

ди. Киши ҳар қандай қийинчилекни, ҳатто очлик, ташналиктини<sup>\*</sup> эсдан чиқаради. Мусиқа оғир меҳнатдан кейин дам олишнинг энг яхши воситасидир. Мусиқанинг таъсир кучини ҳатто шундан ҳам билса бўлади деб ёзади у: йиғлаб турган бола, онанинг алласини эшитиб, тинчланади ва ухлаб қолади.

Шу мазкур китобда яна бир ривоят келтирилади. Ўз даврида машҳур бўлган Қози Исмоил бир куни йўлда бир номаълум киши билан ҳамроҳ бўлиб борар экан. Улар шундан сўнг “Ҳадис”ни яхши биладиган бир олимга йўлиқибдилар ва уч киши бўлиб келаётган эканлар, бир ҳовлидан уднинг товушини эшитибдилар. Созанда удни маҳорат билан чалар экан. “Ҳадис” олими икки қулоғини қўли билан бекитиб, у ердан тезда ўтиб кетибди. Қозининг ҳамроҳи кейин бунинг сабабини сўраган экан, олим уднинг товушини эшитганида лаззат ола бошлагани ва мусиқани эшитиш шариат қоидасида гуноҳ бўлганидан қулоғини бекитганини айтибди. Қозининг ҳамроҳи эса мусиқага бефарқ қарашини, ундан лаззат олмаслигини ва эшитиш ёки эшитмаслик унга барибир эканини айтибди. Улар манзилларига етиб, уйларига тарқалибдилар.

Кунларнинг бирида қозининг зикр этилган ҳамроҳи қозихонага бир масала юзасидан гувоҳлик бериш учун келибди. Қози ундан келиш сабабини сўрабди. У киши гувоҳлик беришга келганини айтибди. Қози эса унинг гувоҳлигини қабул қилмабди. Бунинг сабабини сўраганида, қози унинг “ҳадис” олимига йўлда айтган тапини эслатиб: “Мусиқийдан фақат ҳис, туйғуси етишмайдиган калтафаҳм ва эси паст одамларгина лаззатлана олмайди. Бундай кишиларнинг гувоҳлиги ўтмайди”, - дебди.

Шунга ўхшаш масалалар Абдулҳақ Деҳлавийнинг “Таҳқиқус симоъ” асарида ҳам келтирилади. Деҳлавий “Қодирий” деб аталган сўфийлар мазҳабининг йирик вакилларидан бўлган. Ўз асарида у шайхлар ва сўфийларнинг мусиқа, шеър ва бошқаларни эшитишга оид фикрларини ифодалайди. Деҳлавий турли мусулмон мазҳабларининг йирик вакиллари (Жунайд Бағдодий, Мұхаммад Фаззолий, Абдулла Аҳрор, Юсуф Ҳамадоний ва бошқалар) асарларига ва “Ҳадис”га суюниб мусиқа эшитиш масаласини тадқиқ этади. Деҳлавий, бир томондан, мусиқанинг ҳомийси сифатида чиқиб, иккинчи томондан, уни эшитиш шариат бўйича катта гуноҳ, кишини сезтир қилиб, бузиб қўяди деб кўрсатади.

Халқ орасида ҳам мусиқани ҳимоя қилиш учун ҳам кўпгина ривоятлар тўқилган. Улардан бирида шундай ҳикоя қилинади (бу ривояти шоир Зоиржон Ҳабибий сўзлаб берган): Қадим замонларда бир мамлакатнинг подшоси ўлиб, унинг меросхўри бўлмаган экан. Шу подшонинг бир доно вазири бор эди. У, подшо кўтариш саройда катта жанжал туғдиришини билар экан. Шунинг учун шаҳарга жарчи қўйдириб, подшо ўлган куни туғилган ўғил болаларни саройга йиғдирибди. Болаларнинг ўртасига эса жуда кўп созандаларни тўплабди ва унинг ишораси билан таъсирли бир куй чалишларини буорибди. Болалар орасига одам қўйдириб, улар йиғлай бошлаган-

\* Чўлу биёбонларда сув масаласидаги қийинчилеклар кўзда тутилади.

да мусиқа чалинишини, күйни эшитганда йигидан биринчи тұхтаган болани тәнлаб беришларини сұрабди. Одат бүйіча бир чақалоқ йиги бошласа, бошқалари ҳам қүшилади. Уйда қий-чув, болалар йифиси күтарилған вақтда, вазир созандаларга ишора қилибди. Улар ёқимли күй ижро этибдилар. Шундай қилеми, йигидан биринчи бўлиб тұхтаган болани тәнлабдилар. Вазир аъёнларга мурожаат этиб:

- Шу гўдак подшо бўлади. Чунки бу болада туғма ҳис, туйғу бор. Бола улғайғач ақлли, халқ ахволини, унинг арз-додини зийраклик билан ҳис қила-диган одил подшо бўлади, - дебди.

Бу ривоятдаги мантиқ шуки, мусиқа кишининг ҳис-туйғуларини, ундаги инсоний фазилатларни ўлчаб берадиган тароздир. Бундай ривоятлар мусиқа, айниқса мақомлар тарихи ёритилишида ҳисобга олиниши лозим. Чунки бу эпизодлар Шарқ халқларида мусиқанинг тарихий тараққиети йўлидаги қарама-қаршиликларни, у яшаган оғир шароитни акс эттиради.

Юқоридаги гапирилган ривоятлардан ташқари мусиқани ҳимоя этиш мақсадида яратилған кўргина афсоналар XVI-XIX аср мусиқа рисолаларида ҳам ўз ифодасини топған. Чунончи, 12 мақомнинг ҳар бири пайғамбарлардан қолған, деб кўрсатилади ва у ёки бу мақомнинг яратилиши ҳақида кўргина ривоятлар, афсонавий далиллар келтирилади.

Кавкабийнинг кўрсатишича, мақомлар (ладлар)ни дастлаб Пифагор яратған бўлиб, улар асосан саккизта бўлған. Улар: Ушшоқ, Буслик, Рост, Ироқ, Исфаҳон, Раҳовий, Ҳусайний, Ҳижоздан иборат. Сўнгги даврларда яшаган олимлар шу мақомлар асосида яна тўртта мақом яратдилар ва натижада 12 мақом юзага келган: Наво мақоми Ушшоқ асосида, Зангутла Ростдан, Бузург Ироқдан, Кучак эса Исфаҳон мақомидан олиб ишланған, дейди Кавкабий.

Яна бир номаълум муаллифнинг рисоласида<sup>1</sup>, афсоналарда Ўн икки мақомни Юсуф пайғамбар ихтиро қилған<sup>2</sup>, деб кўрсатилади. Кунлардан бир куни у, ўз кишилари билан Нил дарёси бўйида кетаёттган экан, дарёдаги бир катта тошга кўзи тушибди ва ўз кишиларига уни кўтариб олишларини буюрибди. Улар саҳрота етишибди. Кишиларни очлик, ташниалик ҳалок қила бошлабди. Шунда Юсуф алайҳиссалом ҳудодан нажот сұрабди ва осмондан: “ҳасссангни тошга ур, ҳой Юсуф!” – деган садо келибди. Юсуф алайҳиссалом шундай қилған экан тош устида ўн икки тешик пайдо бўлибди ва сув фаввора бўлиб отилиб чиқа бошлабди. Шу билан бирга ўн икки хил товуш ҳам эшитилибди. Осмондан яна “ҳой Юсуф! Бу товуш ва оҳангларни эсингда сақла!” деган нидо келибди. Гўё, зикр этилган ўн икки мақом Юсуф эсида сақлаб қолған ўн икки булоқдан чиқкан товушлар эмиш.

Ўша муаллифнинг фикрича, Ушшоқ энг қадимий мақом. Чунки у кўп күй ва ашула йўлларининг асосидир. Рост мақоми ҳам шундайдир. Уни “Ум-мул-адвор” (“Мақом доираларининг онаси”) дейилиши ҳам бежиз эмасли-

<sup>1</sup> Номаълум муаллиф “Рисолатун фи-илмил-мусиқий”. ЎзР ФАШИ №8739.

<sup>2</sup> Бошқа манбаларда бу афсона Мусо пайғамбарга нисбат берилган.

гини муаллиф қайд этади. Рост мақомининг бошқа номи Якгоҳ (биринчи парда)дир. Исфаҳон мақоми Ростга жуда яқин бўлганидан улар бирин-кетин ижро этиб келинган. Ундан сўнг Ҳижоз ва Ироққа ўтилган. Кучак мақоми турк халқларига хос бўлиб, мақоми Ростга яқин туради.

Яна бир “Рисолайи мусиқий”<sup>“</sup> муаллифи 12 мақомни Афлотун йилнинг ўн икки буржи асосида яратган дейди.

Дарвиш Али (XVII аср) ўз асарида еттита мақом пайғамбарлардан қолганини қайд этади<sup>“</sup>. Мақоми Рост – Одам Атодан, Ушшоқ – Нуҳ пайғамбардан, Наво – Довуд пайғамбардан, ҳижоз – Сулаймон пайғамбардан, Ироқ – Айюб пайғамбардан, Ҳусайнӣ – Яъқуб пайғамбардан, Буслик – Бобо Умардан, Раҳовий – Муҳаммад пайғамбардан қолган. Дарвиш Али ҳар бир мақомнинг яратилиши сабабини Рабғузининг “Қиссаси - анбиё” (“Пайғамбарлар қиссаси”) китобида келтирилган ривоятларга боғлаб тушунтиради. Бу ерда муаллиф мақомларни илоҳийлаштириш орқали уларни “шаръий ҳодиса” қилиб кўрсатмоқчи бўлса керак. “Ривоятларга кўра, - деб кўрсатади Дарвиш Али, - мақомларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи кишилар юнон олимни Арасту (Аристотель, эрамиздан олдинги IV аср) яратган, деб ҳисобладидилар. Бошқа кишилар эса Афлотун (Платон эрамизгача V-IV асрлар) йилнинг 12 буржига мослаб яратганлигини қайд этадилар”.

Юқорида келтирилган диний ривоятлар, афсоналар ўз характеристидан қатъий назар, Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданияти тарихида катта аҳамиятга эга.

\* \* \*

Қадим замонлардан бошлаб Шарқ халқларининг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари кучли бўлган ҳамда бундай алоқаларда маданий ва савдо-сотиқ марказлари муҳим ўрин тутган.

Мақом ва уларнинг шўъбаларини турли мамлакатлар, маданий шаҳарлар номи билан аталиши эса шундай муносабатларнинг мусиқа маданиятида қолдирган изларидир. Мақомлар тизимида Ироқ, Исфаҳон, Ҳижоз, Зовул, Нишопур, Баёт, Ажам, Ҳисор каби номлар бунинг далилидир.

Мақомларда кишилар номига нисбат берилган Ҳусайнӣ, Буслик (Абу Саликнинг қисқартирилган шакли) каби ашула ва куй йўллари ҳам кўплаб учрайди. Булар шубҳасиз, мақомлар ва уларнинг ихтирочилари номидир.

Лекин ўн икки мақом тизимида кўпгина чалкашликлар ва ноаниқликлар бор. Дастрлаб, мақомлар билан уларнинг шўъбалари лад тузилиш орасидаги муносабат масаласи чигиллаштириб юборилган. Ҳар бир шўъба бирор мақомнинг шохобчаси эканига шубҳа йўқ. Кўпчилик шўъбалар товушқатор-

<sup>“</sup> Номаълум муаллиф. ЎзР ФАШИ. инв. № 468/II.

<sup>“</sup> А. А. Семенов Среднеазиатский трактат по музыке Дарвиша Али (XVII в.), Ташкент, 1946. стр. 8.

ларининг диапазони мақомларнидан кичик. Бинобарин, шу диапазон уларнинг куй ва ашула йўллариға мос келадими, йўқми ёки бу шўъбаларнинг ўзлари мансуб бўлган мақомларга қандай муносабати бор, деган савол рисолаларда жавобсиз қолган.

XIII-XV аср мусиқа рисолаларида маълум шўъбани мақомларнинг қайси бирига тегишли экани ҳам очиқ айтилмайди. XVI-XVII аср манбаларида ҳам бир мақомнинг иккитадан шўъбаси борлиги ҳамда уларнинг бири мақомнинг пастки қисмидан, иккинчиси эса юқори қисмидан олингандилиги ҳақида айтилса ҳам, бу ҳақда рисолаларда келтирилган фактларни таққослаб кўрилса, қарама-қарши фикрларга дуч келинади. (Бир манбадаги фикр иккинчи сига тўғри келмайди). Масалан, Бусалик мақомининг шўъбалари Кавказий рисоласида Ашийран ва Наврўзи Сабо деб кўрсатилса, бир номаълум муаллиф асарида Шаҳноз ва Наврўзи Сабо, Вожид Алихон (XIX аср) нинг “Матлаъул-улум” энциклопедиясида Ашийрон ва Сайёд, деб аталади<sup>\*</sup>. Бошқа шўъбалар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Мақом ва шўъбалардаги чалкашликларни кўп илмий тадқиқотлар натижасида аниқлаш мумкин. Бу мусиқашуносликнинг муҳим масалаларидан дир. Бундай иш эса Шашмақом масаласини ҳам тўғри тушунишга ёрдам беради.

Ўн икки мақом тизимида ижро этилган куй ва ашула йўллари ҳақида умумий тушунча олишга қисман бўлса-да, қўлёзма манбалардаги куй ва ашула-ларнинг турлари ва хусусиятларини шарҳ этадиган фикрлар ёрдам бериши мумкин. Чунки нота ёзуви бўлмагани сабабли куй шакллари ҳақида, оддий тарзда берилган қисқача ёзма изоҳлардан ташқари, бизгача етиб келган бирор маълумот йўқ. Юқорида зикр этилган куй ва ашула шакллари масаласи эса Шашмақомга ҳам алоқадордир.

## ЎН ИККИ МАҚОМ ВА ШАШМАҚОМ

Шашмақом Ўн икки мақом мусиқа материаллари асосида яратилган деб айтишга бош манбаларда аниқ далиллар йўқ. Шу сабабли мақом туркумларнинг бу икки шакли ўртасида мавжуд бўлган муносабатлар ҳақида бир оз тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Ўн икки мақом Ўрта Осиё, Хурросон, Кавказ ва бошқа Шарқ ҳалқарида яшаб келгани аниқ. Мақомлар Шарқ ҳалқлари мусиқасининг лад асосида ва уларнинг ўзига хос мусиқа бойликлари негизида яратилгани ҳақида юқорида айтилган эди. Маълум мақом ёки шўъбанинг куй ва ашула йўли турли ҳалқларда бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Ҳозирги кунда эса, ҳатто уларнинг лад асосларида ҳам жуда катта тафовутлар мавжуд.

Шуниси характерлики, ўзбек-тожик, озарбайжон ва эрон ҳалқларининг ҳаммасида ҳам (уйғур мақомларидан ташқари) мақомлар тизими мусиқа

\* Вожид Алихон Ҳиндистоний. Матлаъул-улум ва мажмаъул-фунун (мусиқага доир қисми), ЎзР ФАШИ. қўлёзмаси. Ишв. № 2838.

рисолаларыда күрсатилган Ўн икки мақом тарзыда сақланмади, балки бутунлай бопқа шаклда бизгача стиб келди.

Озарбайжон халқынинг улуғ композитори ва маданият арбоби Узеир Ҳожибеков ўзининг Озарбайжон халқ мусиқасига бағишинанган китобида Озарбайжон мақом (мугам)лари ҳақида фикр юритган<sup>(1)</sup>. Озарбайжонда ҳозирги кунда машҳур бўлган лад (мақом)лари куйидагилардир: Рост, Наво, Шур, Сегоҳ, Чоргоҳ, Баёти Шероз, Ҳумоюн, Шаҳноз, Шуштар, Саранж ва бошқалар (Озарбайжон ва Эронда Овоз, Ранг номлари билан аталадиган кўпгина мақомнинг қисмлари ҳам ҳозирги кунгача сақланниб қолган).

Эронда босилган Руҳулло Ҳолиқийнинг “Эрон мусиқасининг саргузашти” номли китобида кўрсатилишича Эрон мусиқасида ҳозирда етти мақом мавжуд: Шур, Сегоҳ, Чоргоҳ, Ҳумоюн, Моҳур, Наво, Рости Панжгоҳ<sup>(2)</sup>. Мақомлар Эрон ва Озарбайжонда дастгоҳ номи билан ҳам аталиб, уларда 40 тагача шохобчалар мавжуд. Булардан ташқари бошқа муаллифлар Эрон дастгоҳларининг Ўн икки мақом турини ҳам кўрсатиб ўтганлар<sup>(3)</sup>. Улар Дастгоҳи Шур, Дастгоҳи Дашибий, Дастгоҳи Абу Ато, Дастгоҳи Баёти турк, Дастгоҳи Афшарий, Дастгоҳи Ҳумоюн, Дастгоҳи Баёти Исфаҳон, Дастгоҳи Сегоҳ, Дастгоҳи Чоргоҳ, Дастгоҳи Моҳур, Дастгоҳи Наво, Дастгоҳи Рости Панжгоҳ<sup>(2)</sup>.

Дастгоҳ – мақом сўзининг форсча ифодаси бўлиб, даст-қўл, гоҳ ўрин, яъни “қўл ўрни” – парда маъносидадир. Форсларда яна Пешдаромад, Чархомезроб, Тасниф, Ранг, Овоз иборалари билан ифодаланадиган мақом йўллари учрайди. Улар ичида таснифлар тароналар каби кичикроқ шаклдаги машҳур ашула йўлларидир<sup>(4)</sup>. Ҳар бир дастгоҳда икки-учтадан “ранг” деб аталган шохобчалар бўлиб, дастгоҳлар асосида яратилгандир.

Ўйғурларда Ўн икки мақом шакли сақланган. Улар қуийдагича номланади: Рок, Чобият, Мушовирак, Чоргоҳ, Панжгоҳ, Ўзол (Уззол), Ажам, Ушишоқ, Баёт, Наво, Сегоҳ ва Ироқ<sup>(5)</sup>. Бу мақомларнинг ҳар бири уч қисмдан ташкил топган бўлиб, 240 дан ортиқ куй ва ашула йўлларини ўз ичига олади. Шуниси характерлики, Ўйғур мақомлари билан Шашмақом куй ва ашула йўлларида ҳам баъзи ўхшашликлар бор. Бу ўринда Рок, Ажам, Ушишоқ, Наво, Баёт, Уззол, Чоргоҳ, Панжгоҳ куй ва ашула йўлларини айтиб ўтиш кифоядир. Фақат дойра усули, ижро услуби бу шаклларда тубдан фарқ этади. Шунинг учун бу шакл мақомларни қиёсий ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади<sup>(6)</sup>.

<sup>1</sup> У.Гаджибеков. Основы азербайджанской народной музыки, Баку, 1945 г.

<sup>2</sup> Руҳулло Ҳолиқий, Саргузашти мусиқийи Эрон. I жилд; Төхрон. 1333-1954. (Араб алифбосида босилгани).

<sup>3</sup> \*\*\* Khatschi Khatschi, Der Dastgah: Studien zur neuem Persischen musik. 1962.

<sup>4</sup> \*\*\* Персидские Теснифы. Записи Хатемхана, вступительные статьи Б.В.Миллера и В.М.Беляева, Музыка, Москва, 1964 г. (Бу ерда 31 та форс Таснифлари берилган).

<sup>5</sup> \*\*\* К.Кужамяров, Уйгурские макомы, «Сов. музыка», №5, 1966.

<sup>6</sup> \*\*\*\* Сунгги йилларда Уйғур мақомларининг икки жилдлиги Пекинда босилиб чиқди.

Ўзбек-тожик халқларида эса мақомларнинг бизгача етиб келган шакли Шашмақом (олти мақом) Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқдир. Мақомларнинг тарихий тараққиёт йўли ва шаклланиш жараёни ўтмишдаги ёзма мусиқа манбаларида ёритилмаганлиги бу масалаларни аниқ тасаввур этишга имкон бермайди. Лекин бу срда шуни айтиб ўтиш лозимки, Ўн икки мақом билан Шашмақомни бир-биридан тубдан фарқ этадиган ҳамда уларни melodik таркиби турлича бўлган жанр, деб қараш ҳам нотўғридир. Шашмақом Ўн икки мақомдан туркум тузилиши характери билангина фарқ этиши мумкин. XV-XVII аср манбаларида баён этилган бастакорлик анъанаси Ўн икки мақомгагина эмас, Шашмақомга ҳам тааллуқлидир. Мақомчилик соҳасидаги анъананинг давом эттирилиши натижасида Ўн икки мақом материаллари Шашмақом шаклига келтирилган, деб ўилаш тўғрироқдир.

Бухоро мусиқачилари томонидан ёзилган рисолалардаги фактлар Ўн икки мақом туркумига кирган куй ва ашула йўллари Ўрта Осиёда ҳам бу жанрнинг машҳур бўлганлигини тасдиқлади.

Узеир Ҳожибеков Озарбайжон мақомларининг сўнгги варианatlари эски варианatlар таркиbidагi шўъбалар гуруҳини бир-бирига қўшиш воситаси билан ихчамлаштирилган дейди. Шашмақом ҳақида ҳам худди шундай, деб айтиш тўғрироқ бўлади.

Дастлаб Шашмақом ва унинг таркибига кирган чолғу қисмлар ва айrim шўъбалар номини олиб қарайлик. Шашмақомдаги Бузург, Рост, Наво, Ироқ, Дугоҳ, Сегоҳ, Ушшоҳ, Савт, Уфар, Ораз, Баёт, Ҳусайнӣ, Пешрав, Сархона, Бастанигор, Наврӯзи Сабо, Наврӯзи Хоро, Наврӯзи Ажам, Мухайяр каби номлар Ўн икки мақом таркибida ҳам учрайди. Насруллойининг дастлабки номи эса Раҳовий бўлган. Гардун. Мухаммас, Сақил, Самоий, Ҳафиғ, Чанбар каби иборалар, шеър ўлчовлари, дойра усуллари ва уларга мос мақом йўлларининг номи сифатида Ўн икки мақомдан олиниб, Шашмақомда фойдаланилган. Бунинг устига, юқоридаги XVI-XVII аср рисолаларида баён этилган куйлар структураси ва бастакорлик анъанаси, куй яратиш услублари Шашмақом йўлларига ҳам тааллуқли эканини ҳисобга олганда, шартли равища бўлса-да. Ўн икки мақом ва Шашмақом куй асослари орасида қандайдир маълум муносабат бор дейишга имкон беради. Шашмақомда ишлатиладиган намудлар (Шашмақом қисмига қаранг) ўтмишдаги бастакорлик санъатининг яққол кўрсатиб берувчи омилларидандир ва Ўн икки мақомдаги нақш, амал, пешрав каби шаклларни тасаввур этишга ёрдам беради.

Шашмақомнинг шаклланишида дастлаб Ўн икки мақом тизимидағи лад асослари бир-бирига яқин бўлган мақомлар ва шўъбалар бирлаштирилган. Бизнинг кунгача етиб келган Шашмақомнинг таркибий тузилиши, қиёфаси бунинг далили бўла олади. Масалан, мақомлардан ҳар бирининг чолғу бўлимида Гардун, Мухаммас, Сақил деб аталувчи чолғу йўллари, булардан ташқари, Рост мақомида Панжгоҳ, Дугоҳда Пешрав ва Самоий, Сегоҳда Ҳафиғ, Ажам, Бастанигор каби куй йўллари бор. Булардан Панжгоҳ, Ажам ва Бастанигор Ўн икки мақом тизимидағи шўъбалар номидир. Куй тузилиши ва

лад қурилмаси мос көлгани учун улар юқоридаги мақомлар таркибига кири-  
тилган бўлиши эҳтимол.

Шашмақомнинг ашула бўлимида ҳам Ўн икки мақом жуда катта ўзга-  
ришларга учраган, дейиш мумкин. Ўн икки мақомда Зангуланинг шўйбаси  
саналган Уззол Шашмақомдаги Бузрукнинг бир неча шўйбалари билдирилган. Ўн икки  
мақомда мустақил мақом ҳисобланган Ушшоқ эса Шашмақомда Рост мақо-  
мининг бир неча шўйбалари сифатида учрайди.

Бусалик мақомнинг шўйбаси Наврўзи Сабо ҳам Рост мақомига, Мухайяр  
шўйбаси эса Ҳусайний мақомидан олиниб, Ироқ мақомига киритилган, Баёт  
шўйбаси эса Зирафканд мақомидан олиниб, Наво мақоми шўйбасига айлан-  
тирилган бўлса керак.

Ўн икки мақом шўйбаларидан Дугоҳ ва Сегоҳ Шашмақомда мустақил  
мақомлар номидир. Дугоҳ мақомига эса бу ерда Ҳусайний мақоми ва Зангу-  
ла мақомининг Чоргоҳи шўйба тарзида киритилган. Лекин шўйба шаклида  
ҳам Ҳусайний мақоми асл номланиш хусусиятини йўқотмаган ва “Дугоҳи  
Ҳусайний” (“Ҳусайнининг Дугоҳи”) шаклини сақлаб қолган\*. Шашмақом-  
даги Сегоҳ таркибida эса Ўн икки мақом тизимида Навонинг шўйбаси  
бўлмиш Наврўзи Хоро ва Раҳовийнинг Наврўзи Ажам шўйбалари мавжуд.

Ушшоқ мақоми Шашмақомда Ростнинг шўйбаси сифатида олинган экан,  
қўллэзма манбаларда келтирилган Ушшоқ, Рост мақомининг ладига яқин  
бўлгани учун, унга мосланиб бирлашади, яъни Ўн икки мақом тизимидағи  
Рост мақоми поғоналарининг ҳосиб бўлган центлар:

0 – 204 – 384 – 498 – 702 – 882 – 996 - 1200 бўлса, Ушшоқда  
0 – 204 – 408 – 498 – 702 – 906 – 996 - 1200 дир.


Рост ва Ушшоқнинг III-VI поғоналаридаги баъзи тафовутлар (384 ва 408  
ҳажмда 882 ва 906 центлар оралиғи) бир коммагатина тенг (комма - бутун  
тоннинг  $\frac{1}{8}$  бўлагининг ифодаси). Бир комма миқдорида тафовути бўлган  
товушлар оралиги эса қулоқ илғамайдиган ёки ажратолмайдиган даражада  
бўлиб, Рост ва Ушшоқ мақомларидаги яқинлик ва мослик аломатидир. Бун-  
дай ўхшашликлар бошқа мақом ва шўйбаларга ҳам хосдир.

Шашмақомдаги Бузрук мақомига Уззол шўйбаси, Ироқ мақомининг маъ-  
лум куйи вариант қилиб олинганлиги (бу ерда гап Ироқи Бухоро устида  
кетаяпти), Ростга Ушшоқ мақоми ва Наврўзи Сабо шўйбаси киритилганли-  
ги, Наво мақоми таркибига Ҳусайний мақоми ва Баёт ҳамда Ораз шўйбалари  
тарзида киритилганлиги, Сегоҳ шўйбаси мақом номи билан олиниб, унга  
Ўн икки мақом тизимидағи Наврўзи Хоро ва Наврўзи Ажам шўйбалари олин-  
ганлиги, Ироқ мақомига эса Мухайяр шўйбаси киритилганлиги - булярнинг

\* Шашмақом устозлари уни, аксинча, Ҳусайний Дугоҳ, яъни Дугоҳ мақомининг Ҳусайний  
шўйбаси маъносидаги ҳам ишлатадилар.

ҳаммаси тасодифий ҳол эмас, албаттa. Бу ерда куйлар лад қурилиmasининг яқинлиги ва мос кела олиши ҳам ҳисобга олинган

XIII-XVII асрда ёзилган мусиқа рисолаларида, шу жумладан, Сафиуддин Урмавий ва Зайнулобидин Ҳусайнининг асарларида Ўн икки мақом тизимига кирган ладларнинг қиёфасида кўпгина ўзаро ўхшашликлар борлиги ҳақида гапирилади. Бу масалада муаллифлар маълум бир доира чизигига айрим поғоналари мос келадиган мақомларнинг товушқаторларини жойластирганлар. Бунда доира чизиги атрофига маълум бир товушқаторнинг поғоналари шундай ўрнаштирилладики, доирадаги бу товушқатор бир неча мақомлар учун умумий бўлади. Куйида биз бу доиранинг қисминигина келтирамиз.



Бу доирадаги дастлабки товушқатор А Д З X Йа Йд Йз Йх шаклида бўлса, Ушшоқ мақомида агар унинг поғоналари А пардасидан бошланса,

Наво - Д. З пардасидан бошланганида эса Буслик мақомнининг товушқатор доираси юзага келишини кўрсатади ва ҳоказо<sup>\*</sup>. Бу доира Шашмақомнинг шаклланишига тааллуқли бўлган мақомлардаги яна бошқа мосликларни очиб беради ва Шашмақом шаклланишида ундаги мақомлар товушқаторлари жойлаштирилган тартиб ҳам ҳисобга олиниши мумкин эканлигини кўрсатади. Масалан, ушбу доира Ушшоқ мақомининг иккинчи поғонаси (Д) дан Наво мақоми йўлларини, унинг учинчи поғонаси (З)дан Буслик мақомини улаш имконияти борлигидан далолат беради. Бундай бояланишда ашула қисмларининг авжларида тоналликнинг ўзгариш ҳолларини ҳамда ўша лад нуқтаи назаридан яқин мақомларнинг қисмларидан “намуд”<sup>\*\*</sup> сифатида фойдаланиш имконияти борлигини кузатиш мумкин.

Бу ерда шуни ўқтириб ўтиш лозимки, лад (мақом)ларнинг юзага келиши куй ва унинг характеристига боғлиқдир. Шундай экан, Шашмақомнинг юзага келишида куйларнинг характеристи, тузилиш қоидалари, лад асоси, ривожланиш хусусиятлари, ритмик асослари ҳамда бадиий-эстетик хоссалари ҳисобга олинган. Натижада улар катта туркумли мусиқа асари шаклида бирлаштирилиб, Ўн икки мақом ва унинг шўъбалари асосида Шашмақомнинг таркибий қисмлари қарор топишига сабаб бўлган, деган фикр туғилади.

Ўн икки мақом ва Шашмақом муносабатлари масаласи маҳсус илмий текшириш объекти бўлиши лозим. Бу масалани ҳал этиш мақомларнинг бу икки шакли ўртасидаги ўзаро муносабатини очиб берувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

\* Мақомларнинг поғоналари I дан 8 гача бўлган сонлар воситаси билан белгиланади.

\*\* “Намуд”лар масаласида Шашмақом қисмига қаранг.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ШАШМАҚОМ

Ўрта Осиё халқларининг XVI-XIX асрларга доир маданият тарихи манбаларда яхши ёритилмаган. Маданият тарихига оид манбалардан маълум бўлишича, фан ва санъат бу даврларда тушкун бир ҳолда бўлса-да, ижтимоий қарама-қаршиликлар, ўзаро феодал урушлар ҳукм сурган шароитда яшаган. Юқорида айтилганидек, XVI асрдан бошлаб ўрта аср Шарқ фани ва маданиятида исломнинг таъсири кучая боради. Шу даврлар ичida яратилган фан ва санъатга оид рисолаларда мистика таъсири шунинг учун ҳам кучлидир.

Мусиқанинг назарий ҳам амалий масалаларини шарҳлаб берувчи XVI-XIX асрларда яратилган рисолалар юқоридаги фикрнинг далили бўла олади. Бу рисолаларда бир томондан диний ривоятлар ва афсоналар воситаси билан мусиқанинг яшашга қобил машғулот эканлиги исботланиб, унинг фазилатлари мақтаб ёзилса, иккинчидан, мусиқанинг назарий ва амалий масалалари ноаниқ шаклда таърифланган ва кўпгина қарама-қарши мулоҳазалар айтилган. Шунинг учун мусиқа рисолаларидаги фактларга чуқур танқидий кўз билан қараш лозим. Чунки уларда шарҳ этилган асосий масала – Ўн икки мақом ва ритм масаласи ҳам аниқ қилиб ёритилмаган ва чалкаштириб юборилган. Ўтмишда Шашмақомнинг назарий масалаларга боғлиқ бирорта ҳам манбалар йўқлиги ачинарли бир ҳолдир. Шунинг учун Шашмақомнинг қайси даврда шаклланганлиги ҳақида аниқ бир гап айтиш қийин.

Мақомлар ҳам жамиятнинг бошқа ҳодисалари каби даврнинг ижтимоий, бадиий-эстетик талаабларига ва эҳтиёжларига боғлиқ бўлгани ҳолда яшаб келди ва ўз тараққиёти жараёнида катта ўзгаришларга учради. Ўн икки мақом Шашмақом шакллангунинг қадар яшаб келди, деб айтишга баъзи фактик материаллар имкон беради. Унинг мусиқа материали – куй ва ашула йўллари Шашмақом туркумларининг асосини ташкил этган, деб ўйлаш мумкин.

Ўн икки мақом ва Шашмақом йўллари номланишидаги умумийлик ва бастакорлик санъати масалалари бунинг далили бўла олади. Чунки Шашмақом каби катта шаклдаги жанрни асрлар давомида яратилган халқ мусиқа бойликлари асосида, мақомларни юзага келтиришда бой назарий ҳам амалий тажрибага эга бўлган етук касбий (профессионал) мусиқачилар бўлган тақдирдагина яратиш мумкин. Ҳар қандай профессионал колектив мақом туркумларига ўхшаш дастлабки мелодик материали бўлмаган тақдирда, қадимдан давом этиб келаётган анъана ва бой тажрибага суюнмагани ҳолда, Шашмақом туркумини яратиш каби катта ишни уddyалай олмайди. Шунинг учун ҳам Шашмақом – унинг ўзидан олдин яратилган мақом туркумларининг мелодик материали пойдеворидагина юзага келган, деб айтиш мумкин.

Ўзбек-тоҷик халқлари мусиқасининг мумтоз намунаси бўлган Шашмақом, тахминан, XVIII асрнинг биринчи яримларида мустақил мусиқа жанри

сифатида узил-кесил юзага келди. Бундай тахмин этилишига сабаб шуки, Ўрта Осиёда XVIII асргача ёзилган мусиқа рисолаларида\*. Ўн икки мақом устидагина гап боради\*\*. XIX асргача ёзилган мусиқа манбаларида Шашмақом ҳақида бирор оғиз эслатиб ҳам ўтилмаган. Шунинг учун Ўн икки мақом туркуми XVIII асргача яшаб келган, деган ишонч ҳосил бўлади.

Мусиқашунослигимизда шу вақтгача Шашмақом туркумлари XVI асрларда шаклланган, деган фикр мавжуд эди. Бунда мутахассислар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган 1466 рақамли қўлёзмага суюниб, шундай хатоликка йўл қўйган эдилар. Атоқли шарқшунос олим, профессор А. А. Семёнов бу асар қўлёзмасини XVI аср мусиқа олими Мавлоно Кавкабий тузганлигини ва уни “Куллиёти Кавкабий” (“Кавкабийнинг асрлар тўплами”) эканини кўрсатиб ўтган эди. Кейинги текширишлар шуни кўрсатдики, аслида қўлёзмадаги бу асарда дастлаб Ўн икки мақом ва Кавкабий ҳақида баъзи маълумотлар келтирилади\*\*\*. Кейин эса XVI асрда эмас, балки Бухоро амири Насруллахон ҳукмрон бўлган даврда тузилган Шашмақомга айтилган шеър матнларини ўз ичига олган тўплам берилади.

XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, Ўрта Осиёда Шашмақом ашула бўлимида айтилган шеър матнларини ўз ичига олган тўпламлар юзага кела бошлади. Булардан биттаси юқорида зикр этилган асар бўлиб, Бухоро амири манғит Насруллохонга (1826-1860) бағишлиланган. Бундай асарларнинг бошқа нусхалари эса Шашмақомнинг Хоразмда тарқалган даврлари (XIX аср I яримлари) да кўчирилган эди\*\*\*\*.

Бундан ташқари, мазкур тўпламда Шашмақомга айтиладиган шеър матнлари орасида XVII-XVIII асрларда ижод этган ўзбек-тожик классик шоирлари – Бедил, Машраб, Сайидо, Зебунисо, Нозим кабиларнинг ғазаллари ҳам фойдаланилганлиги юқоридаги тўплам XVI асрга алоқаси йўқлигини исботлайди.

Демак, XIX асрда Шашмақом ўзбек ва тожик халқлари орасида тарқалган, XVIII асрда эса узил-кесил шаклланган эди, деган хуносага келиш мумкин.

Қадимиий маданият марказларидан бири – Бухоро бир қанча сулола ва давлатлар пойтахти бўлиб келган. Мусиқа маданиятида ҳам Бухоро Ўрта

\* Кавкабий (XVI аср). Дарвиш Али (XVII аср) ва бошқа муаллифларнинг мусиқа рисолалари кўзда тутилади.

\*\* XVIII-XIX асрларда ёзилган мусиқа рисолаларининг кўпичулини даврларгача яратилган асарларнинг турли, профессионал бўлмаган котиблар томонидан кўчирилган нусхалариdir. Уларда хатоларнинг кўплиги, кўчириувчи котиблар мусиқа илмидан ва умуман мусиқадан бехабар бўлганидан далолат беради. Бундай рисолалар тарихий фактларни аниқлашга ёрдам бера олмайди, балки чалкашлик туғдиради, холос.

\*\*\* Асарнинг боши ва охири сақланимаган. Муаллифи номаълум, 1847 йилда кўчирилган.

\*\*\*\* XIX аср давомида Шашмақомга айтилган шеър матнларини шарҳлаб берувчи бир неча ўнлаб гўпламлар кўчирилган бўлиб, булар ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланаётган турли баёз ва қўлёзмалар ичida ва маҳсус мусиқа рисолаларида ҳам берилган:инв.№№5734, 1429, 7074, 3920, 8827, 1466 II, 7357, 6974, 9357, 2874, 1944, 244 ва бошқалар.

Осиё халқлари мусиқа бойликларини ўзида мужассамлаштирган марказий шаҳар вазифасини ўтаган эди. Шунинг учун Шашмақом Бухорода шаклланди ва “Бухоро Шашмақоми” деб аталди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Шашмақомни Ўрта Осиёдаги маълум бир шева нуқтаи назаридан қараш нотўғридир. Мақом туркumlари умуман халқ мусиқа бойликлари базасида яратилган эди ҳамда улар асосида доимо бойиб ва такомиллашиб борган ҳамда ўз навбатида халқ мусиқа маданияти тараққиётига баракали таъсир кўрсатган. Шашмақом, мақом жанрининг тараққий эттирилган энг сўнгги шакли сифатида, бастакорлик санъатининг ва юқоридаги мусиқа рисолаларида кўрсатилган куй тури ва шаклларининг ривожлантирилиши натижасида яратилди. Шашмақом ҳам Ўн икки мақом каби лад тушунчасидан ҳоли эмас. Ўн икки мақомнинг лад тузулмалари эса Шашмақомда ҳам ўз кучини сақлаб қолган эди.

Шашмақом олти турли ладларга мослаб олинган ва уларга асосланган куй ва ашуласлар йигиндисидан иборат. Шашмақомнинг лад асоси олти турли бўлса-да, унга яқин келадиган бошқа ладларга мос куйлар ҳам киритила берган. Айниқса, бу нарса мақом шўъбаларининг тароналарида яқъол кўринади. Уларда тоналликкина эмас, балки лад тузилмаси ҳам ўзлари мансуб бўлган асосий мақом йўлига нисбатан ўзгариб туради.

Шашмақомга: Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомлари киради. Олти мақомнинг ҳар бири жуда катта ҳажмдаги туркумли асарлар бўлиб, уларнинг ҳар бири таркибида тахминан 20 тадан 44 тагача катта ва кичик мақом йўллари бор. Лекин, мақомларнинг халқ орасида машҳур бўлган чолғу, ашула ва сурнай йўллари билан қўшиб ҳисоблагандা, улар жуда катта сонни ташкил этади. Ҳозирда нашр этилган китобларда мақомларнинг чолғу ва ашула қисмлари 208 дан 250 тагача боради.

Шашмақом халқ ижодиёти билан доим муносабатда бўлганлиги ва у асосда узлуксиз бойиб, ривожлана борганлиги мусиқанинг тарихий манбаларида ҳам ўз аксини топган. Сарой мусиқачи-бастакорлари оддий халқ орасидан етишиб чиққан моҳир санъаткорлар бўлган. Масалан, ерлик мусиқа назариячиси Дарвиш Али Чангий халқ орасидан етишиб чиққан талантли мусиқачилардан бири бўлган. Унинг мусиқа рисоласига ёзилган сўз бошида, Дарвиш Али ёшлигидан мусиқага иштиёқи баланд бўлгани ва чанг чалишни юксак маҳорат билан эгаллаганидан кейин саройга таклиф этилгани ҳақида гап боради. Ҳатто сарой мусиқачилари раҳбарлари даражасига кўтарилган Дарвиш Али каби бундай мусиқачи-бастакорлар номи тарихда кўплаб учрайди. Бундай санъаткорлар, шубҳасиз, халқ мусиқа бойликларини сарой муҳитига узлуксиз олиб киргандар. Лекин ўз наебатида у срда ижро этилган мусиқа асарлари ҳам сарой доирасида чегараланиб қолмаган.

Касбий мусиқа халқ мусиқа материаллари билангина бойиб боради. Бундан ташқари, мақомларга айтиладиган шеърлар классик шоирларнинг ғазалларидан иборат эканлиги ҳам уларни маълум доирада қола олмаслигига сабаб бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, мақомларга баъзан диний мазмундаги шеърлар ҳам тушириб ижро этила берган. Лекин мақомлар ўзининг асо-

сий лирик хусусиятини бу билан йўқотмайди. Мақом куй ва ашула йўлларида ўзбек-тожик халқ мусиқасига хос оҳанг, лад тузилмалари, куй қурилмаси, ритмик асоси (усуллари) мужассамланган. Мусиқа чолғуларидаги мақом бошланадиган ҳар бир парда ҳам унинг ҳарактерини белгилайдиган омиллардандир.

Машҳур Хоразм мусиқачиси Мұхаммад Юсуф Девонзода – Ҳарратов ва Бекжон Раҳмон ўғли “Хоразм мусиқий тарихчаси” китобида мақомлар ҳақида мулоҳаза юритганларида бу тўғрида ҳам гапирганлар. Мақомлардаги лад асосига оид кўпгина фикрларни профессор В. М. Беляев асарларида ҳам учратиш мумкин. “Ўзбек халқ музикаси”нинг V томи (Бухоро мақомлари) ва VI томи (Хоразм мақомлари)га таниқли мусиқашунослар И. Акбаров ва Ю. Кон ёзган сўзбошида ҳам мақомлар ҳақида мулоҳазалар айтилган.

Мақомларнинг ижро этилишида мусиқа чолғуларидан танбур ва дойра етакчи созлардан ҳисобланган. Профессор Фитратнинг айтишича, мақомлар ижросида: иккита танбур, битта дутор, битта қўбуз ёки сато, битта дойра ва иккита-учта ҳамнафаслик ҳофизлар жўр бўлади. Танбур уч торли (сетор) ва тўрт торли (чортор) бўлган. Уч торли танбур айниқса Хоразмда кенг қўлланилган. Ўн икки мақомнинг ижро этилишида XV асрдагача уд қандай ўрин тутган бўлса, Шашмақомда ҳам танбур шундай аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли Шашмақомдаги кўпгина масалалар, шу жумладан, лад масаласи ҳам танбурга боғлаб тушунириларди\*.

Танбур манбаларда берилишича, юонча икки сўздан иборат бўлиб, танюрак, дил: бур - тирновчи, қитиқловчи яъни дилни қитиқловчи маъносидадир.


Мусиқачилар кўпинча мақомлар ижроси учун тўрт торли танбурдан фойдаланиб келганлар. Танбурнинг тўрт торини биринчи, иккинчи ва тўртинчиси бир хил, учинчиси эса ўрнига қараб, турлича созланади. Одатда унинг фақатгина биринчи тори нохунак билан чеरтиб чалиниб, қолганлари эса куйларни ижро этиш вақтида садо бериб туради. Мусиқа назариясида бир қанча баландликдаги товушлар биримасининг куй ижроси пайтида ўзгармай, такрор садо бериб туришидаги маъно (“бурдонное звучание”) танбурнинг торлари садосига ҳам тааллуқлидир.

Танбурнинг пардалари оралиғи диатоник товушқаторга мос келади. Лекин ундан чиқариб олинадиган товушқаторнинг диатоник тизими чегарасидан чиқиб кетадиган баъзи пайтлари парданинг суриш ёки созанданинг куй ижроси пайтида пардаларни қаттиқроқ ёки секинроқ босиши йўли билан ҳосил қилинади.

Танбурнинг пардаларидаги баланд-пастлик даражасини тахминан шундай кўрсатиш мумкин\*\*.

\* Ҳозирги замон халқ чолғу оркестрида мусиқи чолгулари, шу жумладан, тағибур ҳам темперация қилингани хроматик гаммага асосланган. Биз ўзбек-тожик халқларида ўтмишда ишлатилиб келинган тағибур говуш тизими ҳақида мулоҳаза юритамиз.

\*\* Бундай тажрибани Илес Акбаров ўзининг “Мусиқа саводи” (Тошкент, 1958 й.) китобида дутор мисолида кўрсатган.



Шашмақомда танбур турлича – Бузрук, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомлари – да квартага, Рост мақомида квintага, Наво мақомида эса бутун парда (кatta секунда)га созланади. Юқорида айтилған мақомларга мос келадиган товушқаторлар қыйидагичадир\*.

#### Мақоми Бузрук ва Дугоҳ

#### Мақоми Рост

#### Мақоми Наво

#### Мақоми Сегоҳ

#### Мақоми Ироқ

Шуни айтиш керакки, нота китобларидаги Шашмақом ёзувининг “мақом” түшүнчаси ва унинг лад қурилмаси нүктай назардан қараганда жуда катта чалкашликлар мавжуд эканлиги яққол күзга ташланади.

Масалан, танбурнинг Наво мақомига созланишида



(скрипка калитига күчирдик) күйнинг бошланиш парда (тоника)си фа нотасы бўлиб, баъзи нота ёзувларида келтирилган лад қиёфаси унга тўғри келмайди, балки унинг товушқатори қыйидагича бўлиши лозим:

\* Бу ўринда мақомларнинг чолғу йўллари ва сарахборларида товушқаторлар барқарор бўлиб, бошқа шўйба ва тароналарда ўзгариши мумкин.

Бундай ҳолни ҳар бир созанда ижро этиш пайтида сезади. Шунинг каби чалкашликлар мақомлар ва уларнинг шўъбаларида кўп учрайди. Шашмақомнинг юзага келишида муайян мақом йўлларида бошқача лад асосига эга бўлган мақом, шўъбалар ҳам киритилганилиги туфайли улар Шашмақом таркибида ҳам ўзининг лад асосини сақлаб қола берган. Шашмақомнинг лад қиёфасини аниқлашда чалкашликлар түғдирган сабаблардан бири ҳам шудир. Шунинг учун ҳам Ўн икки мақом ва Шашмақом лад тузилишини таққослаб кўришда баъзи қийинчиликлар бўлиши табиийдир. Чунки ҳозирги замон нота тизимида мақом куйлари ёзib олинганида, улар мос келадиган лад ва тоналлик соғ лад тизимида келтирилади ва бу тизимда куйлардаги бошқа майдага унсурларни ёзib олиш имконияти йўқ.

Ўн икки мақом лад тузилиши соғ бўлмаса-да, диатоник товушқатор тизимида мос келиши Ўн икки мақом билан Шашмақом лад асосларини таққослаб кўришда ва уларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятта эга.

Шундай экан, Ўн икки мақом тизимидаги куй ва ашула йўлларининг тоналлиги ҳамда уларнинг куй унсурларидаги ўхшашлик ёки умумийликни ҳисобга олингани ҳолда, Ўн икки мақом Шашмақом шаклига солинган, деган хulosага келинди. Бунга Ушшоқ, Рост ва Буслик мақомларининг юқорида келтирилган доирадаги товушқаторлари ва интерваллари таркибида бўлган яқинлик далил бўла олади. Уларнинг товушқаторларини ҳозирги замон диатоник ладига мослаштириш жуда осондир.

Демак, Ушшоқ билан Рост ва Буслик мақомлари лад уюшмаларининг яқинлиги, Шашмақомда уларни бир мақом асосига бирлаштиришга имкон берган ва Ушшоқ – Рост мақомининг шўъбалари сифатида киритилган\*.

Шашмақом лад асоси ҳақида фикр юритилар экан, унинг таркибидаги куй ва ашулашар яна бошқа бир қонуниятта асосланганлигини аниқлаш мумкин<sup>(1)</sup>. Ҳар бир мақомни ташкил этган товушқаторларда таянч товуш (парда)лари мавжуд. Куй юқорига томон ҳаракат қилиб борганида таянч нуқталар (товушлар) алоҳида сезилиб туради (бу ерда намудлардаги тоналликнинг ўзгариши ҳам ҳисобга олинди).

Бу таянчлар мақомларининг қўйидаги пардаларига тўғри келади:

\* Буслик мақоми (ёки лади)нинг Шашмақомдаги ўрни маълум эмас.

Бу таянч поғоналар ҳамма мақомларда куйнинг айрим жумлалари ҳаркети жараснидагина эмас, балки куй ёки ашулани ташкил этган қисмларнинг биридан иккинчисига ўтишда ҳам кучли из қолдирган.

Шашмақомга кирган мақом йўллари, танбурнинг парда тузилишига мослаштириб олинган экан, ундан ҳосил қилинадиган товуш ва интерваллар таркибида Ўн икки мақомда учрайдиган баъзи ҳолатлар сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам, айниқса, Наво ва Сегоҳ мақомларининг айрим шўъбаларини фортепъяномда ёки аслича танбур ва ҳофизлар ижросида тинглаб кўрилса, баъзи поғоналар орасида кичик тафовут борлигини сезиш мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ва Тожикистон композиторлари ҳатто шу мақомлар асосида ҳам ажойиб (темперация этилган товушқаторларга мослаб) мусиқа асарлари яратганлар.

Баъзи мусиқа олимларимиз мақомларнинг лад-тovушқаторлари маълум бўлганидан кейин унинг бошланадиган парда (тоника)сининг аҳамияти йўқ, деб қарайдилар. Бу, бизнингча тўғри бўлмаса керак. Мақомлар ва уларнинг шўъбалари ижро этилишида гарчи ҳофизларнинг овоз диапазонига мослаштириб баланд ёки паст пардадан айта бериш мумкин бўлса-да, нотага ёзиб олишда мақомларнинг тузилиш принциплари албатта ҳисобга олиниши ҳамда мақомот тизимининг яхлит тузилиши аслича сақланиши лозим.

Ҳатто, ўрта аср Шарқ олимларининг мусиқа рисолаларида Ўн икки мақом лад товушқаторлари ва уларга мос келадиган куй ва ашула йўллари ҳосил қилинадиган уд торларидаги пардалари махсус кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, мақом йўллари бошланадиган парда (тоника)га алоҳида аҳамият берилган. Ўтмишда ҳам табиийки, ашулачи мақом йўлларини овоз имкониятларига қараб транспозиция қилиб ижро эта берган. Ласин мусиқа назариясида уларнинг пардалари аслида қандай бўлса, шундай берилган эди.

“Хоразм мусиқий тарихчаси” китобида ҳам муаллифлар мақомларнинг бошланиш пардасига алоҳида аҳамият билан қараб, унинг танбур пардаларидаги ўрнини кўрсатиб берганлар.

Шунга мувофиқ юқорида келтирилган танбурнинг пардаларида:

Мақом Рост учинчи пардадан бошланаб шу пардада тамом бўлиши керак. Бу парда тахминан кичик (малая) октавадаги *Ло* нотасига тўғри келади.

Мақоми Наво – олтинчи парда (фа)дан,

Мақоми Сегоҳ – тўртинчи парда (ре)дан,

Мақоми Дугоҳ – саккизинчи парда (ля)дан,

Мақоми Бузрук – тўртинчи парда (ре)\* дан,

Мақоми Ироқ эса, танбурнинг биринчи пардаси катта (большая) октава дан бошланиб, шу пардага туширилиб тамомланади<sup>(2)</sup>.

\* Булар кичик (малая) октавага кирадиган ноталардир.

Мазкур рисола муаллифларининг мақомлар бошланадиган парда (тоника)сига бунчалик аҳамият берганлиги тасодифий ҳол эмас эди, албатта. Мақома, юқорида айтилганидек, маълум ладга мос келадиган кўй ва ашула-лар йигиндиси, деган маънени англатибни қолмай, улар бошланадиган пардаларни ҳам ифодалайди. Шу икки жиҳат мақомлар тизимини тушунти-ришда ҳисобга олиниши лозим.

Шашмақомнинг ёзib олиниб, нашр этилган нота китобларида эса бу нар-сага баъзан эътибор берилмаган\*. Натижада бир хил лад товушқаторларига мос келиши лозим бўлган мақом шўъбаларининг калитлари олдида-ги алтерация белгилари турлича кўрсатилган. Бу эса мақом шўъбалари-нинг лад асосини белгилаша қўпгина қийинччиликларга олиб келади. Маса-лан. До пардасидан бошланадиган Рост мақомини олиб қарайлик. Унинг чолғу йўлларида калит олдида ҳеч қандай алтерация белгилари учрамай-ди. Кўй давомида ёрдамчи белги (диез, bemol)лар учрасада, улар бошла-надиган парда ва лад асоси ўзгармайди. Унинг Сарахбор шўъбасида ҳам деярли шундай.

Ростнинг Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Наврӯзи Сабо, Савти Ушшоқ, Савти Калон шўъбаларида куйнинг бошланадиган пардаси аслича До нота-си қилиб олинмагани учун калит олдига алтерация белгилари (бемоль ёки диез) қўйишга тўғри келган. Бундай ўзгаришларга ижро чонандалар то-монидан йўл қўйилган, албатта. Улар ўз овозлари имкониятига ва диапазо-нига қараб, мақом йўлларини турли пардаларда ижро этганлар. Мақомнинг чолғу йўлларида бундай ўзгаришлар бўлмаганига сабаб ҳам мусиқа чолғу-ларида ҳофиздаги каби товуш диапазони чегараланмаганлигидир, яъни чол-ғуларда овозни етмаслиги ёки кўй диапазони пастлик қилиб қолиши ҳолла-ри учрамайди.

Кўп ҳофизлар мақомларни бутун ҳолда эмас, балки уларнинг маълум шўъбаларинингина, маълум йўлларинингина билганлар ва улар учун тоника-нинг аҳамияти унчалик бўлмаган. Бундай ҳофизлар шунинг учун Бухоро ва Самарқандда “Насрчи” ёки “Савтхон” номлари билан машҳур бўлганлар. Уларнинг репертуарида Насрлар (тароналари билан) ёки Савт ва Мўғулча йўллари асосий ўрин тутар эди.

Шашмақомни бутун ҳолда катта ҳажмдаги туркум асар деб қарап экан-миз, биз учун ҳар бир мақомнинг ва шўъбаларнинг бошланиш пардаси ёки лад товушқатори масаласи тарихий ва амалий аҳамиятга эга бўлмоғи керак. Шу билан бирга, мақомлар тизимини нотага олиб нашр этишда уларнинг том маъноси билан яхлит ҳолда сақланишига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Бу нуқтаи назардан ўзбек ва тожик халқлари мусиқашунослик фани-нинг энг яқин вазифаларидан бири – мақомлар ва уларнинг шўъбалари лад асосини чуқурроқ ўрганиб, унинг тарихий шаклланиши ва тараққиёти жа-раёнини ҳар томонлама очиб беришдан иборат бўлмоғи лозим.

\* В. А. Успенский, Ю. Ражабий, М. Юсупов ва Б. Файзуллаев, Ш. Соҳибов, Ф. Шахобовлар ёзib олган тўртала мақом вариантлари нашри кўзда тутилади.

Шашмақомнинг тузилиши турлича изоҳланиб келинган. Мутахассислар мақомларни билувчи баъзи устозлар фикрига асосланиб, уларнинг ҳар бири уч қисмдан иборат эканини қайд этгандар.

Мақомларнинг чолғу (инструментал) қисми – Мушкилот номи билан аталади.

Мақомларнинг ашула (вокал) қисми – Наср номи билан аталади.

Мақомларнинг Уфар қисми – рақс билан боғлиқ бўлиб, якка ашулачи ёки бир неча ашулачилар ижро этади.

Лекин бу ибораларнинг ишлатилишида баъзи ноаниқликлар, мантиқий боғланмайдиган жихатлар мавжуд.

“Мушкилот” сўзи “қийинчиликлар, қийин ижодлар, қийин йўллар” маъносида келади. Бу ерда мантиқий жиҳатдан куй йўлидаги қийин айланма ҳаракатлар ҳамда уларнинг ижро этишдаги мураккаб ҳолатлар ҳисобга олинган бўлса керак. Лекин чолғу мусиқани ифодалашда “мушкилот” ибораси мазмуннинг ифодаси сифатида талабга ҳар томонлама жавоб берга олмайди.

Мақомлар ашула бўлимининг “Наср” деб аталиши ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас. Чунки мақомларда бу ибора билан боғлиқ бўлган махсус “Наср” шўйбалари мавжуд бўлиб, уни умуман ашула бўлимлар ифодаси учун татбиқ этиш ҳақиқатга тўғри келмайди\*. Бу фикрлар ўтмиш мусиқа рисолалирида ҳам ўз аксини топмаган.

Хоразмда эса мақомларнинг қисмлари бошқача номлар билан аталган, – яъни биринчи (чолғу) қисми – Мансур, иккинчи (ашула) қисми – Манзум номи билан машҳур бўлган.

Мансур (“Мансур” сўзи арабчада икки хил ёзилади. Бу ерда келган “мансур” арабча “Со” билан ёзилиб, унинг “Сод” билан ёзиладиган шаклидаги маъносидан фарқ қилади) – мақомлар чолғу қисмининг ифодаси бўлиб, прозаик, сочма маъноларини беради. Лекин бу иборанинг ҳам луғавий маъноси ўзининг асл моҳиятига боғланмайди.

Манзум – назм (шеър) билан ёзилган ёки унга боғлиқ бўлган мусиқа асари – мақомларнинг ашула бўлимини нисбатан ифодалай олади.

Бу ибораларнинг этимологияси мусиқа фани нуқтаи назаридан дурустроқ ўрганилмаган. Мақом устозлари эса уларнинг мусиқа истилоҳидаги маъносини унутиб юборгандар ва Мушкилот – мақомларнинг чолғу йўллари, Насрлар – ашула йўллари, – деб санай берадилар.

Уфарлар масаласига келсак, уларни ҳам мақомларнинг махсус қисми қилиб ажратилидики, бу тўғри эмас, албаттa. Чунки Уфарлар асосан Талқин, Наср, Савт, Мўғулча каби шўйбаларнинг Уфар дойра усулига туширилган вариантидир. Шу мулоҳазаларга суюниб биз мақомларни икки бўлимига ажратиб: 1. Мақомларнинг чолғу бўлими, 2. Мақомларнинг ашула (вокал) бўлими сифатида қараб чиқамиз.

Биринчи бўлим турли ҳажмдаги кўпгина чолғу йўлларини ўз ичига олади.

\* Шу асарнинг ашула бўлимидаги “Наср” шўйбалари қисмига қаранг.



Мүшкялот — чолғу бўлими  
Инструментальный раздел

1966

ТАСНИФИ РОСТ


1966

F

Мақомларнинг ашула бўлимида мустақил ва бир неча шохобчалари шўъбалар ва Уфарлар учрайди. Уларнинг ашула бўлими бу ерда шўъбаларнинг тузилиш характеристига қараб икки қисмга ажратилиб, шарҳ этилади:

- Ашула бўлимларининг биринчи гурӯҳ шўъбалари қисми.
- Ашула бўлимларининг иккинчи гурӯҳ шўъбалари қисми.

Мақомларнинг чолғу, ашула йўллари ва шўъбалари жадвали алоҳида берилди.



## I. БУЗРУК МАҚОМИ

### Мушкилот бўлими

### Наср бўлими

#### Биринчи гурӯҳ шӯбҳалари

#### Иккинч гурӯҳ тўъబалари

Таснифи Бузрук

Сарахбори Бузрук

Мўғултани Бузрук

Савти Сарвипоз

Ироқи Бухоро

Таржеки Бузрук

I-VI тароналари

Талқинчаси

Талқинчаси

Талқинчаси

Гардуни Бузрук

Талқини Уззол

Қашқарчаси

Қашқарчаси

Чанандози

Мухаммаси Бузрук

Таронаси

Соқийномаси

Соқийномаси

Соқийномаси

Мухаммаси Насруллои

Насруллои

Уфари

Уфари

Уфари

Сақили Ислимхон

I-III тароналари

Рок

Сақили Султонхон

Насри Уззол

Талқинчаси

Уфари Уззол

Қашқарчаси

Соқийномаси

Уфари





#### 4. ДУГОХ МАҚОМИ



## 5. СЕГОХ МАКОМИ

### Мушкылот бўлими

Таснифи Сегоҳ

Таржеи Сегоҳ

Ҳафифи Сегоҳ

Гардуни Сегоҳ

Мухаммаси Сегоҳ

Мухаммаси Ажам

Мухаммаси Мирзахаким

Сақилии Бастанигор

### Биринчи гурӯҳ шўйбалари

Сарҳбори Сегоҳ

I-VI тароналари

Талқини Сегоҳ

Таронаси

Насри Сегоҳ

Таронаси

Наврӯзи Хоро

I-III тароналари

### Наср бўлими

#### Иккинчи гурӯҳ шўйбалари

Мўгулчай Сегоҳ

Талқирчаси

Ним Чўлоний

Қашқарчаси

Соғйономаси


Уфари

Наврӯзи Ажам

Таронаси

Уфари Сегоҳ

## 6. ИРОҚ МАКОМИ



## ШАШМАҚОМНИНГ ЧОЛҒУ БҮЛИМИ

Мақомлар тұла ва яхлит ижро этиладиган бўлса, дастлаб уларнинг чолғу йўллари бирин-кетин ижро этилиб, сўнгра ашула бўлими шўъбаларига ўтилади. Юқорида келтирилган жадваллардан маълумки, мақомларнинг чолғу бўлимида бир хил ном билан аталувчи куй йўллари – Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақиллардан ташқари, ҳар бир мақомнинг ўзига мансуб бўлган қисмлари ҳам учрайди.

Чолғу бўлимларидаги куй йўлларининг ҳар бирни мустақил чолғу қисмлар ҳисобланади ва ўзлари мансуб бўлган мақомлар номи билан қўшиб айтилади. Масалан, Таснифи Бузрук, Таржси Бузрук, Сақили Наво, Самойи Дугоҳ, Мухаммаси Ироқ, Гардуни Сегоҳ ва ҳоказо. Шашмақомнинг бу чолғу йўллари куй тузилиши жиҳатидан жуда мураккаб ва пухта яратилганлиги билан ажralиб туради. Ҳар бир мақомнинг куй ва ашула йўллари фақатгина ўша мақомлар лад асоси, бадий эстетик таъсири биланғина чекланмайди, балки турли қисмларда улар ўз хусусияти билан ўзгариб бойиб боради.

Мақомлардаги асосий куй мавзуи кўпинча ритмик ва мелодик вариациялар воситаси билан турли шаклларга туширилади. (Чолғу йўлларда куй мавзуи ўзгарувчандир). Уларга янги-янги мсолидик тузилмалар киритиш билан куй йўли такомиллаштирилади, уларнинг таъсир кучи ортиб боради. Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақил йўллари бирин-кетин ижро этилар экан, улардаги лад асоси ва куй мавзунинг яқин бўлгани, куй жумлаларининг ранг-баранг, оҳангдорлиги ва ёқимлилиги ҳамда дойра усулларининг турли-туманилиги билан бутуплай сезилмай қолади; бунда ижодкор бастакорларнинг жуда ҳам усталик билан яратган мақом йўлларининг оригиналлиги яқюн кўзга ташланади.

Ҳар бир мақомдаги чолғу йўллари кишида хушчақчақлик, ғамгинлик ёки жасоратбахш кайфиятлар қўзғатса олади. Ўн икки мақом ҳақида мусиқа рисолаларида айтилган фикрлар Шашмақом йўлларига ҳам мос келади. Шашмақом – Ўн икки мақом тизимида шўъбалар бирикмаси экан, олти мақом йўлларининг руҳий таъсир кучи турли-туман бўлиши табиийдир. Чунки ҳар бир мақомда куй мавзуи, лад қиёфаси, дойра усули турлича бўлган куй ва ашулалар мужассамланган. Масалан, Ўн икки мақомдаги Ушшоқ мақоми Шашмақомдаги Рост мақомининг шўъбаси сифатида фойдаланилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Ушшоқ – шижоатбахш, Рост эса ёқимли ва хушчақчақ кайфият бахш этувчи мақомлардир. Шундай экан, икки хил кайфият бахш этувчи мақомлар Шашмақомнинг таркиб топишида кўплаб учраганки, буни Ўн икки мақом тизими билан таққослаб кўрилса ҳам маълум бўлади. Мақомларнинг бадий-эстетик томонларини ўрганиш ҳам маҳсус мавзу бўлиб, чуқур илмий текширишларни талаб этади.

\*\*\*

Юқорида айтиб ўтилган мақомларда бир хил исм билан аталган куй йўлларининг лад асоси ва куй мавзулари бошқа-бошқа бўлса-да, дойра

усули бир ҳил бўлиши билан тавсифланади. Демак, уларнинг Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас каби номлар билан аталишига сабаб, дастлаб улардаги бўлган усул бирлигидир. Шашмақом чолғу йўлларининг ҳаммаси учун яна бир хос нарса шуки, улар асосан “хона” ва “бозгўй” деб аталган куй бўлакларидан тузилган. Улар бир ёки бир неча куй жумласидан ташкил топиши мумкин.

Хона – уй, хона маъносида, яъни “куйни ташкил этган товушлар ва унинг бошқа унсурлари жойлаштирилган хона” маъносини билдиради.

Шашмақомнинг чолғу йўлларида хона куйларнинг ўзгарувчан бўлаги бўлиб, унинг жумлалари воситаси билан куй ўз ҳаракати доирасида юкорига, авжга томон ривожлана боради ва аста-секин ўзининг бошланғич нуқтасига қайтади ҳамда куйнинг мазмунини бойитишда ва тугал фикр ифода этишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бу ўринда шеъриятдаги “байт” сўзини ҳам эслатиб ўтишга тўғри кела-ди. Фазал шаклида икки мисра шеър бир байт деб саналади. “Байтуш-шеър” дейилганда эса “шеърнинг “уйи, хонаси”, яънинг унинг туширилган шакли тушунилади. Форсча хона эса арабча” “байт”нинг эквиваленти бўлиб, куй бўлакларини ифодалайди.

Хона ибораси ўтмишда умуман куй ва ашула бўлакларини ифодаловчи мусика ибораси сифатида қўлланилар эди. Чунки ўзбек-тоzik халқларининг бизгача етиб келган ашула йўлларида ҳам “хона” ва “бозгўй”лардан тузилган ашула йўлларининг юзлаб намуналари учрайди. Шундай қилиб, хона-лар умуман куйлар ва ашууларнинг қисмлари, деб қаралиши мумкин. Юқорида рисолалар асосида мусиқа асарларининг шакли ҳақида гапирилганда сар-хона (бош, асосий хона), миёнхона (ўрта хона) ва бозгўй иборалари учра-тилган эди. Бу иборалар куй ва ашууларни ташкил этган бўлаклари – хона ва бозгўйнинг ўзи экани шубҳасизdir. Ҳозирги кунда ҳам мақомчи устоз-лар сарҳат, миёнхат (бош жумла, ўрта жумла) каби ибораларни мусиқа истилоҳида қўллайдилар.

Шашмақомнинг Дугоҳ мақомида эса “Муҳаммаси чор Сархона” (тўрт сархонали муҳаммас)да бундай ном бизгача сақланиб келган. Демак, бу ибо-ралар, бизнинг кунгача мусиқа истилоҳида сақланиб келди ва турли шакл-лар ва маъноларда ҳозирда ҳам ишлатилади.

Бозгўй (куйнинг қайтарма бўлаги) эса, куйнинг такрорланадиган қисми (рефрен) бўлиб, хонанинг ҳар бир айланишидан сўнг қайтарилади. Кўпин-ча, куйда қанча хона бўлса, шунча бозгўй бўлади. Баъзан бозгўйлар ҳар бир хонадан кейингина эмас, балки уларнинг бир нечасидан сўнг ёки би-ринчи хонадан олдин ҳам келиши мумкин (масалан, Таснифи Наво, Таснифи Дугоҳ ва бошқалар). Бу ҳақда ўз ўрнида айтиб ўтамиш. Шундай қилиб, хона ва бозгўйлар маком чолғу йўлларини ташкил этадиган куй бўлаклари-дир. Масалан, маъхур куй йўлларидан Таснифи Дугоҳни олайлик. Таснифи Дугоҳ бозгўйдан бошланади ва буни созандалар турлича ижро этиб келган-лар. Қуйида унинг варианtlаридан бирининг маълум қисмини келтирамиз (кейинги саҳифага қаранг).

Мақомларнинг чолғу йўлларини ташкил этган хона ва бозгўйлар куй харакатида ва уларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Куй хоналар воситаси билан такомиллашади ва мазмунан бойийди. Бозгўйлар эса, шеъриятдаги аруз шаклларида учрайдиган тақрорий мисралар – тажрибандлар каби мусикий фикрни якунлаб, умумлаштириб беради. Мақомларнинг чолғу йўлларини тинглар эканмиз, кўпинча уларнинг хоналари ижро этилгандан сўнг нимадир стишмаётгандек, мелодик эпизод тугалланмай қолгандек туюлади. Бозгўй бу ерда куйнинг асосий ўзгармайдиган қисми бўлса-да, хонани тўлдирувчи, уни тугалловчи функцияни бажаради. Чолғу куйларда шундай хона ва бозгўйларни ўз функцияси нуқтаи назаридан ажратиб олиш қийин эмас.

The musical score consists of five staves of music in common time (indicated by '4/4') and G major (indicated by a 'G' with a sharp sign). The first staff is labeled 'Болгуй' (Bolguy) above the staff. The second staff is labeled 'I хона' (I xona) above the staff. The third staff is labeled 'Бозгуй' (Bozguy) above the staff. The fourth staff is labeled 'II хона' (II xona) above the staff. The fifth staff is labeled 'III хона' (III xona) above the staff. The music features various rhythmic patterns, including eighth and sixteenth notes, and rests. The vocal parts are separated by vertical bar lines, and the music concludes with a final cadence on the fifth staff.

Хона ва бозгўйлар мақомларнинг чолғу йўлларида бир нечадан бўлиши мумкин. Масалан, Наво мақомининг чолғу бўлимидаги Мұхаммаси Ҳусайн уч хона ва уч бозгўйдан иборат бўлгани ҳолда Таснифи Наво ўн етти хона ва уч бозгўйдан иборат.

Мақомларнинг чолғу бўлимидаги куй йўлларининг дойра усуллари ҳам турли-туман ва жуда мураккабдир. Чолғу бўлимидаги куй йўллари кўпинча шу дойра усуллари номи билан ҳам аталади. Масалан, Гардун, Мухаммас, Сақил, Самоийлар шулар жумласидандир. Мусиқачи бастакорлар ўтмишда дойра усулларини ифодалашда маълум қоидага асосланган ритмлар услубини ихтиро этганлар.

X-XVII аср мусиқа рисолаларида шу қоидага асосланган дойра усулларининг намуналари кўплаб келтирилади. Бунда, асосан, узун ва қисқа бўғинларнинг ифодаси бўлган ундош ҳарфлардан бўғинлар тузилиб, бўғинлар бирикмаси эса шеър ўлчовлари ва дойра усулларининг рукнларини ташкил этади\*.

Дойра усулларида ишлатиладиган бу рукнлар аруздаги вазнларни ҳам ифодалай олган. Ўтмишда созанда ва хонандалар аruz қоидасини билмагани ҳолда “тан-тана-тананан” каби ритм туроқлари воситаси билан ашула йўлларига мос келадиган шеърларни ҳам танлаб олганлар.

Бу сўзлар ҳеч қандай маънога эга бўлмай, икки ундош ҳарф “Т” ва “Н” бирикмасидан тузилади. Масалан, тан-тана-тананан-танананан\*\*.

Бу ритм унсурларини нота тизимида тахминан қўйидагича ифодалаш мумкин:



Тан та - на та - на - на - на та - на - на - на - на

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, сўнгги даврларда мусиқачилар бу усул қисмларини бошқача ҳарф ва сўзлар билан ҳам ифодалаб келганлар. Масалан, так-така-тум, така-така-тум ёки бак-бак-бум, бака-бум ва ҳоказо (Хоразм мусиқий тарихчасида, “тақ-така-гуп” шаклида келтирилган). Лекин улар қандай шаклда олинмасин, дойра усулларидаги узун-қисқа зарбларни ифодалайди. Шундай қилиб, бу сўз ёки белги бирикмалари воситаси билан ўтмишда дойра усуллари ёзма ва оғзаки тарзда тушунтириларди.

Маълумки, мақом йўлларининг энг зарур унсурларидан бири дойра усулларидир. Дойра усуллари мақом, куй ва ашула йўлларини характерли томонларини очиб беришда ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Мақомларнинг таркибида бўлган анчагина куй ва ашулалар вариация йўли билан ишланган. Бунда эса дойра усуллари мухим роль ўйнайди.

\* Шеър вазнлари ифодаси бўлган ритм ўлчовлари ҳақида “Шашмақомнинг ашула бўлими”га қаранг.

\*\* Араб алифбосида қисқа упиллар сатрларда ёзилмайди, балки сўзни ташкил этган ҳарфлар устига ёки остига қўйилган фатҳа (қисқа “а”), касра (қисқа “и”) ва замма (қисқа “у”) белгилари билан ифодаланили.

Масалан, маълум мақом таркибида отдош шўъба (жумладан, Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Уфари Ушшоқ каби)лар доира усулининг турлича бўлиши билан бир-биридан фарқланади. Шашмақом таркибидаги қисмларни тушуниш учун уларнинг мураккаб дойра усулларини ажратиш, шу усул жўрлигига эшига олиш лозим. Оддий халқ қуйларида усул билан куйни бир-таглика тинглаш мақомдаги каби мураккаб эмас.

Мақомлар ашула бўлимида эса, дойра усулидан ташқари шеър ўлчовлари ҳам мақом қисмларининг характеристини белгилаб берувчи омиллардандир. Чунки олти мақомнинг бир хил ном билан аталувчи шўъба ёки қисмларида дойра усули ва шеър ўлчовлари ўхшашдир.

Қўлёзма манбаларида келтирилган дойра усуллари намуналари орасида (Гардун, Мухаммас, Сақил, Уфар, Талқин каби) Шашмақом куй ва ашула йўллари учун ҳам асос қилиб олинган ритм ўлчовларини учратиш мумкин. Масалан, уларда келтирилган Уфар усулини шундай тасаввур этиш мумкин:



Тан - та - на - на

Бу усул мақомларда ва ўзбек-тожик халқ куй ва ашула йўлларида кўплаб учрайди.

Куйга жўр бўладиган дойра усули дастлаб куй йўлининг характеристи, унинг ҳаракат доираси, ритмик-интонацион ҳусусиятларига боғлиқ ҳолда юзага келган бўлса-да, кейинчалик усуллар куйнинг ҳолатига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Куй турли усулларга туширилганда жуда катта ўзгаришларга учрайди. Шашмақом шаклланиши ва унинг тараққиёти жараённида бундай дойра усулларининг роли жуда катта бўлган эди. Шу усуллар воситаси билан Шашмақом йўллари учун айниқса ҳарактерли бўлган ритмик ва мелодик вариациялар ишланиб, мақомлар такомиллашиб борди, амал нақш ва пешравларнинг хилма-хил турлари пайдо бўлди.

Бундай дойра усулларининг номи сақланиб қолган бўлса-да, кейинги даврларда улар куйнинг ҳарактерига боғлиқ ҳолда жуда катта ўзгаришларга учраганини алоҳида айтиб ўтмоқ лозим. (Шунинг учун ҳам биз қуида Шашмақомнинг нота қитобларида келтирилган усулларигагина суюниб, изоҳ бериб борамиз).

Усуллар мақомларнинг тузилиш ҳарактерини белгиловчи омилларидандир. Уларни ажратса олиш мақомлар қиёфасини тўғри тушунишга имкон беради. Ўтмишда машҳур бўлган Сақил, Ҳафиғ, Рамал, Ҳазаж, Ду-яқ, Уфар, Фохтий, Турк, Мухаммас, Авсат, Чорзарб, Зарбул-Футҳ, Дурафшон, Самоий, Чанбар, Миатайн каби ритм ўлчов баҳрлари ва дойра-ногора усуллари бизнинг кунгача етиб келган. Бу усуллар мусиқа асарлари, ҳусусан мақом йўлларида учрайди. Улар қачон ва ким томонидан яратилганини бизга қоронгни. Уларни содда ёки мураккаблигига қараб, олдин-кейин яратилганини билib олиш мумкин. Манбаларда кўрсатилишича, даставвалти усул инсон наб-

зининг уришидан олинган. Томирни бармоқ билан ушлаб кўрилса, унинг гўё “тан-тан”га ўхшаш бир текис ураётгани билинади. Олимлар буни “Усали зарби қадам” (“Қадимий зарб усули”), деб атаганлар. Сўнгги даврларда, шу усул асосида мураккаброқ усуллар юзага келган. Зарби қадимнинг асли шакли бундай бўлган:



Унинг мураккаброқ шакиллари  $\frac{2}{4}, \frac{4}{4}, \frac{5}{4}, \frac{6}{4}, \frac{3}{4}, \frac{8}{4}, \frac{3}{4}, \frac{3}{8}, \frac{5}{4}, \frac{3}{4}, \frac{3}{4}, \frac{4}{4}$  каби тектитим ўлчовларида бўлган дейиш мумкин.

Манбаларда келтирилган усуллар, шубҳасиз, Шашмақомда ҳам ишлатилган. Лекин улар замон ўтиши билан жуда катта ўзгаришларга учраган. Шашмақом қиёфасига усул жиҳатидан назар ташланса, мақомларнинг туркумларини яратилишида уларнинг чолғу қисмлари ва шўйбаларида усуллар дастлаб содда бўлиб, кейин ижро этиладиган қисмларда секин-аста мураккаблаша боради.

Масалан, Тасниф, Таржеъларда усул анча содда бўлса, Муҳаммас ва Сақилларда жуда мураккаб, 16, 24 тектни ташкил этади (қуйироққа қаранг!) Сарахборларда эса усул мазкур “Зарби қадим”нинг ўзи  $\frac{2}{4}$  тектитим ўлчовида бўлса, Талқинларда –  $\frac{3}{4} \frac{3}{8}$ . Насрларда  $\frac{6}{4}$ , Уфарларда эса  $\frac{6}{8}$  ёки  $\frac{3}{4}$  тектитим ўлчовларида мураккаблаша боради. Бундан тароналар мустаснодир.

Шундай қилиб Шашмақомнинг тузилишида мусиқа маданиятининг соддаликдан мураккабликка томон тарихий тараққиёт йўли акс этирилган. Усулларгина эмас, куй йўллари ҳам мақом қисмларида мъълум қонуният асосида соддаликдан секин-аста мураккаблаша боради. Шунинг учун ҳам, Шашмақом халқ мусиқамизнинг класик намунаси бўлиб, ўзининг куй мавзуи жиҳатидан турли-туман, усулларнинг эса қарийб ҳаммасини ўзида музассамлаштирган.

Нота китобларининг ўзида ҳам дойра усуллари турлича берилган. В. А. Успенский ёки Юнус Ражабий вариантларида бир турли усул бўлса, Б. Файзуллаев, С. Соҳибов, Ф. Шаҳобов ёки М. Юсупов вариантларида дойра усуллари уларда анчагина фарқ этади. Шунинг учун ҳам қуйида келтирилган мисолларда биз мувофиқроқ вариантлардан фойдаландик.

Шашмақомнинг чолғу йўллари ҳар бир мақомда турлича сонни ташкил этиб, олтитадан ўнтагачадир. Мақомларда бир хил ном билан аталадиган чолғу қисмлари мавжуд. Бинобарин, ҳар бир мақомнинг бошқача номлана-диган йўллари ҳам бор. Дастлаб, ҳар бир мақомда мавжуд бўлган, бир хил

ном билан ифодаланувчи чолғу йўллари билан қисқача танишиб чиқамиз. Улар Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақил ва бошқа номлар билан аталадики, бу ҳақда юқорида ҳам эслатиб ўтилган эди.

Тасниф – арабча бўлиб, “яратилган асар”, куй демакдир. Бу ерда мақомларнинг чолғу бўлимидаги бош асар маъноси ҳам бор. Мақомларнинг чолғу бўлимлари Тасниф куй йўллари билан бошланади. Уларнинг таснифлари – Таснифи Бузрук, Таснифи Рост, Таснифи Наво, Таснифи Дугоҳ, Таснифи Сегоҳ ва Таснифи Ироқ номлари билан аталади. Таснифнинг тект-ритм ўлчови  $\frac{2}{4}$ , ўрнига қараб  $\frac{4}{4}$  бўлиб, улар мақомлардан куй ҳаракати жараёнида ўзгармайди. Таснифларнинг дойра усувлари, асосан, бир хил бўлса-да, баъзан куй характеристига қараб қисқароқ шаклда ҳам келиши мумкин.

Бузрук, Наво мақомларнинг Таснифларида дойра усули асосан  $\frac{4}{4}$  ёки  $\frac{2}{4}$  тектли бўлиб,nota ёзуvida шундай ифодаланади:



ёки усул варианtlари шаклида қўйидагичадир:



Тасниф Рост ва Таснифи Ироқда дойра усули икки тектга қисқарган бўлиб, бошланишдаги зарбда бак ўрнида бүм зарблари тушади.



Таснифи Дугоҳ ва Таснифи Сегоҳнинг дойра усувлари уч тектлидир.



Таснифлар мақомларнинг ҳар бирида мустақил мусиқа мавзуларига эга бўлиб, куй йўллари бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Уларнинг куй бўлаклари, хона ва бозгўйлари таркиби ҳам турличадир.

Таснифи Бузрук – 8 хона ва 8 бозгўйдан.

Таснифи Рост – 7 хона ва 8 бозгўйдан,

Таснифи Наво – 17 хона ва 3 бозгўйдан,

Таснифи Дугоҳ – 7 хона ва 8 бозгўйдан,

Таснифи Сегоҳ – 4 хона ва 4 бозгўйдан,

Таснифи Ироқ - 8хона ва 9 бозгўйдан иборат.

Умуман чолғу бўлимидағи куй йўлларини ташкил этган хоналар авжга томон ҳаракат этар экан, улар диапазон кенгайиши билан бирга мазмунан чуқурлашиб ва аниқлашиб боради. Масалан, Таснифи Ростнинг биринчи хонаси 16 тактдан иборат бўлгани ҳолда, еттинчи хона 94 тактни ташкил этади.

Мазмуннинг чуқурлашиб боришини тактлар ҳажми аниқлай олмайди, албатта. Лекин мақом чолғу йўлларининг маълум қисмлари шаклида хоналар ўз функцияси нуқтаи назаридан куйларга ҳеч қандай формал ҳарактердаги восита сифатида киритилмайди, балки ҳар бир хонанинг ўзига хос функцияси бўлади.

Чолғу йўлларидағи мақом хоналарининг кенгайиб боришида кўпинча пешрав деб аталган куй қисмлари катта муҳим ўрин тутади. Пешрав илгарига, яъни юқорига ҳаракат этувчи мотивлар ифодаси бўлиб, улар бир хонанинг куй ҳаракатида турли баландликларда бир неча бор тақрорланади ва бозгўйга келиб қўшилади. Улар ҳам куйнинг ривожланишида жуда катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, турли баландликларда тақрорланувчи мотивлар сифатида куй-оҳангларига бой ҳамда кучли эмоционал таъсир кучига эга. Пешравлар кишининг руҳига шижаот баҳш этади ва уни руҳий тушунликлардан ҳоли қилади, кишининг орзу-умидлари, истаклари, келажакка ишонч кайфиятларини акс эттиради\*. Шуни ҳам айтиш керакки, пешравлар ашула йўлларида, хусусан Сарахборлар, баъзи Наср йўлларида ҳам учрайди.

Шундай қилиб, Таснифлар мақомларининг йирик шаклдаги чолғу йўллари бўлиб, улар кенг диапазонга эга, баъзан эса икки октавадан ҳам ортиқроқдир. Таснифлар Бузрук мақомида 212, Ростда 338, Навода 114, Дугоҳда 150, Сегоҳда 125, Ироқда эса 326 тактдан иборатдир. Бу нарса Тасниф йўллари ҳажмининг анча катта эканини кўрсатади.

Таснифлар мақом чолғу йўлларининг асосий мавзуи сифатида, уларнинг бошқа қисмларида ҳам кучли из қолдирган. Таснифлардаги кўргина мотивлар ва куй жумлалари Таржеъ, Муҳаммас, Сақил каби мақом қисмларида ритмик ёки куй вариациялари сифатида учраб туради.

Тасниф йўллари кишига умид, кўтаринки руҳ баҳш этувчи куй йўллари бўлса, Таржеълар тантана, шодиёна кайфиятларни ифодаловчи куйлардир. Таржеълар асосан, Таснифлардан кейин ижро этилиб, Ростдан бошқа ҳамма мақомларда мавжуд. Улар мақомларда: Таржси Бузрук, Таржеи Наво, Таржеи Дугоҳ, Таржси Сегоҳ, Таржси Ироқ деб номланади.

Таржеъларнинг тект-ритм ўлчови Таснифлардаги каби ( $\frac{2}{4}$ ) бўлиб, дойра усули асосан тўрт тектли, Ироқ мақомда эса у беш тектни ташкил этади. Усул суръати эса Таснифларга кўра тезроқ бўлади. Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ мақомларида Таржеъларнинг дойра усули шундай:

\* Фикримизгинг далили учун Таснифи Бузрукнинг IV-VII хоналарга қаранг: ЎХМ. т. V, Тошкент, 1959, 4-6 бетлар.



Ироқда эса қубидагича



Таржесь – арабча бўлиб, қайтариш, такрорлаш маъносида келади. Куй ифодаси сифатига бир кичик мотивнинг турли баландликларда такрорлаши, уларнинг транспозиция этилган шаклда ва ритмик ҳамда мелодик вариациялар шаклида келиши, демакдир.

Масалан, Таржеи Бузрукдаги пешравларнинг яққол тимсоли бўлган иккинчи хонасини олайлик. Унинг тузилишида секундали секвенциялар характерли бўлиб, уларни нота ёзувида шундай ифодалаш мумкин.



Мақомларнинг чолғу йўлларидағи куй бўлаклари бўлган шундай пешравлар Наво мақомидаги Таржсънинг учинчи хонасида ҳам учрайди. Таржси Дугоҳ эса Таснифи Дугоҳнинг руҳига яқин бўлса-да, унинг таркибида бошқа мақом йўлларида мавжуд бўлган унсурлар жуда кўп учрайди ва юқорида айтилган пешрав мотивлари III хонанинг охирида келади.

Таржеи Дугоҳнинг бозгўйи бошқа хоналар билан бирликда Таснифи Дугоҳни эслатади. Таржси Сегоҳ дойра усули, куй харакати, хоналар таркибидағи куй жумлалари нуқтаи назардан Таснифи Бузрукнинг маълум мелодик вариациясидир. Таржси Сегоҳнинг биринчи хонасидаги пешрав тузилмаси кейинги хоналарда унинг ўзига кўра терция даражасига кўтарилиб, ривожлантирилади, сўнгра секин-аста, ўзи бошланган нуқтага қайтиб тушади ҳамда ҳар бир хона бозгўйлар билан якунланиб боради. Унинг бозгўйи Таснифи Бузрукдагидан тамоман бошқадир. Таржеи Ироқнинг тузилиши ва пешрав эпизодларига келсак, улар жуда ҳам мураккаб ва шу билан бирга, ўзига хосдир. Бу срда бошқа мақом чолғу йўлларидағи жумлалар камроқ учрайди. Қисқа қилиб айтганда, мақомларнинг чолғу бўлимининг Таржеъ йўлларида куй оҳангиди нуқтаи назаридан баъзи умумийликлар мавжуд.

Шашмақомнинг чолғу бўлимидаги қисмларидан яна бири Гардун, деб аталади. Гардун – осмон гардиши, айлана, тақдир маъноларида келади. Мусиқа истилоҳида эса Гардун – маълум дойра усулининг ҳамда шу усул жўрлигига муайян лад (мақом)га мувофиқ равишда ижро этиладиган куй

ёки ашуланинг номидир.

Ўтмишда, XIII-XVII асрларда ёзилган мусиқа рисолаларида Гурдуния ёки Гардонийя номлари билан аталган мақом шўйбалари ҳақида гапирилади. Уларнинг бизгача етиб келган шакли Шашмақомдаги Гардун йўллари-дир.

Гардуннинг тект-ритм ўлчови жуда мураккаб  $\frac{8}{4} (\frac{2}{4} + \frac{3}{4} + \frac{3}{4})$  дойра усули эса қўйидагичадир:



Гардун чолғу йўллари Ироқдан бошқа ҳамма мақомларда мавжуд бўлиб, улар Гардуни Бузрук, Гардуни Рост, Гардуни Наво, Гардуни Дугоҳ, Гардуни Сегоҳ номлари билан машҳурдир. Гардун йўллари унчалик катта ҳажмда бўлмаса-да, куй тузилиши ва ҳаракати нуқтаи назаридан Тасниф ёки Таржесъларга кўра анча мураккабдир.

Гардун йўлларида бозгўй ҳамма хоналардан кейин келавермайди, балки кўпинча икки-уч хоналардан сўнг такрорланади. Куйнинг йўналишида эса катта интерваллардаги оҳант айланмалари жуда тез учраб туради. Бунда терция, квартада даражасида баланд ёки пастга сакрашлар, квинта, октавага, ҳатто ундан ҳам юқорига тўсатдан кўтарилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Бундай ҳаракатлар мақомларнинг бошқа чолғу йўлларида учраса ҳам, улар Гардун йўллари учун жуда характерлидир.

Шашмақомнинг чолғу бўлимида энг кўп учрайдиган қисмларидан бири Мухаммаслардир. Улар:

Бузрук мақомида – Мухаммаси Бузрук, Мухаммаси Насруллои,

Ростда – Мухаммаси Рост, Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси Панжгоҳ,

Навода – Мухаммаси Ҳусайнӣ, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт,

Дугоҳда – Мухаммаси Дугоҳ, Мухаммаси Чоргоҳ, Мухаммаси Ҳожихӯжа, Мухаммаси Чор Сархона,

Сегоҳда – Мухаммаси Сегоҳ, Мухаммаси Ажам, Мухаммаси Мирза Ҳаким, Мухаммаси Бастанигор,

Ироқда – Мухаммаси Ироқ номлари билан аталади.

Мухаммас - бешланган, бешлик маъносида бўлиб, бу ном жуда қадим замонлардан маълумдир. Дастлаб, бу ибора билан дойра усулининг бир тури, шеъриятда эса беш мисрадан тузиладиган шеър шакли ифодаланган.

Юқорида айтиб ўтилган Кавкабий ва Дарвиш Али мусиқа рисолаларида-ги куй шакллари ва уларнинг ишлаш тартибидаги қоидалари қисман мақом чолғу йўлларига ҳам тегишлидир. Ҳозирги кунда бу масалани кўз олдимизга келтириш қийинроқ бўлса-да, Мухаммас, Сақил ва бошқа чолғу йўллари маълум куй мавзууларини ритмик ҳам мелодик вариациялар сифатида қайта ишлаш, ривожлантириш, уларга турли хона ҳамда бозгўйлар киритиш орқали янги-янги шаклларга туширилиб ишланган.

Мухаммасларнинг такт-ритм ўлчови  $\frac{2}{4}$  ёки  $\frac{4}{4}$  бўлиб, дойра усули эса ҳаддан ташқари узун, яъни  $\frac{2}{4}$  бўлганда 16 такт,  $\frac{4}{4}$  бўлса 8 тактни ташкил этади:



Мухаммас чолғу йўллари учун энг характерли нарса шуки, уларда хона ва бозгўйлар доира усули ҳажмидаги бир хил ўлчовда, 16 (ёки 8) тактдан иборат бўлади, яъни Мухаммас дойра усули ҳар бир хона ва бозгўй ҳажмини белгилайди. Баъзан куй ўз харакатида авжга етганда, бозгўйга қайтиб тушиши учун бир хона кифоя этмай қолади. Шунинг учун кўпинча авжда икки-уч хона кетма-кет ижро этилиб, сўнгра бозгўйга етиб келинади.

Мухаммасларда бир-бирига ўхшаган унсурлар кўплаб учрайди. Бунда у ёки бу куй бўлаги турли мақомларнинг руҳига мослаштириб олинади. Масалан, эшитувчига маълум бўлган Мухаммаси Ушшоқнинг бошланишидаги хонани олиб қарайлик: (Мухаммасларнинг дойра усули юқорида келтирилган эди).

Худди шу мухаммаснинг маълум унсурлари ва варианatlарини Мухаммаси Ростда, Мухаммаси Бузрукнинг II хонасида, Мухаммаси Насруллоий хоналарида, Мухаммаси Баётда, Мухаммаси Ҳусайний, Мухаммаси Дугоҳда, Мухаммаси Ҳожихўжада, Мухаммаси Ироқда (II, V хоналар). Мухаммаси Ажамда (II, III, VI хоналар). Мухаммаси Мирза Ҳакимда (V хона) ва бошқаларда учратиш мумкин. Мухаммасларда мақомларнинг чолғу бўлими-даги бошқа қисмларида мавжуд бўлган кўргина унсурлар ҳам учрайди. Чунончи, Мухаммаси Баёт бошланиш жумласи Мухаммаси Ушшоқ мавзуси билан ўхшашиб. Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Ушшоқнинг куй жумласи билан бошланса-да, кейинроқ бир оз бошқача бўлиб кетиб, Наво чолғу йўлларига тушиб олади. Мухаммаси Баётнинг куй унсурлари Мухаммаси Рост (I, II хоналар), Мухаммаси Ҳусайний, Наво, Мухаммаси Ҳожихўжа (I хонанинг боши)ларда учрайди.

Бу ҳол Мухаммасларнинг бадиий-эстетик қийматини камайтирмайди, балки турли чолғу йўлларида ўрнига қараб, уларнинг таркибий унсурларини турли-туманлиги, оригиналлигини сақлаган ҳолда ранг-баранглигини таъминлайди, куйнинг тугалланган шаклга келишига ёрдам беради.

Баъзи Мухаммаслар ўз муаллифлари билан қўшиб аталган. Насруллоий, Ҳусайний, Ҳожихўжа, Мирза Ҳаким кабилар маълум куйларни Мухаммас усулига тушириб, баста қилган ижодкор-созандалар исмидир.

Мухаммас йўлларининг тузилиши, дойра усули ҳам жуда мураккаб бўлсада, улар мақомларнинг бошқа чолғу йўлларидан кўра машҳурроқдир. Бунинг сабаби, Мухаммас йўлларида куйнинг жозибадорлиги, эмоционал жиҳатдан таъсирчанлиги, уларнинг мураккаб қиёфасига қарамай эшитувчига осон етиб боришидадир.

Мақомларнинг чолғу бўлимидаги қисмларидан энг кўп учрайдиган яна бир тури Сақиллардир. *Сақил* – арабча бўлиб, “оғир, вазмин, чўзилган”, демакдир. Мусиқа истилоҳида эса вазмин суръатда ижро этилиб келинган мураккаб дойра усулининг номидир. Сақилларга хос куй хусусияти, ижро этиш услуби Шашмақомда тасодифий қабул этилмаган бўлса керак. Чунки Бухоро мақомларида Сақиллардан сўнг, уларнинг ашула бўлимига ўтилади. Ашула бўлими эса вазминроқ ижро этилиб келинган Сарахборлар билан бошланади. Сақил ўзининг дойра усули хусусияти билан Сарахборларга осон уланиб кетади ва ўртада усул суръати жиҳатидан ҳам кучли бурилиш содир бўлмайди.

Эски мусиқа рисолаларида Сақил усули турли кўринишда келтирилади. Шашмақомда эса Сақиллар такт-ритм ўлчови  $\frac{2}{4}$  баъзан  $\frac{4}{4}$  бўлиб, дойра усули эса Мухаммасларга кўра янада узунроқдир, яъни йигирма тўрт тект ёки  $\frac{4}{4}$  бўлганида ўн икки тектни ташкил этади.



Сақиллар Бузрук мақомида – Сақили Ислимхон, Сақили Султон, Ростда Сақили Вазмин, Сақили Раг-Раг (Раг-Рагнинг асл маъноси номаълумдир. Раг ҳиндча мақом сўзининг ифодаси бўлса керак), Навода – Сақили Наво, Дугоҳда Сақили Ашқулло, (Сегоҳ мақомида учрамайди) Ироқда – Сақили Аввал, Сақили Дуввум, Сақили Калон номлари билан аталади.

Сақилларда ҳам, Мухаммаслардаги каби хона ва бозгўйлар ҳажми дойра усули билан тенг бўлади. Сақили Ислимхон эса хоналардангина иборат.

Сақилларда ҳам бაъзан Тасниф, Таржеъ, Мухаммасларда мавжуд бўлган куй унсурларидан фойдаланилган.

Сақилларни ишлаган – Ислимхон, Султон, Вазмин, Калон турли даврларда яшаган бастакорлардир. Лекин бу бастакорлар ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. Фақатгина Ислимхон Кавкабий даври (16 аср)да яшаган шоир ва бастакор экани ҳақида баъзи маълумотларни учратиш мумкин.

Шашмақомнинг чолғу бўлимларида бир хил номли қисмлари, асосан шулардан иборатdir. Булардан ташқари, баъзи мақомларнинг ўзигагина хос бўлган бошқа номлар билан аталувчи чолғу йўллари ҳам бор. Улар Наво мақомида Нағмайи Ораз, Дугоҳда Пешрави Дугоҳ, Самойи Дугоҳ, Сегоҳда Ҳафифи Сегоҳ номлари билан аталади.

Нағмайи Ораз\*, асосан Таржеъ Навога асосланган бўлиб, унинг маълум мелодик вариациясидир. Ҳатто унинг доира усули ҳам Нағмайи Оразда сақланган. Нағмайи Ораз Наво мақомидаги бошқа чолғу қисмлари каби сурнай йўллари сифатида ҳам машҳур бўлган.

Пешрави Дугоҳ Таржеъ усулида бўлиб, бунда хона ва бозгўйларнинг ҳар бири сони тенг саккизтадан иборат. Бу чолғу йўли Пешравнинг бизгача етиб келган энг характерли кўринишидир. Бунда хоналар ва бозгўй йўналиши юқорига харакат этади.

Самойи Дугоҳнинг тузилиши ҳам пешравга яқиндир. Унинг дойра усули саккиз тактли бўлиб, бозгўй хоналар ҳажмига тенг.



Самойи Дугоҳ мусиқа чолғуларида ва сурнайда мақом туркумларидан ажратилган ҳолда жуда кўп ижро этилиб келинган машҳур куйлардандир. Унинг Уфар усулидаги варианти ҳам кўплаб ижро этилади.

Ҳафифи Сегоҳнинг ҳам тект-ритм ўлчови, дойра усули Таржелардаги-дек, Самойи Дугоҳга ўхшаш хона ва бозгўйлар ҳажмига тенг (саккиз тектдан).

Ҳафиғ – енгил маъносида бўлиб, доира усули ва аruz вазнида маълум туроқ ўлчовининг ифодасидир. Демак, Ҳафифи Сегоҳ шу номли дойра усулидаги куй йўлларидандир.

Умуман Шашмақомнинг чолғу йўллари ўзига хос оҳангдорлик, зўр эмоционал таъсир кучига эга. Уларнинг тузилиши эса жуда ҳам мураккаб бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Мусиқашунос олимлар мақомлар устида иммий ишлар олиб бориб, уларнинг хусусиятини ўргангандар. Ўзбек-тожик мусиқаси устида узоқ йиллар давомида иш олиб борган йирик мусиқашу-

\* Ораз – юз маъносида бўлиб, маълум бастакорнинг номи бўлса керак. Чунки Ораз, Оразий тахаллуси билан ёзадиган шоирлар номи адабиёт тарихида кўп учрайди. Нағмайи Ораз – Ораз нағмаси, куйи маъносида келиши ҳам бунга шубҳа қолдирмайди. Ораз номи билан аталган шўъбалар Шашмақомда кўплаб учрайдики, бу хақда ўз ўрнида айтиб ўтамиш.

нослардан профессор В. М. Беляев мақом чолғу йўлларида учрайдиган куй шакллари ҳақида кўпгина масалаларни аниқлади. Жумладан, хона ва бозгўйлардан тузилган мақом чолғу йўлларида секвенциялар ва рондосимон формалар кўплаб учраши маълум бўлди\*.

Рондо формасида куй харакат жараёнида, ўзининг янги, ўзгарувчан бўлганидан сўнг узлуксиз равишда асосий, ўзгармайдиган жумлага қайтиб тушаверади. Бунда куйнинг асосий бўлаги рефрен - “бозгўй”, ўзгарувчан ва ривожланувчи қисми – “хона”\*\* маъносига маълум даражада мос келади. Профессор В. М. Беляевнинг кўрсатишича, Тасниф ва Таржеълар “пешрав” шаклида, қолган чолғу йўллари эса рондосимон формада бўлади<sup>(3)</sup>.

Бу ерда шуни такрорлаб ўтиш керакки, бозгўй доим хоналардан сўнг куйнинг пастки қисмидагина такрорланиши шарт эмас. Гоҳо бозгўйлар хоналардан олдин ҳам келади, баъзан эса юқориги регистрда, ҳатто октава даражасидаги баландликларда ҳам такрорланади. Масалан, Таржей Наво, Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси Наво ва бошқа чолғу йўлларида бозгўй юқориги октаваларда ҳам келаверади. Мақомларнинг нота китобларига назар солинса, уларнинг чолғу йўлларининг ҳаммасида хона ва бозгўйлари аниқ ёзиб кўрсатилган\*\*\*. Шунинг учун ҳар бир мақом йўлига алоҳида ва муфассал тўхвалиб ўтирмаймиз. Шуни айтиб ўтмоқ лозимки, баъзи мақомлар тўплами китобларида уларнинг лад-тоналлиги доим ҳам тўғри берилмаган. Масалан, Наво мақомининг тоника (бошланиш парда)си “фа” дан бошланишиб, калит олдидаги альтерация белгиси си бемоль бўлиши керак эди. Баъзи тўпламларда эса бу нарса нотўғри равишда, “Си”нинг соғ ҳолида берилган, яъни фа-соль-ля-си-до-ре-ми-фа (1 т. + 1 т. + 1 т. + 0,5 т. + 1 т. + 1 т. + 0,5 т.); ваҳоланки унинг товушқатори оралиғи – 1т. + 1т. + 0,5 т. + 1т. + 1т. + 1т. + 0,5 т. яъни фа мақор бўлиши лозим эди. Бу куйнинг бошланишида йўл қўйилган учта бутун тон (тритон)нинг нотага қўчиришда ишлатилганлиги ўзбек-тожик халқлари мусиқаси характерига бутунлай тўғри келмайди. Бундай ҳол куй тоналлигига фақат модуляция этиладиган ўринлардагина содир бўлади.

Юнус Ражабий Наво мақомида нота калити олдига си бемоль қўйиб жуда тўғри иш қилган.

Мақомларнинг лад тузилмаларида ҳали кўпгина аниқланмаган масалалар бор. Бу масалалар келажакда маҳсус текширишлар олиб боришни талаб қиласиди.

\* В.М.Беляевнинг кўпгина асрларига, жумладан, Тоҷикистонда нашрға тайёрланган Шашмақомга ёзилган сўз бошига қаранг. Шашмақом, I жилд. Москва, 1950, 19-22 бетлар.

\*\* Масалан А<sup>1</sup> – Б – А<sup>2</sup> – В – А<sup>3</sup> формасидаги А<sup>1</sup> - А<sup>2</sup> - А<sup>3</sup>лар бозгўй бўлса, Б – В ларни хоналар дейинш мумкин.

\*\*\* Шашмақом, I-II-III-IV жиллар. Москва: ЎҲМ, V-VI жиллар.

\*\*\*

Юқорида мақомларнинг чолғу бўлимларида учрайдиган маълум бир куй унсури унинг бошқа қисмларида ҳам фойдаланилгани ҳақида айтиб ўтилган эди. Мақомдан бастакорлар энг машҳур ва ёқимли оҳангларни тарғиб қилиш мақсадида бир куй унсури ёки бўлагини бошқа куй ёки шўйбаларда ҳам фойдаланган ва ишлатган бўлсалар керак.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш ксракки, мақомлар чолғу бўлимидағи маълум куй лавҳасини бошқа куйларда ишлатилавериши, мақомлар ашула бўлимида кенг ўрин тутган намудларни эслатади (“Намудлар ҳақида” қисмiga қаранг). Мақомларнинг чолғу қисмларида фойдаланилган бундай унсурлар ўтмишда намуд каби махсус изборалар билан аталган бўлса ҳам эҳтимол. Лекин ҳозирги кунда бу атамалар унугиб юбрилган. Чолғу йўлларидағи ўхшашиб унсурларнинг қуидаги функцияси намудлардан ўз хусусияти билан фарқ этади. Улар куй авжи функциясинигина бажармайди, балки хонанинг маълум қисми ёки бозгўй қисми бўлиб ҳам келади. Масалан, Бузрук мақомининг Таснифидаги бир куй эпизоди турли мақомларнинг чолғу йўлларида учраши тасодифий ҳол эмас, албатта. Айниқса Таснифи Бузрукнинг шундай эпизоди Сақили Султонда мелодик вариация сифатида учраши фикримизнинг далили бўла олади.

Унинг Сақили Султондаги варианти нота ёзувида қуидагичадир:

The image shows two staves of musical notation. The top staff is in common time (indicated by 'C') and has a key signature of one sharp (F#). It consists of six measures of eighth-note patterns. The bottom staff is also in common time and has a key signature of one sharp. It consists of six measures, starting with a sixteenth-note pattern followed by eighth-note patterns. The notation uses vertical stems and horizontal bar lines to separate measures.


Шундай мелодик эпизод мақомларнинг бошқа чолғу йўлларида ҳам кўплаб учрайди. Таржсълар ва Мұхаммаслар ҳақида мулоҳаза юритганда, ўз ўрнида ўхшашиб мелодик эпизодлар мақом чолғу йўлланрининг турли қисмларида учраши ҳақида айтиб ўтилган эди. Масалан, Таснифи Бузрукдаги бозгўй унсурлари бошқа мақом чолғу йўлларида ҳам учрайди:

The image shows two staves of musical notation. The top staff is in common time and has a key signature of one sharp. It consists of six measures of eighth-note patterns. The bottom staff is also in common time and has a key signature of one sharp. It consists of six measures, starting with a sixteenth-note pattern followed by eighth-note patterns. The notation uses vertical stems and horizontal bar lines to separate measures.

Шу Бозгўйнинг биринчи ярми асосида Сақили Дуввуми Ироқ бозгўйи ишланган бўлиб, унинг қолган бўлагининг маълум варианти Сақили Султон I хонаси таркибида мавжуд.

Таснифи Бузрукнинг хоналаридаги Пешрав тузулмалари Таржеи Сегоҳ хоналаридаги ҳам келади. Халқ қуйларидан Ажам тароналаридаги шундай пешрав айланмаларининг маълум қисми учрайди.

Таржеи Бузрукнинг қўйидаги мелодик эпизодини Мухаммаси Бузрукда, Сақили Ислимхоннинг I - III хонаси, Сақили Султоннинг II хонасида учратиш мумкин.



Бундай масалада, айниқса, Мухаммасларнинг ўзаро муносабати кучли экани ва улар билан Сақиллар ўртасида ўҳшаш кўй унсурларининг кўплаб ишлатилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, Мухаммаси Ушишоқнинг бошланиш хонасидаги турли мелодик ва ритмик варианatlари Сақили Ислимхон (IV хона), Сақили Султон (бозгўйи), Сақили Раг-Раг (бозгўйининг боши). Сақили Ашқулло (X хона), Сақили Аввали Ироқ бозгўйи ва бошқаларда учрайди.

Шунга ўҳшаш ҳолни мақомлар чолғу бўлимидағи бошқа қисмларда ҳам учратиш мумкин.

Самойи Дугоҳнинг унсурлари Сақили Вазмин бошланишида, Ҳафифи Сегоҳ (VIII хонаси)да мавжуддир. Мухаммаси Ироқнинг маълум (I хона) унсури Мухаммаси Бузрук (II-III-IV хоналар)да, унинг бозгўйи эса Мухаммаси Мирза Ҳаким (IV хона)да бор. Таржеи Дугоҳ мавзуси Пешрави Дугоҳда турли варианtlарда ва Мухаммаси Чор Сархона (III хонаси)да фойдалана-нилган.

Мақом чолғу куйларида шундай тематик алоқадорликнинг мавжудлиги куйларнинг оригинал бўлишига ҳеч қандай нуқсон етказмайди. Бунда маълум бир кўй турли-туман мотивлар билан бойиб боради, шу билан бирга фойдаланилмоқчи бўлинган мақом йўлига мослаштириб олинади.

Мақомлардаги маълум мотив ёки кўй бўллагини бир неча ерда фойдаланилганли унинг машҳур бўлганлигидан далолат беради. Шундай йўл билан маълум мотив ёки кўй тингловчига ҳам турли мақом йўллари таркибида таниш куйга айланади. Бу ҳол ўз замонасида чолғу йўлларини тарзиб қилишнинг маълум бир усули ҳам эди.

Мақомларнинг чолғу йўллари халқ орасида кенг кўламда машҳур бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ чолғу йўллари ва улар асосида юзага келган куйлар ҳатто сурнайда ҳам ижро этилиб келинган ва омма орасида кенг тарқалган эди.

Мақом чолғу йўлларининг машҳур бўлиб келганига яна бир сабаб, оддий халқ куйлари билан улар орасидаги кўй мавзуи ва оҳанг жиҳатидан алоқадорликнинг мавжудлигидир. Шашмақом чолғу йўлларидаги бу машҳур унсурлар халқ профессионал созандалари ижодига ҳам кучли таъсир этди, улар яратган асарларда баракали фойдаланилди. Шашмақом ўзининг тузилиши ва бошқа хусусиятлари билан халқ куйларига чамбарчас боғлиқ бўлгани

учун бундай ижодий асарлар бастакорлар томонидан янада ривожлантирилган мусиқа асарлари сифатида гавдаланади.

Мақомларнинг чолғу йўлларида оддий халқ куйларида учрайдиган унсурлар ҳам жуда кўп. Масалан, Таснифи Бузрукнинг олтинчи хонасидағи бир лавҳани олиб кўрайлик:



Бу пешрав тузулмаси Ажам тароналари авжида ҳам учрайди.

Таснифи Ростнинг баъзи қисмларида Усмония куйининг унсурлари бор. Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. (Шашмақом ва халқ мусиқа ижодиёти қисмига қаранг).

Мақом чолғу йўлларининг халқ куйларига муносабати масаласи жуда катта илмий ҳам амалий аҳамиятга эга. Бу масалани аниқланиши, биринчидан, мақом йўлларининг халқ мусиқа бойликлари асосида яратилган эканини, иккинчидан, уларнинг сўнгги даврлардаги халқ мусиқа ижодиётида тутган мавқенини кўрсатиб беради.

Мақомларнинг асоси халқ куйларининг худди ўзидир. Улар халқ мусиқа ижоди билан боғлиқ бўлибгина қолмай, унинг сўнгги даврлардаги тараққиётига баракали таъсир кўрсатади. Мақом чолғу йўллари ва халқ куйлари бир-бири билан муносабатда бойиб, такомиллаша борди, Шашмақом чолғу йўллари халқ мусиқасидаги каби ранг-баранглиги, жозибадорлиги ва бой мазмунга эга бўлганлиги уларнинг қийматини янада оширади. Мақомларнинг чолғу йўллари тинглаб кўрилса, улар ҳам мунгли, ҳам мулойим, ҳам оромбахш, ҳам кишига шижоат баҳш этувчи куйлардан иборат экани аниқ сезилади. Мақомларни улар асосида яратилган юзлаб чолғу йўллари билан қўшиб олганда, улар халқимиз мусиқа меросининг жуда катта қисмини ташкил этади. Мақомлар жуда қадим замонлардан бошлаб, Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари мусиқа меросининг асосини ташкил этиб келди ва шундай бўлиб қолади.

## ШАШМАҚОМНИНГ АШУЛА БЎЛИМИ

Шашмақом тизимиға кирган ҳар бир мақомнинг чолғу бўлими ижро этилганидан кейин унинг ашула бўлимига ўтилади. Мақомларнинг ашула бўлимида, юқорида айтилганидек, бир нечадан шўъбалар мавжуд. Бу шўъбаларни икки қисмга (гуруҳ)га ажратиб қараб чиқамиз. Мақомлар ашула бўлимидаги биринчи қисмга кирган шўъбалар гуруҳи – Сарахбор, Талқин, Насрлар ва уларнинг Уфарларидир. Сарахбор, Наср ва Талқинлар ўзидан кейин ижро этиладиган тароналарга эга. Ашула бўлимининг иккинчи қисмига кирган

шўъбалар гуруҳига – Савт – Мўғулчалар ва турли мақомларнинг ўзига хос бўлган баъзи ашула йўллари киради. Иккинчи қисмга кирган шўъбаларнинг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар деб аталадиган шохобчалари бўлиб, Савт ва Мўғулча кабилар ўзининг шу шохобчалари билан биринкетин яхлит ижро этилади.

Биринчи ва иккинчи қисмни ташкил этган шўъбалар, дастлаб, ўзининг таркибида кирган шохобчалари (тарона ёки талқинча, қашқарча ва бошқалари) билан фарқланади. Уларнинг яна бир хусусияти шуки, биринчи қисмга кирган шўъбалар гуруҳи бирин-кетин яхлит ижро этилиб келинган бўлса, иккинчи қисмга кирган Савт, Мўғулчалар ўз шохобчалари билан бирга алоҳида-алоҳида айтилиб келинган, яъни Савтнинг кстидан Мўғулчалар ижро этилмайди.

Биринчи қисмни ташкил этган Сарахбор, Наср, Талқин каби шўъбалар ва бу қисмнинг Уфарлари Шашмақом ашула бўлимининг асосий ашула йўлларидан ҳисобланади. Савт, Мўғулча каби шўъбалар эса Шашмақом шакллангандан кейин яратилган. Амир Насруллоҳон даври (XIX аср ўрталари)да кўчирилган ва Шашмақомга айтилган шеърларни ўз ичига олган тўпламда Савт номи учраса ҳам Мўғулча номи келтирилмаган. Шу билан бирга, Савтнинг шохобчалари (Талқинча, Қашқарча, Соқийнома кабилар) номи ва уларга айтилган шеър матнлари ҳам берилмайди. Бундан ўша даврларда Мўғулча ва иккинчи қисмга кирган бошқа номлар билан аталувчи шўъбаларнинг шохобчалари бўлмаган эди, деган фикрга келиш мумкин.

Шашмақом ашула бўлимидаги шўъбаларнинг юзага келишида XV асрда кучайган ва ҳозирги кунгача ҳам давом этиб келаётган бастакорлик санъати анъаналари ҳал этувчи аҳамият қасб этганилиги ҳақида айтиб ўтилган эди. Мақомлар ашула бўлимининг таркибий қисмини ташкил этган ва бастакорлик анъанасининг тараққиётида муҳим ўрин тутган намудлар масаласига бу ўринда алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Ҳозирги кунгача умуман ўрганилмаган бу масала устида муфассалроқ тушунчага эга бўлмай туриб, мақомлар шўъбаларнинг тузилишини тасаввур этиш мумкин эмас<sup>(1)</sup>. Намудлар XV-XVII аср мусиқа рисолаларида шарҳ этилган куй шакллари ва ўша даврдаги бастакорлик анъанасининг бизгача этиб келган бирдан-бир жонли намунасиdir. Кадимий мусиқа рисолаларида келтирилган хона (сархона, миёнхона), бозгўй, савт, амал тушунчаларининг бизнинг кунда аниқ тасаввур этиш мумкин бўлган маълум вариантларидан бири - намудлар масаласидир. Шунинг учун ҳам мақомларнинг ашула бўлимини ташкил этган асосий шўъбалари билан танишиб чиқишдан аввал, намудлар масаласига тўхтаб ўтиш лозимдир.

## НАМУДЛАР ҲАҚИДА

Намуд тоҷикча кўриниш, келиш маъносидаги сўз бўлиб, муайян куй ёки ашуланинг маълум парчасини бошқа ашула йўллари таркибидаги кўриниши демакдир. Намудлар, кўпинча мақом шўъбаларининг бошланишидаги

куй жумлаларидан олинади ва улар бошқа шўъбаларнинг авжи сифатида фойдаланилади. Масалан, Бузрук мақомининг Насри Уззол шўъбаси ёки Насри Чоргоҳнинг бошланишидаги 3 ёки 4 куй жумласи бутунича олиниб, бошқа шўъбаларда фойдаланилади ва улар намуди Уззол ёки Намуди Мухайяри Чоргоҳ деб аталади.

Намудлар сони ўндан ортиқ бўлиб, улар: Намуди Уззол, Намуди Мухайяри Чоргоҳ, Намуди Ушшоқ, Намуди Наво, Намуди Ораз, Намуди Баёт, Намуди Дугоҳ, Намуди Сегоҳ, Намуди Насруллойи ва бошқалардир\*. Намудлар кўпинча Талқин ва Наср деб аталадиган шўъбалардан олинади. Намудларнинг номланишидан ҳам улар мақомларнинг қайси шўъбасидан олинганингини билиш мумкин. Масалан, Намуди Ушшоқ – Насри Ушшоқдан, Намуди Дугоҳ – Дугоҳи Ҳусайнинийдан, Намуди Ораз – Орази Наводан, Намуди Сегоҳ – Насри Сегоҳдан, Намуди Баёт – Насри Баётдан, Намуди Уззол – Насри Уззолдан, Намуди Мухайяри Чоргоҳ – Насри Чоргоҳдан олинганилиги маълум. Лекин намуд сифатида фойдаланилган мелодик жумлалар шўъбалар таркибида уларнинг куй қиёфаси, куй харакати ва дойра усули характеристига мослаб олинади.

Юқорида айтилган намудлардан ташқари, мақом йўлларида ишлатиладиган маълум ашула қисмлари Зебо пари, Турк деб аталган авжлар ҳам учрайди. Бу авжлар намуд деб аталмаса-да, унинг функциясини бажаради. Улар маълум шўъбалардан олинмаган, балки бастакорлик томонидан мустақил равишда яратилган. Шунинг учун уларни намуд, яъни маълум мақом ашула бўллагининг бошқа шўъбаларидаги кўриниши деб бўлмайди.

Намудлар қаердан олинган бўлмасин. Шашмақом ашула бўлимларидаги турли шўъбаларда ишлатиладиган ашула авжи кўринишиларидандир. Шунинг учун мақом йўлларини тинглаш жараённида уларнинг авжларида баъзи ўхшаш унсурлар мавжудлиги сезилиб туради ва бир ашула йўлидаги авж қисми билан иккинчиси ўхшацек туюлади.

Намудларни ажратиб олмай туриб, мақом йўлларининг таркибий бўлакларини, уларнинг куй қиёфасини тасаввур этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам намудлар масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мақомларда муйян бир намуднинг ўрнига қараб турлича ритмик ҳам мелодик вариациялари ишлатилган бўлиши мумкин. Масалан, улар Талқин йўлларида Талқин дойра усулида, Насрларда эса бошқача дойра усулида кслади. Бу ерда эса намудларнинг асоси сифатида Наср йўлларидаги вариантини қабул этамиз.

**Намуди Уззол** (Уззолнинг намуди, яъни кўриниши), юқорида айтилганидек, Насри Уззол ёки Талқини Уззол бошланишидаги ашула жумлаларининг турли мақом шўъбалари авжларида келишидир.

“Уззол” иборасининг “пастга тушиш”, “сакраш” маъносида ишлатилганлигини нота мисолида ҳам кўриш мумкин. Куй ўзининг бошланишидаги ҳаракатида кварта даражасида пастга тўсатдан “сакрайди”. Юқорида Ўн

\* Намудларнинг Шашмақом таркиbidаги сони аниқланмаган.

икки мақом шўъбалари таркибидаги ҳам Уззол ҳақида тўхтаб ўтилган эди. Шашмақом таркибидаги Уззол унинг бизгача етиб келган кўриниши бўлиб, унинг пастга “сакраш” холати нотада ҳам яққол кўринади<sup>(2)</sup>.

Намуди Уззолнинг Насри Уззолдан олинадиган қисми тахминан қўйида-гичадир.

(чолгу нақароти)

Баъзи ўринларда Уззол пастга поғонама-поғона тушиши ҳам мумкин. Бундай ҳол кўпроқ Намуди Уззол халқ қуйларида ишлатилганида яққол кўзга ташланади.

Масалан, Илғор ашуласининг авжида шундай ҳолни учратиш мумкин:

Лат - та - тин  
 ши - рин сүлтүп  
 ин - соти ша ка  
  
 дин күр - ма дац  
 (чолғу накароти)  
  
 ла' - ли но -  
 бинг мав - жи на  
 гул - бар - ги тар  
  
 дин күр - ма ди,  
 (чолғу накароти)

Намуди Уззол билан Намуди Мухайяри Чоргоҳ мақомларда кўпинча бирин-кетин келади. Бундай уланиш Талқини Уззол ва Насри Уззол шўъбаларида ва Рост мақомининг Ушшоқ шўъбаларида ҳам ўзининг ифодасини топган. Лекин Намуди Уззол билан Мухайяри Чоргоҳ Уззолнинг шўъбаларига Намуди Ушшоқ воситаси билан боғланади. Ушшоқ билан Мухайяр намудларининг бирин-кетин келиши Рост мақоми шўъбаларида шунинг учун ҳам жуда кўп учрайди.

Юқорида келтирилган Уззол жумлалари турли мақом ашула йўлларида айнан шунинг ўзи дейиш хато, албатта. Чунки Уззол ашула жумлалари ўзлари киритилаётган мақом йўлларига, уларнинг лади ва куй ҳаракатидаги йўналишига ҳамда дойра усулларига мослаштириб олинади. Шу билан бирга, Уззолнинг маълум кўринишига айланади. Лекин бошланишидаги икки ашул жумласи (унинг бир хати) ўзининг асл қиёфасини Уззолнинг маълум ритмик вариацияси сифатида сақлаб қолади. Унинг кейинги жумлалари эса куй ёки ашуланинг руҳи ва характеристига мосланган ҳолда турли ўзгаришларга учрайди.

Намуди Уззол Шашмақом ашула бўлимининг шўъбаларида энг кўп ишлатиладиган авжлардан саналади.

**Намуди Мухайяри Чоргоҳ** (Чоргоҳ Мухайрининг намуди)\*. Дугоҳ мақомида Мухайяри Чоргоҳ номи билан аталган шўъба ёки ашула йўли учрамайди. Шунинг учун Мухайяри Чоргоҳ (яъни Чоргоҳ шўъбаларидан танлаб олинган), деб номланган бўлса эҳтимол. Чунки Намуди Мухайяри Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Талқини Чоргоҳ шўъбаларининг бошланиш жумлалари ва дунасрларининг\*\* маълум кўринишидир.

Намуди Мухайяри Чоргоҳ доимо мусиқа чалинадиган муқаддимаси билан бошланиб, бу лавҳа Мухайяри Чоргоҳ бошланишидаги куй жумланинг худди ўзидир. (Шунинг учун ҳам мусиқа муқаддимаси нота

\* Мухайяр – тузатилган, яхшиланган, таълаб олинган маъноларида келади.

\*\* Дунаср – ашуланинг бошланишидаги жумлаларининг юқори регистрда такорланиши.

мисолида тушириб қолдирилди). Уни эшитувчиларга таниш булган маълум вариантини мисол келтирамиз:

The musical score consists of six staves of notation. The first three staves are labeled '(чолпу накароти)'. The fourth staff is labeled '(чолпу накаротни)'. The fifth and sixth staves are unlabeled.

Юқорида келтирилган мисол Намуди Мухайяри Чоргоҳнинг қисқа шакли бўлиб, баъзан унинг давоми ҳам бўлади. Бу намуд ҳам мақом йўлларида энг кўп қўлланиладиган авжлардандир. Намуди Мухайяри Чоргоҳ, Бузрук мақомининг Сарахбор, Уззол, Ироқи Бухоро шўъбаларида, Ростнинг Сарахбор, Ушшоқ шўъбаларида, Дугоҳ мақомининг Сарахбор, Чоргоҳ, Мўғулчали Дугоҳ шўъбаларида ҳамда Ироқ мақомининг шўъбаларида учрайди. Шундай қилиб, Мухайяри Чоргоҳ энг машҳур намудлардан ҳисобланади. Бу ҳол тасодифий эмас, албатта. Биринчидан, у кўп мақом йўлларига ҳар томонлама мос келса, иккинчидан жуда ҳам ёқимли ва роҳатбахш намудлардандир. Мухайяри Чоргоҳ ўзи кирган ашулани таъсирли, жозибали бўлишида катта роль ўйнайди.

**Намуди Наво.** Бошқа намудлардан фарқли ўлароқ Наср, Талқин йўлларидан эмас, Сарахбори Наводан олинган. Намуди Наво ҳам Рост мақомининг Наврӯзи Сабо шўъбасида, Сегоҳнинг Сарахбор, Талқин, Наср шўъбалари ва Уфарида ишлатилади. Наво мақоми шўъбаларида эса юқори регистрда ижро этиладиган дунаср сифатида жуда кўп учрайди. Унинг сода вариантиларидан бири мана шундай:



Намуди Наво жуда ўзгарувчан бўлиб, мақом ашула йўлларида турли кўринишда учрайди. У эшигувчиға таниш бўлган ва сурнайда ижро этиладиган Наво ҷолғу йўлларини эслатади. Шунинг учун Намуди Навони турли ашулалар таркибида ҳар қандай шаклда келганига қарамай, ажратиб олиш қийин эмас.

**Намуди Баёт.** Бу авж Баест шўъбаларидан олинган бўлиб, Наво мақомининг Мустазоди Наво шўъбасида келади ҳамда бошқа Баёт шўъбаларида дунаср сифатида учрайди (Намуди Баёт бошқа шўъбалар таркибида ҳам келиши мумкин. Ҳозирги кунда мавжуд нота китобларидан аннекроқ мисоллар олишга имкон бўлмади). Намуди Баётнинг Насри Баётдаги қисмини келтирамиз:



Намуди Баст ҳам Намуди Наво каби турли мақом шўъбалари таркибида жуда ўзгарган ҳолда учрайди ва халқ ашула йўлларида ҳам кўплаб қўлланади (кейинги саҳифаларга қаранг).

**Намуди Ушшоқ.** Рост мақомининг Ушшоқ шўъбаларидан олинниб, Талқини Ушшоқ ва Насри Ушшоқ шўъбалари бошланиш қисмининг ритмик вариациялари сифатида фойдланилади.

Насри Уззол таркибидаги Намуди Ушшоқни келтирамиз:

(чолғу накароти)

(чолғу накароти)

Намуди Ушшоқ Бузрук ва Рост мақомларида кўпроқ учрайди.

**Намуди Ораз.** Асосан Наво ва Дугоҳ мақомларининг Ораз дейилган шўъбаларидан олинган бўлиб, Рост мақомининг Наврўзи Сабо шўъбасида, Сарахбори Навода, Сегоҳ мақоми шўъбаларида учрайди.

Куйида Насри Сегоҳ таркибидан олинган Намуди Ораз келтирилади:



**Намуди Сегоҳ.** Тошкент, Фарғонада кенг тарқалган Сегоҳ ашуласининг бошланиш жумлаларини эслатади. Бу Намуд Наврӯзи Сабода ва Сегоҳ мақомининг шўйбаларида турли шаклларда келади. Намуди Сегоҳ ҳам жуда ўзгарувчан, турли варианtlарда ишлатилади.

Марҳум халқ ҳофизи Домла Ҳалим Ибодов ижро этган Наврӯзи Сабодағи Намуди Сегоҳ тахминан, шундай шаклда эди:

Намуди Сегоҳ халқ ашугла ва қуйларда ҳам жуда кўп учрайди. Шунингдек, рақс билан ижро этилиб келинган “Баҳор” қуида ҳам ўринли ишлатилган.

Намуд ҳисобланмайдиган Зебо пари ва Авжи Турклар намудлардан уз функциясини жиҳатидан ҳеч фарқ этмайди. Уларнинг намуд деб аталмаслигига сабаб бор, дейилган эди. Масалан, намудлар мақомларнинг бирор

шўйбасининг маълум кўриниши ҳамда вариацияси бўлса, Зебо пари ва Турк мақомларнинг шўйба йўлларидан олинмаган, балки, юқорида айтилгандек уларни авжлар сифатида бастакор-созандалар ихтиро этганлар. Бу авжлар ҳам мақом йўлларида жуда кўп ишлатилади.

**Зебо пари.** баъзи мусиқачи-устозларнинг айтишларича, ашула авжини яратган бастакорнинг исмидир. Лекин бу ҳақда ишончли маълумот йўқ. Зебо пари авжи Сегоҳдан ташқари ҳамма мақомларда ишлатилган машҳур авжларданdir, шу билан бирга, у маълум ашула жумлаларидан бошқа намудларга ўтишда восита (гёй “кўприк”) вазифасини бажаради. Худди шундай хусусият Намуди Сегоҳда ҳам бор бўлиб, Зебо парининг Сегоҳ мақомида ишлатилмаганлигига сабаб ҳам шу бўлса керак.

Зебо пари кснг ашулачилар оммасига кўпгина куй ва ашула йўллари, шу жумладан, Бузрук мақомидаги Ироқ ашуласи орқали жуда ҳам таниш. Ироқи Бухородаги Зебо пари авжи чолғу муқаддимаси билан бошланади. (Чолғу муқаддимаси тушириб қолдирилди).



**Турк.** Авжи турк ёки Туркий Авж номи билан ҳам аталади. Турк ибораси жуда қадимдан машҳур бўлиб, ашуланинг авжларидағи маълум бўлагини ифодалайди. Ўтмишда эса маълум қўшиқ ва дойра усулининг ном эди. Авжи Турк ашула йўлларида энг баланд авж ҳисобланади ҳамда Ушшоқ, Сегоҳ, Насруллоий намудлари ва дунасрларнинг кетидан келади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Авжи Турк Савти Навонинг бошланиш қисмини эслатади. Уларда ҳар томонлама яқинлик мавжуд эканини ҳис этиш мумкин. (Шашмаком ашула бўлимининг иккинчи қисмига қаранг).

Авжи Туркнинг вариантларидан маълум қисмини Бузрук мақомининг Насруллоий шўйбасидан келтирамиз\*:

\* Бузрук мақомининг Насруллоий шўйбаси турли вариантларда нотага олинган. Бунга сабаб ҳофизлар ўзлари танлаб олган пардалан бошлийвергандар. Бизнингча, бошланғич парда (тоника) ре нотаси бўлиши керак. Шундагина мақом ўз моҳиятини сақлаб қолиб, нота ёзувида алтерация белгилар ҳам, кўйнинг равон ҳаракати ҳам таъминланади.



Авжи Турк мақомлар жумласига кирмайдиган күпгина күй ва ашула йўлларида ҳам фойдаланилган. Уни күпгина атоқли ҳофизлар халқ куйларига киритганлар. Айниқса, унинг Гулузорим ашуласида ишлатилган қисми жуда ёқимли бўлиб, Ҳожи Абдулазиз Расулов (1854-1936) томонидан унга киритилган эди.

Зебо пари ва Турк Авжлари күй ёки ашулани безайдиган ёқимли ва жозибали авжлардандир. Улар ҳам мақом йўллари таркибида жула катта ўрин тутади.

Умуман намудлар Шашмақом ашула бўлимидаги шўъбалар қиёфасини тушунишда муҳим белгилардандир. Намудларни ажратиб олмай туриб, мақомлар ҳақида тўғри тасаввур этиб бўлмайди. Шундай қилиб, намудлар, асосан юқорида номлари кўрсатилган мақом йўлларининг маълум кўринишидир. Улар мақомларда турлича ишлатилади.

Намудлардан маълум мақомлардагина фойдаланилган экан, бунда күй тузилишининг қонуний ривожланиши, күй йўлларининг руҳи, қиёфаси ва лад асосининг хос томонлари ҳисобга олинган. Маълум намуд муайян мақом ёки унинг шўъбаларидагина ишлатилиши мумкин. Масалан, Намуди Ораз Бузрукда, Ироқда, Турк эса Рост, Наво ҳамда Ироқ мақомларда бутунлай ишлатилмайди. Шунингдек, Мухайяри Чоргоҳ ва Ушшоқ намудлари Наво ва Сегоҳ мақомларида келмайди. Бунга сабаб, ўша намудларнинг у ёки бу мақом йўлига ҳар томонлама мос кела олмаслигидир.


Намудлар мақомларнинг шўъбаларида якка ҳолда, шунингдек, гуруҳмагуруҳ қилиб ишлатилиши мумкин. Ижрочи-ҳофизлар ўз ҳоҳишларига қараб,

намудларни мақом йўлида турлича ишлатганлар. Масалан, бир ҳофиз уч намуд ишлатса, бошқаси уларнинг бирини бутунлай тушириб қолдириб, ижро этиши мумкин. Улар гуруҳ бўлиб келганда мақом ашула йўлларида бир-бирига мос кела олиши, ашула руҳи ва мазмунига халал етказмаслиги керак.

Намудлар мақом йўлларида авж сифатида ишлатилар экан, уларнинг юқори регистрдаги лад тузилишига мослаб олиниши керак. Авжи Турк кўпинча шўъбаларнинг V ёки VIII поғонасидан эмас, балки ашула ладларининг VII поғонасидан уланади. Бунинг сабаби шуки, маълум намуд ёки Зебо пари ва Турк ашула авжига уланганда, унинг бир бутунлигига путур етказмаслиги, ашулага сингиб кетиши ҳамда ашуланинг лад уюшмасига халал етмаслиги керак. Бузрук мақомининг Насруллои шўъбасида бу ҳол янада яққол кўринади. Унинг тактдан олдинги қўшимча поғонаси *До* дан бошланса, биринчи пардаси *Ре* нотаси деб олинса, Насруллоининг лад тузилмаси VII поғонаси пастлатилган минор ладига тўғри келади.

Авжи Турк мажор ладига мос келгани учун Насруллойининг VII погона-  
сидан бошлансагина үнга тўғри келади.

Насруллойининг диапазони бир ярим октавадан кенгроқ бўлиб, унинг товушқатори таркибидаги Турк бошланадиган парда ва поғоналарини нота мисолида шундай бериш мумкин:



Насрүллойининг бутун ҳолдаги қиёфаси қўйидагичадир (кейинги бет-  
ларга қаранг).



# Насрулло́й

**I хат**

Па - ри - зо - ди - ки муш - кин зул - фи - ным мус  
 манд эт - миш, ма - ло - ник юш ла - рин ул хал - ка

**II хат**

мю - нир бир - ла бац эт - миш (о) Са -  
 ман - динг - ким ё - лип - дек тез э - рур тоz шук р(и)  
 ким гар - дун (и) е - (еф) Ан - та бир - ни са -  
 ман - дар - ваш. мун - га бир - ки са - манд эт - миш.

**III хат**

(о) Че - кир - га иши - (о) о б - тиш - ги - хи -  
 га де - во - накүнг - лум - ни (ë), Ка - зо хар бир ша  
 пар то - ри ни бир ўт - луг ка -  
 манд эт - миш (чолгу накароти) ба

**IV хат Миёнхат**

фо - га тел ба - лик - да но пи санд ўл - сам  
 (о) (о) ан - га күр - ким жи -  
 фу - ев ким - югмен - га зи за - ри тай - яр пи

V хат Дунаср

санд - эт - миш  
(чолгу нақароти)  
Ла бинг - да нү - шу

шк - рн, кхк OF - зинг - да  
тонт эр - мас - ким  
ни

га хар зах р(и) ханд ўл - ган - да ул бир ну  
ни

ханд эт - миш  
ни

хай жо - ии - мо

VI хат Авжи Турж

(чолгу нақароти)  
Ла - би ла - лин ма

по - хат хо - ли бир - ла баҳ  
ра - вар күл - фон

(чолгу нақароти)  
Ме - нинг жо - ним  
ни

до - ги иш - к(и)бир - на баҳ  
ра - манд эт - миш.

VII хат

(о)  
(чолгу нақароти)  
Би - рав ким Сар - ви

дек, о - зо да ваш бүл - ди, бу бог ич - ра  
 (и) Ка - зо дех - ко ни хам сар - сабз, а  
 VIII ха  
 ни хам сар баланд эт - миш. (о) Ма  
 Ии рав - шан тут эй со - кий - ки, күнг - лум тий ра  
 кил - миш шайх, Да -  
 ми ф - сун би - ла бас - юм ан - га из - хо  
 панд эт - миш (чолгу нақароти) На -  
 во - ий. кеч ви - сол ум - ме ди-дин ким, ҳақ  
 ни бе - ҳад (ер ё - реј) За - ли - лу зо - р(и)ё - ринг -  
 -нат ази - зу ар - жу манд эт - миш  
 ни - мо о

Намудларнинг бошқа турлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Намуди Уззол кўпинча мақом ашула йўлларининг IV поғонасидан, Намуди Мухайяри Чоргоҳ ундан кейин уланса VI поғонадан бошлаб ижро этилади. Бошқа намудлар ҳам ўзлари уланган куйнинг тузилиши, лад асосларига қараб, турли ўзларига мос поғоналардан бошланади.

Мақом шўйбалари таркибига юқорида айтилган маълум намуд уланганида содир бўладиган ҳол бир намуд кетидан иккинчиси қўшилганда ҳам ҳисобга олиниши лозим. Агар бир мақом йўлида икки намуд, яъни Уззол ва Мухайяр намудлари киритилган дейилса, Намуди Уззол асосий куйнинг жумлаларига Ушшоқ воситаси билан ёки уларга бевосита уланади. Намуди Мухайяри Чоргоҳ Уззол воситаси билан асосий куйга қўшилади.

Намуди Мухайяри Чоргоҳ Зебо пари, Ушшоқ ва Уззол намудлари воситаси билан мақом йўлларида ишлатилади. (Баъзан ҳофизлар ашулани қисқартириш мақсадида Намуди Мухайярнинг ўзини куйга бевосита улаган ҳоллари ҳам бўлган. Лекин бу холда Мухайяр куйга силлиқ боғланиб кетмайди.) Намудларнинг ашула йўлларида гуруҳ шаклида ишлатилишига сабаб уларнинг бир-бирига силлиқ уланишини таъминлашдир. Намудлар шунга кўра қўйидаги тартибда олдинма-кейин келади:

Намуди Уззол – Намуди Мухайяри Чоргоҳ;  
Намуди Ушшоқ – Намуди Уззол – Намуди Мухайяри Чоргоҳ;  
Намуди Ушшоқ – Намуди Мухайяри Чоргоҳ;  
Намуди Сегоҳ – Намуди Ушшоқ – Турк;  
Намуди Сегоҳ – Турк;  
Намуди Сегоҳ – Намуди Наво – Намуди Ораз;  
Зебо пари – Намуди Мухайяри Чоргоҳ;  
Зебо пари – Намуди Наво;  
Намуди Ораз – Намуди Наво ёки аксинча;  
Намуди Баёт – Намуди Наво;  
Намуди Мухайяри Чоргоҳ – Намуди Дугоҳ.

Намудлар Шашмақомда энг муҳим масалалардан экан, ҳурматли ўқувчига осон бўлиши учун қўйида маҳсус жадвални келтирдик. Унда мақом, шўйбалар ва уларда қўлланган намудларнинг номлари ҳамда Юнус Ражабий тўплаб нотага олган олти жилдлик (Тошкент, 1966-1975) китобидаги тактлар ҳажми ва бетлари кўрсатилди.

№	Шўъбалар ва уларнинг шоҳобчалари	Намуд ва авжлар	Тактлар	Бетлар
<b>I. Бузрук</b>				
<b>Биринчи гурӯҳ шўъбалари</b>				
	Сарахбори Бузрук	а) намуди Уззол б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	147-212 213-287	51-52 52-54
	Талқини Уззол	а) намуди Ушшоқ б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	81-147 147-225	66-67 67-69
	Насруллои	а) авжи Турк	64-96	75-76
	Насри Уззол	а) намуди Ушинтоқ б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	34-57 58-85	86-87 87-88
	Уфари Уззол	а) намуди Ушшоқ б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	40-77 78-130	90-91 92-93
<b>Иккинчи гурӯҳ шўъбалари</b>				
I.	Мўғулчайи Бузрук	а) намули Уззол б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	31-76 77-128	95-96 96-98
	Талқинчайи Мўғулчайи Бузрук	а) намуди Уззол б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	69-127 127-189	100-101 101-102
	Қашқарчайи Мўғулчайи Бузрук	а) намуди Уззол б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	60-88 88-124	105-106 106-107
	Соқийномай Мўғулчайи Бузрук	а) намуди Уззол б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	31-58 59-90	108-109 109-110
	Уфари Мўғулчайи Бузрук	а) намуди Уззол б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	38-67 68-100	111-112 112-113
II.	Савти Сарвиноз*	а) намуди Ушшоқ б) авжи Турк	36-74 75-118	115-117 117-119
	Талқинчайи Савти Сарвиноз	а) намуди Ушшоқ б) авжи Турк	69-154 155-224	121-123 123-124
	Қашқарчайи Савти Сарвиноз	а) намуди Ушшоқ б) авжи Турк	31-76 77-109	126-127 127-128
	Соқийномай Савти Сарвиноз	а) намуди Ушшоқ б) авжи Турк	26-70 71-96	130-131 131-132
	Уфари Савти Сарвиноз	а) намуди Ушшоқ б) авжи Турк	32-74 75-111	133-134 134-135
III.	Ироқи Бухоро**	а) авжи Зебо пари б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	114-218 219-295	139-142 142-143
	Талқинчайи Ироқ	а) авжи Зебо пари б) авжи Турк	49-136 136-210	145-147 147-149
	Чапандози Ироқ	а) авжи Зебо пари б) авжи Турк	61-153 153-235	151-153 153-154
	Соқийномай Ирок	авжи Зебо пари	61-108	157-158
	Уфари Ироқ	авжи Зебо пари	48-95	160-161
IV.	Рок	намуди Уззол	55-107	163-164
	Талқинчайи Рок***	намуди Уззол	77-131	166-167
	Қашқарчайи Рок	намуди Уззол	37-52	169-170
	Соқийномай Рок	намуди Уззол	37-54	171-172
	Уфари Рок	намуди Уззол	23-46	173-174

\* Бу шўъба ва унинг қисмлари намуди Ушшоқ, явжи Туркдан кейин миёнхат воситаси билан туширилади.

\*\* Ироқи Бухоро (аниқроғи Бухорий)да Зебо пари Миёнхат воситаси билан туширилади.

\*\*\* Тожикистоннинг Москвада нашр этилган "Шашмақом" вариантида "Талқинчай Рок" Мустазод шаклида берилиб, "Мустазоди Рок" деб номланади. Булар орасида анча фарқ бор.

II. Рост				
Биринчи гурӯҳ шӯъбалари				
	Сарахбори Рост	а) намуди Сегоҳ б) намуди Ушшоқ в) намуди Уззол г) намуди Мухайяри Чоргоҳ	111-182 182-203 203-224 224-292	32-33 33 33 33-35
	Талқини Ушшоқ	а) намуди Ушшоқ б) намуди Уззол в) намуди Мухайяри Чоргоҳ	75-103 103-131 131-207	43-44 44 44-48
	Насри Ушшоқ	а) намуди Ушшоқ б) намуди Уззол в) намуди Мухайяри Чоргоҳ	32-44 45-57 58-90	51 51-52 52-53
	Наврӯзи Сабо	а) намуди Сегоҳ б) намуди Наво в) намуди Ораз	47-70 70-81 81-97	59-60 60 60-61
	Талқинчай Наврӯзи Сабо	авжи Зебо пари	69-126	63-64
	Уфари Ушшоқ	а) намуди Ушшоқ (Дунаср ўринида) б) намуди Уззол в) намуди Мухайяри Чоргоҳ	49-63 64-81 81-124	66-67 67 67-68
Иккинчи гурӯҳ шӯъблари				
I.	Савти Ушшоқ*	а) намуди Ушшоқ б) намуди Уззол	56-69 69-86	72 72-73
	Талқинчай Савти Ушшоқ	а) намуди Ушшоқ б) намуди Уззол	101-125 127-145	76 76
	Чапандози Савти Ушшоқ	а) намуди Сегоҳ б) авжи Турк	150-198 198-236	80-81 81-82
	Қашқарчай Савти Ушшоқ	а) намуди Ушшоқ б) намуди Уззол	53-62 63-72	84 84
	Соқийномаи Савти Ушшоқ	а) намуди Ушшоқ б) намуди Уззол	49-56 57-68	86 86
	Уфари Савти Ушшоқ	а) намуди Ушшоқ б) намуди Уззол	55-67 68-82	88-91 91
II.	Савти Сабо	авжи Зебо пари	28-75	93-94
	Талқинчай Савти Сабо	авжи Зебо пари	81-146	96-97
	Қашқарчай Савти Сабо	авжи Зебо пари	41-81	99-100
	Соқийномаи Савти Сабо	авжи Зебо пари	29-68	101-102
	Уфари Савти Сабо	авжи Зебо пари	45-92	103-104
III.	Савти Калон	авжи Зебо пари	32-59	106-107
	Талқинчай Савти Калон	авжи Зебо пари	49-125	108-109
	Қашқарчай Савти Калон	авжи Зебо пари	44-75	111-112
	Соқийномаи Савти Калон	авжи Зебо пари	29-65	113-114
	Уфари Савти Калон	авжи Зебо пари	29-66	115-116
<b>Иловав:</b>				
	Ушшоқи Самарқанд**	намуди Ушшоқ	117-330	155-160

\* Тожикистон вариантида бу шӯъба маълум даражада фарқ этади. Унинг асосий йўлида намуди Уззолдан кейин намуди Мухайяри Чоргоҳ кўшиб айтилади. Чапандоз қисми эса умуман учрамайди.

\*\* Бу ерда Ушшоқи Самарқанд Мухаммас (беш мисралик шеър) билан берилган бўлиб, аслида Зебуннисонинг "Инжост" радиғин шеъри билан айтиларди. Мухаммас билан айтилганида ашула жумлалари баъзи ўзгаришлар билан такрорлапиб, ашуланинг ҳажми ҳам кенгаяди. Ушшоқи Самарқанд намуди Уззолга ўхшаш жумлалар билан бошланниб Ушшоққа уланиб кетади. Ушшоқ жумла-

	Ушшоқи Ҳўқанд	а) авжи Зебо пари б) намуди Ушшоқ в) намуди Уззол	90-153 182-221 224-253	165-167 167-168 168-169
<b>Гулёр-Шаҳноз</b>				
	Гулёр	Ушшоқ шўйбаларининг турли кўринишлари		171-173
	Шаҳноз	намуди Ушшоқ (қайтариқлар билан)	11-50	174-176
	Чапандози Гулёр	намуди Ушшоқ	80-107	178
	Ушшоқ	Ушшоқ йўлининг турли варианatlари, намуди Ушшоқ ва Уззол унсурлари	54-225	179-184
	Қашқарчай Ушшоқ	намуди Ушшоқ (Ушшоқ варианatlари яна учрайди)	32-47	185
<b>III. Наво</b>				
<b>Биринчи гурух шўйбалари</b>				
	Сараҳбори Наво	а) намуди Ораз б) намуди Наво	117-152 155-189	34-35 35
	Талқини Баёт	намули Баёт (Дунасрга ўхашаш варианatlар тарзида)	82-226	43-45
	Насри Баёт	намуди Баёт (вариантлар тарзида)	33-91	49-54
	Орази Наво	а) намули Баёт б) намуди Ораз (вариантлар тарзида)	38-56 57-95	60-61 61-63
	Ҳусайниний Наво*	Дунаср	50-76	68-69
	Уфари Баёт	намуди Баёт	44-77	72
<b>Иккинчи гурух шўйбалари</b>				
I.	Савти Наво**	намуди Наво	79-104	80-81
	Чапандози Савти Наво	намуди Наво	63-208	80-86
	Талқинчай Савти Наво	намуди Наво	61-210	89-90
	Қашқарчай Савти Наво	намуди Наво	80-107	94-95
	Соқийномаи Савти Наво	намуди Наво	87-106	97-98
	Уфари Савти Наво	намуди Наво	86-114	101-102
II.	Муғулчай Наво	а) намуди Баёт б) намуди Наво	24-34 34-50	105-106 106-109
	Талқинчай Муғулчай Наво	а) намуди Баёт б) намуди Наво	57-83 83-119	108-109 109
	Қашқарчай Муғулчай Наво	а) намуди Баёт б) намуди Наво	35-45 46-58	111 111-112
	Соқийномаи Муғулчай Наво	а) намули Баёт б) намуди Наво	29-40 41-52	113 113
	Уфари Муғулчай Наво	а) намули Баёт б) намуди Наво	48-61 62-84	115-116 116

лари эса турли варианatlarda бир неча бор такрорланади. Уларнинг орасида шеърсиз айтиладиган таркибий қисмлар (вокализ – “ҳант”лар) тез-тез ишлатилади. Намуди Уззол эса жуда қисқа бўлиб, яна Ушшоқ жумлаларига уланиб кетади ҳамда фуровард билан якунланади.

\* Бу ўринда намуди Мухайяри Чоргоҳ қўшиб ашула яна ҳам тўлақонли чиқади.

\*\* Илгари бу шўйба “Савти Наво” деб номланса-да, иккинчи шоҳобчаси бўлмиш Чапандози Наво билан бошланар эди. Бундай ҳол мақсадга мувофиқ эмаслиги “Мақомлар масаласига доир” (Тошкент, 1963, 221-222 бетлар) номли китобимизда кўрсатилиб ўтилган эди. Мазкур “Савти Наво”нинг биринчи қисми Юнус Ражабий томонидан тикланди.

<b>III.</b>	<b>Мустазоди Наво</b>	а) намуди Баёт б) намуди Наво	72-147 147-189	118-120 120-121
	<b>Талқинчай Мустазоди Наво</b>	а) намуди Баёт б) намуди Наво	42-66 66-84	123 123
	<b>Қашқарчай Мустазоли Наво</b>	а) намуди Баёт б) намуди Наво	29-41 42-66	125 125-126
	<b>Соқийномаи Мустазоди Наво</b>	а) намуди Баёт б) намуди Наво	21-32 33-55	127 127-128
	<b>Уфари Мустазоли Наво</b>	а) намуди Баёт б) намуди Наво	30-48 48-69	129-130 130

**Иловав: Баётлар**

	<b>Баёт I***</b>	а) намуди Баёт б) намуди Наво	150-226 227-229	168-170 170
	<b>Баёт II</b>	а) намуди Баёт (икки марта) б) намуди Наво	49-102 103-135	174-175 175-176

**IV. Дугоҳ**

**Биринчи гурӯҳ шӯъбалари**

	<b>Сараҳбори Дугоҳ</b>	а) Зебо пари б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	111-179 179-258	36-37 37-38
	<b>Талқини Чоргоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	89-174	49-50
	<b>Насри Чоргоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	49-78	55-57
	<b>Ораси Дугоҳ</b>	Дунаср варианatlари		61-65
	<b>Ҳусайнини Дугоҳ</b>	Дунаср варианatlари		71-75
	<b>Уфари Чоргоҳ</b>	Намуди Мухайяри Чоргоҳ	25-79	75-77

**Иккинчи гурӯҳ шӯъбалари**

<b>I.</b>	<b>Савти Чоргоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	48-70	80-81
	<b>Талқинчай Савти Чоргоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	88-133	83-85
	<b>Қашқарчай Савти Чоргоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	45-67	85-86
	<b>Соқийномаи Савти Чоргоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	45-68	87-88
	<b>Уфари Савти Чоргоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	48-70	91-102
<b>II.</b>	<b>Муғулчай Дугоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	78-106	96-97
	<b>Талқинчай Муғулчай Дугоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	127-180	100-101
	<b>Қашқарчай Муғулчай Дугоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	66-94	103-104
	<b>Соқийномаи Муғулчай Дугоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	65-100	106-107
	<b>Уфари Муғулчай Дугоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	65-91	111-112
<b>III.</b>	<b>Қаландари Дугоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	103-128	114-115
<b>IV.</b>	<b>Самандари Дугоҳ</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	91-120	117-118
<b>V.</b>	<b>Сараҳбори Оромижон</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	81-134	120-121
	<b>Оромижон</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	117-161	124-125
	<b>Уфари Сараҳбори Оромижон</b>	намуди Мухайяри Чоргоҳ	47-71	128

\*\*\* Баётнинг III, IV, V қисмларидағи намудлар «Намуди Баёт»нинг маълум варианғарининг ривожидан иборат. Бу жилдга киритилган «Баёти Шерозий» ҳам шу баёт йўлларининг маълум варианти бўлиб, унинг кетига Ю.Ражабий «Соқийнома» усулида ашула йўлини басталагни.

<b>VI.</b>	<b>Чоргох I</b>	<b>Намуди Мухайяри Чоргох вариантлари</b>		<b>165-167</b>
<b>V. Сегоҳ</b>				
<b>Биринчи гурӯҳ шӯъбалари</b>				
	Сараҳбори Сегоҳ	а) намули Сегоҳ б) намуди Наво в) намуди Ораз	91-142 172-215 143-172	28-29 29 29-30
	Талқини Сегоҳ	а) намуди Наво б) намуди Ораз	113-147 148-186	41-42 42-43
	Насри Сегоҳ	а) намуди Наво б) намуди Ораз	47-60 61-77	48 48-49
	Наврӯзи Ҳоро	а) авжи Зебо пари б) намуди Насруллои	34-49 35-52	50-57 65-66
	Наврӯзи Ажам	авжи Турк	53-80	60
<b>Иккинчи гурӯҳ шӯъбалари</b>				
<b>I.</b>	<b>Мӯғулчай Сегоҳ</b>	<b>а) намули Сегоҳ б) авжи Турк</b>	<b>31-65 66-95</b>	<b>75-76 77</b>
	Талқинчай Мӯғулчай Сегоҳ	а) намули Сегоҳ б) авжи Турк	55-102 127-182	80-81 81-82
	Қашқарчай Мӯғулчай Сегоҳ	а) намули Сегоҳ б) авжи Турк	31-53 62-80	83-84 84-85
	Соқийномай Мӯғулчай Сегоҳ	а) намули Сегоҳ б) авжи Турк	41-62 81-108	87-88 88
	Уфари Мӯғулчай Сегоҳ	а) намули Сегоҳ	60-75	91
<b>Иловав:</b>				
	Фигон	авжи Турк	98-165	135-136
	Нимҷӯпоний	а) намули Сегоҳ б) авжи Турк	72-113 133-183	146-147 147-148
	Илғор	авжи Турк*	59-104	151-152
<b>VI. Ирок</b>				
<b>Биринчи гурӯҳ шӯъбалари</b>				
	Сараҳбори Ирок	а) авжи Зебо пари б) намуди Мухайяри Чоргоҳ	112-174 175-248	35-37 37-38
	Мухайяри Ирок	намуди Мухайяри Чоргоҳ	40-68	49-50
	Уфари Ирок	намуди Мухайяри Чоргоҳ	28-40	60
	Чанбари Ирок	авжи Зебо пари	35-47	90-91
<b>Иловав:</b>				
	Ироқи Тошкент	намуди Мухайяри Чоргоҳ	158-265 266-354	96-98
	Чўли Ирок	намуди Мухайяри Чоргоҳ	120-182	125-126

\* Зебо пари кетидан V-VI хатларда лунаср шаклдаги куй тузилмалари келади. Улар Ҳусайнний Наво шӯъбасини эслатади. Бизнинг кўрсаткичда намуди Ҳусайнний Наво берилмаган. Мазкур аниула қисмини Намуди Ҳусайнний Наво дейилса тўғрироқ бўлади.

Баъзи намудлар, жумладан, Намуди Дугоҳ ва Турк ашуланинг энг катта авжи сифатида ишлатилиб, улардан кейин бошқа намудлар кўшилмайди.

Намудларнинг юқоридаги каби гуруҳ бўлиб келиш тартибидан маълумки, Намуди Ушшоқ, Намуди Сегоҳ, Зебо пари ва Намуди Уззол кўпинча намуд функцияси билангина чекланмайди, балки асосий куй ва бошқа намудлар орасида воситачи вазифасини ҳам бажаради. Буларнинг охирига бошқа намудларни ҳам улай бериш мумкин. Бир намуд кетидан иккинчисини улаш учун улар бир-бири билан ҳар томонлама мос бўлиши лозим. Масалан, Намуди Наво Турк, Уззол ва Мухайяр намудлари билан ҳеч вақт бирга келмайди; Авжи Турк эса Уззол, Мухайяр, Наво, Ораз, Дугоҳ ва бошқа намудлар билан қўшила олмайди. Чунки бу намудларнинг куй йўли ва ҳаракати бир-бирига мос кела олмайди.

Маълум мақом шўйбаларида муайян намудлар гуруҳи ишлатилар экан,- бунда бастакор-созандалар куйнинг йўналиши, унинг ҳиссий таъсири ва ички қонуниятларининг характеристига мос келишига катта аҳамият берганлар. Бу ҳол эса, мақом йўлларида намудларни гуруҳ қилиб ишлатилганлиги тасодифий эмаслигини кўрсатади. Мақом шўйбаларида ишлатилган ҳар бир намуд ашуланинг куй ривожланишида муҳим ўрин тутади, унинг шаклини кенгайтириб боради ва эмоционал мазмунининг чуқурлашишига катта ёрдам беради. Масалан, ўз таркибида Ушшоқнинг Дунаси, Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудларини мужассамлантирган Савти Ушшоқни олайлик.

Савти Ушшоқда куй даромадини юқори регистрда такрорловчи дунаср кетидан Намуди Уззол уланади. Бунда дунаср ашуланинг бошланиш қисмини кейинги намудга уловчи воситадир. Намуди Уззол ўз функциясини бажариш билан бирга, дунаср билан Намуди Мухайяри Чоргоҳни бир-бирига узвий боғлаб келади, шу билан бирга, ашула йўлининг ривожлана бошлиши, унинг шакл ва мазмунининг кенгайиб боришида ҳам иштирок этади.

### Мафойлун-мафойлун-мафойлун-мафойлун

— — — | — — — | — — — | — — —

Сабо афёрдан пинҳон ғамим дилдора изҳор эт,  
Хабарсиз ёрини ҳоли ҳаробимдан хабардор эт.  
Кетур ёдим анинг ёнинда гар кўрсангки қаҳр айлар,  
Хомуш ўлма яна рашином тақирибила такрор эт.  
Кўнгул ғам қунларин танҳо кечурма истаб бир ҳамдам,  
Ажал ҳобиндан афғонлар чекиб, Мажнуни бедор эт.  
Чу йўқ ишқ оташи бир шуъла чекса тоқатинг э нат,  
Бош оғритма, дами ишқ урма онжақ нолау зор эт.  
Бани парвона так раши ўдина эт шам ёндирма,  
Етар хуршиди рухсоринг чароги базми афёр эт.  
Грифтори ғами ишқ ўлали авворайи даҳрам,  
Ғами бана бундан батар, ё Раб, грифтор эт.  
Фузулий боҳмоқ ўлмас, ул кунаш ёдила хуршиди,  
На важҳила ким ўлса кун кечар, фикри шабитор эт.

# Савти ушшок

I хат

II хат

III хат Дунаср


IV хат Намуды ушшок

## V хат Намуди уззо



(чолгу нақароти)

Ги - ги - - ри ги-



ми ишк ў - ла - ли ая - во - ра - йи Бах - рам (чолгу нақароти) Ги



ми - иш - - ка ба - ни бун - дан ба - тар, ё - - раб. ги

## VI хат



риф - тор эт (чолгу нақароти)



Намуди Мухайяри Чоргох зу - лий бох - мок ўл - мас, ул ку наш ё - ди - ла хур - ши - ди



(чолгу нақароти) На - важ - хи - ля ки мүл - са кун ке



чар фиқ - ри ша - би тор эт (о)



(чолгу нақароти) Фу - зу - лий бох - мок ўл - мас, ул ку



напп. ё ді - за кур - ши - ши (о) я



ла кюм ўл - са (о) я



шап. ді - за ши - би - тор (о) я

Савти Ушшоқ Ю.Ражабий ёзиб олган нусхада икки сарҳат (даромад), дунаср, Намуди Ушшоқ, Намуди Уззол ва Намуди Мухайяри Чоргоҳнинг кичик унсуридан иборат. Тожикистон вариантида эса дунаср ўрнида миёнхат фойдаланилган ва Намуди Ушшоқ кварта даражасига пастлатилган. Мухайяри Чоргоҳ эса бу ерда тўлиқ берилади (келтирилган мисолда иккала нусхадан ҳам фойдаланилди, Намуди Мухайяри Чоргоҳ ва баъзи қайтариқлар қисқартирилди).

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, маълум шўйбанинг намуд сифатида фойдаланиладиган ҳисми куй таркибида юқори регитср (парда)ларда қайтарилиса, уни намуд дейилмайди, балки дунаср деб юритилади. Бу ерда Намуди Ушшоқ ва Намуди Сегоҳ истиснодир. Улар ўзлари ажратиб олинган шўйбалар таркибида ҳам намуд деб аталиши мумкин.

Бу ерда намуд билан дунасрнинг бажарадиган функциясида мавжуд фарқлар ҳисобга олинган бўлса керак. Ушшоқ ва Сегоҳ намудларининг ўзлари ажратиб олинган шўйбалар таркибида ҳам намуд дейилишига сабаб, улар дунасрга кўра қенгроқ бўлиб, намудлар функциясини бажаради, яъни Ушшоқ шўйбаларида намуди Ушшоқ Мухайяри Чоргоҳга ўтишда, Сегоҳ шўйбаларида Намуди Сегоҳ Авжи Туркка ўтишида ўзига хос воситачи вазифасини бажаради.

Яна шуниси характерлики, бошқа намудлар ўзлари олинган мақомнинг шўйбаларида ҳам “намуд” ҳисобланishi мумкин. Бунда шўйбалар бошқа ном билан аталиши ва куй қиёфаси жиҳатидан намудлар олинган шўйбалардан фарқ этиши лозим.

Масалан, Орази Наво шўйбасида, Уфари Баётда, Мустазоди Навода – Намуди Наво; Ҳусайнний Дугоҳ, Мўғулчай Дугоҳда (шохобчалари билан) – Намуди Дугоҳ; Мўғулчай Сегоҳда – Намуди Сегоҳ деб аталаши мумкин. Чунки бу шўйбалар ўзининг куй қиёфаси ва номланиши нуқтаи назаридан намудлар сифатида фойдаланиш учун ажратиб олинган шўйбалардан катта фарқ қиласи. Орази Наво ёки Орази Дугоҳ ҳам ўзлари мансуб бўлган мақомлар лад уюшмасига боғлиқ бўлса-да, куйнинг тузилиш қиёфаси уларда тубдан фарқланади. Шунинг учун уларнинг намудлари Орази Навода – Наво, Орази Дугоҳда - Зебо паридир.

Намудлар турли дойра усулларида шўйбаларда ҳам ишлатила беради. Юқорида уларнинг асосан Наср ва бошқа йўлларида тури мисол келтирилган эди. Намудлар Сарахбор, Талқин, Наср, Уфар ҳамда Савт ва Мўғулчаларнинг шохобчаларида турли дойра усулларига туширилиб, ритмик ва мелодик вариациялар сифатида ишлатилади.

Бундай ҳол ҳамма намудларда ҳам содир бўлади. Фикримизнинг далили учун мисол тариқасида намуди Уззолнинг бошланиш қисмини турли дойра усулларидағи намуналарини келтирамиз. Куйнинг лад-тоналлигига мосланниб олинганида, унинг характерига мослашиб, уланадиган поғонаси ҳам турлича бўлади. Намуди Уззол Талқин Чапандоз усулида тахминан қўйидағи шаклда бўлади:

cholgu naqaroti

Намуди Уззол Қашқарча усулида қуйидагича бўлади:

Намуди Узолнинг Соқийнома усулидаги кўриниши эса манна бундай:

Намуди Узолнинг Уфар усулидаги варианти қуйидагичадир:

Намудларнинг бу варианtlари ашуланинг дойра усулига қараб ўзгартирила беради. Шундай бўлса-да, намудлар мақом шўъбаларининг оригиналлигига путур етказмайди, балки уларнинг куй ривожланиши ва шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Умуман олганда, Шашмақомдаги шўъбалар (бу ўринда тароналар истиснодир) даромад ёки *сарҳат*, *миёнпарда* ёки *миёнхат*, *дұнаср*, *намудлар* (ҳар бир шўъбада бир нечадан келиши мумкин) ва *фуровард* ёки *туширим* қисмларидан ташкил топган.

Бу сарда *сарҳат* (даромад) ашула бошланишидаги жумлаларнинг ифодаси, *миёнхат* (*миёнпарда*) – ашуланинг *сарҳатидан* кейинги ва ўрта регистрда ижро этиладиган ашула жумлалари, *дұнаср* – ашуланинг бошланиш жумлаларини юқори регистрда тақрорланиши (Намудлар ҳақида айтилган эди), *фуровард* (*туширим*) – *миёнхатга* ўхшаш жумлалар бўлиб, ашула йўлининг охирги, якунловчи қисмидир. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, юқорида айтилганидек, бир байт шеър билан айтиладиган иккита ашула жумласи бир хат ҳисобланади.

Намудларнинг ишлатиш анъанаси тарихий йўсинда шаклланган. Бу анъана Ўрта Осиё ҳалқарида XIV асрларда кучайган бастакорлик санъатининг маҳсали сифатида бизнинг кунларгача давом этиб келди ва ўзбек-тожик ҳалқларидағи мақом жанрининг ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди\*. Макомларга кирмайдиган ўзбек-тожик ҳалқларининг кўпгина мумтоз мусиқа асарларида ҳам намудлардан баракали фойдаланилган, шунингдек, у ҳалқ созанда ва бастакорлари ижодида сўнгги кунгача катта ўрин тутиб келмоқда\*\*.

## ШАШМАҚОМ АШУЛА БЎЛИМИНИНГ БИРИНЧИ ГУРУҲ ШЎЪБАЛАРИ

Шашмақомнинг чолғу бўлимидаги куйлар бирин-кетин ижро этилгандан кейин унинг ашула бўлимидаги шўъбаларига ўтилади. Мақомларнинг биринчи қисмидаги шўъбалари – Сарахборлар, Талқинлар, Насрлар ва уларнинг тароналари ҳамда Уфарлар бирин-кетин ижро этилади. Дастлаб Сарахборлар тароналари билан ижро этилиб, Талқинларга ва уларнинг тароналарига ўтилади. Кейин Наср йўллари тароналари билан ўқилиб, Уфарлар ижро этилади. Шу билан охирги супориш орқали Шашмақом ашула бўлимининг биринчи қисми тугалланади.

Макомлар ашула бўлимидаги бу шўъбаларнинг биринчисидан иккинчи сига ўтишда узилиш бўлмаслиги учун “Супориш” деб аталадиган кичик шаклдаги ашула қисмларидан фойдаланилади.

*Супориш* – топшириш (топширув) демакдир. Бунда маълум мақом шўъбасининг ашула йўли, ҳаракати иккинчи шўъба йўлига топшириллади, яъни иккинчи шўъбага ўтилади. Супориш Сарахбор тароналаридан Талқинларга, Талқин тароналаридан Насрларга ва улардан Уфарларга ўтишда восита бўлади. Супоришларнинг яна бир вазифаси – мақом шўъбаларининг хоти-

\* Юқорида айтилганимиздек, Мавлоно Кавқабий ва Дарвиш Али рисолаларида келтирилган кўй ашула шакллари ва XV-XVI аср бастакорлик анъанасининг акс ўтирилиши бунинг далилидир.

\*\* Бу ҳақда қуйироқда тўхталиниади.

маси, якунловчи қисми бўлиб ҳам хизмат этади. Масалан, маълум бир шўйба ижро этилиб, тароналарига ўтилса, охирида супориш билан тушурилади. Тароналар эса, одатда ашула йўллари сифатида мусиқа мавзусини тугаллай олмагани учун қандайдир хulosса ясашга эҳтиёж туғилади. Шунда супоришлар “хulosалаш” учун хизмат этувчи ашула йўллари бўлиб келади.

Супоришлар кўпинча мақом шўъбаларининг ўзидағи маълум кўй қурилмаларидан олиниб, у ёки бу шўъбани хулосалаш билан бирга мақом ашула йўлларининг биридан иккинчисига равон ўтишини ҳам таъминлайди. Баъзан эса, бундай супоришлар тароналар деб ҳам ҳисобланаверади ва ўзларидан кейин уланадиган шўъбаларнинг дойра усулида ижро этилади. Бу билан мақом шўъбалари бир-бирига силлиқ үланиб кетади.

Юқорида айтилган ва олти мақомнинг ҳар биріда мавжуд бўлган отдош шўйбаларнинг эмоционал таъсири турлича бўлади ва ўзлари мансуб бўлган мақом йўлини акс эттиради. Уларнинг турли мақомларда бир хил ном билан – Сарахбор, Талқин, Наср ва Уфар деб номланишига сабаб, асосан дойра усули ҳамда уларга айтиладиган шеър вазнларининг бир хиллиги ва умумийлигидир. Бу шўйба номлари ўзлари мансуб бўлган мақомлар, баъзан шўйбалар номи билан қўшиб аталади. Масалан: Сарахбори Наво, Талқини Сегоҳ кабилар мақомлар номи билан, Насри Ушшоқ, Талқини Уззол, Уфари Чоргоҳ кабилар эса шўйбалар номи билан ифодаланиши мумкин.

Мақомларнинг шўъбалари айтим мусиқа асарлари экан, бунда шубҳасиз сўз (шеър матни) ҳам муҳим ўрин тутади. Шашмақом йўлларига айтилган шеърлар, асосан ишқий-лирик мазмундаги ва насиҳатомуз асарлар бўлиб келганини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Маълум мақом йўлига турлича ишқий мазмундаги шеърлар тушириб ўқилган. Шунинг учун уларни муайян бир сўз (шеър) билангина айтилади, дейиш нотўғри бўлади. Маълум мақом руҳи, тояси, мазмуни ва шеър ўлчови мос келадиган ҳар қандай шеърий асар туширилиб, ижро этила берган. Бу ҳол тарихда жуда кўп учраган ва тажрибада кўрилган (Мақомлар ижроси масаласи қисмига қаранг).

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўтмишда хонандалар ашуулалар-га мос шеър ўлчовларини маълум услуб воситаси билан аниқлаганлар. Шунга кўра шеър вазни юқорида айтилган дойра усулларининг ифодаси ҳисобла-нувчи ритм қисмлари (Тан-тана-тананан кабилар) орқали топилар эди. Ма-салан, Насри Ушшоқ шўъбасини олайлик ва унинг куй йўли ҳофизга таниш деб фараз қиласайлик. Ҳофиз “Танан, тананан” каби ритмик воситалар билан шу куйни хиргойи қилиб, унга мос шеър ва унинг ўлчовини топиб олади.



Агар шу ритм қисмлари бирлаштирилса, шсьр ўлчовига мос вазнни аниқлаш мумкин:

Танан-тан-тан-танан-тан-тан танан-тан-тан-танан-тан-тан

Мафо-ий-лун-мафо-ий-лун-мафо-ий-лун-мафо-ий-лун

— — | — — | — — | — — —

Үнга мос вазндаги шеър:

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрў шитоб айлаб,

Хироми суръатидан гул узо хайдин гулоб айлаб.

(Навоий)

Шеър ўлчови бўғинлари жихатидан ритм рукнларига мос келади ва Ҳаза-  
ж мусаммани солим, деб аталади. Шундай вазндаги шеър билан Наср  
шўъбалари тўлиқ ижро этилиши мумкин. Баъзи ҳофизлар Наср йўлларига  
бошқа вазндаги шсърларни ҳам тушириб ижро этганлар:

Мафоилун-фаилотун-мафоилун-фаълон

— — | — — | — — | — —

Биёки мажлиси хубони бовафо инжост,

Суруди мутриби риндони хушнаво инжост.

(Сайидо)

Шу вазндаги шеър билан айтилган ашула куй жихатидан ҳам баъзи ўзга-  
ришларга учрайди.

Агар турли вазндаги шеър билан айтилса шу каби ўзгаришлар мақомлар-  
нинг бошқа шўъбаларида ҳам содир бўлаверади. Мақом йўлларига айтил-  
ган шеърлар ўзбек, тоҷик ва озарбайжон адабиёти классикларининг энг яхши  
асарларидан танлаб олинган тоҷикча ва ўзбекча ғазаллар бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар  
фондида XIX аср ўрталарида Бухоро ва Хоразмда Шашмақом ашула йўлла-  
рига солиниб ижро этилган ғазалларни ўз ичига олган ўнлаб тўпламлар мав-  
жуд экани юқорида айтилган эди. Бу тўпламларда турли мақом йўлларига  
солиниб айтилган шеърлар, асосан, тоҷик тилида бўлиб, ўзбек тилида ҳам  
учраб туради. Мақомдан устозларнинг айтишларига кўра, мақом йўллари  
тингловчиларнинг эҳтиёжларига қараб тоҷикча ва ўзбекча шсърлар билан

алмаштирилиб куйланиб келинган. Тўпламлардаги ғазаллар асосан Саъдий (1184-1292), Умар Хайём (1040-1123), Камоли Хўжандий (вафоти 1390 йил), Ҳофизи Шерозий (вафоти 1389), Навоий (1441-1501), Бедил (1644-1721), Машраб (XVII аср боши), Сайидо Насафий (1707 ёки 1711 йилларда вафот этган), Зебуннисо (XVII аср), Нозим (XVII аср), Мушфиқий (вафоти 1588 йил), Амирий (XIX аср) ва бошқа шоирларнинг ғазалларидан иборат. Шашмақомга айтилган матнлар орасида муламмаъ деб аталаидиган шеър шакллари кўп учрайди.

Муламмаъ икки ёки уч тилдаги ғазалdir.

Масалан:

Эй, лабат пурханда-ў чашми сиёҳат маству хоб\*

Икки зулфинг орасинда ой юзингдур офтоб.

(Жомий)

Бундан ташқари, бир мисрада икки тилда ёзилган шеърларнинг бошқача турлари ҳам учрайди:

Гул юзингни кўрдим ман, пайкарам паришон шуд,

Эсладим ҳам у зулфинг, хотирам паришон шуд.

ёки

Чашми ту мастона-мастона,  
Дил бо ту девона-девона.  
Бўлайн ёр, этоким тутма,  
Борай мен майхона, майхона.

Мақомдонларнинг айтишича, мақом йўлларига айтиладиган шеърлар доимо янгилаб турилган. Ҳофизлар ўзларига манзур бўлган шеърлардан фойдаланганлар. Кекса халқ ҳофизи Шораҳум Шоумаровнинг айтишича, баъзан ҳофизлар маълум бир ашула учун бир нечадан шеър танлаб олар ва ўрнига қараб: тингловчилар савияси, таъбига мувофиқ айтар эдилар. Шеърнинг қайси тилда бўлишида ҳам тинловчи ҳисобга олинган: ўрнига қараб тоҷикча ва ўзбекча ғазаллар солиб ўқила берган. Ўзбекча ғазаллар танланганида Навоий, Фузулий, Ҳувайдо, Машраб, Амирий, Муҳаййир каби шоирларнинг ғазалларидан кўпроқ фойдаланиларди. Хоразмда эса Мунис ва Огаҳийнинг ўзбекча ва тоҷикча ғазаллари мақом ҳофизлари репертуарида катта ўрин тутарди.

---

\* Эй сенинг лабинг кулгига тўла-ю, қора кўзинг масти уйкуда ётганга ўхшайди; ой юзинг қора сочларинг орасида офтобдан порлайди; бу сенда қора соч – қора кечага, шу билан биргага инсоннинг қоронги қадбига ўхшатилиди. Маҳбубанинг юзи эса, қора кечани ҳам қоронги қалбни ҳам ёритувчи офтобдир.

## Айниқса Сарахборлар ва Талқинларда Фузулийнинг:

Ёраб, балойи ишқ ила қил ошно бани,  
Бир дам балойи ишқдан этма жудо бани, -

деб бошланадиган ғазалидан кўпроқ фойдаланаардилар.

Мақом шеърларининг иккки тилда ижро этиб келингани исботлашга муҳтож эмас. Мақом йўллари қайси йўлда ижро этилмасин, унинг мазмуни ва шакли ашула руҳига мос келиши шарт. Лекин, Тоҷикистонда нашрга тайёрланган тўпламларда мақомларга айтилган шеърлар фақат тожик тилида, “Ўзбек халқ мусиқаси” V томида эса деярли ўзбек тилида көлтирилгани тархий анъанага тўғри келмайди. Шундай бўлса-да, шеър мазмуни ва вазни ашула йўлига мос келганлигини ҳисобга олганда, бу фактларнинг ижобий томонини ҳам уқтириб ўтмоқ лозим.

Мақомларнинг ашула бўлимларида ишлатиладиган баъзи иборалар ҳақида ҳам гапириш лозим. Юқорида “куй” ва “ашула” қисмлари ҳақида ҳам айтиб ўтилган эди. Мақомдан ҳофизлар ашуланинг таркибий қисмларини даромад, дунаср, миёнхат, намуд иборалари воситаси билан тушунтириб келганлар. Бу эса ашула шаклини тасаввур этишини енгиллаштиради.

*Даромад ёки сарҳат* мусиқа асарларининг кириш қисми ёки бошланиши маъносидадир. *Миёнхат* ундан кейин келадиган ашула жумлалари, *дунаср* ашула бошланиш жумлаларининг юқори пардаларда такрорланиши, деб айтилган эди. Намудларнинг маъноси эса маълум. Бу иборалар билан ифодаланувчи ашула қисмлари ўз ҳажмига қараб, яна кичик бўлакчалардан ташкил топган. Мақом устозлари буни шеър мисралари ва байтлар воситаси билан ҳам бир-биридан фарқлаб келадилар.

Ашула жумласи, яъни бир мисра шеър билан айтиб тутатиладиган бўлаги ярим хат (нимхат), бир байт (икки мисра) шеър билан ижро этиладиган икки жумласи бир хат ҳисобланади. Дунаср ва намудлар икки-уч хатни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Ҳофизлар эса намудларни ашула ижроси жараёнида ўз хоҳиши билан қисқартириб ёки тўла ижро этиши мумкин. XVI-XVII аср мусиқа рисолаларида ишлатилган сарҳона, миёнхона иборалари сарҳат ва миёнхатнинг ўша давр мусиқа истилоҳидаги маълум варианларидир.

Шашмақом нота китобларига назар солинса, мақомчи-ҳофизлар белгилаган ашула таркибидаги хатларнинг рақамланганини кўриш мумкин. Ҳар бир хат иккита куй жумласидир. Мақом ашула йўлларининг ҳаммаси (намудлар ҳам) хатлардан тузилган дейиш мумкин.

*Сарахборлар*. Ҳар бир мақомнинг ашула бўлими Сарахбор деб аталадиган шўъбалар билан бошланади. Сарахбор икки сўздан тузилган бўлиб, “сар” – тожикча бош, бошланиш, “ахбор” арабча “хабар” сўзнинг кўплигидир, яъни сарахбор – ахборот берувчи бош куй, ашула, мақомлар ашула бўлимининг асосий, бош мавзуидир. Улар Шашмақомда турли мақомлар номи билан қўшилиб Сарахбори Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ ва Сарахбори Ироқ деб номланади. Са-

рахборларнинг такт-ритм ўлчови  $\frac{2}{4}$  (икки чорак) бўлиб, дойра усули икки хил ижро этилади.



Бузрук, Рост, Наво ва Дугоҳ мақомларининг Сарахборлари шу дойра усулларининг биринчи тури. Сегоҳ ва Ироқ мақомининг Сарахборлари иккинчи тури жўрлигида ижро этилади. Сарахборларнинг дойра усули содда. Шу сабабли куй тузилиши мураккаб бўлишига қарамай тингловчига тез етиб боради. Сарахборларга ўқиладиган ғазаллар қуидаги шсър вазнларига тўғри келади:

Музореи мусаммани ахраби макфуфи мақсур:

Мафувлу-фоилоту-мафоийлу-фоilon

— — ө | — ө — ө | ө — ө —

Мужтаси мусамман махбуни мақтуън мусаббағ:

Мафоилун-фаилотун-мафоилун-фаълун

ө — ө — | ө ө — | ө — ө — | —

Мутақориби мусаммани маҳзуф:

Фаувлун-фаувлун-фаувлун-фаул

ө — — | ө — — | ө — — | ө —

Рамали мусаммани маҳзуф\* :

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун.

— ө — — | — ө — — | — ө —

Сарахборларни ижро этишда мақомдан ҳофизлар ўз истеъодига қараб бошқача вазнларига шсърлардан ҳам фойдаланганлар.

Сарахборларнинг дойра усул суръати вазмини бўлиб, уларни ижро этиш жуда ҳам қийиндир. Шунинг учун ҳам уларни ижро этувчи ҳофизнинг овоз диапазони кенг, нафаси узун ҳамда чарчаб қолмайдиган бўлиши керак эди. Бундан ташқари, Сарахборларга хос мураккаб ва нозик ашула йўлларини ва уларнинг мазмунини тингловчига етказиш учун ҳофизда юксак маҳорат, тажриба бўлиши шарт, шу билан бирга, тингловчи ҳам мусиқа эшитиши бўйича малака ҳосил қилган бўлиши керак эди. Бу ҳақда ўтмишда мусиқа олимлари ҳам ўз фикрларини айтиб ўтганлар\*\*. Маълум даражада эшитиш қоби-

\* Бу вазнда илгари вақтларда Сарахбори Наво ижро этилганини Шашмақом шеър матнларига барисланган тўпламлардан билиш мумкин. Юқорида келтирилган шеър ўлчовлари ҳам ўша тўпламлар ва Шашмақом нота китобларидаги матнлар асосида олинди.

\*\* Маҳмуд Шерозий. Мусиқа илми ҳакида, Т. 1965 (Пу сатрлар муаллифи рус тилига таржима қилган. Қўллэзма).

лиятига эга бўлмаган шинавандага мусиқа асарлари стиб бормайди, албатта. Агар мақомларнинг ижросида ёки тинглашида шу омиллар стишмаса, эшитувчида Сарахборлар ҳақида нотўгри тушунча туғилиши мумкин. (Мақом усталаридан Борух Зиркиевнинг айтишича, Сарахборлар ижроси ва уларни ўрганиш оғир бўлгани учун устозлар мақомларнинг бошқа шўйбаларини ўргатиб, кейин Сарахборларга ўтганлар).

Сарахборлар жумлалари мақом ашула қисмларининг бош мавзун сифатида бошқа шўйбалар таркибида ҳам вариациялар сифатида учраб туради ва мақомларнинг ашула йўлларида жуда катта ўрин тутади.

Сарахборлар таркибий жиҳатдан кўринишда жуда мураккабдир. Уларда Шашмақомдаги бошқа шўйбалар сингари бир нечтадан намудлар учрайди. Жумладан, Сарахбори Бузрукла Намуди Уззол ва Намуди Мухайяри Чоргоҳ; Сарахбори Ростда Намуди Сегоҳ. Намуди Уззол ва Намуди Мухайяри Чоргоҳ; Сарахбори Навода Намуди Ораз ва Навонинг дунаси; Сарахбори Дугоҳда Зебо пари ва Намуди Мухайяри Чоргоҳ; Сарахбори Сегоҳда Намуди Ораз, Сарахбори Ироқ таркибида Зебо пари ва Намуди Мухайяри Чоргоҳ (баъзан Ироқнинг дунаси) учрайди. Мақомларни ижро этишда хонанда учун шу юқорида кўрстаилган намудлар билан кифояланиш ёки уларни тушириб қолдириш, баъзан бунга мос келадиган янги намудлар киритиш ихтиёрийдир. Баъзи ҳофизлар ўз имкониятига қараб, маълум намудлар қўшиб ёки мавжуд намудларни тушириб қолдириб, шу билан бирга уларни қисқартириб ўқишлари ҳам мумкин.

Сарахборлар ҳақида тўлароқ тасаввур олиш учун Сарахбори Навони кўриб чиқамиз.

### Мафувлу-фоилоту-мафойлу-фоilon

— — ө | — ө — ө | ө — — ө | — ө —

Сентек жаҳонда кўзлари айни бало қани?  
Ментек анинг балоси била мубтало қани?  
Эрнинг ақиқи гарчи жаҳонда ягонадур,  
Чсҳрам менгизли ҳам яна бир қаҳрабо қани?  
Кўзни ғубор тутти фироқингда йиглаю,  
Эрнинг тузиндин ўзга анга тўтиё қани?  
Лаълинг шароби бўлду кўнгул дардина даво,  
Бу дард жонҳа етти, вале ул даво қани?  
Юзумни олтун этти сенинг ишқинг, эй санам,  
Мундоғ бақирни олтун отар кимиё қани?  
Ҳуснинг закоти бергали бир қулни изласанг,  
Саккокитек бу дунёда бир бенаво қани?

# Сарахбори Наво

I хат

Сен - тек жа - хон - да күз - ла - ри ай - ни ба - ло ка - ни? Мен  
 тек а - ниңг ба - ло - си би - ла муб - та - ло ка - ни? (о)

(о) -  
 жо - ним) (чолгу накароти)

II хат Мибинаради

Эр - ниңг а - ки - ки гар - чи жа - хон - да я - го - на - дур, (о) -  
 Эр ниңг а - ки - ки гар - чи жа хон - да я - го - на - дур

(о)  
 чех - рам мен - ги - ли  
 хам я - на бир ках - ра - бо ка - ни (о) - хай е -  
 реff о хай. е - реff о  
 - о - о - о -  
 ним - мо о - о - о - off жо - ним - мо)

III хат

(чолгу накароти)  
 Куз - ни гу  
 бор - тут - ти фи - ро - киңг - да йи - ла - ю, (о)

(чолгу нақароти) Эр иңг тү - зин - дин ўз - га ан - го тү - ти - ё ка  
 жо - ни - мо) (чол -  
**IV хат Намуди Наво**  
 гу нақароти) Лаъ-линг ша - ро - би бўл-ди кўнгил дар-ди  
 на да - во (чолгу нақароти) Бу дард жон - га ет - ди ва  
**V хат**  
 ле ул да - во ка - ни? (чолгу нақароти)  
 Ю - зум - ни ол - тин эт - ти се нингиш - кинг, эй - са - нам  
 (чолгу нақароти) Мун дод ба - ко - ни ол - тин э  
 тар ки - м - (и) - ё ка - ни?  
 (п - )  
 е - реј, ё - реј  
 жо - ни - мо а - си - ринг ма

VI хак

Хуснинг за

ко - ти бер-га-ли бир      кул - тои ип - ла-санг      (о)

Сак - ко - кий-тек      бу дун - е - да бир бе-на-

во      ка - ни?      (о)      -      хай - ё - - реи      о -

хай - ё - - реи      о

о      -      жо - - ни

-мо - о      о

жо - ни - мо

Сарахбори Навода ашула иули бир хат билан бошланади. Уннинг иккинчи хати Миён парда, учинчи хати Намуди Ораз, тўртинчи-бешинчи хатлари Намуди Наво, олтинчи хати Миёныхат (парда)нинг такоррланиши ва ашуланинг туширилиш қисмидир (чолғу муқаддима тушириб қолдирилди).

Сарахбори Рост эса кичик бир чолғу муқаддимаси билан бошланади. Унинг бошланиши қисми иккита хатдан иборат. Учинчи хат - дунаср, тўртинчи хат - Намуди Сегоҳ, бешинчى хат - Намуди Уззол, олтинчи ва еттинчи хатлари эса Намуди Мухайяри Чоргоҳ, саккизинчи хат бир исча ашула жумлаларидан - куй ҳаракатини секин-аста тоникага тушишига олиб келадиган туширма кисм жумлаларидан тузилган (Мусиқачилар, ҳофизлар ҳозирда ашупла ва куйлар гаркибидағы күргина жумлаларни ифодалайдиган ибора-

ларни унугиб юборгандар. Шунинг учун бу ерда ноаниқроқ бўлса ҳам бошқа ифода воситаларидан фойдаланилди). Сарахбори Ростнинг куй қиёфаси ва унинг ташкил этган унсурларини шундай тасаввур этиш мумкин.

Бошқа мақомлардаги Сарахборлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос лад асоси, куй қиёфаси, таркибий унсурлари ҳамда таъсир кучи бор. Сарахбор шўъбалари орасида айниқса, Сарахбори Бузрук кишига юксак кўтаринки руҳ бағишлади. Сарахбори Наво эса Навонинг сурнай йўлларини эслатади. Бошқа Сарахборларнинг таъсир күни ва куй тузилмаси улар асосида яратилган баъзи машҳур халқ ашулараплан ҳам маълумдир. Масалан, Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган Чоргоҳ биринчининг куй шакли, ҳаракати, намудлари билан яхлит ҳолда Сарахбори Дугоҳга ўхшайди<sup>(3)</sup>. Сарахбори Сегоҳ ҳам эшигувчига таниш бўлган Сегоҳ ашуласининг худди ўзидир. Машҳур Бухоро Ироқи эса Сарахбори Ироқнинг айнан ўзидир\*. Бу ҳол Сарахборлар мақом шўъбалари ёки варианtlари яратилишида ҳақиқий “бош мавзу” бўлиб хизмат этганини кўрсатади.

Утмишда Сарахборлар мақомларни тавсифлаб ёзилган маҳсус шеърлар билан ижро этиларди. Масалан, Наво мақоми Сарахбори қуийдаги ғазал билан ўқилган:

Булбула шўрида дар саҳни чаман созад Наво,  
Тўтии ширин сухан дар анчуман созад Наво.

Сарахбори Сегоҳ:

Эй чанг пардаҳон Сифаҳонам орзуст,  
Вой нойи нолаи ҳуш сўзанам орзуст.

Сарахбори Бузрукда:

Биё муғаний, бигў аз мақоми Бузрук роз,  
Намой сирри ҳақиқат, ки дил кунам зи мач оз.

Сарахбори Ироқда:

Мутриб, навоз пардаи сози Ироқро  
Аз дил барор меҳнати дарди фирокро.

Сарахборларга айтилган бу ғазаллар лирик характерда бўлиб, мақом ва шўъбалар номи, кўпинча, сўз ўйини тарзида киритилади. Бу анъана Кавказий (XVI аср) даврида ҳам кучли бўлган эди.

\* УХМ, V жилд. Тошкент. 1959 йил; шу китобдан мақомларнинг Сарахборлари билан танишлаб чиқиши тасвия этилади.

Сарахборларнинг дойра усулидаги куй ва ашулалар ўзбек-тожик халқларининг оддий халқ мусиқа асарларида жуда кўплаб ишлатилган. Айниқса ҳозирги кунда ҳам бастакорлар ва композиторлар Сарахборлар услубида кўплаб мусиқа асарлари яратмоқдалар. Бинобарин, Сарахборлар пухта ишланган зоригинал мусиқа асарларидир. Мақомларнинг Сарахборлари ижро этилгандан сўнг, бевосита уларнинг тароналари уланиб кетади. Сарахборлар бошқа шўъбаларга қараганда кўпгина тароналарга эга. Тароналар Бузрук, Дугоҳ ва Ироқ мақомлари Сарахборларнинг ҳар бирида олтитадан, Сарахбори Ростда тўртта, Сарахбори Навода иккита, Сарахбори Сегоҳда еттита.

Сарахборларнинг тароналарида ҳам халқ куйлари унсурлари кўп учрайди. Тароналар мақом ашула бўлимининг биринчи қисмидаги шўъбалардан сўнг ижро этиладиган кичик шаклдаги ашула бўлиб, рақамлар билан ажратилади, яъни Сарахбори Бузрукнинг I-II-III ва ҳоказо тароналари каби аталаиди.

Тарона мусиқа истилоҳида куй ёки оҳанг маъносида келади. Аруз илмида эса, шеърнинг рубоний шаклини ифодаловчи номдир. Тароналарни ижро этишда, дастлаб, шу руноий вазнларидаги шеърлардан фойдаланилган. (Бу ҳақда қадимий мусиқа манбаларида ҳам бир неча бор айтилган). Кейинчалик ғазалларнинг бир қисми (тўрт мисраси) дан ҳам фойдаланилган. Тароналарнинг шеър матнлари орасида аруз формасига тушириб бўлмайдиган оддий халқ шеър ва қўшиқлари ҳам учраб туради. Тароналарда  $\frac{3}{4}$  (уч чорак) тект-ритм ўлчови жуда кўп ишлатилади. Шу ўлчовдаги дойра усули турлича зарб бирликлари билан ижро этилиши мумкин.




Бундай дойра усуллари Сарахбори Бузрукнинг I-II-III тароналарида, Сарахбори Ростнинг IV-таронасида, Сарахбори Дугоҳнинг II-III-IV-V тароналарида, Сарахбори Сегоҳнинг II-IV тароналарида ва Сарахбори Ироқнинг III-IV-V-VI тароналарида учрайди. Тект-ритм ўлчови  $\frac{4}{4}$  (тўрт чорак) дойра усулида бўлган тароналар Сарахбори Бузрукда (IV тарона) ва Сарахбори Сегоҳ (I тарона)да келади:





Сарахборларнинг тароналарида Талқин ва Чапандоз дойра усули ҳам кўплаб ишлатилган. Чунки Сарахборлардаги охирги тароналар Талқинларга ўтишда восита бўлган супоришлар вазифасини ҳам ўтайди ва тароналарнинг ранг-баранг бўлишини таъминлаш билан бирга, уларни кейинги шўъбага узвий равишда боғлайди. Талқин ва Чапандоз усуллари Сарахбори Бузрук V-VI таронасида, Сарахбори Дугоҳнинг VI таронаси (супориши)да, Сарахбори Сегоҳнинг VII таронасида келади.



Мураккаб  $\frac{3}{4} \frac{4}{4}$  такт-ритм ўлчовида бўлган дойра усули Сарахбор Ростнинг III таронасида келади:



Бу дойра усулининг бошқа варианти шундай ижро этилади:




Сарахбори Рост I таронасининг такт-ритм ўлчови содда бўлса-да, дойра усули жуда мураккаб – ўн олти тактни ташкил этади:




Сарахбори Рост, Сарахбори Наво ва Сарахбори Ироқнинг II тароналари, Сарахбори Наво Супориши; Сарахбори Дугоҳ ва Сарахбори Ироқнинг I тароналаридаги такт-ритм ўлчови жуда характерлидир. Бунда  $\frac{2}{4} \frac{3}{4}$  ва яна  $\frac{2}{4}$  такт-ритм ўлчовлари бирга қўшилиб, биринчи ва иккинчиси бир тектдан, учинчиси тўрт тектда навбат билан келади.

Дойра усули ҳам мураккаб.



Сарахбори Навонинг I таронаси эса насрлар дойра усулида ижро этилади:



Таронларнинг дойра усули турлича бўлганидек, уларга айтиладиган шеър ўлчовлари ҳам ҳар хил. Тароналарнинг куй тузилиши ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Улар катта-кичик шаклдаги ашула йўллари бўлиб, Сарахборлардагина эмас, балки мақом ашула бўлимининг биринчи қисмига кирувчи бошқа шўйбалардан сўнг ҳам бирин-кетин ижро этилади. Тароналарнинг орасида енгилроқ ашула йўллари бўлиши билан бирга, куй тузилиши ва ҳаракати нуқтаи назардан ижро этишда жуда оғир бўлган ашула йўллари ҳам учраб туради.


Тароналарда шўйбалардагидек намуд каби ашула қисмлари учрамайди (баъзан эса уларнинг кичик унсурларигина киритилиши мумкин). Шунинг учун уларнинг қиёфаси кўпроқ оддий шаклдаги халқ ашула йўлларини эслатади. Масалан, Сарахбори Бузрукнинг тароналарини олиб қарайлик. Бу тароналар ўзининг куй ҳаракати ва қиёфаси нуқтаи назардан жуда содда ва сўқимлидир. Сарахбори Бузрук тароналари учун куй ҳаракатида терция, квартада, квинта ва октава юқорига ёки пастга сакраш характерлидир. Унинг I таронасидаги биринчи жумласини олиб кўрайлик.



Баъзи мутахассисларнинг фикрича, ўзбек ва тожик куйлари асосий тоникадан бошланиб, секин-аста ривожланиб ўрта ва катта авжга чиқади-да, яна ўрта авж орқали тоникага қайтиб тушади; куй эса ёнма-ён поғоналар орқали ҳаракат қиласди; уларда сакрама ҳаракатлар бўлмайди. Бу мулоҳазалар мақомлар ва уларга яқин профессионал халқ куй ва ашулаларига тўғри келмайди. Мақом йўлларида сакрама ҳаракатлар кўплаб учрайди. Сарахбори Бузрукнинг I таронаси мақом тоникасига нисбатан VI поғонадан, II-III таронаси IV поғонадан, IV таронаси бир ярим октава (*ре I* октавага нисбатан *ля II* октава) юқоридан бошланади. Унинг V таронасида лад тоналлик бутунлай ўзгариб, мақом ладининг VII поғонасидан бошланади; Супоришда эса тоналлик яна дастлабки қиёфасига қайтиб, ашула йўли октава юқоридан бошланади. Шундай экан, мақом йўлларининг кўпларида тоника доим ўзининг асосий ўрнида бўлавермайди. Шунинг учун юқоридаги мақом таърифидаги қондани Шашмақом йўлларига нисбатан доим жорий эта бериш тўғри келмайди. Бундай ҳол юқорида айтилгандек, турли бир-бирига яқин тоналликдаги куйлар Шашмақомга бирлаштирилганлиги натижасида содир бўлган, деб ўйлаш тўғрироқ бўлади.

Мақомларда тоника масаласидаги ўзига хос хусусиятлар ўзбек-тожик халқ куйларида ҳам кўплаб учрайди. Масалан, машҳур халқ куйларидан

Шафоат, Фарғонача жонон, Тановар (вариант), Чаман ичра қаби ҳалқ куй ва ашулашари мутлақо тоникадан бошланмайди, балки лад асосининг бошқа поғоналаридан бошланиб, сўнгра тоникага тушади. Чунончи Шафоат куйининг биринчи жумласини олайлик, унинг тоникаси I октава *ми* нотасидир:



Мақом йўллари ҳамда оддий ҳалқ куйларидаги бу характерли белгилар ва уларнинг мелодик қиёфаси турли-тумандир. Мақомларнинг бошқа шўйбаларидаги тароналар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.


Тароналарнинг ҳусусиятларидан яна бири шуки, уларнинг кўпчилиги якка-якка ҳолда маълум бир ашула қиёфасини тўлалигича қоплай олмайди. Улар бирин-кетин ижро этилар экан, бир-бирини мазмунан тўлдиради, бойитади ва маълум қоидага асослангани ҳолда муайян бир туркумни ташкил этади. Бундай тузилма Сарахбор тароналарида гина эмас, Талқин ва Насрларнинг тароналари учун ҳам хосдир. Масалан, Сарахбори Бузрукнинг I-II-III тароналари ҳам бир-бирига уланиб, маълум бир туркумни ташкил этиши мумкин. Ундаги IV-VI тароналар эса, лад-тоналлик ва куй қиёфаси нуқтаи назардан ўзларидан олдин келган тароналардан тубдан фарқ қиласди. Лекин улар асосий тоникага қайтиб тушмайди, балки Супориш (VI тарона) воситаси билан Талқинни Уззолга уланиб кетади. Тароналар учун яна бир хос мисол – Насри Баётнинг I-II-III тароналаридир. Уларни тинглаганда уччала тарона бир-бирига сезиб бўлмайдиган даражада силлиқ уланади. Шунинг учун ҳам Шашмақомнинг Тожикистон вариантида Насри Баётнинг тароналари алоҳида-алоҳида қилиб берилган. Юнус Ражабий нотага олган Шашмақом вариантида улар қўшиб юборилган. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тароналар мусиқа асари сифатида жуда ҳам ранг-баранг. Улар бирин-кетин ижро этилганда бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

Тароналар атайлаб шундай ишланган бўлиши керак. Чунки жуда ҳам йирик шаклда бўлган Сарахбор, Талқин, Наср каби асосий шўйбалар якка ҳолда беш-үн беш дақиқагача ижро этилганидан кейин қандайдир енгилроқ, шўҳроқ усуулда айтиладиган ва тематик жиҳатдан хилма-хил бўлган ашула йўлларини тинглашга эҳтиёж туғилиши турган гап. Тароналар эса, турли дойра усуулларида ишланган ва қисқа байтлар солиб айтиладиган ранг-баранг, ёқимли ашула йўллари туркумидир. Улар вазмин ва улуғвор характердаги асосий шўйбалардан кейин ижро этилиб, уларга сайқал беради ва ашула мавзусини бойитади.

Ўтмис мусиқа рисолаларида бир хил мусиқа товуши ёки мусиқа асари такрорлана берса, кўнгилга тегиб қолиши, эшитувчини зериктириши

ҳақида гапирилади\*. Шундай экан, мақом йўлларини бирин-кетин яхлит ҳолда ижро этиш учун куй мавзуси, дойра усули, шеърий асос ва ашула қиёфаси ранг-баранг бўлиши лозим. Эшитувчи шундагина узоқ давом этувчи мақом йўлларининг ижросини зерикмай тинглайди. Ўтмишда мақомлар икки-уч соатлаб ижро этилган. Шунинг учун ҳам хар бир йирик шаклдаги мақом ашула йўлларига енгилроқ ёки шўхчанроқ тароналар боғланган бўлса керак.

Сарахборлар ва уларнинг тароналари куй қиёфаси, дойра усуллари, уларга айтиладиган шеър вазнлари, қўйдаги хос белгилари нуқтаи назаридан ўзбек-тожик ҳалқ қуйларига ҳамоҳангидир. Сарахборларнинг тракт-ритм ўлчови ва дойра усули ҳалқ қуйларида энг кўп тарқалган усуллардандир. Уларнинг дойра усули ҳалқ мусиқасида бир озгина ўзгаради, яъни Сарахборлардаги дойра усуллари ўрнига қўйидатича бўлиб келади:



Ҳалқ ашулаларидан “Сайдинг қўябер сайёд”, “Субҳидам” (варианти), “Ражабий I-II”, “Муножот I”, “Ҳожиниёз I-II”, “Чўли Ироқ”, “Дарёларнинг ул юзида” каби мақом йўллари асосида ишланган юзлаб ҳалқ мусиқаси асарларида шу усул қўлланилган. Тароналардаги дойра усулига мос келадиган жуда кўп ҳалқ куй ва ашулалари яратилган. Айниқса  $\frac{3}{4}$  тракт-ритм ўлчовидаги тароналар дойра усулида ижро этиладиган оддий ҳалқ қуйлари шулар жумласидандир.

Тароналарнинг куй ҳаракати ҳам характерли бўлиб, у содда шаклдаги ҳалқ қуйларининг айнан ўзидир ва улар орасида бундай ашула йўллари кўплаб учрайди. Сарахбори Бузрукнинг биринчи таронаси ҳалқ қуйларидан “Шод этай” ашуласига ўхшайди (музиқачилар бу ашуланинг асл номини унутганлар). Унинг II таронаси никоҳ тўйларида ижро этиладиган “Ёр-ёр”ларни эслатади, IV-V тароналари эса жуда ёқимли, нолали ашула йўлларидир. Сарахбори Ростнинг тароналари кўпроқ маълум куй мавзунинг ритмик ва мелодик вариацияси сифатида гавдаланган. Айниқса Сарахбори Навонинг тароналари бири иккинчисининг давомига ўхшаб силлиқ қўшиладиган ашула йўлларидир. Бошига мақомлардаги Сарахборларнинг тароналари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар баъзан ўзидан олдин келадиган таронадаги мавзунинг вариацияси бўлиб келади. Баъзидан бундай қуйларни яратиша бошқа мақом шўъбаларининг тароналаридан ҳам фойдаланилади. Лекин тароналар ўзлари мансуб бўлган мақом ёки шўъбаларнинг руҳи-

\* Маҳмуд Шерозий, “Дурратут-тоҷ”. ЎзР ФАПИ. Қўлёзмаси, инв. № 816, мусиқага оид қисми.

ни, уларнинг куй қиёфасини акс эттириши ва ўша мақом йўлларига ҳар тоналама мос келиши лозим.

Тарона куйлари таҳлил қилиб кўрилса, улар хилма-хил, мураккаб, баъзида куй қиёфасининг жуда ҳам оригинал хусусиятларга эга эканини кўриш мумкин. Бу нарса айниқса дойра усули мураккаб бўлган Сарахбори Ростнинг I таронасида яққол кўзга ташланади. Шу ва кейинги мисолларни тароналарнинг бошланиш қисмидан келтирамиз.



Сарахбори Навонинг тароналари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Унинг биринчи таронаси насрлар дойра усулида ижро этилиб, куй қиёфаси учун юқоридаги тарона сингари мураккаб ҳаракатлар хосдир.



Сарахбори Навонинг бу таронаси умуман Наво мақоми ва унинг Баёт шўйбалари тузилишини эслатади ва лад уюшмасида ҳам таянч погоналар бир хилдир. Лекин, бошқа мақом йўлларида бўлганидек, куйнинг тоналлiği ва лад асоси тез-тез ўзгариб туради, куйлар ичida модулляциялар мавжуддир.

Сарахбор тароналарида учрайдиган куйлар ҳаракати мураккаб бўлиши билан бирга, эшитувчига сенгил ва ҳуғчиқчақ кайфият бағишилади. Тароналарнинг ижодкорлари асарни яратишда эшитувчига ўнғай етиб боришини ҳам ҳисобга олганлар.

Сарахборлар тароналари билан ижро этилиб бўлгандан сўнг, мақомларнинг Талқин йўлларига ўтилади. Сарахбор тароналаридан Талқинларга ўтишда супоришлиар ёки Сарахборларнинг охирги таронаси воситачилик вазифасини бажаради. Талқинлардан олдин келадиган Сарахборларнинг супоришлиари, асосан талқин дойра усулида бўлади ва улар мақом шўйбаларидан кейинги қисмларга ўтишда замин ҳозирлаб беради.

**Талқинлар ҳақида.** Бу шўъбалар Ироқдан ташқари ҳамма мақомларда мавжуд ва Бузрукда – Талқини Уззол, Рост мақомида – Талқини Ушшоқ Навода – Талқини Баёт, Дугоҳда – Талқини Чоргоҳ. Сегоҳ мақомида эса Талқини Сегоҳ дейилади.


Талқин араб тилида “насиҳат этиш” деган маънода келади. Шашмақом шаклланишининг дастлабки даврларида Талқин ашула йўлларига насиҳатомуз ғазаллар айтилган ва шунинг учун Талқин номи билан берилган бўлса керак. Бундан ташқари, Шарқ халқлари мусиқасида Талқин дейилган дойра усули ҳам бор. Демак, ҳозирча бу шўъбаларга – Талқин дойра усулида насиҳатомуз ғазаллар билан ижро этилиб келинган ашула йўллари деган таъриф берамиз.

Талқинларнинг “насиҳат” мазмуни Шашмақомга айтиладиган XIX асрда тузилган шеър тўпламларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Талқини Навонинг шеър матни шундай берилади:

Агар бо мардуми доно нишини,  
Саросар аз ҳама боло нишини.  
Агар нодон бувад ҳамсүҳбати ту,  
Ҳамон беҳтар, ки ҳуд танҳо нишини.

(Агар доно киши билан ўлтирасанг, ҳаммадан кўра юксак обрўда бўласан. Агар ҳамсүҳбатинг нодон, билимсиз бўлса, бу ҳам яхши, чунки улар олдида танҳо, яъни ягона доно бўлиб ўлтирасан).

Талқинларнинг такт-ритм ўлчови ва дойра усули ним чорак ва уч чорак  $\frac{3}{8}$   $\frac{3}{4}$  ёки аксинча жойлаштирилган тартибдаги ўлчовда бўлади:



Бу дойра усули Шарқ халқлари орасида кўпроқ ўзбек-тожик халқ мусиқасига хос бўлган ўлчовдир. Талқинларга асосан, Рамали мусаммани маҳзуз вазнидаги шеърлар айтилади.

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун.



Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ҳонаңдалар Рамал вазнларининг бошқа турларида мос ғазалларни ҳам талқинларга тушириб айтиб келганлар. Талқин шўъбалари мақомларнинг салмоқли, улуғвор ва мураккаб усулдаги ашула йўлларидандир. Улар ўзининг куй қиёфаси, таркибий қисмлари ва куй

йўналишидаги ҳаракати жиҳатидан Насрлар ва Уфарлар билан ҳамоҳангидир. Дойра усуllibарининг ҳар хиллиги сабабли Талқин, Наср ва Уфарлар бир-бирларидан фарқ қиласи ва бу ҳол уларни оҳанг ўзгаришларига ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам Сегоҳдан ташқари ҳамма мақомларда Талқинлар ўша шўъбалар номи билан қўшиб аталади.

Ҳамоҳанг шўъбалар ва Уфарлар қўйидагилардир:

Талқини Уззол – Насри Уззол – Уфари Уззол;  
Талқини Ушишоқ – Насри Ушишоқ – Уфари Ушишоқ;  
Талқини Баёт – Насри Баёт – Уфари Баёт;  
Талқини Чоргоҳ – Насри Чоргоҳ – Уфари Чоргоҳ;  
Талқини Сегоҳ – Насри Сегоҳ – Уфари Сегоҳ.

Шундай қилиб, юқорида айтилган Талқин, Наср ва Уфарлар бир-бирининг маълум дойра усулига туширилган ритмик вариантиларидир. Масалан, Чоргоҳ шўъбаларининг бошланиш хатини олайлик.

Насри Чоргоҳ шаклида у шундай (унинг чолғу қисми тушириб қолдирилган).



Насри Чоргоҳнинг шу қисмини Талқин дойра усулига туширилганда Талқини Чоргоҳ ҳосил бўлади.



Талқин усулига мослашда ашула йўли баъзи ўзгаришларга учрайди. Бироқ ашуланинг жумлалари ўз қиёфасини куй ҳаракати жиҳатидан бошқа дойра усулида ҳам сақлаб қолади. Уфари Чоргоҳ эса қўйидагичадир:






Юқорида келтирилган мисоллардан күриниб турибиди, Уфари Чоргоҳ, Чоргоҳ шўйбаларида мажуд бўлган куйлардан анчагина фарқ қиласди. У Ҳусайниний Дугоҳ Уфаридир. Масалан, кўрсатилган Уфари Чоргоҳ куй негизини Дугоҳ мақоми шўйбаларидан бўлган Ҳусайниний Дугоҳнинг бошланниш қисмига таққослаб кўрайлик:

(чолгу нақароти)

Шундай қилиб, Уфари Чоргоҳ куй таркибида мавжуд бўлган намудлари жиҳатидан ҳам Ҳусайниний Дугоҳ Наср шўйбасининг вариантидир. Шунинг учун ҳам Уфари Чоргоҳни Уфари Ҳусайниний Дугоҳ деб аташ ўринлироқ бўлади. Уфари Чоргоҳнинг бошқа варианти ҳам мавжуд бўлиб, Чоргоҳ йўлларининг вариантидир. У қуидагичадир:



Талқин, Наср ва Уфарлар доим вариация сифатида бир-бирига куй элементлари ва ҳаракати нуқтаи назаридан ҳамоҳангdir.

Уззол, Ушшоқ, Баёт шўйбалари Уфар усулида жуда кам ўзгаради Шундай қилиб, Талқин куй қиёфаси Наср ва Уфарлар билан бир хил бўлиб, ашуланинг таркибидаги шаклий қисмлари (хатлари, намудлари) ўзгармасдир. Шу сабабли Талқинлар таркибий қисмини Насрлар ёки Уфарлар орқали ҳам билиб олиш мумкин бўлади.

Талқин ашула йўллари эшитувчига турли ашулалар воситаси билан жуда ҳам танишдир. Талқини Уззол “Фарҳод ва Ширин” мусиқали\* драмасидаги

\* Ю. Ражабий ва Г. Мушель мусиқаси.

“Ул пари” ариясидир; Талқини Баёт эса ҳофизлар томонидан жуда күп ижро этилиб келадиган машхур ашула йўлларидандир. Талқини Чоргоҳ ҳам (“Не наво соз айлагай”\* ашуласининг бир варианти) концерт репертуарида күп ижро этилиб келинади.

Талқин дойра усулига турли ритмик асосда бўлган ашула йўллари ўнгайлик билан тушаверади. Шунинг учун бошқа дойра усуllibаридаги куй ва ашулаларни Талқин дойра усулига тушириб, уларнинг вариациялари амалиётда кўп ишлатилади. Бастакорлар ижодида Талқин ёки Чапандоз дойра усулида ишланган мусиқа асарларининг кўплаб учраши фикримизнинг далилидир.

Талқинлар қиёфаси ва дойра усулининг мураккаб бўлишига қарамай улар халқчил, ёқимли ва жозибали ашула йўллариридир. Айниқса Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи қисмига киравчи шўъбалардаги Талқинча шакллари халқ орасида кенг тарқалган.


Талқинларнинг тароналари учун кўпинча Сарахбор тароналарининг маълум вариантлари ҳам фойдаланилади. Ҳар бир мақомда Талқин йўллари-нинг биттадан таронаси бўлиб, улар баъзан Насрларга ўтишда супоришлар вазифасини ўтайди.

Талқини Уззол ва Талқини Баёт таронасидан кейин максус супоришлар келади. Талқини Ушиюқ, Талқини Чоргоҳ, Талқини Сегоҳ шўъбаларида эса тароналарнинг ўзи супоришлар вазифасини ўтайди. Супоришлар ва уларнинг вазифасини ўтайдиган тароналарнинг такт-ритм ўлчови ва дойра усули бир хил, яъни улардан сўнг ижро этиладиган Наср шўъбалари дойра усулида бўлади (Насрларга ўтишдаги супориш ёки тароналарнинг дойра усули юқорида келтирилган эди).

Супоришлар бир мақомнинг шўъбасидан кейингисига бевосита уланишида восита экан, улар ўзларидан сўнг келадиган шўъбалар дойра усулида бўлади. Ҳатто улардаги пардалар ҳам бир-бирига мос келади, кўпинча ўзлари мансуб бўлган шўъбалар куй материалларининг маълум дойра усулидаги вариантлари ҳисобланади. Лекин тароналарнинг ҳаммасини ҳам оригинал асарлар деб бўлмайди.

Мақомларнинг маълум шўъбаларида учрайдиган тароналар бошқа шўъба тароналарининг куй мавзууда фойдаланилиши ҳам мумкин. Бунда фойдаланилган тароналарнинг лад асоси, унинг куй йўналишида бўладиган ҳаракат иккинчи мақомдагига мос қилиб олинади. Масалан, баъзи Талқинларнинг тароналари Сарахбор тароналаридан олиниб, қайта ишланган ашула йўллариридир. Шу жумладан, Талқини Уззол таронаси Сарахбори Бузрукнинг иккинчи таронасининг айнан ўзидир. Бунда фақат уларнинг тоника (бошланиш парда)сидагина фарқ бўлиб, ашула қиёфаси бир оз ўзгартирилган, холос. Масалан, Сарахбори Бузрукнинг II таронасидаги бошланиш ҳатини олиб кўрайлик:

\* Талқини Чоргоҳ Андижон вилоят театри саҳнага қўйған Хуршид ва Жабборовларнинг “Лайли ва Мажнун” мусиқалий трамасида Қайс арияси сифатида ҳам фойдаланилган.



Худди шунингдек, куй жумлалари Таронаи Талқини Уззолда ҳам учрайди. Бу ўринда юқоридаги куй бўлаги квинта пастдан бошланади. Дойра усули ҳам, суръати ҳам ўзгармайди.



Талқини Ушшоқнинг таронаси ҳам Талқини Уззол таронасининг маълум вариантидир ва улар дойра усули ва куй йўналишидаги ҳаракати нуқтаи назардан бир-бирига жуда ҳам ўхшайди.

Талқини Баёт таронаси усул ва куй қиёфаси жиҳатидан ўзи мансуб бўлган шўйбанинг – Талқини Баётнинг давоми, деса бўлади.

Талқини Чоргоҳ таронаси эса айнан бир вақтда Супориш вазифасини ҳам ўтагани учун Насри Чоргоҳ усулида  $\frac{6}{4}$  ва унинг куй оҳанглари асосида яратилган. Талқини Сегоҳ таронаси ҳақида ҳам шуни айтиш лозим. У Насри Сегоҳнинг куй вариантидир. Шундай қилиб, Талқинларнинг тароналари кўпинча насрлар усулида келади, бунда улар супоришлар функциясини бажаради.

**Насрлар ҳақида.** Одатда Сарахбор ва Талқинлар тароналари билан ижро этилганидан кейин Насрларга ўтилади. Насрлар Шашмақом ашула бўлимида энг кўп сонни ташкил этувчи шўйбалардир. Улар ҳар бир мақомда учрайди ва олти мақом бўйича ҳаммаси бўлиб 14 тадир. Насрлар:

Бузрук мақомида – Нусруллоий, Насри Уззол;

Ростда – Насри Ушшоқ, Наврўзи Сабо;

Навода – Насри Баёт, Орази Наво, Ҳусайнний Наво;

Дугоҳда – Насри Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Ҳусайнний Дугоҳ;

Сегоҳда – Насри Сегоҳ, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам;

Ироқ мақомида эса Мухайяри Ироқ, деб юритилади.

Наво ва Дугоҳ мақомлари Наср йўллари орасида Ораз ва Ҳусайнний номлари билан машҳур бўлган шўйбалар учрайди. Уларнинг куй мавзуи ўртасида қандайдир бир умумийлик бор. Ораз Наво мақомида Орази Наво, Дугоҳ мақомида Орази Дугоҳ деб аталалади.

Ораз шу икки мақомнинг лад товушқаторларига мослаб олинган бир хил ашула йўлидир. Ҳусайнний ҳам худди шундай: Наво мақомида Ҳусайнний Наво,

Дугоҳда Ҳусайнийи Дугоҳ деб номланади. Ораз ва Ҳусайнийларнинг икки турли мақом лад товушқаторларига мослаштирилиши орқали куй мавзуи баъзи ўзгаришларга учрайди, шу билан бирга, у ёки бу мақомга хос намудларнинг уланиши учун имконият туғилади. яъни Орази Навода – Ораз Дунаси ва Намуди Наво, Орази Дугоҳда – Зебо пари, Ораз намудининг ўзи, Ҳусайнийи Навода ва Ҳусайнийи Дугоҳда – Зебо пари авжлари учрайди.

Насрларнинг номларидан ҳам маълумки, уларнинг баъзилари наср номи билан қўшиб аталади; Наврўзи Сабо, Орази Наво, Ҳусайнийи Наво, Орази Дугоҳ, Ҳусайнийи Дугоҳ, Наврўзи Хоро ва Ажам, Мухайяр Ироқ шўъбалари эса “Наср” ибораси иштирокисиз аталади. Бу масалада катта чалкашликлар бор.

Мақомдон ҳофизлар сўнгги даврларда наср йўлларини нотўғри атай бошлиғанлар. Кўпгина Шашмақомга доир қўлёзма манбалардан маълум бўлишича, “Наср” сўзини шўъбалар номи билан қўшиб номланиши нотўғри, мақомлар билан бирга қўшиб аталиши керак. Масалан, Насри Бузрук, Насри Рост, Насри Наво каби. Чунки агар Насри Уззол, Насри Ушшоқ, Насри Баёт, Насри Чоргоҳ дейилса, уларнинг мантиқий маъноси бузилади. Уззол, Ушшоқ, Баёт, Чоргоҳ каби иборалар мақом шўъбаларининг номи бўлиб, уларнинг ўзи турли мақомларга кирадиган наср йўлларидир. Масалан, Насри Ушшоқ дейилса, Ушшоқ шўъбасининг насли маъноси чиқади. Ваҳодланки қўлёзма манбаларида айтилганидек, кенгроқ шарҳ этилганда: “Рост мақомининг наср шўъбаларидан бири -Ушшоқ” деб тушунилиши лозим. Лекин мусиқа истилоҳида насрларнинг юқорида келтирилган номлари ҳофизлар томонидан расм бўлиб кетган экан, биз бунга тузатиш киритмай, юқорида келтирилган шаклда улар хақида сўз юрита берамиз<sup>(4)</sup>.

Наср сўзи арабча сўз бўлиб, “кўмак” ёки “зафар” маъноларида ишлатилиди. Насрларнинг асл моҳиятига қараб ўтмишда зафар ашуласи сифатида қўлланилган, деган фикрга келиш мумкин. Маълумки, Ўрта Осиёда ўзаро феодал урушлари, босқинчиллик урушлари Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тез-тез бўлиб турадиган ҳодиса эди. Бундай курашларда халқ ва ерлик давлатлар кўпгина зафарларни қўлга киритганлар. Бундай тарихий ҳодисалар мусиқа маданиятида, хусусан, мақомларда ҳам ўз аксини топган бўлса, эҳтимол. Наср шўъбалари эса, дастглаб Суворий ашула йўллари каби, ўша ҳодисаларнинг мусиқа маданиятидаги ифодаси сифатида майдонга келгани учун Наср номи билан аталган бўлса керак.

Наср йўллари, айниқса, Наво ва Дугоҳ мақомларидаги Ораз номли шўъбалар тимсолида ўзининг “зафар” маъносини ифодалай олади. Орази Навонинг бошланиш жумласини олайлик:

(чолғу нақароти)

Бу ашула йўли ўзининг улуғвор қиёфаси билан кишига шижаат, тантанавор кайфият бахш этади. Лекин насрлар ўз замонасидағи шундай кайфиятларни нисбатан ифодалай олган бўлса-да, сўнгги даврларда уларга ишқийлирик ғазаллар солиб айтила бошланди. Бунга сабаб, Наср шўйбаларида лирик характердаги мусиқа асарларининг руҳи ва хусусияти ҳам мавжудлигидир. Улар тингловчига лирик кайфият ҳам бахш этади. Шу билан бирга баъзи Наср йўлларида жанговар руҳ ҳам сақланиб қолган. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” мусиқали драмаси яратилган эди. Бунда мусиқа муаллифлари Ю.Ражабий ва Г.Мушель бош қаҳрамон – Муқанна арияси учун Наср йўлларидан фойдаланганлари бежиз эмас. Бу ариядаги қўзғолончилар бошлиғи Муқанна (VIII аср) араб босқинчилари устидан вақтинча ғалаба қозонган ҳалққа қаратса Ушшоқ йўлида мурожаат этади ва бу ария ажойиб, жанговар руҳдаги умумий вазиятни очиб беришга катта ёрдам беради. Шу ариянинг бошланиши шундай эди:

А - гар о - дам з - санг ёв - дан кү  
зинт ё - ши тоңон - хон юл Бе - риб гам - лар га  
бар - дош сен у - нинг бағ - ри - ни гур - ен юл

Мусиқа муаллифлари Насри Ушшоқ билан Самарқанд Ушшоғининг унсурлари асосида Наср йўлининг ажойиб вариантини яратган эдилар.

Насрларнинг такт-ритм ўлчови  $\frac{6}{4}$  (олти чорак) бўлиб, дойра усули қуйидагича ижро этилади\*.



Мақомларнинг нота китобларида Насрлар, кўпинча  $\frac{2}{4}$  шаклида ёзилган бўлиб, нотанинг тактларидаги зарб бирликларига тушадиган ургулари нуқтai назаридан бу нотуғридир. Насрларда тект ҳажми дойра усулидаги зарбларга тенг бўлса дуруст бўлади.

Насрлар дойра усули ҳамда уларга айтиладиган шеър ўлчовлари нуқтai назаридан муайян бир принципда тузилган бўлиб, уларнинг куй ҳам лад асоси турли мақомларга хосдир.

\* Домла Ҳалим Ибодов қуйидагича ижро этарди:

Насрлар ижроси учун мақом устозлари турли вазндарни шеърларни танлаганлар. Бунда күпроқ “Хазажи мусаммани солим” деб аталған шеър вазни машхурроқ бўлиб, унинг ўлчови:

Мафойлун-мафойлун-мафойлун-мафойлун



шаклидадир.

Насрларга Ҳофизнинг шу вазндари:

Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро, -

деб бошланадиган ғазали жуда кўп айтилган. Унинг таржимаси:

Агар кўнглимни олсайди ўшал Шероз жонони  
Қора ҳолига бахш эткум Самарқанду Бухорони  
(А.Ҳайитметов таржимаси)

Ҳофизлар насрларда “Мужтаси мусаммани маҳбуни мақтуъи мусаббағ”, дейилган вазндари ғазаллардан ҳам фойдаланганлар:

Мафиулун-фаилотун-мафиулун-фаълон



Унинг юқоридаги ҳазаж баҳридан келтирилган ўлчови Наср ашула йўлларининг тўла ва силлиқ чиқиши учун жуда қулай бўлиб, мужтас ӯлчовида ижро этилганида эса, ашула ғазалдаги маълум бўғинларни чўзиш билан етказилади. Масалан, шу икки турли вазндари ғазалларнинг бир мисрасини Насруллоининг бир жумласига тушириб кўрайлил. Унинг иккинчи туридаги ғазал билан марҳум халқ ҳофизи Домла Ҳалим Ибодов айтар эди.

I

А - гар - он тур - ки ше - ро - зий ба

даст о - рад ди - ли мо - ро(ей) ва хоказо

II

Би - ё ки маж - ли - си ху - бо - ни

бо ва - фо ни - жост (эй) ва ҳоказо

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, ғазал вазни ўзгариши билан куй тузилишининг ҳам баъзи ўзгаришларга учраши турган гап. Лекин ўн олти ҳижолик Ҳазаж вазnidаги ғазал ашулашнинг ҳар томонлама мукаммал ижро этилишига имкон беради.

Насрлар куй тузилмаси анча мураккаб бўлиб, улар ёқимли ва жозибали ашула йўлларидир. Мақомларнинг бошқа шўъбаларидаги каби, насрлар таркибида ҳам турлича намудлар мавжуд ва улар наср ашула йўлларининг ривожланиши ва такомилланишида муҳим ўрин тутади.

Мақомлардаги насрлардан: Насруллойида – Авжи Турк, Насри Уззолда – Ушишоқ ҳам Уззол намудлари учрайди. Насри Ушишоқда – Намуди Уззол, Намуди Мухайяри Чоргоҳ, Наврӯзи Сабода – Сегоҳ, Наво, Ораз намудлари, Насри Баёт ва Орази Наво шўъбаларида – Наво, Ораз намудлари, Ҳусайниний Навода – Зебо пари авжи, Насри Чоргоҳда – Мухайяр, Орази Дугоҳда – Зебо пари, Дугоҳи Ҳусайнинида – Зебо пари ҳам Дугоҳ, Насри Сегоҳда – Наво ва Ораз, Наврӯзи Хорода – Ораз, Наврӯзи Ажамда – Насруллойи ва Турк, Мухайяри Ироқда Мухайяри Чоргоҳ намудлари ва авжлари учрайди.

Насрларнинг таркибий унсурларини тасаввур этиш учун эшитувчиларга таниш бўлган Насри Ушишоқни олиб кўрайлик.

Бу куй қиёфаси бошқа Наср йўллари каби жуда мураккаб тузилган бўлиб, энг характерли ашула йўлларидандир. Унинг бир бутун ҳолдаги ижросида куй унсурлари қўйидагичадир (мақом шўъбаларидаги ашула йўллари яхлит ҳолда бирин-кетин ижро этилганида мусиқа чолғулари билан бошланадиган муқаддима бўлмайди).

### Мафоийлун-мафоийлун-мафоийлун-мафоийлун

Тун оқшом келди қулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.  
Чекиб мужгони шабравлар киби жон қасдига ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.  
Қуёшдек чеҳра бирла тийра қулбам айлагач равшан,  
Менга титрама тушти, зарра янглиғ изтироб айлаб.  
Кулуб ўлтиридию илким чекиб ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб:  
“Ки эй зори балокаш ошиғим, менсиз нечукдурсан?”  
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.  
Чиқарди шишайи май, доги бир согар тўла қўйди,  
Ичиб, тутти манга, юз навъ ноз осо итоб айлаб.  
Ичиб, фарёд этиб тушдим аёғиға, бориб ўздин,  
Мени йўқ бодаким, лутфи онинг масти ҳароб айлаб.  
Аниким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

## Насри Ушшок

I xat

Тун ок - шом кел ди кул - бам со

ул гул-рух ши-тоб фи-лаб, (надчу накъзчи) хи

ро-ми сурь - а - ти маха-Ро у - зо хай-дин гу-

II xat

лоб ай - лаб (чолту нақароти) Че-киб муж- го ни

шаб - рав - лар      юз - бы жон      кас      ди - га      хан - жар.

ли - га зул - фи ан - бар - бо ри дин муш - кич

III кат Миёнхаты

ноб ай - лаб (чолғу нақароты)

ку-ёш-дек чех

бир - ла тий - ра кул - бам ай - ла-гач рав - шан

It is now over 10 years

мен - га ти т - рат

IV хат Ушшоқ Дунясри

(чөлғу нақароты)






ку люб. У - тур

ли - ю ил - ким

四

киб ё - ни - да ер бер - ди

(o)



## VII кат

ЖО - ИН - МО) (чолғу мұқаддымаси)

е - га бо-риб ўз о ё - ра

ни - мо) (чолғу нақароти) ме - ни иўк бо да - ким лут

фи о - инг мас ти ха - роб ай - лаб

рам

VIII кат

(чолғу мұқаддымаси) А - ни ким эл т(и)

кай васл - уй ку - си ши - рат (о - )

на - си - си - си на - си - си - си

на - си - си - си на - си - си - си

Насри Ушшоқ ташкил топган унсурлар, асосан, унинг бошланиш қисми – даромад тўрт мисра шеър билан айтилади. Миёнпарда (икки хат), дунаср (иккни хат) билан Намуди Уззол ва Намуди Мухайяри Чоргоҳга ўтилади. Кейин миёнхат орқали ашуланинг бошланғич жумлалари билан пастга тушилади. Ҳаммаси бўлиб, Насри Ушшоқ IX хатдан иборат. Фазалнинг баъзи байтлари ашулада шунинг учун ҳам такрорланади.

Насрларнинг ҳар бирини алоҳида олиб кўрилса, уларнинг ҳаммасида куй қиёфаси Насри Ушшоқдаги каби мураккабдир. Улар ҳам бошланишидаги хат, миёнхат (ўрта парда), дунасрлар ва намудлар воситаси билан тўлиқ бир шаклни олади. Насрлар таркибидаги намудлар ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Насрлар ёки мақомларнинг бошиша шўъбаларини ташкил этган бундай таркибий унсурларни ажратиб ола билиш, уларни тушуниб, онгли равишда тинглашининг гаровидир. Агар шундай бўлмаса, мақом йўллари ҳақибаги тасаввур ҳам нотўғри бўлиб, киши оромбахш, таъсирили ашула йўлларини тинглай олишдан маҳрум бўлиб қолади.

Наср йўлларининг баъзилари Талқинлар, Уфарлар билан ҳамоҳанг ва улар бир-бирига маълум ритмик вариацияси экани ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Лекин баъзан Насрлар таркибидан мавжуд бўлган намудлар Талқин ёки Уфарларда тушиб қолиши мумкин. Шундай қилиб, Насрлар ҳажм жиҳатидан ҳам йирик шаклдаги ашула йўлларидир. Масалан, Рост мақомидаги Наср йўлларидан Наврӯзи Сабо шўйбаси ўзининг таркибий унсурларининг кўплиги ва мураккаблиги билан тавсифланади. Бу мураккаб шўйба уч хат ашула жумлалари билан бошланиб, миёнпарда жумласига (бир хат), дунаср (бир хат) орқали Намуди Сегоҳ (бир хат), Намуди Наво (бир хат), Намуди Ораз (бир хат)га ўтади, шу билан миёнпарда (туширма қисм) орқали ўзининг бошланган пардасига қайтиб тушади. Баъзи ҳофизлар Наво билан Ораз намудларини тушириб қолдирадилар ва Намуди Сегоҳни тўлиқроқ қилиб ижро этадилар\*. Баъзи ижрочилар эса Намуди Сегоҳдан сўнг Намуди Ушшоқни ҳам улайдилар. Бу ҳол хонандалар мақомларни ижро этишда ижодий ёндошишларининг натижасидир. Шундай қилиб, Насрларнинг ҳаммаси ҳам энг пухта ишланган ашула йўлларидир. Улардаги намудларнинг функцияси ва ўрни Сарахбор ёки Талқин йўлларидан фарқ этмайди.

Насрлар мураккаб бўлишига қарамай ҳалқ ўртасида анча кенг тарқалган. Бунинг учун юқорида келтирилган Насри Ушшоқнинг ўзини олиш ҳам кифоя. Ушшоқ асосида унинг кўпгина вариантлари яратилган, Ушшоқи Самарқанд, Ушшоқи Ҳўқанд, Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган Ушшоқ варианти, ниҳоят сўнгги даврларда яратилган Ушшоқи Содирхон ва бошқалар. Уззол, Насруллойи, Баёт, Чоргоҳ, Ҳусайнӣ, Сегоҳ, Мухайяр шўйбаларининг турлари ҳақида ҳам шуни айтмоқ лозим. Улар эшитувчиларнинг севиб тинглайдиган ашулалари бўлибгина қолмай, бу шўйбалар асосида

\* . Бу таҳлил Тоҷикистонда нашрға тайёрланган Шашмақом тўпламига асосан келтирилди. Қаранг: Шашмақом, II жилд. Мақоми Рост, Москва, 1954 83-96 белгар. “Ўзбек ҳалқ мусиқаси”-нинг V жилдидаги (Тошкент, 1959) намудлар қисқартириб берилган: 243-248-бетларга қаранг.

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли водийларида Чоргоҳ, Сегоҳ, Баёт, Ҳусайнйиларнинг жуда кўп вариантлари ишланган. (Хоразм мақомлари ва Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган мақомлар асосида ишланган ашула йўлларига бағишланган бобларга қаралсин). Хоразмча “Ёринг унутма” ашуласи ҳам “Наср”лар услубида ишланган бўлиб, уларни турли суръатда ижро этиш мумкинлигидан далолат беради.

Наср йўлларининг машҳур бўлгани ва омма орасида кенг тарқалганилигининг яна бир далили шуки, баъзи ҳофизлар умуман мақомларнинг ашула бўлимини “наср” номи билан ҳам атаганлар. Бу наср йўлларининг Шашмақомда катта мавқега эга эканини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам Бухоро ва Самарқандда шу наср йўлларини ва бошқа ашула бўлимига кирган шўйбаларни айрим ҳолда ижро этадиган ҳофизлар “насрчи” ҳофизлар деб ҳам атаб келинган. Сўнгги даврларда Домла Халим Ибодов, Леви Бобохонов, Михаил Толмасов, Уста Шоди Азизов, Михаил ва Габриэл Муллақандов каби устоз – ҳофизлар репертуарида наср йўллари ҳам катта ўрин туттган эди.

Ҳар бир наср шўйбалари мустақил ашула йўллариdir. Уларнинг кўпида тароналар мавжуд бўлса-да, айрим Наср шўйбаларида жумладан, Наврўзи Сабо, Ҳусайнйилар (Наво ва Дугоҳда), Насри Сегоҳ ва Насри Уззолда тароналар учрамайди. Тароналар Наср йўлларида биттадан тўрттагача бўлиши мумкин.


Насрларнинг тароналари ҳам Сарахбор ва Талқин тароналари тартибида ишланган ва улардаги каби функцияни бажаради (Сарахбор қисмига қаранг). Насрларнинг тароналари кўпинча  $\frac{3}{4}$ ,  $\frac{4}{4}$  ва  $\frac{3}{4}$ ,  $\frac{4}{4}$  баъзан эса  $\frac{3}{4}$  бир марта ва  $\frac{2}{4}$  беш марта қайтариладиган жуда мураккаб тект-ритм ўлчовида келади. Насрларнинг тароналари ҳам ёқимли ва снгил ашула йўллариdir.

Насрларнинг тароналари орасида халқ ўртасида машҳур бўлган жуда кўп ашула йўллари учрайди. Буларнинг ичида характерли бўлган тароналарни мисол келтириш билан кифояланамиз.

Насри Ушшоқнинг I-II таронасини олайлик. Бу тароналар Ўзбек халқ мусиқаси V жилди ва Тожикистон вариантларида баъзи тафовутлар билан берилган.

“Ўзбек халқ мусиқаси”да (V жилд) I тарона шундай бошланади:

Тожикистон вариантида эса, шу мелодик тузилманинг бошланишида товшулар йирикроқ ҳолда берилиб, куй ўз ҳаракатида бешинчи тектдан бошлаб оқтавага эмас, секстага қўтарилиб, сўнг пастга қайтади.



Бундай ҳол ҳофизларнинг маълум бир ашула йўлини турлича ижро этиб келганинг оқибатидир. Бу эса ўз навбатида бир ашуланинг турли варианatlари пайдо бўлишига, унинг ижро этилишида қулайлик доирасини кенгайишига олиб келади.

Насри Ушшоқ I-II тароналарининг халқ варианtlари кўплаб учрайди. Бунда оғирроқ дойра усулида ижро этиладиган “Эй сабо” ашуласини кўрсатиб ўтиш лозим:



“Эй сабо” ашуласининг бошланиши Насри Ушшоқнинг I таронасига ўхшайди ва унинг авжида эса Авжи турк фойдаланилган. Насри Ушшоқнинг I-II тароналари асосида Хоразмда “Ҳануз” ашуласи юзага келган. (Тоника бир хил бўлсин учун мисоллар тароналар пардасида берилди).



Юқорида келтирилган тароналар асосида марҳум композитор Толибжон Содиқов “Гулсара” операсининг I-пардасидаги Қодир ариясини яратган эди. Бу ажойиб ария “Софиниб” деб бошланади ва қаҳрамоннинг ички туйғуларини муваффақият билан очиб бсрса олган. Шунингдек, Насри Баётнинг таронаси асосида Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган Баёт II яратилгандир. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шундай қилиб, Наср йўлларининг тароналари Шашмақомнинг катта қисмини ташкил этади. Улар жозибали, оромбахш ашула йўлларидир.

Шашмақом ашула бўлимининг биринчи қисмидаги Уфарлар эса Талқин ва Насрлар асосида ишланган, уларнинг маълум ритмик вариациясидир.

**Уфарлар.** Шашмақом ашула бўлимининг биринчи қисми тамомланишида айтиладиган Уфарлар маълум насрлардан ритмик ҳам мелодик вариация сифатида ишланган. Шунинг учун ҳам уфар олти мақомнинг ҳар бирида:

Бузрук мақомида Уфари Уззол, Рост мақомида Уфари Ушшоқ, Наво мақомида Уфари Баёт, Дугоҳ мақомида Уфари Чоргоҳ, Сегоҳ мақомида Уфари Сегоҳ, Ироқ мақомида Уфари Мухайяри Ироқ, деб номланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уфарлар дойра усулига туширилган ашула йўллари доимо ритмик вариация бўлиб қола олмайди, балки бошқа дойра усулига тушгандан кейин уларнинг ҳаракатидаги ўзига хос қонуниятларига бўйсундирилиб жуда катта ўзгаришларга учрайди. Айниқса Уфари Ироқда бу нарса жуда сезиларлидир.

Уфарнинг лугавий маъноси ҳозирча маълум эмас. Мусиқа назариясига бағишиланган манбаларда Уфар маълум дойра усулининг номи, деб кўрса-тилади. Халқ орасида эса бу ном Уфар дойра усулидаги шўх ва енгил куй-ларга нисбат берилган, халқ куй ва ашгула йўллари сифатида уларнинг дой-ра усули мақомлардагига нисбатан енгилроқ ижро этилади.

Уфарларнинг тект-ритм ўлчови  $\frac{3}{4}$  баъзан  $\frac{4}{4} \frac{6}{8}$ , дойра усули эса қуидаги чадир:



Шашмақом ашула бўлимининг биринчи қисмига кирган Уфарлар асосан, шу дойра усулларининг иккинчи турида икки хил вазнданги шеърлар билан айтилади.

**а) Рамали мусаммани маҳзуф:**

фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун  
—у—|—у—|—у—|—у—

б) Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуд:

мафуялу-мафойилу-мафойилу-фаувлун  
— — u|u — u|u — u|u —

Уларда баъзан бошқа вазнданғи ғазаллар ҳам фойдаланилиб келинган. Масалан:

а) Ражази мусаммани солим:

мустафилун-мустафилун-мустафилун-мустафилун  
— — — | — — — | — — — | — — — |

б) Рамали мусаммани маҳбуни мақсур:

фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилон

Лекин юқоридаги асосий ўлчовлардаги шеърлар билан уфарлар түлиқ ва силлиқ ижро этилади. Уфарлар Наср ва Талқин йўллари билан ҳамоҳанг, улар бир-бирининг маълум вариациялари, деб айтилган эди. Шу фикрнинг далили учун Баёт шўъбасининг бошлангич жумлаларини олиб қарайлик. У Талқин шаклида қуидагичадир:



Баётнинг шу қисми Насри Баёт шўъбасида қуидагичадир:



Худди шу ашула бўлаги уфар дойра усулига солинса, Уфари Баёт шакли ҳосил бўлади:



Маълум куй бошқа дойра усулига тусирилиб, вариант сифатида ишланганида куй йўли шу усул қонуниятлари ва хусусиятларига бўйсуниб маълум ўзгаришларга учрайди. Бундай ўзгариш айниқса Уфар усувларига туширилганда сезиларлидир.

Уфарлар кишида хушчақчақ кайфият уйғотувчи енгил ва шўхчанг ашула йўллари бўлгани учун ҳам жуда қадим замонлардан оммавий ашула сифатида ижро этилиб келинган. Уларни ижро этиш мақомларнинг шўъбалари ёки катта ашула йўлларига нисбатан снгилроқдир. Уфарлар ашулачилар ва ўйинчилар жўрлигида ҳам ижро этилади. Шунинг учун баъзи мутахассислар уфарларни “Шашмақомнинг ўйин қисми” деб ҳам ҳисоблаб келгандар.

Шашмақомдаги уфарларнинг куй қиёфаси Наср ёки Талқин шўъбалари-даги каби мураккабдир. Наср ёки Талқинларда мавжуд бўлган куй бўлаклари ва намудлари уларнинг уфарларида ҳам учрайди. Наср ва Талқинларнинг куй тузилиши, ҳаракати ва таркибий унсурлари Уфарларда вариациялар шаклида олинади. Лекин дойра усулини уфар усулига олиниши билан куйнинг мураккаблигига қарамай, рақс куйлари сифатида снгиллашади ва кишига хушчақчақ кайфият бағишлайди.

Уфарлар мақом туркумларининг энг сўнгги қисми бўлса-да, улардан кейин ҳар бир мақомнинг супоришлари ижро этилади. Уфарлардан кейин келадиган супоришлари, асосан, Сарахборларнинг маълум қисмидир. Демак, ҳар бир мақомда ашула йўли Сарахбордан бошланиб, унинг тароналарига ва супориш воситаси билан Талқинга, кейин супориш орқали Насрлар ҳамда уларнинг тароналаридан сўнг Уфарларга кўчиб, улар бир бутун ҳолда ижро этилади. Охири ҳаракат Сарахборларга топширилади, яъни уларга супориш қилинади. Булар Супориши Бузрук, Супориши Рост, Супориши Наво, Супориши Дугоҳ, Супориши Сегоҳ, Супориши Ироқдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу супоришлар Сарахборлардан турли йўллар билан олинган. Ҳар бир ҳофиз уларни ўз хоҳиши билан узун, қисқа ёки баъзи ўзгаришлар билан ижро этаверган. Гоҳо Супоришларни бутунлай тушириб қолдириш ҳоллари ҳам учрайди. Ҳозирги вақтда босилиб чиққан нота китобларида Супоринилар кўпинча Уфарларга қўшиб юборилган. Аксинча уларни алоҳида берилса дурустроқ ва аниқроқ бўларди.

Шундай қилиб, Шашмақом ашула бўлимининг биринчи (асосий) қисмига кирган шўъбалар бирин-кетин, узлуксиз равишда ижро этиладиган бутун бир туркумни ташкил этади. Бу шўъбалар Уфарлар в Супоришлар билан тугалланади. Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи қисмига бошқача характердаги шўъбалар киради.

## **ШАШМАҚОМ АШУЛА БЎЛИМИНИНГ ИККИНЧИ ГУРУҲ ШЎЪБАЛАРИ**

Шашмақом шаклланишининг дастлабки даврларида ашула бўлимининг биринчи гуруҳига киравучи Сарахбор, Талқин, Наср каби шўъбалар, улар-

нинг тароналари ва Уфарлар яратилган бўлса, кейинги йилларда Шашмақом таркиби бойиб борди, унга бастакор-созандалар янги-янги шўъбалар қўшдилар. Шашмақом маълум бир чегарада тўхтаб қолмади, балки ўз таркибий доирасини қенгайтириб борди. Шундай қилиб, Савт ва Мўғулчалар типида бир неча шўъбалар яратилди, булар Шашмақом ашула бўлиминг иккинчи қисмидаги шўъбалар гуруҳига киритилди.

Бу шўъбалар ҳақида ўтмишдаги мусиқага оид ёзма манбаларда ҳеч қандай маълумот сақланмаган. Бизнинг кунгача Шашмақом анъаналарини давом эттириб келаётган мусиқачи, ҳофиз ва бастакорларнинг фикрича, ашула, бўлиминдаги иккинчи қисмига кирувчи шўъбалар сўнгги вақтларда Шашмақом шўъбалари асосида яратилиб, унинг таркибига киритилган\*.

Бу фикрни Шашмақом бўлимининг иккинчи қисмига кирган шўъбаларнинг мелодик таркиби ҳам тасдиқлади. Савт ва Мўғулча каби шўъбалар Шашмақом ашула бўлиминг биринчи қисмига кирган шўъбалар асосида яратилган.

Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи қисмига кирган шўъбаларнинг ҳаммаси чолгу муқаддимаси билан бошланади. Чунки улар биринчи бўлим шўъбалари каби бирин-кетин ижро этилмайди. Савт ва Мўғулча туридаги шўъбалар мустақил равишда, ўз шоҳобчалари билан бирликда бирин-кетин ижро этилади.

*Савтлар ҳақида.* Иккинчи қисмга кирган шўъбалар орасида савтлар ҳар бир мақомда қуидагича номланади: Бузрук мақомида – Савти Сарвиноз\*\*\*, Ростда – Савти Ушшоқ, Савти Сабо, Савти Калон, Навода – Савти Наво. Дугоҳда – Савти Чоргоҳ дейилади. Улар Сегоҳ ва Ироқ мақомларида учрамайди<sup>(5)</sup>.

Савт арабча сўз бўлиб “товуш”, “оҳанг” ва “мусиқа товуши” маъноларида келади. Мусиқа истилоҳида унинг акс садо маъноси ҳам бор, яъни у тайёр бир куй ёки ашулага тақлид қилиниб, бастакорликдаги маълум қоидалар асосида жавоб тариқасида яратиладиган мусиқа асаридир. Бу қоидага биноан, асарнинг ишланиш услубида унинг қиёфаси, лад асоси, куй унсурлари, дойра усули бирлиги ҳал этувчи омиллардир. Фазалларни яратишда назирагўйлик анъанаси бўлганидек, Савтлар мақомларнинг асосий шўъбаларига назира қилинган ва улар негизида юзага келганилиги шубҳасизdir. Масалан, Насри Ушшоқ – Савти Ушшоқ, Наврўзи Сабо – Савти Сабо, Насри Чоргоҳ – Савти Чоргоҳ каби. Лекин Савтларнинг куй мавзуи бутунлай бошқачадир. Улар “жавоб” тариқасида ёзилган асарлар бўлса ҳам лад асоси, таркибий унсурлари, яъни намудлари ўзлари мансуб бўлган мақомларга мос келса-да, уларнинг куй мавзуи, бошланишидаги қисмлари эса ўзларининг отдош шўъбаларидан бутунлай фарқ этиши ҳам мумкин.

\* Бу ерда Ю. Ражабий, М. Тоғмасов, Ф. Шаҳобов, Р. Ражабий, Б. Зиркиев, Ё. Довидов ва бошқалар кўзда тутилди.

\*\* Сарвиноз – қадди-қомати келишган, гўзал, баъзи мутахассислар уни киши исмига нисбат берадилар ва ижодкорнинг исми (ёки таҳаллуси) деб ҳисоблайдилар. Савти Сарвиноз – гўзал қиёфага эга бўлган Савт маъносида ҳам бўлиши мумкин.

Шуниси эътиборлики, Савт сўзи манбаларда X асрдан бошлаб тилга олинади. XV асрларгача ёзилган мусиқий рисолаларда\* Савт сўзи умуман товуш, садо, баъзан эса мусиқа товуши маъноларида ишлатилади.

Савт сўзи куйларнинг шакли сифатида мусиқага билвосита боғлиқ бўлган XV аср ёзма манбаларида учрайди. Сўнгги даврларда эса, Кавкабий ва Дарвиш Алининг “Мусика рисола”ларида Савт мусиқа асарларининг бир тури бўлиб, унга маълум даражада тушунарли қилиб таъриф беришган. Бу ҳақда юқорида, бастакорлик анъанасининг баъзи масалаларига доир қисмида айтиб ўтилган эди. Савт Шашмақомнинг дастлабки варианatlари таркибиغا киритилмаган бўлса-да, у ёки бу мақомнинг Савти, деб айтила берган. Аммо бундай фикрлар Савтларнинг Шашмақом ашула бўлимидаги асосий шўйбаларга қанчалик яқинлиги масалани ҳал этишда ёрдам беради.

Савти Наводан бошқа Савтларнинг тект-ритм ўлчови беш чорак  $\frac{5}{4}$  бўлиб, дойра усули қуидагичадир:



Савти Наво эса Талқин дойра усулидадир:



Куй қиёфаси нуқтаи назаридан Савти Наво Авжи Туркнинг яратилишида асос бўлган, дейиш мумкин.

Савтлар бир хил, яъни Ҳазажи мусаммани солим вазнидаги шеърлар билан ижро этилади:

Мағоийлун – мағоийлун – мағоийлун – мағоийлун.  
— — | — — | — — | — —

Мақомдон ҳофизларнинг айтишича, ўтмишда Савтлар вазмин ва оғирроқ дойра усулида ижро этиларди. Улар жуда ёқимли, оҳангдор ашула йўлларидир.

Савтларнинг куй қиёфаси мақомларнинг асосий шўйбаларидаги каби анча мураккаб ва йирик шаклдаги ашулалардир. Улардаги куй ҳаракати мақомларнинг бошқа йирик шаклдаги шўйбаларидаги каби пастки пардалардан бошлаб, бир неча ашула хатлари орқали миёнпарда ёки дунасрлар орқали секин-аста поғонадан-поғонага кўтарилиб, ривожлана боради ва ўзларига мос келадиган намудлар билан авжга томон юксалади. Улардан сўнг ўрта пардадаги ашула жумлалари қисми воситаси билан ўзининг дастлабки нуқтасига қайтади (юқорида Савти Ушшоқ мисол келтирилган эди).

\* Форобий, Ибн Сино, Шерозий, Жомийнинг юқорида тилга олинган мусиқага доир назарий асарлари кўзда тутгилади.

Савтларнинг куй қиёфасида бўлганидек, улар таркибидаги намудлар ва авжлар ҳам турличадир. Масалан, Савти Сарвинозда – Намуди Ушшоқ ва Турк; Савти Ушшоқда – Намуди Уззол, Намуди Мухайяри Чоргоҳ; Савти Калон ва Савти Сабода – Зебо пари; Савти Навода – Турк\* ва Намуди Наво; Савти Чоргоҳда эса Намуди Мухайяри Чоргоҳ учрайди. Наво йўлларида Авжи Турк асосан кслмайди. Бу ерда Савти Наво куй мавзуи Наво мақомининг бошқа шўъбаларига ўхшамайди. Балки ўзига хос бўлгани учун Турк билан Намуди Навонинг келиши ҳам Савтларда умумий қоидадан мустаснодир.

Савтларнинг ашула йўллари куй ҳаракати жиҳатидан ўзига хос оригиналлиги билан мақомларнинг бошқа шўъбаларидан ажralиб туради. Айниқса бу ўринда Савти Сарвиноз ҳарактерлидир. Савти Сарвинозда куй жуда ҳам ҳаракатчан ва фаол йўналади. Савти Сарвинозни дойра усули жўрлигида тингланса унинг жадал ҳаракатини, оригиналлигини ва жуда мураккаб қиёфасини сезиш мумкин.



Савти Сарвиноз куйининг ривожланиши кузатиб борилса, унинг асосида Абдураҳмонбеги II яратилган экани яққол кўзга ташланади. Айниқса Абдураҳмонбеги II Савти Сарвинознинг Соқийномасига яқин келса, уфарини эса Абдураҳмонбеги уфарининг худди ўзи дейиш мумкин. Улар орасидаги фарқ шуки, Абдураҳмонбеги II да дойра усули суръати жонлироқ бўлиб, намудлар тушириб қолдирилган. Шундай қилиб, Абдураҳмонбегини Савти Сарвиноз асосида юзага келган енгилроқ варианти дейиш мумкин. Бошқа Савтларнинг ҳам турли вариантлари эшиутувчилар ўртасида жуда ҳам машҳур бўлган. Масалан, Савти Сабо билан Бебоқча\*\* ашуласидаги яқинлик, Савти Чоргоҳ билан ҳалқ орасида машҳур бўлган Чоргоҳ йўллари бунинг далилидир. Масалан, Савти Чоргоҳнинг ўзини олайлик. У шундай бошланади:

\* Баъзи мутахассислар Наво мақомида Турк ишлатилмайди, дейдилар. Лекин бу ерда Турк ҳисобланётган ашула қисми дунасрдан кўра ҳар томонлама Турк Авжига ўхшайди.

\*\* Бебоқ – жасур, дадил маъноларида келади. Бебоқча ашула йўлининг номланишида дойра усул суръати “дадил” бўлиши ҳисобга олинган бўлса керак.



Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган Чоргоҳнинг учинчиси эса, Савти Чоргоҳнинг дойра усули ва куй йўлининг маълум ўзгаришлар билан ишланган бир вариантидир\*. Халқ ашуларапидан Қаландар ва унинг Чапандози Савти Калон йўлининг худди ўзидир. Шунга ўхшаш мисолларни ҳар бир Савт йўли учун келтириш мумкин.

Савтлар ижро этилгандаи кейин уларнинг ритмик ва куй вариациялари бўлган Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар номли шоҳобчаларига ўтилади. Бу шоҳобчалар Талқинчан Савти Сарвиноз, Қашқарчай Савти Ушишоқ, Соқийномаи Савти Сабо, Уфари Савти Чоргоҳ каби ўзлари мансуб бўлган шўйбалар номи билан қўшиб аталади.

Талқинча ашула йўллари мақом шўйбаларининг Талқин дойра усулида ижро этиладиган ритмик вариациясидир. Бу иборадаги “ча” қўшимчаси кичрайтириш учун қўлланиладиган “қизча”, “қушча” каби маъноларда эмас, балки “талқинча” – талқин усулига мансуб, деган маънода келади\*\*. Қашқарча ҳақида ҳам шуни айтиш лозим. Шўйбаларнинг Қашқарча номли шоҳобчаларида эса ашула йўли бутунича олиниб, Ўрта Осиёда машҳур бўлган ва кўпроқ сафойилда чалиндиган “қашқарча” усулларидан бирига туширилиб, вазминроқ суръатда ижро этилади. Шундай қилиб, Савт ва Мўрулчаларнинг шундай дойра усулига туширилган ритмик вариацияси – қашқарча, яъни “қашқарча усулига мансуб” бўлган ашула йўллари юзага келади.

Қашқарчаларнинг тект-ритм ўлчови  $\frac{4}{4}$  бўлиб, дойра усули қуйидагичадар:



ёки сафойилда ижро этиладиган варианти шундай:

\* “Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган мақом йўллари” қисмига қаралсин.

\*\* Талқин дойра усули юқорида, мақомлар ашула бўлимининг биринчи қисмига кирган талқин шўйбалари ҳақидаги бобда айтиб ўтилган ёди. Талқинчаларда тект-ритм ўлчови  $\frac{3}{4}$   $\frac{3}{8}$  шаклида мураккаб бўлиб, баъзан у аксиянча  $\frac{3}{8}$   $\frac{3}{4}$  бўлиб ҳам келади.



Ҳофиз ва созандалар қашқарчаларнинг дойра усулини бошқача шаклларда ҳам ижро этиб келгандар. Бунда маълум ритмик вариантилар кузатилса-да, тект-ритмдаги ўлчов ўзгармайди.

Баъзан мутахассислар мақомлардаги қашқарча ашула йўллари қашқар - уйғур халқаридан кириб келган, деб нотуғри фикр юритадилар. Бу ерда куй йўли билан дойра усулини ажратиб олиш лозим. Қашқарча ашула йўлларида Савт, Мўғулча каби шўйбаларнинг куй йўли сақланиб қолади ҳамда уларнинг қашқарча дойра усулидаги вариантилари сифатида ижро этилади.

Қашқарча дойра усулининг ўзбек-тожик халқлари мусиқасига кириб қолганлиги табиий бир ҳолдир. Бу нарса Хитой (уйғур, қашқар) халқлари билан Ўрта Осиё халқлари орасида жуда қадимдан, минг йиллар давомида мавжуд бўлган маданий алоқанинг ва ҳамкорликнинг далилидир. Худди шунингдек, дойра усуллари ҳинд мусиқасида ҳам жуда кўп учрайди. Шарқ халқлари мусиқа соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорликда яшагандар. Шунинг учун ҳам улар мусиқасида лад асоси, дойра усуллари, куй таркибларига ўхшаш бўлган асарлар кўп учрайди\*. Бинобарин, уларнинг мусиқаси ўзаро муносабатларда янада камол топди.

Савтларнинг шоҳобчаларидан бири Соқийномалардир. Маълумки, ўзбек-тожик халқлари мумтоз адабиётида Соқийнома жанри маълум даражада ўрин эгаллаб келган. Йирик шоирларнинг девонларида Соқийномалар алоҳида қисм сифатида келарди. Шундай шеърлар билан ижро этиладиган ашула йўлари эса Соқийномалар тарзида юзага келган. Уларнинг шеър вазни кўпинча “Мутақориби мусаммани маҳзуф” дейилган ўлчовга мос келади:

Фаувлун-фаувлун-фаувлун-фаул  
○— | ○— | ○— | ○— |

Сўнгги даврларда эса Соқийномалар шу ўлчовга мос келадиган бошқа ғазаллар билан ҳам айтилиб келган. Соқийномаларнинг тект-ритм ўлчови  $\frac{4}{4}$  бўлиб, дойра усули қўйидагичадир:



Соқийномаларнинг дойра усули халқ орасида жуда ҳам машҳур бўлиб, улар жўрлигига кўпгина куй ва ашулалар юзага келган. Бундай усуллардан энг машҳури қўйидагичадир:


---

\* Бу ўринда Бузрук мақомидаги Рок шўйбасининг Қашқарчаси тўлалигича уйғурларда ҳам ижро этилиб келинганини айтиб ўтишининг ўзи кифоя.



Соқийномаларга ўқиладиган шеър ўлчовлари сүнгги даврларда жуда ўзгартыриб юборилган. Ҳофизлар турли вазидаги ғазаллардан ҳам фойдалана берадилар.

Савтлар ўз таркибидаги уфарлари билан тамомланади. Савтларнинг уфарлари мақомлар ашула бўлимининг биринчи гуруҳидаги уфарлардан асосан фарқ қилмайди. Лекин мақомлар ашула бўлимининг иккинчи қисмига кирган Уфарлар икки хил усулда ижро этилади ва дойра усул суръати бир оз шўхроқ ҳам жонлироқдир. Уфарларнинг тект-ритм ўлчови  $\frac{3}{4}$  ёки  $\frac{6}{8}$  бўлиб, дойра усули қуйидагичадир:




Умуман олганда, Қашқарча, Соқийнома ва Уфарларнинг дойра усули ноғораларда ижро этилиб келинган. Бу шоҳобчаларнинг энг характерли дойра усуллари ва уларга айтиладиган шеър вазнларини қўйидаги жадвалда келтирамиз (кейинги бетта қаранг).

Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи гуруҳига кирган шўъбаларнинг шоҳобчалари – Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфарлар дойра усулига мосланиб ишланган асосий ашула йўлининг маълум вариацияси экани ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Бу ўринда мисол тариқасида ўқувчиларга маълум бўлган Савти Ушшоқнинг бошланиш хатини олиб кўрайлик (Савти Ушшоқ бунга хос мисол олиши ҳам ҳисобга олинди).

Юқорида келтирилган худди шу куй бўлаги Талқин дойра усулига туширилса, Талқинчай Савти Ушшоқ ҳосил бўлади. Савти Ушшоқ Талқин усулида, унинг имкониятлари ва қонуниятларига бўйсундирилиб, баъзи ўзгаришларга учрайди.






Тожикистон вариантида биринчи жумла умуман тушиб қолган ва иккинчи жумла икки марта тақрорланади ва шеър ўлчови музореъ баҳридандир. “Ўзбек ҳалқ мусиқаси” (V жилд) вариантида эса шеър ўлчови Рамал баҳридандир. Талқинчай Савти Ушшоқ йигирма ҳижолик шеър билан, хусусан, “Комили мусаммани солим” ўлчовидаги шеър билан ижро этилса, жуда ҳам тўлиқ ва жозибали бўлади:

Мутафоилун-мутафоилун-мутафоилун-мутафоилун  
у—у— | у—у— | у—у— | у—у—

Не жафоки йиғласам олида мени хаста арзи ниёз этиб,  
Ситам устига қиласур ситам неча қатла ноз уза ноз этиб.  
На узоқ йўл экан, эй пари, ғами фурқатинг мени зорға,  
Ки висолинга ета олмадим неча умрлар таку тоз этиб,  
Караминг менга эрур усру оз, ситаминг менга эрур усру кўб,  
Келу мақсадимга етур мени бу озу кўпинг кўпу оз этиб.

Ғами даҳридин дили зорим усру ҳазину тангур малул эрур,  
Етур инбисот анга, мутрибо, олиб илкка танбури соз этиб.  
Нега, зоҳидо, тарабимни манъ этасен вараъ сўзини дебон,  
Қани ҳосилингни дегил менга, неча умр майли намоз этиб.  
На муород эса топилур сенга тиласонг кўнгул ҳарами аро,  
Нега чекасен аламу ано таку пўйи роҳи Ҳижоз этиб.  
Дессанг ўлмасун ёширин сўзим агар ушбу олам ичиди фош,  
Десма ҳаргиз олида сиринг аҳли башарни маҳрами роз этиб.  
Етар Огаҳий талабига кимки раҳи ҳақиқат аро кирап,  
Келу саъӣ ила қадам ур бу йўл аро тарки азми мажоз этиб.

Шашмақом ашула бўлими иккинчи қисмига кирган шуъбаларнинг шоҳобчалари				
	Номлари	Дойра усули	Шеър ўлчови номлари	Шеър ўлчови номлари
1.	Талқинча	 	Фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун - u -   - u -   - u -   - u -  Мутафоилун – мутафоилун – мутафоилун – мутафоилун u - u -   u - u -   u - u -   u - u -  Мафувлу – фоилоту – мафойилу – фоилун - u -   - u - u   - u -   - u -  Мустафилун – мустафилун – мустафилун – мустафилун - u -   - u -   - u -   - u -	Рамали мусаммани маҳзуф  Комили мусаммани солим  Музореи мусаммани ахраби маҳфузи маҳзуф  Ражази мусаммани солим
2.	Қашқарча		Фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун - u -   - u -   - u -   - u -	Рамали мусаммани маҳзуф
3.	Сокийнома		Фаувлун – фаувлун – фаувлун – фаул u -   u -   u -   u -	Мутақориби мусаммани маҳзуф
4.	Уфар	 	Фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун - u -   - u -   - u -   - u -  Фоилотун – фоилстун – фоилотун – фоилотун - u -   - u -   - u -   - u -	Рамали мусаммани маҳзуф  Рамали мусаммани солим

Шундай қилингандың тектен олдин келдиган товушлар бўлмайди ва куй тузилемаси ҳам бошқача тус олади.

Ашулаға айтиладиган шеър ўлчовининг ўзгариши билан унинг йўлида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлади. Баъзи ноталар майдаланиб, баъзилари аксинча, йириклишиб кетиб куй ритмикаси аниқ тус олади. Лекин ижрочиликда ашула йўлларининг ҳар томонлама ўзини кўрсатиши ва тўлиқ чиқишини таъминлаш учун шеър ўлчови ҳамда радиофлари мос келадиган, ашулаға силлиқ ёпишиб тушадиган ғазаларни танлаш лозим. Агар шеър қисқа бўлса, ашула жумлаларининг бошланиши ёки охирги қисми юлиниб қолади.

Лекин Талқинчай Савти Ушшоқда турли вазнданаги ғазаллар билан ижро этилганда ҳам ритмик ўзгаришлар унчалик сезилмайди.

Савти Ушшоқда Чапандоз қисми ҳам бор. Чапандоз Талқин дойра усулидаги мураккаб тект-ритм ўлчовининг аксинча жойлаштирилган шаклидир. Тект ўлчови Талқинда  $\frac{3}{4}$   $\frac{3}{8}$  бўлса, Чапандозда шу каср сонлар ўрин алмашади, яъни  $\frac{3}{8}$   $\frac{3}{4}$  бўлади. Шунинг учун Чапандоз – чап тушадиган, тесакри усул номини олган. Шуни ҳам уқтириб ўтиш лозимки, сўнгги даврларда Талқин билан Чапандоз дойра усуllibariga мусиқа амалиётида бесфарқ қарабади. Аслида улар дойра усулининг қиёсий кўриниши шундай бўлиши лозим.

Савти Ушшоқ Қашқарча дойра усулида қуйидагича бўлади:

Қашқарчай Савти Ушшоқ ҳофизлар томонидан жуда күп ижро этилиб келинган ёкимли ва машхур ашула йўлларидандир.

Соқийнома дойра усулида Савти Ушшоқ янада чиройлироқ янграйди.



Қашқарча ва Соқийнома усулида ишланган куй ва ашула йўллари мақомдан ташқари халқ куйларида жуда күп учрайди. Чунки улар энг халқчил ашула йўллариdir.

Савти Ушшоқ Уфар усулига туширилса қўйидагича бўлади:



Савтлар ва улар туридаги Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи қисмига кирган шўъбаларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар таркибидаги Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар каби шохобчалари ўзлари мансуб бўлган шўъбаларнинг турли дойра усулига туширилган вариациясидир.

*Мўғулчалар ҳақида.* Мақомлар ашула бўлимининг иккинчи қисм гуруҳига кирган йирик шўъбалар орасида Мўғулча номи билан машхур бўлган ашула йўллари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу шўъбанинг Мўғулча деб номланиши жуда қадимий тарихий асосларга эта бўлса керак. Лекин тарихий манбаларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу ном XIII аср бошларида Ўрта Осиёни босиб олган Мўғуллар империясининг ёки XVI асрда Ҳиндистонда Заҳириддин Бобур барпо этган “Буюк Мўғуллар империяси”га боғлиқ ҳолда юзага келган бўлиши эҳтимол. Ҳар ҳолда Шашмақомдаги “Мўғулча” номларида мўғуллар мусиқисида машхур бўлган дойра усуllibariga нисбат берилган бўлса керак. Шундай қилиб, Мўғулчалар шу номли дойра усулига туширилган мақом шўъбаларидир.

Мўғулчалар ўзининг куй қиёфаси ва характеристери жиҳатидан Савтларга ўхшайди. Уларнинг дойра усули ҳам Савтлардаги каби, тект-ритм ўлчови ҳам дойра усули қўйидагичадир:



Савтлар билан Мўғулча усуллари орасида фарқ улар суръатининг тез ёки сустлигидадир. Мўғулча дойра усули суръати Савтларницидан бир оз тезроқдир. Мўғулчалар ижроси учун “Рамали мусаммани маҳзуф” деб аталаидиган шеър вазнига мос ғазаллар фойдаланиб, у:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилотун  
—у—|—у—|—у—|—у—

ўлчовида бўлади.

Мўғулчалар Рост ва Ироқ мақомларида учрамайди. Қолган мақомларда эса улар қуйидагича, яъни Мўғулчай Бузрук, Мўғулчай Наво, Мўғулчай Дугоҳ, Мўғулчай Сегоҳ деб, мақомларнинг номи билан қўшиб айтилади. Мўғулчаларнинг ҳар бирида Савтлардаги каби Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар дейилган шохобчалари бўлиб, Мўғулчаларнинг номи билан, яъни Талқинчай Мўғулчай Бузрук, Қашқарчай Мўғулчай Наво, Соқийномай Мўғулчай Дугоҳ, Уфари Мўғулчай Сегоҳ сифатида номланади.

Бу срда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Дугоҳнинг Мўғулчаси таркибида бошқа шўъбаларда учрамайдиган ва Талқин дойра усулида ижро этиладиган Қаландарий ва Самандарий номлари билан машҳур бўлган шохобчалар мавжуд. Худди шунингдек, Мўғулчай Сегоҳда халқ орасида Каримқўлбеги ёки Сарпарда номлари билан машҳур бўлган ҳамда Талқин дойра усулида ижро этиладиган Нимчўпоний шохобчасини ҳам учратиш мумкин.

Мўғулчалар ўзининг куй асоси ва ҳаракати нуқтаи назаридан Насрларга ҳеч ўхшамайди, балки кўпроқ Сарахбор йўлларини эслатади. Улар мақомлардаги бошқа шўъбалар каби ашуладаги бир неча босқични ташкил этувчи куй тузилмаларидан таркиб топган. Мўғулчаларда намудлар таркиби ҳам турличадир. Мўғулчай Бузрукда Уззол, Мухайяри Чоргоҳ намудлари, Мўғулчай Навода Навонинг юқори пардалардаги кўриниши, баъзан эса Намуди Ораз, Мўғулчай Дугоҳда Намуди Дугоҳ баъзан Мухайяр, Мўғулчай Сегоҳда эса Намуди Сегоҳ ва Авжи Турк учрайди. Шуниси эътиборлики, мақомларнинг Мўғулча, Савт каби шўъбаларида учрайдиган намудлар уларнинг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфарларида ҳам бўлиши шарт. Лекин баъзи устоз ҳофизлар ашулани қисқартириш мақсадида мақомларнинг бошқа шўъбаларида бўлганидек, баъзи намудларни тушириб қолдиргандар.

Мўғулчалар ва уларга кирган шохобчаларнинг куй тузилмаси мураккаб бўлса-да, ўзининг ёқимлилиги, жозибадорлиги ва турли-туман бўлишилиги билан шинавандаларга жуда ҳам манзур бўлиб келган.

Мўғулчай Бузрук Сарахбори Бузрукнинг маълум вариантидир. Мўғулчай Наво эса Баёт шўъбалари асосида яратилган. Улар ўзлари олинган мақом йўллари руҳини бутунича акс эттиради. Бундай ҳол Сарахбори Дугоҳ ва унинг Чоргоҳ шўъбаларини эслатадиган Мўғулчай Дугоҳда ҳам учрайди. Мўғулчай Сегоҳ мақомлар ашула бўлимининг биринчи қисмидаги шўъбаларга лад уюшмаси ва намудлари жиҳатидан мос келса-да, улардан анча фарқ қиласди.

Мүғулчалар әши туувчиларга таниш ашула йүлларидир. Масалан, Мүғулчай Дугох әқимли, вазмин ашула йўлидир. У жуда кўп ҳофизлар репертуарида, хусусан, марҳум Домулла Ҳалим Ибодов ижросида машҳур бўлган.

Унинг бошланиш қисми шундай:



Мүғулчай Дугоҳнинг шоҳобчалари эса халқнинг оддий куй ва ашулалари сифатида фойдаланиб келинган. Унинг Қашқарча ва Соқийномаси Савти Муножот куйини эслатади ҳамда Самойи Дугоҳ билан ҳамоҳангдир. Уфари Мүғулчай Дугоҳнинг биринчи хати эса шундай:



Бу ашула Фарона водийсида хотин-қизлар орасида машҳур бўлган “Кўргим келур” ашуласининг худди ўзидир (Шашмақом ва халқ мусиқа ижодиёти бобига қаранг<sup>(6)</sup>).

Мүғулчай Сегоҳга келсак, бу ҳам ўзига хос оригиналлиги билан бошқа Мүғулча йўлларидан ажralиб туради. Мүғулчай Сегоҳ икки байт шеър билан ўқиладиган икки хат билан бошланиб, ундан кейин ўрта пардадаги куй жумлаларига ўтилади ва куй ҳаракаги ўзининг бошланган нуқтасига қайтади. Булардан сўнг куй ҳаракати Намуди Сегоҳ ва Авжи Турк воситаси билан ривожланиб, ўзининг такомилига етади ва ўрта пардадаги ашула жумлалари воситаси билан дастлабки бошланган пардасига қайтади. Бу ашула йўли ҳам халқ орасида машҳурдир (кейинги бетларга қаранг).

Мүғулчалар куй мавзуи ҳам бошқа дойра усулига туширилганида, жуда катта ўзгаришларга учраши мумкин. Бу ҳолда оддий ритмик вариация ориги бил бир тус олади. Масалан, Мүғулчай Сегоҳнинг Талқинасини Талқинча доира усулига мослаштиришда бу ашула ўз ҳаракат йўлини сақлаб қололмай, жуда катта ўзгаришларга учрайди.

Мүғулчаларнинг Талқинчалари ижроси учун уларнинг ўзи айтиладиган вазнданги шеърлар мос кела беради, баъзан эса комил баҳридаги

Мутафоилун - мутафоилун - мутафоилун – мутафоилун  
— | — | — | — |

ўлчовидаги шеърлар билан ижро этилади.



*Хожи Абдулазиз  
Расулов*



*Леви Бобохонов*

Баъзан вариация йўли билан бўладиган ўзгаришлар Мўғулча ёки Савт шоҳобчаларида бўлмаслиги, турли дойра усулларига туширилган ўзининг асл йўлини бутунлай сақлаб қолиши мумкин. Бу ҳол Мўғулчалик Бузрукда яққол кўринади. Унинг Талқинчаси, Қашқарчаси, Соқийномаси ва Уфарида ашуланинг асосий қиёфаси, куй ҳаракатининг йўли яхлит сезилиб туради.

Мўғулчаларнинг Қашқарча, Соқийномалари халқ орасида бошқа номлар билан чолғу йўллари сифатида ҳам ижро этилиб келади. Масалан, Насри Сегоҳ номи билан машҳур бўлган Соқийномаи Мўғулчалик Сегоҳ халқ чолғу оркестрлари репертуарида кўплаб ижро этилади. Бу ашула йўлида Намуди Сегоҳ в Авжи Турк учрайди. Лекин чолғу куйи сифатида Авжи Турк тушириб қолдирилган. Мўғулча уфарларининг дойра усули ҳам Савтлардаги уфарлар усулидан фарқ этмайди ва уларга қараганда тезроқ суръатда ижро этилади.

# Мүйүлчай Сегоҳ

I хат

Күнг - лим ой гач, ул па - ри маж - ну - ни

ший - до киен - до - то, ак - лу ху - шам - ни

II хат

нун даш - ти - да яг - мо киин - ди - ло га - ча

зул - му та - ад - дий - лар би - лан ко - ногм тү-

кар, тур - фа эр - ди. тур - фа исп - лар до - ги пай

III хат Миёнпарда

до юи - ди - ло. Хур - ма - ту так - ии ту

тар эр - ди ва - ле маст от ла - ниб, бо - ши - ма

чоп - мок би - лан о - пам - га рас во киц - ди -

IV хат Намуди Сегоҳ

ло (ё - ри жо ни - мей) (Чолгу нақароти)

хур - ма - ту так - ии ту - тар ди - ва - ле

маст от - ла - ниб, бо - ши - ма чоп - мок би

лан о - пам - га рас во киц - ди - ло ё - ри - мө).

V хат

(Чолгу нақароти) о - хиизим чек - дим

риб жав - по - ни - ни ти - ёр (о

хай жо - ней) 8 - шу рин  
 лус - ка и - вий ии - ю ии - ди - ло Бе - худ  
 ўл - гач зул - фи зун - но - ри - га жон Нак - дим  
 иш - к(и) бо зо - ри да лим тур - VII хат  
 сав - ди - ло (ён - ди жо ним)  
 Авжы турк  
 (Чолгу накароти) Бе - худ ўл - гач, зул  
 ти - ги зии - зии - зии - зии - зии - зии  
 зо - ри да күнг - лим тур - фа сав - до ки - ди  
 ло, (о VII хат  
 Мен ме - ну эм - ди фа - но дай - ри - да бүл - моқ май -  
 - о  
 Мут - ба - ча  
 лус - си - рим иф - шо күл - ди - ло. IX хат  
 Тор - на

The musical score consists of three staves of music. The first staff starts with a treble clef, the second with an alto clef, and the third with a bass clef. The lyrics are written below the notes in both Russian and Kazakh. The vocal parts are labeled 'Мо.' at the beginning of the first staff.

так дайр ич - ря топ - тим яны - са - га Пук зич  
 алб. Дай - ри то - ри - дан На - во - ний бу та-  
 ман - но юп - да - во Дай - ри то - ри - дан На  
 во - ний бу та - ман - но юп - да - во Е - ри зо - то-  
 мо.)

Мүғулчай Наво Уфариси бошқа мүғулчаларидагидан тубдан фарқ қиласы. У одатдаги ўзидан олдин келгап ашула йўлларининг изидан юрмай, асосий пардага нисбатан олти парда, яъни секста даражасида баланд пардадан бошланади ва бошқа Мүғулча шохобчалари бўйсунган умумий қоидадан четга чиқади. Худли шу нуқтаи назардан Самандари Мүғулчай Дугоҳ ҳам характерлидир. Самандарийнинг ашула йўли мос келадиган лад тоналлиги ашула ижроси жараённида ўзгариб туради. Мақомлар таркибида бундай ашулалар кўплаб учрайди.

Мақом йўлларида кўплаб учрайдиган лад тоналликнинг куй ижроси жараённида ўзгариб туриши, мақом шўъбаларининг шохобчаларидаги асосий куй йўлларидан четлашиши, бастакор ва ҳофизларнинг куй тузилмасини ўз хоҳиши билан ўзгартириш ҳоллари - мақомлар қотиб қолган, муайян бир қоидадан четга олиб чиқиб бўлмайди, деган баъзи фикрларнинг нотўғри эканини кўрсатади.

Утмишда мақом ижрочилигининг тараққиёт йўли ва бизгача етиб келган мақом йўллари кузатиб борилса, уларнинг тузилишида ва ижрочилигига катта ўзгаришлар содир бўлганини кўриш мумкин. Ундан ташқари мақомлар ва уларнинг шўъбалари айниқса турли ҳофизлар ижроси жараённида ўзгаришларга учраши кузатилади. Юкорида айтиб ўтилган Дугоҳ мақомидаги Самандарий. Қаландарий ва Сегоҳдаги Нимчўпоний ашула йўллари Мүғулчаларнинг бошқа шохобчаларидан ўзининг куй тузилмаси ва таркибий унсурлари нуқтаи назаридан бутунлай ажралиб туради. Уларни Сегоҳ ёки Дугоҳ шўъбаларидан бирортаси асосида яратилган, деб айтиш ҳам қийин.

Мүғулчалар оригинал асарлар бўлиб, Савтлар каби мақомларнинг бошқа шўъбалари орасида энг машҳурларидан ҳисобланади.

Савт ва Мүғулча ашула йўлларининг машҳур бўлиши тасодифий ҳол эмас. Улар машҳур ҳофизлар репертуарида катта ўрин эгаллаб келган. Мүғулча ва Савтларда ўзбек ва токик ҳалқ мусиқасининг энг яхши фазилатлари ўз ифодасини топган.

Мақомлар ашула бўлимининг биринчи ва иккинчи қисмини ташкил этган шўйбалар гуруҳи ўзининг ёрқинлиги, халқ мусиқасига характеристига жуда ҳам яқинлиги билан ажralиб туради. Мақомларнинг Савт ва Мўғулча каби піўйъбалари ҳам сўнги йилларгача бастакорлар ижодига баракали таъсир кўрсатди. Бу ҳол мақомлар бўлимига кирган шўйъбаларнинг халқ орасида машҳур бўлгани ва кенг сийилтанини кўрсатувчи далиллар.


\* \* \*

Шашмақом таркибида Савт ва Мўғулчалар типида яратилган бошқа шўйъбалар ҳам мавжуд. Улар Бузрук мақомида Ироқи Бухоро ва Рок, Навода – Мустаҳзоди Наво деб аталади.

Ироқи Бухоро Сарахбори Ироқ асосида юзага келган. Бунда фақат уларнинг лад тоналлиги бир оз ўзгарган, яъни Ироқи Бухоро Бузрукнинг лад қиёфасига мослаштирилган. Дойра усули, ашула йўли, намудлари, уларга айтиладиган писъер ўлчови ҳам жуда кам ўзгаради. Сарахбори Ироқнинг бош жумласини олайлик:



Шу куй жумласи Ироқи Бухорода квартада юқорига транспозиция этилиб, унинг бошида “Ҳай ёрингман, ҳай ёр!” каби хитобомуз, мурожаатли муқаддимаси бор. Ироқи Бухоронинг муқаддимадан сўнг бошланадиган жумласини таққослаб кўрайлик (тоникаси *Re*).



Сарахбори Ироқнинг Бухоро Ироқи вариантида Савт ва Мўғулчалардаги каби шохобчалар – Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфарлар боғланган, холос. Сарахбори Ироқ билан Ироқи Бухоро орасидаги фарқ уларнинг дойра усули суръатидадир, яъни биринчи ҳолатда суст, Ироқи Бухорода дойра усули жонлироқ ижро этилади. Шунинг учун ҳам ашула йўли баъзи ўзгаришларга учрайди. Чунки, ижро этишда суръат тезлаштирилса, баъзи қочирмалар ёки қуийидаги баъзи айланма ҳаракатлар бошқа тусга кирадики, бу ҳол мақом шўйъбаларидаги шўх Уфар вариантыда яққол кўринади.

Энди Рок шўйъбасига келсак, у халқ ўртасида Ироқ шўйъбаси каби машҳур бўлган. “Рок” сўзи ҳиндча бўлиб, мақом маъносига тўғри келади. Ҳиндларда “Rag” – мақом, Рагний мақом шўйъбасидир.

Рокнинг мелодик материали ҳинд мусиқасидан олинган, деб ўйлаш хатодир. Ҳатто унинг дойра усули ҳам ўзбек-тожик халқлари мусиқасига хосdir. Лекин, Рок сўзининг мақомларга кириб қолганлиги тасодифий бўлмаса керак. Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг жуда қадим замонлардан давом этиб келганлиги маълум. Ўрта Осиёлик олимлар, шоирлар мусиқачилар ва бошқа санъат арбобларининг Ҳиндистонга қилган сафарлари ҳақида тарихда кўплаб маълумотлар сақланган. (Бундай маълумотлар ал-Беруний яшаган давр (XI аср)ларга ҳам тааллуқлидир. У “Ҳиндистон” ҳақида маҳсус асар ёзган бўлиб, бу асар оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир). Бу олимларнинг кўплари у ерда турғун бўлиб, сўнгра қайтиб ҳам келганлар. Ҳиндистонлик олим ва санъаткорлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ўрта Осиёдан чиққан мусиқачи олимлар Ҳиндистон халқлари мусиқасига ҳам зўрқизикиш билан қараганлар. Ҳатто ҳиндлар мусиқаси истилоҳида машҳур бўлган иборалар ҳам Ўрта Осиё мусиқачиларига маълум ва машҳур бўлган\*. Шундай қилиб, Рок Ўрта Осиё билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган маданий алоқаларнинг ифодаси сифатида юзага келган.

Рокнинг такт-ритм ўлчови ва дойра усули талқинлардаги кабидир –  $\frac{3}{4} \frac{3}{8}$ . Ҳатто унга айтиладиган шеър ўлчови ҳам талқинлар билан бир хилдир. Рок ҳам Савт ва Мўғулчалар каби ўз шохобчаларига эга. Рок шўъбасида талқинча ўрнига шундай дойра усулида ижро этиладиган Мустазоди Рок келади. Чунки унинг ўзи талқин усулида бўлиб, талқин кетидан яна талқинча келиши мақомлар қоидасига тўғри келмайди. Мустазоди Рок шакли Мустазоди Наводан бир оз фарқ қиласи. Мустазоди Рокнинг Мустазод қисмлари учун олинган кўйнинг



бошланишидаги жумла турли хатларда, ҳатто унинг намуди Уззолида ҳам транспозиция этилиб ишлатила беради. Худди шу жумланинг маълум варианти Навода ҳам “Мустазод” қисми сифатида фойдаланилган. Мустазоди Рок бош шўъбанинг вариацияси бўлмай, балки унинг бевосита давоми сифатида келади. Рокнинг бошқа шохобчалари - Қашқарчай Рок, Соқийномай Рок, Уфари Рок ҳам бош мавзуни акс эттирмайди.

Қашқарчай Рокда, шу жумладан, Соқийнома ва Уфари Рокда намудлар келмайди. Улар содда шаклда тузилган бўлиб, фақат бошланиш куй жумлалари уларнинг авжиди маълум куй вариацияси (ёки дунасри) сифатида ишланган. (Бу ҳақда кейинроқ тўхталади).

\* Бу ерда Вожид Алихон (XIX аср ўрталарида яшаган)нинг энциклопедик асарини ва бошқаларни эслатиб ўтиш кифоя. Вожид Алихон ўзининг асарида ҳиндлар мусиқаси ҳақида ҳам маълумот берган. (“Матлаъул-улум ва мажмаъул-фунун”, Литография).

Мустазоди Наво ҳам юқорила айтилган Савт, Мўғулчалар тамойилида тузилган, лекин бу ном шеър вазнларидан бирининг шаклини ифодалайди. Мустазод арабча “зоид”, “зода” сўзларидан ясалган бўлиб, “орттирилган” маъносида келади. Мустазод шаклида шеърнинг ҳар бир мисрасига қофияланган мустақил кичик мисралар қўшилади. Масалан:

Мафувлу-мафоийлу-мафоийлу-мафоийил+мафувлу-фаувлун  
 — — ү | ү — — ү | ү — — ү | ү — —

Бу вазн Ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи мақсури мустазод, дебномаланди.

Мустазоднинг шеър шакли учун Навоийнинг асаридан бир байт келтирамиз:

Эй ҳуснингга заррот жаҳон ичра тажалло,  
 Мазҳар сенга ашё,  
 Сен лутф билан кавну макон ичида мавло  
 Оlam сенга мавло...

Мустазод шеър шаклидаги ҳол ашула йўлларида ҳам учрайди. Дастрлаб, улар мустазод шеър шаклида ижро этилиб, бундай ашула йўлларининг куй жумлаларида ҳам шеърдаги каби орттирилган ва куйнинг маълум қисмини такрорлайдиган бўлаклари бўлади. Мустазод шакли фақат Наво ва Бузрук (Рок) мақомида мавжуд. Мустазоди Навонинг бошланиш жумласи қўйидагичадир:

Бу мелодик лавҳада бошланғич саккиз тект асосий куй жумласи бўлса, унинг қолган қисми беш тект мустазод, яъни орттирилган қисмидир.

Шуниси характерлики, Мустазоди Навонинг Талқинча, Қашқарча ва Соқийномаси асосий ашула йўлининг вариантлари бўлса-да, Мустазод шакли уларда бутунлай йўқотилиб юборилган. Уфари Мустазоди Навода эса у яна тикланади. Чунки унинг Уфари Мустазоди Навонинг бошдан охиригача куй йўли ўзгаритирилмаган ритмик вариациясидир.

Юқорида айтилган шўйбаларда ашула таркибий унсурлари, намудлари ўзлари мансуб бўлган мақомлардаги каби бўлади. Ироқи Бухорода Зебо пари

ва Намуди Мухайяри Чоргоҳ, Рокда Намуди Уззол, Мустазоди Навода Намуди Баёт ва Наво учрайди. Бу намудлар Савт ва Мўғулчаларда бўлганидеск, шўъбаларнинг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфарларида ҳам келади.

Ироқи Бухоро, Рок ва Мустазоди Наво шўъбалари ҳам ҳалқ оммаси орасида машҳур бўлган ва севилиб эшитилиб келинган ашула йўллариdir.

Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи гуруҳига кирадиган шўъбалар орасида Мутазоди Наво куй тузилмаси ва дойра усули жиҳатидан анча мурракбадир. Шунга қарамай у ўзининг ёқимлилиги, оҳангдорлиги ва улуғвор қиёфаси билан ажralиб турадиган ашула йўлларидандир. Уни ижро этишда ҳам ҳофиздан юксак ижро маҳорати ва усталик талаб қилинади. Лекин Мустазод йўлини турли варианatlари созанда ва ҳофизлар репертуарида каттта ўрин тутади. Айниқса, Мустазоди Навонинг Талқинчаси баъзи ўзгаришлар билан машҳур бўлган. Мустазод услубида яратилган асарлар Хоразмда шўх лапар йўллари сифатида ижро этилади\*.

Умуман олганда, Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи гуруҳига кирган шўъбаларнинг асосий ашула йўли билан таниш киши, агар у Талқин, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар дойра усулларига уларни тушира олса, Савт ва Мўғулча туридаги шўъбаларнинг шоҳобчаларини ҳам осонликча билиб олиши мумкин. Чунки бу шоҳобчаларнинг дойра усуллари, ашула йўллари оддий ҳалқ мусиқасида ҳам старли даражада учрайди. Айниқса мақом йўлларида ишлатиладиган намудлар ҳалқ ашула йўлларида ҳам кўплаб фойдаланиб келинганлиги мақом йўлларининг қанчалик машҳурлигидан ва уларнинг бадиий эстетик қимматининг юксак эканлигидан далолат беради\*\*.

Хоразм мақомлари ва Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган мақомлар Шашмақомнинг Ўзбекистон ва Тожикистон ҳалқлари мусиқа маданиятида тутган мавқенини янада яққол кўрсатиб туради.

## ХОРАЗМ МАҚОМЛАРИ

Машҳур Хоразм мусиқачиларидан Матюсуф Ҳарратов (1881-1953) ўзининг “Хоразм мусиқий тарихчasi”\*\*\* китобида мақомларни XIX аср бошлирида атоқли созанда ва бастакор Ниёзжон Хўжа Буходордан ўрганиб келганигини ва Хоразмга тарқатганини айтади. Бу фикрни тасдиқлайдиган бошқа манбалар ҳам мавжуд.

XIX аср биринчи чорагида Хоразм мақомларига айтилган шсър матнларини ўз ичига олган жуда кўп тўпламлар мавжуд\*\*\*\*. Бу тўпламлар Шаш-

\* Т.Жалилов ва Б.Бровшиннинг “Тоҳир ва Зухра” (С.Абдулла либреттоси) операсида (Хоразм картинасида) фойдаланилган ҳамда хор ва оммавий ўйни билан ижро этилади.

\*\* Шашмақом ва ҳалқ мусиқа ижодиёти қисмига қаранг.

\*\*\* Ушбу сатрлар муаллифи созанда, мақомдон ва бастакор М.Ҳарратов билан Хоразм мақомлари ҳақида кўп марта суҳбатлашган ёди. Бу ерда шу суҳбатлардан ҳам фойдаланилади.

\*\*\*\* ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёймаларининг мақомларга бағишланган қисмлари: инв: № 1428, 5734, 7074, 3940, 8827, 7357, 6974, 9357, 2874 ва ҳоказо.

мақомнинг Хоразмда ёйилиши муносабати билан тузилган бўлиб, уни Хоразмда машҳур бўлганини кўрсатади. Бундан ташқари, тўпламлардан ўша даврда Хоразмда ижро этилган мақом йўлларининг номларини ҳам аниқлаш мумкин. Тўпламларда келтирилган мақом шўъбалари ва бошқа қисмлари номи шуни кўрсатадики, у даврларда Хоразм мақомлари ҳозирдагидан кўра тўлиқроқ бўлган ва анчагина қисми бизгача етиб келмаган (қуйироққа қаранг).

Бухоро мақомларига айтилган шеър тўплами (инв. № 1466) билан Хоразм мақомлари тўпламларида келтирилган матнлар таққослаб кўрилса, аввало шўъбалар ва қисмлардаги кўпчилик шеърлар ва уларнинг вазнлари бирбирига мос эканини аниқлаш мумкин. Бинобарин, бу тўпламлар XIX аср бошларида Бухоро ва Хоразм мақомлари ўхшаш бўлганини тасдиқлади. Бу ерда яна шуни айтиш керакки, хонанда ва бастакорлар маълум ашула йўлига ўз таъбларича мазмун ва шакл жиҳатидан мос турлича шеърлар айта берганлар. Шу сабабли, ҳатто Хоразм мақомлари матн тўпламларининг ўзида ҳам баъзан маълум шўъбага айтилган бир шеър ўрнига бошқаси ишлатида верган.

Бизгача етиб келган Хоразм мақомлари Бухоро мақомларидан баъзан фарқланар экан, бу ҳеч ажабланарлик ҳол эмас, албатта. Чунки, ўзининг кўп асрлик ижрочилик, бастакорлик, ихтирочилик анъаналарига эга бўлган Хоразм мусиқачилари томонидан шева жиҳатидан баъзи хос хусусиятларга эга бўлган Бухоро Шашмақомини нотасиз, оғзаки ўрганиш жараёнida ҳам мақомларнинг ўзгаришларга учраши турган гап. Бундан ташқари, хоразмлик мусиқачи ва шинавандалар мақомларни ўз шароити, эстетик талабларига мослаштириб олишларида ҳам улар катта ўзгаришларга учраган эди.

Мақомларнинг юзага келиши, тарихий тараққиётида хоразмлик бастакор-созандалар ҳиссаси ҳам жуда катта бўлганини айтиб ўтмоқ зарур.

Жуда қадимий, бой маданият ўчоқларидан бири бўлган Хоразм мусиқа соҳасида ҳам йирик сиймоларни етиштириди. Тарихда бу ҳақда анча маълумотлар бор. Бу ўринда Навоий даврлардаги бастакор, созанда-хонандаларни айтиб ўтиш кифоядир. Маълумки, XV асрдан бошлаб кўпгина хоразмлик мусиқачи-бастакорлар Навоий каби адабиёт ва санъат ҳомийлари атрофига тўпланиб, Ҳирот, Бухоро ва Самарқандда катта илмий – ижодий ишлар олиб борганлар. Шулар жумласидан Хўжа Абдулвағоғи Хоразмий, Махсумзодаи Хоразмий каби шоир, созанда, бастакорларни эслатиб ўтиш мумкин.

Ҳеч шубҳа йўқки, Ўн икки мақом йўллари Хоразмда ҳам машҳур бўлган, шу билан бирга у ерда Эшвой, Феруз, Илғор, Сувора каби жуда кўп мақом тарзидаги куй ва ашула йўллари мавжуд эди. Ўтмишда марказий шаҳарларро маданий алоқалар узлуксиз давом этиб келган, шоир, созанда-хонанда, бастакорлар ва умуман санъат аҳплари Ўрта Осиё ва Хуросоннинг турли шаҳар ва қишлоқларидан марказий шаҳарларга жалб этилдилар, бинобарин, ўзлари билан бирга маҳаллий мусиқа бойликларини ҳам олиб келардилар. Мусиқа маданияти шу тариқа ўзаро муносабатларда ривожланади. Мақомлар эса, мусиқа асарларининг классик намунаси сифатида турли ша-

ҳар ва жойларда машҳур бўлган энг нодир куй ва ашулаларни ўзида мужас-  
самлантирган. Бунда Хоразм мусиқаси ҳам ўрин туттган.

Шашмақом Бухородан Хоразмга олиб келинган экан, бу ерда мақомлар-  
ни чуқурроқ илдиз отиши машҳур бўлиб кетиши учун бутун шарт-шароит-  
лар мавжуд эди. Хоразмлик бастакорлар Шашмақомни ижодий ўзлаштири-  
дилар ва унинг қиёфасига катта ўзгаришлар киритдилар. Хоразмнинг ўзида  
мавжуд бўлган мақом каби катта шаклдаги куй ва ашулаларнинг кўплари  
созанда-бастакорлар томонидан бу срдаги мақомлар таркибига киритилди,  
янгидан-янги чолғу қисмлар, ашула йўллари басталанди. Бунда куй ва ашу-  
лаларнинг мақом йўлларига ҳар томонлама мос келиши ҳисобга олинди.  
Шундай қилиб, XIX аср давомида Хоразм мақомлари куй мавзуси анча кен-  
гайтирилди ва таркибий жиҳатдан анча бойитилди.

Хоразм мақомлари, Бухоро мақомларининг маълум варианти бўлган экан,  
уларнинг куй мавзуи, тузилиши, куй ва ашула таркибидаги унсурлари, дой-  
ра усуслари, такт-ритм ва ашулаларга айтиладиган шеър ўлчовлари жиҳа-  
тидан бир-биридан тубдан фарқ этмаган. Бу ўринда Бухоро ва Хоразм ма-  
комлари таркибида жуда кўп пешрав айланмалари ва намудлар қарийб бир-  
биридан фарқланмаслигини алоҳида уқдириб ўтиш лозим.

Шуни айтиш керакки, Хоразм мақом йўлларининг баъзилари бизгача  
тўлиқ етиб келмаган ва уларнинг номлари ҳам алмаштириб юборилган. Бу  
эса Хоразм куй ёки ашулаларининг тузилиш хусусиятига эътибор қилиниб,  
мақомларга ижодий ёндошишнинг натижаси бўлса керак.

Дарҳақиқат, Шашмақом Хоразмда ҳар томонлама ўзгаришларга учради,  
янги шароит, янги муҳит ва шинавандалар таъбига мослаштирилди.

Хоразм мақомларининг бир ярим асрча ўтган давр ичида босиб ўтган  
тараққиёт йўлини манбаларда келтирилган мақом, шўъбалар ва уларнинг  
қисмлари номланишидан ҳам билиб олиш мумкин. XIX асрда кўчирилган  
мазкур тўпламларда мақомлар қўйидагича тартибланади: Наво, Дугоҳ, Сегоҳ,  
Рост, Бузрук ва Ироқ. Бу қўллёмсаларда баъзи мақомларнинг шўъбалари ҳат-  
толлар томонидан тушириб қолдирилган.

Масалан, Навонинг Ораз ва Ҳусайний шўъбалари, унинг Уфар қисми ва  
бошқа мақомларнинг баъзи шўъба ва Уфарлари шулар жумласидандир. Бу  
срда Бузрук мақомининг қисмлари номини кслтириш билан кифояланамиз.  
Улар қўйидагича номланади: Сарахбори Бузрук, Тарона I, Соқийномаи На-  
воий, Тарона (VIII та), Амалоти дигар, Рубоий Таронаи дигар, Таронаи  
Хоразмий, Таронаи дигар (гардун усулида). Талқини Бузрук, Тарона, На-  
сри Бузрук - Насруллои, Тарона (II та), Насри Бузрук – Уззол, Суворийи  
Уззол (тарона), Савти Уззол, Супориш. Бу срда мақомнинг баъзи қисмлари  
ҳозиргига кўра бошқача номланган (Соқийномаи Навоий, Амалот, Рубоий  
ва ҳоказо). Шунга қарамай Бузрукнинг тузилиши Бухоро вариантининг худ-  
ди ўзидир.

М. Харратовнинг кўрсатишича, Хоразм мақомлари қўйидаги тартибда  
саналади: Рост, Наво, Сегоҳ, Дугоҳ, Бузрук ва Ироқ. Унинг айтишича, хо-  
размлик мусиқачи – бастакорлар Шашмақом таркибига Панжгоҳ номли ет-

тинчи мақом қўшганлар. Бу мақом фақат чолғу йўлларидантина иборат бўлиб, ярим мақом ҳисобланарди.

Професор Фитрат ўз китобида Панжгоҳ мақоми ҳақидаги фикрга қарши чиқиб, уни еттинчи мақом деб ҳисоблаш нотўри эканини ва Рост мақомидаги Мухаммаси Ушшоқ ва Сақили Вазминнинг ўзи эканини таъкидлайди\*.

Хоразм мақомлари ҳам Шашмақомдаги каби икки бўлимдан иборат. Уларнинг чолғу йўллари *мансур*, ашула йўллари эса *манзум* деб аталади. Хоразм мақомлари\*\* китобида эса, чолғу йўллари *чертим ўли*, ашула йўллари *айтиш ўли*, деб аталади.

М. Харратов китобида келтирилган мақом йўллари рўйхати Хоразм мақомларининг XIX аср охири ва XX асрнинг бошларидаги қиёфаси ва таркибий қисмларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам рўйхатнинг аҳамияти каттадир. Шу рўйхатни келтирамиз: (кейинги бетга қаранг).

Бу рўйхатни XIX аср бошларида тузилган мазкур тўпламлардаги мақом йўллари номлари билан таққослаб кўрилса, XIX аср бошларида Хоразм мақомлари таркибида жуда катта ўзгаришлар содир бўлганини билиб олиш мумкин. XIX аср бошларида юқорида айтиб ўтилган Бузрук мақомида – Сарахборда ўн бешта тарона бўлгани ҳолда М. Харратов китобида олтита Тарона, Талқини Бузрукда эса Тарона келтирилмаган, Насрлар – Насри Насруллои, Насри Ажам, Насри Уззол – деб номланади. Ўтмишда Насри Ажам Бузрук таркибида бўлмаган. Аслида эса Ажам Сегоҳ мақомининг шўйбасидир.

Юқорида зикр этилган “Ўзбек халқ музикаси” китобининг VI жилдидаги мақом йўллари билан М. Харратовнинг рўйхатини таққослаб кўрилса, қарийб шу ярим асрдан ортиқроқ ўтган давр ичida кўп мақом йўллари унунтилгани ёки номлари ўзгариб кетганини билиш қийин эмас. Масалан, “Хоразм мусикий тарихчаси”да Рост мақомида ўн бир куй йўли кўрсатилган бўлса, нота китобида саккизтагина ёки Бузрукда ашула йўллари ўн тўртта дейилса, нота китобида саккизтагина холос.

Шундай қилиб, мазкур манбаларни бир-бирига таққослаб кўрилса, Хоразм мақомларининг бир ярим аср давомида босиб ўтган тарихий йўли ва шу давр ичida мақомлар таркибида содир бўлган ўзгаришлар яққол кўзга ташланади.

Хоразм мақомлари Бухородан кириб келтанини ва уларга кўп янгиликлар киритилганини рўйхатлардан ташқари, Шашмақомга айтилган шеър тўпламларидан ҳам кўриш мумкин.

Хоразм мақомларида учрайдиган, Рост мақомидаги Мураббаи Комил, Мухаммаси Жадиди Феруз, Мусаббағи Рости Мирзо, Сақили Муҳркони Рост, Наводаги Сақили Ферузшоҳий, Насри таронаи Хоразмий, Сегоҳдаги Сақили Ферузшоҳий, Чор усули Феруз, Дугоҳ мақомидаги Сақили Ферузшоҳий, Бузрукда Се усули Бузрук, Мухаммаси Феруз, Сақили Ниёзжонхўжа, Ироқдаги Мухаммаси Ферузшоҳий, Се усули Феруз каби қатор куй

\* Фитрат, мазкур китоб, 51-бет.

\*\* ЎҲМ, VI жилд, Тошкент, 1958.

	<b>Мақоми Рост</b>	<b>Мақоми Бұзрук</b>	<b>Макоми Наво</b>	<b>Макоми Дугоҳ</b>	<b>Мақоми Сегоҳ</b>	<b>Мақоми Ирок</b>
	<b>I. Мансурлари</b>	<b>I. Мансурлари</b>	<b>I. Мансурлари</b>	<b>I. Мансурлари</b>	<b>I. Мансурлари</b>	<b>I. Мансурлари</b>
1.	Мақоми Рост	Мақоми Бұзрук	Макоми Наво	Макоми Дугоҳ	Макоми Сегоҳ	Макоми Ирок
2.	Таржель Рост	Пешрави Бұзрук I	Пешрави Наво	Таржел Дугоҳ	Пешрави Сегоҳ	Таржел Ирок
3.	Пешрави Гардун	Пешрави Бұзрук II	Пешрави Занжирій	Пешрави Дугоҳ I	Сакили Сегоҳ	Пешрави Ирок
4.	Мураббаппан Комил	Пешрави Бұзрук III	Сакили Наво	Пешрави Дугоҳ II	Сакили Ферузышохий Сегоҳ	Мухаммаси Ирок
5.	Мухаммаси Рост	Се усули Бұзрук	Сакили Ферузышохий	Пешрави Дугоҳ III	Сакили Ферузышохий	Мухаммаси Ферузышохий I
6.	Мухаммаси Жаддилди Феруз	Мухаммаси Бұзрук	Мухаммаси Наво	Пеприви Дугоҳ IV	Чор усули Феруз	Мухаммаси Ферузышохий II
7.	- - - - -	Мухаммаси Ферузи Бұзрук	Мухаммаси Баёт	Зарбул – Футхи Дугоҳ	Ҳафиғи Сегоҳ	Се усули Ирок
8.	Мусаббғи Рости Мирзо	Сакили Ислимхон	Нимсақили Наво	Сакили Ашқулло		Се усули Ферузи Ирок
9.	Сокили Рост	Сакили Ниәзхұжа	Уфар	Сакили Ферузышохий		Сакили Ирок III
10.	Соқили Мұхұркани Рост	Сакили Султон		Мухаммаси Дугоҳ I		Сакили Ирок II
11.	Уфори Рост			Мухаммаси Дугоҳ II		Нақши Ирок
2.				Мухаммаси Дугоҳ III		Уфари Ирок**
3.				Мухаммаси Дугоҳ IV		
4.				Самойй		
5.				Пахта зарб*		
6.				Уфори Дугоҳ		
	<b>II. Манзумлари</b>	<b>II. Манзумлари</b>	<b>II. Манзумлари</b>	<b>II. Манзумлари</b>	<b>II. Манзумлари</b>	<b>Мақоми Панжгоҳ</b>
1.	Макоми Рост	Макоми Бұзрук	Макоми Наво	Макоми Дугоҳ	Макоми Сегоҳ	Макоми Панжгоҳ
2.	Таронаи Рост	Таронаи Бұзрук I	Таронаи Наво	Таронаи авали Дугоҳ	Таронаи авали Сегоҳ I	Пеприви Панжгоҳ I

\* Асли – Фохтий зарб Фохитий – өзвөйи көптар өки мусича. Эсқи манбаларда күрсатилишича, бу усул көптарынг сайрашидан олинтан усул, фохтий зарб. деб номланған.

\*\* Бұлардан фақат Нақши Ирок ашула йүлдидір.

3.	Суворийи Рост	Таронаи Бузрук II	Суворийи Наво	Таронаи Дугоҳ II	Таронаи авали Сегоҳ II	Пешрави Панжгоҳ II
4.	Нақши Рост	Таронаи Бузрук III	Талқини Мастазоди Наво	Таронаи Дугоҳ III	Таронаи авали Сегоҳ III	Сакили Вазмин
5.	Талқини Рост	Таронаи Бузрук IV	Мақаддимаи Талқини Наво	Муқаддимаи Насри Чоргоҳ	Муқаддимаи Талқини Сегоҳ	Сақили Ферузшоҳий
6.	Насри Ушшоқ	Муқаддимаи Талқии Бузрук	Талқини Наво	Насри Чоргоҳ	Талқини Сегоҳ	Се усули мақоми Панжгоҳ
7.	Насри Сабо	Талқини Бузрук	Насри Таронаи Хоразмий Наво	Суворани Дугоҳ	Муқаддимаи Насри Ҳижози Сегоҳ	Мухаммаси Панжгоҳ
8.	Уфари Рост	Насри Насруллойи	Насри Баёт	Талқини Дугоҳ	Насри Ҳижози Сегоҳ	Мухаммаси Ушшоқ
9.		Насри Ажам	Нақши Наво	Нақши Дугоҳ	Насри Наврӯзи Хоройи Сегоҳ	
10.		Суворийи Бузрук	Муқаддимаи Насри Орас	Насри Ораси Дугоҳ	Суворийи Сегоҳ	
11.		Нақши Бузрук	Мақаддимаи Дугоҳи Ҳусайнӣ	Насри Дугоҳи Ҳусайнӣ	Нақши Сегоҳ	
12.		Мақаддимаи Насри Уззол	Дугоҳи Ҳусайнӣ	Суворийи Дугоҳи Ҳусайнӣ	Таронаи Насри Ажами Сегоҳ	
13.		Насри Уззол	Суворийи Дугоҳи Ҳусайнӣ	Талқини Дугоҳи Ҳусайнӣ	Насри Ажами Сегоҳ	
14.		Уфари макоми Бузрук		Уфари Дугоҳ I		
15.				Уфари Дугоҳ II		

ва ашула йўлларини хоразмлик бастакорлар яратганлар. Бу ерда учраган Ниёзхонхўжа, Комил, Мирзо, Феруз, Муҳуркон каби санъаткорлар Хоразмининг машҳур мусиқа бастакорлари дид.

Ниёзжонхўжа мақомларни Бухородан ўрганиб келган зўр бастакор Комил Хоразмий (XIX аср II ярми) атоқли шоир, олим, Хоразм танбур чизифини ихтиро этиб, XIX аср охирги чорагида мақомларни нотага олган; Феруз (1847-1910) Хоразм шохи Муҳаммад Раҳимхон II нинг таҳаллуси; Муҳаммад Расул (1840-1922) Комил Хоразмийнинг ўғли бўлиб, Мирзо таҳаллуси билан шеърлар ёзган, мақомларни нота чизифига ёзган ва уларга кўпгина янги куй басталаган шоир ва олим, Худойберди Муҳркан машҳур созанда ва бастакордир. Шуни айтиш керакки, бу бастакорлар мақом йўллари ичida энг мураккаблари саналган Мухаммас, Сақил, Мураббаъ ва Мусаббағ услубларида куйлар басталаганлар. Бу нарса, биринчидан хоразмлик бастакорларнинг зўр истеъоди ва маҳоратини кўрсатади, иккинчидан, бу ерда мақомчилик анъанасининг юксак даражада тараққий қилганини тасдиқлади.

Хоразмлик бастакорлар бундан ташқари, турли Наср йўлларига Талқин усулида ашулалар басталаганлар. Бухоро мақомларида ҳаммаси бўлиб, бешта талқин йўллари мавжуд\*. Хоразмда эса, баъзи Наср йўлларига (Талқини Дугоҳи Ҳусайнний Наво, Талқини Дугоҳи Ҳусайнний Дугоҳ қаби) талқинлар басталанганд, ҳар бир мақомнинг чолғу бўлими кетидан эса уфарлар қўшилган. Мақом шўъбаларидан кейин келадиган супоришлар эса Хоразмда шўъбалар ва уларнинг тароналаридан кейин келадиган ашула йўлларининг муқаддимаси ҳисобланади. Бундай супоришларни “Муқаддима”, деб аташ Бухоро Шашмақоми нуқтаи назаридан ҳам ҳақиқатга тўғри келади.

Матниёз Юсупов тўплаб, нотага олган\*\* мақом қисм ва шўъбалари қўйидагичадир: (269 бетга қаранг)

Бу рўйхатни юқорида келтирилган рўйхатлар билан солиширилса, мақомларнинг дастлабки қисм ва шўъбаларидан баъзилари тушиб қолганини кўриш мумкин. Бинобарин ҳозирги кунда Хоразмда Ироқ мақомининг ашула йўллари унутилиб юборилган ёки Ироқнинг бу қисмларини ижро этувачи хонандалар қолмаган, деб йўлаш мумкин.

Бу рўйхатда “Хоразм мусиқий тарихчаси”да келтирилган номларнинг баъзилари учрамайди. Масалан, Рост мақомида: Мураббаи Комил, Мухаммаси Жадиди Феруз (I-II), Мусаббағи Рости Мирзо, Сақили Муҳркон каби чолғу йўллари бутунлай берилмаган. Агар ҳар бир мақом қисмлари мазкур икки рўйхат бўйича таққосланса, улар қўйидагича рақамни ташкил этади\*\*\*.





\* Бу ерда Талқинчай Наврўзи Сабо ва Савт – Мўнулча услубидаги шўъбаларда учрайдиган “Талқинча” шохобчалари мустаснодири.

\*\* ЎҲМ, VI жилд, Тошкент, 1959. Бу китобда Хоразм мақомлари машҳур мақомдон устоз Матпаноҳ Худойбергановдан ёзил олинган.

\*\*\* Қиёсий сонларнинг биринчиси М.Харратов рўйхати бўйича, иккинчиси М.Юсупов китоби бўйича мақом қисмлари сонини кўрсатади.

Рост: 19-15; Наво: 22-16; Сегоҳ: 21-15;  
Дегоҳ 31-15; Бузрук: 24-13; Ироқ: 20-6.

Бу қиссий сонлар шуну күрсатадыки, XIX аср биринчи чорагидаги 137 мақом қисмларидан күплари унтулиб юборилған ва улар ҳозирда 80 таги-на қолған.



*Хоразм танбұр қизигидан намуналар*

<b>Рост</b>	<b>Бузрук</b>	<b>Наво</b>	<b>Дүгөх</b>	<b>Сегох</b>	<b>Ирок</b>
<b>Чертим йүли</b>	<b>Чертим йүли</b>	<b>Чертим йүли</b>	<b>Чертим йүли</b>	<b>Чертим йүли</b>	<b>Чертим йүли</b>
Мақоми Рост	Мақоми Бузрук	Макоми Наво	Макоми Дүгөх	Макоми Сегох	Макоми Ирок
Таржэй	Пешрав	Пешрав I-II-III-IV	Пешрав	Сакили Бастанигор	Таржэй
Пешрави Гардун	Мухаммас	Пешрави Занжирий	Зарбул Фүгх	Мухаммас I-II	Пешрав I-II
Мухаммас I-II	Сакили Ислимхон	Сакил	Сакили Ашкулло	Хафиф	Мухаммас
Мухаммаси Ушшок	Сакили Ниёзхүжэ	Нимсакил	Мухаммас	Уфар	Сакил
Сакили Вазмин	Сакили Султон	Катта Мухаммас	Самойй		Уфар
Уфар	Уфар	Мухаммаси Баёт	Похта зарб <sup>*</sup>		
		Уфар	Уфар		
<b>Айтим йүли</b>	<b>Айтим йүли</b>	<b>Айтим йүли</b>	<b>Айтим йүли</b>	<b>Айтим йүли</b>	<b>Айтим йүли</b>
Мақоми Рост	Мақоми Бузрук	Макоми Наво	Макоми Дүгөх	Макоми Сегох	
Тарона	Тарона I-II-III	Тарона	Тарона	Тарона	
Сувора	Талқин	Сувора	Чоргох	Талқин	
Нақш	Насруллойи	Талқин	Сувора	Сабо	
Талқин	Сувора	Фарёд	Нақш	Наврүзи Хоро	
Фарёд	Уфар	Нақш	Баёт	Сувора	
Сабо		Ораз	Уфар	Нақш	
Уфар		Уфар		Мукааддима	
				Насри Ажам	
				Уфар	

\* Асли – Фохтий зарб Фохитий – ёввойи канттар ёки мусича. Эски манбаларда күрсөтгүлүшінчә, бу усул канттарниң сайрашидан олинган усул. фохтий зарб. деб комдаяған.

«Ўзбек халқ музикаси» (VI жилди)да содир бўлган бундай ҳол Хоразм мақомларини қайта қараб чиқиш лозимлигини тақозо қиласди. Чунки, agar хоразмлик мақомдонларнинг ҳаммаси жалб этилса, шубҳасиз мақом қисмларидан кўпларини топиб, ноталаштириш ва уларнинг ўрнини тўлдириш мумкин бўлади. Масалан, 1930 йил ўрталарида Е. Е. Романовская Хоразм мақомларини нотага олиб нашр эттирган эди (Тошкент, 1939).

Е. Е. Романовская китобининг сўзбоси қисмида Хоразм мақомларининг ашула бўлаклари кам сақланганлиги айтилади. Кейинги йилларда олиб борилган ишлар шуни кўрсатадики, бу фикр ҳақиқатдан йироқдир. Чунки Хоразм мақомларини ўз ичига олган мазкур китоб 1959 йилда босилиб чиқди ва унда ашула қисмларининг кўплари берилган. (Бу китобда негадир Наво мақомининг қадимдан Наср шўъбаси бўлиб келган «Баёт» Дугоҳ мақомига киритилган).

Е. Е. Романовскаяянинг нота ёзувларида чолғу қисмлар М. Юсупов китобидагига кўра анча кўп сонни ташкил этади. Ҳатто шу тайёр материал асосида ҳам мақом чолғу қисмларини нисбатан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Маълумки, атоқли мусиқашунос олим, профессор В. М. Беляев Хоразм нота чизигидаги мақом йўларини ҳозирги замон нотасига кўчирган эди\*. Сўнгги йилларда таникли мусиқашунос Илёс Акбаров ҳам нота чизигида ёзилган Хоразм мақомларини ўрганиб, уларнинг бир қисмини расшифровка қилди ва мазкур «Ўзбек халқ музикаси»нинг VI жилдига илова тарзида нашр эттиргди\*\*:

Бу муҳим ва зарур ишлар ҳали охиригача, бекаму-кўст бажарилган деб бўлмайди. Бу мураккаб ишлар Хоразм нота чизигига янада чуқурроқ, ижодий ёндошишни, ундаги куй ва ашула йўлларини ҳозирда ижро этилмоқда бўлган мақом қисм ва шўъбалари билан қиёсий ўрганишни талаб этади. Шундай қилинса, Хоразм мақомларининг XIX аср охирги чорагида ижро этилган намуналарини бутунича тиклаш имкони туғилади.

Ҳозирда мазкур рўйхатлардаги мақом қисм ва шўъбалари номларининг бир-биридан фарқланиши Хоразм ва Бухоро мақомларини қиёсий ўрганишда қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли Хоразм нота чизигидан фойдаланиб, ишга ҳамма мақомдонларни жалб қилиш билан қолган мақом йўлларини тиклаш ҳозирда энг муҳим вазифалардан биридир. Бу иш Хоразм мақомларини чуқурроқ ўрганишга, уларнинг Бухоро мақомлари ва халқ мусиқа бойликларига муносабати масаласини тўғри ёритишга имкон беради.

Хоразм мақомлари Шашмақомнинг ўзи деган фикр ҳозирда ҳам мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Е. Е. Романовская ўзининг мазкур китобда М. Харратовнинг мулоҳазаларига суюниб шундай фикрни олға сурган эди. «Ўзбек халқ музикаси» VI

\* В.М.Беляев, Макомы (расшифровка хорезмской нотации), Ташкент 1959. Бу нотанинг қўлъз-маси СИТИ кутубхонасида сақланади.

\*\* Ўша асар, 513-607 бетлар. Мақоми Ростнинг чолғу қисмлари.

жилдидаги бош мақолада муаллифлар (И. Акбаров ва Ю. Кон) бу даъвога қарши чиқадилар.

Бухоро ва Хоразм мақомларининг куй-оҳанглари мазмуни ҳақида у ерда қўйидаги сатрларни ўқиймиз: “ . . . фақат айрим қисмларда улар ўртасида ўҳшашлик кўринади. Масалан, Хоразм мақоми Рост Мухаммаси Бухоро Рост мақомининг тегишли қисмига кўп жиҳатдан ўхшайди. Рост мақомидаги Мухаммаси Ушшоқда ҳам шу ҳолни кўрамиз”\*. Бинобарин, мақолада бир-бирига мос келмаган куйлар ҳақида ҳам гапирилади. “Бу нарса, -дейилади сўнгра,- Е. Е. Романовскаяяниңг Хоразм мақомлари Бухоро мақомларига боғлиқ деган даъвосининг асоссиз эканлигини кўрсатади”. Аввало бу даъво Е. Е. Романовскаяяниңг эмас, балки М. Харратов ва бошқа хоразмлик мақом-донларницидир. Иккинчидан, мақомларнинг бу икки шакли орасидаги тафовут мавжудлиги бу масалада ҳал қилувчи омил эмас. Чунки, мақомлар XIX асрлардан бошлаб Хоразм шароитида ўзига хос йўл билан яшаган ва ривожланган. Бухоро мақомлари эса, янада бошқача йўл билан ўз тараққиётини давом эттирган. Бу тараққиёт жараённида бир ярим асрдан кўпроқ ўтган даврда ҳар иккала марказ – Бухоро ва Хива шаҳарларида мавжуд ижрочилик, бастакорлик анъанасининг таъсирида мақомларда жуда катта ўзгаришлар бўлиши турган гап. Ҳатто, Бухоро мақомларининг қиёфасида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берганлигини билиб олиш мумкин . Масалан, XIX аср I ярмида Амир Насруллоҳон\*\* даврида кўчирилган Шашмақом матн тўпламидан маълумки, олти мақомнинг ҳар бири таркибида ҳозиргacha жуда катта ўзгаришлар содир бўлган. Қўллўзмадаги баъзи қисмлар бизнинг кунгача етиб келмаган; аксинча сўнгги даврларда баъзи Савт, Мўгулча, Сарвиноз каби янги қисмлар юзага келган. Шеър матнларини ҳозирги ижро этилаётган мақомлардаги шеър вазнига солиштирса, кўп ўринларда бир-бирига мос келмайдиган шўъба кўплаб учрайди.

Демак, Хоразмда ҳам, Бухорода ҳам улар бир ерда қотиб қолмаган, балки бастакорлар уларни шеър матнини, баъзи қисмларини ўзгартириб, мақомларга мос янги-янги қисмлар басталаганлар.

Масалан, Фитратнинг кўрсатишича, Дугоҳ мақомининг ашула бўлими II гуруҳ шўъбаларидан бири – Хуноб, деб аталган ва Талқин ҳамда Уфар шоҳобчалари бўлган. У усулсиз, «Катта ашула» каби ижро этилган.

Фитратнинг айтишича, Сегоҳ мақомида Мустазоди Сегоҳ шўъбаси бўлган ҳамда Талқин ва Уфар қисмлари мавжуд эди. Шу мақом йўлларидан – Гирёни Қозоқнинг иккита Талқини ва Уфари бўлган. Ироқ мақомида эса Савти Мухайяр шўъбаси ва унинг Талқин, Қашқарча, Соқийнома, Уфар шоҳобчалари мавжуд эди. Муаллифнинг кўрсатишича, унинг топшириғи билан машҳур Ота Жалоллиддин Носиров Сегоҳ мақомига беш қисмли Савт шўъбаси басталаган ва у “Савти Жалолий”, деб номланган. Юқорида номлари келтирилган мақом шўъбалари XIX аср бошларида ҳам, ҳозирги кунда ҳам зикр этилмайди.

\* Хоразм мақомлари, Тошкент, 1959, XVIII бет.

\*\* Мазкур ЎзР ФАШИ. Қўллўзмаси, ишв. № 1446

Хоразм бастакорлари ҳам ўзига хос услугуб билан мақомчиликдаги бастакорлик анъаналарини давом эттиридилар. Мақомлар орасидаги тафовут эса, бу икки маданият марказлари – Бухоро ва Хивада давр ўтиши билан орта борган эди. Лекин, мақомларнинг асосий йўллари ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг асл қиёфасини озми-кўпми сақлаб қолди. Хоразм мақомларининг Бухоро мақомларига муносабати масаласи нота ёзувида янада ойдинлашади\*.

Хоразм мақомларининг лад тузилиши, куй қиёфаси, уларга мос дойра усуллари ва ашуалаларга айтиладиган шеър ўлчовлари масалалари бу мақомларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда ҳал этувчи омиллардир<sup>(2)</sup>.

Шуни ҳам айтиш керакки, нота китобларида мақом куй ва ашула йўллари бошланадиган пардалар ўзгартириб берилганлиги ҳам Шашмақом ва Хоразм мақомларини қиёсий ўрганиш ишини қийинлаштиради. Баъзи ҳолларда эса, бу нарса куйнинг лад тоналлигини ўзгариб кетишига олиб келиши ва куй оҳангларида фарқларни ортириши ҳам мумкин. Масалан, Таснифи Дугоҳни олайлик. Бу куй Хоразмда Пешрави Дугоҳ, деб номланади.

Хоразм вариантида куй ижрочининг чалиши билан боғлиқ ҳолда тўрт парда юқоридан бошлангани учун табиий равишда шундай фарқлар со-дир бўлган\*\*. Лекин иккала вариантда ҳам куйнинг асосий йўли сақланган, пешрав даврлари шакли бир-бирига ўхшайди. Хоразм вариантида бозгўй жуда ўзгартириб берилган. Бизнингча, унинг 4 такти бозгўй бўлиши лозим. Чунки олдинги 9 такт пешрав даврларининг бевосита давоми, ажралмас қисмидир.

Бу иккала вариантининг фарқланишида Хоразмдаги ижро услубининг таъсири каттадир, нота улушларидаги ўзгаришлар ҳам ўша ердаги ижрочилик услубига хосдир. Хоразмда мақом йўлларининг бошланиш пардалари ўзгариб кетганлиги, бу ерда мақомлар сўнгти вақтларда туркум тарзida эмас, балки, якка-якка куй ва ашуалалар шаклида ижро этиладиган бўлди, деган холосага олиб келади. Чунки, туркум тарзida ижро этилганда, пардалар ўзгармас, куйлар баланд-паст пардаларда ижро этилмаган бўларди.

Бизнингча, «Хоразм мақомлари» китобида берилган баъзи мақом йўллари бошланадиган парда (тоника)лар қуйидагича бўлиши лозим:

Рост мақомида: Сақили вазмин (26-30 бетлар)- бир парда пастга; Сувора (50-57 бетлар)- бир парда юқорига; Нақш (59-66 бетлар)- бир парда пастга;

Бузрук мақомида: Пешрави Бузрук (102-104 бетлар), Мухаммаси Бузрук (105-107 бетлар), Сақили Ислимхоний (108-110), Сақили Ниёзхўжа (111-113 бетлар), Сақили Султон (114-115 бетлар)- бир парда пастга, Мақоми Бузрук (Сарахбор 120-136 бетлар)- тароналари билан (137-159 бетлар), Талқини Бузрук (160-168 бетлар), Насруллоий (170-178 бетлар) - бир парда пастга, унинг Уфари эса бир парда юқорига;

\* Бу ўринда «Ўзбек ҳалқ музикаси» V-VI жиллари, Тошкент, 1960, 1959. СИТИ ва Ўзбекистон Радиоси фондларida сақланаётган магнит ёзувларiga таяномиз.

\*\* Қаранг: Хоразм мақомлари. Тўпловчи ва нотага олувчи М.Юсупов, Тошкент, 1958, 306-309 б.

Наво мақомида: Мақоми Наво (Сарахбор, 231-242 бетлар), унинг Сувораси - бир парда юқорига; Талқин (256-264 бетлар) – 4 парда, Фарёд (265-273 бетлар) – бир парда, Орази Наво (283-291 бетлар) - уч парда пастга;

Дугоҳ мақомида: Пешрави Дугоҳ (306-309 бетлар)- 4 парда пастга; Зарбул - Футх (310-313 бетлар), Сақили Ашкулло (314-317 бетлар) - бир парда пастга, Мақоми Дугоҳ (Сарахбор, 328-338 бетлар) - 4 парда юқорига, Чоргоҳ (343-317 бетлар) - бир парда юқорига\*;

Сегоҳ мақомида: Сақили Бастанигор (393-395 бетлар), Мухаммас I-II (396-402 бетлар), Сабо (434-439 бетлар)- бир парда пастга, Насри Ажам (474-479 бетлар)- бир парда юқорига;

Мақоми Ироқда: Мақоми Ироқ (Тасниф, 489-492 бетлар)- 4 парда пастга; Таржеси Ироқ (493-495 бетлар) – 4 парда пастга ёки 6 парда юқорига, Пешрав II (498-501 бетлар), Мухаммас (502-505 бетлар), Сақил (506-507 бетлар) 3 парда пастга транспозиция этилиши лозим.

Шундай қилиб, аслига кўра паст ёки юқори пардаларда ижро этилиши ҳам мақом йўлларини катта ўзгаришларга олиб келган омиллардан дейиш мумкин.

## ХОРАЗМ МАҚОМЛАРИНИНГ ЧЕРТИМ ЙЎЛЛАРИ (МАНСУРЛАРИ)

Маълумки, Шашмақом чолғу бўлимларида Тасниф, Таржесъ, Гардун Мухаммас, Сақил, Самоий каби номлар учраса, ашула бўлимларида Сарахбор, Талқин, Наср, Уфарлар Савт ва Мўғулча каби шўъбалар мавжуддир. Хоразм мақомларида бу номларнинг баъзилари (Савт, Мўғулча каби шўъбалар) бутунлай учрамайди. Чунки Савт ва Мўғулчалар сўнгги даврларда, мақомларни Хоразмда тарқалганидан сўнг яратилган эди. Хоразм мақомларида эса мақом қисмларининг номи Пешрав, Сувора, Нақш, Фарёд, Сайри Гулшан, Зарбул Футх, Фохтий Зарб каби номлар билан алмаштирилган. Бу номларни (Сайри Гулшандан ташқарилари) Хоразм мақомларида қўлланилиши тасодифий ҳол эмас, албатта, балки ўзининг узоқ тарихий асосларига эта. Бундай номлар қадимий ёзма манбаларда куй, ашула ва дойра усувлари маълум шаклининг ифодаси бўлган эди. Масалан, Сувора (отлиқ) - отнинг юришини акс эттирувчи ҳамда отлиқнинг ҳаракатига боғлиқ усул, куй ва ашуулаларни ифодалаган. Нақш (беззак) - ҳозирги маънодаги мақом тароналарининг энг йирик шакли, Зарбул Футх (Фатҳия, урушда ғалаба қилишни акс эттирувчи усул) - жанговар руҳдаги куй - усули, Фохтий (гўё мусича сайрашидан олинган усул) - шу номли усул билан ижро этиладиган куй ва хоказо маъноларда ишлатилади. Хоразм мақомдонлари эса шу қадимий номларни мақом йўллари усулига қараб тиклашга мұяссар бўлган эдилар. Мақом йўлларида бу номланишдаги фарқлардан қатъий назар куй йўллари асосан Шашмақомдаги шаклини сақлаб қолади.

\* 370-377 бетлардаги Баёт-Наво мақоми шўъбаси бўлиб. Дугоҳ мақомида ноўрин берилганди.

Хоразм мақом йўлларининг рўйхати юқорида келтирилиб ўтилган эди. Энди мақомларнинг чолғу йўллари ҳақида қисқача мулоҳаза юритамиз.

Мақомлар чолғу ва ашула бўлимларининг бош йўллари Таснифлар ва Сарахборлар Хоразмда тегишли мақомлар номи билан – Мақоми Рост, Мақоми Бузрук, Мақоми Наво, Мақоми Дугоҳ, Мақоми Сегоҳ, Мақоми Ироқ тарзида айтилади.

Хоразмда ҳам мақом чолғу йўллари хона ва бозгўйлардан ташкил топган. Таснифи Рост ўрнида келадиган Мақоми Рост ўзининг куй қиёфаси жиҳатидан Бухороча шаклидан бир оз фарқ этади. Хоразм вариантида бозгўй кенгроқдир. Масалан, Бухоро вариантида унинг бозгўйи қўйидагича:

Бозгўй

Хоразм варианти эса шундай:

Бозгўй

Бу мисоллардан кўринадики, Бухоро вариантида бозгўй тўрт такт, Хоразм вариантида ўн такт. Иккала шаклда ҳам куй йўналиши бир-бирига яқиндир. Дойра усули эса бир хил деса бўлади.

Аммо Хоразм вариантида вақти-вақти билан тектнинг  $\frac{3}{4}$  ёки  $\frac{3}{8}$  га ўзгариб келишини тўғри деб бўлмайди. Чунки мақомларда тект-ритм барқарор ўлчовларда бўлиб, муайян дойра усулидан чиқиб кетиш ҳоллари мақомлар тарихида учрамаган. Тект-ритм фақат талқинларда, чапандоз йўлларида ва баъзан тароналарда ўзгариши, алмашиниб келиши мумкин. Бу ерда эса, нотага ёздирган ижрочининг айби билан тект ўлчови ўзгарган бўлса керак.

Бухоро вариантидаги биринчи хона Усмония қўйидаги пешрав мотивларини эслатади:

I хона

Хоразм вариантида хоналарнинг ҳар бири Уззолга ўхшаш оҳанглар билан бошланади ва уларга Шашмақомдаги Таснифи Рост ва Сарахбори Рост унсурлари асосида яратилган мотивлар уланиб кетади ва хоналар кенгая боради\*.



Шундай қилиб Таснифи Ростнинг хоразмча шакли Сарахбори Ростнинг маълум варианти дейиш мумкин. Бунда Бухоро вариантида мавжуд бозгўйдан фойдаланилган. Масалан, Мақоми Рост, яъни Таснифи Ростнинг юқорида келтирилган қисмини хоразмча Сарахбори Ростнинг бошланиши қисмига таққослаб кўрилса, уларнинг куй йўли бир-бирига жуда яқин эканини билиб олиш мумкин:

A musical score with lyrics written below the notes. The lyrics are in Chagatai and English. The Chagatai text reads: "Хуш - дур ба - хор мав су - ми - нинг ай ши чо - ги да" and "уз ё-ри бир ла бўл-са ки-ши вас - л(и) бо - ги да". The English translation below the Chagatai text reads: "Hush - dur ba - hor mav su - mi - ning ay shi cho - gi da" and "uz yo-ri bir la bol-sa ki-shi vas - l(i) bo - gi da".

Сарахбори Ростнинг бу варианти ҳам Уззолга ўхшаш оҳанглар билан бошланади, охирги мотивлари эса Бухоро вариантидаги кабидир.

Шуни айтиш керакки, Хоразм вариантидаги ҳамма Таснифлар ҳам Сарахборлар асосида яратилгандир. Энди Таржеи Ростни олайлик. Унинг хоразмча шакли Таснифи Ростнинг  $\frac{3}{4}$  тантралчидаги варианти эканлиги қўйидаги мисоллардан ҳам кўриниб турибди:

Шашмақомдаги Таснифи Ростнинг қисми:

---

\* Хоразм мақомлари, Тошкент, 1958, 3-бет



### Хоразмча Таржеси Рост:

*Бозгүй*

Бу вариантларда фарқ шуки, Хоразм вариантида куй йўлида учрайдиган унсурлар пешрав мотивлари ҳисобига анча қисқартирилган.

Гардуни Ростнинг дойра усули хоразмча вариантида бутунлай ўзгариб кетган ва  $\frac{2}{4}$  тектакт ўлчовида берилган. Лекин куй йўлидаги ҳаракат бу вариантида ҳам сақланиб қолган. Гардуннинг Хоразм варианти Пешрави Гардунни Рост деб аталиб, бунда куй мақом чолғу қисмларига хос пешравлар воситаси билан ривожланади. Лекин Гардун дойра усули жуда қадим замонлардан маълум ва машҳур бўлган. Пешрави Гардунда эса усул тарихий жиҳатдан қараганда бутунлай бузилган.

Шашмақомдаги Мухаммаси Рост асосида Хоразмда унинг икки варианти яратилган ва Мухаммаси I-II дейилади.

Мухаммаси Ушшоқнинг Бухоро ва Хоразм вариантиларида фарқ деярли йўқ. Хоразмча шаклида хона ва бозгўйлар 16 тактли бўлмай, улар куй даврларида ўзгариб туради ва уларга чегарадан чиқиб кетадиган куй лавҳалари киритилган.

М. Юсупов китобида Мухаммаси Панжгоҳ, Сақили Rag-rag берилмаган. Бунга сабаб шуки, А. Фитрат айтганидек, бу чолғу йўллари асосида хоразмлик бастакорлар махсус Панжгоҳ номли ярим мақом яратган эдилар.

Сақили Вазмин эса, иккала шаклда ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. “Хоразм мақомлари” китобида куй бир тон юқори кўтарилилган, натижада нота калити олдида қўшалоқ диез қўйишга мажбур бўлинганди. Бу ҳол мақомларга нисбатан ғайри табиий бўлиб, чолғу йўлларида тоналлик бир хил бўлиши, модуляция ҳолатлари эса куй ҳаракатида йўл-йўлакай содир бўлиш мумкин.

Хоразм мақомларига хос бўлган яна бир нарса шуки, чолғу йўллари ҳам Уфарлар билан якунланади. Уфари Рост эса хоразмча Таржеси Рост асосида яратилган.

Шундай қилиб, Рост мақоми чолғу йўллари Шашмақомдаги отдош қисмлардан баъзан фарқланар экан, бу нарса уларнинг номларини алмаштириб

юборилганлитигининг натижасида содир бўлган. Хоразм вариантидаги чолғу қисмларда, ҳатто бастакорлар яратган янги чолғу йўлларида ҳам Шашмақомнинг куй ва ашулаларида унсурлар яққол сезилади.

Бошқа мақомларни ҳам олиб қарайлик, Таснифи Бузрукнинг хоразмча варианти Сарахбори Бузрукнинг худди ўзидир. Пешрави Бузрук Шашмақомдаги Таснифи Бузрукнинг қисқароқ шаклидир. Бунда куй Шашмақомдаги лад тоналликнинг IV поғонасидан эмас, V поғонасидан бошланиб, бозгўйга уланиб кстади. Пешрави Бузрукда бозгўй 8 тактдан 4 тага қисқартирилган. “Хоразм мақомлари” китобида калит олдига икки диеz қўйилган. Тоника эса *ре* нотасининг ўрнига *ми* нотаси бўлиб қолган. Бу ҳам мақомлар учун ғайри табиий ҳол бўлиб, Мухаммаси Бузрук, Сақили Ислимхон, Сақили Ниёзхўжа, Сақили Султон қисмларида ҳам лад тоналлик пардалари тўғри олинмаган. Уфари Бузрук Мақоми Бузрук (Тасниф) йўлининг ритмик вариантидир.

Наво мақомининг чолғу йўлларига келсак, Таснифи Навонинг Хоразм вариантида деярли ўзгаришлар учрамайди. Лекин Бухоро вариантида бозгўй IV-XII хоналардан кейин, яъни икки мартагина келади. Хоразмча шаклида бозгўй ҳар бир хонадан кейин такрорланади. Бунга сабаб, уларни хоразмлик бастакорлар киритганлар ёки Хоразмда унинг дастлабки шакли сақланниб қолган, деб ўйлаш мумкин. Бухорода, эса, кейинчалик у қисқартирилган.

Таржеъи Наво Хоразм вариантида Пешрав I бўлиб, бастакорлар унинг асосида бир исча пешрав вариантларини яратганлар. “Хоразм мақомлари” китобида Гардуни Наво, Нағмаи Ораз, Мухаммаси Ҳусайний берилмаган. Катта Мухаммас хоразмлик бастакорлар яратган чолғу йўлидир. Мухаммаси Баёт эса Бухоро вариантининг худди ўзидир. Сақили Наво иkkala вариантида фарқ этмайди. Хоразм вариантида хона, бозгўйлар 24 тект ўрнига 22 тектда берилган. Дойра усули эса, куй бошланишидаги тўрт тект икки тектга қисқартирилиб, тезлаштирилган. Нимсақил Навонинг Уфари ҳам Хоразмда яратилган.

Мақоми Дугоҳ (Таснифи Дугоҳ) ҳам Сарахбори Дугоҳнинг ўзидир. Бунда ҳатто ашула йўлидаги даромад, миёнпарда, дунаср ва намудлар ҳам сақланган. Пешрави Дугоҳ эса Таснифи Дугоҳнинг тўрт парда юқоридан бошланган ва қисқартирилган вариантидир. Забул – Фатҳ Пешрави Дугоҳнинг Бухоро варианти асосида яратилган. Лекин, бир парда юқори бошланган. Сақили Ашкулло Хоразм ва Бухоро вариантларида фарқ этмайди.

Мухаммаси Дугоҳ ҳам иkkala вариантида баъзи фарқлар билан берилади. Бу срда хоналар ўрни алмаштирилган, бинобарин, бозгўйлар тубдан фарқ этади. Хоразм варианти мураккаброқ, пухтароқ ишланган.

Самойи Дугоҳ вариантлари куй тузилиши жиҳатидан бир-биридан ҳеч фарқ этмайди.Faқат дойра усули бир оз ўзгарган. Похтий зарб хоразмлик мусиқачилар томонидан басталанган бўлиб, бунда Мухаммаси Баёт унсурларидан фойдаланилган. Дугоҳнинг чолғу бўлимидаги Уфарни Самойи Дугоҳ Уфари, деса бўлади.

Мақоми Сегоҳнинг чолғу йўллари қўйидагичадир: Мақоми Сегоҳ (Тасниф) Сарахбори Сегоҳ асосида яратилган бўлиб, унга бозгўйлар киритилган. Сақили Бастанигор Хоразм вариантида бир парда юқори берилган, бинобарин, нота калити олдида икки диеz қўйишга тўғри келган. Дойра усули эса, 24 тактдан икки тактга қисқартирилган. Худди шунингдек, Мухаммаси Сегоҳ I-II ҳам бир парда юқори олинган бўлиб, иккинчисининг усули 2-такт, яъни нотўғридир. Мухаммаси Сегоҳ II Бухоро вариантининг айнан ўзиdir. Ҳафиғи Сегоҳ Хоразм ва Бухоро вариантларида асосан фарқ этмайди. Хоразм вариантида куй бозгўйдан бошланниб, биринчи хона тушириб қолдирилган ҳамда унга бошқа янги бозгўй киритилиб, Уфари Сегоҳ Бухоро вариантидаги бозгўй хона тарзida берилган. Уфари Сегоҳ Мақоми Сегоҳнинг Уфар усулидаги вариантидир.

Мақоми Ироқ чолғу йўлларининг бошланадиган пардалари бутунлай нотўғри берилган. Тоника “ля” кичик октава бўлиши лозим. Мақоми Ироқ (Тасниф) Сарахбори Ироқ асосида, Таржси Ироқ – Таснифи Ироқ асосида яратилган. Пешрави Ироқ I-II хоразмлик бастакорлар томонидан яратилган. Мухаммаси Ироқ Бухоро ва Хоразм вариантларида асосан фарқ этмайди. Хоразм вариантида бир парда юқори бошланган. Сақили Ироқ ва Уфарни хоразмлик бастакорлар яратган.

Шундай қилиб, Хоразм мақомларининг айниқса чолғу йўлларида катта ўзгаришлар юзага келган, янгидан янги чолғу қисмлар яратилган. Чолғу йўлларининг номларини ўзгартирилганлиги, уларнинг бири ўрнига иккинчисини вариантлар тарзida ишлатилганлиги, лад тоналлик нуқтаи назаридан куйларнинг бошқа пардаларда ижро этилганлиги, дойра усулларининг қисқартирилганлиги ва шу каби ҳоллар Бухоро ва Хоразм мақомларида фарқларини юзага келишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, созандаларнинг ўзига хос ижро услуби бўлганидек, куйларни ҳар бир созанда турлича ижро этади. Шу сабабли бир созанда ижросида нотага олинган куй иккинчисига ҳар томонлама мос кела бермайди ва бунда ўзгаришлар юзага келади. Ижрочиликда мақом йўллари нотада ифода этилгандек чалина бермайди. Одатда созанда кўпинча ўзига хос қочирмалар билан импровизация қилиб ҳам ижро этиши мумкин.

Бухоро ва Хоразм мақомлари таққослаб кўрилар экан, бунда аввало мақом йўлларининг лад асоси, куй ҳаракати бинобарин, уларнинг бошланиш пардалари ладларга мувофиқ тарзда ҳисобга олиниши лозим. Акс ҳолда маълум куй бутунлай бошқа-бошқадек туюлади.

## ХОРАЗМ МАҚОМЛАРИНИНГ АЙТИМ ЙЎЛЛАРИ (МАНЗУМЛАРИ)

Ашула бўлимларида Хоразм мақомлари чолғу бўлимлардагидек ўзгаришларга учрамаган, деса бўлади. Айтим йўллари Бухородаги ашула бўлимларидаги шўъбалар қиёфасини асосан сақлаб қолган. Шуни айтиш керакки, ҳозирда Хоразм мақом шўъбаларида баъзи тароналар унутилиб юборил-

ган, кўплари эса “тарона” номи билан эмас, маҳсус бошқа номлар билан аталади. Рост мақомида – Сувора, Нақш, Фарёд, Бузрукда – Сайри Гулшан; Навода – Сувора, Фарёд, Нақш; Дугоҳда – Сувора, Нақш; Сегоҳда – Нақш, Муқаддима ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида айтилгандек, ашула бўлимларининг бош шўъбаси – Сарахборлар мақомлар номи билан Мақоми Рост, Мақоми Бузрук каби номланади.

*Сарахборлар*. Хоразмда Таснифлар ва Сарахборлар “Мақоми Рост”, “Мақоми Бузрук”, “Мақоми Наво” каби номланиши айтиб ўтилган эди. Бунинг сабаби ҳам маълум. Чунки уларнинг куй тузилиши, дойра усули бир хил, яъни улар маълум мусиқа асарининг чолғу ва ашула йўлларидир.

Мақоми Ростнинг қиёфасини қараб чиқамиз. Унинг Таснифи ўрнида келадиган Мақоми Рост қисми билан Сарахбор шўъбасининг бир қисми таққослаб кўрилса, уларнинг ўхшаш экани яққол кўзга ташланади.

Чертим йўлида:

Айтим йўли (Сарахбор)да:

Бу ерда, Тасниф ўрнидаги куй кенгайтириб олинган (19 эмас, 20 такт бўлиши керак, Сарахбор эса 15 такт).

Энди Мақоми (Сарахбори) Ростни яхлит ҳолда олиб қарайлик.  
Унинг I хат (даромади) кичик чолғу муқаддима билан бошланади (Хоразм вариантида 4 такт, Бухорода- 9 такт).

Даромад (I хат)нинг биринчи ярми Уззол унсурлари, иккинчи ярми Шашмақомдаги вариантинг ўзгинаси, дойра усули ҳам бир хил. Лекин дойра усулида, тактлар бошида “бум” берилиб, “бак” ўрнида чоракталик пауза берилади. I хат, чолғу муқаддимасидан ташқари, 15 такт, Бухоро вариантида эса 20 такт. Ашулага боғланилган шеър ҳам Шашмақом вариантидаги-дан фарқ этмайди. Масалан (бир мисрадан оламиз).

Шашмақомда:

“Қилди кўзум қаро мени ғам тийра ҳол этиб . . .”

Хоразм вариантида:

“Хушдур баҳор(и) мавсумининг айши чоғида . . .”

Лекин, куйга туширилган шеър, мақом услугига мос этиб боғланмаган. Чунки, шеърдаги узун-қисқа бўғинлар, ашулада узун ёки қисқа нота улушларига мос келиши лозим.

Бизнингча шеър бошидаги узун бўғин ашула йўлида тактдан олдин чорак нота билан (Шашмақомдагидек) бошланса, турли узунликдаги шеър бўғинлари бир срга тўпланиб қолмай, ашула йўли “ҳанг”лар воситаси билан эмас, шеър матнлари жўрлигида равон ижро этилади.

Иккинчи (II) хатнинг биринчи ярми (жумласи) олдинги хатдаги каби Уззол унсурлари билан бошланиб, унинг иккинчи ярми ҳам биринчи хатдагидек ижро этилади ва 16 тактдан иборат “ҳанг”лар билан туталланади. Бу “ҳанг”лар Шашмақомдаги Сарахбори Ростга хос мотивлардир. Лекин Хоразм вариантида ашула ҳаракати энг юқори регистрларга интилмай, паст регистрларда адо этилади.

Учинчи хат Намуди Ушшоқнинг кичик бир варианти бўлиб, Хоразм мақомида унга IV хат, яъни Намуди Уззол унсури билан ижро этиладиган, пешравга ўхшашиб мазкур “ҳанг”лар уланиб, бошланиш пардага қайтиб тушади.

Бешинчи, олтинчи хатлар Авжи Турк ва Намуди Сегоҳнинг маълум қўшилмаси бўлиб, ҳар бир ярим хатдан кейин “ҳанг”лар уланиб кетади. Шунинг учун ҳам авжларни ажратиб олиш ҳам анча мураккабдир.

Еттинчи хат тўртингчи хатнинг, яъни Намуди Уззол билан бошланадиган жумлаларнинг Дунасли (бир октава юқори регистрда такрорланиши)дейиш мумкин. Бунда ашула жумлалари иккинчи октава “солъ” дан бошланиб, учинчи октава “до”дан қайтади ҳамда пешравларга ўхшашиб “ҳанг”лар воситаси билан Уззол унсурлари орқали “ҳанг”ларга уланиб, куй пастга ҳаракат этиди ва ашула бошланган пардага қайтиб тушади. Шундай қилиб, Хоразм вариантида хатлар ўрни ўзгарган ва баъзи куй унсурлари киритилган. Намуд-

лар эса жуда қисқартирилган. Бошқа мақомлардаги Сарахборларда ҳам асосан шундай қилинганды.

Мақоми Бузрук (Сарахбор) аслига күра бир парда паст бошланған. У чолғы муқаддима билан бошланады.

I хат-даромад, бир күй жумласига бир байт шеърнинг икки мисраси тақрорланиб айтиладиган ашула бўлагидир. II хат даромаднинг давоми бўлиб, жуда узун (20 тактдан иборат) “ҳанг”лар билан тамомланади.

III хат- миёнхат бўлиб, унинг иккала жумласи “ҳанг”лар билан тоникага қайтиб тушади.

IV хат – Самарқанд Ушшоғи каби поғонама-поғона пастга ҳаракат этадиган Намуди Уззодир.

V-VII хатлар – Намуди Мухайяри Чоргоҳнинг хоразмча варианти бўлиб, Шашмақомдаги вариантидан күй ҳаракати жиҳатидан бир оз фарқ қиласди. Ашуланинг бу қисми ҳам “ҳанг”лар воситаси билан VIII –миёнхатга уланиб, фуровард (туширим) қисми билан тугалланади.

Сарахбори Навонинг бошланиш хатлари Шашмақомдаги каби бўлиб, аслига күра бир парда паст бошланған. Унинг I-II хатлари даромад, III-IV хати- миёнхат бўлиб, “ҳанг”лар билан пастга, тоникага тушади. IV-V хатлар – дунаср (Намуди Наво)дир. У ҳам “ҳанг”лар воситаси билан фуровард қисмига қўшилиб кетади ва ашула йўли тугалланади. Бунда намуди Ораз бутунлай тушириб қолдирилган ёки бутунлай ўзгаририб, жуда қисқа ҳолда учрайди.

Мақоми Дугоҳ (Сарахбор) Шашмақомдаги кабидир. Лекин тоника тўрт парда паст-биринчи октава “ре” ўрнига “ля” кичик октава олинган.

I хат – бир ашула жумласининг икки марта тақрорланишидир, I-II хатлар – даромаддир ва «ҳант»лар билан тушади. III хат – миёнхат, IV-дунаср, V-VI – хатлар Намуди Мухайяри Чоргоҳ, VII хат Фуровард (туширим) қисмидир. Сарахбори Дугоҳ Хоразмда ҳам кенг ёйилган бўлиб, унинг асосида жуда кўп күй ва ашула йўллари, достонларга айтиладиган қўшиқлар яратилган.

Мақоми Сегоҳ (Сарахбор) ашула йўли Шашмақомдагидан фарқ этмайди. Фақат усул суръати тезроқ ижро этилади. Шеър вазни ҳам бир хил. Лекин, шеърни куйга туширишда баъзи ўзига хос ўзгаришлар бўлиб, нота улушлари бошқачароқдир. Бунда шеърнинг биринчи бўғини тактдан олдинги чорак нота билан бошланмагани учун шундай ўзгаришлар содир бўлган.

Сўнгги мақом - Ироқнинг ашула йўллари бизгача етиб келмаган.

Сарахборларнинг тароналарига келсак, улар ҳамма тароналардан терма қилиб ишланған, уларга катта авжлар киритилиб, йирик шаклдаги ашула ҳолига келтирилган. Шунинг учун улар Шашмақомдаги тароналарга кўра йирикроқдир. Сарахбори Ростда учта тарона бўлиб, Тарона, Сувора, Нақш деб номланади. Тарона – Шашмақомдаги Сарахборнинг III таронасининг вариантни бўлиб, такт ўлчови  $\frac{3}{4}$ ,  $\frac{4}{4}$  дан  $\frac{6}{4}$  га келтирилган. Сувора ҳам III-IV

тароналар асосида яратилган бўлиб, Хоразмда жуда машҳурдир (хусусан, замонавий мавзудаги «Ўзбекистон гуллари» ашуласи шу Сувора асосида яратилган). Нақш ашула йўли Насри Ушшоқнинг I-II таронаси бўлиб, унинг маълум варианти Хоразмда «Ҳануз» номи билан машҳурдир. Унинг бошлиниши қўйидагича:

Нақши Рост Шашмақомдагидан фарқ этади. Хоразмлик бастакорлар унга мақом йўли сифатида Ушшоқ ва Уззол намудлари боғлаганлар.

Мақоми Бузрук (Сарахбор)нинг тароналари ҳам учтадир. Сайри Гулшан таронаси Шашмақомдаги Сарахбори Бузрукнинг тароналари асосида, янги авжлар ва намудлар воситаси билан анча ривожлантирилган. Тарона II ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. III тарона талқин усулида бўлиб, у ҳам намуди Уззол, Мухайяри Чоргоҳлар билан қенгайтирилган.

Мақоми Наво (Сарахбори)нинг I таронаси иккала вариантларда бир хил бўлиб, Хоразм мақомларида ўзгартириб юборилган. Унинг Сувораси Шашмақомдаги II таронанинг ўзгарган шаклидир.

Сарахбори Дугоҳ II–IV тароналари асосида хоразмча таронанинг оригинал варианти яратилган. У кўпроқ Савти Муножот ашула йўлини эслатади.

Сарахбори Сегоҳ I- II тароналари Хоразм вариантида битта тарона қилиб олинган. Унинг авж қисми анча қенгайтирилган.

Шуни айтиш керакки, тароналарнинг Хоразм вариантида кўплаб учрайдиган  $\frac{6}{4}$ , ( $\frac{4}{4} + \frac{4}{2}$ ) такт ўлчови асли тароналарга хос  $\frac{3}{4}$  бўлса керак. Бу ўринда ижрочилар урғу (акцент)лик нота улушларини адаштирган бўлсалар эҳтимол.

**Талқинлар, Насрлар ва Уфарлар.** Талқин йўллари «Хоразм мақомлари» китобида тўртта берилган бўлиб, Дугоҳ ва Ироқ мақомларида учрамайди. Аслида эса, Дугоҳ мақомида Талқини Чоргоҳ бўлган эди.

Талқини Рост\* – Шашмақомдаги Талқини Ушшоқдир. Унда Шашмақомдагидек Уззол, Мухайяри Чоргоҳ намудлари мавжуд. Лекин, анчагина ўзгартирилган.

\* Талқини Рост ва Насри Рост (Ушшоқ) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машҳур хонандада Назира Юсупова ижросида шинавандаларга маълум.

Талқини Бузрук – Талқини Уззолнинг маълум вариантидир. Унинг куй қиёфаси, таркибий унсурлари Шашмақомдаги каби бўлиб, Уззолнинг ҳаракати сакрама бўлмай погонама-поғона пастга тушади ва юқорига чиқади. У даромад, миёнхат, дунаср, Ушшоқ ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари ва фуровард қисмлари ва «ҳанг»лардан таркиб топган.

Талқини Наво – Талқини Баётнинг ўзи, лекин жуда катта ўзгаришларга учраган.

Аввали Талқини Наво икки тон юқоридан, номувофиқ пардадан бошланган (ижрочи рубоб жўрлигига айтган бўлса керак). Бу парда мақомларда етакчи соз бўлган танбур учун ўнғайсиз парда ҳисобланади. Унинг таркибида Наво ва Баёт намудлари учрайди. Талқини Наво шинавандаларга манзур бўлган ёқимли ашула йўли бўлиб, «Фазал фожиаси» мусиқали драмасида айниқса ўринли фойдаланилган.

Талқини Сегоҳ – Талқини Ушшоқ оҳангларига ўхшаш бўлиб, Шашмақомдагидан фарқ этади. Унинг таркибида Намуди Наво (IV- V хатлар) бор.

Талқинларнинг тароналари «Фарёд» деб аталади. Ростда у Шашмақомдаги каби бўлиб, биринчи жумласи бир оз ўзгартирилган. Шашмақомдаги икки хатдан кейин, Хоразм вариантида Ушшоқ (III хат), Уззол (IV-V хатлар), Мухайяри Чоргоҳ (VI хат) намудлари киритилган ва фуровард билан тамомланади (Бузрукда ва Сегоҳда учрамайди).

Наводаги Фарёд Ҳусайнин Навонинг ўзидир.

Хоразм мақомларида Наср йўлларининг баъзилари бизга етиб келмаган. Улар ўнтадир: Рост мақомида - Насри Рост \*, Сабо, Бузрукда\*\* – Насруллои, Навода – Баёт\*\*\*. Ораз, Фарёд, Дугоҳда – Чоргоҳ, Сегоҳда\*\*\*\* эса – Сабо, Наврӯзи хоро ва Наврӯзи Ажамдир.

Наср шўйбаларидан Насри Рост – Насри Ушишоқнинг ўзидир. Сабо – Шашмақомдаги Наврӯзи Сабо бўлиб, улар фақат ижрочилик услуби нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Бинобарин, Хоразм вариантида даромад, миёнхат, дунаср ва Намуди Сегоҳдан кейин Намуди Ораз берилмаган. Насруллои, Баёт, Ораз, Чоргоҳ Наврӯзи Хоро, Наврӯзи Ажам шўйбалари ҳам Шашмақомдаги вариантлардан кам фарқ қиласи. Наво мақомидаги Фарёд эса Ҳусайнин Навонинг айнан ўзидир. Сегоҳдаги Сабо Рост мақомидаги Сабонинг Сегоҳ йўлига туширилган вариантидир. Куй йўли Сабога ўхшаш ҳаракат этса-да, Насри Сегоҳ унсурлари билан чатишиб кетган.

Хоразм мақомлари айтим йўлларининг Уфарлари муайян Сарахбор, Талқин, Наср шўйбаларининг маълум ритмик варианти сифатида куй ҳаракати, таркиби жиҳатидан ўзлари мансуб бўлган шўйбалар каби тузилган.

\* Насри Рост Хоразмда «Шитоб лайлаб» номи билан ҳам машҳурлир. Негадир «Хоразм мақомлари» китобига киритилмагани.

\*\* Хоразмда Насри Бузрук шўйбаси ҳам бўлган. Лекин унинг куй тузилиши Насри Уззол каби бўлиши ҳам мумкин.

\*\*\* «Хоразм мақомлари» китобида «Баёт» шўйбаси Дугоҳ мақомига киритилган бўлиб, бу ҳол ҳақиқатга тўғри келмайди.

\*\*\*\* Насри Сегоҳ мазкур китобда берилмаган.

Уфари Рост Мақоми Рост (Сарахбор) асосида, Уфари Бузрук – Мақоми Бузрук (Сарахбор) асосида яратилган. Уфари мақоми Наво хоразмлиқ бастакорлар Наво йўллари асосида яратган оригинал, ёқимли ашула йўли бўлиб чиққан.

Уфари Дугоҳ – Мақоми Дугоҳ Сарахборининг ритмик вариантидир. Уфари Сегоҳ – Мақоми Сегоҳ Сарахбори йўлидир. Хоразмлиқ бастакорлар яратган бу ашула йўли айниқса жозибали, таъсирчан чиққан ва концерт репертуарларида кенг ўрин олган.

Юқорида зикр этилган Наср шўйбаларидан – Насри Ростнинг таронаси – Фарёд, Ҳусайний Наво (Фарёд) таронаси – Нақш, Насруллои – Сувора, Чоргоҳ шўйбасида – Сувора, Нақш, Наврӯзи Хорода – Сувора, Нақш каби номланади. Бу тароналарнинг ҳаммаси ҳам Шашмақомдагига кўра кенгайтирилган ва бойитилган.

Шундай қилиб, Шашмақом Хоразм шароитида муҳим ўзгаришларга учради. Баъзи мақомларнинг куй йўллари, дойра усуллари ихчамлаштирилди, усул суръати бир оз тезлаштирилди ёки соддалаштирилди, баъзан намудлар қисқартирилиб олинди, қайта яратилди ёки улар ўрнига янги куй қисмлари киритилди. Бундай ҳол айниқса Бузрукнинг Насруллои шўйбасида яққол кўзга ташланади.

Хоразм мақомлари хоразмча шўх ва ашулалар қатори шинавандаларга манзур бўлиб келди. Улар ҳозирда ҳам соғандада ва хонандалар репертуарида катта ўрин эгаллади.

Шашмақом Хоразмда мустақил янги бошлади. Шунинг учун ҳам Бухоро, Самарқанд ва бошқа марказий шаҳарларда бастакорлар сўнгги даврларда Шашмақом ашула бўлимларига Савт – Мўғулча каби шўйбалар яратган бўлсалар-да, Хоразм мақомларига булар кирмай қолди.

Хоразмлиқ бастакорлар Шашмақом устида бошқача иш олиб бордилар, мақом услубида янгидан-янги асарлар яратдилар. Сувора ашула йўллари-нинг турли вариантлари, Феруз Илғор, Эшвой, Норим-норим каби ўнлаб ажойиб ашула йўллари яратилди ва бунда мақомчиликдаги бой тажрибадан фойдаланилди, уларга намудлар сингари авжлар киритилди, натижада мақомлар қиёфасида ўзгаришлар рўй берди, куйлар сони орта борди. Ҳар бир ёш авлод мақомларга маълум янгиликлар кирита борди. Хоразм шароитига мос келмаган баъзи мақом йўллари ўрнини Шашмақомда учрамайдиган янги-янги асарлар эгаллай бошлади. Куй тузилиши ҳам ижрочилик услуби таъсира-да ўзгара борди.

Хоразм мақомлари бу срда нота ёзуви бўлганига қарамай устоз мусиқачидан шогирдга оғзаки тарзда ўтиб кслганлиги мақом йўллари ижросида ва уларнинг тизими муҳим ўзгаришларга олиб келди. Шу сабабли ҳам Хоразм мақомларини ўрганишда нотациядаги вариант билан бирга, бизгача оғзаки стиб келган вариантларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хоразм мақомларида лад-тоналлик масаласида чалкашликлар мавжуд. Уларни тўғри аниқлаш ва мақомот тизимини чуқурроқ ўрганиш мусиқашунослик фани олдила турган яқин вазифалардан биридир. Бу нарса эса, Хо-

разм мақомларининг тарихий тараққиётини түғри англашга, куй ва ашула йўлларининг балийи-эстетик қимматини очиб беришга имкон беради.

## ТОШКЕНТ, ФАРГОНАДА МАШХУР БЎЛГАН МАҚОМ ЙЎЛЛАРИ

Ўрта Осиёнинг турли водийлари ва шаҳарларида Шашмақом шўйбалари таъсири остида жуда кўп куй ва ашула йўллари пайдо бўлгани ҳақида юқорида ҳам айтилган эди.

Шашмақом яратилгандан кейинги даврларда Тошкент ва Фарғона водийсида бир неча мусиқа асарлари туркуми, юзлаб куй ва ашулалар – мақомларнинг маълум вариантлари тарзида юзага келди. Бу ҳол, албатта, бастакорликда мақом йўлларини турли дойра усулига тушириб, уларнинг куй ёки ритмик вариацияларини ишлаш учун имкониятлар кенг бўлганининг натижасидир. Бундай мақомчасига ишланган мусиқа асарлари орасида куй қиёфаси ва тузилишидаги характерли белгилари нуқтаи назаридан уч мақом туркуми алоҳида ажralиб туради. Бу Тошкент - Фарғона мақом йўллари – Баёт, Дугоҳи Ҳусайнӣ, Чоргоҳдири. Уларнинг ҳар бири олтиитагача шохобчаларга эга, ҳамда рақамлар билан бир-биридан ажратилади. Масалан, Баёт I- II- III- IV-V, Чоргоҳ I- II- III- IV-V каби номланади. Эътиборли томони шуки, Тошкент, Фарғона мақом йўллари Шашмақом ашула бўлимининг биринчи ва иккинчи қисмига кирган шўйбалар – Сарахбор. Наср, Савт, Мўғулча каби мақом шўйбаларидаги тузилиш тартибида ишланган, яъни улардаги тактритм ўлчови, дойра усули, ашула йўлининг ҳаракати, уларга хос шеър ўлчови ҳам сақланган.

Масалан, Баёт I, Дугоҳи Ҳусайнӣ I, Чоргоҳ I, яна Шаҳнози Гулёр (унинг тузилиши юқоридаги мақом йўлларидан фарқланади, шунинг учун биз бир-бирига ўхшашиб мақом йўлларини учта деб олдик) Сарахборлар тартибида ишланган бўлиб, уларнинг такт-ритм ўлчови  $\frac{2}{4}$ , дойра усули, уларга айтиладиган шеърлар ўлчови, ашула йўлидаги куй ҳаракатлари Шашмақомдагининг ўзидир.

Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган бу мақом туркумлари асосан ашула йўлларидан иборат бўлиб, уларда Шашмақомдаги каби чолғу йўллар учрамайди\*. Лекин созандалар бу ашула йўлларини чолғу асарлари сифатида ҳам ижро этиб келгандар.

Баёт, Дугоҳи Ҳусайнӣ ва Чоргоҳ йўллари Шашмақомнинг шу номлар билан аталган шўйбалари асосида яратилган бўлиб, Шаҳнози Гулёр эса турли мақом шўйбалари, айниқса Рост, Сегоҳ мақоми шўйбалари асосида юзага келган. Бу мусиқа асарларининг куй жумлалари ва ҳаракати нуқтаи назаридан мақом йўлларига таққослаб кўрилса, уларнинг Шашмақомга муносабати масаласини түғри ҳал этиш мумкин бўлади.

\* Шу мақомларга хос жуда кўп чолғу йўллар мавжуд бўлиб, улар яккасоз ва кичик ансамбллар ижросида алоҳида алоҳида чалинади.

Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган жуда кўп мақом йўллари Шашмақом шўъбаларига ашула жумлаларининг ички куй ҳаракатлари билангина эмас, балки шу жумлаларнинг яхлит қиёфаси нуқтаи назардан мос келиши мумкин. Бу мақом вариантларининг Шашмақом шўъбаларига муносабатини кўрсатиш учун баъзи куй қиёфасидаги ўхшаш жиҳатларини солишитириб чиқамиз.

*Баёт* номи Наво мақомидаги Талқин, Наср шўъбаларида ва Уфар қисмларда учрайди ва Талқини Баёт, Насри Баёт ва Уфари Баёт деб аталади. Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган Баёт Шашмақомдаги Баёт шўъбаларининг маълум варианти сифатида юзага келган. Бунда Баёт шўъбаларининг дойра усули Сарахборлардаги каби соддалаштирилиб, Баёт I деб аталаған. Масалан, Насри Баёт билан Баёт I ни олиб қарайлик. Уларнинг бошланиш жумлаларидаги икки хат кўрининиши бир-биридан фарқ қиласади. Лекин Баёт I шининг бу икки хати (бошланиш икки хати икки байт шеър билан ўқиладиган айнан бир хатнинг тақроридир) ҳам Баёт шўъбалари вариациясидир. Масалан, Насри Баётнинг учинчи хати қуйидагичадир:



Баёт I да бу ашула бўлаги вариация этилар экан, муҳим ўзгаришларга учрайди. Уларнинг куй ҳаракатини қиёсий равишда кузатилса, асосий ашула йўли қолипидан чиқиб кетиш ҳоллари сезилади. Лекин Баётнинг руҳий таъсири, жумлаларнинг яхлит кўрининишидаги умумий қиёфа маълум дараҷада сақланиб қолади. Баёт I нинг худди шунга ўхшаган учинчи хатини таққослаб кўриш мумкин.

Айниқса Баёт I авжидаги Наво мақомининг Баёт шўъбаларида учрайдиган Намуди Баёт ва Намуди Навонинг маълум вариантлари учраши фикримизнинг яна бир далилидир. Насри Баётнинг авжидаги мазкур жумлалар билан Баёт I авжининг маълум қисмини таққослаб кўриш мумкин:

Баёт I

(чолғу накарот)

Мазкур мисолларда куй қиёфаси нұқтаи назаридан ашула йўли бир-бига жуда мосдир.

Баётнинг II-III-IV-V шохобчаларида ҳам Шашмақом йўлларига нисбатан бундай ўхшашлик мавжуддир. Баёт II ни Насри Баёт тароналарининг маълум куй вариацияси дейиш мумкин. Таронаи Насри Баёт дойра усули ҳам Баёт II да ўзгармайди. Унинг ашула йўли, куй жумлалари, айниқса Насри Баётнинг II-III тароналари\* мажмуасига ўхшайди. Насри Баёт II-III тароналари шундай бошланади:

Куй ҳаракати нұқтаи назардан унинг бир оз ўзгартирилган шакли Баёт II да ҳам келади:

---

\* Ю.Рожабий ёзиб олган вариант ида Насри Баёт тароналари қўшиб юборилган. Шашмақомнинг башқа вариантни (Макоми Паво, Москва, 1957, 72-74-бетлар)да улар алоҳида берилган.



Баёт III Наводаги Баёт шўъбаларининг бошланиш ашула жумлаларини бешинчи парда, яъни квиртага кўтариб, маълум даражада ўзгартириб ишланган шаклидир.

Баёт III ни Шашмақом шўъбаларига таққослаб кўриш, бастакорлар бу ашула йўлини ишлашда Савти Ушшоқдан ҳам фойдаланган эканлитикини тасдиқлади. Бунда Савти Ушшоқ Баёт III пардасига (тоналлик товушқаторига) мослагандир.

Умуман олганда, Баёт III Савтлар дойра усулида бўлиши лозим. Лекин ижрочиликда унинг дойра усули соддалаштириб олинган ва Савт услубидан чиқариб юборилган (ўтмишда ҳофизлар ашулани мусиқа чолгуларисиз ёки дойра усулисиз ҳам ижро эта берганлар. Бундан ташқари, уларнинг кўпич устоз кўрмаган ҳаваскорлар бўлганлиги Баёт III даги каби усулларни бузиб юборилишига сабаб бўлган).

Фикримизнинг далили учун Баёт III билан Савти Ушшоқни таққослаб кўрайлик. Солиштириш осон бўлсин учун Савти Ушшоқнинг бошланиш пардасини Баёт III пардасига транспозиция этамиз. Баёт III нинг биринчи хатини олайлик.

(чолигу нақароти)

Юқоридаги Баёт III ни ҳозирги кунда мавжуд ашула тўплами китобларида тантар-ритм ўлчови нотўғри берилгани ва бу ерда унинг Савтлардаги каби  $\frac{5}{4}$  (беш чорак) ўлчовига мос келиши аниқланди Баёт III да Савти Ушшоқ ашула йўлидан фойдаланилганини унинг қуйидаги ашула жумлаларини таққослаб билиш мумкин (тўпламларда Баёт III нинг учта такти  $\frac{3}{4}$ , бир такти  $\frac{4}{4}$  бўлиб, навбатма-навбат кслади).





Баёт IV-V, Баёт III ёки Намуди Баётнинг ритмик-мелодик вариацияси сифатида яратилган ашула йўлларидандир. Баёт IV такт-ритм ўлчови ва дойра усули Шашмақом Савт ёки Мўғулча туридаги шўъбаларнинг Қашқарча шохобчаларидаги кабидир.



Баёт V эса, Талқин дойра усулида ижро этилади. Шундай қилиб, бу Баёт шохобчалари Наво мақоми шўъбаларининг мълум вариациялари сифатида гавдаланади. Тошкент, Фарғона мақом йўлларидан Чоргоҳ ҳақида ҳам шуни айтмоқ мумкин.

*Чоргоҳ* йўллари ҳам бир-биридан рақамлар воситаси билан, Чоргоҳ I-II-III-IV-V тартибida ажратилади. Чоргоҳ номи Шашмақомда Дугоҳ мақомининг шўъбалари, жумладан, Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Савти Чоргоҳларда учрайди.

Чоргоҳ I ўзининг улуғворлиги, ёқимлилиги билан Сарахбори Дугоҳнинг мълум куй шакли сифатида юзага келган. Сарахбори Дугоҳнинг куй қиёфаси Чоргоҳ I да қисқартирилган ва у маълум ўзгаришлар билан ишланган. Биринчи Чоргоҳда Сарахбори Дугоҳнинг дойра усули, ижро суръати, унга мос келадиган шеър ўлчови, асосан, сақланиб қолган. Сарахбори Дугоҳнинг биринчи хатини олиб кўрайлик:

Хофизлар Чоргоҳ I ни сўзсиз айтиладиган чолғу муқаддима (ҳанг) билан бошлайдилар. Унинг биринчи хати шундай (мисолда муқаддимаси тушириб қолдирилди):

The musical notation consists of four staves of music. The first staff has a tempo marking 'чолғу накароти'. The music is in common time (indicated by a '4'). The notes are primarily eighth and sixteenth notes, with some quarter notes. The second staff continues the pattern. The third staff begins with a different rhythmic pattern. The fourth staff concludes the excerpt.

Сарахбори Дугоҳнинг куй йўналиши ва ҳаракати Чоргоҳ I да охиригача ўзгармайди, деб айтиш мумкин. Унинг миёнпарда, дунаср ва намуди, Чоргоҳ I да ҳам мавжуддир.

Чоргоҳ I нинг яратилишида Дугоҳ мақомининг бошқа шўъбалари ҳам асос бўлган. Намуди Мухайр Чоргоҳ I нинг анча пухта ишланган катта авжиди фойдаланилган (намудлар масаласи қисмидаги Намуди Мухайяри Чоргоҳга қаранг). Чоргоҳ I нинг авжини Намуди Мухайяри Чоргоҳ билан таққослаб кўрилса, улар маълум ўзгаришлар билан ишланган бир-бирининг варианти экани равшан бўлади.

Чоргоҳ II эса тароналарнинг тект-ритм ўлчови  $\frac{3}{4}$  дойра усулига туширилган Савти Чоргоҳ шохобчаларининг варианти бўлиб, бунда намуд тушириб қолдирилган.

Чоргоҳ III ашула йўлини яхлит ҳолда Савти Чоргоҳ таркибida учратиш мумкин. Чоргоҳ III да Савти Чоргоҳнинг тект-ритм ўлчови ва дойра усули бузилган, ноаниқ шаклда соддалаштирилган бўлиб, у ашула давомида ўзгариб туради. Фикримизча, дастлаб бу ҳам Баёт III даги каби Савт дойра усулида ижро этилган бўлса керак. Чунки Чоргоҳ III нинг ашула жумлалари, куй ҳаракати Савти Чоргоҳдан фарқ этмайди. Унинг таркибий унсурлари ҳам Савти Чоргоҳ йўлининг ўзига мос келади. Савти Чоргоҳ (а) билан Чоргоҳ III (б) дойра усулини таққослаб кўрилса ҳам уларнинг фарқи билинади:

а)



б)



Чоргоҳ III да  $\frac{5}{4}$  тект-ритм ўлчови муқаддима ва чолғу нақоратлари учун,  $\frac{3}{4}$  да  $\frac{2}{4}$  лар эса асосий ашула йўлига жўр бўлади. Бу нарса Чоргоҳ III нинг муқаддима ва чолғу нақоротларида Савти Чоргоҳ дойра усули сақланиб қолганлигини кўрсатади. Ашула йўлида эса усул бутунлай ўзгарган. Чоргоҳ III нинг бошланиши:

Ашула давомида куй ҳаракатининг йўналиши ва умуман ашула йўли Савти Чоргоҳ\* ва Чоргоҳ III да бир хил деса бўлади. Фақат дойра усули суръати Чоргоҳ III да анча тезлаштирилган ва Савти Чоргоҳдаги катта авж – Намуди Мухайяр тушириб қолдирилган.

Чоргоҳнинг IV–V–IV шохобчалари куй мавзуи жиҳатидан бир-бирининг ритмик вариацияси ҳисобланади. Унинг IV шохобчаси Қашқарча дойра усулида бўлиб, унинг катта авжида эса Чоргоҳнинг маълум кўриниши фойдаланилган.

Чоргоҳнинг, айниқса, охирги шохобчаси характерлидир. Унинг усули:



Бунда Уфар дойра усулидан фойдаланилган бўлиб, унинг суръати анча сустлаштирилган ва бу ашула йўли ҳофизларнинг ижро услубига мослаштирилган ҳолда Шашмақом шўъбаларидан кисқартирилиб олинган, деган хуносага келиш мумкин.


\* Мазкур мисолни Савтлар қисмидаги Савти Чоргоҳ мисоли билан тақъослаб кўринг.

Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган мақомларнинг яна бири **Дугоҳи Ҳусайннийдир**. Бу Дугоҳ мақомининг шўъбаларидан – Ҳусайнний Дугоҳ асосида юзага келган бўлиб, унинг Шашмақомдаги вариантида ҳеч қандай тароналар учрамайди. Дугоҳи Ҳусайнний Тошкент, Фарғона вариантида эса, Дугоҳ мақомидаги бошқа шўъбалардан ҳам фойдаланилган. Дугоҳи Ҳусайннийда ҳам Шашмақом Наср йўлларидан ҳисобланган Ҳусайннийнинг дойра усули ўзгартирилиб, Сарахбор усулига туширилган.

Ҳусайнний Дугоҳнинг биринчи жумласини олайлик:



Дугоҳи Ҳусайнний I да эса шу тузилма варианти қуйидагичадир:



Дугоҳи Ҳусайннийнинг Шашмақомдаги ва Тошкент, Фарғонада ижро этиладиган турларини таққослаб кўрилса, уларнинг ашула йўли ҳар қанча фарқли бўлмасин, куй йўналиши, жумлалари бир хил асосга эга.

Дугоҳи Ҳусайннийнинг шохобчалари Баёт, Чоргоҳ мақомларидаги каби бир-биридан сонлар билан ажратилади ва Дугоҳи Ҳусайнний I-II-III-IV-V-VI деб юритилади. Унинг ашула йўлларида Дугоҳ мақомининг шўъбалари қаторида тароналари ҳам фойдаланилган. Дугоҳи Ҳусайннийнинг шохобчалари ишланиш тартиби нуқтаи назаридан Баёт ва Чоргоҳ йўлларига ўхшайди.

Дугоҳи Ҳусайнний I – Сарахбор усулида, унинг иккинчиси Савт (бузилган), кейинги шохобчалари Қашқарча дойра усулида ижро этилади. Дугоҳи Ҳусайннийнинг Уфари бўлса, Наво мақомининг Уфари Баётига ва унинг Тошкент, Фарғона вариантидаги IV-V Баёт йўлларига ўхшайди. Дугоҳи Ҳусайннийнинг ҳамма шохобчалари халқнинг энг севимли ашула йўлларидандир.

Дугоҳи Ҳусайнний ва умуман Дугоҳ мақомининг қисмлари халқ орасида сурнай йўллари шаклида ҳам машҳур бўлган: Сурнай Дугоси, Мушкилоти Дугоҳ, Самойи Дугоҳ кабилар шулар жумласидандир.

Тошкент, Фарғона мақом йўлларидан яна бири **Шаҳнози Гулёр** бўлиб, ўз тузилиши билан мазкур мақомлардан бутунлай фарқланади. Бундай ном мусиқа назариясига оид эски рисолаларда учраса-да, Шашмақомда бу ибора билан аталган шўъбалар йўқ. Лекин Шаҳнози Гулёр мақомларнинг турли шўъбалари таркибидаги ашула жумлаларини, айниқса, Рост ва Сегоҳ мақомларининг йўлларини эслатади. Шаҳнози Гулёрнинг асосий ашула йўли Гулёр, иккинчиси Шаҳноз, учинчиси Чапандози Гулёр, тўртинчиси Ушшоқ, бешинчиси Уфари Гулёр номлари билан машҳурдир.

Уларнинг Гулёр қисми Сарахбор дойра усулида. Шаҳноз эса ўзбек-тожик мусиқасига хос  $\frac{3}{4}$   $\frac{4}{4}$  мураккаб тект-ритм ўлчовида ижро этилиб, дойра усули қўйидагичадир (II- III тектдаги усул ашула давомида қайтарила веди, I тект эса фақат унинг бошланишидагина бир марта чалинади).

Чапандози Гулёр Чапандоз дойра усулида, Ушшоқ- Сарахбор, Уфари Гулёр эса Уфарлар дойра усулида ижро этилади.

Шаҳнози Гулёр шохобчалари тузилиши нуқтаи назаридан Баёт, Чоргоҳ, Дугоҳи Ҳусайнин шохобчаларининг дойра усули ва қуй қисфасидан тубдан фарқ қиласди.

Шундай қилиб, Тошкент, Фарғона мақом йўлларидан Баёт, Дугоҳи Ҳусайнин ва Чоргоҳ Шашмақомнинг шу номлар билан аталадиган шўъбалари асосида яратилган. Шаҳнози Гулёр эса турли мақомлар шўъбалари, хусусан, Рост ва Сегоҳ мақомлари асосида юзага келган дейиш мумкин.

Шуниси характерлики, юқорида айтилган тўрт мақом йўлларидағи ҳар бир ашула йўли – Баёт I, Чоргоҳ I, Дугоҳи Ҳусайнин I ва Гулёр Шашмақомдаги Сарахборларнинг дойра усули, тект-ритм ўлчови ва уларга айтиладиган шеър ўлчовларига мос келади.

Тошкент, Фарғона мақом йўлларининг иккинчи қисмлари эса мақом шўъбаларининг тароналари дойра усули ва тект-ритм ўлчовида бўлади. Бу мақомларнинг қолган қисмлари кўпинча Шашмақомнинг Савт ва Мўғулчаларига ўхшайди ва уларнинг дойра усуллари Қашқарча ва Уфарлари кабидир.

Баёт, Чоргоҳ, Дугоҳи Ҳусайнин яхлит ҳолда олиб қаралса, уларнинг тузилишида дойра усули нуқтаи назардан қандайдир бир тамойилига асосланганлигини кўриш мумкин. Шаҳнози Гулёр шохобчаларининг биринчи ва иккинчисидан ташқари ҳамма қолганларида бу тамойил сақланмаган. Унинг охирига киритилган Ушшоқ йўли эса Шаҳнозга тасодифий киритилган, чунки у Сарахбор услубида ишланган. Шаҳнози Гулёр ва унинг шохобчалари тузилиш жиҳатидан Баёт, Чоргоҳ, Дугоҳи Ҳусайнийлардан тубдан фарқ қиласди экан, буларни тўрт мақом сифатида алоҳида қилиб, мақомлар гуруҳидан ажратиб қараш тўғри бўлмайди. Баъзи ҳофиз ва мусиқачилар Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган мақом йўлларини Чормақом, деб атаб келганлар. Лекин ўзининг ном хусусиятларига эга бўлган бу мақом йўлларида кўпгина чалкашликлар бор. Улар Шашмақом шўъбалари асосида яратилган бўлса-да, Чормақом деб махсус ном берилишининг қанчалик тўғри экани ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин.

Тошкент, Фарғона мақомларини Шашмақом йўллари ва мақом шўъбалари асосида яратилган вариантлари қаторига киритиш мумкин бўлган ашула

йўллари, деб ҳисобланса тўғрироқ бўларди. Чунки Тошкент, Фарғона мақом йўлларига ўхшаш маълум қоидалар асосида тузилган ва мақомлар асосида яратилган ҳамда ўз шохобчаларига эга бўлган кўплаб Шашмақом варианtlарини кўплаб учратиш мумкин, мақомларнинг бу тўрт вариантини улардан фарқлаб ўтиrmаса ҳам бўлади<sup>2</sup>. Ҳар ҳолда бу мақом варианtlари Тошкент, Фарғона водийсида машҳурроқ бўлгани учун баъзи бастакор-созандалар «Чормақом» деб атаган бўлсалар керак.

Агар Шаҳнози Гулёр Чормақомнинг бошқа йўлларидан ўзининг тузилиш тартиби жиҳатидан фарқ этар экан, уни бу мақом йўллари деб ҳисоблаб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки мақомларнинг тузилиш қоидаси уларни маълум бир тартибда бўлишини тақозо қиласи. Шаҳнози Гулёрга ўхшаган юқорида зикр этилган мақом йўлларига мос келмайдиган жуда кўп туркумли варианtlар халқ орасида машҳурдир. Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган ва Бузрук мақомининг Насруллойи шўйбаси асосида яратилган Насруллойи ёки Ажам, Мискин каби кўплаб мақомларнинг варианtlарини Тошкент, Фарғона «мақомлари»<sup>3</sup> таркибиغا қўшиш мумкин\*. Шунинг ўзи ҳам «Чормақом» (тўрт мақом) иборасининг номақбул эканини кўрсатади. Бу мақом варианtlари доирасини чеклашга олиб келади, холос.

Мақом йўлларининг варианtlари ўзбек-тожик халқ мусиқасига чуқур илдиз отганини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Машҳур ҳофизлар: Ҳожи Абдулазиз, Мулла Тўйчи, Содирхон, Домулла Ҳалим каби санъаткорлар мақом йўллари асосида яратилган бундай варианtlарни катта маҳорат билан ижро этибина қолмай, улар асосида кўплаб ашула йўллари ижод этдилар. Бу тасодифий ҳол эмас, албатта. Бу нарса мақом варианtlарини халқ орасида кенг ёйилганлигининг далилидир. Шашмақом шакллангандан кейин унинг қисмлари Ўрта Осиёning турли шаҳар ва қишлоқларига ёйила бошлади. Мақомлар давр ўтиши билан замоннинг талабларига мувофиқ катта ўзгаришларга учради ва шу билан бирга такомиллашиб, бойиб борди. Ўрта Осиёning турли шаҳарларида ижрочиликка оид мавжуд баъзи фарқлар борлиги Шашмақом тараққиётiga кучли таъсир кўрсатди. Турли шаҳарларда кенг тарқалган мақом йўллари у ердаги тингловчилар таъбига мослаштирилган ҳолда баъзи ўзгаришлар билан ижро этилиб келди. Шунга боғлиқ ҳолда мақом йўлларининг турли варианtlари пайдо бўлди. Турли шаҳарларда Шашмақом асосида унинг ашула бўлими иккинчи қисмига кирадиган Савт, Мўғулча каби шўйбалар яратилганлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Бу шўйбаларнинг яратилиши мақом туркумларининг янада ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Мақом йўлларида турли куй ва ритмик вариация ишлаш имконияти борлиги мақомларни янада кенг тарқалишига сабаб бўлди. Халқнинг оддий ашула йўлларидан кам фарқланадиган Савт ва Мўғулча каби шўйбалар мақомларнинг машҳур бўлишида катта аҳамият касб этди. Натижада Бухоро, Самар-

\* Сўнгти саҳифаларда ўз ўрнида бундай мақомларга эбдош чолғу ва ашула йўллари санаб ўтилади.

қанд, Хоразм, Тошкент, Фарғона водийси, Хўжанд бастакорлари томонидан мақом услубида янги-янги чолғу ва ашула йўллари яратилди. Ажам, Мискин, Насруллои, Чапандози Баёт, Мирза Давлат, Сувора, Мушкилоти Дугоҳ, Патнус Сегоҳи ва Чоргоҳи, Чўли Ироқ, Курд, Пайрав асар каби юзлаб машҳур чолғу йўллари, Ушшоқ, Абдураҳмонбеги, Гулузорим, Тошкент Ироғи, Мустазод, Сувора, Феруз, Қўшчинор, Фарғона Насруллоси каби кўплаб куй ва ашула йўллари мақом шўъбалари асосида юзага келди. Бу чолғу ва ашула йўлларининг куй ҳаракати, жумлалари, куй ва ашула қиёфаси, ритмик асослари мақом қисмларидан фарқ қилмайди.

Ҳатто бу вариантларнинг номланишида ҳам ўзлари мансуб бўлган мақом шўъбаларидаги атамалардан фойдаланилган. Айниқса, бундай чолғу йўлларининг хона ва бозгўй каби жумлалардан тузилганлиги, мақом лад товшқаторлари, дойра усули, куй ҳаракати нуқтаи назаридан бир-бирига мос келиши, уларнинг мақом шўъбаларининг маълум вариантлари эканидан дарак беради.

Буларнинг кўпчилиги мақомлардаги каби бир исчадан шохобчаларга эга. Баъзи мақом йўлларининг турли вариантлари юзага келиши билан уларнинг ҳаммаси ҳам эши тувчиларнинг севимли ашулалари бўлиб қолди. Масалан, Ушшоқнинг турли вариантлари – Ушшоқи Самарқанд, Ушшоқи Хўқанд, Ушшоқи Содирхон, Тошкент, Фарғонада ижро этиладиган унинг варианти шулар жумласидандир. Мақомлар чолғу ва ашула йўллари асосида яратилган бу вариантлар қаторида тўй ва халқ шодиёналарида сурнайда маҳсус ижро этиладиган – Бузрук, Наво, Дугоҳ, Дугоҳи Ҳусайнӣ, Мустазод, Чоргоҳ каби чолғу йўлларини алоҳида айтиб ўтмоқ лозим. Бу сурнай йўллари ўзбек халқ оммаси орасида жуда ҳам машҳурdir. Шундай қилиб, халқ бастакорлари мураккаб қиёфадаги мақомлар ўз навбатида халқ мусиқа ижодиётига салмоқли таъсир кўрсатганидан далолат беради.

Мақом йўлларини ўзбек-тожик халқлари мусиқа бойликлари билан боғлиқ ҳолда чуқурроқ ўрганиш, мақомларнинг иккала халқ мусиқа меросида қанчалик катта аҳамиятга эгалигини тўғри тушуниб олишга ёрдам беради, шу билан бирга, гуллаб-яшнаётган ўзбек-тожик мусиқа маданиятининг янада тараққий эттириш учун зарур бўлган мусиқа-маданий манбалардан бири – Шашмақом куй асосларидан тўғри фойдаланиш йўлларини очишга имкон беради.

## ШАШМАҚОМ ИЖРОЧИЛИК МАСАЛАСИГА ДОИР

Шашмақом чолғу, ашула бўлнимидаги куй ва ашула йўлларининг эшигувчиликтарга тўғри етиб бориши, уларга завқ ва лаззат бағишлий олиши уларни бошқа мусиқа асарлари каби яхши ижро этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шашмақом ва бошқа йирик шаклдаги халқ мусиқа асарларини ижро этишда чолғучи ва ҳофизмаксус малака ҳосил қилганбўлиши, мақомларни ижро этиш маҳоратини юксак даражада эгаллаган бўлиши лозим. Сифатсиз ижро этиш мақом йўллари ҳақида нотўғри тасаввур қолдириши мумкин.

Мақом ижрочилигига бир ҳофизнинг айтиш услуби ва унинг айтган ашула йўли иккинчисига ҳеч бир ўхшамайди. Маълум мақом йўлини турли ҳофизлар ҳатто вариантлар даражасида ижро этиши мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири ашула йўлини пухта ва чиройли ижро этиши учун ўз овозининг имкониятлари доирасида унга маълум ўзгаришлар киритади. Бунда ҳофиз овозининг кучи ва баланд-пастилигига қараб, ашулада мавжуд бўлган куй бўлакларини қисқартириб ёки уларга намудлар каби қисмлар киритиши мумкин. Масалан, бухоролик ҳофизлар Кўқон Ушшоғига Сегоҳ, Ушшоқ, Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудларини қўшиб айтган бўлсалар, Фарғона водийсида эса фақат Намуди Сегоҳ билан чекланганлар. Тожикистонда унга ҳатто Зебо пари авжини ҳам қўшиб ижро этгандар. Наврўзи Сабо аслида Сегоҳ, Наво ва Ораз намудлари билан ижро этилган. Марҳум Домулла Ҳалим Наврўзи Сабога Намуди Сегоҳни тўлиқ шаклда киритиб айтган.

Лекин бухоролик ҳофизларнинг мақомларни ижро этиш услубида ўзига хос юксак маҳорат, қочиримлар борлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бундай ижрочилик услубини жуда қадим замонлардан Ўрта Осиёning марказ шаҳри Бухорода шаклланган ижрочилик анъанасининг маҳсулоти, деб қараш лозим. Шунинг учун ҳам мақомлар ижрочилигига «шева» масаласи ҳам ҳисобга олиниши керак. Тил соҳасида бўлганидек, ўзбек-тожик мусиқаси ижрочилигига ҳам «шева» нуқтаи назаридан турли вилоят ва шаҳарлар ўртасида баъзи фарқлар мавжуддир. Масалан, Бухоро айтиш услубида куйланиб келинган маълум бир куй ёки ашула Тошкент, Фарғона шеваларида ижро этилса, бошқачароқ тусга киради ёки аксинча, Тошкент, Фарғона шевасида айтилиб келинган мусиқа асарлари Бухоро, Самарқанд ашулачи-созандалари ижросида бошқачароқ чиқади. Шунинг учун ҳам куйларнинг шинавандаларга узоқ-яқинлиги масаласида ижрочиликда баъзи ўзига хос хусусиятта эга бўлган шева нуқтаи назаридан ҳам қаралиши тўғрироқ бўлади.



*Домла Ҳалим  
Ибодов*



*Карим Мўминов*



*Матюсуф Ҳарратов*



*Борух Зиркиев*



*Юнус Рахимбайұй рақбарлыгыдағы Мақом ансамбли*



*Юнус Ражабий ва Берта Довидова*



*Хожихон Болтаев*



*Мулла Тўйчи  
Тошмуҳаммадов*



*Фахриddин Содиков*



*Абдуқодир Исмоилов*

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли шаҳар, вилоят ва водийларидағи ҳофизлар ижро этиш услугида ҳам баъзи фарқлар мавжуд. Масалан, маълум мақом йўли Бухоро ва Самарқандда бир турли ижро этилса, Фарғона ва Тошкентда бошқача, Хўжанд ва Тожикистоннинг бошқа вилоятларида бир хил, Хоразмда эса яна бўлакча услугда ижро этилади<sup>10</sup>. Бундай тартибда шевага ажратиб муҳокама юритиш жуда ҳам тўғри бўлмаса-да, мақом куй ва ашула йўлларини ижро этиш услугида улар орасида баъзи фарқлар бор.

Мақом ижрочилиги услублари алоҳида мавзу бўлиб, бу ҳақда мутахассислар маҳсус ишлар олиб борганлар\*. Айтиш услуги масаласи юқорида айтилганидек, мақом ижросидаги шева масласига ҳам боғлиқ. Лекин мақом ижрочилигига шева масаласи, ҳали мусиқашунослигимизда ўрганилмаган. Бухоро ва Самарқандда муайян бир мақом йўли маълум бир шевада ижро этилса, бошқа шевада айтиб ёки эшишиб ўрганган кишига дастлаб унчалик манзур бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, машҳур ҳофиз марҳум Домулла Ҳалим Ибодов 1937 йилда Тошкентта келганидан кейин шундай ҳодиса рўй берган эди. Дастлаб, шинавандалар унинг мақом ижрочилигидаги юксак маҳорат, кишини ҳайратда қолдиарли даражадаги айтиш услугини унчалик қабул қўлмадилар. Кейинчалик эса Тошкент ва Фарғона водийсида эшичувчилар орасида талантли ҳофизнинг минглаб шинавандалари ва муҳлислиари пайдо бўлди ва ўзининг кенг диапозонли ёқимли овози билан эшичувчилар оммасига мақом йўлларини манзур қилди.

Бундай ҳол шуни тасдиқлайдики, ижрочиликнинг қандай услугда бўлишидан қатъи назар, шинавандаларнинг ҳам мақом йўллари ёки бошқа йирик шаклдаги мусиқа асарларини эшишибда маълум мусиқавий-эстетик тайёргарлиги бўлиши, малака ҳосил этиши лозим. Шу туфайли ўзбек-тожик ҳалқлари мусиқашунослигининг энг яқин вазифаларидан бири ижро услубларидаги шева масаласини чуқурроқ ўрганишдан иборат бўлмоғи керак. Чунки шева масаласини очиқ ва объектив ҳал этиш мусиқа мероси қатори мақомларни ҳам турли-туман чалкашликлардан ҳоли қиласи ва айрим кишилар томонидан юритиладиган нотўғри мулоҳазаларни тўғри ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Мақом йўллари ижроси учун ҳофизда кенг диапазон, ёқимли овоз ва юксак айтиш маҳорати бўлиши шарт. Ҳофиз куй ва унга айтиладиган шеър мазмунини ҳис қила билиши, уни эшичувчига юксак маҳорат билан тўғри етказа олиши бунда муҳимдир. Агар мақом йўллари ҳар томонлама юксак-бадиий савияда ижро этилмаса, шинавандаларга етиб бормаслиги ҳам мумкин.

Бу масалада айрим мақомдан устозларнинг фикрларини тўғри, деб бўлмайди. Улар мақом чолғу йўллари ҳамда Сарахбор билан Савт йўлларининг дойра усули суръати ўтмишда жуда суст бўлиб келгани учун ҳозирги кунда ҳам улар шундай ижро этилиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бу фикр нотўғри, албатта. Ҳозирги кундаги чолғучи ва ҳофизларнинг ижро этиш

\* Тошкент давлат консерваториясининг доценти, марҳум М.Муллоқандов ўзининг маҳсус илмий тадқиқотида айтиш услугини тасниф қилиб, бу масалани ёритиб берган.

имкониятига қараб, мақом йўлларининг дойра усули суръатини ўзгартира бериш мумкин. Чунки, мақомлар ўз тарихий шаклланишининг дастлабки кунларидан бошлаб, бизнинг кунгача бир қолипда қотиб қолмади, балки ўзгариб, ривожланиб, бойиб борди.

Шашмақомга кирган куй ва ашула йўлларининг тузилиши, куй ҳаракати, ранг-баранг ва жозибадорлиги, куй ва ритмик интонациянинг ўзига хос бой ва мураккаблиги уларни мусиқамизнинг бўлак жанрларидан ажратиб туради. Шунинг учун ҳам мақомларни ижро этувчи ҳофиз ва созандалар ўткир дидли, пешқадам санъаткорлар бўлиб, уларнинг репертуари асосан мақом йўлларидан иборат бўлган. Тарихда бундай бастакор, ҳофиз ва созандалар номи кўплаб сақланиб қолган (айниқса Алишер Навоий асарларида ва Дарвиш Али Чангийнинг «Рисолаи мусиқий»сида XIV-XVII асарларда машҳур бўлган моҳир санъаткорлар номи юзлаб учрайди).

Устозлар мақомларни бир бутун шаклда, бошидан охиригача ёки уларнинг айрим шўъбаларини ижро этиб келганлар. Сўнгги вактларда мақом ашула йўллари якка-якка ҳолда ҳам ижро этилиб келинмоқда<sup>(3)</sup>.

Мақомлар ижрочилигида кўпинча уларнинг ашула матнлари янгиланиб турган. Юқорида айтилганидек, мақом йўлларига турли вазндаги ғазаллар ўқилиши уларни катта ўзгаришларга олиб келган эди\*.

Маълумки, бир ашула йўлини турлича вазндаги шеърлар билан ижро этилиши мусиқа амалиётида жуда кўп учрайдиган ҳодисадир. Масалан, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов Баёт I ни икки турли, Баёт II ни эса уч турли вазндаги шеърлар билан ижро этгани маълум. Бунинг исботи учун Баёт II ўқилган шеърлардан бир байтдан келтирамиз (нотаси келтирилмади):

I. Бир кун мени ул қотили Мажнун шиор ўлтурғуси,  
Усрук чиқиб, жавлон қилиб девонавор ўлтурғуси.

II. Қила бошлади менга зулмким, ситам этди жабру жаволаринг,  
Ки вафоға вайдалар айлабон, қани вайдаларга вафоларинг?

III. То муҳаббат дашти бепоёнида овораман,  
Ҳар балийят келса ишқ ошубидин бечорман.

Бу шеърлар билан ижро этилганда Баёт II қиёфасида баъзи ўзгаришлар содир бўлади. Демак, мақом ашула йўлларини маълум вазндаги шеърлар билангина ижро этилади, деган гап тўғри бўлмайди. Уларни турли вазндаги шеърлр билан ижро этиш мумкин.

Шундай қилиб, Сарахбор ёки Савт каби ашула йўлларининг, айниқса ҳозирги кунда дойра усуслари суръатини бир оз тезлаштириб ижро этиш уларни анчагина жонлантиради ва шинавандаларга манзур бўлиши учун

\* Бу борада XIX аср бошларида юзага келган, мақомларга айтилган шеър матнларини ўз ичига олган тўпламлар ҳам далолат беради.

ердам беради (ўзининг ўлчови нуқтаи назаридан Саражбор ва Савтлар месрономи мақом тўплами китобларида жуда суст берилган).

Мақомлар ижросида яна бир нарсага эътибор берилиши лозим. Аввало ҳар бир мақом йўли ўзига хос лад тоналликда, тоникаси тўғри топилиб, ижро этилиши керак. Агар хонанданинг овоз диапазони етмаса, мақом йўлларини унинг баъзи дастак парда таянч босқичларидан бошлаш мумкин. Масалан, Савти Наво учун *фа* нотаси ўрнига тўрт парда тушириб, *до* нотасидан бошланса, ашула йўлига халал етмайди. Шу сабабли мақом йўллари бошқа пардалардан бошланадиган ҳол тез-тез учраб туради.

Ўзбекистон ва Тожикистон мақомчилар ансамблларидаги ижрочилик сифати халқимизнинг кун сайн ўсиб бораётган талаблари даражасида яхшиланиши лозим. Шу билан бирга, Шашмақом ижрочилик масаласи – алоҳида текшириш объекти бўлиши керак. Ижрочилик сифатининг яхшиланиши, замонавий шинавандалар таъбига мос айтиш услубларининг излаб топилиши эса мақомлардан куй манбаи сифатида ижодий фойдаланиш доирасини ҳам кенгайишига сабаб бўлади.

## ШАШМАҚОМ ВА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ

Шашмақом ўзбек-тожик халқлари музика бойликлари асосида яратилган ва халқ музика ижодиётининг сўнгги даврлардаги тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб, омма орасига кенг илдиз отди. Мақомлар таъсирида катта-кичик шаклдаги асарлар юзага келди.

Ўзбек-тожик халқ мусиқаси бойликларига синчиклаб назар солинса, ўзининг куй оҳангидаги ифода воситалари, лад ва ритмик асоси, умуман куй асоси нуқтаи назардан мақомлардан ҳоли бўлган мусиқа асари саноқли даражададир. Мақомлар халқ мусиқаси билан ҳамкорликда яшади, ривожланди ва бойиб борди. Ҳар бир куй ёки ашула маълум лад товушқаторига мақом (парда)га мос кела беради.

Бу ҳол халқ мусиқа бойликларини дастлаб мақомларга бирлаштириш ва туркумли асарлар яратишга имкон берган бўлса керак.

Шашмақом билан халқ мусиқа ижодиёти орасидаги муносабат масаласини аниқлаш жуда мураккаб муаммодир. Халқ куйларида ва мақомларда мавжуд бўлган ўхшаш унсурларнинг қачон яратилгани ҳақида, бирор фикр айтиш қийин. Улар халқ куйларидан олиниб, мақомларда фойдаланилганми ёки аксинча бўлганми, бу тўғрида тарихий ёзма манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунинг учун халқ куйлари ва бастакорларнинг сўнгги дарвларда яратган асарлари билан мақомлар муносабати масаласига умумий тарзда бўлса ҳам тўхтаб ўтамиз.

Дастлаб шуни айтиш керакки, мақом чолғу қисмларининг унсурлари халқ куйларида ҳам кўплаб учрайди. Кўпгина халқ куйлари, айниқса, йирик шаклдаги чолғу йўллари мақомлар тартибида яратилган.

Мақомлар услубидаги машҳур халқ куйларидан Чўли Ироқ, Насруллоий, Илфор, Мискин, Уфари Ироқ, Мушкилоти Дугоҳ унинг Мўғулчаси ва Уфа-

ри, Рости Панжгоҳ Қашқарчаси, Бек Султон, Эшвой, Курд, Чўли Курд, Норим-норим ва бошқа чолғу йўллари шулар жумласидандир. Бу чолғу йўллари мақомлар таркибида мавжуд бўлган куй бўлаклари - хона ва бозгўйлардан тузилган. Бу куй бўлакларининг мақомларга кирмаган халқ куйла-рида ҳам учрашлиги, уларни халқ мусиқа ижоди билан чатишиб кетганинг далилидир.

Бастакор-созандаларнинг асрлар давомида мақом мавзуларида куй ва ашуалалар яратиб келганниклари ва ҳозирги кунгача ҳам улар таъсирида ёқимли ва ажойиб асарлар яратадиганликлари мақомларнинг халқ мусиқа ижодиётига чуқур сингиб кетганини кўрсатади. Масалан, Хоразм машҳур куйларидан Илғорни олиб қарайлик.

### Илғорнинг бошланиш қисми

The musical score consists of two staves of music. The top staff starts with a measure labeled 'хона' (home) and continues with a measure labeled 'бозгуй' (bozgуй). The bottom staff begins with a measure labeled 'хона' and continues with a measure labeled 'бозгуй'. The music is written in common time with quarter notes and eighth notes.

### Илғорнинг авжидаги II бозгўйи

The musical score consists of two staves of music. The top staff shows a continuous sequence of eighth-note patterns. The bottom staff shows a continuous sequence of eighth-note patterns, starting with a different rhythmic pattern than the top staff.

Бу ерда бозгўй, мақомларда бўлгани каби куйдаги хона тузилмаси мазмунининг тугал бўлишига ёрдам беради ва уни якунлайди. Илғор куйининг энг характерли томони шуки, куй хоналар воситаси билан ривожлана борар экан, унинг авжида куй қиёфаси жиҳатидан пастки қисмдаги бозгўйга ўхшамайдиган бошқача – юқори регистрдаги бозгўй ҳам учрайди.

Илғор куйининг бу қисми авжда уч-тўрт бор қайтариладиган қўшимча бозгўйdir. Худди шунинг каби юқори регистрда келадиган бозгўй Мухаммаси Ушшоқнинг авжида ҳам ишлатилган бўлиб, IV-V хоналар таркибида учрайди.

Шундай қилиб, мақомларга кирмайдиган кўпгина ўзбек-тоzik чолғу асарлари ҳам хона ва бозгўйлардан тузилган. Бу нарса мақом чолғу йўллари нинг оддий халқ мусиқа асарлари билан ҳамоҳанг эканини ва уларнинг тузилишига ўхшашгина эмас, балки асоси бир эканини тасдиқлайди. Айниқса, мақом йўлларида ва уларнинг таъсирида яратилган мусиқа асарларида пешрав ва рондосимон шаклларининг мавжудлиги бунинг яна бир исботидир.

Таснифи Бузрукнинг олтинчи хонасидаги Пешравни олайлик. У Ажам тароналарининг авж қисмida қўйидаги шаклда келади:



Таснифи Ростнинг йўлида халқ куйларидан Усмониянинг унсурлари мавжуд ва куй тузилишида ҳам кўпгина ўхшашликлар бор.

Масалан, унинг IV хонаси Усмонияга жуда ҳам ўхшайди:




Машҳур халқ мусиқа асарларида мавжуд бўлган бошқа куй унсурлари ёки унинг катта-катта куй бўлаклари ҳам Шашмақомнинг чолғу қисмларида кўплаб учрайди. Бу нарса Шашмақом халқ мусиқа бойликлари асосида яратилганидан ёки мақомлар халқ мусиқа ижодиётига кучли таъсир кўрсатганидан далолат беради ҳамда мақомлар билан халқ мусиқа бойликлари ўргасида оҳанг нуқтаи назаридан жуда яқин муносабат борлигини исботлайди. Таржеи Бузрукдаги иккинчи хонанинг бир қисмини кўрайлик:



Шу күй бўлаги мақомга кирмайдиган профессионал ҳалқ куйларидан Мирза Давлат II да ҳам учрайди:



Худди шу күй бўлаги Таржеи Навонинг V хонасида ҳам бошқача бир вариантда фойдаланилган:



Шунга ўхшаш мотивлар Таржеи Дугоҳ (III хона охири)да ва мақомларнинг бошқа чолғу йўлларида ҳамда Ажам тароналари Уфарида учрайди. Уларнинг чолғу йўлларида вариация йўли билан фойдаланилган күй бўлаклари жуда кўп учраши ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Бундай күй унсурлари эса ҳалқ чолғу йўлларида ҳам мавжуддир. Бундан оддий ҳалқ куйларida мавжуд унсурлардан мақом йўлларининг яратилишида кенг кўламда фойдаланилган, деган хуносага келиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилган пешравлар тартибида яратилган катта-кичик шаклдаги оддий ҳалқ куйларини кўплаб учратиш мумкин.


Муножот I-II-III, Ажам ва унинг тароналарида. Усмония, Гиря Қозоқ, Қари Наво, Дилхарош каби куйларда пешрав шакли ёки унинг маълум қисмларини топиш мумкин. Масалан, Муножот ўзининг катта авжидан қайтишида шундай күй айланмаси билан тушади:



Муножот уфарининг қўйида келтирилган қисмидаги мотивининг турли баландликларда бир неча бор такрорланиши, бу пешрав айланмасига хос мисол бўла олади.



Худди шунинг каби қуй бўлаги Ажам тароналарининг уфарида ҳам учрайди. Тожик халқ қуйларидан Найризда юқорида келтирилган Пешрав айланмасининг яна бир варианти мавжуд.



Бундай ўхшаш мотивларни кўплаб келтириш мумкин. Шунинг учун Пешрав фақатгина мақомларгагина хос, деб ўйлаш нотўғри бўлади. Чунки ҳатто Гиря Қозоқ, Қари Наво, Қошингнинг қароси, Дилхарош, Усмония каби халқ қуйлари Пешрав шаклида яратилган. Мақом йўлларида ҳам бундай қуйларнинг унсурларидан баракали фойдаланилган. Масалан, Қари Наво қуйида мавжуд бўлган бир кичик мотивни олайлик:



Бу мотивни мажор ладида, яъни *do* диез ижро этилса, Фарғоначанинг бошланишидаги жумланинг бир қисмига айланади. Мақом чолғу йўлларида Қари Наво ва Фарғоначанинг бундай унсури кўплаб учрайди: Сақили Ис-

лимхон, Мухаммаси Панжгоҳ (бозгўйи ва II-V хоналари), Таржеи Дугоҳ (II хона) охири ва ҳоказо.

Усмония куйига ўхшаш мотивлар эса яна ҳам кенгроқ шаклда қўлланилган. Юқорида айтганимиздек, Таснифи Ростнинг ўзи ҳам бошдан - оёқ Усмонияни эслатади. Усмония куйининг катта авжидаги Пешрави қўйидаги чадир.



Юқорида келтирилган куй шаклининг маълум варианatlари Сақили аввали Ироқ (V хона), Сақили дуввуми Ироқ (II хона). Сақили Калон (IV-V-VI хоналар) ҳам иплатилади.

Ажам ва Муножот қўйидаги бошқа бир унсури эса Сақили Султон, Сақили Ашқулло (IX хона), Таснифи Ироқ (хоналари)да учрайди. Шу куй жумласининг маълум варианти халқ терма қўшиқларидан бири сифатида ҳам ижро этилади.



Бу куй тузилмасини машҳур бастакор-ҳофиз Содирхон йўлларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, «Жоно» ашуласи авжида шундай айланма мавжуд.

Сегоҳ мақомидаги бир куй бўлаги Дилхарош, Насри Сегоҳ II, Сегоҳ, Мушкилоти Уфари каби халқ куйларининг авжида ҳам фойдаланилиб келинган. Шундай қилиб, юқорида келтирилган мисоллар мақом чолғу йўллари билан халқ куйлари орасида ҳеч қандай чегара, тўсиқ йўқ эканини кўрсатади. Шашмақом ашула бўлимига кирган шўйбалар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг кўп марказий шаҳарларида мақомларнинг айрим шўйбалари якка-якка ҳолда ижро этила бошлади. Талқини Баёт, Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Уфари Чоргоҳ, Насруллои, Насри Ушшоқ ва унинг Уфари, Наврўзи Сабо, Мўғулчай Наво, Савти Наво, Мўғулчай Сегоҳ шўйбаларининг ўзи ва айрим шохобчалари шулар жумласидандир. Сўнгги

вақтларда бу шўъбалар жуда катта ўзгаришларга учради. Шашмақом давр ўтиши билан бастакорлар томонидан янада бойитилиб, тармоқлари кўпая борди. Мақомлар асосида яратилган варианлар эса қўпинча Савт, Мўғулчалар ва уларнинг шохобчаларига яқин бўлиб келди. Бунга сабаб, Савт ва Мўғулчаларнинг мақомларнинг бошқа шўъбаларига нисбатан кенг тарқалгани ва созанда-ҳофизлар репертуарида тутган катта мавқеининг таъсири бўлса керак. Гулузорим, Бухоро Тўлқини Абдураҳмонбеги I-II, Бебоқча, Қўқон Ушшоғи, Сегоҳ ашулалари, Қўшчинор, Феруз, Сийнахарош каби кўпгина ашула йўллари бунинг яққол мисолидир. Бундай ашулаларга на-мудлар ҳам киритилган. Масалан, Гулузорим ашула (ёки чолғу) йўлида Турк Авжи, Бухоро Тўлқини, Абдураҳмонбеги, Ўйин Баёти асосида ишланган Келур, Бебокча ашула йўлларида Намуди Наво, Қўқон Ушшоғида Намуди Сегоҳ, Намуди Уззол, Намуди Мухайяр (Тожикистонда Зебо пари) қўшиб айтилиши, Қўшчинорда Намуди Ушшоқ, Феруз ашуласида Намуди Наво унсури ва ҳоказолар фойдаланилган (Шашмақом тўпламининг Тожикистон вариантида «Бебокча» Бузрук мақомига киритилган. Аслида эса, у Самарқанд бастакорларининг мақом услубида яратган ашула йўллариданdir).

Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи қисмига кирган шўъбаларнинг халқ мусиқа ижодиётига ўз навбатида кучли таъсир этганини тасдиқлайдиган бошқа далилларни олайлик. Масалан, Ироқи Бухоро эшитувчига жуда таниш ашула йўлидир. Унинг Мухайяри Чоргоҳ авжи асосида Тошкент, Фарғонада машҳур Ироқ ашуласи юзага келган. Ироқи Бухоронинг Талқинча ва Чапандоз номли шохобчалари ҳам ёқимли ва жозибали ашула йўлларидир. Айниқса, Ироқи Бухоро шохобчаларидан Соқийнома ва Уфарлари машҳурдир. Соқийнома Ироқи Бухоро ва унинг Уфарини турли варианлари халқ орасида кенг тарқалган. Соқийноманинг маълум варианти халқ чолғуларида чалиниб келинган «Суворий» куйи номи билан машҳур. Хоразмда эса у «Озод Ватаним» номли ашула бўлиб, замонавий шеърлар билан ижро этилади. Ундан ташқари, дорбозлар ўйини вақтида сурнай, карнай ва ноғораларда ижро этиладиган машҳур куй ҳам Соқийнома Ироқи Бухорони эслатади.

Рок шўъбаси ҳам Тошкент, Фарғона водийсида Шодиёна номи билан бошқа мақомлар шўъбалари каби сурнай, карнай ва ноғораларда байрам, халқ шодиёналарида ижро этилиб келинган. У Талқин дойра усулида ижро этилади. Лекин бошқа талқин ва талқинча йўлларидан фарқли ўлароқ, Рок кишига шодлик ва қувонч кайфиятларини баришлайди.



Унинг бошланишидаги бир хати шудайдир: (Мисолда ҳар бир жумланинг такрорланишини ифодалайдиган реприза белгилари, шунингдек, бошланишдаги чолғу муқаддимаси тушириб қолдирилди).





Шодиёна куйи шаклида Рок дойра усули, суръати бир оз шўхроқ чалинади. Мустазоди Рок эса, куй қиёфаси нуқтаи назаридан, Рокнинг асосий йўлига ҳеч ўхшамайди, балки унинг давоми сифатида гавдаланади. Мустазоди Рокнинг авжига келган Намуди Уззол эса Рокнинг асосий ашула йўлидаги миёнпарда жумлалари билан асл нуқта - тоникага қайтиб тушади.

Энди Қашқарчай Рокка келсак, у халқ орасида машҳур бўлган «Ҳай ёр-ёр» ашуласининг худди ўзидир. Ундаги қашқарча дойра усули ҳам енгилаштирилган (чолғу муқаддимаси тушириб қолдирилди).



Соқийномаи Рок созандалар орасида нотўғри равишда Қашқарчай Рок (Рок қашқарчаси) номи билан машҳур бўлиб келган. Бу ашула йўли ялла шаклида куйланиб келинган ҳамда чолғу асари сифатида ҳам халқ чолғу репертуарларида узоқ йиллар давомида ижро этилиб келинмоқда.

Уни эслатиб ўтиш учун бошланиш жумласини келтирдик.



Уфари Рок кўпроқ чолғу йўлларига яқин. Чунки унда Пешрав тартибида ишланган куй тузилмалари бор. Шундай қилиб, Рок шўйбаси ўз шохобчалари билан эшитувчилар орасида машҳур бўлган куйлардир, улар турли варианtlарда ижро этилади.

Мақом шўъбалари, тароналари ҳам халқ орасида алоҳида-алоҳида ашу-  
лалар тарзида турли варианtlарда ижро этиб келинган. Масалан, Сарахбо-  
ри Бузрукнинг I таронаси бошланиш жумласини олайлик:



Ўттизинчи йилларда Ҳамза театрида қўйилган «Ойхон» пьесасидаги халқ  
куйлари асосида яратилган «Шод этай» ариясида шу жумланинг маълум  
вариантни учрайди.



Халқ орасида машҳур бўлган «Эй, ластаи гул» (ёки «Ўлтургуси») ашу-  
ласи, «Чаманингда гулзор» қўшиғи мақом тароналари тартибида яратил-  
ган. (Буни Халқ артисткаси Ҳалима Носирова ижро этган).



Ўзбек халқ ашулаларидан Абдураҳмонбеги I Савти Сарвинознинг ўзи  
бўлиб\*, Айладинг (Абдураҳмонбеги II) ялласи Соқийномаи Савти Сарви-  
нозга жуда яқиндир:



Бунда Савти Сарвинознинг куи ялла услубида бўлиб, унинг дойра усу-  
ли Соқийнома усулининг соддалаштирилган вариантидир ва авжида эса на-  
муди Турк тушириб қолдирилган. Бу ўринда айниқса, мақом шўъбалари-  
нинг уфарлари асосида яратилган қўшиқлар характерлидир. Уфари Савти  
Ушишоқнинг маълум вариантни Фарғонада хотин-қизлар орасида кенг тарқ-  
алган.

\* Абдураҳмонбеги I нинг авжига Ҳожи Абдулазиз Расулов Намути Наво басталаган



Бу вариантда Уфари Савти Ушшоқ дутор жүрлигіда айтишга мослаشتыриб олинган ҳамда унинг намудлари түшириб қолдирилған.

Күпроқ хотин-қизлар ижро этувчи мақом йўлларидан яна бири – Уфари Мўғулчай Дугоҳдир (Мўғулчай Дугоҳнинг Қашқарча ва Соқийномаси Савти Муножот куйига яқиндир). Унинг халқ орасыда машхур вариантининг бошланиши қўйидагичадир:



Мақомларнинг бундай ашула йўллари ўзбек-тожик хотин-қизлари ижро этадиган ашулалар қаторидан ўрин олган экан, бундай ҳол мақомлар доирасининг кент эканини яна бир марта кўрсатади.

Мақомлар асосида яратилган баъзи халқ куй ва ашулаларини, уларнинг баъзилари авжиде ишлатилган намудлар ёки қайси шўъбага тегишли эканини (қавсларда) кўрсатиб, санаб ўтамиш:

1. Бузрук мақомига доир асарлар:

Абдураҳмонбеги I (Намуди Наво), II, Дилхарош (Зебо пари), Кўча боғи (Намуди Ушшоқ), Илғор (Тошкент варианти – Намуди Уззол), Насурлойи I (Намуди Сегоҳ), V, Дучава (Мухайяри Чоргоҳ), Яланг Даврон, Сувора (Тошкент-Фарғона варианти), Мушкилоти Бузрук ва бошқалар.

2. Рост мақомига доир асарлар:

Ушшоқнинг турлари, Шаҳнози Гулёр (Зебо пари), Шафоат (Савти Ушшоқ варианти), Қўшчинор (Намуди Ушшоқ), Гулузорим (авжи Турк), Чаман ялла ва Тонг отгунча (Савти Ушшоқ асосида, Намуди Мухайяри Чоргоҳ) Қаландар I-II (Савти Калон), Найриз, Жон Андижоним (Т.Жалиловники, Уфари Савти Калон) ва бошқалар.

3. Наво мақомига доир асарлар:

Баёт I-V ва унинг бошқа вариантлари (Баёт ва Наво намудлари), Бебокча, Бухоро Тўлқини (Намуди Наво), Қурбон ўлайин (Намуди Наво), Баҳор (Намуди Сегоҳ ва Зебо пари), Бандалар қилдинг (Завқий ғазали), Менинг ва Эй кўнгул (Т.Жалилов) асарлари (II Баёт асосида) ва бошқалар.

4. Дугоҳ мақомига доир асарлар:

Муножот I (Зебо пари), Савти Муножот ва Уфари Дугоҳи Ҳусайнин (Намуди Ораз) ва Дугоҳнинг бошқа турлари, Рез куйи, Фарғонача (Савти Чоргоҳ), Терма ёр-ёр (Сараҳбори Дугоҳ), Бозургоний (Зебо пари) ва бошқалар.

5. Сегоҳ мақомига доир асарлар:

Ажам (Намуди Уззол, Турк), Наврӯзи Ажам (Турк), Сегоҳнинг турли вариантлари, Гиря I-II, Сайқал I-II (Намуди Сегоҳ), Гирёни қозоқ (Намуди Сегоҳ), Мискин I-II ва Адойи I-III (Намуди Сегоҳ), Сувора ва Савти Сувора (Хоразм варианти, Сабо асосида яратилган) Мушкилоти Сегоҳ ва Уфари (Намуди Сегоҳ) ва бошқалар.

6. Ироқ мақомига доир асарлар:

Чўли Ироқ (Мухайари Чоргоҳ), Чўли курд (Ушшоқ, Уззол намудлари ва Зебо пари), Эшвой ва Феруз (Мухайари Чоргоҳ), Ироқнинг бошқа вариантлари, Норим-норим ва Илғор (Хоразмча варианти, Мухайари Чоргоҳ), Сурнай Ироғи (Зебо пари) ва бошқалар.

Булардан ташқари жуда кўп мақом йўлларига мос келадиган куй ва ашулашларни келтириш мумкин. Уларни лад асосигина эмас, балки куй ҳаракати ҳам бир-бирига мос келади.

Қисқаси, ўтмишда маълум ашула йўлининг турли вариантлари шундай услугубда яратилар эди. Баъзан улар катта ўзгаришларга учраган. Бу вариантлар, юқорида айтилганидек, асрлар оша мусиқа маданиятимизда давом этиб келаётган бастакорлик анъанасининг маҳсули сифатида мусиқа меросимизда фахрли ўринларни эталлаб келмоқда.

\* \* \*

Мақомлар бастакорлар, композиторлар ижодида ҳам сезиларли ўрин эталлаб келмоқда. Бастакорлар куй ашулалар яратишда беихтиёр равишда маълум мақом йўлига тушиб қоладилар. Баъзан эса яратилган мусиқа асари мақом йўлларининг ўзи бўлиб чиқади. Бунинг сабаби, ижодкорнинг турғун лад қиёфада пухта ишланган мақом йўлларига асослангани ва мақом йўлларини чуқур ўзлаштириб олганлигидир.

Мақом йўллари асосида ишланган асар кўпинча уларнинг ихчамлаштирилган шакли бўлади. Бунда куй ва ашулаларга янги мусиқа лавҳалари, янгича усул ва қочиримлар киритиш билан уларнинг ёқимлилиги ва таъсирчанлиги янада орттирилади. Шундай асарлардан Т.Жалиловнинг «Ишқ сели», «Сўрмади», Ю.Ражабийнинг «Ёр келди», «Раъноланмасун», Д.Соатқуловнинг «Навбаҳор», Д.Зокировнинг «Эй сабо», «Кўрмадим», С.Калоновнинг «Эй, насимий», «Топмадим» ашулаларини кўрсатиб ўтиш кифоя. «Ёр келди» - Дугоҳ мақоми шўъбалари, «Раъноланмасун» - Рост шўъбалари таро-

налари, «Ишқ сели», «Талқинчай Сабо», «Сурмади» - Савти Калон Талқинчаси, «Навбаҳор» - Савти Ушшоқ шўйбаси, «Эй Сабо» - Насри Ушшоқ шўбасининг таронаси, «Кўрмадим» - Савти Ушшоқ йўллари, «Эй, насимий», «Топмадим» Мўғулчаи Дугоҳ шўйбаси билан ҳамоҳангдир.

Т.Жалилов, Ю.Ражабий, Ш.Соҳибов, Ф.Шоҳобов, С.Калонов, К.Жабборов, Н.Ҳасанов, Ф.Тошматов, Т.Содиқов ва бошқалар ижодида мақомларнинг таъсири яққол сезилиб туради. Айниқса улар мақомларнинг енгилроқ йўллари – тарона ва уфарлари, савт ва мўғулчалари ҳамда уларнинг шоҳобчалари асосида яратган кўпгина ашуалалар яратдилар. Бастакорларнинг мақом йўллари асосида янги-янги асарлари мўғулча ҳам савтлар ва уларнинг шоҳобчалари даражасида ишланган бўлиб, таъсирили ва оригинал ашуалардир. Бундай асарлар, шубҳасиз, мусиқа маданияти тарихида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўплари замонавий мавзуларда ёзилган шеърлар билан ҳам ижро этилади. Кўпгина композиторларимиз қатори бастакорларимиз мўғулча ва савтлардан саҳна асарлари учун ҳам фойдаланадилар.

Мақомлар асосида яратилган монодик мусиқа асарларининг ҳам ўзбек-тожик халқлари мусиқа бойликлари орасида катта бадиий қимматта эта эканлиги ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам Шашмақом замонавий мавзуда бадиий юксак асарларни яратишда катта манба бўлиб қолди.

Мақомларда ўзбек-тожик халқлари мусиқасига хос куй оҳанглари, мелодик қиёфа, образли ва таъсирили куй жумлалари, куй ҳаракати, лад ва ритмик асослар, ўзига хос оҳантдорлик, мелодик мазмундорлик мавжуддир. Шашмақом инсоннинг турли ички кечинмаларини ифодалайдиган куй ва ашула йўлларидан иборат. Шунинг учун мақом йўллари ва улар асосида яратилган куй ва ашуалалар халқимиз орасида умрбод яшайди. Лекин мусиқа маданиятимиз тараққиётида кўп овозли мусиқага ҳам жиддийроқ аҳамият берилиши лозим. Ўзбек-тожик халқ куйлари қаторида Шашмақом ҳам кўп овозли асар сифатида қайта ишлашда жуда катта қулагилкларга эга. Бунинг учун мусиқа асарларини қайта ишлаш, халқ мусиқа бойликларини симфоник оркестр ва халқ чолғу оркестрлари ижросида тарбиб этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Бу борада мақом йўллари ҳам, халқ куйлари ҳам энг ёрқин ифода воситаларига эга бўлган асарлардир. Улар ўзининг маълум чуқур мазмундорлиги билан тугал фикр бериш имкониятига эга.

Шунинг учун ҳам бой ифода воситаларига эга бўлган мақом йўлларининг баъзилари композиторларимиз томонидан гармонизация қилиниб, оркестрлар учун қайта ишланди, саҳна асарлари – мусиқали драма ва опера асарларида кўплаб фойдаланилди.

Мақомларни қайта ишлаш борасида композиторларимиз улардан турлича фойдаландилар. Биринчи галда мақом йўллари қандай бўлса шундайича, уларнинг лад, куй-ритмик асослари ҳам ўзгартирилмай олинди. Бундай ҳолни Насри Сегоҳ номи билан машҳур бўлган Соқийномаи Мўғулчаи Сегоҳда, Қашқарчай Рок ва унинг Уфарида ва Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган кўпгина мақом йўлларининг қайта ишланган вариантларида учратиш мум-

кин. Композиторлар В.Успенский, М.Ашрафий, Д.Зокиров, Д.Соатқулов, А.Козловский, Б.Гиенко. С.Бобоев, С.Алиев, Б.Бровцин каби күпгина ижодкорлар қайта ишлаган мақом йўллари шулар жумласидандир.

Шундай тартибда қайта ишланган мақом йўллари мусиқали драма ва опера асарларида ариялар, дуэтлар, хорлар, рақс куйлари ва речитативлар шаклида кўплаб яратилди.

1920 йилларда яратилган «Фарҳод ва Ширин» ва «Ҳалима» мусиқали драмаларида Тошкент, Фарғонада машҳур мақом йўлларидан фойдаланилган эди. Ш.Хуршидининг «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида қўлланилган мақом йўлларининг асосий қисми бизнинг кунларгача етиб келди. Гулом Зафарий «Ҳалима» мусиқали драмасига ўзи мусиқа танлаган эди. Улар орасида Патнис Сегоҳи, Уфари Мушкилоти Сегоҳ, Насруллои I, Тошкент Ироғи, Ушшоқ, Баёт II-III-IV-V ва бошқа мақом йўлларини учратиш мумкин.

Баъзи композиторлар мақом йўлларидан мавзу сифатида ижодий фойдаланганлар. Ўзбекистон ва Тожикистон театрлари саҳналарида ўйналиб келётган мусиқали драмаларда мақом йўлларидан, айниқса кўп фойдаланилган. Бу жиҳатдан Юнус Ражабий ва Г.Мушелнинг «Муқанна» мусиқали драмасига ёзган мусиқаси характерлидир. Асарда мусиқа муаллифлари мақом йўлларидан ўринли фойдаланганлар.

«Муқанна» мусиқали драмасида биринчи кўринишдаги «Трио»да Мўғулчай Сегоҳ, тўй саҳнасидаги мусиқали кўринишда Савти Ушшоқдан фойдаланилган. Учинчи кўринишдаги Насри Ушшоқ асосида ишланган Муқаннанинг жанговар арияси анча муваффақиятли чиққан. Шу кўринишдаги Муқанна ва Гулойин дуэти Мустазоди Навонинг бир варианти бўлиб, тўй саҳнасидаги лирик ҳолатларни ифодалаб беради. Худди шунингдек, охирги кўринишдаги видолашув дуэтида Талқини Баётдан фойдаланилган. Бу мусиқали драмада қўлланган барча мақом йўллари муаллифларнинг кўзлаган мақсадига мувофиқ равишда чиққан ва воқеанинг ривожланишида, унинг мазмунини очиб беришда муҳим ўрин тута олган.

Юнус Ражабий ва Г. Мушелнинг «Фарҳод ва Ширин» учун ёзган мусиқасида ҳам мақом йўлларидан усталик билан фойдаланилган. Биринчи кўринишдаги «Ул пари» Талқини Уззол асосида яратилган бўлиб, симфоник мусиқа жўрлигига бу ария воқсага ҳамоҳанг янграйди. Фарҳоднинг III кўринишдаги арияси («Адолурман») Бухоро Ироғи асосида ишланган. Фарҳод ва Ширин дуэти учун эса Нимчўпоний фойдаланилган.

Т. Жалилов, Б. Гиенко ва Г. Собитовларнинг «Тоҳир ва Зуҳра» мусиқали драмасида, Т. Жалиловнинг «Алномиши» мусиқали драмасига ишлаган бир неча ариялари мақом мавзуидаги асарлардир. К. Отаниёзов ва А. Степановларнинг «Хоразм эртаси» мусиқали драмасидаги Азиз арияси Насруллои шўъбасининг хоразмча вариантидир. М. Юсуповнинг «Ғазал фожиаси» мусиқали драмасида Аваз арияси «Талқинчай Сабо»дир. Аваз ва Адолат дуэти Бузрук шўъбаларидан бўлиб, унда Намуди Уззол бор. Шундай қилиб, мақом йўллари, тарихий мавзуларда ёзилган саҳна асарларида айниқса, кўпроқ фойдаланилган.

Композиторлар Г. Глиэр ва Т. Содиқовлар ҳамкорлигига яратилган «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» операларида, М. Ашрафий ва А. Василенконинг «Бўрон» ва «Буюк канал» операларида, В. Успенскийнинг «Фарҳод ва Ширин» операсида, Т. Жалилов ва Б. Бровцинларнинг «Тоҳир ва Зуҳра» операсида, муаллиф ижодкорлар ҳамкорлигига яратилган «Зайнаб ва Омон» операсида, Мухтор Ашрафийнинг «Дилором» операсида, М. Юсуповнинг «Хоразм қўшиғи» операсида муаллифлар мақомлар мавзуига бир неча бор мурожаат этганлар.

Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг «Лайли ва Мажнун» операсидаги Қайс арияси («Ироқ») Бузрук мақомининг Ироқ шўъбаси Мухайяри асосида яратилган бўлиб, у бош қаҳрамон – Қайснинг ички туйгулари, унинг ишқ-муҳаббат йўлида чеккан азоб-уқубатларини ёрқин ифодалайди ва операдаги маълум бир тутунни ечиб беришда муҳим ўрин тутади. Шу муаллифларнинг «Гулсара» операсида ҳам мақом мавзулари учрайди. Операнинг биринчи актидаги Қодирнинг «Софиниб» арияси Насри Ушшоқнинг I таронаси асосида яратилган бўлиб, аслида қўйидагичадир\*:



Насри ушшоқнинг I таронаси асосида яратилган «Софиниб» ариясига авж қўшилган бўлиб, ҳамма унсурлари бошқа вариантда олинган. Унинг бошланиши:



Опера муаллифлари мақом мавзуига ижодий ёндошганлар. Натижада ёқимли, мазмун ва бадиийлиги жихатидан ёрқин ва мақсадга мувофиқ ария яратса олганлар.

\* Шашмақом, Мақоми Рост, Москва. 1954, 80-82 бетлар. Ушбу таронанинг хатлари ашула шаклида бир неча бор тақрорланади ва 3 хат (олти мисра шеър) билан туталланади.

Мақомлар М. Ашрафий операларида ҳам мұваффақиятли чиққан. Масалан, мұаллифнинг «Дилором» операсидаги Моний арияси Сегоҳ мақомининг Мұғулчасидаги Нимчүпонийдир. Бу арияга мұаллиф мақомларда күп учрайдиган Турк авжини ҳам киритган. М. Ашрафий ва А. Василенколарнинг «Бўрон» ва «Буюк канал» операларида ҳам мақом йўлларидан етарлича фойдаланилган.

Муҳтор Ашрафийнинг «Шоирнинг қалби» операсида ҳам мақом йўллари катта ўрин тутади. Масалан, Фурқат арияси – Қашқарчай Савти Ушшоқ, Саодат арияси – Талқинчай Сабо, Саодатнинг отаси арияси Қашқарчай Савти Сабо (авжиди Намуди Уззол бор) асосида яратилган.

В. Успенский ва Г. Мушелнинг «Фарход ва Ширин» операсида эса мақомларнинг Тошкент, Фарғона вариантларидан баракали фойдаланилган.

Т. Жалилов ва Б. Бровцинларнинг «Тоҳир ва Зуҳра» операсида ҳам мақом йўлларидан яхши фойдаланилган. Хоразм картинасидаги «Айирмиш» номи билан машҳур бўлган ария Савти Навонинг ўзи бўлиб, унинг авжи қисқартирилган ва намудлар тушириб қолдирилган. Бу ария «Тоҳир ва Зуҳра» операсининг асосий кўринишларидан бирини тасвирлашда марказий ўринни эгаллайди ва қаҳрамоннинг ҳаяжони, кичик кечинмаларини очиб беради.

Шу кўринишдаги Моҳин арияси ҳам Мұғулчай Бузрук Қашқарчасидир. Бунда мұаллифлар бошланишдаги ва ўрта пардалардаги жумлалардан фойдаланиб, Уззол ва Мухайяр намудларини тушириб қолдиригандар.

Сулаймон Юдаковнинг «Майсарапининг иши» операсида ҳам мақомларнинг унсурларини учратиш мумкин. Мұаллиф мақом йўлларига ижодий ёндошиб, улардан ажойиб ариялар, кулгили, мусиқий лавҳалар яратган. Операдаги ариялар Савт ва Мұғулчаларнинг шохобчалари ва айниқса Уфарларини эслатади.

Кейинги вақтларда композиторларимиз мақомлар асосида романслар, симфоник поэмалар, камер асарлар яратдилар. М. Ашрафийнинг симфоник оркестр учун Мұғулчай Наво асосида яратган «Темур Малик» поэмаси, А. Козловскийнинг «Савти Сарвиноз» асосида ёзилган квартети, Г. Мушелнинг Мұғулчай Сегоҳ асосида фортепъяно учун концерти, С. Бобоевнинг мақомлар асосида яратган поэмалари, А. Николаевнинг Сарахбори Наво асосида юзага келган симфоник поэмаси, мазкур композиторлар ва бошқа ижодкорларимиз мақомлар асосида яратган асарлари шулар жумласидандир. Улар мақомларга ижодий ёндошаётганларни айниқса кувонарлидир.

Композиторларимизнинг мусиқали драма ва опера асарларида мақом йўлларидан фойдаланиб келинган экан, бу факт Шашмақом йўлларининг нақадар ҳаётий эканини, янги-янги мусиқали драма ва опералар ҳамда симфоник асарлар яратишда муҳим манба эканини кўрсатади.

Опера, симфоник мусиқа ва умуман Ўзбекистон ва Тожикистанда кўп овозли мусиқа масаласи устида мусиқашунослар катта-катта илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Бундай илмий ишларда мусиқашунослар одатда, мақом масалаларига ҳам ҳозирги замон мусиқа маданияти нуқтаи назаридан ўз муносабатларини билдириб ўтадилар.

Кўп овозли мусиқа асарлари ўз композицииси жиҳатидан бир овозли мусиқа асарларига кўра мураккабдир. Лекин кўп овозли мусиқа асарларинигина эмас, балки мақом туридаги катта, мураккаб асарларни ҳам бир овозли куйлар каби тушуниб эшитишда етарли малака ҳосил этилган бўлиши лозим. Акс ҳолда монодик мусиқа асарлари ҳам кишига етиб бормаслиги мумкин. Мусиқа асарларини тушуниш учун такрор-такрор эшитишнинг фойдаси катта. Чунки куй кишини қулоғига ўрнаша боради ва эшитиш ҳиссини камолатта зришувида маълум малака ҳосил қиласди ҳамда эшитиш қобилияти шакллана боради. Айниқса мусиқа асарларини онгли равишда эшитиш учун ёшлидан бошлаб бунга тажриба орттириб бориш алоҳида аҳамиятга эга.

Мусиқа санъатининг ижтимоий-сиёсий бурчи, санъатнинг бошқа турларидаги каби, халқимизнинг фаровон ҳаёт қуришдек олижаноб ишида беқиёсдир. Бу вазифани, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифасини тўла бажариш учун халқимизнинг ажойиб мусиқа меросини асосланиб юксак бадиий савияда замонавий мавзуларда мусиқа асарлари яратилиши лозим.

Бундай асарлар яратилишида ўзбек-тоҷик халқлари мусиқа меросининг асосини ташкил этган мақомлар, шубҳасиз, катта манба бўлиб хизмат қиласди. Мусиқа асарлари ўзининг шарафли вазифасини бадиий эстетик жиҳатдан тарбияланган эшитувчилари орқалигина бажара олади. Шунинг учун мусиқанинг бадиий-эстетик тарбиясига ҳам катта этибор берилиши керак.

## ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Халқимизнинг мусиқа бойликлари жуда ҳам кўп қиррали, сермазмун ва ранг-барангдир. Оҳангдор ажойиб қуйларимиз кишига қувонч, хурсандлик бағишлайди, оғир дамларни енгил қиласди. У инсоннинг олижаноб фазилатлари, ҳис ва туйғуларини ифодалаб берувчи кучга эга.

Халқимизнинг ўлмас мусиқа хазинаси - мақом жанри ўзбек ва тожик халқ мусиқа меросида алоҳида ўрин тутади. Мақомлар юксак бадиий эстетик кучга эга бўлган асарлардир.

Шашмақом Ўрта Осиё халқларининг кўп асрлик маданий-тарихий тараққиётининг маҳсулидир. Шашмақом XVIII аср ўрталарида шаклланган бўлса ҳам, унинг яратилиши ва юзага келиши жуда қадим замонлардан бошланган.

Мақомлар асрлар ўтиши билан йириклишиб борди ва уларнинг дастлабки Ўн икки мақом шакли олти мақомга бирлаштирилди. Мақомлар ўз бошидан жуда кўп замонларни кечирди. Шу сабабли Шашмақомда Ўрта Осиё халқлари яшаган шароит, тарихий ҳодисалар ўз изини қолдирди. Бу ҳодисалар мақом шўйбаларининг номларида ҳам ўз аксини топди.

Юқорида келтирилган қиёсий мисоллар ва фактлардан маълум бўлишича, Шашмақом ўзбек-тожик халқлари мусиқа меросининг асосини ташкил этади. У икки қардош халқнинг ўтмишдаги мусиқа бойликларини ўзида муҗассамлантирибгина қолмай, кейинги даврларда юзага келган халқ мусиқа асарлари билан доимий муносабатда ривожланиб, бойиб борди ва натижада улар билан қўшилиб кетди. Мақомлар халқ мусиқа ижодиётининг сўнгги даврлардаги тараққиётига кучли таъсир кўрсатди ва унинг ривожини таъминлади.

Фарғона водийси ва бошқа жойларда баъзи мақом йўлларини хотин-қизлар ҳам севиб ижро этиши мақомларнинг халқ оммаси орасида туттган аҳамиятини кўрсатиб туради.

Шашмақом бир қолипда қотиб қолмади, жамиятнинг бадиий эстетик талаблари ва тарихий шароитига қараб ўзгариб, ривожланиб, бойиб, бир авлоддан иккинчисига ўтиб, такомиллашиб борди.

Хоразм мақомлари ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ҳамда Хўжанд каби марказий шаҳарларда Шашмақом асосида яратилган юзлаб куй ва ашула йўллари бу жанрнинг ўзбек-тожик халқлари мусиқа меросининг жуда катта қисмини ташкил этади, деб айтишга имкон беради. Мақом варианtlарининг кенг кўламда ёйилганлиги уларнинг таъсир доирасини, халқ оммаси билан муносабатини чуқур бўлганини кўрсатади.

Шашмақом Ўрта Осиёнинг барча йирик шаҳарларида машҳур бўлган ва созанда – ҳофизлар томонидан мароқ билан куйланиб келинган. Шашмақом халқимизнинг турли бадиий-эстетик эҳтиёжлари учун хизмат қилиб, ҳатто халқ шодиёналарида, тўйларда, байрамларда уларнинг маданий талабларини қондириб келди. Бу ўринда сурнайларда ижро этилиб келинган Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақом йўлларини эслатишнинг ўзи кифоядир.

Шашмақом XV-XVIII асрларда жорий бўлган бастакорлик анъанасининг маҳсулидир. Бу анъана ҳозирги кунгача ҳам давом этиб келмоқда. Халқ бастакорлари мақом услубида ажойиб мусиқа асарлари яратмоқдалар.

Композиторларимиз томонидан халқ чолғулари ҳамда симфоник оркестрлар учун мақом куйларини қайта ишлаш вақти аллақачон келган. Қардош Озарбайжонда мақом йўлларини симфоник оркестр учун қайта ишлаш тажриба қилиб кўрилган эди. Бунда композиторлар Ф. Амиров ва Т. Ниёзовлар яхши натижаларга эришдилар. Шундай экан, Ўзбекистон ва Тожикистонда ҳам мақомларни шундай тажриба қилиб кўриш яхши натижалар бериши мумкин.

XX аср мобайнида мақом йўлларини ижро этишда баъзи ишлар қилинди, уларнинг айрим куй ва ашула йўллари Ўзбекистон ва Тожикистон радиоси, филармония ва театрлардаги концерт репертуарига киритилди. Лекин буларни ҳали қониқарли деб бўлмайди.

Бу кичик тажриба шуни кўрсатадики, концерт дастурларини бойитиша Шашмақомнинг ўрни катта ва у халқимизнинг бадиий талабларига жавоб берса олиши шубҳасизdir. Мақомларга ижодий ёндошиб, улар асосида кўп овозли асарлар яратиш - мусиқа маданиятимизда ижобий натижалар беради ва театр, концерт репертуарини янада бойитади. Мақом йўллари шинавандалар ҳурматига сазовор бўлиб келган ва шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Бу масалада мақомларни илмий асосда тарбиб қилишнинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Мақомлар ҳақида манбалар ва унинг турли варианtlардагиnota ёзуви китoblari юзага келган экан, ҳозирги кунда уларни илмий асосда чуқурроқ ўрганиш учун бутун имкониятлар мавжуд. Мусиқашунослик фанимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири Шашмақомни атрофлича ўрганиб, унинг бадиий-эстетик қимматини очиб беришдан ва халқимиз мусиқа меросида мақомларнинг тутган мавқеини ҳар томонлама кўрсатишдан иборат. Мақомларни халқ мусиқа ижодиётiga таққослаб, илмий асосда чуқурроқ ўрганиш, ўзбек-тожик халқлари мусиқа маданияти тарихида ва мусиқа ижодиётida жуда катта ижобий аҳамиятга эгадир.

Шубҳа йўқки, мақом йўлларини чуқурроқ ўрганиб, улардан илмий-ижодий фойдаланиш масаласини тўғри ҳал этилиши ўзбек-тожик халқлари мусиқа маданиятини янада гуллаб яшнашига ва юксак бадиий шаклдаги, йирик жанрлардаги мусиқа асарлари яратилишига катта ёрдам беради.

## ИЛОВА I

### I. Фойдаланилган қүләзма манбаларнинг қисқача тафсилоти.

1. ЎзР ФАШИ, қүләзма инв. №816

Маҳмуд Шерозий.

در الناج لغرة الديباج

«Дурратут-тож ли-ғурратид-дебож»

(«Подшолар салтанат кийимининг тож дурлари» )

Маҳмуд бин Масъуд Қутбuddин Шерозий (1236-1310) томонидан ёзилган энциклопедия тарзидаги бу асарнинг математикага бағишиланган бўлимидағи IV қисми мусиқа назариясидан баҳс этади ва «Дар илми мусиқий» («Мусиқий илм ҳақида») – деб номланади.

Асар қүләзмаси «Дурратут-тож»нинг тўлиқ нусхаси бўлиб, форс тилида нафис насхи сулс хатида кўчирилган ва пухта ишланган чизмалар билан таъминланган. Энциклопедия қалин Самарқанд қоғозига қора сиёҳда, сарлавҳалар, баъзи белги ва чизмалар қизил сиёҳда ёзилган. Котиби Имод бин али Қайсаравий. Асар 1309 йили, яъни муаллиф ҳаёт вақтида кўчирилган. Қўләзманинг мусиқага бағишиланган қисми 31 варақ (168<sup>°</sup>-198<sup>°</sup>), қоғоз бичими 28x30 см.

2. ЎзР ФАШИ, қўләзма инв. № 2751

Муҳаммад ал-Омулий.

نفائس الفنون في عرائض العيون

«Нафоисул-фунун фи ароисил уйюн»\*

(«Кўз қорасидаги бебаҳо фанлар»)

Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Омулийнинг бу асари энциклопедия тарзида ёзилган. Муаллиф ҳақида маълумот сақланмаган. Баъзи маълумотларга кўра, у замонасининг машҳур олимни бўлган ва Улжайту Султон Муҳаммад (1304-1316) Эронда ҳукмронлик қилган даврда Султонийя шаҳрида мударрислик қилган. Асарнинг мусиқага даҳлдор қисми «Илми мусиқий» деб аталади ва Маҳмуд Шерозийнинг «Дурратут-тож» асарининг қисқартирилган вариантидир. Қўләзма Қўйкон қоғозига қора сиёҳда, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда настаълик хати билан номаълум котиб томонидан 1830 йилда кўчирилган. Мусиқага бағишиланган қисми 21 варақ (565a -585a<sup>°</sup>). Қоғоз бичими 22x30 см.

\* Ушбу китоб ва унинг муаллифи ҳақидаги баъзи маълумотлар юқорида келтирилган эди. Асар қўләзмалари жаҳоннинг турли қўләзма фонdlарида сақланади, жумладан қуйидаги каталогларга қаралсан:

II, 7-8, №724; I, 85-42, №24; (р.340), №16 II, 434-435. Биздаги нусха улар орасида энг қадимиysi ва мўътабари ҳисобланади. Унинг мусиқага бағишиланган қисми ушбу сатрлар муаллифи томонидан рус тилига таржима этилган ҳамда қўләзма нусхаси СИТИ кутубхонасидасақланади.

3. ЎзР ФА Алишер Навоий Адабиёт музейи. қўлезма инв №42.  
Зайнулобидин ал-Ҳусайний.

### قانون علمي و عملی موسیقى

«Қонуни илмий ва амалий мусиқий»\*  
(«Мусиқанинг илмий ва амалий асослари»)

Асар муаллифи, Зайнулобидин бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳусайнийнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар сақланмаган. Бизга унинг ушбу асарини ягона нусхасигина стиб келган. Бу ерда айтилишича, «Қонун» муаллифнинг дўстлари тавсияси билан ёзилган бўлиб, улуғ Навоийга бағишиланади ва бу ҳақда кичик қасида ҳам берилган. Асар мазмунидан маълумки, ал-Ҳусайний замонасининг етук мусиқачиси ва мусиқанинг амалий ҳам назарий масалаларини чуқур билган йирик олим бўлган.

Қўлэзма қора сиёҳда, сарлавҳа ва айрим белгилар ҳамда чизмалар қизил сиёҳда, Самарқанд қофозига нафис настаълиқ хатида кўчирилган. Асар 24 бобдан иборат бўлиб, сўнги икки боби сақланмаган. Шунинг учун унинг кўчирилган йили, котиби ҳам номаълум. Кўчирилган йили XV аср охири бўлса керак. Асар 63 варақ (1°-63°). Қофоз бичими 12x18 см.

4. ЎзР ФАШИ, қўлэзма инв №1331/XI

Абдураҳмон Жомий.

### رساله موسیقی

«Рисолай мусиқий»\*\*  
(«Мусиқа рисоласи»)

Тожик классик шоири ва олими Мавлоно Нуруддин Абдураҳмон бин Аҳмад ал-Жомий (1414-1493)нинг мусиқа рисоласи “Мажмуайи мусаннатоти Жомий” («Жомийнинг асарлари тўплами») номли қўлэзмага киритилган бўлиб, “Куллиёти Жомий” асарнинг энг нодир нусхаси бўлиб, мусиқага доир қисмida замонасидаги мусиқанинг назарий ва амалий масалалари 23 қисмда қисқа қилиб таърифлаб берилган. Асар қора сиёҳда, сарлавҳалар ва баъзи белгилар олтин ва бошқа турли рангли сиёҳлар билан Самарқанд қофозига кўчирилган. Рисола бошида зарҳал ва турли ранглар билан ишланган нафис лавҳа (нақш) берилган. Асар Муҳаммад Котиб ал-Ҳаравий томонидан кўчирилган. Кўчирилган йили 1502-1503 й, 8 варақ (438б-446\*). Қофоз бичими 28,5x38,5 см.

\* Ушбу асарнинг профессор А. А. Семёнов томонидан рус тилига таржима қилинган қўлэзмаси СИТИ кутубхонасида сақланади.

\*\* Бу асар профессор А. Н. Болдирев томонидан рус тилига таржима қилинган ва профессор В. М. Беляев таҳрири ва шарҳи билан нашр этилган: Абдураҳман Джами, Трактат о музыке, Ташкент 1960 г.

5. ЎзР ФАШИ, қўллёзма инв №468/IV

Мавлоно Кавкабий

رسالة موسيقى

«Рисолай мусиқий»

(«Мусиқа рисоласи»)

Асар муаллифи, Мавлоно Нажмуддин Кавкабий Бухорий (1576 йилда жазолаб ўлдирилган) ҳақида кам маълумот сақланган. Дарвиш Али (XVII аср)нинг маълумотига кўра, у турли фан соҳаларида илмий ишлар қилган, мусиқа, қоғия ва ритмлар ҳақида асарлар ёзган. Кавкабий ашуулаларга шеър боғлашта моҳир эди, мақомларга амал, нақш ва пешравлар басталаган. Унинг рисоласи шайбоний ҳукмдорларидан Убайдуллахон (1533-1539) топширифи билан ёзилган бўлиб, Ўн икки мақом (Дувоздаҳмақом)нинг келиб чиқиши, мақом, шўъба, овозлар, дойра усуслари тўғрисида баҳс этади. Рисола 12 бобдан иборат. Асар тожик тилида қора сиёҳ билан Қўқон қорозига настаълиқ хатида кўчирилган. Қўчирилган йили, котиби номаълум. Охирги варақлар сақланмаган. 10 варақ (63 -72<sup>1</sup>). Қоғоз бичими 14, 5x23, 5см.

6. ЎзР ФАШИ қўллёзма инв. №8739/III

Номаълум муаллиф

رسالة في علم الموسيقى

«Рисолатун фи илмил мусиқий»

(«Мусиқий илмига доир рисола»)

Номаълум муаллифнинг бу рисоласи XVI асрда ёзилган бўлиб, Кавкабий рисоласи каби 12 бобда мусиқанинг назарий ҳам амалий масалаларидан баҳс этади. Рисола тожик тилида Қўқон қоғозига қора сиёҳда, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда настаълиқ хатида кўчирилган. Қўллёзма XVIII аср бошларида кўчирилган. Охирги бетлар тушеб қолган. Асар 8 варақ (103 -110<sup>1</sup>) дан иборат. Қоғоз бичими 15x25 см.

7. ЎзР ФАШИ қўллёзма инв. №415/III

Номаълум муаллиф.

در بيان شعبها هر مقام

«Дар баёни шўъбаҳои ҳар мақом»

(«Ҳар бир мақомнинг шўъбалари баёни»)

Асарда 12 мақом, уларнинг 24 шўъбалари, олти овозлари, ритмлар масаласи шеър билан тушунтирилади. Қўллёзма Қўқон қоғозига қора сиёҳ билан, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда настаълиқ хатида кўчирилган. Саҳифалар зарҳал ва кўк сиёҳли чизиқлар билан ўралган. Котиби ва кўчирилган йили кўрсатилмаган (XVIII аср бўлса керак). 4 варақ (191 -194<sup>1</sup>). Қоғоз бичими 12x14.

8. ЎзР ФАШИ қўлёзма инв. №468/III

Номаълум муаллиф

رساله گرامييہ در علم موسیقی

«Рисолаи каромийя дар илми мусиқий»

(«Мусиқий илм ҳақида бебаҳо рисола»)

Асар Кавкабий ва Дарвиш Алининг рисолалари тарзида ёзилган бўлиб, Ўн икки мақом ҳақида баъзи қимматли маълумотлар ҳам келтирилади. Қўлёзма қора сиёҳ, сарлавҳалар қизил сиёҳда насталиқ хати билан кўчирилган. Рисола ноъманум Султон али Қулихонга бағишиланган. Котиби ва кўчирилган йили кўрсатилмаган. Қўлёзманинг охирги бетлари йўқотилган. 4 варақ (56<sup>6</sup>-59<sup>9</sup>). Қороз бичими 14, 5x23,5 см.

9. ЎзР ФАШИ қўлёзма инв. №1466/1

Номаълум муаллиф

رساله دوازده مقام

«Рисолаи дувоздаҳ мақом»\*

(«Ўн икки мақом рисоласи»)

Рисоланинг боши сақланмаган. Шунинг учун рисола номи шартли қабул қилинди. Асарда Ўн икки мақом тизими ҳақида мурлоҳаза юритилади. Қўлёзма Қўйкон қофозига қора сиёҳда кўчирилган. Хати насталиқ. Кўчирилган йили XIX аср ўрталари, 3 варақ (1-3). Қороз бичими 25x26 см.

10. ЎзР ФАШИ қўлёзма инв. №449

Дарвиш Али Чангий

رساله موسیقی

«Рисолаи мусиқий»

(«Мусиқий рисола»)

Асар муаллифи Дарвиш Али бин Мирзо Али бин Абдуллоҳ бин Муҳаммад Мўъмини Қонуний бин Хўжа Абдуллоҳ бин Хўжа Муҳаммад Марварид.

Дарвиш Али бухоролик ҳофиз ва сарой чангчиси бўлгани учун «Чангий ҳоқоний» («Хоқон чангчиси») лақабини олган. У Аштархонийлардан Иномқулихон (1611-1642) саройида хизмат қилган. Асар шу ҳоқонга бағишиланади. Рисола 12 бобдан иборат бўлиб, 6 боби мусиқанинг назарий ҳам амалий масалаларига, қолган қисми эса, шоир, созонда, хонанда ва бастакорлар ижодига бағишиланган. Дарвиш Алининг рисоласи XVI-XVIII асрларда ёзил-

\* Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана Р. Т. I, 1952.

ган рисолаларнинг энг мукаммали бўлиб, мусиқа масалаларини кенг ёритиб беради. Қўллэзманинг бир қисми Самарқанд қофози, бошқа қисми эса Қўқон қофозидадир. Асар қора сиёҳ билан, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан настаълиқ хатида кўчирилган. Охирги бетлари йўқ. Кўчирилган йили, котиби номаълум. (XIX аср бошларида кўчирилган бўлса керак). 121 варақ (1 -121). Қофоз бичими 24,5x30,5 см.

#### 11. ЎзР ФАШИ қўллэзма инв. №468/I

Дарвиш Али рисоласининг қисқартирилган нусхаси. Қўқон қофозига настаълиқ хатида кўчирилган. Кўчирилган йили номаълум (XIX аср). 44 варақ (1 -44). Қофоз бичими 14, 5x23.

#### 12. ЎзР ФАШИ қўллэзма инв. №7005.

Дарвиш Али рисоласининг яна бошқа нусхаси, турли рангли Қўқон қофозига настаълиқ хатида кўчирилган. Котиби Муҳаммад Зоҳид. Кўчирилган йили кўрсатилмаган. 34 варақ (176 -209). Қофоз бичими 15x21 см.

#### 13. ЎзР ФАШИ қўллэзма инв. №468/II

Номаълум муаллиф\*

رساله موسقى

«Рисолаи мусиқий»

(«Мусиқий рисола»)

Асар Дарвиш Али рисоласидек бошланади ва унинг аввалги олти боблагидаги масалалар берилади. Қўқон қофозига қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда кўчирилган. Настаълиқ хати, кўчирилган йили ва котиби кўрсатилмаган. 9 варақ (46 -54). Қофоз бичими 14,5x23, 5cm.

#### 14. ЎзР ФАШИ, қўллэзма инв. №2838

Вожид Алихон\* \*

مطلع العلوم و جمع الفنون

«Матлаъ ул-улум ва мажмаъ ул-фунун»

(«Илмларнинг чиқиш жойи ва фанлар мажмуаси»).

Вожид Алихон Ҳиндустоний Бандари Ҳуги шаҳрида туғилиб, XIX аср ўрталарида яшаган, мадрасаларда дарс берган. Энциклопедия тарзida ёзил-

\* Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана Ташкент, I, 1952.

\*\* Вожид Алихоннинг бу асарининг бошқа нусхаси (Ш.И. инв. № 6817 ва 6818) ва ўзбекча таржимаси (инв. №8787) ҳам бор.

ган бу китоб ўқувчилар учун қўлланма бўлиб, XIX асрда мавжуд бўлган ҳамма фан соҳаларини ўз ичига олади.

Асар 2 китобдан иборат: 1. Матлаъул-улум. 2.Мажмаъул фунун. Мусиқа масаласи I китобда 26 бобда, II китобда 36 бобда ёритилган. Бунда Ўн икки мақом ва Ҳинд мусиқаси масалалари ёритилади.

Қўлёзма форс тилида, Қўқон қоғозига қора сиёҳ, сарлавҳалар қизил сиёҳда кўчирилган. Хати настаълиқ. Котиби ва кўчирилган йили номаълум. 6 варақ (164<sup>°</sup>-166<sup>°</sup> ва 326<sup>°</sup>-328<sup>°</sup>). Қоғоз бичими 25x30,5 см.

15. ЎзР ФАШИ, қўлёзма инв. №1466/II.

Номаълум муаллиф

در آمد شش مقام

«Даромади Шашмақом»

(«Шашмақомнинг бошланиши»)

Шашмақомга айтиладиган шеър матнлари тўпламидан иборат бу асар Бухоро мақомларига тааллуқлидир. Қўқон қоғозига қора сиёҳ, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан кўчирилган. Хати настаълиқ. Котиби номаълум. Асар охирида Бухоро амири Мангит Насруллохон (1826-1860) даврида 1847 йилда кўчирилганлиги қайд этилади. 23 варақ (3<sup>°</sup>-25<sup>°</sup>). Қоғоз бичими 15x26 см.

16. ЎзР ФАШИ, қўлёзма инв. №5734, 1428

Номаълум муаллиф

در بیان شش مقام

«Дар баёни Шашмақом»

(«Олти мақом ҳақида»).

Асар Хоразм мақомларига айтилган шеър матнлари тўпламидир. Қўқон қоғозида, қора сиёҳ билан, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан настаълиқ хатида кўчирилган. Котиби номаълум. 1868 йилда кўчирилган. 23 варақ. (1<sup>°</sup>-23<sup>°</sup>). Қоғоз бичими 12x21 см.

Бу асарнинг бошқа нусхаси ҳам бўлиб (инв. №1428), кўп хатолар билан кўчирилган. 26 варақ (279<sup>°</sup>-304<sup>°</sup>). Қоғоз бичими 14x21 см.

17. ЎзР ФАШИ, қўлёзма инв. №7074.

Мусо Хўжа Туркистоний

رساله موسیقی

«Рисолаи мусиқий»

(«Мусиқий рисола»)

Саройда хизмат қилган мақомдон эди. Асар Қўқон қоғозига қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда настаълиқ хати билан кўчирилган. Хоразм ма-

қомлари шеър матнларидан иборат бу асар сарой мсҳтари Шой Мардонқулига бағишиланган. 1879 йилда кўчирилган. Қўллэзманинг бошланиши йўқотилган. 14 варақ (1 -14 ). Қоғоз бичими 13x21.

18. ЎзР ФАШИ, қўллэзма инв. №3920, 8827.

Номаълум муаллиф

**شش مقام موسيقى**

«Шашмақоми мусиқий»

(«Мусиқанинг олти мақоми»).

Хоразм мақомлари шеър матнлари тўплами бўлган бу асар турли рангдаги рус қоғозига қора сиёҳ билан настаълиқ хатида кўчирилган. Матн ва шеърлар рамкада берилган. Котиби номаълум. 1884 йилда кўчирилган. 25 варақ. Қоғоз бичими 13x20 см.

Бу асарнинг бошқа нусхаси (инв.8827)нинг охири сақланмаган. 15 варақ (450 -472 ). Қоғоз бичими 15x27 см.

19. ЎзР ФАШИ, қўллэзма инв. №3154/VI.

Номаълум автор

**رسالة في السماع**

«Рисолатун фис-симоъ»

(«Самоъ ҳақида рисола»)

Асар араб тилида ёзилган бўлиб, мусиқа ва шеъриятнинг шариатга муносабати масалаларидан баҳс этади. Асар қалинроқ қоғозга, қора сиёҳ билан насхи сулс хатида кўчирилган. 1019 йилда ёзилган ва 1284 йилда кўчирилган. 5 варақ (164 -168 ). Қоғоз бичими 15,5x19,5 см.

20. ЎзР ФАШИ, қўллэзма инв. №454/III.

Абдулхақ Деҳлавий

**تحقيق السماع**

«Таҳқиқус-симоъ»

(«Самоъ таҳқиқоти»).

Абдулҳақ бин Сайфуддин ал-Қодирий ад-Деҳлавий (1551-1642). Бухородан Ҳиндистонга кўчиб кетган турк авлодларидан бўлиб, «Қодирий» дейилган сўфийлар тариқатининг аъзоси эди. Унинг асарида мусиқа ва ашулашарни мусулмон шариатида эшлитиш мумкинми ёки мумкин эмаслиги масалалари талқин этилади. Қўллэзма Қўқон қоғозига қора сиёҳ билан настаълиқ хатида 1902 йилда кўчирилган. 14 варақ (157 -170 ). Қоғоз бичими 15x26.

## ИЛОВА II

### XIX аср Шашмақом шеърий матнлари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Шашмақомга айтилган қатор шеър тўпламлари мавжуд. Уларнинг кўплари Хоразм мақомларига, баъзиларигина Бухоро мақомларига бағишлиланган.<sup>4</sup> Биз қўйида шу шеър матнларидан парча (намуна)лар келтирамиз ва уларнинг шеър ўлчовларини ҳам кўрсатиб ўтамиз. Бу нарса, мақомларга айтилган шеърларнинг мазмуни ҳақида қисман бўлса-да тасаввур этишга, XIX асрда ижро этилган мақомларнинг қисмлари номларини ҳамда уларнинг шеър ўлчовларини аниқлашга ёрдам беради. Бинобарин, уларнинг дастлабки намуналари билан ҳозирги шаклларини таққослашга, қисқаси мақомларнинг тараққиёт йўлини озми-кўпми белгилаб олишга имкон беради.

Мазкур тўпламлардан Хоразм мақомларига бағишлиланган бештаси (қўлёзмалар инв. №5734, 1428, 7074, 3820, 8827/II) ва Бухоро мақомларига бағишлиланган иккитаси (инв. №1466/II, 1944) мақсадга мувофиқ топилди ва қўйидаги шеър матнларини тайёрлашда фойдаланилди. Бунда мақомларнинг Хоразм варианти аввал келтирилди. Бухоро вариантида эса Хоразм мақомларидагига ўхшаш матнлари суюниб, уларнинг тартиб ўринлари кўрсатиб ўтилди. Шуни айтиш керакки, ҳамма тўпламларда баъзи мақом қисмлари тушиб қолган. Шунинг учун улар мазкур тўпламларни таққослаб кўриб тўлдирилди.

#### I. Мақоми Наво

Муғанни кунун вақти хуши садо аст,  
Ки бунёд хости ба гўши Наво аст.

Мутақориби мусаммани маҳзуф:

Фаулун-фаулун-фаулун-фаул.  
Танан-Тан-Танан-Тан-Танан-Тан-Танон

#### 1. Сарахбори Наво:

Мутриб шабе таронаи ҳусни ту соз кард,  
Шамъ омаду сафинаи парвона боз кард

Музореи мусаммани ахраби макфуфи мақсур:

Мафулу-фоилотун-мафоилу-фоilon  
Тан-Танна-Танна-Танан-Танна-Тан-Танан

## 2. Таронаи аввал:

(Эй, войъ) Мо дар ин шаҳрем дилу по басту ту,  
(Эй, вой!) доду фаръёду фиғон (ёр) аз дасти ту.

Рамали мусаммани маҳзуф:

Фоилотун-фоилотун-фоилун  
Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Тан-ТананТ

## 3. Айзан (Тарона):

(Эй!) Бар ман бигӯ (ёр) ин қиссаро,  
(Ёр!) Аз ман шинав ин нағмаро.

Рачази мураббаъи солим:

Мустафилун-мустафилун  
Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан

## 4. Таронаи дигар ба зарби қўшсувори:

(Эй!) Кучо дар маҳшарат парвои ман буд,  
Ҳазорон ҳамчу ман хунин кафан буд.  
Ту истиқно ба чони мефуриший,  
Маро ҳам ним чони дар бадан буд.

Ҳазачи мусаддаси мақсур:

Мафоилун-мафоилун-мафоил  
Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Танан-Тан

## 5. (Айзан) Суварии Наво:

Нокарда гуноҳ дар ин чаҳон кист бигӯ,  
Шоҳона манам,  
Ҳар каски гуноҳ накард хубе рост бигӯ,  
Чун чон накунам.  
(Умарий)

Ҳазачи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ачиби мустазод:

Мафулу-мафоилун-мафоилу-фаул-мафулу-фаул  
Тан-Танна-Танан-Танна-Танан-Тан-Танна-Танан

## **6. Сувории Наво:**

Домани гулистонаш, то маро бачанг омад,  
Пираҳон(е) бар аъзояш ҳамчу ғунча танг омад.  
(Сайидо)

Муқтазаби мусаммани матвии мақтуъ:

Фоилоту-мафулун-фоилоту-мафулун  
Тана-Танна-Тан-Тан-Тан-Танна-Танна-Тан-Тан-Тан

## **7. Сувории Наво:**

Вақтро ғанимат дон он қадарки, битвонй,  
Ҳосил аз ҳаёти умр як дам аст, то донй

Муқтазаби мусаммани матвии мақтуъ:

(Бундан аввалги шеър ўлчови. Қаранг: № 7)

## **8. Амалоти дигари Наво:**

Аз орази ту чаман-чаман гул резад,  
Ва зи зулфи ту даста-даста сунбул резад,  
Дар боғ, агар ба ёди ту нола кунам,  
Ҳун аз чигари ҳазор булбул резад.

Ҳазачи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар:

Мафулу-мафоилун-мафоилу-фаъ  
Тан-Танна-Танан-Танан-Танна-Тан

## **9. (Айзан) амалот:**

Ҳар даштеро ки лолазоре будааст,  
Он лола зи хуни шаҳриёре будааст.

Ҳазачи мусаммани ахраби мақбузи солими азл:

Мафулу-мафоилу-мафоилун-фаъ  
Тан-Танна-Танан-Танна-Танан-Тан-Тан-Тан

## **10. Амалоти дигар ба зарби Чапандоз:**

Дур(е) бод к-аз тан саре короиши доре нашуд,  
Бишканад дасте ки, ҳам дар гардани ёре нашуд.  
(Зебунисо)

Рамали мусаммани маҳфуз:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун  
Тан-Танан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Танан

## **11. Таронаи хоразмии Наво:**

Мен кетармен, сен қолурсен, йиғлагайсен зор-зор,  
Истагайсен, топмагайсен бир менингдек ғамгусор.

Рамали мусаммани мақсур:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоilon  
Тан-Танан-Тан-Тан-Ганан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танон

## **12. Сувории Наво (айзан):**

«Чахон» чому фалак-соқи, ичал-май,  
Холоиқ-бода нўшу сўхбати вай.

Ҳазачи мусаддаси маҳфуз:

Мафоилун-мафоилун-фаулун  
Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан

## **13. Бозгўи сувори:**

(Биё!) бозам ки ин (ишва) чи ноз аст,  
Ки шабҳои ғамаш дуру дароз аст\*.

Ҳазачи мусаддаси мақсур:

Мафоилун-мафоилун-мафоил  
Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан

\* Шеър бузилган.

#### **14. Талқини Наво:**

Агар бо мардуми доно нишини,  
Саросар аз ҳама боло нишини  
Агар нодон бувад ҳамсўхбати ту,  
Ҳамон беҳтар, ки худ танҳо нишини.

Ҳазачи мусаддаси маҳфуз:

Мафоилун-мафоилун-фаулун  
Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан

#### **15. Насри Наво:**

Дунъё (ки), дарӯ матоаш (он) тофта нест,  
Дарқўшиши у машав, ки нокофтааст.

Ҳазачи Мусаммани ахраби мақбузи макфуфи аҳтам:

Мафулу-мафоилун-мафоилу-фаул  
Тан-Танна-Танан-Танан-Танан-Танна-Танан

#### **16. Баъд аз Баёд ин Тарона яст:**

Эй он ки аз поши назар он чеҳра гулгун меравад,  
Эй ман чи созам чони ман аз сина берун меравад.  
Абрўи ту дилдори дил, бо волаи девона бас,  
Эй ҳар кучо Лайли равад иҷор Мачнун меравад.

Рачази мусаммани солим:

Мустафилун-мустафилун-мустафилун-мустафилун  
Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Танан

#### **17. Амалоти дигари Наво:**

Буд пай қариби мо ваъдан хом доданаш.  
Мекашидам дили маро номи вафо ниҳоданаш.

Рачази мусаммани матвии маҳбун:

Муфтаилун-мафоилун-муфтаилун-мафоилун  
Тан-Тананан-Танан-Танан-Тан-Тананан-Танан-Танан

## **18. Амалоти дигари Наво:**

Айла-айла эй санам бас ки (йё) шўх хандондур,  
 Эй шафақ ичра магар (ки) офтоб тобондур.  
 (Навоий)

Рамали мусаммани маҳфуз:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун  
 Танна-Тан-Тан-Тана-Тан-Тан-Танна-Тан-Тан-Танна-Тан

## **II. Мақоми Дугоҳ**

### **1. Сарахбори Дугоҳ:**

Дил хуну чон фигору чигар рашу сина чок,  
 Ҳам худ бигў, ки чун накашам оҳи дарднок.  
 (Чамий)

Музореи ахраби макфуфи маҳфуз:

Мафолу-фоилоту-мафоилу-фоилун  
 Тан-Танна-Тан-Тананна-Танан-Танна-Тан-Танан

### **2. Таронаи аввали Дугоҳ (ба зарби сувори):**

Баҳор омад чи сўд аз сайри гулшан, ёр, боисти,  
 Томошой чаман бо он гули рухсор боисти.

Ҳазачи мусаммани солим:

Мафоилун-мафоилун-мафоилун-мафоилун  
 Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан

### **3. Амалоти дигар:**

Тарсамки дили сўмиа з-ин хуни чигар баст,  
 Чононаи ман гў,  
 Хун зи чигар оташкада дар сина шароб аст,  
 Парвонаи ман гўё.  
 (Мустазоди Машраб)

Ҳазачи мусаммани ахраби макфуфи мақсури (маҳфуз) мустазод:

Мафулу-мафоилу-мафоилу-мафоил  
мафулу-фаулун  
Тан-Танна-Танна-Танан-Танна-Танан-Тон  
Тан-Танна-Танан-Тан

#### 4. Таронаи дилгари Дугоҳ:

(Эй-вай!) Сарви озодам биё,  
(Эй-вай!) Наҳли шамшодам биё

Рамали мураббаъи маҳзуф:

Фоилотун-фоилун-фоилотун-фоилун  
Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Танан-Тан-Тан

#### 5. Айзан (амалоти он):

Ҳар замон моро ба куяш завқи дийдор оварад,  
Булбулонро орзуи гул, ба гулзор оварад.

(Чоми)

Рамали мусаммани маҳфуз:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун  
Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан

#### 6. Амалоти (Таронаи) дигар:

Имшаб ба таманной лабат тавба шикастам,  
Эйсоқии кавсар,  
Дар мачлиси зиндони харботенишастам,  
Саргашта чу соғар.

Ҳазачи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод:

Мафулу-мафоилу-мафоилу-фаулун  
мафулу-фаулун  
Тан-Танна-Танан-Танна-Танан-Танна-Танан-Тан  
Тан-Танна-Танан-Тан

## **7. Навъи дигар:**

Шабнам таманной ту умре ба сар овард,  
 Бо дидай бедор,  
 Пироҳани оғұшта баҳуни чигар овард,  
 Гул дар назари хор,  
 (Камол)

Ҳазачи мусаммани ахраби макфуфи мақсур и мустазод:

Мафулу-мафоилу-мафоилу-мафоил  
 мафулу-мафоил  
 Тан-Танна-Танан-Танна-Танан-Танна-Танан-Тон  
 Тан-Танна-Танан-тон

## **8. Айзан (Таронаи Дугоҳ):**

Ошиқам Карди биё фикрии ман бечора соз,  
 Ё саки күят бисоз ў ё зи шаҳо овора сов,  
 Хоним ялла ялло ялло ялли дўст,  
 Шоҳим ялла ялло ялло ялли дўст.

Рамали мусаммани мақсур:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилон  
 Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Танан-Тан-Танна-Тон

## **9. Айзан Таронаи Дугоҳ:**

Ошиқ омад доғҳои санаро рангин кунед,  
 Подшоҳи ҳусн омад шаҳрро маъшуқ кунед.

Рамали мусаммани мақсур:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилон  
 Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Танан

## **10. Айзан (таронаи дигар):**

Дар даҳр ба коми дил расидан мушкул,  
 Ва зи нокас касе сұҳан шунидан мушкул,  
 Гар заҳм занад саге кафи пои туро,  
 Бар күштани пои саги гузидан мушкул.  
 (Рубои)

Хазачи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар:

Мафулу-мафоилун-мафоилун-фаъ  
Тан-Танна-Танан-Танан-Танан-Тан-Тан

**11. Чоргоҳ, ки яке аз Насри Дугоҳ аст:**

Агар аз ту барканам дил, бакучо барам нигоро,  
Зи дари ту боз қардам, ки кунан қабул моро

Рамали мусаммани машкул:

Фоилоту-фоилотун-фоилоту-фоилотун  
Тана-Танна-Тан-Танан-Тан-Тана-Танна-Тан-Танан-Тан

**12. Амалоти Чоргоҳ (бо усули Чапандоз):**

Бар ман аз чаври ҳар чанде, ки бедод равад,  
Чун рухи хўби ту бинам ҳама аз ёд равад.

(Чоми)

Рамазали мусаммани маҳбуни маҳзуф:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фаилун  
Тан-Танан-Тан-Тананан-Тан-Тананан-Тан-Тананан

**13. Сувори Чоргоҳ:**

Шодамки даво дарди маро суд надорад,  
Бемори туам ин ғами ман буд надород,  
Дар ҳар задан оташ задай дур нишости,  
Андеша макун оташи ман дуд надорад

(Рубои)

Хазачи мусаммани ахраби макфуфи маҳфуз:

Мафулу-мафоилу-мафоилу-фаулун  
Тан-Танна-Танан-Танна-Танан-Танна-Тан

**14. Айзан Сувории Чоргоҳ:**

Гуфти, ки ба сад чафо туро хоҳам күшт,  
Гуфтам, ки чиро,  
Маълум намешавад чаро хоҳамкүшт,  
То рӯзи чазо.

**Хазачи мусаммани ахраби мақбузи солими азл Ахраби ачаб (мустазод)**

Мафулу-мафоилун-мафоилун-фо-  
мафулу-фаул  
Тан-Танна-Танан-Танна-Танан-Тан-Тан-Тон-  
Тан-Танна-Танан.

**15. Тарона ба зарби Сувори:**

Эй ба ханда лаълатро майли шаккар афшони,  
З-он ду лаб чи ширин аст хандаҳои пинҳони.  
(Чоми)

Муқтазаби мусаммани матвии мақтуъ:

Фоилоту-мафулун-фоилоту-мафулун.  
Танна-Танна-Тан-Тан-Тан-Танна-Тан-Тан-Тан.

**16. Айзан Тарона (ба зарби Сувори):**

Чонони маро ба мо биёрад.  
Ин мурда танам баду супоред.  
То бўса занад бар он лабонам  
Гар зинда шавам аҳаб мадоред.

**Хазачи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур:**

Мафулу-мафоилун-мафоил  
Тан-Танна-Танан-Танан-Танан-Тон

**17. Айзан (сувории Чоргоҳ):**

Масти бар сарам омад офати дили хуши,  
Соя бар сарам афканд моҳи ҳола оғуши.  
(Бедил)

Муқтазаби мусаммани матвии мақтуъ:

Фоилоту-мафулун-фоилоту-мафулун.  
Танна-Танна-Тан-Тан-Танна-Танна-Тан-Тан-Тан

## **18. Айзан Сувории Чоргоҳ:**

Сокина кунаштам кард хуш хироме май нўши,  
 Каъбаро зи ёдам бурд кофири сияҳ пўсти.  
 (Машраб)

Мақтазаби мусаммани матвии мақтуъ.  
 (Бундан аввалги шеър ўлчови. Қаранг: № 17)

## **19. Савти Чоргоҳ:**

Дар кулбай мо расидани дошт,  
 Ғамномай мо шунидани дошт.

Ҳазачи мусаммаси ахраби мақбузи ма-сур:

Мафулу-мафоилун-мафоил  
 Тан-Танна-Танан-Танан-Тон

## **20. Таронаи дигари Чоргоҳ:**

Айшам мудом аст аз лаъл дилхоҳ,  
 Корам баком аст, алҳамдулилоҳ.

Мутақориби мусаммани ислими мусаббағ:

Фаълун-фаулун-фаълун-фаулон  
 Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тон

## **21. Яке аз Насри Дугоҳ-ораз. Савти Ораз ин аст:**

Эй зи хаданги ғамзаат синаи мо пур аз алам,  
 Гашти маро чафои ту, эй бўти шўхи пурситам.  
 Домани васли ёрро кай деҳам аз кафи умед,  
 Тифи чафо агар кунад дасти маро қалам-қалам.

(Чурми)

Рачази мусаммани матвии маҳбун:

Муфтаилун-мафоилун-муфтаилун-мафоилун.  
 Тан-Тананан-Танан-Танан-Тан-Тананан-Танан-Танан

## **22. Айзан аз Орязи:**

Эй дил, агар дили мани, хиракиватиман гузашт,  
Фикри кафанфуруши күн навбати пирахан гузашт.

Разачи мусаммани матвии маҳбун:

Муфтаилун-мафоилун-мутаилун-мафоилун  
Тан-Тананан-Танан-Танан-Тан-Тананан-Танан-Танан

## **23. Ба лаху айзан:**

Дод ба олам сабо, парда зи рух күшоданаш,  
Панчай офтоб шуд даст бару ниҳоданаш.  
(Сайидо)

Рачази мусаммани матвии маҳбун:

Муфтаилун-мафоилун-муфаилун-мафоилун  
Тан-Тананан-Танан-Танан-Тан-Тананан-Танан-Танан

## **24. Насри Дуюҳи Ҳусайнний:**

Барбод равад саре, ки дар пои ту нест,  
Ношод равад диле, ки дар ёди ту нест.

Ҳазачи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи аҳтам:

Мафулу-мафоилун-мафоилу-фаул  
Тан-Танна-Танан-Танан-Танан-Танна-Танон.

## **25. Тарона ба зарби Талқин мөҳонад:**

Ҳусайнний, ки яке аз Насри Дуюҳ, Уро ҳонда, ин  
Ту чилва кунон мегузари аз назари ман,  
Ман гиря кунон мекунам аз дур дуое.

Ҳазачи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф:

Мафулу-мафоилу-мафоилу-фаулун  
Тан-Танна-Танан-Танна-Танан-Танна-Танан-Тан

## **26. Савтҳои Ҳусайнний:**

Як чанд бисоти хуш дили кардам тай,  
Бо лолаи узорсимиин хўрдим май.

Ҳазачи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар:

Мафулу-мафоилун-мафоилу-фаъ  
Тан-Танна-Танан-Танан-Танан-Тан-Тан-Тан

## **27. Амалоти дигар:**

Аз катми адам берун ноомада боисти,  
Ин тунбази фируза барҳам зада боисти.  
Дар гирди ҳарам будам тарсо бачаи меғуфт,  
Ин хона бадин хубе оташкада боисти.

Ҳазачи мусаммани ахраб:

Мафулу-мафоилун-мафулу-мафоилун  
Тан-Танна-Танан-Тан-Тан-Тан-Танна-Танан-Тан-Тан

## **III. Мақоми Сегоҳ**

### **1. Сарахбори Сегоҳ:**

Чй chanги пардаҳои Сафоҳонам орзуст,  
Вай нойи нолайи хуш сузонам орзуст.  
(Шамсуддин)

Музореи мусаммани ахраби макфури солими максур:

Мафулу-фоилоту-мафоилун-фоилон  
Тан-Танна-Танна-Танна-Танан-Тан-Тан-Танна-Тон.

### **2. Таронаи аввали Сегоҳ:**

Тарсо бачалар холига девоналиғим.  
Ул шамъи жамол утига парвоналиғим.  
Майхона бориб кошиға мастаналиғим,  
Ҳусн оташиға куймакка фарзоналиғим.  
(Рубоий)

Ҳазачи мусаммани ахраби макфуфи ачаб:

Мафулу-мафоилу-мафоилу-фаул  
Тан-Танна-Танан-Танна-Танан-Танна-Танан

**3. Айзан Таронаи:**

Бозо, ки дилаш дар пай озории мост,  
Лаъли лаби у шарбати бемории мост.  
Чашми хуши у дар пай хунхорим мост.  
Ширин лаби у дар пай дилдории мост.

Ҳазачи мусаммани ахраби макфуфи ахтам:

Мафулу-мафоилу-мафоилу-фаул  
Тан-Танна-Танна-Танна-Танан-Танна-Танон

**4. Амолоти дигар:**

Дараҳт гунча барвард, ки булбулон мастанд,  
Чаҳон ҳарвон шуду ёрон баайш биншастанд

Мұчтаси мусаммани маҳбуни мақтууи мусаббағ:

Мафоилун-фаилотун-мафоилу-фалон  
Танан-Танан-Тананан-Тан-Танан-Танан-Тан-Тон

**5. Навъи дигар:**

Мачнуни шикаста ёди дилбар мскард,  
Аз ҳар жума қатраҳои хунсар мекард.

Ҳазачи мусаммани ахраби мақбузи солими азл:

Мафулу-мафоилу-мафоилун-фөъ  
Тан-Танна-Танан-Танан-Танан-Тан-Тан-Тон

**6. Амалоти дигар:**

Чашмони ту гашти олами омиро,  
Зулфайни ту гум карди никуромирон.

Ҳазачи мусаммани ахраби макфуфи солими айттар (мақбуз):

Мафулу-мафоилун-(мафоилун)-мафоилун-фаъ  
Тан-Танна-Танан-Танан-(Танан-Тан-Тан)-Танан-Тан-Тан

**7. Айзан амалоти он:**

Рав гадон кун, ки мо мулк аз гадон ёфтем ,  
Точу тахти салтанат аз бенавон ёфтем .

Рамали мусаммани маҳзуф:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун  
Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Танан

**8. Айзан амалоти он:**

Дар хоб чамоли ёр дишаб дидам,  
Дар айни сафо,  
Аз боги латофаташ гуле мечидам,  
Бе хори чафо.

Ҳазачи мусаммани мустазод (-и рубои):

Мафулу-мафоилун-мафоилун-фаъ.  
Мафулу-фаул  
Тан-Танна-Танан-Танан-Танан-Тан-Тан-Тан  
Тан-Танна-Танан

**9. Талкииро ҳонда Насри Сегоҳро меконанд:**

Бидеҳ зи дарси таккалум ба қулли рухон сабақе,  
Бимонд аз ту дар ойин(е) дилбари насақе.

Мұчтаси мусаммани маҳбуни маҳзуф:

Мафоилун-фаилотун-мафоилун-фаилун  
Танан-Танан-Тананан-Тан-Танан-Танан-Тананан

**10. Таронаи Насри Сегоҳ (Хичоз) ба зарби Сувори:**

Дунъё тамом ганч аст бораш наменамояд,  
Сайри гуласт гулшан хораш наменамояд.  
(Шавкат)

Музорсай мусаммани солими макфуфи солими аруз ва зарб:

Мафулу-фоилотун-мафоилу-фоилотун  
Тан-Танна-Танна-Тан-Тан-Танан-Танна-Танна-Тан-Тан

**11. Суворий дигари Сегоҳ - Наврӯзи Хоро:**

То хаёли рўятро равнақи чаман дидам,  
Ғунча сон чунон аз шавк чоки пираҳан дидам.

Муқтазаби мусаммани матвии мақтуъ:

Фоилоту-мафулун-фоилоту-мафулун  
Танна-Танна-Тан-Тан-Тан-Танна-Танна-Тан-Тан-Тан

**12. Талкини Наврӯз Хоро:**

Даст-гул, по-гул, бадан-гул, чабҳо-гул, рухсор-гул,  
Дар хаёти човидон як шоҳ микдор гул.

(Мунис)

Рамали мусаммани маҳзуф:

Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун  
Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан-Тан-Тан-Танан

**13. Амолоти дигар:**

Мутриб биё, бишнав зи ман ин нағмаи Давудро,  
*Ҳафиғи Сегоҳ* – ҳафиғ дойра усулида ижро этиладиган Сегоҳ мақомининг чолғу қисми.

*Ҳижсозий* – мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари ўрнашган пастекислик; Ўн икки мақом тизимидағи маълум мақом. Ўрта Осиёда Сегоҳ ибораси билан машҳур.

*Ҳинсир* – чимчилоқ, шу бармоқ билан босиладиган уд пардасининг номи.

*Ҳисор* – Тожикистандаги бир шаҳар номи ва Ўн икки мақом тизимидағи шўъба номи.

*Ҳисор* – Тожикистандаги бир шаҳар номи ва Ўн икки мақом тизимидағи шўъба номи.

*Ҳодд* – энг баланд, уд созининг энг баланд товуш берадиган, йўғон тордан ҳисоблангандан бешинчи торнинг номи.

*Ҳумоюн* – баҳтли, шохона; мақом тизимида маълум шўъба номи.

*Ҳусайний* – Ўн икки мақом тизимидағи мақом номи, Шашмақомда Дугоҳ ва Наво мақомларининг Наср шўъбаларининг номи.

## **МАҚОМЛАР (ШАРХЛАР)**

### **Ўрта Осиё ҳалқлари мусиқа маданияти тарихидан**

1. Мақомларнинг тарихий тараққиёт йўлини даврма-давр изчил ёритиб бериш масаласи шу бугунги кунда ҳам ўзбек мусиқашунослиги олдида турган энг муҳим илмий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Исҳоқ Ражабов илмий меҳнати туфайли юзага келган мусиқий манбашунослик фан тармоғини ривожлантириш муҳимдир. Бугунги кунда мусиқий манбашунослик соҳаси икки асосий йўналишда намоён бўлмоқда. Шулардан бири мусиқа илми ва умуман мусиқага дахлдор эски ёзма манбаларни араб ва форс тилларидан ўзбек тилига ўгириб, уларга ҳозирги замон нуқтаи назаридан илмий шарҳ беришда кузатилса, иккинчиси – мусиқий археология тарзида зуҳур этади. Бунда мақомларнинг хусусий “тил” асосларида мужассам бўлган турли тарихий даврларга мансуб куй қатламларини аниқлаш ишлари алоҳида аҳамиятига эга.

2. Сўнгти йилларда Абу Наср Форобийнинг мусиқий-илмий мероси асосида эътиборга лойиқ тадқиқотлар амалга оширилди ва бир қатор нашрлар юзага келди. Жумладан, қаранг: Назаров А. Ф. Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида (мумтоз ийқоъ назарияси). Тошкент, 1995; З. Орипов. Форобий ва Шарқ мусиқашунослиги. //Санъатшунослик –II. Тошкент, 2005; С. Даукеева. Философия музыки Абу Насра Мухаммада аль-Фараби, Алматы, 2002.

3. X-XI асрларда Етти мақом тизими мусиқа амалиётида қўлланганлиги таҳмин қилинади. Қаранг: Иброҳимов О. Рангларда садоланган мақомлар. Тўплам: Шашмақом сабоқлари – II. Тошкент, 2005.

4. Ҳозирги кунда тиббиётнинг таркибий қисми сифатида ривож топиб бораётган мусиқий табобат соҳаси ҳам кўп жиҳатдан Ибн Сино меросига таянади.

5. Сафиуддин Урмавийнинг «Китабул - адвар» илмий асари мусиқашунос олим А.Ф. Назаров томонидан ўзбек тилига ўгирилган бўлиб, унинг қўллэзма нускаси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида сақланмоқда (Инв. № 849).

6. Маҳмуд Шерозийнинг «Дар илми мусиқий» асари И. Дадажонова томонидан номзодлик диссертацияси мавзуи сифатида маҳсус ўрганилган. Қаранг: Дадажонова И. “Қутбиддин аш-Шерозийнинг мусиқий таълимоти” Номзодлик дисс. автореферати Тошкент, 2002.

7. Исҳоқ Ражабовнинг шахсий кутубхонаси архивларида муаллифнинг «Амир Темур ва Темурийлар даври мусиқа маданияти» номли илмий тадқиқот қўллэзмаси сақланмокда. Қўллэзманинг нашр қилиниши ушбу мавзуни ўрганиш борасида аҳамияти катта эканлиги шубҳасизdir.

8. Озарбайжонлик олима Сурайё Агаеванинг берган маълумотига кўра Абдулқодир Марофий маҳоратли чолғучи бўлган ва айниқса уд созини муз

каммал эгаллаган. Қаранг: С.Агаева “Из истории музыкальной культуры Азербайджана”. //Музыка народов Азии и Африки. Вып. 3., Москва, 1980, с. 253.

9. Абдулқодир Мароғийнинг «Мақасидул алҳан» ва «Жамиъул- алҳан» номли илмий асарлари афсуски, шу кунга қадар олимларимиз томонидан маҳсус ўрганилмаган, бинобарин, бу асарларни ўзбек тилига таржима қилган ҳолда тадқиқ этиш масаласини ўзбек мусиқашунослиги олдида турган муҳим илмий вазифалар қаторида қарамоқ лозим.

10. Назаримизда, Хўжа Абдулқодир Мароғийнинг мусиқа амалиёти билан бир қаторда унинг илмий-назарий асосларини теран билганлиги ҳамда бошқа санъаткорлар билан ҳакорликда олиб борган илмий-ижодий фаолияти Ўн икки мақом тизимининг Самарқанд сарой мусиқасига жорий этилишида ҳал этувчи ўрин тутган. Профессор Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» рисоласидаги қўйидаги сатрлар ҳам шунга ишора этади: “Темурнинг бўйруғи билан ҳар томондан келтирилган ихтисосчи олимларнинг ғайратлари билан бу санъат (Ўн икки мақом - О.И) бирдан жонланди, оёққа босди. Ислом Шарқининг ҳар томонидан келтирилган чолғулар бизнинг бу кунги классик мусиқамизнинг юксалишига, кўтарилишига хизмат қилдилар» Фитрат.А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1933, 39-40.

11. Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи мусиқий»си ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб нашр этилган Қаранг: Жомий Абдураҳмон. Рисолайи мусиқий (форс тилидан Нафас Шодмон таржимаси.) Тошкент, 1997.

12. Шарқшунос олим Зокир Ориповнинг аниқлашича, «Алишер Навоий раҳбарлигига, раҳнамолигига ёки даъвати билан яратилган, бизга маълум мусиқага оид рисолалар қўйидагилар:

- Абдураҳмон Жомий. «Рисолаи мусиқий».
- Зайнулобидин Ҳусайнний. «Қонуни илми ва амалий мусиқий».
- Камолиддин Биноий. «Рисола дар мусиқий».
- Абу Алишоҳ Бука. «Аслул васл».
- Мир Муртоз. «Рисолаи мусиқий».
- Ҳожи Шахобиддин Абдулло Марварид. «Рисолаи мусиқий».
- Маҳмудий. «Рисола дар илми мусиқий»

Қаранг: Орипов.З. Навоий даври мусиқа рисолалари ҳақида. //Мусиқа ижодиёти масалалари II. Тошкент, 2002, 49-50).

13. Зайнулобидин Ҳусайннийнинг «Қонун»и 1987 йили Душанбе шаҳрида нашр этилган. Мазкур нашрга асарнинг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида сақланаётган қўллэзмаси асос этиб олинган. Қаранг: Ҳусайнний Зайнулобидин Маҳмуди. Қонуни илми ва амалий мусиқи. Таҳия, таҳқиқ ва факсимилиеи дастнавис ва тавзеҳоти Асқарали Ражабов. Душанбе, Доңиш, 1987 й.

14. Исҳоқ Ражабовнинг амал, нақш, иш каби шакллар кейинчалик умуман «тарона» ёки «сувора» номи билан юритилганлиги ҳақида фикр-мулоҳазалари жиддий асосга эга эканлиги маълум бўлмоқда. Бу ҳақда қаранг:

Юнусов Р.Ю. Шашмақом тароналари хусусида. //Мусиқа ижрочилиги ва педагогикаси масалалари. Тошкент, 1999; Ойхужаева Ш. Шашмақом тароналарида оҳанг масаласи. “Шашмақом анъаналари ва замонавийлик” Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.

15. Нажмиддин Кавкабийнинг «Рисолаи мусиқий» асари тожикистонлик олим Асқарали Ражабов томонидан нашрга тайёрланиб чоп эттирилган. Қаранг: Кавкабий Нажмиддин. Рисолаи мусиқий. Рисола дар баёни Дувоздаҳ мақом (Таҳия, таҳқиқ ва тавзехот ба қалами Асқарали Ражабов). Душанбе, Ирфон, 1985.

16. Дарвиш Али Чангийнинг ушбу асари «Туҳфатус-сурур» номи билан ҳам маълум. «Рисолаи мусиқий»нинг матни тўлиқ ҳолда Дилбар Рашидова томонидан рус тилига ўтирилган бўлиб, унинг қўлёзмаси нусхаси СИТИ кутубхонасида сақланади (Инв.№ 879).

17. Дарҳақиқат, Шашмақомнинг 1966-75 йиллари олти жилдда нашр этилганnota ёзувлари аввалги нашрлардан нисбатан муқаммалиги билан ажраби туради. Академик Юнус Ражабийнинг эътироф этишларича: «...кейинги йилларда мақом ижрочилидаги тажриба ҳатто «[Шашмақом]»нинг сўнгги нашрида ҳам айрим кўй ва ашула йўлларига баъзи тузатиш ва изоҳлар бериб ўтиш лозимлигини кўрсатади», «1959 йилдаги нашрда мақомларда ўрни бўлиши лозим бўлган баъзи қисмлар етишмаслиги аниқланди... нотата олинган кўй ва ашуулаларнинг дойра усулларида, миллий ижрочиликка хос бўлган баъзи хусусиятларда, кўй тузилишида озми-кўпми камчиликлар борлиги кўзга ташланди. Шуларни эътиборга олган ҳолда Шашмақомнинг янги нашрини тайёрлаш лозим топилди». Қаранг: Юнус Ражабий Мусиқа меросимизга бир назар. Тошкент, 1978, 11-12 б.

18. Ушбу китобча 1998 йили Ботир Матёқубов муҳаррирлигига қайта нашр этилди: Мулла Бекжон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Т., 1998 й.

19. Абдурауф Фитратнинг ушбу илмий асари 1993 йили қайта нашр қилинган. Қаранг: Фитрат Абдурауф. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи (Нашрга тайёрловчи Каримбек Ҳасан, шарҳловчи Алибек Рустам, муҳаррир Асрор Самад). Тошкент, 1993.

## МАҚОМЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Ушбу ҳолат мақомларнинг дастлабки қатламлари ниҳоятда қадимий эканлигига ишора этади, бинобарин, мақомларда энг қадимги даврларга мансуб мусиқа намуналарининг ўрни ҳам бор. Уларни аниқлаб бериш мақомшунослигимиз олдида турган навбатдаги муҳим илмий вазифалардан бириди.

2. Бу фикрда катта асос бор. Чунки кўрсатиб ўтилган (Бойчечак, Рамазон, Алла, Ёр-ёр, достон ва б.) айтим жанрларининг аксарияти муайян маросимлар билан қатъий боғланганки, бу ҳол уларнинг нисбатан муқим шаклда яшаб келишини таъминловчи омиллардан бўлган. Маросим мусиқаси-

нинг шу ва яна бошқа жиҳатлари ҳақида қаранг: Абдуллаев Р.С Обрядовая музика Центральной Азии. Ташкент, 1994.

3. Ҳозирда у ёки бу чолғунинг дастлаб қайси маданий маконда ва ким томонидан ихтиро этилганлигини аниқ айтиб бериш мушкул, албатта. Бир мамлакатда кашф этилган чолғу турли сабаблар (халқаро тижорат, маданий қийматлар алмашинуви жараёнлари, ҳукмдорлар томонидан туҳфа сифатида тортиқ қилиниши ва ҳ.к.) билан бошқа юртларга, ўзга ўлкаларга келтирилган. Шу каби «саёҳатлар» натижасида у ёки бу чолғунинг шакли ўзгаришларга учраган бўлиши, тадрижий ривожи асносида тобора такомиллашуви ҳам юзага келган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу маданий жараёнга қадимий Шарқ халқларининг деярли барчаси ўз ҳиссасини қўшган. Зоро, Шарқ халқларида мусиқа маданиятида мавжуд чолғуларнинг ташки қиёфаларидан тортиб, садоланиш манбаларигача жуда кўп ўзаро ўхшашликлар бор.

4. Бугунги ўзбек мусиқа маданиятида уд чолғуси ўз “мавқесъини” қайта тиклай бошлади. Хусусан, уд ижрочилиги анъанавий мусиқа таълими жараёнинга киритилди, мақом ижрочилиарининг Республика танловларида ҳам уд чолғусида асарлар ижро этиш назарда тутилган, шунингдек турли мақом ансамбллари таркибидан ҳам тобора муқим ўрин олмоқда.

5. Ўн етти поғонали товушқаторнинг келиб чиқиши масаласида турли мuloҳазалар мавжуд. Октава миқёсидаги ушбу товушқатор Ўн икки мақом тизими таркибий нағмаларининг муайян тартибга солинган низомига ўхшайди. Нота тизими воситасида уни шундай тасаввур қилиш мумкин:

6. Ушбу жамъларни ноталар воситасида келтирамиз:

### 1. Даври Ушишок

### 2. Даври Бусалик

### 3. Даври Наво

Musical notation on a staff with notes and rests. The notes are labeled with Cyrillic characters: А, Д, Х, Х, Йа, Йб, Йх, Йз. Below the staff are corresponding numbers: 0, 204, 90, 294, 204, 498, 702, 90, 792, 204, 996, 204, 1200.

0	204	90	294	204	498	702	90	792	204	996	204	1200
204				204		204	90		204		204	

### 4. Кучак (тўлиқ шакли)

Musical notation on a staff with notes and rests. The notes are labeled with Cyrillic characters: А, Д, Х, Х, Йа, Йб, Йх, Йз. Below the staff are corresponding numbers: 0, 180, 294, 498, 678, 792, 882, 90, 114, 204, 180.

0	180	294	498	678	792	882	90	114	204	180	114
180				180				114			

### 5. Исфахонаининг бир тури

Musical notation on a staff with notes and rests. The notes are labeled with Cyrillic characters: А, Д, Х, Х, Йа, Йб, Йх, Йз. Below the staff are corresponding numbers: 0, 180, 180, 228, 408, 204, 498, 180, 678, 792, 90, 882.

0	180	180	228	408	204	498	180	678	792	90	882
180				204		180		114			

### 6. Номсиз жамъ. Уззолга ўхшайди (Чоргоҳ Ҳижози деб ҳам аталади)

Musical notation on a staff with notes and rests. The notes are labeled with Cyrillic characters: А, Д, Х, Х, Йа, Йб, Йх, Йз. Below the staff are corresponding numbers: 0, 180, 180, 228, 408, 90, 498, 204, 702, 180, 882, 114, 996.

0	180	180	228	408	90	498	204	702	180	882	114	996
180				90		204		114				

### 7. Наврӯз (тўлиқ шакли)

Musical notation on a staff with notes and rests. The notes are labeled with Cyrillic characters: А, Д, Х, Х, Йа, Йб, Йх, Йз. Below the staff are corresponding numbers: 0, 180, 180, 114, 294, 204, 498, 114, 612, 180, 792, 204, 996.

0	180	180	114	294	204	498	114	612	180	792	204	996
180				204		114		180				

### 8. Номи машҳур бўлмаган жамъ, бальзан Чоргоҳ ва Исфахон деб аталади

Musical notation on a staff with notes and rests. The notes are labeled with Cyrillic characters: А, Д, Х, Х, Йа, Йб, Йх, Йз. Below the staff are corresponding numbers: 0, 180, 180, 114, 294, 114, 408, 90, 498, 204, 702, 180, 882, 114, 996.

0	180	180	114	294	114	408	90	498	204	702	180	882	114	996
180				114		408		90		204				

### 9. Номи машҳур бўлмаган жамъ

Musical notation on a staff with notes and rests. The notes are labeled with Cyrillic characters: А, Д, Х, Х, Йа, Йб, Йх, Йз. Below the staff are corresponding numbers: 0, 204, 204, 204, 408, 204, 612, 90, 702.

0	204	204	204	408	204	612	90	702						
204				204		204		90						

### **10. Номи машхур эмас**

Musical staff with notes and corresponding numbers below:

0	204	204	408	180	588	114	702
---	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

### **11. Номи машхур эмас. Ҳусайнига ўхшайди.**

**Сегоҳ ва Ҳижоз дейниш ҳам мумкин**

Musical staff with notes and corresponding numbers below:

0	180	180	114	294	204	498	204	702	180	882
---	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

### **12. Номи машхур бўлмаган жамъ. У Уззолга ўхшайди**

**(Сегоҳ ва Ҳижоз дейниш ҳам мумкин).**

Musical staff with notes and corresponding numbers below:

0	180	180	228	408	90	498	204	702	180	882
---	-----	-----	-----	-----	----	-----	-----	-----	-----	-----

### **13. Исфаҳонак. Гувашт ва Баста деб ҳам юритилади.**

Musical staff with notes and corresponding numbers below:

0	180	180	204	384	114	498	180	678	114	792	90	882
---	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	----	-----

### **14. Раҳовий (тўлиқ шакли).**

Musical staff with notes and corresponding numbers below:

0	180	180	228	408	90	498	114	612	180	792	114	996
---	-----	-----	-----	-----	----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

### **15. Бузург асл.**

Musical staff with notes and corresponding numbers below:


0	180	180	204	384	114	498	180	678	90	768
---	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	----	-----

### **16. Бузургининг бир тури**


Musical staff with notes and corresponding numbers below:

0	180	180	228	408	90	498	180	678	90	768
---	-----	-----	-----	-----	----	-----	-----	-----	----	-----


**17. Уззол.**




**18. Мойа**




**19. Шахноз.**




**20. Ҳисор**




**21. Гардония**




**22. Найризий**




**23. Зирафканди кучак**




**24. Прок**




**25. Зовулий**




**26. Номи маълум бўлмаган жамъ**




**27. Ушишок**




**28. Бусалик**




**29. Наво Зул-арбаъ**




**30. Рост Зул-арбаъ**




### 31. Наврүз Зул-арбаъ




### 32. Рүйн Ирок.... Зул-арбаъ




### 33. Исфахон Зул-арбаъ.




### 34. Хижоз Зул-арбаъ



### 35. Ушшоқ. Жамъи зул-хамс.



### 36. Бусалик



### 37. Рост

0 - 204 - 394 - 498 - 702  
204 180 114 204

### 38. Исфахони асл.

Мухолиф ҳам дейилади

0 - 204 - 384 - 498 - 612 - 702  
204 180 114 114 90

### 39. Ҳусайнний

0 - 180 - 294 - 498 - 702  
180 114 204 204

### 40. Зиркаши Ҳусайнний

0 - 180 - 294 - 408 - 498 - 702  
180 114 114 90 204

### 41. Даври Рост

Жамъи зул-кулл

0 - 204 - 384 - 498 - 702 - 882 - 996 - 1200  
204 180 114 204 180 114 204

### 42. Даври Ирок

0 - 180 - 384 - 498 - 678 - 882 - 996 - 1200  
180 204 114 180 204 114 204

### 43. Ирокзинг бошқа тури

$\overline{\text{G}}$	$\text{B}^{\text{o}}$	$\text{D}^{\text{o}}$	$\text{E}$	$\text{F}^{\text{o}}$	$\text{G}^{\text{o}}$	$\text{A}^{\text{o}}$	$\text{C}^{\text{o}}$	$\text{D}^{\text{o}}$	$\text{E}^{\text{o}}$	$\text{F}^{\text{o}}$	$\text{G}^{\text{o}}$
0	-	180	-	384	-	498	-	678	-	882	-
180	$\wedge$	204	$\wedge$	114	$\wedge$	180	$\wedge$	204	$\wedge$	114	$\wedge$

44. Даври ....?

#### 45. Даври Хусайний

$\overline{d}$	$\overline{b\;e}$	$b\;\overline{w}$	$\overline{e}$	$\overline{o}$	$\overline{b\;e}$	$\overline{e}$
0	180	294	498	702	792	996
180	114	204	204	90	90	204

## 46. Гардония

	0	204	384	498	702	906	1086	1200
	204	180	114	204	204	180	114	

#### **47. Гардониянинг бошқа турлари**

$\text{F}^{\#}$	0	204	384	498	612	702	906	1086	1200
	204	180	114	114	90	204	180	114	

#### **48. Гардонияниш яна бир тури**

0	204	408	90	204	702	906	1086	1200
204	204	90	204	204	180	114		

#### **49. Гардонияның яна бир тури**

0	204	384	498	702	906	1110	1200
204	180	114	204	204	204	90	

**50. Гардониянинг яна бир тури**

Musical notation for exercise 50. The notes are: 0, 204, 204, 408, 204, 612, 90, 702, 204, 906, 204, 1110, 90, 1200.

**51. Даэри Бузруг**

Musical notation for exercise 51. The notes are: 0, 180, 204, 384, 114, 498, 114, 612, 90, 702, 204, 906, 180, 1086, 114, 1200.

**52. Бузургнинг бошқа тури**

Musical notation for exercise 52. The notes are: 0, 180, 204, 388, 114, 498, 114, 612, 90, 702, 180, 882, 114, 996, 90, 1096, 114, 1200.

**53. Бузургнинг яна бир тури**

Musical notation for exercise 53. The notes are: 0, 180, 204, 384, 114, 498, 114, 612, 90, 702, 180, 882, 1110, 1200.

**54. Зангула, Нихованл деб хам аталади**

Musical notation for exercise 54. The notes are: 0, 204, 204, 384, 114, 498, 180, 678, 228, 906, 90, 996, 114, 1110, 90, 1200.

**55. Ҳисор**

Musical notation for exercise 55. The notes are: 0, 180, 114, 294, 204, 498, 180, 678, 114, 792, 90, 882, 228, 1110, 90, 1200.

**61. Машхур булмаган (жамъ)**

Musical notation for exercise 61. The notes are: 0, 204, 204, 384, 114, 498, 204, 702, 180, 882, 228, 1110, 90, 1200.

### 62. Машхур бұлмаган (жамъ)

0 90 180 204 298 204 498 204 702 90 792 204 996 204 1200

### 63. Даври Исфахон

0 180 180 114 294 204 498 180 678 114 792 114 906 90 996 204 1200

### 64. Номи номаълум

0 180 180 114 294 204 498 114 612 180 792 204 996 204 1200

### 65. Номи номаълум.

(Иккита квинта диапазонидаги жамъ)

0 180 180 228 408 90 498 204 702 114 816 180 996 204 1200 204 1404

### 66. Нуҳуфти комил

(Октаавадан көнг диапазонда бұлған жамълар "Комил" яғни  
тұла жамъ ҳисобланады)

0 180 180 228 408 90 498 204 702 180 882 114 996 204 1200 180 1380 228 1608 90 1698

### 67. Бузруги комилнинг бир тури

0 180 180 204 384 114 498 114 612 702 882 114 996 114 1110 1200 180 1380 228 1608 90 1698

### 68. Бусалыки Комил

0 90 204 294 204 498 90 588 204 792 204 996 204 1200 90 1290 204 1494 204 1698

7. Шуни таъкидлаш керакки, 91 жамъ орасидан энг мукаммал даражада уюшган 12 та олий навъини ажратиб олишда уларнинг мулоийимлик жиҳати (яъни, таркибида консонанс интервалларнинг етарли миқдорда бўлиши) мухим ўрин тутган. Чунки шундай сифатга эга товушлар уюшмаси мусиқий идрок (tingles) нуқтаи назаридан энг маъқул ҳисобланган. Шунингдек, товушқаторларнинг ҳажми октава миқёсида бўлишлиги ҳам зарур кўрсаткичлардан биридир. Назаримизда, Маҳмуд Шерозий рисоласида келтирилган Ушшоқ, Бусалик, Наво, Кучак, Раҳовий, Ҳижоз, Зангула, Бузург, Ироқ Исфахон, Рост ва Ҳусайний мақомларининг октава ҳажмидан кичик диапазонда бўлган турлари шу сабабдан Ўн икки мақом таркибиға кирмай қолган.

8. Ушшоқ мақомининг миксолидий табиий ладига мос келувчи мукаммал товушқатори бизнинг даврга қадар ўз тузилишини муқим сақлаб келмоқда. Ҳусусан, Сурнай Ушшоғи, Содирхон Ушшоғи, Самарқанд Ушшоғи, Ушшоқ (Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов йўли) ва бошқа шу номли мусиқий намуналар фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

9. Бу ҳақда қаранг: Дарвиш Али Чанги. Трактат о музыке. Форс-тоҷик тилидан Дилбар Рашидова таржимаси, қўлёзма: СИТИ кутубхонаси, инв.№ 879, б. 26; Ражабов Исҳоқ. Мақом асослари. Тошкент, 1992 й. 6.41.

10. Наво мақомининг пардалар тизими Сурнай Навоси, Савти Наво, Чархи Наво, Мискин, Ажам каби Фарғона-Тошкент мақом йўлларида ҳам ўз кучини сақлаб қолган.

11. Буслик мақомининг пардалари бизгача етиб келган мақомот тизими (Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари)да нисбатан кенг қўлланмаган кўринади. Дастребки қиёсий кузатувлар натижасида унинг товушқатори Шашмақомдаги Рост мақомининг Наврўзи Сабо шўъбаси ҳамда унинг Талқинчай Наврўзи Сабо қисмларига асос бўлганлиги маълум бўлди. Бу ҳол айни пайтда Нажмиддин Кавқабий таълимотининг илмий-амалий аҳамиятига эътиборимизни жалб этади. Зоро Нажмиддин Кавқабий таснифотига кўра Наврўзи Сабо шўъбаси Буслик мақомига бириктирилган эди. (Кавқабий Нажмиддин. Рисолаи мусиқий. Душанбе, Ирфон, 1985, 48-50 бб.).

12. Ҳусайний мақомининг парда тузилишлари маълум қадар эолий ладига ўҳшайди. Бу ҳол унинг Наво мақомига яқинлигидан далолат берадики, шу сабабдан у Шашмақомдаги Наво таркибидан ҳам ўрин олган. Ҳар ҳолда Шашмақомнинг Наво туркумидаги Ҳусайнний шўъбаси мисолида мазкур мақомнинг кўҳна парда тузилиши кўп жиҳатдан ўз кучини сақлаб қолганлиги маълум бўлади. Шашмақомнинг Дугоҳ туркумидаги Дугоҳи Ҳусайнний шўъбасида, шунингдек Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан Дугоҳ-Ҳусайн айтим туркуми ва шу номли сурнай йўли намуналарида Ҳусайнний мақомининг ўзгарган шакли намоён бўлади. Бунда VI босқич товуш номуқим бўлиб, унинг ярим тон оралиғида тусланиши кузатилади.

13. Ҳижоз мақомининг бошқа номи Сегоҳ ибораси билан машҳур бўлиши бежиз эмас. Зоро, Нажмиддин Кавқабий таснифига кўра, Сегоҳ куй тузилемаси (шўъбаси) Ҳижоз пардаларининг қуий қисмидан бошлаб баён эти-

лиши керак эди (Кавкабий Нажмиддин. Рисолай мусиқи. Душанбе, Ирфон, 1985, б. 48). Ҳозирги кунда маълум мақомот тизимида гарчанд «Ҳижоз» атамаси деярли қўлланмаса-да, аммо унинг дорий ладига мос парда уюшмалари «Сегоҳ» номли мақом чолғу ва айтим намуналарида ўз кучини сақлаб келмоқда.

14. Зангугла атамаси мақомот тизимида сақланиб қолмаган. Аммо унинг товушқатори «Чоргоҳ» ва «Дугоҳ» номли мақом намуналарининг асосий куй йўли (пардалари) сифатида намоён бўлади. Бунга Чоргоҳ I-V, Сарахбори Дугоҳ, Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ кабилар мисол бўлиши мумкин.

15. Шашмақом (Мухайари Ироқ) ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларида (Сурнай Ироғи, Ироқ Дучаваси, Чўли Ироқ ва б.) Ироқ мақомининг асосан биринчи тури намоён бўлади.

16. Мақомот тизимида ҳозирга қадар Исфаҳон мақомининг ўрни аниқланган эмас. Унинг пардалари бошқа мақом ёки шўъбалар таркибига сингиб кетган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

17. Зирафканд мақомининг ўрни ҳам номаълум. Бу мақомнинг пардалари умуман амалий истеъмолдан чиқсан бўлиши ҳам мумкин. Чунки унинг таркибидаги товушларнинг (114 ва 90 цент) икки маротаба кетма-кет келган ярим тон нисбати ўзбек мусиқаси табиятига хос эмасдир.

18. Аксарият рисолаларда Бузург мақоми Ўн икки мақомнинг якунловчи бўғини сифатида келади. Унинг парда тузилишлари ва Шашмақом туркумида биринчи бўлиб келган Бузрук ҳамда Бузрукнинг сурнай йўллари (Бузрук, Савти Бузрук, Қашкарчаи Бузрук ва б.)га асос бўлган товушқаторлар орасида кўпгина яқин жиҳатлар мавжуд.

19. Овозлар Ўн икки мақомдан фарқли равишда октава (зул-кулл) ҳажми билан қатъий чекланмаган. Уларнинг аксарияти икки кўринишда қайд этилган.

20. Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангийларнинг юқорида зикр этилган рисолаларида Нишобурак, Мағлуб ва Ажам номли шўъбалар ҳам қайд этилган.

21. Ушбу нота мисоллари воситасида акс этган куй тузилмаларида икки поғонали ду-гоҳ товушлари алоҳида ажralиб турилиши таъкидланмоқда. Бу ҳол Дугоҳ мақомининг қадимий келиб чиқиши билан боғлиқ хусусият бўлиши керак. Чунки узоқ ўтмишда «куйлар диапазони жуда тор, икки-уч поғонали бўлган» (И.Ражабов). бу фикрни замонавий этномусиқашунослик илми эришган натижалар ҳам тасдиқламоқда. (Алексеев Э. Раннефольклорное интонирование. М., 1986).

22. Дарҳақиқат, қиёсий таҳлиллар ва уларнинг натижалари Исҳоқ Ражабовнинг илмий таҳмини асосли эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан ўрин олган Сегоҳ номли намуналар асосида Ҳижоз мақомининг пардалари борлиги маълум бўлди.

23. Чоргоҳ шўъбаси дастлаб тўрт таянч пардали куй тузилмасини ифода этганлиги ҳақиқатга яқин бўлса керак. Ҳозирда «Чоргоҳ» номи билан маъ-

лум мақом намуналарининг таҳлили шундай хulosага маълум асос бўлиб хизмат қилмоқда (Қаранг: Шашмақом – Талқини Чоргоҳ, Савти Чоргоҳ; Фарғона-Тошкент мақом йўллари: Чоргоҳ I-V).

24. Шўйбалар гуруҳига Шарқ ҳалқлари (араб, эрон, тожик, турк ва б.)нинг қадимдан ижро этиб келинган анъанавий куй-ашулалари тасниф этилган кўринади. Ҳар ҳолда уларнинг номларида (Наврўзи Араб, Нарўзи Баётӣ, Наврўзи Хоро, Ҳисор ва б.) ва аксарият кичик ҳажмли парда тузилишларида куй хусусиятларига ишоралар бор.

25. Дарҳақиқат, «Мухайяри Ҳусайнний»нинг лад асоси бизнинг тасаввур ва тушунчаларимизга мувофиқ бўлган бош парда (тоника), товушларнинг марказий парда асосида муайян уюшиб келиши ва асосий таянч (парда)га «ечилиши» каби ҳолатларга деярли мувофиқ келмайди. Куй ривожида кузатиладиган ўзига хос жиҳатлар сифатида қўйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

а) куй ривожи билан боғлиқ ҳар бир даврда муваққат таянч пардалар юзага келади ва улар «эркин» равишда алмашиниб туради;

б) куйнинг умумий ўйналиш ҳаракати, ҳозирда бизга маълум мақом намуналаридан фарқли ўлароқ, юксалма тарзда эмас, балки аксинча, қўйилик тамойилига асосланган;

в) муваққат таянч пардалар ўзаро тортишиш кучидан кўра кўпроқ ўзаро «тентглик» муносабатларига асосланади.

Бу каби ҳолатлар ўша давр мусиқа тафаккури ўзгача бўлганилигидан дарак беради. Иттифоқо, таянч пардалари ўзгарувчан (ёки номуқим) бўлган лад тузилмалари ўрта аср европа мусиқаси учун ҳам хос бўлган. Мутахассислар бундай товуш тузилмаларини «модал ладлар» деб тавсифлайдилар.

## ЎН ИККИ МАҚОМ ВА ШАШМАҚОМ

1. Мусиқашунос Р.Ю.Юнусов Озарбайжон муғомларининг тарихий ва назарий масалалари ҳамда уларни ўзбек-тожик мақомлари билан қиёсий ўрганиш борасида самарали тадқиқотлар олиб борди. Ҳусусан, қаранг: Юнусов Р.Ю. Макомы и мугамы. Тошкент, 1992.

2. Эрон мақомлари ҳақида яна қаранг: Виноградов В.С. Классические традиции Иранской музыки. Москва, 1981.

3. Ўйғур мусиқаси бўйича мутахассис А.С.Ҳошимов тадқиқотларидан маълум бўлишича, ўйғур муқомлари маҳаллий хусусиятларига кўра 7 турга бўлинади: Или муқомлари, Кумул муқомлари, Дўлон муқомлари Қашғар муқомлари, Хўтсан муқомлари, Турфон муқомлари, Кучар муқомлари (Ҳошимов А.С. Ўйғур касбий мусиқа анъаналари. Тошкент, 2003).

4. Ушбу ўзгаришлар мақомот тизимида туб ислоҳотлар бўлиб ўтганлигига ишора этади. Бунинг асл сабабларидан бири, назаримизда, мақом парда ўюшмаларининг янги сифат даражасига ўтиши билан боғлиқ бўлган. Ушбу жараёнда товушларни ўзаро тортишиш ҳамда марказий парда сари интилиш хусусиятлари кучланган. Бошқача айтганда, мақомот тизимида лад-тоналлик асослари шакллана бошлаган. Шу асосда турли гуруҳ товушқа-

торларини ўзаро бирлаштириш, уйғунлаштириш имкони юзага келган бўлса керак. Бу жараён XVI асрда бошланиб, Шашмақом шакллангунга қадар (яъни XVIII асрғача) давом этган кўринади. Ушбу масалани ўрганишда Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангийларнинг рисолалари мұҳим ўрин тутади. Зеро уларда мусиқий тафаккурда содир бўлаётган сифат ўзгаришларини акс эттирувчи ҳолатлар яққол кўзга ташланади. Масалан, бу рисолаларда ўн етти поғона тизими қайд этилмайди, мусиқа амалиётида унга эҳтиёж қолмаган бўлиши керак. Фараз қилиш мумкинки, янги шаклланаётган (бизнинг тафаккуримизга яқин) мусиқий тафаккур идроки кесимида бир комма (24 ц) нисбатидаги товушлар қиймати ўзининг мустақил аҳамиятини йуқотган. Айни чоғда товушларнинг оралиқ масофалари кенгайган, бинобарин, уларнинг тусланиш сифатлари юзага кела бошлаган.

Яна бир мұҳим ҳолат - шўйбалар гурӯҳи 12 мақом пардаларига бириттирилиб, бевосита уларнинг (мақомларнинг) қуи ва юқори қисмларидан тузила бошлайди. Бу ҳам тизим гурӯҳларининг тобора жипслалиб, бирлашиб бораётганлигига ишора этади.

## ШАШМАҚОМ

1. Мазкур жумладаги “шева” сўзини «маҳаллий мусиқий услугуб» маъносида тушунмоқ керак. Дарҳақиқат, Шашмақомни Бухоро Самарқанд маҳаллий мусиқий услубинингина маҳсулси сифатида баҳолаш нотўғридир. Чунончи, Шашмақом феноменни қомусийлик хусусияти билан ҳам тавсифланади – унда турли тарихий давр ва макон – замонга бориб тақалувчи мусиқий намуналар мумтоз шаклда мужассам этилган. Бинобарин, Шашмақомда бошқа маҳаллий услубларга (Фарғона-Тошкент, Хоразм ва б.) хос жиҳатлардан тортиб, минтақавий ва ундан-да кенгроқ миқёсда намоён бўлувчи бадиий қонуниятлар ўз аксини топган. Бу ўринда қиёсий тадқиқотлар натижаси ҳам эътиборлидир. Алалхусус, Ф.Кароматли ва Ю.Эльснер ҳаммуаллифлигода ёзилган “Макам и маком” номли мақолада ўзбек-тожик Шашмақоми ва араб мақамлари ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлари муайян таҳдиллар асосида келтирилди. Бу ҳақда қаранг: Кароматов Ф., Эльснер Ю. Макам и маком. В кн: Музыка народов Азии и Африки. Вып. 4. М., 1984, 88 – 135 б.

2. Бу кўрсатма ҳар бир мақомнинг пардалар уюшмаси ўзининг тоналлик асосига эга бўлганлигини яна бир карра тасдиқлайди. Эндиликда Шашмақом пардаларини исталган товушдан бошлаб (Ун икки мақомда кўзда тутилгани каби) ижро этиш жоиз эмас, зеро ҳар бир мақомнинг ўзгармас мұқим ўрни етакчи чолғу – танбур пардаларига мустаҳкам боғлаб қўйилди.

## ШАШМАҚОМНИНГ ЧОЛҒУ БЎЛИМИ

1. «Маком ва ҳалқ мусиқаси» муносабатларига доир бир жумлада билдирилган бу фикр-мулоҳазалар аслида теран кузатувлар натижаси бўлиб, кенг умумлашма маъноларни англаради. Зотан мақомлар, бир томондан, «ҳалқ

мусиқаси бойликлари базасида яратилган зди», яъни халқ мусиқа ижодистида юзага келган нодир күй-оҳанг қурилмалари, сержило ритм ва шакл тузилемаларм мақом ижодкорлари учун энг муҳим асос ва илк намуналардан бири бўлғанлиги мантиқийдир. Шу билан бирга халқ мусиқаси бойликлари мақомларни юзага келтиришда дастлабки «туртқи» бўлибгина қолмаган, албатта. Зеро мақомлар турли ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларида янгиланиб турган, «халқ күй-оҳанглари луғати» билан жонли боғлиқликда бўлган ва бу ижодий таъсирланиш жараёнида ҳар бир давр учун хос замонавий оҳанг фазилатларини ўзига сингдириб борган. Айни пайтда мақомларнинг халқ мусиқаси тараққиётига кўрсатган таъсири ҳам шубҳасиз каттадир. Халқ ижодида юзага келган кенг нафасли ва шаклан ривожланган кўплаб ашуулаларда (масалан, Танавор, Эрмиш, Адолат, Соғиниб ва б.) бевосита мақомларга хос жиҳатлар аксини кўришимиз мумкин. Умуман олганда “Мақом ва халқ мусиқаси” алоҳида тадқиқот мавзуи сифатида ўрганилиши керак.

2. Мухаммас номли күй қисмларида намоён бўлаётган умумийликлар мақом туркумларини ўзаро мустаҳкам боғлашда, уларни яхлит тизим ҳолига келтиришда муҳимдир. Бу каби умумий ва ўхшаи ҳолатлар бошқа таркибий (Тасниф. Таржсъ, Гардун ва б.) қисмлар аро ҳам кузатилади. Шу билан бирга, ҳар бир мақомнинг чолғу (Мушкилот) бўлими учун, тадқиқотда қайд этилганидек, Тасниф күй-мавзуси асосий тематик материал бўлиб хизмат қиласиди. Тасниф мавзуи қисмдан-қисмга қараб турли дойра усуулларига туширилади ва ўзида янги сифатларни кашф этган ҳолда ривож топиб боради. Шу аснода Мушкилот қисмларининг мантиқан ўзаро боғланган яхлит туркуми қарор топади. Бунда, бир томондан, дойра усуулларининг “оддийдан мураккабга” тамойили асосида мақом қисмларининг туркумланиши назарда тутилса, иккинчи томондан - ана шу тамойил ўзида гўё энг қадимги дунё мусиқа маданиятининг тарихий босқичлар узра тадрижий ривожланиш жараёнларини бадиий акс эттиради. Айни пайтда “оддийдан – мураккабга” (оддийдан - мукаммалликка) тамойили биргина дойра усуулларигагина тегишли бўлиб қолмай, балки умуман мақомот тизимида ифода этилган фалсафий таълимотининг ўзагини ҳам ташкил этади. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар эса нафақат мақомот масалаларини, балки халқ мусиқа ижодиёти қонуниятларини ўрганишда ҳам зарурыйдир.

3. Албатта, бу ерда мақом чолғу йўлларининг рондосимон шаклда эканлиги жуда шартли айтилганлигини назарда тутмоқ керак. Зеро, «бозгуй - хона» нисбатини рондодаги «рефрен - эпизод» муносабатларига тўғридан-тўғри тенглаштириб ҳам, қиёслаб ҳам бўлмайди. Зотан «бозгуй-хоналар» умумий күй-мавзунинг ифодаси ўлароқ бир-бирини тўлдирувчи мусиқий жараёнга боғлиқ бўлса, «рефрен – эпизод» нисбатлари аксарият тазод (контраст) принципидаги турли мавзуларга асосланади.

## ШАШМАҚОМНИНГ АШУЛА БҮЛИМИ

1. Шашмақомдаги намудлар масаласи ойдинлашмай туриб, мақом шўъбалари ва умуман, бу санъат моҳиятини анлаб олиш анча мушкулдир. И.Р.Ражабовнинг самарали изланишлари ўлароқ мақомларда 8 та асосий намуд ва 2 та махсус авж (Турк, Зебо Пари) борлига маълум бўлди, ҳамда уларнинг шўъба шаклларда муайян қўлланиш жиҳатлари кенг ёритиб берилди. Айни пайтда шўъбаларнинг авж қисмлари мазкур шаклда энг муҳим ва марказий ўрин тутиши, намудлар боис Шашмақом тизими бўйлаб олий тартиб туркумлари (боғланмалари) юзага келиши илмий эътироф этилди.

2. “Уззол” номи куйнинг ички хоссаси билан борлиқ эканлиги Озарбайжон муғомлари таркибига кирувчи Уззол шўъбаси мисолида ҳам ўз исботини топган: мусиқашунос Р.Ю.Юнусов Озарбайжон Уззолининг куй ҳаракатида асосий таянч парададан туриб қўйига томон оҳанг сакраши содир бўлишини, сўнгра куй оқими яна дастлабки пардага қайтиб келишини аниқлаган. (Қаранг: Юнусов Р.Ю. Макомы и мугамы. Ташкент, 1992, с. 68).

3. Дарҳақиқат Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан Чоргоҳ I ва Сарахбори Дугоҳ орасида жуда кўп умумийлик ва ўхшашликлар бор. Шу жумладан, Сарахбори Дугоҳнинг бош мавзуи асосида, Чоргоҳ I да бўлгани каби, тўрт таянч пардали кўҳна куй борлиги қиссий таҳлиллардан маълум бўлмоқда. Бинобарин, аслида Сарахбори Дугоҳ ҳам Ўн икки мақом тизимидағи Чоргоҳ шўъбасидан униб чиқсан бўлиши керак.

4. Албатта, “Наср” сўзини шўъба номи билан эмас, балки мақом номи билан қўшиб аталиши ҳар жиҳатдан мантиқийdir. Наср шўъбалари айтим йўлларida энг салмоқли бўлиши билан бирга ҳар бир мақом ғоясини туркум даражасида рўёбга чиқарувчи энг муҳим якуний бўғинларидандир. Шу жиҳатдан ҳам улар мақом номи билан аталиши керак. Лекин, шу билан бирга, Шашмақомда расм бўлиб келаётган Насрнинг ҳозирги номланишлари (Насри Уззол, Насри Баёт, Насри Чоргоҳ ва б.) уларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлашда ва хусусан, Ўн икки мақом тизимидағи мақом ва шўъбалар билан муайян боғланишларини ўрганишда зарур кўрсатма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласида Сегоҳ мақомининг Савт шўъбасига доир қўйидагича қайдлар бор. “Сегоҳ мақомида Савт шўъбаси йўқ эди. Машҳур мусиқачи Ота Жалол томонидан меним (яъни Абдурауф Фитратнинг – О.И.) ташвиқим билан 1922-йилда басталанган эди”. Ушбу басталанган Савт шўъбасининг қўйидаги шохобчалари ҳам бўлган:

Савти Жалолий

Талқин

Қошғарча

Соқийнома

Уфар. (Қаранг: Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи, Тошкент, 1993, 24 б.)

6. Бу ҳол Шашмақом тизими қомусий характерга эга эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Зеро унда турли даврларда юзага келаётган халқ мусиқаси бойликлари ўзига хос мужассам бўлиб келди.

## ХОРАЗМ МАҚОМЛАРИ

1. Хоразм мақомларининг тарихий келиб чиқиш масаласида ҳозирги кунга қадар турли фикрлар мавжуд. Бу масалани ўрганишда И.Р.Ражабовнинг атрофлича ёндошувлари энг ишонарлидир. Бунда ўтмишда маълум муҳим манбалар ҳам инобатга олинмоқда, шу соҳанинг катта мутахассислари фикрлари ҳам ўрганилган, сўнгра теран кузатув ва мушоҳадаларга ўрин берилган. Дарҳақиқат, Хоразм мақомлари, бир томондан, Ўн икки мақомга бевосита боғлиқ жиҳатларни ҳам намоён қиласиди. Бунга масалан, Мақоми Рост ва Таснифи Рост куйларининг қиёсий таҳлили ҳам маълум асос бўлиши мумкин. Зеро Мақоми Ростнинг куй асоси Таснифи Ростнидан умуман фарқлидир. Шу билан бирга Шашмақом туркуми Хоразм мақомларини яхлит бир тизимга туширишда андоза бўлганлиги ҳам шубҳасиздир.

2. Хоразм мақомларининг парда тузилишларида номутаносиблиқ ҳолатлари учрайди. Масалан, 1958 йили нашр этилган нота ёзувларида Наво мақомининг дастлабки таянч пардаси “до” кўрсатилиб, бироқ кейинчалик асосий таянч сифатида “ли-бемоль” товуш белгиланган. Натижада Чертим ва Айтим йўлларида икки турли парда уюшмалари юзага келган. 1980 йиллари қайта нашр этилган нота ёзувларида бу ҳолат таҳрир этилиб, Наво мақомининг асосий таянч пардаси этиб “фа” товуши белгиланган.

## ТОШКЕНТ, ФАРГОНАДА МАШҲУР БЎЛГАН МАҚОМ ЙЎЛЛАРИ

1. Фарғона-Тошкент мақом ашула туркумларида (Баёт, Чоргоҳ) андоза тусини олган бешлилик тартиби ҳамда уларнинг таркибига хос айрим зарбусуллари (Савт-Мўғулча, Қашқарча ва б.) Шашмақомнинг иккинчи гуруҳ шўйбалар туркуми шаклланишида сезиларли таъсири бор кўринади. Мазкур тадқиқотнинг олдинги бобларидан маълум бўлдикӣ, Мўғулча ва Савтлар биринчи гуруҳ шўйбаларига (Сарахбор, Талқин, Наср) назира тариқасида ижод этилган асарлардир. Шу билан бирга, Савт ва Мўғулчаларнинг ҳар бири ўз шохобчалари билан алоҳида-алоҳида (нисбий мустақил) туркумларни ҳосил этадики, бу ҳол назаримизда Фарғона-Тошкент мақом йўлларигагина хос алоҳидалик (тарқоқлиқ) ифодасининг ўзгача зуҳуридир. Айни пайтда Шашмақом иккинчи гуруҳ шўйбалари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари орасидаги алоқадорлик, олдинги бобларда қайд этилганидек, куй оҳанглари даражасида ҳам кузатилади. Мазкур далиллардан кеслиб чиққан ҳолда хулоса қилинш мумкинки, Шашмақом иккинчи гуруҳ шўйбалари нафақат Сарахбор ва Насрларга, балки, Фарғона-Тошкент услубидаги мақом йўлларига ҳам назира этилгандир. Бу ҳол Шашмақомнинг қомусий жамлаш хусусиятига ҳам айнан мувофикдир.

2. Фарғона-Тошкент мақом йўлларига нисбатан “Чормақом” иборасининг ишлатилиши асосиз эканлиги жуда тўғри танқид қилинган. Дарҳақиқат, Фарғона-Тошкентда мақом услубида ишланган қанчадан-қанча чолғу ва ашула йўллари борки, улар ўз моҳияти билан мазкур мақомлар гуруҳига мансубдир. Шу билан бирга, Фарғона-Тошкент мақомларини асосан Шашмақом шўъбаларининг варианatlари сифатида баҳолаш ҳам мунозаралидир. Жумладан, Гулёр-Шаҳноз, Мискин каби мақом йўлларининг бевосита келиб чиқиш манбаи Шашмақомда кўринмайди. Бундан ташқари, Баёт, Гулёр-Шаҳноз, Дугоҳ-Ҳусайний ашула туркумлари, Насрullo, Ажам, каби чолғу туркумлари ҳам ўзига хос жиҳатлари билан кўпроқ Фарғона-Тошкент мусиқий услубининг маҳсулидир.

Бугунги кунда ушбу турдаги мақом намуналарига нисбатан И.Р. Ражабов сарлавҳада кўрсатган “Мақом йўллари” (яъни Фарғона-Тошкент мақом йўллари) ибораси кўпроқ қўлланилмоқда.

3. Шуни айтиш керакки, XX аср ўрталарида аксарият мусиқачи ва назариётчи олимлар орасида Тошкент-Фарғона мақомларини бор-йўғи тўрт туркумдангина (Баёт, Чоргоҳ, Дугоҳ-Ҳусайн, Гулёр-Шаҳноз) иборат, деган фикр ёйилган эди. Шу боис бу турдаги мақомларни “Чормақом” деб номлаш одат тусига кира бошлайди. И.Р.Ражабов бу нуқтаи-назарни асосли равиша танқид этиш билан бирга мазкур масалани мутлоқ бошқа ёндашув асосида ўғаниш зарурлигини кўрсатиб бермоқдалар. Бу ўринда Чормақом таркибига кирмаган Насруллоий, Ажам, Мискин каби кўплаб намуналар ҳам Тошкент, Фарғона мақомларига дахлдор эканлиги тўғри таъкидланмоқда. Ушбу кўрсатма Тошкент ва водий бўйлаб тарқалган мақомларни махсус ўрганиш жараёнида ҳам муҳим услубий асос бўлди. (Қаранг: Ибрагимов О.А. Фергано-Ташкентские макома. Ташкент, 2006).

## ШАШМАҚОМ ИЖРОЧИЛИК МАСАЛАСИГА ДОИР

1. Ҳозирги даврда Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига хос ижрочилик услубларини намоён этиш – Тошкентда 1983-йилдан бошлаб ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказилаётган Мақом ижрочилигининг Республика танловларида муқим тус олмоқда.

2. Айтиш услубларини таснифлаш борасида Узбекистон ҳалқ ҳофизи Фаттоҳон Мамадалиевнинг 2001 йил нашр этилган “Миллий мусиқа ижро-чилиги масалалари” (Р.Юнусов таҳрири остида) илмий рисоласи ҳам эътиборга сазовордир.

3. Сўнгти пайтларда мақомларни концерт саҳналарида алоҳида (якка кўринишда) ижро этиш тамойили тобора одат тусига кириб бормоқда. Айни пайтда, уларни “кичик туркум” шаклида ижро этиш ҳоллари асосан турли даражадаги танловларда кузатилмоқда.

## МУНДАРИЖА

Мақомшунос аллома .....	5
Кириш .....	11
<b>БИРИНЧИ ҚИСМ</b>	
Үрта Осиё халқлари мусиқа маданияти тарихидан .....	14
Ўтмишда бастакорлик санъатининг батъзи масалалари ва куй шакллари ҳақида .....	31
Мақомларнинг назарий асослари .....	48
Мақом нима? .....	63
Ўн икки мақом тизими .....	81
Ўн икки мақом ва Шашмақом .....	142
<b>ИККИНЧИ ҚИСМ</b>	
Шашмақом .....	148
Шашмақомнинг чолғу бўлими .....	165
Шашмақомнинг ашула бўлими .....	181
Намудлар ҳақида .....	182
Шашмақом ашула бўлимининг биринчи груҳ шўйбалари .....	207
Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи груҳ шўйбалари .....	241
Хоразм мақомлари .....	261
Хоразм мақомларининг чертим йўллари .....	273
Хоразм мақомларининг айтим йўллари .....	278
Тошксит, Фарғонада машҳур бўлган мақом йўллари .....	285
Шашмақом ижрочилик масаласига доир .....	296
Шашмақом ва халқ ижодиёти .....	303
Қисқача хулоса .....	319
Илова:	
I. Фойдаланилган қўллэзма манбаларнинг қисқача тафсилоти .....	321
II. XIX аср Шашмақом шеърий матнлари .....	328
III. Атамалар луғати .....	375
Шарҳлар .....	382

**Исҳоқ Ризқиевич Ражабов**

**МАҚОМЛАР**

Мұхаррир *H. Норматов*

Босишга рухсат этилди 23.11.2006 й.  
Бичими 70x100  $\frac{1}{16}$ , Босма тобоги 25,25.  
Адади 1000 нұсха. Буыртма № 246

“SAN’AT” нашриёти  
700029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Faфур Fулом  
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
Тошкент, У. Юсупов күчаси, 86-үй